



# Шарқ юлдузи

*Ойлик  
адабий-бадший,  
ижтимоий-сиёсий,  
журнал*

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилари уюшмасининг органи*

---

10  
—  
1989

58-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Неъмат АМИНОВ**

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

**Саид АҲМАД**

**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**

**Омон МУХТОРОВ**

*(наср бўлими мудири)*

**Мурод МУҲАММАД ДУСТ**

**Умарали НОРМАТОВ**

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА**

**Муҳаммад СОЛИҲ**

**Хайриддин СУЛТОНОВ**

**Зоя ТУМАНОВА**

**Туроб ТўЛА**

**УЙҒУН**

**Ўлмас УМАРБЕКОВ**

**Носир ФОЗИЛОВ**


*(масъул котиб)*

**Азиз ҚАЮМОВ**

**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Учкун Назаров

## ЧАЁН ЙИЛИ

Роман<sup>1</sup>

27

Муродхўжа ака якшанба куни Шотурсунга оёғини уқалатиб ётувди, ҳовлидан Маъсуд билан кўришаётган хотинининг товуши эшитилди. Муродхўжа аканинг юраги хийла бежо ура бошлади. Ҳозир ўғли бу ерга, отасининг хонасига киради, саломлашади, анчадан бери кела олмагани учун кечирим сўраган бўлади, ўзини оқлайди, баҳона қидиради. Муродхўжа ака ўзини қай йўсинда тутсин? Хафа бўлгандек, совуққина муомала қилсинми, ёки ўзини бепарво кўрсатсинми? Муродхўжа ака Маъсудга ота. Шундай экан, ўғлидан хавотирланиши, ғам ейиши, уни соғиниши, кези келганда қаттиққўл бўлиши, сўроқлаши табиий бир ҳол. Бола азиз, одоби ундан азиз, дейишади. Қайси ота ўз фарзандини чатоқ йўлга бошлагиси келади, ёмонликни раво кўради. Ягона фарзанд экан, майли, кўз қорачиғидек асрайди, кўнглига қарайди, дилини ўкситмасликка уринади, бироқ талтайтиришга келганда — йў-ўқ! — пирини ҳам тан олмайди.

— Бўлди, қўлинг дард кўрмасин, — дея Муродхўжа ака Шотурсунга жавоб берди. Шотурсун қўлларини деворга уриб, юкни қоққан бўлди, чиқиб кетди ва даҳлизда Маъсудга дуч келди, сўрашишган овози эшитилди.

Маъсудни кўриб Муродхўжа ака ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди.

— Уринманг, ада, — дея Маъсуд югуриб келиб отаси билан қуоқ кўришди, ҳатто қучоқлашмоқчи бўлди, аммо ботина олмади. Муродхўжа ака ўғлининг бу ҳаракати маъносини фаҳмлади. Демак, отасининг дард чеккани ва икки кўзи унинг йўлида эканини хотини ўғлининг қулоғига шипшиган, Маъсуднинг қуоқ кўришиши ҳам ўзини айбдор ҳис этиб, мулзам бўлганидан. Майли, мулзам бўлиптими, демак орияти, инсофи бор экан. Ўзини айбдор ҳис қилиши ҳам чакки эмас, Муродхўжа аканинг ўғлига айтадиган жиддий гаплари бор, сал ўзини гуноҳкор сезиб турса, қулоғига қуядиган мулоҳазаларга шак келтира олмайди, кўнишга мажбур бўлади.

— Утир, ўғлим, — деди Муродхўжа ака вазмин меҳрибонлик билан ва фотиҳага қўл очди.

— Ада, озор чекибсиз, — деди Маъсуд отасининг юзидаги бита бошлаган олча қоқидек чандиғни кўриб. — Кечиринг, билмапман, хизмат ишлари билан бўлиб.

Шу гапи отаси дилига тугиб турган барча гиналар кучини қайтарди. Ўғли-да, бир оғиз илиқ сўз билан унинг дилидаги қаҳрни юмшатди.

— Ҳа, шу кўргилик ҳам бор экан, — деди Муродхўжа ака тиззасини силаб. — Худога шукур, ҳамма азоб орқада қолди. Бошида чўчидим ҳам, ҳар қалай, оддий яра эмас, дўхтирга учрай десам, улар бу ярани билишмайди, ўйиб олишади, ўрни чуқурча бўлиб қолади, деб маслаҳат беришмади, табибга кўрсатишга тўғри келди. Маслаҳат ўринли экан, мана — битиб қолди. Бир-икки кундан кейин ишга чиқсам ҳам бўлади. Ҳай, майли, фалокатдан холи бўлдик, энди ўзингдан сўрайлик. Қандайсан? Касал-пасал бўлиб қолмадингми? Хавотир чекдик. Уйдагилар мен билан овора бўлишиб, сендан хабар ҳам олишолмади. Хафамасмисан?

— Нега хафа бўлай, ада?

— Ишқилиб қаерда юрма, омон бўлсанг бас, бизнинг эртаю кеч дуоимиз шу, ўғлим.

— Раҳмат, ада, — деди Маъсуд ва ичида, энди нима деркин, деб ўйлади.

— Яхшиям Ҳошим ўшатта хизмат қилади, сени кўрганида саломингни етказиб

<sup>1</sup> Охири: Боши ўтган сонда.

туради, — деди Муродхўжа ака ва Маъсуд отасининг бу пичингини англади. — Шунинг учун ҳам кўнглимиз сендан тинч. Соппа-соғ бўлатуриб, келай демаганингга ҳайрон бўлдик. Нима, Ҳошим менинг бетоблигимни айтмадимми сенга?

— Айтди, ада, айтди, — деди Маъсуд шошиб. — Мен шунчаки тумов-резги, деб унча парво қилмапман. Барибир айб менда. Ишларим шунчалик тифиз бўлмаганида, неча марта келиб кетардим.

— Ишларинг тифиз... биз бу ерда, улфат орттирган бўлсанг, ўшалар билан алаҳ-сидингми, деб бир оз хавотирландик.

Маъсуд отасининг гумонида муайян нарсага шама борлигини тусмол қилиб қизариб кетди, ўзи учун жуда ҳам муҳим мавзу оралаганидан юраги нотинч ура бошлади. Нима қилсин, ҳозир пайти келиб қолди, очиб ташласинми? Ота «улфат» деб шама қилди, демак уйдагилари нимадандир гумонда ёки Ҳошимжон кўрган бўлса, келиб буларнинг ичига ғулғула солиб қўйган. Ҳошимжон кўрмовди чоғи, нима деб ғулғула солган бўлиши мумкин? Албатта отаси вазмин, идрокли одам, Маъсуд ҳарқанақа куракда турмайдиган гап айтмасин, у бобилламайди, бардош беради, мулоҳаза қилади, аммо иқрор бўлмаса, айтилган фикр унинг режасига зид тушса, кейин қарорини ўзгартириб бўлмайди, кескин чора кўришга тўғри келади. Шунинг учун аввал онасидан бошлаш лозим. Секин, ётиғи билан, ҳуркитмай чора қўллаш зарур. Акс ҳолда масаланинг ўзи қалтис, барбод бўлиши ҳеч гап эмас...

— Ҳа, айтгандек, — деди Муродхўжа ака «улфат» деганига ўғлидан садо чиқмагач. — Ҳошим трофеяга тушган нарсалардан ул-бул олиб келди. Сенга ҳам илинди-ми?

«Ҳм, ана гап қаерда? — ўйлади Маъсуд, омборга кириб кийим танлаганини ва Ҳошимжоннинг таажжубланганини эслаб. — Бояги шама бежиз эмас экан-да. Ғулғула, деб ўтирипман. Ушанда дилимдан ўтувди-я. Демак, Ҳожимжон гумонини айтган экан-да. Нима деб баҳона топсамикин? Ростини айтсам, ҳаммасини очишимга тўғри келади. Унда...»

— Илинмадимми? — атайлаб саволини қайтарди отаси.

— Илинди, илинди, — деди дарров Маъсуд ва: «Нега аёллар кийимини танладинг? Ким учун олдинг? Танлаган нарсаларни нима қилдинг?» деган навбатдаги саволларни муқаррар фараз қилиб, қўшиб қўйди: — Бир таниш офицер бор, ўша илтимос қилувди, хотинига олиб бердим.

— Ким ўша офицер? — синовчан сўради Муродхўжа ака. У биларди, агар ўғли офицер номини айтса, бориб суриштириши мумкин, унда ўғлининг ҳақ-ноҳақлиги очилади. Фош бўлибгина қолмай, нарсалар кимга аталганлиги ҳам ойдинлашади. — Исми, фамилияси борми ўша офицернинг? Нима сабабдан унга сахийлик қилгинг келиб қолди? Ким у? Қайси қисмда хизмат қилади?

— Ҳозир хизмат қилмайди, — деди Маъсуд гангиб ва дарров очиғини айтавермаганидан афсусланди.

— Шунақами? Нима учун хизмат қилмайди?

— Фронтга жўнатишди.

— Оиласи қолгандир, ё уларни ҳам фронтга жўнатишдимми?

— Қайдам, нега уларни жўнатишади?

— Қаерда туришади?

— Билмайман, — деди Маъсуд ғаши келиб. Нега ғаши келди, ўзи ҳам тушунмас эди. Ахир, отаси сўраётган нарсалар мантиқли. Ҳамманинг ҳам хаёлида шунақа саволлар туғилган бўларди. — Қаттан билай, уйига бориб юрипманми? Хотинини ҳам танимайман.

— Ундай бўлса, фамилиясини айт, — деди Муродхўжа ака қатъий тарзда.

— Урушга кетган одамнинг фамилиясини билиб нима қиласиз, ада?

— Ҳошимга тайинлайман, фамилияси орқали хотинини суриштириб топади.

— Топиб нима қилади? — сўради Маъсуд мутлақо ўзини йўқотаёзиб.

— Билсин-чи, ўша сен танлаган нарсалар ростдан ҳам хотинининг қўлига текканмикин?

— Тегмаган бўлиши ҳам мумкин.

— Нега мунақа, деб ўйлаётсан?! Ё жазмани борлигини биласанми?

— У ичарди, спиртга айривош қилиб олган бўлиши ҳам мумкин, — деди Маъсуд ва бу каби далил миясига келганидан ўзи суюниб ҳам кетди. — Ҳошимжон бориб суриштирса, эрининг сири фош бўлиб, хотини ноқулай аҳволда қолади.

«Ноқулай аҳволда ўзинг қолувдинг, лекин бир амаллаб ундан чиқволдинг», деб ўйлади Муродхўжа ака ўғлининг ёлғон сўзлаганига заррача шубҳа ҳам қилмай.

— Майли, ўғлим, ноқулай аҳволда қолади, деб ўйласанг, суриштирмайман. Тўғри-да, бизнинг нима ишимиз бор. Спиртга алмаштирган бўлса, ўзининг иши, — деди Муродхўжа ака, ўғлининг мулоҳазасига қўшилган ва шу билан қониққан бўлиб. — Ойинг сени оғинган; кўзи йўлингга тўрт бўлиб ўтирувди. Ундан ташқари, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапи ҳам бор. Менга учини чиқарувди, ўғлинг билан гаплаш аввал, нима маслаҳатга келсаларинг — шу, дедим. Кейин мундоқ ўйлаб қарасам, онангининг

гапларида жон бор. Тан олиш керак. Мен ҳам рози бўлдим. Онанг билан гаплашганинда, дарров қизишма, ўйлаб кўр, шошилма, ундан кейин жавоб бер. Менинг маслаҳатим шу, ўғлим. Уқдингми?

— Қанақа гап экан? — сўради Маъсуд, кўнгли алланарсаларни сезиб.

— Онанг айтиди. Мен кифтини келтира олмайман. Энди ҳовлига чиқайлик, дарах тағида ўтирамиз. Замира холанг ҳасип соляпти, пишиб ҳам қолгандир, — дея Муродхўжа ака ўғлига қўлини чўзди. Буни, келишдик, гап битта, деган маънодаги ҳаракат фараз қилиб, Маъсуд қўл беришга шошилмади. Ўғлининг нега иккиланаётганини Муродхўжа ака дарров англади ва қўлини олмай қўшиб қўйди: — Туришга ёрдам бериб юбор...

Маъсуд дарҳол отасининг қўлини олиб, оёққа турғазди.

Овқатдан сўнг Маъсуд ўқиб юрган пайтларида дарс қиладиган кичкинагина хонасига кириб, ҳарбий кийимини ўзгартирди, охиригача ўқилмаган китобини қўлга олиб, варақлади, анчадан бери эгасиз қолган ва ҳамшиша бежирим тузатилган каравотига ётди, папирос тутатди, хаёли ўтмиш кунлар хотирасига кетди. Бу шинамгина, доим Замира хола саранжом-саришта қилиб қўядиган ҳужрада Маъсуднинг синфдош дўстлари аксарияти бўлишган, бирга дарс қилишган, имтиҳонларга тайёрланишган, айниқса, қишу баҳор паллалари дарс баҳонасида Маъсуд тангликка чалиниб қолган синфдош ўртоқларини эргаштириб келар, атайин шу мақсадда асраб қўйган нарсаларини чиқариб, уларга едирар, номига дарс қилган бўлишар, яширинча уларнинг китобдафтар солинган тўрваларига бир-икки бурда нон, майиз, парварда тикиб қўяр, ўртоқлари буни пайқаманган бўлиб, уй-ўйларига тарқашар эди. Буни билган Гулсум опа ўғлини койимас, аксинча зиёфатдан ошиб-тошиб қолган нарсалардан ўғлининг ҳужрасига киритиб қўяр, бу ҳақда гап очмас, савоб бўлади, деб ўйлар эди. Маъсуднинг ўша ўртоқлари ҳозир фронтда, қон кечиб юришипти, ҳатто ҳалок бўлганлари ҳам бор. Бир ярим йил аввал Саттордан, бир ҳафта бурун Убайдан қорахат келди. Саттор Сталинград жангида, Убай Белоруссия чегарасида ҳалок бўлишти. «Қаҳрамонларча ҳалок бўлди», дейилган иккала қорахатда ҳам. Бир ой олдин «Тупроққўрғон» гарнизонига Собир Раҳимов билан Усмон Юсупов келишди, митинг бўлди, Собир Раҳимов ўзбек жангчиларининг жасорати ҳақида тўпланганлар олдида ҳаяжон билан гапириб берди, баъзиларининг номларини атади, бироқ Маъсуднинг синфдош дўстларидан бирон-таси тилга олинмади. Маъсуд бу ерда тинч, омон-эсон, тўқ, хатардан йироқда юргани учун хаёлан ўртоқлари олдида ўзини жирканч, мунофиқ сизди, виждони қийналди, ногаҳонда аллақандай зиёфат устидан чиқиб қолиб, ҳаётида биринчи марта арақ ичди, кайфи ошиб, йўлакда йиғлади.

— Айиқтовон эмишман! — дея Маъсуд уни юпатмоқчи бўлган офицерга ўшқирди. — Нега бўлмаса бу ерга хизмат қиляпман? Нега бир йил ўтар-ўтмас мана бу юлдузчани пагонимга санчиб қўйишди? Ахир мен яроқсизманми, нимаман? Жавоб бер! Талаб қиламан!..

— Яроқлисан, ошна, яроқли, — дея офицер атрофга олазарак боқди. Бунақанги «ҳордиқ» учун чора кўрилар эди.

— Саттор яроқсиз эди! Ошқозони яра эди! — бақирди Маъсуд, оғзини тўсмоқчи бўлган офицернинг қўлини силтаб. — Лекин уни жўнатишди. Нега?

— Ким у, Саттор?

— Ўлди у. Сталинградда! Ҳалок бўлди!

Эртаси Маъсуднинг калласи ғум, кечгача қарахат бўлиб юрди, ҳатто Захро ҳақида ўйлаш ҳам дилига таскин бермади.

Бир ҳафта аввал Убайдан қорахат келганини эшитиб, Маъсуднинг дарди янгиланди. Уч кун бурун вешчмешогига макарон, чой, бир буханка нон солиб, марҳум дўстининг азасига борди, қий-чув, аюҳанослардан қулоғи қоматга келди, кўзи тинди, кўрганлари — уларнинг фарзанди урушга кетиб, ҳалок бўлди-ю, Маъсуд бу ерда тинчгина айшини суриб юрипти, деган таънадек туюлди, яна дили вайрон бўлиб қайтди. Энг яқин дўсти Ўлмас ҳам Муқаддас хусусида хат ёзиб, ғашини келтирди, балки шунданми, ёки дўстига тайин бир нарса айта олмаганиданми, Маъсуд унга хат ёзмай қўйди, Ўлмасдан келадиган хатларнинг ҳам кети узилди. Ҳозир Маъсуднинг дардлашадиган ҳеч кими қолмади. Захрога ортиқча бино қўйишининг сабабларидан бири ҳам шундадир балки... Захро. Қизиқ, Захро нариги маҳаллада яшаркан, Муқаддаснинг мактабида ўқиган экан. Балки улар бир-бирларини танишар, ҳатто дугона тутинишгандир, балки Захро буларнинг уйига ҳам келгандир? Йўқ, келган бўлганда, Маъсуднинг кўзи тушарди. Кейин Захро икки синф оқори ўқир экан, одатда қизлар ўзидан ёши билан ўртоқ тутинмайди. Шундай қироили қиз, нега Маъсуд уни ҳеч қачон учратмаган? Қизлар унда ўғил болалардан алоҳида мактабда ўқишарди, шунинг учун учратмаган бўлиши ҳам мумкин. Захро бир-икки марта Маъсудни кўрган экан, ўзи айтди. Ҳатто отасини ҳам танир экан. Албатта отаси бадавлат, обрўли одам, бу атрофда отасининг олдига тушадиган ҳеч ким йўқ, извошда ўтканда ҳамма қўл қовуштиради, ҳатто гузар чойхоналаридаги одамлар ҳам ўринларидан туриб, таъзим қилишади. Маъсуднинг ўзи неча марта кўрган ва отасининг извошида юрмайдиган бўлиб кетган...

Даҳлиздан оёқ товуши эшитилди, Маъсуд папиросини кулдонга босиб ўчирди. Эшик қия очилиб, онасининг боши кўринди.

— Ухламаяпсанми? — сўради Гулсум опа.

— Йўқ, ойи, кираверинг, — дея Маъсуд оёғини каравотдан тушириб ўтирди.

Гулсум опа бир коса ювилган қорагилос олиб кириб столга қўйди.

— Оғзинг тегсин, — деди стол ёнидаги курсига ўтириб. — Бир шохини сенга асраб кўювдик. Ҳадеганда келавермадинг. Ол, е, болам. Хизматингга мева беришмас?

— Мева қаёқда, — деди Маъсуд битта гилосни оғзига солиб. — Янги картошканиям шетга келиб кўрдим. Мева, дейсиз.

— Туркман бозори биқинингда, оғзингга ёққан тансиқ нарсалардан сотволиб турсанг бўлади-ку, — деди Гулсум опанинг ўғлига ичи ачиб. — Ёки пулинг йўқми?

— Бозорга чиқишга вақт қаёқда, — деди Маъсуд ва яна оғзига гилос ташлади. — Жа етилипти.

— Ҳеч кимга тегдирмадим-да, шундаям чумчуқ чўқиб кетипти, Холида аранг бир коса узиб тушди. Тутга оғзинг тегдими бу йил?

Маъсуд мийиғида жилмайиб, бош чайқади.

— Агар илгарироқ келганингда, тердириб берардим, — деди Гулсум опа, хаёлида бошқа мавзунни чамалаб, — Баҳор меваси, албатта тут ейиш керак, ични тозалайди.

— Келаси йилгача сабр қиламиз, — деди Маъсуд ҳам, янги гап бошланишини кутиб. Қизиқ, онаси гапни нимадан бошларикин? Одатига кўра нимадандир, кимдандир ўпкалайди, ёзғиради, агар зарур бўлса, пича кўзёши қилиб олади, бу ёқдаги одамнинг кўнгли юмшаб, раҳми келгач, асосий муддаога ўтади. Масаланинг ҳал қилиниши ҳар қанча мураккаб бўлмасин, тингловчи бажаришга рози бўлмай бошқа иложи қолмайди, гўлдираб ваъда беради, тезроқ гумдон бўлиш пайига тушади. Ваъдани олган онаси мўлжал қилган нарсасини ундирмагунча қўймайди. Бу одатини эри яхши билади, бир нарсадан ўпкалаб, овози йиғига мойил бўлиши биланоқ, «бўпти, мақсадга кўч», дейди, йиғламираш оҳанги бир зумда тинади, аввалдан ўйлаб қўйилган талаблар қалаштирилади. Аммо Гулсум опа негадир бу гал синалган усулини ишга солмади.

— Аданг сендан хавотир бўляпти, болам, — деди у осойишта, аммо ички безовталик билан.

— Нега хавотир бўлади адам? — Узини тушунмасликка олиб сўради Маъсуд. — Урушда бўлмасам... Хизматим шундоққина ёнингизда, бир шаҳарда, трамвайда ярим соатлик йўл. Қорним тўқ, устим бут, ётар-турарим тайин. Урушга олиб кетиш хавфи йўқ, айиқтовон эканман. Нимадан хавотир бўлади?

— Бўйдоқсан, болам, — деди Гулсум опа, ўз режасини ўйлаб. — Атрофингга яхши-ёмон бор, ёмон йўлга бошлайдиганлар ҳам топилади. Аданг шундан хавотирланади-да.

— Ойи, мен армия хизматидаги одамман, ҳар бир қадамим назорат остида. Сиз ёмон йўл, дейсиз.

— Ҳа, энди, ўғлим, шайтон оёқ остида, бир марта кўйига кирсанг, чалади, тойганингни ўзинг билмай қоласан.

— Хўш, нима демоқчисиз? — Маъсуд тезроқ онасининг муддаога ўтишини ва масаланинг узил-кесил ҳал бўлишини истар, гапнинг узоқдан келишига сабри чидамас эди.

— Аданг бошингни иккита қилмоқчи, болам, сўзини олиб бер, деди, агар хўп десанг, тўй тараддудига тушиб кетмоқчи. Синглингни тўйи юмалоқ-ёстиқ бўлди, адангнинг кўнгли тўлмади. Қозон қуриб, халққа ош бермоқчи, дастурхон ёзмоқчи, етим-есир, оч-ночорларга нон ушатмоқчи. Орзу-да, болам. Қолаверса — савоб. Ҳам фарз, ҳам қарз. Сени тинчитса, шу қарзидан қутулади, кейин беш вақт намозини қанда қилмай, неваралари билан овунади, бахтингни кўриб, қувнайди. Сени вояга етказди, ўзи емай сенларга илинди, кам-кўст нималигини билинтирмади, мана, сочи оқарди, унча-мунча орзу қилса ҳаққи бордир, болам?

— Ахир, мен армия хизматидаман-ку, ойи, — деди Маъсуд эътироз билдирган бўлиб. — Замон билан ҳам ҳисоблашиш керак-ку. Ихтиёрим ўзимда эмас. Уруш тугасин, кейин ҳар қанча орзу-ҳавас бўлаверади. Мана, кўшинларимиз Белоруссияни қайтариб олишди, душман чекина бошлади, уруш бир йилга ҳам бешмайди.

— Хизматинг ўз йўлида кетаверади, — деди Гулсум опа ўғлининг далилларига аҳамият бермай. — Аданг гаплашади, ҳамма бошлиқларинг билан таниш. Қатнаб хизмат қилаверасан. Хаёлинг чалғимайди, уйга ошиқасан. Невара кўрсак, фикру ёдинг ўшанда бўлади.

Бундай олиб қараганда, онасининг гапи Маъсудга қўл келгандек бўлди. Шу масалани қай йўсинда очишни билмай ўзининг боши қотиб юрган эди. Мана, омад оёқ остидан чиқди-қолди. Фақат ўзининг ўйлаганини ота-онасининг режасига чатиштириши, ўзини рози бўлгандек кўрсатиб, буларнинг аравасига ўтириб олиши, ўзи айтган ашуласини уларникидек қилиб кўрсатиши керак. Аммо ҳозир дабдурустан кўнгли-

дагини очиси керакмас, агар дилида шунақа мўлжал борлигини сезиб қолишса, жилов уларнинг қўлига ўтади, вазиятга улар бошчилик қилишади. Шунинг учун ота-онанинг қистовига бўйсингандек сиёсат тутиши керак, улар аранг розилигини олдик, деб ўйлаб Маъсуднинг барча инжиқликларини кўтаришга мажбур бўлишади.

— Кўз остингга олиб қўйган биронтаси бўлса, айт, — деди Гулсум опа ўғлининг иккиланиб қолганини пайқаб. — Борайлик, кўрайлик, насл-зотини суриштирайлик, агар бошқа жойга унаштириб қўйишмаган бўлса — оиламиз таниқли — фотиҳа қилиб келармиз. Ёки ихтиёрни ўзимизга қўйиб бер, хабарлашайлик. Бизга муносиб оила Тошкентдан топилади. Мана, синглинг билган қизлар бор, баъзиларини кўргансан. Пешонангга ато қилган бўлса, бу ёғи ҳеч гап эмас болам. Нима дейсан?

— Энди, ойи...

— Энди-пендиси йўқ, болам, — дея Гулсум опа ўғлининг сўзини бўлди. — Отангни биласан, бир нарсани кўнглига тугса, албатта тагига етади. Яхшиси тихирлик қилма, болам, дили оғринса, оёғини тираб олади. Бамаслаҳат, ҳурматини ўрнига қўйиб иш тутсанг, ўзингга ҳам, отангга ҳам дилозорлик бўлмайди. Хўш?

— Ойи, — деди Маъсуд оғир аҳволда қолган одамдек, чуқур тин олиб, — мен учун бу қутилмаган масала...

— Майли, болам, ўйлаб кўр, — деди Гулсум опа ўғлининг қиёфасидаги мойилликни илғаб, яна бўлак талаб билан ишни бузмаслик учун шошиб. — Агар розилингни айтишга орият қилсанг, Ҳошимжон бор, ўшандан етказ. Аммо билиб қўй, аданг шошиляпти, пайсалга солсанг, ёғинади, раъйингга қарамай, тўйни эълон қилиб юборади...

## 28

Болалар уйининг мудираси врач деб атаган Қундуз Алиева шунчаки фельдшер бўлиб, район касалхонасидан бу ёққа — болалар уйига медицина ходимлари етишмаганлигидан изолятор ишларини юритиб туриш учун олинган экан. Изолятор икки хонадан иборат, иккаласида ҳам бир-бирига тақаб қўйилган ўнта каравот доим касал болалар билан банд эди. Овқатланиш столи бурчакка қўйилган, нариги хонада қизлар, бунисида ўғил болалар жойлашган. Урин танқислигидан битта каравотда иккитадан ҳам бўлиб ётишар, юқумли ҳисобланган касалга алоҳида жой ажратилар, стол битта эканлиги сабабли аввал қизлар, кейин ўғил болалар овқатланишар эди. Аралаш ётган болалар касални бир-бирига юқтирар, тумов билан тушган бола яна бошқа касал орттириб ойлаб шу ерда қолиб кетар, ҳатто катта группадан навбатчи-санитар қилиб тайинланган қизлар ҳам пировардида ўзлари касалга чалинишар, бусиз ҳам тор жойда сиқилишга мажбур бўлишарди. Бири қусар, бири ўрнини булғатиб қўяр, касалдан толиққанлари ҳожатхонагача етиб бориша олмас, қистаган жойга ўтириб қўйишга мажбур бўлишар, қайтиб туришга қуввати етмаганини кимдир қўлтиқлаб келар, ювиниш у ёқда турсин, ҳатто артинишга латта ёки қоғоз топилмас эди. Қирқ беш ёшга кирган Қундуз Алиева шу шароитда ишлар, эртадан кечгача оҳ-воҳни эшитишга, сассиқ ва юқумли ҳаводан нафас олишга, ўзи ахлат тозалашга, пол ювиш учун сув ташиш ва керогазда шприц қайнатишга, дори тайёрлаш ва укол қилишга мажбур эди. Чунки шу хизмати туфайли уч бола ва бева қайнотасини боқар, оилани тебратар, кўпинча овқатга тўймаган болалар унга алюмин идишларини, стаканларини улоқтиришар, Қундуз Алиева ғуррасини рўмоли билан яширган ҳолда, юм-юм йиғлаб уйига қайтар, эртаси саҳарда яна ишига югурар эди. Ҳаллослаб келиб, иккала хонада тўс-тўполон бўлганини — чироқ шишаси синганини, пол ювадиган челақ ағанаб ётганини, кўрпағилофи, дастурхон, ҳатто деворларга ахлат суркалганини кўрар, дами ичига тушиб кетар, керосин сепиб ёндириб юбормаганларига шуқур қилар эди. Бироқ ҳар қанча исқирт ва оғир бўлмасин, бу ишга ҳам талабгорлар сероб эди, чунки давлат муассасаси ҳисоблангани учун ойлик ҳақи тўланар, ошхона доим ишлар, ювиндига ўхшаса ҳам уч маҳал овқат, икки бўлак қора нон, бир чақмоқ қанд тегар, Қундуз Алиева суюғини ўзи ичиб, нон билан қандни уйига олиб кетарди.

Ойниса Қундуз Алиеванинг кўзига хизр бўлиб кўринди.

Қундуз Алиева ийманибгина бўлса-да, ишининг оғирлиги-ю, болаларнинг тошбағирлигидан мудирага баъзан шикоят қилиб борар, биронта аёлни ёрдамчи қилиб ишга олиш кераклигини айтар, якка ўзи шунча юмушнинг уддасидан чиқа олмайгани ҳақида зорланар, аммо ҳар гал мудирадан панд еб чиқиб кетар эди; мана орзу қилган ниятига ниҳоят эришди, энди иши енгиллашади, ўзининг бевосита даволаш бурчи билан шуғулланади. Ишқилиб янги ходим оғирликдан чўчиб, қочвормаса бас.

Ойниса иш шароитини ўша куниёқ тушунди.

— Иш буюраверинг, опа, — деди танишиб олганларидан кейин Қундуз Алиевага.

— Болангиз бор экан, — деди Қундуз Алиева. Улар касалхонага кираверишдаги эшик ёнига қўйилган стол ёнида туриб гаплашишар эди. Бу ер ҳам деворларида жим-жимадор нақшнинг оқиш изи қолган айвоннинг бир бурчи бўлиб, айвоннинг ҳовли

сахнисига қараган томони панжара билан ихота қилинганди. Полига мусулмон ғишти ётқизилган, хонанинг ичидан рус, украин тилларида ғала-ғовур, сўкиниш, қиз боланинг йиғиси, яна кимнингдир инграган товуши эшитилар, термометр, пахта ва яна аллақандай асбоблар устидан дока тортилган стол ёнидаги Қундуз Алиева ичкаридаги ҳайқиришларга парво қилмагандек кўринар эди.

— Шу болам деб юрипман, опа, бегона юртларда, — деди Ойниса, бу ёққа келиш сабабларини яшириб. Бир кунмас-бир кун барибир билади-ку, шундоқ бўлсаям, ҳозир фош қилишнинг нима кераги бор? — Мудира опа бу ҳақда индамади.

— Ҳар куни бола билан қатнасангиз, қўлингизни ушлайди, ишлатмайди, — деди Қундуз опа огоҳлантириб. — Иложи бўлса, уйда қолдирганингиз маъқул. Касал юқиши ҳеч гап эмас, бошингизга яна ташвиш тушади.

— Уйим йўқ, опа, — деди Ойниса хижолат чекиб.

— Қаерда турасиз, бўлмаса?

— Қайдам, биронта ҳужрача топилиб қолар, деган ниятда эдим. Яқинроқ бўлса, қизимдан хабар олиб турардим.

— Ҳужра қаёқда, синглим? — деди Қундуз Алиева, Ойнисанинг умидларини пучга чиқариб. — Қаранг, болалар тиқилиб ётипти. Ичида тифлари ҳам бор. Эҳтиёт бўлиш керак. Тагимиз подвал. Қоронғи, зах, илон, чаён. Кунлар исиб кетгандан кейин мудира опа ремонт қилмоқчи, зора биронта ҳужра тегиб қолса, ҳам яшардингиз, ҳам касалларга қараб чиқардингиз. Кечалари қаровсиз қолиб кетишади, билган номаъқулчиликларини қилишади. Бир куни саҳар келсам, бир қиз билан ўғил бола қип-яланғоч ётишпти. Тунда нима қилишган, тушуниш қийин эмас. Шундан кейин мудира опа уларни ажратиш пайига тушиб қолди.

— Ё тавба, — деди Ойниса юраги шувиллаб. — Мен болам билан шунақалар ичида яшайманми?

— Илож қанча, синглим? — деди Қундуз опа таассуф билан. — Шу ишга ҳам рози одамлар бор.

— Биронта боламга қараб турадиган хонадон топилмасмикин, опа? — сўради Ойниса ноилоҳ аҳволдан қутулиш йўлини излаб. — Ижара олардим, ҳақ тўлардим. Қундуз опа Ойнисани кўлдан чиқармаслик учун ҳар қанча чора кўришга тайёр эди.

— Суриштириб кўриш керак, — деди у далда бериб. — Муҳтож оилалар бор. Топилиб қолар.

— Бугун нима қиламан? — сўради Ойниса барибир хавотирланиб. — Қаёққа бораман? Болам оч.

— Пешинда овқат бўлади, — деди Қундуз опа Ойнисанинг қўлидаги қизчасига қараб. — Ўзингиз ҳам тамадди қилиб оларсиз. Жой чиқмаса, на чора, бизниқига бора қоларсиз.

— Раҳмат-эй, опажон! — деб юборди Ойниса. — Яхшилигингизни ҳеч унутмайман. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин.

— Менинг ҳам учта болам бор. Тўнғичим ўн тўрт яшар. Ҳамма юмуш ўшанинг қўлида. Ҳам ўқийди, ҳам укаларини тинчитади. Мактабдан келгунича, ногирон бўлсаям қайнотам қарайди. Қизчангиз кичикроқ экан-да. Майли, болаларимга овунчоқ бўлади, бирғалашиб бир куни ўтар.

— Раҳмат, опажон, — деди Ойниса суюниб. — Яхшиям сиз бор экансиз, бўлмаса нима қилардим? Шўрим қуриб қоларди.

— Унда мундоқ қилайлик, — деди Қундуз опа. — Мен тушлиқдан кейин дори учун аптекага ўтаман, уйим ҳам ўша томонда. Қўни-қўшнилардан суриштириб кўрай-чи, болага қарайдиган тетикроқ кампир топилса, гаплашиб келаман. Балки уйдан жой ҳам чиқиб қолар. Сиз шу ерда қолиб, касалларга қараб турасиз. Нима қилишни мен айтаман. Келишдикми?

— Майли, опажон, нима десангиз, розиман, — деди Ойниса дарҳол кўниб. — Ишқилиб кўчада қолиб кетмасам бўлгани...

— Бўпти, — деди Қундуз опа. — Кўп койинаверманг, иложсиз нарса бўлмайди.

— Раҳмат, опажон, — дея Ойниса негадир йиғлаб юборди.

Еттинчи синфни битиргандан сўнг бирон техникумгами, ўқув юртигами кириб олиш учун шаҳарга келганини ва урдасидан чиқа олмаганини Ҳошимжон ҳанузгача унутмайди. Лаёқати техникум талабига жавоб бермади, оддий нарсаларни айта олмади. Каспий Билан Қора денгизни бир-биридан ажрата билмади, ҳатто Туркменистон пойтахтини Сталинобод деди, харитадан топишга қийналди, битта от қанча кучга эга, дейилган саволга ҳам жавоб топмади. Аллақандай лаллайган, бошинг қани деса қўлоғини кўрсатадиган анқовлар яхши баҳолар билан техникумга киришди, ётоққа жойлашишди, стипендия билан таъминланишди; улар аллақачон техникумни битириб кетишган, ўз жойларида урушдан холи — ўқитувчиларга бронь таъсис қилинган — айшини

суриб юришгандир. Айшини суриш қаёқда, замон оғир, нон деса, кесак учяпти. Бироқ Ҳошимжон техникумга кира олмаган бўлса нима қипти? Тегирмонга жойлашди-ку, нони тайин, усти бутун, танчанинг бир чети унинг жойи, иссиқ, жимжит, атрофида ўнта ит, асрайди. Техникумга кирмагани ҳам, бундай олиб қараганда, маъқул бўлган экан. Яхши ишлади, меҳнатдан қочмади, ким нима буюрса, зипиллаб бажарди, хўжайинларнинг эътиборига тушди, кейин бригадирликка кўтарилди, ўзи одам ишлатди. Мана, энди омади бор экан, бутун турмуши юришиб кетди. Қайнотаси туфайли ҳарбий омборда ишлади, қўлига жарақ-жарақ пул туша бошлади. Егани олдида, емагани кетида, ҳар қанча орзу-ҳавас бўлса, қурби етади. Ҳатто қайнотасига ҳам нафи тегяпти. Трофея молларидан олиб бориб берди, қайнотаси молларни соттириб, тиш қўйдириб олди, оғзи тўла тилла. Фақат ўғли сал калондимоғ, олифта. Ҳеч кимни назарига илмайди. Урушдан қочиб юрипти, отаси тўғрилаган. Айиқтовон эмиш! Унинг устига жазманга ҳам илакишиб қолган кўринади. Отасига айтди Ҳошимжон; отаси унақа-мунақа аноий одам эмас, шунақанги бураб қўяди, сичқонни ини минг танга бўлиб кетади. Қайнотаси тетик кўринса-да, қарилик аломатлари сезила бошлади. Тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Битта куйдирги ярани деб ўн кун уйдан жила олмади. Бари бир қанақа бўлмасин, Ҳошимжон шу одам олдида қарздор, оиласига бошини эгиб кирди, шулар туфайли обрў, бойлик орттирди, тил учиди бўлсаям, ҳурматини жойига қўйиши, муқомига йўрғалаши керак. Уруш ҳам охирлаб қоляпти, ярлақаса бир йилга чўзилади, тугаса, Ҳошимжон қайнотасига қарам бўлиб қолади. Мустақил бўлиши учун яхши бир ҳунарга ёпишиши керак, ҳарбий хизматдан кетса, асқотади. Ёки пул-мул билан «техникумни битирди» деган ҳужжат тўғрилаб олса, институтнинг ташқи бўлимига киради. Оқ-қорани таниб қолди, қунт қилса, ҳаш-паш дегунча тўрт-беш йил ўтади-кетади, қарабсизки, олий маълумотлилиқ дипломига эга бўлиб олади. У ёғи — худо пошшо, ризқи сочилган бўлса, секин-секин териб кун кечиради, бировга қарам бўлмайди, балки илм билан шуғулланади...

Икки кун бурун Маъсуд учраб қолди. Учраб қолгани йўқ, Ҳошимжон омбор дарвозасини ёпаётган эди, қараса, бу томонга Маъсуд келяпти. У Ҳошимжонни кўриб, йўлидан тўхтади, қайтиб кетмоқчи бўлди. Ҳошимжон уни имлаб чақирди, у ёқ-бу ёқдан гаплашишди.

— Ойим бир нарса тайинлаган эди, — деди Маъсуд ийманиб. — Айтиб қўйинг, мен розиман.

— Нимага розисиз?

— Ўзлари биладилар, — деди Маъсуд. — Нариги маҳаллада Фазлиддин ака деган одамнинг қизи бор. Муқаддас таниши мумкин, оти Заҳро, бир мактабда ўқишган. Шунини айтиб қўйинг.

— Шуми? — сўради Ҳошимжон, гапнинг маъносига фаҳми етиб, чунки қайнонаси бу ҳақда оғиз очган ва ўғлидан хабар келишини кутиб юрар эди.

— Шу, — деди Маъсуд ва бир неча кундан буён айтишга шайланиб, шошқалоқ бўлиб кўринмаслик учун орқага суриб келаётган сирини ниҳоят айта олганидан енгил тортиб.

— Бўпти, айтаман, — деди Ҳошимжон, бир шода калитни чўнтагига яшириб. — Шу бугуноқ айтаман.

Муродхўжа ака хотинини шоширар, Гулсум опа эрига тайин бир нарса айта олмас эди. Шунинг учун Ҳошимжон Маъсуднинг омонатини етказганда, елкасидан тош қулагандек бўлди, ҳатто қувнаб кетди.

— Оти Заҳро экан, — деди Ҳошимжон гапининг охирида. — Қизингиз билан бир мактабда ўқиган экан.

Бу томони ҳам қулай тушадиган бўлди. Сўраб-суриштириб юришга ҳожат қолмайди. Муқаддас қизни биларкан, шу кифоя, у тўғриси айтилади, ўз акасига ёмонликни раво кўрмайди.

— Танийман, — деди кечқурун Муқаддас лоқайд тарзда. — Биздан икки синф юқори ўқиган, ўнинчини битирдим, йўқми, хабарим бўлмади. Отаси — пахсачи, бизнинг ҳовлимиздаям ишлаган. Нариги маҳаллалик. Улиб кетган, шекилли.

— Хўш? — деди Гулсум опа, қизининг менсимай гапирганидан хавотирланиб.

— Онасиям ўлиб кетган, — деди Муқаддас.

— Етим экан-да, шўрлик, — бўлғуси келинига негадир раҳми келиб деди Гулсум опа. — Ўзи қанақа? Бўйи-баста келишганими? Бирон нуқсонни йўқми? Касал-пасал эмасми?

— Унисини қаёқдан билай. Ўзи чиройлиқкина нарса. Димоғиям шунга яраша. Танноз. Ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Гузардан ўтса, ҳамма ўшанга қарайди. — Чиройлик қизлар шунақа димоғдор бўлади, — деди Гулсум опа. — Ҳечқиси йўқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача, битта туққандан кейин, таннозлигидан асар ҳам қолмайди. Фақат етимлиги чатоқ экан-да. Аданг тузукроқ жойга бўлишсак, қуда-анда тутишардик, деб орзу қилувди. Сен томондан кўнгли тўлмади. Ичкуёв, уям етим. Энди келин ҳам шунақа чиқса, аданг нима деркин?..



— Бўлмайди! — деди эртасига Муродхўжа ака қатъий. — Бир-икки марта кўзим тушган, оёқ олиши бежо. Пахсачининг қизи, унинг устига етим. Айт ўғлингга, насли-нусли тозасидан ўзимиз топамиз. Булар бизга муносиб эмас. Ўзимизни пастга урган бўламиз. Ўғлинг шуни тушиниши керак.

— Ужарлик қилиб туриб олса-чи? Аҳду паймон бўлса-чи?

— Айнит. Кўчадан топилган хотинлик қилмайди, деб уқтир. Отанг норози, де. Агар кўнмаса, ўз ихтиёримиз билан иш тутамиз. Унамаса, билганини қилсин. Аммо бу уйга оёқ босмайди. Оқ қиламан! Иснодга тоқатим йўқ!

— Қайсарлик қилманг, адаси, — ёлборди Гулсум опа, шу аллозда кетса, иш хунук оқибат билан тугашидан қўрқиб. — Нима қиласиз бошингизга ғавғо орттириб?

— Бир етимчани келин қилсак, ғавғо бўладими? Қайтамга савоб-ку. Биз ҳам турмуш қурганимизда, қўл учида кун кўрар эдик. Сиз ҳам унда Муродхўжа эмас, шунчаки Муродали эдингиз. «Хўжа»сини кейин топар-тутарингиз яхши бўлганда, қўшиб олдингиз.

— Бас! — ўшқирди Муродхўжа ака. Ўзи хуноби чиқиб турган бир пайтда бу бетамиз хотинининг писандаси яра устига чипқон бўлиб туюлди, «хўжасини қўшиб олгансиз» деб, зоти пастлиги, ночор ўтмишини пеш қиляпти кўрнамак. «Хўжа»га аллақачон ўрганиб қолган эрига унинг гапи эриш туюлди, малол келди, жаҳлини чиқарди, ҳозиргина ён босишга, кўнишга мойил бўлиб турган Муродхўжанинг дили ранжиб, ўчакишишга қарор қилди. — Бас! Гап битта! Мен ҳаётимни, бору йўғимни шу болаларга тикдим, агар улар шуни тан олишмаса, майли, виждонларига ҳавола, демак, инсоф, имон деган нарсалардан тариқча ҳам йўқ экан. На чора, пешонам шунақа экан! Сен «хўжа»ликдан оғринаётган бўлсанг, майли, рўзғорингни ажратиб бераман, билганингча яша!

— Вой, адаси, бу нима деганингиз? — Гулсум опа эрининг авзойидан қўрқиб кетди. Шу битта етимча қиз, деб ҳаётимиз барбод бўладими, деб ўйлади у. Йўк, бунгача олиб бориш ақлдан эмас, Маъсудни айнитиш керак: «ота рози — худо рози» деган гап бор, акс ҳолда Маъсуднинг ҳам бахти очилмайди, бир умр надоматда ўтади, ўз отасининг назаридан қолган фарзанд нима ҳам бўларди? — Тава денг, ниятингизни яхши қилинг, астаёфирулло келтиринг. Ўғлингизга инсоф тиланг.

— Иккита фарзанд ато қилди, — деди Муродхўжа ака ўкиниб. — Икковиям нобоп чиқди. Шу кўргилик боракан, урушдан олиб қолиб нима қилардим? Ризқи узилмаса, қайтиб келарди, бошқалар қатори кўкрак кериб юрардим...

У шундай кайфият билан фойтунга миниб, ишига жўнади.

— Агар ижозат ола олсангиз, — деди Муродхўжа аканинг ортидан эргашиб кабинетга кирган Штокман. — Тамаки цехи очардик. Бир қисмини ҳарбийга қадоқлардик, бир қисмини папирос қилиб чиқарардик. Даромадли иш. Номига расмий рухсат бўлса бас. Жиҳоз-мосламаларни топиш, Ургутдан, Қирғизистондан тамаки етказиш менинг бўйнимга. Жой ҳам керак, кўздан четроқ бўлса, яна ҳам яхши. Бирон ҳовлилик уй топилса, ўзимиз ремонт қилиб эпақага келтириб оламиз. Нима дейсиз, хўжайин?

— Эплай олармикинмиз? — сўради Муродхўжа ака келажак ишни миясида тахмин қила бошлаб.

— Молия, бухгалтерия ҳужжатлари жойида бўлади, — деди Штокман таъкид билан. — Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Ижрокомда маҳаллий саноат бўлими бор, ўзингиз яхши биласиз, шулардан бир парча қоғоз бўлса, тез орада ишни юритворамиз. Агар план беришса, унга ҳам рози бўлаверинг, уддасидан чиқамиз.

— Бу қалтис иш, Семён Исаакович, — деди Муродхўжа ака ўйланиб. — Даромадли иш, деб нимани назарда тутдингиз? Ишга қўл урадиган бўлсам, самарасини билишим керак. Балки киришишга арзимас.

— Арзийди, хўжайин, — деди Штокман иккиланмай. — Агар мўлжалим тўғри чиқса, ярим йилга етмай жиҳоз-ускуна, қоғоз-тамаки, ишчилар маоши, ҳатто молия инспекцияси, милиция, ревизияга кетадиган харажат ўзини қоплайди. Бир сменада беш минг пачка «Беломор» ёки «Қазбек» чиқарсак, план учун икки ярим мингтаси топширилади, икки ярим мингтаси ўз фойдамизга тушади. Шунчалик очиқ гапиришимни айбга буюрмайсиз, иш бошладан аввал қанақа таваккалга бораётганимиз миқдор сифатида кўз олдимизга келиши керак. Бўлмаса, айтганингиздек, киришишга арзимайди.

— Хўш? Пулга чаққанда-чи?

— Хўжайин, бугун машқингиз пастроқ, тинчликми?

— Тобим йўқ, Семён Исаакович. Хўш?

— Пулга чаққудек бўлсак, ҳар ойи сизнинг чўнтагингизга йигирма мингдан кам тушмайди.

— Сизнинг чўнтагингизга-чи?

— Сал камроқ, — деди Штокман Муродхўжа акага тик қараб. — Балки баравардир. Ахир ишнинг оғири менинг зиммамда бўлади, савдо тоқчалари билан келишиш, фактуралар тўғрилаш, улушини бериш, маҳсулотни етказиб туриш, ишчилар билан муомала қилиш, хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ. Калиш билан совун цехини ишга

туширишнинг ўзи бўлмади, кўрдингиз.

— Ишнинг оғири сизда, жавобгарлиги менда, — деди Муродхўжа ака хўмрайиб. — Агар ҳужжатларга имзо чексангиз, майли, мен ундан камига ҳам розиман.

— Менинг қўлим ўтмайди-да, хўжайин, — деди Штокман бир оз афсусланган-дек. — Сиз раҳбарсиз, банк сизнинг имзоингизни тан олади.

— Шунинг учун ўз хизматларингизга кўп баҳо бераверманг, Семён Исаакович, — деди Муродхўжа ака қатъий. — Агар ишингиз менсиз битгудек бўлганида, аллақачон ўзингиз отни қамчилардингиз. Бир ҳафтагина бетоб ётиб қолганимда неча марта уйимга бориб қисталанг қилдингиз. Чўнтагингизга тушаётган жарақ-жарақ пуллар менинг обрўйим, алоқам, таниш-билишларим эвазига бўляпти. Шуни унутманг, Семён Исаакович.

— Узр, хўжайин, — деди Штокман ён босиб, чунки Муродхўжа аканинг авзойи бузуқ, вазиятни узр билан юмшатмаса, иш чатоқ бўлиши турган гап эди. — Кўнглингизга олманг. Шунчаки айтдим-да...

30

— Ойнисахон, хат-пат келса, Шамси холага беринг, девди, мана, олиб келдим, — дея почтачи тут сояси тушиб турган супа четига ўтирди. Ёввойи шипирги боғлаётган Шамси хола ишини ташлаб, енгини туширди, қийшайиб кетган пешонабоғини қайтадан бошига танғиб, почтачи олдига келди. Почтачи кампирга қарамас, сумкасини титкилар, маймоқ қўли қалтирар эди.

— Хат? Кимдан? — сўради Шамси хола, Ойнисанинг тайинлаганлари эсига тушиб, Ўзининг учта қизи узатилиб, чоли қазо қилган, бирон томондан хат кутмас эди.

— Ҳабибдан, — деди почтачи ғўлдираб. — Мана бу ерга қўл қўйинг, — дея бир парча қоғозни узатди. Унинг лабига сиёҳ суркалган эди.

— Хатим йўқ, — деди Шамси хола почтачининг авзойидан безовталаниб. — Биласиз-ку.

— Саводи йўқ, деб ёзиб қўяман, — деди почтачи ва қаламини ҳўллаб дафтарчасига ёзиб қўйди.

— Уқинг-чи, нима ёзипти? — деди Шамси хола қоғозни почтачига қайтариб.

— Уқиб нима қиламан? — деди почтачи қоғозни олмай. — Шундоқ ҳам аниқ-ку.

— Нима аниқ? — Шамси холанинг юраги шувиллаб кетди.

— Қорахат бу, — деди почтачи негадир зарда қилиб. — Ҳеч қачон кўрмаганмисиз? Ҳабиб ҳалок бўпти.

Шамси хола серрайиб қолди:

— Ҳалок деганингиз нимаси?

— Улипти, Шамси хола. Мана ёзиб қўйилган — қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва ҳоказо-да, хола! Юрагим безиллайдиган бўлиб қолди. Анов куни нариги маҳаллада шунақа қоғоз олиб кирувдим, битта хонадондагилар мени талашди. Гўё мен ўлдиргандек. Ташимайман мунақа қоғозларни, десам, почтачилар таъна қилишди, яхши хат-хабар бўлса, чоқиллайсан, садақасига учасан, дейишди. Садақалариям қуриб кетсин. Яхшиям Ойнисанинг ўзи йўқ, балога қолардим.

— Вой, шўрлик Ҳабиб, — дея Шамси хола супа четига беҳол ўтириб қолди. — Қазо қилдимми, а? Худо раҳмат қилсин, жойи жаннатдан бўлсин. — Шамси хола юзига фотиҳа тортиди. — Шўрлик бу дунёга келиб ҳеч нарсаям кўрмовди, ажал қуриб кетсин, ёш-қарини танламас экан-да...

— Ризқи узилган бўлса, шу-да, хола, худонинг иродаси, бандасининг иложи қанча? — деди почтачи ҳам юзига фотиҳа тортиб. — Бўпти, хола, мен борай.

— Менга қаранг, айланай, — деди Шамси хола почтачини тўхтатиб. — Мен буни нима қилай?

— Ойниса қатта, биласизми? — сўради почтачи.

— Хат келди, — деди Шамси хола. — Андижондан. Қўшнининг қизи ўқиб берди. Омон-эсон етиб олипти.

— Ўша қизга хат ёздиринг, хола, ичига қоғозни солиб қўйсин.

— Қандоқ бўларкин, айланай? — деди Шамси хола изтиробда. — Ўзи бир аҳволда, бегона юрт, бадарға қилинган. Устига-устак бу шум хабар борса, бечора биронта дардга йўлиқиб қоладими, деб қўрқаман. Юраги кўтармайди. Битта илинжиси шу эри эди, энди бу ҳам ўлипти. Қандай буни юбораман, айланай?

— Ихтиёрингиз, хола, — деди почтачи мижғовланиб. — Агар кўнгли бузилмасин, десангиз, юборманг.

— Юбормай бўладими, айланай? Балки аза очар. Кейин мендан домангир бўлади.

— Нима қил, дейсиз, хола?

— Менда адреси бор, ўзингиз жўнатвора қолинг, айланай, — зорланди Шамси хола. — Сиз ҳукумат одамисиз, ёзғирмайди. Қариган чоғимда бу хунук нарса мендан чиқмасин.

— Бўпти, боринг, — деди ниҳоят почтачи, депсиниб тургач, — адресини олиб чиқинг.

— Хўп бўлади, — дея Шамси хола уйдан конвертни олиб чиқди ва қорахатга қўшиб, почтачига топширди. — Худо хайрингизни берсин, айланай, хатар кўрманг, мушкулимни аритдингиз...

Почтачи ижирғаниб қорахат билан конвертни сумкасига тиқди, кўчага чиқиб кетди.

Шамси хола елкасидан юк қулагандек енгил тортди, ҳовлининг ўртасида шумшайиб туриб қолди ва ҳушига келиб, чала қолган юмуши томон қайрилиб кета бошлади. Бироқ қўли ишга бормади, кўзи тингандек бўлди, тандир олдидаги тўнкага бориб ўтирди, ўйга толди. Шу аснода қанча ўтирди экан билмайди, бир маҳал кўча эшик тақиллагани Шамси холани ҳушига қайтарди. Айниган бўлса, почтачи яна қайтиб келди, деб ўйлади у, яна ваҳимага тушди. Эшик ҳамон тақиллар, эркак кишининг гўнғири келарди.

— Ким у? — дея аранг овоз чиқарди у ниҳоят.

— Маҳалладанмиз, хола, яқинроқ келинг, — деган эркак кишининг товуши келди.

Шамси хола калишини шалоплатиб кўча эшик томон яқинлашди, номаҳрам бўлса керак, деб эшик панасига ўтиб, овоз берди:

— Ким керак?

— Хола, биз маҳалла комитетиданмиз, — деди бояги кишининг овози. — Ёнингиздаги қўшни кўчиб кетган экан, ҳовли калити сиздамиш. Шу керак эди.

— Ҳовлида нима қиласиз? Эгаси омонатини бизга ишониб кетган, — деди Шамси хола гумонсираб. — Эгасининг ижозатисиз калит бера олмайман, айланай.

— Ижроком вакили ҳам бор, хола, — деди бояги киши. — Кириб кўришимиз керак. Ўзингиз ҳам паранжи ёпиниб чиқинг, гувоҳ бўласиз.

— Нимага гувоҳ бўламан? Нима қилмоқчисизлар?

— Қаровсиз жой экан, хола, ижрокомнинг қарори бор, бу ҳовли вақтинча давлат ихтиёрига ўтади.

— Эгалик ҳовли-ку, айланай, бугунмас-эртага келса, нима дейман?

— Жавобини биз берамиз, ижроком беради, — деди бошқа киши. Шамси хола таниди, бу Шукур мўйловнинг овози эди. — Ижрокомнинг қарори бор, дедик-ку. Бу ерда, агар мос келса, тамаки цехи очилади. Кўчангиздаги аёлларга иш топилади, маош оласизлар. Беринг калитни.

— Нима очилади, дедингиз, айланай?

— Оббо! — деди Шукур мўйлов тоқатсизланиб одатига кўра дағал овозда. — Тамаки цехи. Папирос артели. Тушиндингизми?

— Тамакини бошқа жойда чиқаринглар, айланайлар. Бу ҳовлининг эгаси бор.

— Одамни хуноб қилманг, хола, — жеркиб деди Шукур мўйлов. — Қарилингизни аяб турибмиз, бўлмаса калитни мажбуран тортиб оламиз, агар қаршилик кўрсатидиган бўлсангиз, ўзингизни қамаб кўямиз. Шунинг учун жиғимизга тегманг, кампир, калитни ташланг.

Шамси хола дарҳол эшикни ёпиб, зулфига занжир солди.

— Бермайман! — чинқирди у. — Шартим кетиб, партим қолган! Қамонингдан қўрқмайман, менга ўдағайлама, мўйлов! Бутун оилани тирқиратдинг, энди ҳовлисигаям кўз олайтирасанми, имонсиз?! Жўна бу ердан! Калит йўқ, халажойга ташлаб юборганман. Ушатдан қидир!

— Қўйинг, Шукур ака, кампир билан тенг бўлиб нима қиласиз? — деди биринчи овоз берган киши — Гувоҳ бор, қулфни бузамиз, вассалом-да.

— Ҳа, бузларинг! Ут қўйларинг! — дея кичқирди Шамси хола жазавага кириб. — Кулини совурларинг! Шунча хўрлик ўтказганларинг кам эди, энди ҳовлисини ҳам тортиб олларинг! Ҳали ҳаммангни қарғиш тутуди! Дўзахда ёнасанлар! Уйларинг хонавайрон бўлмаса, асти рози эмасман!..

Ойниса ўзи ювган, аммо доғлари аримаган чойшабларни дорга ёяётган эди, малласоч бир қизча югуриб келиб:

— Сизни битта амаки чақиряпти, — деди рус тилида.

— Амаки? — ҳайрон бўлди Ойниса ва юраги орқасига тортиб кетди. «Шўрим қурсин, яна не кор-хол рўй берди экан? — деб ўйлади у, гўлғулага тушиб. — Кунни кеча милицияга бориб, кўриниш бериб келувдим-ку». — Нима деди амаки?

— Сизни чақириб бер, деди, шу, — қизча қайрилганча чопқиллаб кетди.

Ойниса қора халатини ечиб, тўзғиган сочини силади ва титроқ кира бошлаган оёқларини аранг босиб, дарвоза томон кетди. Ҳозир унинг қулоғига болаларнинг қий-чуви кирмас, бутун фикру зикри мудҳиш гумонлар билан банд эди.

Қўрқа-писа Ойниса дарвоза табақасидан ташқарига мўралади ва бўшашиб кетди. Сал нарироқда сада тупига арқонланган отнинг ёлини қашлаган ҳолда ҳассасига суя-

ниб Қаюмжон турарди. Ойнисанинг кўзига дув этиб ёш келди, у мажолсизланиб навбатчининг курсисига ўтириб қолди.

— Нима бўлди, қизим? — сўради унинг аҳволини пайқаган қоровул чол безовтала-ниб. — Тинчликми? Хафа кўринасиз?

— Йўқ, амаки, шунчаки... — Ойниса яна нима дейишини билмай жилмайди, шоша-пиша енгил билан кўз ёшларини артди. — Кирхонада қозонга ўт ёқувдик, тутунни кўзни ачитяпти.

Чол шошиб қоровулхонадан бир пиёла чой олиб чиқиб, Ойнисага тутди.

— Қизим, мана, бир-икки қултум хўпланг, — деди у, — сал четдан хиёл букилиб.

— Раҳмат, амаки, — дея Ойниса ичгиси келмаса ҳам чолнинг қўлини қайтаришни эп кўрмай пиёлани олди, бир қултум хўплади, чуқур хўсинди.

— Ичинг, қизим, яна қўйиб бераман, — деди чол, зарурат туғилса ёрдам беришга тайёрлигини айтишга ботина олмай.

— Раҳмат, уринманг, амаки, бас, — дея Ойниса ўрнидан қўзғалиб бўш пиёлани чолга қайтарди.

— Анови отли йигит сизни сўратувди, — ниҳоят деди чол, айтишга мажбурият сезиб. — Агар ўшандан ҳайиққан бўлсангиз, дарвозани тамбалаб қўяман.

— Йўқ, амаки, унақа эмас — деди Ойниса жилмайиб. — Мен бошқа одаммикин, деб чўчувдим.

— Хўш, хўш, — дея чол орқасига жилди. — Ундай бўлса, майли, чиқинг, меҳмон кутиб қолди. Ё хўжрага айтайми, чой бор? Кўчадан кўра, шу ер тузук.

Ойниса эътироз билдирмоқчи эди, аммо чолнинг кўнглига гап келмасин, деган андиша билан «майли» деди. Қоровул чол бир зумда Қаюмжонни чақириб келди.

— Ассалому алайкум, — деди Қаюмжон Ойнисадан бир неча қадам нарида тўхтаб ва унинг нам кўзларини, ҳали ранг югурмаган юзини кўриб, бир оз ўнғай-сизланди.

— Келинг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса юраги ҳаприқиб.

— Яхшимисиз, Жамилахон қизчангиз бардамми? — ноқулайликни қандай енгишни билмай сўради Қаюмжон. — Эсон-омон етиб келдингизми? Ишга жойлашиб олибсиз, эшитиб, кўнглим сал тинчиди.

— Раҳмат, Қаюмжон ака, — деди Ойниса қўлларини қаерга қўйишни билмай. — Кун ўтапти, худога шукур.

— Ичкарига киринглар, — деди чол гапни бўлиб. — Иним, қани ичкарига. Ҳозир чой дамловдим. Бошланг.

— Йўқ, амаки, вақт зиқ, мен ҳозир жиламан, — деди Қаюмжон миннатдорчи-лик билдириб. — Иш билан районга келувдим, йўл-йўлакай кириб ўтай, дедим.

— Маъқул, иним, маъқул, — деди чол ва қоровулхонадан скамейка олиб чиқиб, девор остига қўйди. — Ўтириб гаплашинглар. — У ичкаридан чойнак олиб чиқди. — Меҳмон, чой совимасин, мен отга қараб тураман.

— Овора бўлманг, амаки, от тураверади.

— Йўқ, иним, — деди чол мулозаматли эътироз билан. — Ҳозирда ким кўп, дайди, ўғри кўп. Эҳтиёт-да, иним.

Аслида буларни холи қолдириш керак эди, чол отни баҳона қилиб, кўчага йўрғалади.

— Ўтиринг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса ва ўзини мезбон сезиб Қаюмжонга чой тутди. Айни пайтда эсидан чиқаёзган Қаюмжон йўқлаб келганидан ҳам шодланар, ҳам негадир ўзини ноқулай ҳис қилар, Қаюмжоннинг тезроқ кетишини истар эди.

— Шунча вақт ўтди, келиб хабар ололмадим, узр, — деди Қаюмжон чой хўплаб.

— Ҳечқиси йўқ, Қаюмжон ака, ҳозир бировдан хабар оладиган замонми? — деди Ойниса аста-секин ўзига кела бошлаб.

— Хомуш кўринасиз, Ойнисахон? — деди Қаюмжон, Ойнисага синовчан тики-либ. — Рангингиз синиқ. Иш оғирми дейман?

— Иш-да, Қаюмжон ака, — деди Ойниса хомуш жилмайиб. — Ҳозир ишнинг енги-ли борми?

— Тўғри, ҳаммага қийин.

Ўртага ноқулай жимлик тушди.

— Янгам омонми, тузалиб кетгандир?

— Яқинда қирқини ўтказдик, — деди Қаюмжон хўрсиниб.

— Вой бечора! — Ойниса саросимага тушди. — Дунёдан ўтдимми?

— Дарди шунақа, бедаво экан. Асраб қололмадик.

— Ёш нарса, кун кўрса бўларди, — деди Ойниса ва кўзи ёшга тўлди.

— Насиб этмади, иложимиз қанча, кўнишга мажбурмиз, — деди Қаюмжон, бу мавзуга чек қўйиш кераклигини англаб. — Тириклар омон бўлсин. Ўзингиз қандай яшапсиз? Турар-жой масаласи нима бўлди? Қийналмаяпсизми?

— Кунимиз ўтиб турипти, — деди Ойниса, кўзини артиб. — Кундуз опа деган бир жувон бор экан, бирга ишлаймиз. Шу опа уйдан жой берди, қайнотаси, тўнғич қизи боламга қараб туришипти. Тинчман, ҳар қалай. Нолисам, худонинг қаҳри келади.

Бу уйнинг изолятори бор, ўшанинг ишини қиламан. Битта хавфим, уйга касал илаштириб бормасам дейман. Бу ерда тиф, ичбуруқ касаллар бор, қизчамга юқтирмаслик учун ўзимни авайлашим керак. Бошқа иш беришса, жон деб ўтардим. Беш баттар оғир бўлса ҳам кўнардим.

— Хавфли иш экан ҳақиқатда, — деди Қаюмжон ўйланиб.

— Ямоқчилик устахонаси бор, етим болаларнинг оёқ кийими йиртилса, тузатиб беришади, ўша жойни сўрайми, дейман, аммо мудиранинг жаҳли чиқармикин, деб қўрқяпман.

— Сиз қандай ямоқчилик қиласиз? — сўради Қаюмжон шундай шаҳарлик ёш жувон бунақа ишга қодир эканига ақли бовар қилмай. — Ҳунар керак-ку.

— Ҳунарим бор, Шўртепада турганимизда ўрганганман, бачкана тикиш ҳам қўлимдан келади. Тошкентда шу ҳунарим билан кун кўрардик.

— Шунақа, денг! — таажжубланди Қаюмжон. — Ямоқхонада ишлаш сизга муносибмасдир, Ойнисахон?

— Касалхонада ахлат тозалашдан яхши-да, — деди Ойниса хомуш жиддийлик билан. — Агар ўтказишса, ижарани ҳам бошқа жойдан ахтарардим. Қундуз опа ҳам шу ерда, касал илаштириб бориши мумкин.

— Биласизми, Ойнисахон, — деди Қаюмжон, ниманидир мўлжал қилиб. — Бир ўйлаб кўринг. Бизда етти йиллик мактаб бор, агар маъқул курсангиз, кўчиб ўтинг, бирон юмуш топиб берармиз. Директори муаллимлар камлигидан нуқул нолийди. Муаллимликни эплай олмасангиз, пионервожатийми, фаррошликми — биронта иш қиларсиз. Мен директорга айтман, йўқ демайди.

— Ўзингиз нима хизматдасиз? — сўради Ойниса Қаюмжоннинг бемалол ваъда беришидан тузукроқ амали бўлса керак, деган хаёлга бориб.

— Бир ой бўлди, колхозга раис қилиб сайлашди, — деди Қаюмжон ийманиб. — Замон шунақа, ишга яроқли эркаклар фронтда. Олдинги раис аёл киши эди, ишнинг уддасидан чиқа олмади чоғи, ариза бериб бўшади. Чигит экиш кечиккан экан. Районнинг охирида бизнинг колхоз. Иш қалашиб ётипти. Агар хўп десангиз, эртага арава жўнатаман. Турар-жой ҳам топилади. Нима дейсиз?

— Қайдам, — деди Ойниса иккиланиб. — Район милицияси рухсат берармикин? Ҳар ҳафта бориб, кўриниш беришим керак.

— Милиция билан ўзим гаплашаман, — деди Қаюмжон дадил руҳда. — Улар фиди-биди қилса, райком бор, телефон қилишади. Қолаверса, сиз қаерда яшадингиз, уларга нима фарқи бор. Шу район территориясида бўлсангиз бас-да...

Ҳошимжон Маъсуд билан уйдагилари орасида воситачи бўлиб қолди. Бугун Ҳошимжон Маъсудни топиши, уйда муҳим гап борлиги ва мумкин қадар тезроқ боришини, онаси кутаётганлигини айтиши керак. Тунов куни Маъсуднинг «омонат» гапини уйдагиларига бориб айтди, қанақа можаро, жанжал бўлганини қисман кўрди, қисман эшитди. Айниқса, Муродхўжа аканинг фиғони фалакка кўтарилганини билиб, аввалига таажжубланди — ўғли ўзи хоҳлаган қизга ўйланаман, деган шарт қўйипти, бунинг нимаси ёмон? Ахир бу умр савдоси, олдинги замонлар одати ҳозирги талабларга тўғри келмайди, ҳатто ҳалақат беради, одам кўнгли ёқтиргани билан турмуш қуриши керак. Муродхўжа аканинг Маъсудга қилган зуғуми Ҳошимжонга ҳатто эриш туюлди, Ҳошимжон йигит томонини ҳимоя қилгиси ҳам келди. Кейин бу масаланинг бошқа жиҳатини ўйлаб қолди. Ҳа, майли, у Маъсуднинг тарафини олсин ҳам, бундан Ҳошимжонга қанақа фойда? Икки орада қайнотасидан дакки эштади, унинг гашига тегиб, назар-эътиборидан қолади. Муродхўжа ака бир сўзлик жоҳил одам, муносабати ўзгарса, аччиқ устида ҳамма нарсани барбод қилади, қизимнинг эри, ўзим топган куёвим, деган андишага бормайди. Ҳарбий бошқармадаги казо-казолар билан яхши алоқада, зиёфат-ўтиришларда учрашиб туришади. Муродхўжа ака битта имо қилса, тамом-вассалом, Ҳошимжоннинг ишидан биронта ишқал топишади, фронтга жўнатиб юборишади. Жўнатишмаганида ҳам қайнотасининг феъл-хўйи шунақаки, доим сергак бўлиб туриши, тил учида бўлса ҳам хушомадни қанда қилмаслиги керак. Кўчага ҳайдаб қўйиши мумкин. Унда хўрлик бошланади, чойхоналарда бит босиб юради. Тегирмонга қайтиб бора олмайди, ҳарбий омбордан ҳайдалган бўлади, уйига киритилмайди, хуллас шунча имтиёзлардан бир зумда маҳрум бўлади. Маъсудни ҳимоя қилиб, нима каромат кўради? Маъсуднинг ўзи командирлар қўлида майда бир югурдак, Маъсуддан қанақа фойда келарди? Ундан кўра ота-боланинг орасидаги можародан фойдаланиб қолгани маъқул эмасми? Масалан, қайнотасига, сиз отасиз, ўғлингиз сизнинг хоҳишингизга юриши керак, измингиздан чиққан, гапингизни иккита қилган ўғил қанақа фарзанд, деб гиж-гижлатиши керак! Ушанда ота билан боланинг орасига низо тушади, отаси боласини оқ қилади, юз кўрмас бўлиб кетишади. Муродхўжа ака зўр қайғудан тез-тез касалга чалинадиган ношуд бўлиб қолади, хонадонни бошқариш, идора қилиш вазифаси ўз-ўзидан Ҳошимжонга ўтади, шунча мол-дунё ҳам

унинг ихтиёрида бўлади. Ҳошимжон шу амални қўллаши, ота-бола орасида ёна бошлаган оловга мой қуйиб бориши керак. Маъсудга ҳам ёмон кўриниши ақлдан эмас. Нима қилади Ҳошимжон уни отаси зуғумига бўйсундириб? Ундан кўра тил учида гўё унинг тарафини олган бўлиб, Маъсудни қайрагани маъқул эмасми? «Ҳаёт битта бўлади, дейди у, йигитнинг ғурурини ғимоя қилган бўлиб, мол-дунё қўлнинг кери, ота-она ҳурмати ҳам нисбий нарсаси, яхши кўргангизга эриша олмасангиз, бир умр ҳасратда ўтасиз, шунинг учун ўз бахтингиз учун курашишингиз керак, ота-она бир кунмас бир кун кўникишга мажбур бўлишади, ҳатто невараси кўришса, бир пайтлар қаршилик қилганлари учун мулзам бўлишади».

Маъсуд у кунги «омонат» гапига жавоб кутаётганини Ҳошимжон билсада, Гулсум опанинг талабини ўғлига қай йўсинда айтишга ҳадиксираб, боши қотди.

— Хўш? — деди Маъсуд, тутилиб қолган Ҳошимжонга асабий тикилиб. — Гапимни айтдингизми?

— Айтдим, албатта, — деди Ҳошимжон.

— Боришдими? Одам юборишдими?

— Одам юборишганда, билган бўлардингиз, — деди Ҳошимжон чайналиб. — Ахир у ёқдан хабар келиб турса керак.

— Боришмапти.

— Ҳа, биларкансиз-ку. Гап шу-да.

— Нимани важ қилишяпти? — сўради Маъсуд тоқатсизланиб. — Етимлигиними? Камбағаллигиними?

Ҳошимжон Маъсуднинг асабдан оқарган юзига тикилиб туриб, илжайди.

— Ҳм? Нега куласиз? — Ҳошимжоннинг илжайиши Маъсудга ҳақоратдек бўлиб туюлди.

— Кулаётганим йўқ, Маъсуджон, — деди Ҳошимжон иймангандек. — Сизга қойил қоляпман.

— Тушунмадим, — деди Маъсуд ғалати бўлиб. — Наҳот, менинг ҳозирги аҳволим қойил қолишга арзиса? Мазох қиляпсиз.

— Йўқ, — деди Ҳошимжон жиддийлашиб. — Сизнинг адангиздек қудратли отаси бўлса, ҳар қандай ўғил шубҳасиз бўйсунган, раъйдан чиқмаган, ҳатто ҳайиққан бўларди. Сиз ҳам расмиятга қарамай, қайсарлик билан ўз манфаатингиз учун тортишяпсиз. Журъатингизга қойил қолиш керак. Адангизнинг ўрнида мен сиздек ўғилдан фахрланган бўлардим.

Маъсуд Ҳошимжонни доим хушомадгўй, ипирисқи йигит деб юрар, муносабатини ҳам шу асосда қурган эди, бироқ унинг ҳозирги гапларини эшитиб, ўз қулоқларига ишонмади, гангиб қолди. Демак бечоранинг одоби, юмшоқ табиатини мунофиқликка йўйиб юрган экан-да, аслида Ҳошимжон жўшқин, самимий қалбга эга экан.

— Кошки эди, сизнинг шу эътирофингиз қисматимга ёрдам берса, — деди Маъсуд ўкинч билан, дарҳол асабий ҳолатидан тушиб. — Адамни қанақалигини биласиз-ку.

— Ойингиз гаплашмоқчилар, — деди Ҳошимжон гапнинг мўлжалга текканини англаб. — Боринг уйга. Гаплашинг. Кўндиришга урининг. Улар ҳам одам, тушунишади.

— Тушунишиб бўпти, — деди Маъсуд таъби айниб. — Жанжал чиқади. Адам мени бирон бойнинг қизига уйлаб, мартабасини яна ошириш пайида. Наҳот мен шуни тушунмасам?

— Ахир барибир маслаҳат учун, уларнинг розилигини, оқ фотиҳасини олиш учун борасиз-ку. Бошқа иложингиз йўқ. Тўйни адангиз ўтказасиз. Агар у кишининг кўнглини топмасангиз, қанақа тўй ҳақида гап юритиш мумкин? Уларни кўндириш қўлнингиздан келса, тўй ҳам кўнгилдагидек ўтади, келин ҳам ҳашамат билан туширилади.

— Юрагим дов бермаяпти, Ҳошимжон, — деди Маъсуд зорланиб. — Кўнглим сезиб турипти, борсам албатта бир жанжал чиқади, кориҳол бўлади. Бир-биримизни хафа қилиб қўямиз, орамиздан парда кўтарилади, задал бўламиз. Шундан қўрқаман, Ҳошимжон.

— Уларнинг олдидан ўтмасангиз, барибир дилозорлик келиб чиқади, — деди Ҳошимжон донишмандлик қилган бўлиб. — Ёки уларнинг розилигини олмасдан тадбир кўрмоқчимисиз? — сўради Маъсуднинг дилида шунга ўхшаган мўлжал борлигини фарз қилиб. Агар бўлса, бу Ҳошимжон учун айни муддао эди, чунки ўғлининг ўзбошимчилиги, кўрнамаклиги отасининг қалбида қаттиқ ғазаб уйғотиши, натижада Муродхўжа ака кескин чора кўриши, яъни алоқаларини ишга солиб, ўғлини фронтга жўнаттириб юбориши, камида Маъсуддан воз кечиши, оқ қилиши мумкин. Энг маъқули, албатта, фронтга жўнаттириши. У ёқдан омон қайтишидан қайтмаслиги кўпроқ. Унда меросхўр қолмайди, барча бойлик Муқаддасга ўтади, бу — Ҳошимжонники деган сўз.

— Адамнинг ғазабидан қўрқаман, — деди Маъсуд, Ҳошимжоннинг тахминини инкор қилмагандек. — Ойим ҳам зил кетади.

— Аввалига шунақа бўлиши мумкин, — деди Ҳошимжон, мулоҳаза юритиб. — Кейин кўникиб кетишади. Ахир пушти-камаридан яралгансиз, тақдирга тан беришади.

Айниқса, неварга туғилса, унутворишади, ҳатто тўйга бош қўшмаганлари учун хижолат чекишади.

Маъсуднинг ҳадик билан ўйлаб юрган мўлжаллари Ҳошимжоннинг гапидан кейин қатъийлашгандек бўлди, ўзининг қарори унга унчалик бебурд эмасдек кўринди.

— Бориб айтинг, Ҳошимжон, — деди дадиллашиб. — Агар улар шартимга кўнишса, майли, бораман, агар қарши бўлишса, ихтиёр ўзимда, деб ҳисоблайман. Гап шу, қарорим қатъий.

— Шартингизни ўзингиз бориб айтсангиз бўлармиди, Маъсуджон, — деди Ҳошимжон мижғовланиб. — Адангизнинг жаҳллари тез, биласиз, ўртада мен гуноҳкор бўлиб қолмай, деб кўрқаман. Сизнинг йўриғингиз бўлак, фарзандсиз, балки гапингиз таъсир қилар, балки хавотирингиз ўринсиздир.

— Ҳошимжон, мулоҳазаларимни айтдим, тушунадиган йигит экансиз, — деди Маъсуд қароридан қайтишни хоҳламай. — Агар улар мен айтган қиз хусусида гап юритадиган бўлишса, боришга тайёрман.

— Майли, Маъсуджон, хайрли иш учун бир оз озор чексак, чекипмиз-да, — деди Ҳошимжон мурувват қилган бўлиб. — Элчига ўлим йўқ, деган гап бор. Менам ўз томонимдан сизга ён босиб гапираман. Зора инобатга ўтса. Ҳар қалай муносабатларни кескинлаштирмасликка уриниб кўриш иккала томон учун ҳам яхши.

— Раҳмат, Ҳошимжон, — деди Маъсуд самимий. — Бир умр қарздорингиз бўлиб қоламан...

Бунисини пиширдим, деб ўйлади Ҳошимжон, ўз айтганидан қайтмайди. Энди отасини қайрашим керак. Боя тил учиди, «боринг, гаплашинг, кўндириг», дедим. Рад этиб, Маъсуд яхши қилди. Агар борса, ким билади, балки кўндириб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Онаси минғиллайди, йиғлайди, эрини оғдиради. Фарзанд эмасми, ундан жудо бўлишганидан кўра, тақдирга тан берганлари афзал. Шунинг учун Маъсудни уйига йўлатмаслик керак. Майли, ўз ёғида ўзи қоврилиб юраверсин. Мен ўзимни ишни дўндираётган қилиб кўрсатаман, Маъсуд ишонади. Фақат уйланиб қўймаса бас, агар уйланса, отасининг ҳафсаласи қолади, «бўлар иш бўлди, энди билган номаъқулчилигини қилсин», дейди, бориб-бориб ярашиб ҳам кетишади. Шунинг учун: «Ўғлингизни бу қиздан айриб, иложи бўлса хизмат йўли билан узоқроқ бирон жойга жўнаттирсангиз, қутуласиз-қўясиз. Кушка, Ашхобод, умуман бу атроф тўғри келмайди, ё қиз ахтариб боради, ё ўғлингиз уни чақиртириб олади, ёки ўзи сабаб топиб, бу ёққа қатнайдиган бўлиб қолади», деган фикрни отасининг қулоғига қўйишим керак. «Фронтга жўнатсангиз шу хизматини ўша ёқда бажараверади, ўзи қанчадан бери ўша ёққа интиляпти. Иккита эмас, учта қуёлни бараварига урган бўласиз: ҳам ўғлингиз ниҳоят ўз ниятига эришади, қиз фронтга кетди, деб умидини узади, ҳам ўзи билмаган ҳолда уларни айриб юборган бўласиз. Маъсудхўжа ғалаба билан қайтганидан кейин кўзига бунақа ипирисқи қизлар кўринмайди, сиз бутун орзу-ҳавасларингизни бемалол амалга ошираверасиз. Сиз ҳам куймайди, каюб ҳам».

Албатта, фронтга жўнаттириш фикри Муродхўжа аканинг ўзидан чиққани маъқул. Агар Ҳошимжон ҳаддан ташқари ташаббус кўрсатса, қайнотаси шубҳаланиши мумкин. Лекин бу ёғи Ҳошимжоннинг маҳоратига боғлиқ. Хамирдан қил суғургандек тадбир қўллаши лозим. Энг муҳими, Ҳошимжон қайнотасининг дилда ўғлининг нобакорлигига қарши ғазаб уйғотса, марра шуники, у ёғи ўз-ўзидан юмалаб кетаверади. Фақат шошилиш керак. Муродхўжа токи штабага бориб, казо-казоларни унатгунча, ҳафта ўтиши мумкин. Унгача Маъсуд ҳам хитланиб қолади.

Ҳошимжон шу бугуноқ бориб, Маъсуднинг шартини айтиши, қайнотасини авраши, ўзини уларнинг манфаатини кўзлаган қилиб, воқеани керакли ўзанга юргизиши шарт, акс ҳолда фурсатни бой беради, кечалари ухламай бичиб чиққан режалари кунпаякун бўлиши мумкин...

Ўқчи қишлоғининг ҳоқ ўртасидаги лой томли пастқам, кўримсиз уйларнинг бири чойхона, иккинчиси ҳаммом, яна бири қишлоқ советининг идораси бўлиб, буларнинг рўпарасидаги нисбатан салобатли мачитда етти йиллик мактаб жойлашган эди. Мачитнинг намоз ўқиладиган кенгина хонаси беш-олти қисмга синч девор билан ажратилган бўлиб, бу ҳужралар синф деб аталар, синф танқислигиданми, муаллимлар етишмаганиданми, баъзи хоналарга икки қатор парталар қўйилган бир қаторида учинчи, иккинчи қаторда тўртинчи синф ўқувчилари бараварига ўтиришар, муаллим гоҳ уларга, гоҳ буларга дарс бериб вақт ўтказар эди. Намозгоҳ — ўйма хари, вассадор шифти анча баланд бўлгани учун синфларни ажратувчи синф деворлар тепагача етиб борманган, шу сабабли бу хонадаги муаллимнинг товуши у хонадаги муаллимнинг товуши билан мусобақа ўйнашгандек бўлади, айниқса олти хонанинг қий-чуви бир-бирига аралашиб, бозорни эслатади, ҳар томондан ҳайқирган овозлар айқаш-уйқаш бўлиб, дарс тугагач, болалар ҳеч нарсага тушунмай, гангиб уй-уйларига тарқашади. Якка қолган ўқитувчилар анча пайтгача бош ушлаб ўтиришади, аллақандай мудҳиш тушдан холи бўлиш-

гандек секин хушларига келишиб, бирининг кўлида чала скелет, бириникида глобус, яна бириникида бир даста дафтар — танчанинг иси теккандек, ичкаридан гандирак-лаб чиқишади, мачитнинг ҳовузи четига ўрнатилган чорпоёда бир нафас ўтириб, роҳат қилишади. Ҳар куни аҳвол шу.

Ойниса қизи билан аравада бу ерга етиб келганида якшанба куни бўлиб, мачитнинг серсоя, кимсасиз ҳовлисидаги жимликни қушларнинг бетиним чуғур-чуғури бузар эди. Буларни кўрди чоғи, тўрдаги бино айвонида каламенка кителли, одми шимининг почалари бризент этикнинг сарғиш қўнжига қистирилган кўзойнакли киши кўринди ва шошмай бу томон кела бошлади. Жамила онасининг этагига ёпишиб ташқарига, арава турган томонга тортар, Ойниса қизини тинчитиш мақсадида уни силтаб қўяр, ўнғайсизланар, кўзини келаётган кишидан узмас эди.

— Мудир, — деди Ойнисани олиб келган аравакаш кўзойнакли кишига қараб. — Мактаб директори, Мансур ака.

— Келинглр, — деди Мансур ака майин табассум билан ва аравакаш билан қўл бериб кўришди.

— Ассалому алайкум, домла, — сўрашди Ойниса бир қўли билан ёқасиниғижимлаб.

— Қандай етиб келдинглар? Кун исиб кетди, қийналмадингларми?

— Раҳмат, домла, — деди Ойниса жилмайиб.

— Бугун дам олиш куни, қоровулимиз бетоб, ўзим атайин кутиб ўтирувдим. Қаюм-жон тайинлаган эди.

— Дам оладиган кунингиз экан, домла, маъзур тутасиз, — деди Ойниса мудирнинг «дам олиш куни» деганидан пича хижолат чекиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Мансур ака ҳам ўз гапидан ўзи бироз мулзам бўлиб. — Мактабни барибир қолдириб бўлмасиди. Хўш... — дея у мавзу ўзгартиришга шошилди. — Энди, синглим, йўлдан толиқиб келгансиз, қизчангиз ҳам бетоқат бўляпти. Демокчиманки, ҳозир бирров бизнинг эшикка ўтсангиз, чой-пой ичиб, пича нафас ростласангиз. Қолган масалаларни кейин ҳам гаплашаверамиз. Нима дейсиз, синглим. Йидагилар бохабар.

Йўл-йўлакай аравакаш мактабдан жой тайёрлатиб қўйилганини айтган, Ойниса ниҳоят мустақил бир гўшага эга бўлиши мумкинлигидан дилида интиқ бўлиб, бир мириқиб ухлаб олиши дилига тугиб қўйган эди, энди қандай қилиб мудирнинг гапини қайтаради? Одбосзлиқ бўлиб кўринмасмикин?

— Домла, — деди Ойниса ўзини мажбур қилиб. — Бориш қочмас. Шу ер ҳам тинчгина жой экан. Ана, чорпоё ҳам боракан, ҳовуз. Агар айбга буюрмасангиз, мен шу ерда қола турсам.

— Шунақами? Майли, синглим, ихтиёрингиз, — деди мудир қисталанг қилишни эп кўрмай. — Ҳужрача ҳам тайёр. Албатта, бу шаҳарда яшаган одам учун ғалатирак, лекин боримиз шу, камига маъзур тутасиз.

— Мен жой танламайман, домла, — деди Ойниса, мудирнинг розилигидан суюниб. — Шунгаям катта раҳмат.

— Раҳматга арзимаиди, синглим, — деди Мансур ака. — Энди биз сизни холи қўяйлик, бўптими? Кечроқ биронтамиз хабар олармиз. Майли, синглим, яхши дам олинглар. Бу ер тинч, хавотир бўлманг. Фақат дарвозани ичидан занжирлаб олсангиз кифоя.

— Хўп бўлади, домла, — дея Ойниса хайрлашгандек орқасига тисарилди.

— Мен юкингни келтириб берай, кейин даврозани беркитарсиз, — деди аравакаш.

— Майли, — деди Ойниса. Аравакаш шошилиб кўчага чиқиб кетди.

— Ана у қўштабақали эшикча, — дея Мансур ака кираверишдаги бир пайтлар сўфининг ҳужраси, қоровулхонани кўрсатди, — ичидан занжирланади. Узи захроқ бўлсаям, таги тахта. Аммо ёзда салқин. Бир-икки кун туриб кўринг-чи, манзур бўлмаса, бўлак жой ахтариб кўрармиз. Маъқулми?

— Маъқул, домла, маъқул, — деди Ойниса самимий суюниб. — Етимхонада ишлардим, эртадан кечгача қий-чув, ғала-ғовур, қулоғим қоматга келарди. Унга қараганда бу ер жаннат-ку, домла.

— Ғала-ғовур бу ердаям кам эмас, — деди мудир мийиғида кулиб. — Ҳали кўрарсизам... Майли, синглим, менга рухсат.

— Майли, домла, овора қилганим учун узр.

— Ҳеч қанақа овораси йўқ, унақа деманг. Хўп, хайр.

— Хайр, домла.

Мансур ака мачит ҳовлисидан йўрғалаб чиқаркан, йўлакда Ойнисанин шолчасига ўроғлиқ юкни кўтарган қоровулга дуч келди, уни тўхтаиб, нималарнидир уқдирди, қоровул маъқул ишорасини қилиб, бош ирғади, қўштабақали эшик олдига келиб, юкни елкасидан туширди, эшикни очди.

— Кириб кўрасизми, янга? — деди у орқасига жилиб.



— Майли, — деди Ойниса ва Жамилани етаклаб хужра томон юрди.

Бу мақбарани эслатувчи гумбаз тоқили, мусулмон ғишлари кўндаланг терилган ғарибгина жой бўлиб, ис босган шифти дўппининг астарини эслатар, пастидаги икки қулоч келадиган сулачада лампа шишали чирик, примус, бир шиша керосин, ичида кафгири бор тувоқсиз декча, нарироқда яйдоқ стол, стол устида мис чойнак ва зангори қийиқчага ўроғлиқ алланима турарди. Сийрак қилиб сув сепилган полда шипиргининг излари қолган. Хужранинг ганч панжарали туйнугидан бўлак ҳеч қанақа деразаси йўқ, ичкаридаги нарсаларни кўриш учун кўз ўрганиши ёки эшик очиқ бўлиши керак эди.

«Бечора Қажумжон ака, — ўйлади Ойниса, — шундай олижаноб одам, мундоқ олиб қараганда, мен кимман унга, етти ёт бегона. Шу нарсаларни ўша уюштирган, боши дард кўрмасин».

Қандайдир бегона одамнинг ғамхўрлиги кўнглида эзгу миннатдорлик уйғотдими, ё чарчаб толиққанидан, ёки ғала-ғовурдан безиганиданми, ҳар қалай айни бир топда Ойнисанинг ҳам йиғлагиси келди, ҳам янги, ўз ихтиёрида қолган ошён кўзига илиқ кўрина бошлади. Аравакаш кетгач, Ойниса дарвозани занжирлайди, хужрага шолча ёзади, шипиради, кўрпача-ёстиқ тўшайди, примусни ўт олдириб, чой қўяди, чой қайнагунча Жамилани ювинтиради, ўзи ювиниб артинади, покиза бўлиб, янги уйига киради, тугунидаги нон, шакар ва икки дона қайнатилган тухумни олиб, дастурхон тузайди, анову қийиқчада ҳам нимадир бор, қизи билан биргалашиб чой ичишади, кейин ёнбошлаб, аёл ёпинади, пича дам олади, балки бир оз мизғийди... Дарвоқе, аравакаш пойлаб қолди-ку.

Ойниса ташқарига чиқди. Аравакаш чорпоёда оёғини осилтириб ўтирар эди, Ойнисани кўриб, ўрнидан турди.

— Қалай, янга? — деди у қамчисини кафтига уриб.

— Тузук, раҳмат, — деди Ойниса.

— Бирон камчилик бўлса, айтинг, амаллаймиз.

— Биноийдек, — деди Ойниса. — Энди сиз ҳам толиққансиз, биздан кўнглингиз тинч бўлаверсин. Сизни кутиб қолишгандир. Ишларингиз бордир.

— Битмаган иш борми, янга?

— Айбга буюрмайсиз, биронта челақми, жомми топилармикин? — деди Ойниса тортиниб. — Эшик олдига сув-пув сепиб, шипириб қўярдим.

— Сув-пув сепишга бўлса, аравада бор, от сўғоришга олиб юраман, аммо рўзғорга ярамайди, — деди аравакаш.

— Қизимни ҳам чўмилтираман, ярармикин?

— Уйдан олиб келаман, — деди аравакаш. — Қачонга керак?

— Ҳозирча аравадагисини ташлаб кета олмайсизми?

— Бўлмаса-чи? Ҳозир, — дея аравакаш кўчага югурди, бир зумда сал пачоқ челақни олиб келди ва Ойнисанинг гапини кутмай, ҳовуздан сув олиб, хужра олдига саҳнга сепа кетди.

— Қўйинг, ўзим, — деди Ойниса ноқулайлик сезиб.

— Сиз ичкарига қаранг, — деди аравакаш Ойнисанинг эътирозига қарамай. — Мен бирпасда сепиб бўламан.

Ойниса олчага ўроғлиқ нарсаларини хужрага ташишга киришди, сўнг шолчани бирикки қоқиб, ерга тўшади, бурчакда ётган шипиргини олиб, бир зумда хонани шипириб чиқди.

— Шакароб қилиб сепдим, янга, шипириш осон бўлади.

— Раҳмат, — деди Ойниса жилмайиб. — Энди қолганини ўзим қиламан. Ҳа, дарвоқе, исмингизни сўрашга иймандим, билиб олай, майлими?

— Тўхтасин-да исмим, янга, — деди аравакаш қўлидаги челақни товуш чиқармай ерга қўйиб.

— Тўхтасин ака, примус ёқиш қўлингиздан келадими?

— Келмай-чи? Тоза келадиди.

— Ҳозир олиб чиқаман, кўриб олай, кейин ўзим ёқавераман, майлими? — дея Ойниса ичкаридан примусни олиб чиқди ва боя бўҳча турган жойга қўйди.

Тўхтасин ака примусни силтаб кўрди: мойи бор.

Ичкаридан Жамиланинг ғингшигани эшитилди, Ойниса хавотирланиб хужрага кирди, бир оздан сўнг йиғи овози тинди. Ойниса хужрадан чиққанида, примус вашиллаб ёнар, алангаси борган сайин кўкимтир тус оларди.

— Яхшиям сиз бор экансиз, Тўхтасин ака, — деди Ойниса Тўхтасин аканинг кўнглини топиш ниятида. — Шунча ёрдамингиз тегди.

— Қизчангизга эҳтиёт бўлинг, — деди Тўхтасин ака Ойнисанинг хушомадига эътибор бермай. — Ҳовуз яқин экан.

— Ҳа, Тўхтасин ака, ўзимнинг ҳам кўнглимдан ўтди.

— Шунча бола ўқийди, майдалари бор, панжара ўрнатишмаган экан-да.

— Ўзим билан олиб юраман, — деди Ойниса ичида хавотирланиб. — Бошқа илож йўқ.

— Майли, янга,— деди Тўхтасин ака қўнжидан қамчини суғуриб.— Мен борай, кечроқ челақ келтириб берарман.

— Тўхтасин ака,— деди Ойниса примусга қараб олиб.— Примусга сув қўяй, бир пиёла чой ичиб кетасиз. Ҳақиқий чойим бор, олма чой эмас. Авайлаб юрипман.

— Йўқ, янга, қиладиган ишларим бор, бора қолай. Анову қийиқчада зоғора; пиширилган думбул бор, эсингиздан чиқиб қолмасин-а, янга.

— Бекор овора бўлибсиз, Тўхтасин ака,— деди Ойниса тортиниб,— тугунимда ейдиган нарса бор, сиз қийиқчани ола кетинг, болалар ейишар.

— Болаларнинг тегиши бўлак,— деди Тўхтасин ака бир-икки қадам эшик томон жилиб.

— Хўжайинингизга раҳмат айтиб қўйинг,— деди Ойниса аравакашни кузата туриб.— Мен тинчман, жойлашиб олдим, хавотир тортмасин.

\* \* \*

У аллақандай тақиллаган товушдан уйғониб кетди, қаердалигини англай олмай, пича серрайиб ўтирди, атрофига аланглади. Ёнида қизи ухлаб ётар, дастурхон йиғиштирилмаган, ҳужранинг ичи нимқоронғу, панжаратуйнукдан тушаётган қуёш нури нариги деворда аниқ жимжимадор ёлқин ҳосил қилган гардишда сарғиш ўргумчак тўр тўқир, ин толаси йилтирар эди.

Тақиллаш яна қайтарилди, йўлак гумбази остида бу товуш акс-садо бериб, ҳаммомдан чиққандек туюлди. Ойниса сапчиб ўрнидан турди, икки табақали эшикни очиб юборди, кавушини оёғига илиб, ташқарига отилди. Эшикни кимдир яна қоқди.

— Ҳозир! — деди Ойниса йўл-йўлакай қаерда нима борлигини эслай-эслай.— Ким?

— Мен, Тўхтасинман,— деган аравакашнинг овози эшитилди дарвоза ортидан.

Ойниса шарақлатиб занжирни олиб ташлади, дарвоза қанотини очди. Қўлида челақ билан Тўхтасин ака турарди.

— Анча тақиллатдингизми, Тўхтасин ака? — деди Ойниса тўзғиган сочини силаб.— Кўзим кетиб қопти.

— Мана,— дея Тўхтасин ака челақни узатди.

— Раҳмат, Тўхтасин ака,— деди Ойниса челақни олиб ва одоб юзасидан: — Киринг,— дея четланди.

— Примусга гугурт чидамайди,— деди Тўхтасин ака жойидан жилмай.— Бу ерларда гугурт танқис, мана, битта қути топиб келдим. Кейинчалик ўчоқ қуриб бераман, кўрида чўғ ўчмайди, ўт олдирса бўлади. Ҳозирча шуни ишлатиб турарсиз.

— Раҳмат, Тўхтасин ака,— дея Ойниса гугуртни олди, ичини очиб кўрди.

— Зиқналик қияпти, десангиз ҳам айтай, янга, аввал биттасини ёқиб оласиз,— ё чироқни, ё примусни. Биттаси ёниб турса, бошқасигаям ярайди.

— Хўп бўлади,— деди Ойниса бунақа тежамкорликни қилавериб, ўрганиб кетган бўлса-да.

— Раис Аравонга кетипти. Балки бугун сиздан хабар ололмас. Ҳойнахой тунда қайтади. Одамларимиз пичан ўроғида, шунга кетган.

— Майли, зарари йўқ, Тўхтасин ака,— деди Ойниса негадир ўнғайсизланиб...

У, бу ерга келганидан кейин, Қаюмжон нималарнидир истиҳола қилибми, ҳадеганда ундан хабар олмади. Тўғрироғи, бир марта келди, ўшанда ҳам мактабнинг ишлари билан. Мансур ака билан гаплашди, йўл устида Ойниса билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Синглимиз шу жойнинг мутасаддиси бўлиб қолди,— деди мактаб директори.— Ҳам йиғиштириш, ҳам қоровуллик, дегандек. Жиччагина рўзғор ҳам бор, баъзан чор-поёда ўтириб, чой-пой ҳам ичиб турамиз.

— Умуман, дуруст,— деди Ойниса миннатдорчилигини билдириш мақсадида.— Ҳамма нарса бор бу жойда — иш ҳам, уй ҳам. Қизим қаровсиз қолмайди. Сизларга раҳмат, анову дўзахдан қутқардинглар. Эртага районга бориб, милицияга кўриниш бериб келмоқчиман.

— Милиция шу ердаям бор,— деди Қаюмжон.— Айтиб қўямиз. Шунга учраб турсангиз ҳам ҳисобга ўтаверади.

— Яхши бўларди,— деди Ойниса севиниб.

— Қийналмаяпсизми? — сўради Қаюмжон, ўзини лоқайд тутишга уриниб. — Иш оғир эмасми?

— Синфларни тозалаб чиқаман, икки марта ҳовлини шипираман, сув сепаман, қоровуллик қиламан, ишим шу, қийин эмас,— деди Ойниса, қўлини ёқасидан олмай ва пилдиллаб ҳовуз бўйига кетаётган Жамилани кўриб, у томон чопди, қизчани қўлига олди.

Мактаб директори Қаюмжонга нимадир деди, Қаюмжон бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди.

— Бир ҳафтадан кейин каникул бошланади,— деди Мансур ака, Ойниса қайтиб

боргач.— Жимжит бўлиб қолади, иш ҳам камаяди.

— Иш камаяр экан,— дея тортиниб гап қотди Ойниса,— агар рухсат олиб берсангизлар, Тошкентга бориб келардим. Ҳовлимиз қаровсиз қолиб кетган. Қизимнинг дадасидан ҳам анчадан бери хат-хабар йўқ.

— Иложи топилар,— деди Қаюмжон далда бериб.

Икки кундан сўнг Тўхтасин ака билан бир чол аравада поя келтириб, ҳовузнинг атрофига ихота ўрнатиб кетишди. Энди Ойниса қизидан хавотир бўлмай, юмушларини бажараверади. Таътил кунлари бошланиб қолса, ташвиш ҳам, иш ҳам камаяди, балки Ойниса беш-ўн жуфт бачкана тикишга улгуради, кўлига ерича пул тушса, Шўртепага бориб, онаси қабрини зиёрат қилиб келади, ис чиқаради. Қишлоқ совети қизи билан Ойнисага иккита нон паттасини берган, бироқ Уқчига нон келмайди, Марҳаматдан бориб олиш керак. Марҳамат олис, нон дўкони эрталаб очилади, улгуриб бориш учун кечаси йўлга чиқиш керак. Ойниса атиги уч марта бориб келди, неча кунлиги қуйиб кетди, кейинги борганида патталарини дўкончининг ўзига сотди-қўйди, пулига ярим халта ун, бир шиша ёғ олиб қайтди. Атала, угра, чапати — тез тайёрласа бўлади, бирпасда пишади. Мактаб тўлайдиган маошга кун кўриб бўлмайди. Унинг устига Уқчида бозор ҳам йўқ, аҳоли томорқада етиштирган нарса ҳисобига яшайди, олди-сотдини районга бориб қилиб келади. Мош, гуруч, ҳатто тузни ҳам Ойниса райондан олиб келиши, ёки ўша томонга кетаётган биронта одамдан илтимос қилиши керак. Яхшиям Қаюмжон боракан, Тўхтасин акадан ўша ул-бул юбориб туради. Албатта, Ойниса ҳар гал мулзам бўлади, бироқ иложи қанча, олмаслик мумкин эмас, тортина-тортина олади. Тўхтасин ака бир четга ўчоқ қуриб, қозонча ўрнатиб берган, кўрга кўмилган тезак доим сасиб туради, гугурт билан керосинга унча эҳтиёж ҳам йўқ, кўр четига қўйилган қумфонда доим қайноқ сув бўлади. Мансур ака сўраб қолса, Ойниса дарров чой дамлаб беради. Малол келмаслиги учун Мансур ака қоғозга ўроғлик ярим ҳовуч чой ҳам бериб қўяди.

— Ойнисахон,— деди бир ўқитувчи аёл, мактаб айвонини шипираётганида унинг олдида тўхтаб.— Почтада хат боракан, бориб олармишсиз. Фамилиянгиз Ёқубовами?

— Ҳа! — деди Ойниса севинчдан кўзлари чақнаб.— Ёқубова! Хайрият-эй! Шу хатни кутавериб кўзларим тўрт бўлди. Жамила! — У ҳовлида ер чизиб ўйнаётган қизини чақирди, уст-бошини қоқиб, аёлга қаради.— Опа, сиз болага қараб тура оласизми, мен ғизиллаб бориб келардим.

— Почтани биларсиз, ҳаммомнинг ёнида, кўримсизгина бостирма.

— Биламан, опа, бир гал бориб суриштириб келганман.

Аммо бир оз ўтгач, у қайтиб келди ва мактаб томонга ўтмай, ҳужрасига кириб кетди. Дарвозахона нарироқда бўлгани учун ўқитувчи аёл Ойнисанинг қиёфасини кўра олмади, лип этиб ўтганини пайқади, холос. Онасини кўрган Жамила пилдираб ҳужра томон кетди, бироқ икки табақали дарча ичидан берк эди, қизча ғингший бошлади, йиғлашга тушди. Ўқитувчи аёл ана чиқар, мана чиқар, деб яна бирпас ўтирди, негадир Ойниса қизининг йиғисига ҳам эътибор бермади, дарча ҳадеганда очилавермади. Ниҳоят йиғиси баттар авжига чиққан қизчани кўлига кўтариб, ўқитувчи аёл, дарчани қоқди:

— Ойнисахон,— деди ноқулай аҳволда.— Нима гап, синглим? Нега мунақа қиласиз? Очинг эшикни.

Ичкаридан ҳеч қанақа шарпа эшитилмас эди. Ўқитувчи аёл хавотирлана бошлади. У дарчани қаттиқроқ тақиллатди.

— Ойнисахон! Очинг эшикни! Бўлмаса, одам чақираман.

— Ҳозир,— деган Ойнисанинг бўғиқ товуши эшитилди энди ва бир неча дақиқа ўтгач, занжир шикирлаб, дарча очилди. Ойнисанинг кўзлари қизарган, юзи шишган эди.

Жамила уни бўйнидан кучоқлаб олди.

— Нима гап, Ойнисахон? Емон хабарми?

— Қорахат экан,— деди Ойниса хўрсиниб ва Жамилани ерга қўйиб, ҳовуз бўйига борди, юзини чайди, бағаздаги сочиққа артинди, боласини қайтиб бағрига босиб, чорпояга бориб ўтирди. Ўқитувчи аёл ҳам чорпоя четига омонат чўкди.

— Шўрлик йигит,— деди у ачиниб.— Пешона, синглим, худо тўзим берсин, иродали бўлинг! — Улар бир мунча вақт сассиз ўтиришди.— Юринг бизникига,— деди ўқитувчи аёл ниҳоят.— Бугун бу ерда ёлғиз қолишингиз яхшимас. Бирон ҳафта бизникида бўлинг, болаларим билан алаҳсийсиз, ғам чалғийди. Туринг.

— Йўқ, опа, уйингизга мотам олиб кираманми?

— Аламингиз билан ёлғиз қоврилиб ётаверасизми, синглим? Йўқ. Касалга чалиниб қоласиз. Биронта ҳамдард бўлса ҳам майли эди. Юринг.

— Йўқ, опа,— деди Ойниса эътироз билдириб.— Юрагимга ҳеч нарса сиғмайди. Хафа бўлманг, опа, холи қолишим керак.

— Мачитни қаранг, Ойнисахон, ҳайҳотдай, ютаман, дейди.

— Урганиб кетганмиз, опа,— деди Ойниса пичирлаб.— Шаҳардаги ҳовлимизда ҳам қизчам билан ёлғиз эдим.

— Ҳа, энди у ўз ҳовлингиз бўлган-да.

— Униям тортиб олишипти,— деди Ойниса.— Энди азани қаерда очаркинман, хайронман.

— Ҳозир азани ўйламанг, Ойнисахон,— деди ўқитувчи аёл.— Сиз ҳозир ўзингизни ўйланг. Мен Мансур акага бориб учрайман, ўқитувчиларга хабар қиламан, сизни ёлғиз қўймаймиз...

Маъсудни фавқуллода штабга чақиртиришиб, фронтга жўнашига расмий рухсат беришди. Маъсуд «айиқ товон»лиги учун аллақачон умид узиб қўйган эди, аввалига суюниб кетди, ҳатто эсанкираб қолди. Энди одамлар олдида мулзам бўлиб юришдан қутулади. Бироқ...

...Бироқ бу ёғи нима бўлади? Ахир Захрога бир қоп ваъдалар берган эди, унинг тақдирини нима кечади. Заҳрони-ку, Маъсуд бир амаллаб кўндиради. Ярим йил, бир йил ҳам ҳаш-паш дегунча ўтади-кетида, у кутса бўлгани. Аммо кутармикин? Ҳозир ким кўп, урушдан ярадор бўлиб қайтаётганлар кўп. Биронтаси қизнинг бошини айлантириб ўйланиб олса, тамом, ҳамма ниятлар барбод бўлади. Уруш уруш-да, эсон-омон қайтиб келаман, деб ким кафолат бера олади? Энди, албатта, фронтга жўнашдан Маъсуд бўйин тоблаётгани, бебурд бўлиб чиқади. Шунча пайтдан буён жўнатинглар, деб мурожаат қилиб юриб, ижозат текканда йўқ деса командирлари нима дейди? Урушга бориб, агар сал ярадор бўлиб қайтса, янада яхши, таниш-билишлари, синфдошлари олдида юзи ёруғ бўлади, ҳар кўрганда хижолат тортмайди.

Маъсуд кадрлар бўлимига кирди ва кетиш кунини билиб чиқди.

— Янги чақирик,— дейишди бўлимдагилар.— Бир эшелон. Ротани бошқариб борасиз. Етиб борилган жойда қурол-аслаҳа берилади. Таом қуруқ паёқ. Қочоқларни тутиб вокзал ҳарбий комендатурасига топширасиз. Бўйсунмаганини... ўзингиз тушуна-

сиз. — Қаергача борамиз? — бир оз ҳаяжонда сўради Маъсуд.

— Бунақа маълумот берилмайди,— деди капитан жиддий кўйда.

— Мен битта ўзим бошқариб бораманми?

— Тўртта қуролланган соқчи қўл остингизда бўлади,— деди капитан турқини бузмай.— Вагоннинг боши ва охирида туришади. Иккитаси кундузи, иккитаси кечаси навбатда бўлади. Станцияларда ҳожат сўраганларни конвой билан олиб бориб келиш керак. Интизом қаттиқ. Бузсангиз — трибунал. Кетишингиздан аввал қурол билан инструктаж беришади. Тушунарлими?

— Худди шундай, ўртоқ капитан!

— Бўшсиз,— деди капитан ва сал юмшаб, қўшиб қўйди: — Уйингиздагилар билан хайрлашиб келишингиз мумкин. Соат 18 дан кеч қолманг, гарнизонда бўлинг, чақириб қолишлари мумкин. Кузатиш учун ҳеч ким келмасин.

— ЕСТЬ — дея Маъсуд ўнг қўлини чаккасига қадади.

Маъсуд фронтдан қолдирилишига отаси сабабкор эканини аниқ билмаса-да, тусмол қилиб юрарди. Агар у ўғлини фронтга юборишаётганини билиб қолса, албатта яна ҳаракатга тушади, олиб қолиш учун чора ахтаради, офицерлар орасида танишлари бор, урдасидан чиқади ҳам. Отаси чора кўрмаслиги учун Маъсуд қанақа йўл тутсин экан? Нима тадбир қўлласса, отаси кўниши, оқ фотиҳа билан кузатиб қўйиши мумкин экан? Маъсуд бугун уйига бориб, фронтга кетаётганини айтади, уйдагилар дод-вой кўтаришади, Маъсуд эса уларни юпатишга ҳаракат қилади; уруш охирлаб қолди, ҳавф у қадар кўп эмас, борса, юзи ёруғ бўлиб қайтишини ва бу мақсади йўлида ғов бўлмасликларини, яхшиликча кузатиб қолишларини сўрайди, ўтинади, кор қилмаса, ўжарликка ўтади. Улар албатта осонликча рози бўлишмайди, ҳатто Захрога ўйланишига ҳам қарши эмасликларини рўқач қилишади. Бу баҳона ҳам натижа бермагач, отаси извошини қўштиради, шартта қаёққадир жўнаб қолади, мақсадини амалга ошириб келади. Эртасига капитан буйруқ бекор қилинганини, «айиқтовон»лиги эсдан чиққанини айтади, Маъсуд беҳуда маъраган бузоқдек қолаверади, ана ундан кейин зуғум бошла-нади, отаси нимани маъқул кўрса, Маъсуд унинг мақомига йўрғалашга мажбур бўлади. Фронтга кетиш ҳам амалга ошмайди. Захрога ўйланиш ҳам таҳлика остида қолади. Нима қилсин Маъсуд? Борди-ю, уйдагиларига айтмасдан жўнаворса бўлмайдими? Ҳа, нима экан, онаси бир-икки кун йиғлаб-сиқтайди, кейин тақдирга тан беради; отаси ҳам аввалига жиғибийрон бўлади, кейинчалик у ҳам кўникиб кетади. Йўқ, индамай кетвориш инсофдан эмас, бу тошбағирлик, сотқинлик. Бу жудоликни, кулфатни онаси кўтаролмайди. Қандай бўлмасин, Маъсуд уйига бориши, вазиятни ётиғи билан тушунтириши, бир амаллаб уларнинг розилигини олиб кетиши керак, акс ҳолда ўзи ҳам изтиробдан чиқмай юради. Фронтга жўнаш жиддий масала, шунинг учун биринчи навбатда отаси билан гаплашиши лозим. Отаси вазмин, кўпни кўрган мулоҳазали одам, онаси унинг измида, отаси нима демасин, гапини икки қилмайди; масалани ўзаро ҳал қилишса, сиз ҳам қўймайди, кабоб ҳам...

— Албатта, кўз остимизда юрсанг, кўнглимиз тўқ бўларди,— деди Муродхўжа

ака, ўғлидан жўнаш ҳақидаги гапни биринчи марта эшитаётгандек, унинг мулоҳазаларини диққат билан тинглаб.— Эл бошига тушган ташвиш. Шундай кезде четда қолиш инсофдан эмас, ўғлим. Уруш бўлмаганида, халқ шунча жабр кўрмасди. Сен шу халқнинг бирисан, ўғлим. Бошига тушган маломатни бирга кўришинг керак. Сен энди ёш бола эмассан, ҳар бир ҳаракатинг учун ўзинг жавобгарсан. Шу қарорга борибсанми, демак, бу — виждонинг амри. Биз нимаям дердик, ўғлим, қўлимиздан келгани — эртаю кеч саломатлигинг ҳақида дуо қилиш, худодан нажот тилаш, йўлингга кўз тикиш...

Жанжал бўлишини кутган Маъсуд отасидан бу қадар осойишта фикрларни эшитиб, ўз қулоғига ишонмади, қотиб қолди. «Эй, мен аҳмоқ,— деб ўйлади зўр ҳаяжонда Маъсуд. Мен адамни ўта туллак, жоҳил, деб юрардим, бу одам нақадар олижаноб экан. Ахир мен ягона ўғлиман-а, шунда ҳам худбинлик қилмади, эътиқодини юксак қўйди! Шунча отанинг юзини ерга қаратиб бўладими?! Агар эсон-омон қайтсам, бошимга кўтараман, эъозлайман, оғзидан чиққанини бажо келтираман!..»

Ота-бола пича суҳбат қуриб ўтиришгач, Гулсум опани чақиртиришди. Муродхўжа ака ўғлининг қарорини ва ўзи ҳам розилигини хотинига айтди. Икки кун аввал эри томонидан бу ҳақда огоҳлантирилиб, бу хабарга кўника бошлаган Гулсум опа номига кўзёш қилган бўлди, дод-вой солмади. Бу нарса ҳам Маъсудни бир оз таажжублантирди. Балки фронтга жўнатилиши қарори Ҳошимжоннинг қулоғига чалинган бўлса, у дарров келиб адасига етказган, адаси вазиятга бўйсуниб кераклигини англаб, ойисига таъсир кўрсатганмикин?! Хабарни эшитиб, адаси сапчиб тушгани йўқ, ойиси ҳам, мана, мўмингина бўлиб ўтирибди!..

Кейин овқат келтиришди, Маъсуд апил-тапил тамадди қилди, рухсат муҳлати тугаётганини айтиб, кўзғалди, эртасига жўнаш вақти аниқ бўлганида, яна келиб, хайрлашиб кетишга ваъда берди, кўчага жадал чиқиб кетди ва нариги маҳалла томон бурилди, бир парча хат ёзиб кўчада ўйнаб юрган боладан Заҳроникига жўнатди, вақт зиқ бўлгани сабабли, қайрилиб гарнизонига кетди. У энди Заҳрони кута бошлади. Ишқилиб бояги бола қоғозни олиб борганида Заҳро уйда бўлсин. Маъсуд хатида вазиятни тушунтирган, Заҳро ҳали-замон келиб қолиши керак. Ичкарига кираётганида Маъсуд соқчига тайинлаган, Заҳро келиши билан соқчи биронта солдатни киритади, Маъсуд зудлик билан у ёққа чиқади, ҳамма гапни Заҳрога айтади. Сизни яхши кўраман, унутмайман, номингизни атаб жангга кираман, омон бўлсам, келиб тўй қиламиз, муродимизга етамиз, фақат кутсангиз бас, дейди. Заҳро йиғлайди, кутаман, деб ваъда беради. Бундай кезларда қизларнинг кўнгли бўш бўлади, Маъсуд уни қучади, ўпади, аҳду-паймон қилишади.

Бироқ Заҳро шу куни келмади. Маъсуд эрталабгача ухламай, тўлғаниб чиқди. Ота-онаси билан хайрлашиб келишга капитан кеча рухсат берган эди, кун ярим бўлганида эски шаҳарга ошиқди, аввало Заҳронинг уйига кириб борди, аммо у ерда ёш болалик жувондан бошқа ҳеч ким йўқ эди, тайин жавоб ололмади. Тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйига кириб борди. Отаси ишдан қайтмаган экан, унинг келишини кутди. Маъсуднинг таъби хира, кечаги кўтаринкилигидан асар ҳам қолмаган, аллақандай асабий ва бетоқат эди. Гулсум опа ўғлининг бундай ҳолатини нимага йўйишни билмай, таажжубланди, бироқ кетар олдидан вазиятни кескинлаштирмаслик учун, индамай қўя қолди. Муродхўжа ака келгач, оила аъзолари битта дастурхон атрофида тўпланишиб, овқатланишди; отаси билан онаси Маъсудга йўл-йўриқ кўрсатишди, бехатар бўлишини тилаб, галма-гал дуо қилишди, Маъсуд билан видолашиш пайтида йиғлашди, Маъсуднинг ҳам ҳалқумига нимадир келиб қадалди; Муқаддас билан хайрлаша туриб, унинг қулоғига Заҳро ҳақида алланарсалар деди, Муқаддас йиғи аралаш бош ирғади, мужмал ваъда берди.

— Мени кузатгани чиқманглар,— деди Маъсуд пировардида.— Ярим тунда жўнаймиз, вақти тайин эмас, овора бўласизлар.— У йўлакка ошиқди.— Ҳошимжон ўшатта учраса, хайрлашаман, балки кузатиб қўяр, кетганимни ҳам сизларга келиб айтади...

Ҳарбий интизомга қарамай Тошкент вокзали тўс-тўполон эди. Четдан қараганда прожекторлар нурида гала-гала бўлиб юрган ўспиринлар бир-бирларига туртинишар, взвод командири ортидан гур этиб у ёққа, гур этиб бу ёққа югуришар, тўзонда қолган подани эслатишар, ота-она, қариндош-уруғларнинг фарёди ҳамма ёқни тутган, қийчув эди.

Маъсуд ўзига топширилган рота ва тўртта қуролли соқчи билан навбатдаги буйруқни кутар, бежо назар билан Ҳошимжонни ахтарар, келиб қолса, Заҳро ҳақидаги хавотирини айтиш ниятида эди. Ҳошимжон зийрак йигит, Заҳрони эргаштириб келса ажаб эмас, деган умид Маъсуднинг хаёлидан ўтди ва шу умидга берилиб, зўр ҳаяжонда атрофга аланглади. Бироқ вокзалда на Ҳошимжон, на Заҳро кўринди...

Маъсуд хусусида гаплашганини ва яқин орада ўғли фронтга жўнаш ҳақидаги расмий чақириқ олиб қолиши мумкинлигини айтди. Сиртдан билдирмаса-да, Ҳошимжон бу хабарни мамнуният билан кутиб олди, қайнотасига ишлатган тадбири қор қилганидан ичида суюниб қўйди ва яна бир мулоҳазани ўртага ташлади. Бу мулоҳаза Захро билан алоқадор бўлиб, Ҳошимжонни безовта қила бошлаган ва олдини олиш учун тезроқ чора кўриши зарур эди. Унинг фикрича, Маъсуд Захро билан қолган шу бир неча кун ичида яқин алоқа қилиши мумкин эди, бу тахмин Ҳошимжонга муқаррар туюлди. Шундай ношаръий алоқага борган қиз, шаллақилик қилишдан ҳам тоймайди. «Ўғлингиздан ҳомилалик бўлдим, уйланишни ваъда қилиб мени алдади, бошимни айлантирди», деб даъво, пўписа қилади, агар бўйида бўлмаса, биронта ютоқиб юрган йигитдан ҳомила орттиради, уйга келиб ўтириб олади, меросхўр туғиб беради, ҳақини талаб қилади. Шунинг учун Маъсудни қизга йўлатмаслик керак, бир-биридан айириб қўйиш зарур. Бу иш, албатта, қайнотасининг қўлидан келади. Муродхўжа аканинг итдек вафодор югурдаклари кўп, имо қилса, баҳона топишади, айб қўйиб, гумдон қилишади. Моддомики, Захро ўқимас экан, тайин иши йўқ экан, етим экан, демак, ё ўғрилиқ, ё фоҳишалик қилади. Бу йўсинда ҳаёт кечириш қонунга хилоф. Бунақангиз ғайриқонуний инсонларга нисбатан мажбурий чора қўлланилади. Мана, айбнома ҳам тайёр.

Муродхўжа ака куёвининг зукколигига қойил қолди:

— Шунақа мулоҳазаларинг бор экан,— деди у афсус чекиб,— нега илгарироқ айтмадинг? Маъсудни фронтга жўнаттирмаган бўлардик.

— Мумкин эмас, ада,— деди Ҳошимжон ўзини масаланинг моҳиятига етган кўрсатиб.— Маъсудхўжа хитланиб қоларди. Жазмани қамалса, қараб турмасди, чора кўрарди, ҳимоя қилган бўларди, жанжал кўтарарди. Унинг устига қиз ўғри ёки фоҳиша эмаслиги ўғлингизга аён, ҳийла очилиб қолса, масала мураккаблашади, икки ўртада ўзингиз ёмонотлиқ бўлиб қоласиз, Маъсудхўжа тўнини тескари кийиб олади, сиздан ихлоси қайтади, ҳатто ашаддий душманга айланади.

— Тўғри,— деди Муродхўжа ака, куёвининг далилларини эътироф этиб ва бир оз ўйланиб тургач, маълум қарорга келиб, куёвига буюрди: — Маматга айт, Шукур мўйловни топиб келсин, айтамиз, қонун қўлида, йўриғини ўзи топади. Шукур мўйлов келгунича, сен овқатга унна, девзирадан ўз қўлинг билан битта ош яса, ўғлим,— Муродхўжа ака биринчи марта куёвини шундай «ўғлим» деди. Ҳошимжоннинг кўнгли кўтарилди — қайнотасининг жилови қўлида, энди у Ҳошимжоннинг чизиб берган йўлига юради. Фақат бу тадбирларни моҳирона амалга ошириш керак.

36

Ғўза гуллаган палла. Ҳаво иссиқ, дим, барг қимир этмайди, сояда ҳам тоқат қилиш қийин. Шунга қарамай, ишга яроқли одамлар — хотин-халаж, таътилга чиққан болалар, чоллар томорқаларида овора. Аъзоларига қолхоз деярли меҳнат ҳақи тўламайди, барча маҳсулотни — лалмидан тортиб пахтагача фронт эҳтиёжи баҳонасида ҳукумат фойдасига ўтказилади. Қолхозда ишлаб бериш мажбурият, халқ асосан томорқасида етиштирилган ҳосил ҳисобига кун кўради. Қўлида кучи борлар фронтда, шунинг учун хўт-хўдан тирик қолган нимжон, ўлакса қариялар ғимирлаб етиштирган ҳосил баракали бўлмайди. Эрта баҳордан бошлаб даладан бери келмайдиган қиз-жувонлар ғўза гуллаганда, бир мунча томорқаларига қарашади, лалмидан чиққан сомонни лойга буктириб, том сувоқ қилишади, нурай бошлаган уйлари ямаб-чаплаб, эпақага келтиришади, бозор-ўчар, болаларининг хатнасини ўтказиб олишади, ғўза шоналагач, жарчишовозлар уйма-уй юриб, ҳаммани далага ҳайдашади.

Қаюмжон сахар келиб тунда қайтади. Эртадан кечгача отдан тушмайди, гоҳ у бригадага, гоҳ бу бригадага боради, ишнинг юришини кўради, иш яхши бўлса одамларни мақтайди, кўнглини кўтаради, ёмон бўлса аямайди, исқанжага олади, йўл-йўриқ кўрсатади, бир ярим тоннали юк машинасига ўтириб районга боради, қурилиш ускуналари ундиради, МТСга кириб чала ишларини бажаради, қишлоғига қайтиб келиб, лампамой чироқнинг дудли нурида давра бўлиб ўтирган бригадирлар билан келгуси кун юмушларини режаляб чиқади, ҳуфтондан кейин уйига кириб боради. Айвондаги чорпоёда ухлаб қолган ўғилчасини кўзи ожизланиб қолган қари онаси чивиндан елпиб ўтирган бўлади, Қаюмжоннинг шарпасини эшитиб, ўрнидан кўзғалади, дастурхонни очади, Қаюмжон отининг эгар-жабдуғини ечиб, ювиниб бўлганича, кампир пайпасланиб туювқ остидаги косани олиб келиб қўяди. Кундалик турмуш шунақа. Яхшиям онаси бор экан, кўзи қувватсиз бўлиб қолганига қарамай, рўзғорни тутиб турипти. Акс ҳолда боласи билан Қаюмжон нима қила оларди? Қариндош-уруғлари йўқки, болага қараб туришга берса. Хотинининг ота-онаси Аравонда, улар ҳам мункайиб қолишган, ўзлари қаровга муҳтож. Қайнсингиллари бор, бироқ уларнинг ҳам ўз болалари кўп, ўзларидан ортиб Қаюмжоннинг ўғилчасига қарашлари қийин. Дарвоқе, Истамхоннинг вафотида ярим йил тўлди, қабри ўша, ўзи туғилган жой Аравонда. Қаюмжон бир неча марта ўғилчаси билан бориб, ғўри тепасида тиловат қилди, қайнота-қайнонасида хабар олди...

Қаюмжоннинг онаси туртина-суртина яна чорпоёга чиқиб, тўшагига ўтирди, тасбех ўгира бошлади, Қаюмжон келиб ўтиргач, дуо қилишди. Қаюмжон овқат ейишга кириш-

ди, одати бўйича телпак остидаги чойнакдан пиёлага чой қуйиб ҳўплади.

— Алижон олтидан ошди,— деди онаси, Қаюмжонни ғира-шира кўриб.— Қўлини ҳалоллаб олсанг бўлармиди?

— Мактабга келаси йил боради,— деди Қаюмжон қўлини сочиққа артиб.— Унгача бир гап бўлар.

— Тўй-ҳашам қиласанми, болам?

— Тўй-ҳашамнинг пайтими, буви? Бор-йўғим келинингиз маракаларига кетди. Тўйнинг ўзи бўладими? Дарагини эшитган одам келаверади, қандай етказаман? Шаҳар бўлса, бир нав эди, шаҳарда айтилмаган одам келмайди.

— Ахир колхозга раиссан, болам, тўйни ими-жимидида ўтказсанг, одамлар нима дейди?

— Деяверсин одамлар, қарзим йўқ,— деди Қаюмжон андак ғижиниб.— Колхозга раис бўлсам нима, ҳамма нарса ҳисоб-китобли...

— Мен омонатман, неча кунлигим бор, худо билади,— деди кампир бир оз жим ўтиргач.— Пўк этиб ўлиб қолсам, яна чиқимдор бўласан, болам. Аза очсанг, бўлак маракаларни ўтказа олмайсан. Тўй, деганим шундан.

— Яхши ният қилинг, буви,— деди Қаюмжон, гарчи онасининг гапида жон борлигини ҳис этса-да, уни юпатиш билан чекланиб.

— Улиб қолсам, боланг сарсон бўлади, ўзинг ҳам қийналиб қоласан. Ким қарайди Алижонга? Шунга ўйла, болам. Кўзим очиқлигида ҳаракатингни қил, бирон бир қизга уйлан. Тузуқроқ, Алижонни чиқиштирадигани бўлсин.

— Онасининг ўлганига энди ярим йил тўлди, буви, азаликман...

— Мен ўлсам, икки азалик бўласан, тўй қила олмайсан, тириклигимда ўтказсанг, мен ҳам кўриб қоламан, гўримда тинч ётаман,— деди кампир ва ўғлига гапи қор қилмаётганини пайқаб, қўшиб қўйди:— Ҳозир замон оғир. Ҳамма тушунади, айб қилмайди. Вақт наримат, кўз остингга олганинг бўлса, айт, совчи юбораман.

— Э, буви, шу нарса юракка сиғадими? Узим нима ташвишда юрипману сиз совчи дейсиз. Истамхоннинг уйидагилари билиб қолишса, келиб дод-вой солишади.

— Солишмайди,— деди кампир қатъият билан.— Улар ҳам одам, аҳволингни билишади. Бўладиган ишни орқага ташлама. Тўй бир кунлик нарса, ўтади-кетди. Алижоннинг хатнасиниям қўшиб юборасан.

— Тўйга бало борми, буви? Хотини ўлган, болали киши бўлсам, одамлар жирттак чалишади.

— Ғаразгўй одам барибир жирттак чалаверади. Уларга қараб иш қиламан десанг, чойинг қайнамайди. Уйчи ўйлагунча, таваккалчи Бухорога етади. Кимникига совчи юборай?

— Сабр қила туринг, буви, қишлоқ оқсоқоллари бор, маслаҳат солай, бирон йўл кўрсатишар.

— Тўғри,— деди кампир ўғли ён боса бошлаганидан кўнгли тинчланиб.— Маслаҳат сол. Ҳурматини ўрнига қўйсанг, оқсоқоллар хурсанд бўлади, ўзлари сени шошилтиради, ҳеч ким домангир бўлмайди.— У сўнг ниятини ўғлининг кўнглига маҳкамроқ жо қилиш мақсадида қўшиб қўйди:— Даданг билан аканг тез-тез тушимга кирадиган бўлиб қолди. Бу бир нарсанинг дараги. Акангни қамашган йил чаён йили эди.

— Чаён йили ҳам бўладими, буви? — сўради Қаюмжон, чунки «чаён йили», иборасини биринчи марта эшитиши эди. Масалан «Сичқон йили», «Илон йили», сингарилар қулоғига чалинганди. Одатда рақамнинг фарқига бормайдиган одамлар ҳар бир мучал ўн икки йилда айланишини, шу мучал ҳисоби билан ўзлари неча ёшга кирганларини билиб олишар, бошқаларникини ҳам хатосиз айтиб беришар эди.

— Аслида куён йили,— деди кампир пинагини бузмай.— Чаён йили — қирон йили, деса ҳам бўлади. Уша йили аввал акангни қамашди, кейин канал қазилганда даданг ўлди. Жони узилаётди, даданг «чаён йили» девди. Нега мунақа деган, билолмадим ўшанда, даданг тилдан қолувди. Ё янглишган, ё атай шунақа деган,— кампир жимиб қолди, кейин ўғли шу ҳақда тагин бир нарса сўрашини сезгандек:— Бу йил маймун йили,— деди.— Яхши йил.

— Нимаси яхши? — иримчи бўлмаса ҳам сўради Қаюмжон.

— Ҳосил тўкин, маъмурчилик бўлади,— деди кампир. «Нега энди «маймун йили» маъмурчилик йили бўлиши керак? — ажабланди Қаюмжон.— «Қўй йили», «от йили», «товуқ йили» серҳосил дейилса сал ҳақиқатга яқин келарди, чунки қўй ҳам, от ҳам, товуқ ҳам ўт-ўлансиз, донсиз яшай олмайди, уларнинг ризқи ҳосил, мўл-кўлчилик билан боғлиқ, аммо «маймун йили»? Онам ҳамма нарсани чалкаштириб юбораяптилар!» — Сенинг мучалинг ҳам «маймун»,— деди кампир ниҳоят.

— Яхши йилда туғилган эканман,— деди Қаюмжон таъби ёришиб.— Тўқчилик йили!

— «Маймун йили»да кўпчилик тўсатдан жон бериб узилишади,— деди кампир Қаюмжонни сескантириб.— Ҳеч кимга оғири тушмайди, ўлган ҳам қийналмайди. Мен шу йилдан қолмасам, деб турибман. Касалга чалинсам, сенга жабр бўлади. Хотининг билан қийналганинг етар.

— Э, буви, қўйсангиз-чи шунақа гапларни,— деди Қаюмжон хафа бўлиб.— Кимим бор мени сиздан бўлак? Нукул ўлимни гапирасиз.

— Бу фарз, болам.

— Қўйинг ўшанақа фарзни.

— Тавба, де, болам. Ажал қош билан қовоқнинг ўртасида бўлади.

— Бўпти,— деди таъби хиралашиб Қаюмжон.— Ётаман. Эрта азонда уйғонишим керак. Намозга турганингизда жомни уришни унутманг.

— Ётақол, болам,— деди кампир ўрнидан қўзғалмай.— Нега отинг безовта бўляпти, ем ташлаганмисан?

— Еми бор.

— Ит-пит киргандир.

Қаюмжон киришиб, елкасини қашлаб ўрнидан турди, отхона томон кетди.

Бу байтал колхозга қарашли бўлиб, қоронғуда кўринмас, фақат кўзи қизғиш йилтирар, ғарт-ғурт беда кавшагани яққол эшитилар эди. Думини чарсиллатиб биқинига урганини Қаюмжон тусмол қилди, думининг учи хивичдек юз-кўзига тегиб кетишидан чўчиб, бир қўлини паналаб юзини тўсди, отга яқинлашиб тери қотган этини пайпаслади, сўна чаққан жойини топа олмади, кафти билан отнинг терисига пўк-пўк уриб, ташқарига қикди.

Атрофи оқиш ғубор билан ўралган тўлин ой анча тепалаган, илиқ нур сочар, юлдузлар хира ва майда эди.

Қаюмжон аскарларнинг темир каравоти қўйилган ариқ лабига бориб, қўлини ювди. Сувнинг бети ой нурида жимирлар, акси Қаюмжоннинг юзига чўтир ёлқин ташлар, сезилар-сезилмас салқин урарди.

Қаюмжон ечиниб каравотга чўзилди, ёпинмади, чекиш эсига тушиб, яна ўрнидан турди, шимининг чўнтагидан тамаки олиб ўради, бир парча эговни тошга уриб чақнатиб, пиликни чўғлатди, темакисини туташтириб, яна ётди, маза қилиб тутун тортди, онасининг насихатини ўйлади. Беихтиёр хаёлига Ойниса келди. Бечора жувон! Шу ёшида қанча маломатлар бошига тушмади. Отасини қамадилар, тирикми-ўликми, номнишони йўқ; ўттиз беш ёшли онаси бўйига етай деган қизи билан ўз уйдан ҳайдалди, мусофирликда жон берди, гўри ёт-бегона жойларда қолиб кетди; Ойниса эрга тегди, бола кўрди, энди рўшноликка чиқадиган пайтида уруш бошланди, эри фронтга кетди, ўғлини кута-кута қайнонаси дунёдан ўтди; Ойнисанинг ўзи йигирма тўрт соат ичида бадарга қилинди, қизчаси билан ухлаб тушига кирмаган жойларда дарбадар бўлиб юрипти. Шунча мусибат етмагандек, эридан ҳам жудо бўлди. Бундоқ олиб қараганда, Қаюмжоннинг ҳам қисмати Ойнисаникига ўхшаб кетади. Бунинг ҳам акаси репрессияга учради, қанақади уйдирма билан отиб ташлашди, отаси Фарғона каналди курилишидан майиб бўлиб келди, ўша тунда жони узилди, ўзи фронтга кетди, ярадорланиб қайтиди, хотини сил касалига учраб, ёш нарса ўлиб кетди, онаси ногирон, неча кунлик умри қолган худо билади, ўғли Алижон онасиз ўсяпти. Бироқ Қаюмжон ҳар қалай эркак киши, бардоши бор, ишга алаҳсийди, чидайди. Аммо онаси ўлиб қолса, ҳақиқатда ўғилчаси билан қийналиб қолади; аза устига аза, Алижоннинг қисматини ўйлаш, янги турмуш қуриш чорасини кўриш ноўрин бўлади. Шунинг учун, онаси айтганидек, унинг кўзи очиклигида бирон тадбир кўриб, оиласини тинчитиб олса, кейинги муаммоларнинг олдини олган бўлади. Аммо азалик Қаюмжон — турмуш кўрган болалик киши — қай кўнгил билан биронта қизга одам қўяди, қанақа виждон билан тўй қилади? Ахир қиз бўлганидан кейин, унинг ҳам қандайдир орзулари бор, тўйсиз никоҳга ўтишни истармиди? Ойниса рози бўлиши мумкин. У ҳам турмуш кўрган, қизчаси бор, эри ҳалок бўлган, азали, тўйдан орият қилади. Фақат бу ҳақда ҳозир оғиз очиб бўлмайди, ҳали дарди янги, хафа бўлади. Сабр қилиш керак. Шўртепага бориб, онасига ис чиқариш истагини айтган эди, майли, Қаюмжон юк машинасини беради, бориб келсин. Балки эрига ҳам ўшатта куръон бағишлар, кичик маърака очар. Кўнгли хийла таскин топар, кўникиб қайтар. Вазият кўтарганда Қаюмжон бирга борар эди, ёнида турарди, мадад бўларди, лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Ўзи бориб келсин, Қаюмжон юк машинага бир оз ун, гуруч, мой ташлаттириб қўяди, шофёрга тайинлайди, Ойнисага қарашиб-нетади, ёлғизлигини билдирмайди. Қайтиб келишгач, мактабнинг ремонти баҳонасида Қаюмжоннинг у томонга йўли тушади, чунки ремонт билан боғлиқ мактаб ташвишлари колхознинг зиммасида. Унғача Ойнисанинг ҳам ҳаётини сал унуттириб, руҳи энгиллашиб қолади. Ана унда вазият кўтарса, Қаюмжоннинг ўзи гап очади, ёки Мансур акани ўртага қўяди, Ойниса розиликка майл билдирса, никоҳ ўқиттиради, ЗАГСдан ўтишади, уйига кўчириб ўтади. Ахир бечора Ойниса кўпдан ёлғиз, танҳолик азоби унинг ҳам жон-жонидан ўтгандир, у ҳам турмушини бир маромга солиш ниятида юргандир. Рози бўлса тузук, рад қилса, майли, тақдир бирон тадбир кўрсатар...

Икки ҳафта бурун бўлган учрашувда Маъсуд Заҳрога қарори қатъийлигини, ота-онасини унатишга кўзи етажигини айтди, бироқ майор билан алоқа қилиб қўйган



Захро сири очилишидан ҳайқиб, бошқа баҳона рўкач қилди.

— Ота-онангиз рози бўлганида ҳам, барибир охири кўнгилсиз тугайди,— деди у ҳақиқатан келажагидан чўчий бошлаб.— Менинг ҳеч нарсам йўқ. Бисотда бориниям сотиб еганмиз. Сепсиз келин чўридек бўлади. Сўппайиб уйингизга кириб бораман?

— Ҳозир ҳамманинг аҳволи шу,— деди Маъсуд ўжарлик қилиб.— Ўзига тўқ, кам-кўстсиз оила бутун Тошкентдан чиқса юзта-икки юзта чиқади. Шу энди айбми? Уруш бошланмаганда ҳамманинг турмуш тарзи бошқача бўларди. Уйламанг.

Маъсуд Захрони Хадрагача кузатиб борди, трамвай қайрилиб кетадиган охириги бекатда тўхтаб, бир кунига яратиш умидида йиғиб юрган пулни қизнинг қўлига тутди.

Гарчи Захро Маъсуднинг унча-мунча ёрдамидан фойдаланиб юрса-да, бу — бир даста пул ҳаддан зиёд кўп эди, қиз таажжубланган ҳолда орқасига чекинди.

— Қўлимни қайтарманг. Сўппайиб кирмаслик учун ўз ихтиёрингизга қараб ул-бул оларсиз,— деди Маъсуд қиз айнаиб қолишидан гумонсираб. У трамвай томон югуриб кетди. Захро ҳовучидаги пул билан жойида қаққайиб қолди.

Захро мунтазам Маъсуддан ёрдам олиб турса-да, бозорга лавлаги пишириб чиқиш машғултини ташламаган, шунинг учун ўзида ҳам унча-мунча маблағ йиғилиб қолган эди, Маъсуднинг бергани билан кўзга кўринарли сармоя бўлди. «Пешонага ёзилгани шу экан,— деб ўйлади энди Захро,— майли ўзимни тақдирга қўйиб бераман. Агар бу ёғи кўнгилсиз бўлиб чиқса ҳам, начора, демак, кўргилик, қисматим шунақа экан!»

Бир оз пул бор, бу ёғи нима харид қилишни ўйлаш керак. Энг зарури, кўйлак-лозим, оқ попукли шойи рўмол: келин саломга чиққанида шойи рўмолсиз бўлмайди! Яна бир нечта сочиқ, чойшаб, чойнак-пиёла, коса-лаган ва албатта куёв учун Чуст дўпписи, рўмолча, белбоғ, агар пул ортиб қолса, амиркон кавуш-махси ҳамда — қани энди етиша олса! — бир жуфт тилла зирак харид қилса бўлади. Умуман, тилла буюмлар ҳозир унча қиммат эмас, муҳтож одамлар арзон-гаров бериб кетишмоқда. Анови куни ўз кўзи билан кўрди: аллақандай жувон бир шода марваридни еттита нонга айрибошлаб келди. Омади чопса, Захрога ҳам тузукроқ нарса учраб қолиши мумкин. Албатта, қайнонасига бир жўра атлас, қайнотасига чопон қилса, яхши бўларди, Захрога бошқачароқ қарашарди, бироқ қўли калта, чўрига ўхшаб, писсайиб кун ўтказади, бошқа иложи йўқ. Ёки ўзига харид қилинадиган нарсалардан тежаб, қайнота-қайнонага ишлатгани маъкулмикин? Ҳар қалай, уларнинг обрўйи, замон оғир, қадрига етишади, ўзи бўлса нима, кейинчалик ҳам кийинаверади-да. Маъсуд якка ўғил, отаси бадавлат одам, онаси ҳам келинига атаб тўплаб қўйган нарсалар бордир. Бой келинга атаганларининг чораги бўлса ҳам ҳарна...

Шу каби режалар билан Захро икки кундан сўнг бозорга тушди, «шара-бара» деб ном чиқарган Кўкалдош мадрасаси орқасидаги чайқовга ўтди. Ҳаво иссиқ, одам тумонат, ғала-ғовур, қий-чув ҳаммаёқни босган, кимнинг қўлида нимаси бўлса харидорга отилар, матоҳини суқар, нималардир деб алжиллар — мақтар, тезроқ молини сотиб, пул ундиришга ошиқар эди.

Милиционер ҳуштаги чуриллади, чайқовчилар атрофга аланглаб, ҳуштак эшитилган томонга қарамади ва дарҳол нарсаларини қўйниларига яшириб тўрт томон тирқирашди.

Форма кийган иккита милиционер қўлига тушган одамларни чангаллай кетишди. Чап берганлари қочиб қолишди. Милиционерлар қўлидан икки аёл ва бир эркак чиқиб кета олмадилар. Буларнинг бири — Захро эди.

Уларни милиция участкасига олиб киришганида, қизил суруп ёзилган стол тўрида каламенка китель кийган бир ходим ўтирар, елкасидаги погонидан маълум бўлишича, у эшикнинг икки томонида турган соқчиларнинг каттаси эди.

— Мен инвалидман,— деди эркак киши, кўзлари ола-кула бўлиб ва қўлидаги икки юмалоқ атир совунни стол четига қўйди.— Мана. Ўзимники. Талонга олганман. Сотишга ҳаққим йўқми? Пулига керосин олмоқчи эдим. Ҳаққим йўқми?

Захро айби бўлмагани учун бир чеккадаги курсида белисанд ўтирар, тезда чиқиб кетишига амин, фақат анови атир совунли киши навбат кутмай шангиллаганидан ғаши келар эди.

— Ҳаққим йўқми?

— Бор, ҳаққингиз бор,— деди кителли ходим.— Фамилиянгиз нима? Ҳужжати-нгизни кўрсатинг?

— Машарипов фамилиям,— деди киши дарров.— Мана ҳужжатим. Бу ҳарбий билет, бу инвалидлик. Марҳамат.

Кителли ходим ҳужжатларга кўз югуртириб чиқди, қалин дафтарга унинг фамилиясини ёзиб қўйди.

— Бу гал майли,— деди ходим.— Фамилиянгизни ёзиб қўйдим. Кейинги гал чайқовда тушсангиз, чатоқ бўлади. Кетаверинг.

— Раҳмат, раҳмат,— дея инвалид тисарилиб чиқиб кетди.

— Фамилиянгиз? — сўради ходим, негадир Захрога эътибор бермай ва ручкани сиёҳдонга ботирди.

- Ғалиева, буларни ўзим тикканман,— деди малла сочи тўзғиб кетган аёл татарча талаффузда.— Болалар учун кўйлакча. Ҳаммаси бўлиб учта.
- Қаерда ишлайсиз? — сўради ходим, ёзиш билан банд бўлиб.
- Тоштрамда. Мана ҳужжатим.
- Ходим ҳужжатни кўргач, қайтариб берди.
- Бўшсиз,— деди у ҳорғин товушда.— Агар чайқовда ушласак, қамаласиз.
- Хўп, хўп,— дея аёл нарсаларини ғижимлаб, ташқарига отилди.
- Ходим дафтарга алланималарни ёзар экан, гўё Захро унинг эсидан чиққандек эди. Захро пича кутди ва ходимнинг эътиборини қаратиш учун йўталиб қўйди.
- Хўш? Сиз нега келдингиз? — майин овозда сўради ходим, ниҳоят ўз ишидан бўшаган бўлиб.
- Мана, тутиб олиб келишди,— деди Захро, нафрат билан милиционерларга бир қараб олиб.— Бозоргаям туша олмаймизми энди?
- Хато бўпти, кечиринг,— деди ходим жилмайиб.— Фамилиянгизни билсак бўладими?
- Носирова Захро,— деди Захро ходимнинг узридан андак руҳланиб ва виқор билан яна милиционерларга қараб қўйди.
- Қаерда ишлайсиз? Ҳужжатингиз борми?
- Ишламайман.
- Ўқийсизми?
- Ўқишим чала қолган,— деди Захро ҳамон киборликни қўлдан бермай.
- Кимларнинг қарамоғида яшайсиз?
- Ота-онам ўлиб кетишган,— деди Захро ножўя саволлардан ижирғаниб.— Укам билан яшаймиз. Акам бор...
- Нафақа оласизми?
- Нафақа қаёқда? — афтини бурди Захро.
- Нималар ҳисобига яшайсиз? Тайин бир иш билан шуғулланасизми? Ҳунарингиз борми?
- Йўқ.
- Ҳужжатингизни кўрсатинг,— деди ходим ҳамон хушмуомалани бузмай.
- Ҳужжат? Қанақа ҳужжат?
- Сиз билан келтирилган одамларнинг ҳам ҳужжатини талаб қилдим, кўрсатишди. Энди сизникини кўрмоқчиман.
- Ҳеч қанақа ҳужжатим йўқ,— деди Захро жеркиб.
- Паспорт-чи?
- Ҳали олган эмасман, қўлим тегмади.
- Ёшингиз нечада?
- Йигирмада.
- Шу ёшга кирибсиз, нега паспорт олмайсиз?
- Айтдим-ку, қўлим тегмади, деб.
- Ўқимасангиз, бирон корхонада ишламасангиз, нега қўлингиз тегмайди? Қўлингиз нима билан банд бўлди?
- Билмайман.
- Демак, чайқовчилик қиласиз, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшайсиз, шунақами? Захро каловлай бошлади. У борган сайин ўргимчак уясига ёпишган пашшадек, қанча кўп уринса, шунча кўп тузоққа ўраларди.
- Сиздан сўраяпман,— деди ходим овози қатъийлик касб этиб. Захро индамас, айтган жавоби баттар аҳволини оғирлаштиришидан ҳайиқар эди.— Паспортингиз йўқ, машғулотингиз нотайин, касбингиз ноаниқ. Демак, сиз ё кисовурлик қиласиз, ё фоҳишалик билан шуғулланасиз.
- Ҳақорат қилишга нима ҳақингиз бор? — қичқириб юборди Захро.
- Бўлмаса аксини исбот қилинг, биз сизни бир минут ҳам ушлаб ўтирмаймиз,— деди ходим жиддий тарзда.— Исботингиз борми?
- Сизнинг ҳам исботингиз йўқ!
- Нима деб ўйлашим керак бўлмаса?
- Лавлаги пишириб сотаман! Шунга кун кўраман.
- Бу ҳам ғайриқонуний машғулот,— деди ходим.
- Ана, пастга тушинг, кўрасиз қанча одам лавлаги пишириб сотаётганини.
- Уларнинг томорқаси борлиги ҳақида ҳужжати бор.
- Ҳаммаси ёлғон! Биттасининг ҳам томорқаси йўқ! Ҳужжатлари қалбаки!
- Ишонмасликка ҳаққимиз йўқ, гражданка Носирова,— деди ходим бир оз асабий товушда.— Сиз ҳам келтиринг, марҳамат, ундан кейин сотаверинг.
- Бўпти, эртагаёқ олиб келаман яшшамагур ҳужжатни,— деди Захро зарда билан, қутулиб кетишига умидлана бошлаб.
- Қўлингиздаги сурупга нима ўралган? — унча эътибор бермагандек, сўради ходим. Захронинг юраги шувиллаб кетди. Латтага ўроғлиқ нарса пул эди. Энди нима қилади, қандай важ кўрсатади? Ахир пул анчагина.— Қани, очинг-чи.

— Ҳазимнинг нарсаларим,— деди Заҳро саросималаниб.— Энди кўйлагим остиданиям сўрарсиз.

— Керак бўлса сўраймиз,— деди ходим бўш келмай.— Уроғлиқ нарсани кўрсатинг. Балки қуролдир?

— Қуролга бало борми?

— Кисовурлик қилганингизда ишлатишингиз мумкин. Ахир кўрқитиш учун биронта қурол қўлларсиз?

— Қуролмас бу, ўртоқ начальник! — ёлборди Заҳро.

— Қурол бўлмаса, нега кўрсатмайсиз? Ман қилинган нарсалардир?

— У нима бўлади?

— Ҳзингиз биларсиз, олиб юрган бўлсангиз,— деди ходим вазминлик билан.— Унгаям қонунда модда бор. Уч йилгача мажбурий муддат. Ҳз хоҳишингиз билан кўрсатмасангиз, куч қўллашга тўғри келади. Яхшиси, Ҳзингиз очинг.

Заҳро қарахт бўлиб қолди, кўзи тиниб, боши айлана бошлади.

— Сизга айтман! — деди ходим овозини кўтариб.— Вақтимизни олманг.

Заҳро қўлидаги нарсани столга ташлади.

— Йўк, Ҳзингиз очинг,— буйруқ оҳангида гапирди ходим.

Заҳро ўрнидан кўзғалиб, латтани ечди.

— Ҳх-ҳў! — таажубланди ходим.— Пул-ку! Шунча пулни қаердан олгансиз?

— Қаердан бўлса, ўша ердан олганман.

— Демак, бояги тахминларимиз ўринли экан-да. Ихм! — Ходим эшик олдида турган милиционерларга маънодор қараб қолди.— Қайси шўринг қурмагурни чув туширгансиз?

— Ҳеч кимни чув туширган эмасман. Бу тўхмат!

— Қаердан олгансиз бўлмаса шунча пулни?

— Жазманим берган,— зарда билан деди Заҳро, Маъсудни тилга олишни эп кўрмай.

— Жазманим? Ихм! Демак ахлоқсиз ишлар эвазига шунча пулга эга бўлгансиз. Ҳозир протокол тузамиз. Утиринг.

— Кетаман мен, протоколингизни тузаверинг.

— Сизсиз тузиб бўлмайди,— деди ходим юмшаб.— Қўл қўйшингиз керак.

— Қўл қўймайман.

— Ихтиёрингиз. Биз сизга рухсат бера олмаймиз. Шунча пул экан. Энди сиз билан керакли ташкилотда терговчи шуғулланади. Бир-икки кун уларнинг қарамоғида бўласиз, граждандак Носирова.

— Ҳртоқ начальник,— кўзёши тўкиб ёлборди Заҳро.— Лоақал бир соатга рухсат беринг, пулниг эгасини топиб келаман. Ҳамма нарсани ўзи тушунтиради.

— Рухсат бера олмаймиз,— деди ходим ва катта дафтар саҳифасига алланималар ёзишга киришди...

\* \* \*

Заҳронинг қамоққа тушганига ўн кундан ошди. Шу кунлар мобайнида ҳеч ким уни тергов қилмади, суриштирмади. Эшиги тунука билан қопланган тор, сассиқ, одамнинг қўли етмайдиган баландликда жойлашган темир панжарали дарчасидан аранг ёруғлик тушадиган нимқоронғи, дим хоначага ташлаб қўйдилар — тамом. Кунига бир маҳал ювиндига ўхшаш қорамтир суюқлиқ беришади, ҳатто ҳожат учун ташқари чиқаришмайди — пақир бор, тўлганида ўзига кўтартириб, ахлатхонагача кўриқлаб олиб боришади, шу заҳоти орқасига қайтаришади. Борган кунининг эртасига жой танқислигини айтишиб, Заҳронинг хонасига ўттиз яшар бир эркакни киритишди: Заҳро дод, деди, эшикни муштради — ҳеч ким парво қилмади; эркак кишига зорланди, ёлборди, инсофга чақирди — самара бермади. Эркак киши Заҳронинг оғзини танғиб, ечинтиришга киришди, Заҳро қаршилиқ кўрсатди.

— Яхшилиқча ечинмасанг, кўйлагингни йиртиб ташлайман,— деди нотаниш киши ўдағайлаб.— Киядиган нарсанг қолмайди, пақирни яланғоч олиб чиқасан.

Ҳавф муқаррарлигини англаб, Заҳро таслим бўлди, эркак билган номаъқулчиликларини қилди. Эртасига эркакни олиб чиқиб кетишди, бир оз вақт ўтгач, унинг ўрнига янгисини киритишди. Янги кирган эркак аввалгисидан баттар ҳаракатлар қўллади. Заҳронинг эзгиланган кўкраги, сони моматалоқ бўлиб қорайди, шишди, томоғида тишлар изи қолди. Эркакни олиб чиқиб кетишди. Сочлари ҳурпайиб кетган, эти палахса-палахса қонталаш доғлар билан қопланган, юз-кўзи шишиб кетган ҳозирча «яроқсиз» Заҳро камерасига бўлак одам киритишмади. Ҳолдан тойган, оч, мадорсиз Заҳро цемент полда қимир эта олмай ётар, кўйлаги фиким, кир, атроф исқирт, шиптир, қўланса эди. Ҳеч ким Заҳродан хабар олмади. Нега Маъсуд қидирмайди? Ҳойиб бўлиб қолгани ахир билади-ку, шунча ваъдалар берган, наҳот бутун бир одам, ўз никоҳига олмоқчи бўлган қиз йўқолиб қолади-ку, хавотирга тушмайдими? Қидирмайдимми? Хабарлашмайдимми? Чакана одам эмас Маъсуд, ҳарбий ходим, қаёққа қўлини чўзса етади. Ё Заҳро қамоққа тушганини билиб, гумонсираганмикин?

Отаси ҳам бохабар бўлса, балки шуни рўқач қилиб, ўғлини айнитгандир? Маъсуд лаққа тушиб, Заҳродан тониб юборгандир? Тонмаганида ҳам, эсон-омон қутулиб чиқса, қай юз билан Маъсудга қарайди? Нима деб ваз келтиради, ўзининг айбсиз эканини исботлай оладими? Келмагани бир ҳисобдан балки яхшидир. Бир ҳафтадан сўнг келин бўладиган қизни шу аҳволда кўрса, албатта дили зил кетади, ихлоси қайтади. Шундан ҳам йўлатгиси келмаган ота-онаси учун бу воқеа яхши дастак бўлади, шуни ваз қилиб Маъсудни қайиришади. Нега қамоқдагилар буни қақаришмайди, нега сўроқ қилишмайди? Шунақаям зулм бўладими? Тирик, бегуноҳ одамни шу қадар хўрлашадими? Нахот ҳеч қанақа қонун йўқ? Лоақал тергов қилишганда, Заҳро ҳаммасини — пулни Маъсуд берганини, яқинда тўйлари бўлишини, шу ваздан нарса олиш учун бозорга тушганини айтарди, улар Маъсуднинг номини эшитиб, отасининг ким эканини билиб, дарров қўйиб юборишар эди. Ҳай, майли, шундоқ ҳам бўлсин, қўйиб ҳам юборишин, у ёғи нима кечади?..

Бир неча кундан сўнг Заҳронинг қорни қаттиқ бураб оғрий бошлади, худди бигиз санчилгандек, оғриқ борган сайин кучайди. Заҳро ранг ўрнидан туриб пақирга ўтирди, шариллаб ичи келди, оғриқ камайгандек бўлди. Енгил тортиб, бир оз тинчиди. Аммо пақирдан туришга мажоли йўқ, бутун баданидан тер қуйилар, кўзи тинар эди. Заҳро тиззасига тирсак суяб анча ўтирди. Пақирнинг ўткир ва қинғир гардиши этига қаттиқ ботар, оғриқ берар, бироқ туришга унинг ҳоли йўқ эди. Пича вақт ўтгач, қорни яна бураб оғрий бошлади. Заҳро оғриқдан инграр, қаро терга ботар, кўзларидан тирқираб ёш қуйилар, аммо ҳарчанд кучанмасин, ичидан ҳеч нарса келмас, оғриқ борган сайин авжига чиқар, қиз ҳушидан кетиб қолиш даражасига етар, дам инграр, дам дод дер, қулаб тушиши мумкин эди...

Кечаси шарақлаб эшик очилди, ахлатни олиб чиқариш учун келган соқчи ўшқирди, бироқ ичкаридан овоз эшитилмади. Соқчи қоронғиликка яна ўшқирди. Жавоб бўлмади. Кўзи ўргана бошлади, нарсаларнинг шарпаси аниқлашгач, соқчининг кўзи дарча панжарасига ўз кўйлагини эшиб ўтказган — арқонга, унинг сиртмоғида осилган Заҳронинг ярим яланғоч чўзиқ жасадига тушди. Уликнинг ияги кўксига қадалган, сочлари хўрлайган, иккала қўли танаси бўйлаб чўзилган, бармоқлари бир-бирига тегай, деб турган оёқлари остида ахлат пақир юмалаб ётар эди...

## 38

Муродхўжа ака эрталаб янги хром этик кийиб чиқиб кетди. Янги пойабзал биринчи кунлари доим эгасига маълум қийинчиликлар келтиради. Бировнинг оёғини сиқади, яна бировникини қадоқ қилади, кимнингдир товонини шилади. Аксига олиб, Муродхўжа акага шу кун кўп юришга тўғри келди. Идорасига қарашли деярли ҳамма шохобчаларга, артель цехларига, хомаки моллар етказиб берувчи оморларга борди, бирон жойда тўхтаб башмолдоғига қадалган миҳни олдириб ташлаш имконияти бўлса-да, ўзига эп кўрмадимми, ялқовлик қилдимми, хуллас, кечга томон сал оқсаб қайтди. Маъсуд фронтдан келиши билан уни уйлантириш, келишни алоҳида жойга тушириш ниятида янги уй қурилишини шу йилиёқ бошлаб тугатишни жазм қилган эди, қараса, бу юриб қўйган оқ тунука туширилаётган экан, хизматдагиларга жой кўрсатиш, улар ишини бажариб бўлмагунларича назорат қилиш билан яна анча-мунча юриди, этик ечишга қўли тегмади. Ниҳоят этикни ечиб ташлаганида, кўнглини зирқиратиб турган хуноблик тарқагандек бўлди, дили ором топди. Ҳақиқатда этикнинг ўнг пойига қоқилган миҳча башмолдоғининг тирноғи ёнидан ўйиб кирган, оҳор пайтавасининг учи жиққа қон эди.

Холида илиқ сув келтириб жомга қўйди. Муродхўжа ака оёғини илиқ сувга солиб ўтирди, пича вақт ўтгач, Гулсум опа кириб, Шукур мўйлов келганини айтди.

— Дарвозахонада пойлаб турипти,— деди у этик-пайтаваларни четга йиғиштириб.

— Гилос тагига жой қилдир,— деди эри оёғини жомдан олиб.— Сув сепилганми? Шипирилганми?

— Шипирилган,— деди Гулсум опа чиқа туриб.

— Холидага айт, меҳмонни ичкарига олиб кирсин,— деди Муродхўжа ака попукли сочиқ билан оёғини артишга киришиб.— Чой ичиб турсин, мен ҳозир чиқаман.

Бир неча кун аввал Штокманнинг тавсияси билан Муродхўжа ака тол хивичдан тўқилган тўртта кресло, юмалоқ тўқима стол ва шойи соявонлик чироқ сотиб олган, ўша кунийёқ гилос тагига ўрнаттириб, Штокман билан жичча зиёфат қуришган, коньяк ичишган эди. Холида Шукур мўйловни ўша жойга таклиф қилди, дастурхон ёзди, ноз-неъмат қўйди, чой келтирди, ҳозир амаким чиқадилар, деб нари кетди.

Шукур мўйловнинг авзойи бузукроқ эди. У бир пиёла чой ичиб улгурмай, даҳлизли уйнинг баланд зинасида Муродхўжа ака кўринди ва Шукур мўйловга синовчан бир қараб олиб, пастга туша келди.

Шукур мўйлов уй эгасини кўриб, ўрнидан турди. Муродхўжанинг устида жужун шим-китель, сарпойчан оёғида кавуш бўлиб, кителнинг атиги битта тугмаси қадалган эди.

Вақт намозгар бўлишига қарамай, қуёш ботишига ҳали анча бор, ҳаво иссиқ, сув сепиб шипирилган ҳовли саҳнидан намхуш ис кўтарилар эди.

Муродхўжа ака меҳмон билан қўл бериб кўришди. Шукур мўйлов ҳеч қачон таклифсиз ўзи келмас эди, шунинг учун Муродхўжа ака меҳмоннинг ташрифи бежиз эмаслигини дилидан ўтказди, аммо буни сездирмай, бўш креслога ўтирди, фотиҳа қилишди.

— Қалайсиз, ошна? — одоб йўлига сўради Муродхўжа ака чой тутар экан меҳмоннинг авзойига разм солиб.— Ишлар яхшими?

— Ишлар чатоқ,— деди Шукур мўйлов пиёлани дастурхонга қўйиб.

— Чатоқ? — ўзини бепарво кўрсатиб сўради Муродхўжа ака.— Яъни, масалан?

— Анови сиз тайинлаган одам,— деди Шукур мўйлов охириги икки сўзга урғу бериб,— ўлибди.

— Ажали етган бўлса, ажаб эмас,— деди Муродхўжа ака меҳмон айбни ўзига афдаришини тусмол қилиб.— Худо раҳмат қилсин.

— Уз ажали билан эмас, ўзини осиб ўлдирибди.

— Бай, бай, бай,— деди Муродхўжа ака бошини чайқаб.— Қамоқдагилар шу аҳволга олиб боришгандирки, ўзини осган.

— Тафтиш бошланса, чатоқ бўлади. Сизниям омон қўйишмайди.

— Мени? — таажжубланди Муродхўжа ака.— Менинг нима алоқам бор?

— Яшириб қўйишни сиз тайинлагансиз-ку,— чўчинқираб гапирди Шукур мўйлов.

Дағалроқ пўпасага ўтишга кўрқди, чунки ўзи ҳарбийларнинг айғоқчиси, Муродхўжа аканинг эса улар орасида обрўйи катта, бошлиқлари билан улфатчилик қилади, агар шикоят билан борса — тамом, кўрсатган айғоқчилик меҳнатларини ҳам ҳисобга олишмайди, урушга жўнатиб, даф қилишади. Жўнатишмаганида ҳам, бўшатиб юборишса, ваколатини йўқотиб, оддий одамга айланиб қолади. Қанчаларнинг ёстиғини қуритган, қийратган, улар орасида ҳап саними деб юрганлар йўқ эмас, уч олишади. Унда аҳволи вой бўлади. Шунинг учун чалқаш ишнинг олдини олиш керак. Муродхўжа ака ўзини писанд қилмагандек кўрсатяпти-ку, аммо юраги така-пука булаётгани аниқ.

— Яшириб қўйишни тайинлагандирман,— деди у энди жаҳли чиқа бошлаганини яширмай.— Лекин ўлдиришлар, демадим. Бунинг фарқи бор, ошна.

— Бир-биримизга таъна қилишдан фойда йўқ. Муродхўжа ака,— деди Шукур мўйлов муносабатни кескинлаштирмасликни маъқул кўриб.— Ишни босди-босди қилиш учун турмадагилар оғзига уриш керак. Пул билан. Ичини ёрган врач протокол қилиб беради, бошқа мурдалар билан кўмиб юборилади. Чиқимидан қочмасак, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади.

Муродхўжа ака ўйланиб қолди. Шукур мўйлов билан гаплашганимда, бегона қатнашган эмас, гувоҳ йўқ. Демак, тониши, мен бунақа топшириқ берган эмасман, дейиши мумкин. Бироқ унда асосий айб Шукур мўйловга тақалади, Шукур мўйлов жазога чап бериш учун онт ичиб, уни кўрсатади. Муродхўжа ака-ку, бир амаллаб қутулиб кетади, аммо шу жанжал ишда номи қайд қилинса, висир-висир гумонлар тарқаса, яхши бўлмайди. Ҳақиқатда, масалани чигаллаштириш ақлдан эмас. Иш урчимасдан туриб олдини олган маъқул. Ундан ташқари, Муродхўжа аканинг шунча кирдикорларини билган Шукур мўйловни ўзига душман қилишдан нима фойда бор? Обжувоз, тегирмонлардан, совун пишириш, қалиш қолиплаш ва уларни қай йўсинда сотиш, анови жувонни бадарга қилдириб, ҳовлисида тамаки артели очгани, ҳали ёши етмаган Ўлмасни фронтга жўнатворгани — ҳаммасини билади мўйлов. Билибгина қолмай, Муродхўжа аканинг топшириқларини бажарган. Албатта, бу хизматларни у текинга қилган эмас, бироқ адоватга ўтилса, бу сирлар очилади, далил сифатида рўқач қилинади. Шунинг учун ўчақиштиш керакмас, қайтанга бошини уриб келиптимиз, гўё ёрдам қўлини чўзгандек ҳаракат қилиш лозим, миннатдор бўлади, келажақда бошқа топшириқларни ҳам шак келтирмай бажаради.

— Майли,— деди ниҳоят Муродхўжа ака Шукур мўйловнинг сазасини ўлдиргиси келмагандек.— Қанча?..

Саттор синглиси ғойиб бўлиб қолганини пайқамади ҳам. Аслида ака билан сингил унча аҳил эмас эдилар. Сатторнинг чўнтагида тўртта обакидандон бўлса, кўзи уйқуга кетгунча шимиб ётар, на Захрога, на беш яшар Мўминга илинар, обакидандон эрталабгача ўз-ўзидан эриб, оғзида чучук таъм қолдиради, Саттор эса ширинлик қаёққа кетганини билмай, ухлаб қолганида оғзидан Захро олиб қўйган, деб гумон қиларди. Урушдан олдинги йиллар ҳам айтарли маъмурчилик бўлмай, Саттор кўча болалари билан ошиққ ўйнаб ютган пулига тешикчулчас олар, кўрпа остида кавшар, увоқлари эрталабгача этига ботиб чиқарди. Ота-онаси оламдан ўтгандан сўнг, учала фарзанд етим қолди. Саттор ўрта мактабни тугатмай заводга ишга кирди, оила каттасига хос иш тутишга мажбур бўлди, аммо маошини тежаб, ярмисини рўзғорга, бошқа ярмисини

яширинча тўплай бошлади. Бўйига етиб қолган Захро уй юмушларини бажарар, ака-уканинг кийим-кечагини ювиб-дазмоллар, овқат пиширар, бозор харажатларини Сатторнинг ўзи қилар, нарсаларни ўлчаб-тақсимлаб берарди. Келгуси моянагача етказишни Захродан талаб қиларди. Бироқ кўр-қут кўпинча моянагача етмас, Саттор кўча-кўйда тамадди қилиб келар, қозон қайнамаслигида Захрони айблар, авайлаб ишлатмагансан, деб койир, опа-ука оч қорин билан ётишар, Захро гап қайтаришга кўрқар эди. Айниқса, Саттор уйланганидан кейин аҳволлари оғирлашди. Келин ҳам зикнагина экан, эрининг топган-тутганини унинг укалари яримта қилгани малол келди, баъзида ҳақ, баъзида ноҳақ тўхматлар билан эрининг қулоғига ҳар хил гапларни қўйиб, меҳрини батамом совутиб юборди. Саттор Захро билан Мўминга кўрс гапирадиган, хотинининг чақимчилиги натижасида уларни ўғирликда, очкўзликда айблайдиган, сўкадиган бўлиб қолди, ҳатто бир-икки марта урди ҳам. Захро билан Мўмин бундай муносабатдан зада бўлиб, узоқ қариндошлариникига қочиб кетишга, ёки қўшниларникида яширишига одатланишди.

Уруш бошлангач, вазият кескин ўзгарди, аммалари ҳам етим жиянларга унча рўйхуш бермай қўйишди. Шунда Захро мактабни ташлаб лавлагифурушлик қилишга мажбур бўлди, ўша кезларда майор билан танишиб қолди. Аввалига Захронинг ишлари унча юришмади, кейин тажрибаси ошган сайин, қўлига унча-мунча чақа туша бошлади, қийин бўлса-да, Захро укаси билан ҳаётини сал эпқага сола бошлади. Барибир устлари юпун, қоринлари тўйиб овқат ейишмас, аммо акаси мутлақо қарамай қўйган пайтларидан тузук эди. Саттор хотини билан ҳовлининг тўридаги уйда, Захро билан Мўмин ошхона ёнидаги ҳужрада туришар, деярли бир-бирлари билан алоқа қилишмас, иккиқат хотинининг эмидаги Саттор синглиси билан укаси қандай яшаётгани билан иши йўқ эди. Бундай муносабат бир жиҳатдан Захрога қулай ҳам эди. У юриштуриши ҳақида акаси олдида ҳисоб бермас, хоҳлаган пайтида уйига келар, хоҳлаган пайтида чиқиб кетар, хуллас, ўз рўзгорини ўзи тебратар эди. Ота-онадан эрта етим қолиш, акасининг дўқ-пўписаси, келинойи туртқиси, опаси Захронинг эртаю кеч бозор изғиши ўн яшар Мўминни хийла ёввойилаштириб қўйган, ҳеч ким билан гаплашмас, уйидалик пайтида ҳам акаси ё келинойисига дуч келмаслик учун ҳужрадан кам чиқар, ўзи ётиб-ўзи турар, ҳатто оч, касал бўлганида ҳам нолимас, танчанинг бир ёнида қалтирай-титрай дардни енгиб кетар эди. Захронинг кеч келишларига кўникиб кетган Мўмин, аввалига опаси ғойиб бўлганига парво қилмади, уч кун ўтгач, бозорнинг лавлаги сотиладиган жойига борди, бироқ опаси у ерда кўринмади, ёввойилашган бола у ердагилардан сўрашга ботина олмади. Яна уч кун ўтди. Опасидан дакки ейишдан кўрқиб, Мўмин жамғарилган нарсаларни жуда ҳам авайлаб ишлатди, аммо икки-уч кунга етадиган тамадди — бола ҳар қанча тежашига қарамай, барибир тугади, Мўминнинг куни эрталаб азонда паттага олинадиган қора нонга қолди. Опасидан эса ҳамон дарак йўқ, бола қаердан уни қидиришини, кимга нима дейишини билмас, кечалари ийғлаб ухлаб қолар эди.

Сатторнинг хотини Захрони аллақачон дайди, шаллақига чиқариб қўйган эди, қозонда лавлаги қайнамагани ҳам уни таажжублантирмади, аммо хавотирга сола бошлади. Агарда биронта жазмани билан қаёққадир кетворган бўлса, деб ўйлади у, Мўмин қаровсиз қолади, уни боқиш ташвиши эрининг бўйнига тушади!

— Ишинг бўлмасин,— деди Саттор боласини эмизаётган хотинига.— Тегирмонга тушса, бутун чиқади.

— Мўмин-чи? — сўради хотини ўз ғамини ўйлаб.— Ким унга қарайди?

— Оғири тушаётгани йўқ-ку,— зарда билан деди Саттор.— Қора нонини олиб, кун кўриб юрипти-ку.

...Эртасига эрталаб Саттор ишга кетишга отланиб турган эди, кўча эшик тақиллади, Мўмин опаси деб ўйлаб, югурганича бориб эшикни очди. У ерда милиция формасини кийган нотаниш киши турарди. Мўмин акасини чакирди.

— Носиров сиз бўласизми? — сўради нотаниш киши Саттор билан кўришгач.

— Ҳа, мен,— деди Саттор дилига ғулғула тушиб. У Захрога бир бало бўлди, деб ўйлади ўша заҳотиёқ ва нима кориҳол бўлганини тусмол қила бошлади.

— Захро Носирова сизга ким бўлади?

— Синглим,— деди Саттор юраги ёмон хабарни сезиб.— Нимаиди?

— Бу бола ким? — сўради милиционер нарироқда гапга қулоқ солиб турган Мўминга ишора қилиб.

— Укам,— деди Саттор ҳам Мўминга қараб.

— Айтинг, нари кетсин.

— Бор, Мўмин, уйга кир,— деди Саттор укасига, Мўмин зипиллаб ҳужра томон кетди.— Тинчликми? Нима гап?

— Носирова Захро қамоққа тушган эди,— деди милиционер дарҳол асосий мақсадга ўтишга ботина олмай — ёмон хабардан акаси ўзини йўқотиб қўйиши ёки жанжал кўтариши мумкин эди.

— Нега қамоққа тушади? — сўради Саттор ҳақиқий фожиани ҳали гумон ҳам қилмай.

— Шубҳали иш билан шуғулланар экан,— деди милиция ходими мавҳумроқ қилиб.

— Шубҳали иш деганингиз нимаси?

— Уғрилиқ билан шуғулланган бўлиши мумкин.

— Уғрилиқ? Йў-ўқ! Захро уғрилиқ билан шуғулланиши мумкин эмас.

— Ёнидан кўп пул чиқди,— деди милиция ходими гапига салмоқ бериб.

— Нима бўпти, кўп пул чиққан бўлса? — бўш келмай сўради Саттор.— Лавлаги пишириб сотарди.

— Лавлаги савдоси билан шунча пул ундириш қийин. Ўзингиз биласизку,— деди милиция ходими ва Сатторнинг ўйланиб қолганини кўриб, қўшиб қўйди: — Жавобгарликдан кўрқиб кетган бўлса керак, ҳали тергов тугамовди...

— Хўш?

— Кўйлагидан арқон тўқиб, камерада ўзини осиб қўйипти...

Сатторнинг ранги оқариб кетди, лол бўлиб қолди.

— Энди нима бўлади? — аранг сўради у.

— Маслаҳатга келдим сизга,— деди ходим.— Мени юборишди.

— Ким юборди? — хаёлини бир жойга тўплай олмай сўради Саттор.

— Турма бошлиғи.

— Хўш?

— Мурдани нима қилайлик? Ўзингиз чиқарасизми, ёки кўмиб юборайликми?

Саттор яна ўйланиб қолди. Агар ўликни уйдан чиқарадиган бўлса, маҳаллада гап тарқалади. «Нега қамоққа тушипти?»; «Нега ўзини осипти», «Нима айби бор экан?» Саттор бу хил саволларга қандай қилиб жавоб бера олади? Иснод-ку. Оиласи таъна, лаънат остида қолади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ёш, бўйига етган қиз, аллақанақа гуноҳлар билан қамоққа тушса, жазодан кўрқиб ўзини осиб қўйган бўлса — бунини қандай исботлаш мумкин? Улик кўмиш, аза очишнинг ўзи бўладими? Қанча чиқим, безовтагарчилик! Ундан кўра сингисини эрга тегиб, узоққа кетди, дегани маъқул эмасми? Одамлар бир кун гапирарди, икки кун гапирарди, кейин эсдан чиқариб юборишарди. Ким суриштириб ўтирарди? Замон оғир, ҳамма ўз ташвиши билан банд. Мўминга ҳам шунақа дейди, ёки қамалганини айтади, бировга бу ҳақда оғиз очмаслигини тайинлайди. Бориб-бориб, сал ақли кирганда, ҳамма нарсани ётиғи билан тушинтиради.

Саттор гапнинг бошида ўзига айб тушишидан, синглингизга қарамапсиз, ташлаб қўйибсиз, сизда ҳам айб бор, деган даъводдан хавотир бўлиб турувди, милиция ходими «маслаҳат» солиб, қайтага вазиятни юмшатди, Сатторнинг мушкулани энгиллаштирган бўлди.

— Хўш? Нима дейсиз? — сўради ходим Саттор анча ўйланиб қолгач.

— Шунақа ном билан уйдан чиқариш... одамлар орасида қандай бош кўтариб юраман?

— Демак, розисиз? — дарров гапга чек қўймоқчи бўлди ходим.

— Нимага розиман? — изтиробда сўради Саттор.

— Ўзимиз кўмишимизга,— деди ходим Сатторни ўз томонига оғдириш ниятида. Ходим ҳам шу ҳақда топшириқ олган эди, чунки жасадни эгасига топширишса, кераксиз тафсилотлар чиқиши, натижада ўзларининг айби очилиб қолиши эҳтимолга яқин эди.

Саттор бир қарорга кела олмагандек депсинди.

— Майли,— деди у кейин.— Розиман...

#### 40

Мансур ака мактабда фақатгина мудир бўлиб қолмай, географиядан ҳам дарс берар эди. Шунинг учун мактабда осойишталик йўқлигидан шикоят қилувчи ўқитувчиларнинг ташвиши ўринли эканини яхши билар, бироқ район маориф бўлими ремонт учун етарли маблағ ажрата олмаганидан, синфлар ҳамон шифтсиз турарди. Дарс пайтидаги ғала-ғовурдан нафақат ўқитувчилар, ҳатто ўқувчилар ҳам гангиб, бошлари оғрийдиган бўлиб қолишган, дарсларни ўзлаштириш ўта паст, бирон чора кўриш эса Мансур аканинг кўлидан келмас эди. Қаюмжон раисликка ўтгач, мактабдан хабар оладиган бўлди. У бир келганида, Мансур ака хаёлини банд этган муаммони ўртага ташлади.

— Синф деворлари юпқа экан, — деди Қаюмжон, Мансур ака билан ташқарига чиқишгач.— Шифтни кўтара олармикин? Босиб қолса, болалар нобуд бўлмайдимми?!

— Шифт том эмас-ку,— деди Мансур ака унга эътироз билдириб.— Тўсин ташлаб, усти энгил-елпи ёпилса, шовқин эшитилмаса, бас. Акс ҳолда бу даргоҳдан саводли ўқувчилар эмас, жиннилар етишиб чиқади. Ўзингиз ҳам шу мактабда ўқигансиз, ёрдам беринг. Бошқа чидаб бўлмайди.

— Ускунани-ку топармиз, аммо ишни ким бажаради?

— Ҳашар уюштирамиз,— деди Мансур ака.— Қишлоқда дурадгор қариялар бор, бир ҳафталик савоб юмушдан қочишмайди. Юқори синф болаларини жалб қилиш мумкин.

— Майли, мен колхоз қарорини чиқартириб, ускуна ажраттираман,— деди Қаюмжон.— Сиз, домла, район маориф бўлимига учранг, у ердагилар лоақал битта-иккита уста қурувчи беришсин. Дурадгорларингиз қари, аранг юришипти. Умуман, ҳашар деганингиз маъқул, бошқа йўл билан ишни битириб бўлмайди.— Қаюмжон дарвоза томон кўз ташлади. Боя ҳовлига кириб келганида, Ойниса қизчасини жомга ўтқазиб чўмилтираётган эди. Қаюмжон у билан йўл устида кўришган, Мансур акага эргашиб мактаб тарафга ўтиб кетганди. Ҳозир Ойниса боласини ухлатиб чиққан шекилли, ўзи якка, арқондаги қуриган кирларни йиғиштирмоқда эди.

— Чой дамлаб қўйдим,— деди у узоқдан гаплашиб турган Мансур ака билан Қаюмжонга.

— Юринг, бир пиёладан чой ичайлик,— дея Мансур ака Қаюмжонни ҳовуз бўйидаги чорпоя томон бошлади.

— Келинлар,— деди Ойниса ва дарҳол дастурхонни очиб, тўнтариклик пиёлаларни тўғрилаб қўйди, ўзи бориб ўчоқда илиб турган чойнакни келтирди. Дастурхонда бир жуфт бўш пиёла ва чойнақдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Мансур ака чойни қайтариб, Қаюмжонга қўйиб узатди.

Ойниса ичкарига кириб кетишни эп кўрмай, бир неча қадам нарида қўйлаги ёқасини ғижимлаб, мулозамат сақлаб турар, дастурхонга қўйишга арзигулик нарсаси йўқлигидан хижолатда эди.

— Шўртепага яхши бориб келдингизми, Ойнисахон? — сўради Қаюмжон уни дастурхонга чақиришга журъат қила олмай.

— Раҳмат, Қаюмжон ака,— деди Ойниса, одоб билан жилмайиб.— Маъракани қурбим етганича ўтқазиб келдим. Бир ой бурун чол дунёдан ўтган экан, азалар қўшилиб кетди. Йиғлаб-сиқтаб, кўнглимни бўшатиб қайтдим. Ўзингиз яхшимисиз, Қаюмжон ака? Энам соғ-саломатми?

— Юрипмиз. Ҳа, дарвоқе,— деди Қаюмжон мудир томон бурилиб,— яхшиям сиз борсиз, домла, бари бир ижозатингизни олишга келардим.

— Хўш, бажонидил,— деди Мансур ака, раиснинг ўзи ҳозир илтимос билан мурожаат қилганидан жонланиб.— Нима экан?

— Билмадим, Ойнисахон, бу гапга қандай қараркин? — дея Қаюмжон бир оз ўнғай-сизлангандек бўлди.

Ойниса дилида алланималарни тусмол қилиб юрарди, ҳозир Қаюмжоннинг тортини айтган сўзидан негадир юраги шувиллаб, дук-дук ура бошлади, гўё буларнинг орасида қанақадир сир бўлиб, Қаюмжон шуни айтишга чоғлангандек, қизариб кетди. Қизиги шундаки, Мансур ака ҳам айнан шунан деб уйлади. Қаюмжон Марҳамат районидан Ойнисани бу ерга кўчириб олиб келганда ҳам, ишга жойлаш, хона ажратиш тўғрисида ҳам Мансур ака билан маслаҳат қилган эди. Ушанда Мансур ака, гарчи ўрин бўлмаса-да, Қаюмжоннинг илтимосини рад қилишга ботина олмади. Қаюмжон ҳеч қачон Ойнисани эътибордан четда қолдирмаётгани, Тўхтасин ака орқали хабар олдирган бўлиб, унча-мунча нарса билан ёрдам бериб туриши ҳам Мансур акага аён эди.

Яна қизиқ жойи шундаки, Мансур ака билан Ойниса бир-бирларига ялт этиб ғалати кўз ташлаб олишларидан уларнинг хаёлидан қанақа фикр ўтганини Қаюмжон ҳам англади. Шу боисдан, у дардини қуюшқондан чиқмай баён этишга қарор қилди.

— Онамнинг пича тоби қочиб қолди,— деди саросимадан қутула олмаётган Ойнисага, сўнг Мансур акага қараб.— Аксига юриб, пахта терими олдидан Тошкентда қишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши бўлар экан, шунга чақиришди. Бормай десам, республика миқёсидаги йиғилиш, раис сифатида биринчи чақирилишим, борай десам, онам бунақа, ўғилчам қийналиб қолади. Илтимосим, агар малол тушмаса, Ойнисахон бир ҳафтага бизниқига бориб турса, демоқчи эдим.

— Малол тушмайди,— енгил тортибми, ҳафсаласи пир бўлибми, деди Ойниса дарҳол.— Майли, қараб тураман. Энам билан ҳам танишиб оламан. Агар домладан рухсат бўлса.

— Рухсат бўлади,— деди Мансур ака ҳам енгил тортиб.— Иш бошласак, бу ердан ҳар кун одам аримай қолади. Кечқурун дарвозага қулф солиб кетаверамиз-да. Мачитнинг нарсасига ким ҳам кўз олайтирарди? Қачон жунайсиз, Қаюмжон?

— Индинга,— деди Қаюмжон.— Саҳарда. Эртага кечга томон келиб Ойнисахонни олиб кетаман. Жамилахон билан Алижонни ўзим таништириб қўяман.

— Ўзингизга ноқулай, деб билсангиз, Қаюмжон, майли, мен элтиб қўярман. Ёки Тўхтасин акани юборинг.

— Маъқул,— деди Қаюмжон, негадир руҳи кўтарилиб.— Ўзингиз элтиб қўйсангиз, яна яхши бўлади. Баҳона билан бир-икки соат суҳбат қуриб ўтираамиз...

Эртасига Ойниса Мансур ака билан бирга қизчаси Жамилани етаклаб, Қаюмжоннинг эшигидан киришганда, вақт намозгардан ошган, сув сепилган ҳовли саҳни қорамтир ва покиза, кампир Қаюмжоннинг каравотида букчайиб тасбеҳ ўғирар, оғзининг атрофи қорайиб кетган Алижон отхона томонга қўйилган нарвоннинг пиллапоёсида



ўтириб думбул ғажир, ариқнинг нариги томонидаги экинзорда тердан қорайиб кетган гимнастёркали Қаюмжоннинг қомати кўринар эди.

— Дада! — деб қичқирди Алижон, ҳовлига кирган одамларга отасининг эътиборини қаратиш учун.

Кампир қалтираётган бўйинни буриб, хира кўзларини кўча эшик томон тикди, Қаюмжон хиёл оқсоқланиб, кўм-кўк буталар орасидан меҳмонлар истиқболига кела бошлади.

— Келинлар, келинлар,— деди у кайфи чоғланиб ва ариқ бўйида букилмайдиган оёғини четга кериб, қўлини ювди, каравот панжарасидаги сочиққа қўлларини артаркан, онасига нималарнидир шивирлаб айтди. Онаси майин табассум билан ёнверини тўғрилаган бўлди.

Қаюмжон меҳмонлар ёнига келиб, Мансур ака билан қўл бериб кўришди, Жамиланинг лунжини эркалатиб чимди-да, оппоқ, юмшоқ қўлчасини қадоқ кафтига олди. Мансур ака билан Ойниса Қаюмжонга эргашиб, каравот олдига келишди.

— Буви,— деди Қаюмжон овозини сал баландроқ қилиб.— Меҳмонлар...

— Ассалому алайкум, опа,— деди Мансур ака.

— Ассалому алайкум, эна,— деди Ойниса.

— Ваалайкум ассалом,— деди кампир, келганлар юзига тикилишга уриниб.— Хуш келибсизлар, айланайлар.

— Буви, Мансур домла...— деди Қаюмжон Мансур акани кўрсатиб.— Ёшлигида акам бу кишининг қўлида ўқиган, эсингизда бордир?

— Бор, эсимда бор,— деди кампир, ўзининг яхши кўролмаётганидан жилла хижолат тортиб.

— Бу меҳмон — Ойнисахон,— деди Қаюмжон Ойнисага қараб олиб.— Тошкентдан келишган. Айтувдим сизга.

— Ҳа, ҳа хабарим бор, айланай,— деди кампир.— Омон-эсон юрибсизларми, болам. Бегона юртда қийналмаяпсизми?

— Йўқ, эна, ёзғирадиган жойи йўқ,— деди Ойниса негадир дийдаси юмшаб.— Бир юрт...

— Мана бу Жамилахон,— деди Қаюмжон ва қизчани кўтариб, онасининг ёнига ўтказиб қўйди. Жамила олазарак бўла бошлади.

Кампир қизчанинг бошини силади, қўлини очиб, дуо қилди. Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди.

— Қаюмжон, меҳмонларни чорпоёга олиб чиқ, дастурхон тайёр,— деди кейин кампир.

— Ҳозир-да, буви,— деди Қаюмжон ака Мансур ака билан Ойнисани чорпоя томон бошлади.— Алижон, туш шотидан, бери кел, ўғлим. Мана, сенга сингилча келди, ўртоқ бўласизлар.

Бола ётсираб шотидан тушди ва бир неча қадам нарида чала ейилган думбулни қўлидан қўймай тўхтади.

— Вой-бўй, гўлаҳ бўлиб кетибсан-ку, ўғлим,— дея Қаюмжон Алижоннинг билагидан ушлаб, Жамиланинг рўпарасига келтирди.— Оти Жамила,— деди у Алижонга ва Жамилага қараб: — Бу Алижон, сенга ака бўлади, Жамила. Майлими?

Жамила иягини кўксига қадаб, хўмрайиб турар, қовоғи остидан онасига тикиларди.

— Майли, кейин иноқлашиб кетасизлар,— дея Қаюмжон Жамилани қўйиб юборди, Жамила чорпоя четида ўтирган онасининг тиззасига бориб ёпишди.— Сен бориб ювин ўғлим. Қара, Жамила сендан қўрқиб кетди. Дарров оппоқ бўлиб кел... Совун билан ювин, бўптими?

Алижон ариқ томон югуриб кетди.

Қаюмжон нарироқда турган кўзани олиб, меҳмонларга қўл чайиш учун сув тутди.

— Мен қуя қолай,— деди Ойниса Қаюмжоннинг қўлидаги кўзага қўлини чўзиб.

— Йўқ, йўқ,— дея Қаюмжон қўлини олиб қочди.— Сиз меҳмонсиз, уят бўлади.

— Қаюмжон ака, илтимос, одамни хижолат қилманг,— деди Ойниса ёлборгандек бўлиб.— Савобдан маҳрум қилманг. Эркак киши сув қуйиши...

— Шунақами? Ҳа, майли,— дея Қаюмжон кўзани Ойнисага берди.— Бўлмаса, аввал домладан бошланг. Мен чой олиб келаман.

— Хўп бўлади,— деди Ойниса ва Мансур аканинг ёнига ўтиб, қўлига сув қуйди.

— Баракалла, — деди Мансур ака қўлини узатилган сочиққа арта туриб. — Кам бўлманг, қизим.

Қаюмжон чой келтирди.

— Ойнисахон, чойни эрмак қилиб турасизлар,— деди Қаюмжон ва дастурхондаги иккита ноннинг бирини ушатди, қовун сўйди, карчлади.— Қани, дастурхонга қаранглар. Мана бу шинни. Янги тутдан. Мен қозонга қарайман, зирвак тайёр, бир зумда гуруч соламан. Ҳаш-паш дегунча пишади, кейин бемалол суҳбат қуриб ўтираминиз. Майлими?

— Майли, Қаюмжон, майли,— деди хижолат чекиб Мансур ака.— Сизни уринтириб қўйганимиздан одам истиҳола чекапти-да.

— Э, домла, шуюм уринишми? Бундан бўлак гашт бўладими?

Қаюмжон нимкўкиш тутун бурқситган ўчоқ томон кетди.

Ойниса бир пиёла чойни ўзига, иккинчисини Мансур акага узатди, нон ушатиб, шиннига ботириб, қизининг оғзига солди, сўнгра яна битта пиёлага чой қуйиб, вазмин тебраниб ўтирган Қаюмжоннинг онасига олиб бориб тутди:

— Эна, бир пиёла ичинг.

— Худо хайрингизни берсин,— деди кампир дили ғалати бўлиб.— Анча пайтлардан бери бировнинг қўлидан чой ичмагандим.

— Намозга турасизми, эна? — сўради Ойниса каравот четига омонат ўтириб.

— Ҳа, болам, шомга тураман.

— Сув тайёрлаб қўяйми, эна?

— Таҳоратим бор, болам,— деди кампир кўнгли ёришиб.— Мени Алижон уйга киритиб қўйса бўлди.

— Алижон ювиняпти, эна, ўзим киритиб қўяман.

— Сизни овора қиламанми, болам? — тортиниб сўради кампир.

— Овораси борми, эна? Турақолинг, бўлмаса,— дея Ойниса кампирнинг тирсагидан олди.

— Майли, болам, намозим қазо қилмасин.

Ойниса авайлаб кампирни уйга олиб кириб кетаркан, гуруч юваётган Қаюмжон уларни кўриб, дили алланечук бўлиб кетди.

Бир оздан кейин ичкаридан Ойниса чиқиб, Қаюмжонга яқинлашди.

— Нарсаларингизни йиғиштирганмисиз, Қаюмжон ака? — сўради ундан.

— Ҳали вақт бор, улгураман,— деди Қаюмжон миннатдорлик билан Ойнисага тикилиб.

— Ювилмаган нарсаларингиз бўлса беринг, бирпасда қурийди.

— Ювилган, Ойнисахон. Ғам еманг.

— Дазмолланганми?

— Дазмол? — мийиғида кулиб сўради Қаюмжон.— Бизларга дазмолсиз ҳам бўлаверади.

— Дазмол борми?

— Бўлиши керак. Жавоннинг тоқчасида. Ҳозир олиб чиқаман.

— Қўяверинг, ўзим,— дея Ойниса қайрилиб ичкарига кириб кетди.— Чўғ солиб қўяй.

«Тавба,— деб ўйлади Қаюмжон, Ойнисанинг кетидан тикилиб.— Бир зумда ҳамма ёққа файз кирди-қўйди. Тузуқ, унча тортинчоқ эмас экан, дарров киришиб кетди. Оёқ-қўли ҳам чаққонгина экан...»

Мунис опанинг йўқ деганига қарамай, Муқаддас девордан ул-бул нарса ошириб туради. Бир гал ярим халта ун, бир-икки коса мош, иккинчи гал Ҳошимжон келтирган ҳарбийларнинг нонидан бир буханкасини, яна бир гал коньяк шишасига қуйилган керосин, қайси куни май байрами олдидан эди, шекилли — икки юз сўм пул, беш қулоч сурп берди. Муқаддас бу нарсаларни «ошириш» учун аллақанақа айрили ёғочни ҳам мослаб қўйган, ёғоч шундоққина пахса тагида ётади, унга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди. Умуман, чорвоқнинг бу этагига одам ўтмайди. Узумни хомтоқ қилган, экинга сув қуйган одамлар ишқомдан бери келмайди, туш пайтида шийпонда ўтириб овқатланишадди, кейин ҳар бири ўзига ажратилган ишни бажариб, ўша ёқдан нари кетади. Мурод-хўжа аканинг рўзғори тўлиб-тошиб ётипти, унча-мунча нарса камайса, сезилмайди ҳам, шунинг учун Муқаддас гоҳо яшириб, гоҳо ошкор Ўлмаснинг онасига оширган нарсаларини ҳеч ким пайқамайди. Тўғри, Холида бир-икки марта кўрган, аммо у айтмайди, Муқаддас уни бураб қўйган.

Кеча шийпонда Озоданинг ўйинчоқлари қолиб кетган эди, шуларни олиб кетиш учун Муқаддас боғ этагига тушди ва нариги томондан деворга нарвон суяб олма тераётган Ўлмаснинг синглиси Муҳайёга кўзи тушди, қўғирчоқни қўлида осилтириб, ўзи бир неча йил аввал дарахтдан йиқилган жойга борди, «ҳорманг», деди.

— Вой, Муқаддас опа! — деди Муҳайё уни кўриб.— Келиб қолганингизни сезмапман. Яхшимисиз?

— Шукур,— деди Муқаддас дарахт остида турганича қизга тикилиб.

— Муқаддас опа, этагингизни тутинг, олма ташлайман, оғзингиз тегсин,— деди Муҳайё челақ ичидан бир неча дона қирмизи олма танлаб.— Бу йил ҳосили яхши, қурт емапти, серсув.

— Уйда олма бор, Муҳайёхон,— деди Муқаддас.

— Вой, опа, сизларники бошқа, таъмини кўринг,— деди Муҳайё олма ушлаган қўлини Муқаддас томон чўзиб.— Хафа бўламан. Тутинг этагингизни.

Муқаддас этагини очишга мажбур бўлди. Муҳайё олмаларни битталаб ташлади.

— Бўлади, Муҳайёхон, бас,— деди Муқаддас уч-тўртта олма тўплангач ва битта-

сини тишлаб, қизга синовчан қаради.— Дарахтнинг тагида ҳеч ким борми?

— Йўқ, нимаиди? — сўради Маҳайё, деворга қўлларини тираб.— Ойимни чақирайми?

— Йўқ, ҳожати йўқ,— деди Муқаддас шошиб.— Акангиздан хат келиб туриптими?

— Келяпти,— деди Муҳайё ва уй томонга қараб олиб, қўшиб қўйди: — Ҳамма хатида сизни сўрайди. Ойим, айтманглар, деган бизга.

— Шунақами?

— Ҳм. Сизгаям хат ёзармиш, аммо ҳалигача битта жавоб олмапти,— деди Муҳайё паст овозда.— Нега хат ёзмайсиз, опа?

— Мен биронтаям хатини олганим йўқ,— деди Муқаддас таажжубланиб.— Олсам ёзардим. Адресиниям билмайман.

— Нега сизга хат келмайди? Биз оламыз-ку.

— Қайдам,— деди Муқаддас, уйидагилардан гумон қила бошлаб.

— Адресини берсам, ёзасизми? — сўради Муҳайё Муқаддасга синовчан тикилиб.

— Ўзимга келган хатини ўқисам, ёзардим.

— Уйингиздагилар сиздан яширишса керак,— деди Муҳайё зийраклик қилиб.—

Почтачидан суриштириб кўринг.

Муқаддас айна шу топда мадори қочиб, баданидан совуқ тер чиқди, оёқ-қўли қалтирай бошлади, кўнгли айниди.

— Шу бугуноқ суриштираман,— деди у кўзи тингандек бўлиб ва зилдек оғирлашган оёқларини аранг босиб, уй томон кетди. «Холидани пойлоқчи қиламан,— деб ўйлади йўл-йўлақай,— почтачининг қораси кўриниши билан, менга айтади, йўлакка чиқиб, ундан сўрайман. Ҳаммасини билиб оламан!» Бироқ Холида онасининг измида бўлиши мумкинлигини фараз қилиб, тезда ниятидан қайтди, ўзи пойлашга қарор қилди. Йўлакка чиқиб, кўчага мўралади, почтачи кўринмади, қўшни боладан сўради, у бўйинини қисди.

— Ма, Равшан,— дея Муқаддас чўнтагида бор майда пулларни чиқариб болага тутди.— Обакиданон олиб шимасан. Менга почтачини топиб кела оласанми?

— Қидириб кўраман,— деди Равшан пулни санаб.— Маҳаллада кўринса, чақириб юбораман.

— Чақирганингни мен билишим керак, Равшан. Мен шу ерда пойлаб тураман. Зинғиллаб бориб кел, бўптими?

— Майли,— деди Равшан ва маҳалла гузари томон кета бошлади.

— Топсанг, бошлаб кел, Равшан, яна бир нарса бераман.

Равшан чопқиллаб кетди.

Муқаддас тешиккулча олиб чиқиш учун уйига кириб кетди.

Бир оз вақт ўтгач, кўча бошида Равшан, унинг ортида маймоқ қўлини ғалати силкитиб келаётган почтачи кўринди.

— Равшан, ма, сенга раҳмат,— деди Муқаддас болага тешиккулчани бериб.— Энди сен ишингдан қолма! — Равшан диконглаб югуриб кетди. Муқаддас почтачини имлаб, орқага, йўлак бостирмаси остига жилди. Почтачи гап нимадалигини дарров сезди, икки томонга қараб олиб, йўлакка кирди.— Менга келган хатларни нима қилдингиз, амаки?

— Қанақа хат? — талмовсиради почтачи, кўзлари бежо бўлиб.— Ҳеч қанақа хатни билмайман.

— Ойимдан қанча оласиз?

— Нимани оламан? Мен уйингиздан ҳеч нарса олмайман.

— Ундан кўпроқ бераман,— деди Муқаддас почтачига тик қараб.— Яширган хатларни беринг.

Почтачи каловлаб қолди. Агар қизи онасидан кўпроқ берадиган бўлса, унга нима фарқи бор. Фақат Муродхўжа ака баджаҳл одам, билиб қолса, омон қўймайди. Нима қилсин? Аввалгидек ҳар бир келган хатнинг ширинкомасини олиб юраверсинми, ё улғужироғини ундирсинми? Хавфли иш. Каттасига суллоҳлик қилиб, кичигидан бенаиб бўлиши мумкин.

— Менда ҳеч қанақа хат йўқ,— деди у терсайиб.— Нима келса, ҳаммасини берганман. Менга бунақа дўқ-пўписа қилманг. Уйингиздаги машмаша билан нима ишим бор?

Муқаддас билдики, онаси ёки отаси почтачини обдан бурашган, почтачи ҳайиқяпти. Бу атрофда отасидан ҳайиқмаган ким бор? Ҳамма зириллаб туради.

— Амаки,— деди ётиғи билан.— Кейинги хатни ўзимга топширасиз, хром этик бераман. Қўрқманг, ҳеч кимга айтмайман. Хотирингиз жам бўлаверсин. Келишдикми, амаки?

— Бирон нарса дея олмайман,— гудранди почтачи четга қараб.— Агар хат сизга келса, ўзингизга топшираман, албатта. Менга нима фарқи бор?

— Тирриқлик қилманг, амаки,— деди Муқаддас.

— Адангиз уруғимни қуритади,— деди почтачи иккиланиб.

— Айтдим-ку, ҳеч ким билмайди, деб. Онт ичайми?

— Кераги йўқ,— деди почтачи мижғовланиб.— Майли, хат келса, ўзингизга топшираман. Лекин уйингизга келганимни барибир ойингиз билиб қолади. Унда нима бўламан? Қандай қилиб ойингиз олдида хатни сизга топшираман.

Муқаддас ўйланиб қолди. Ҳақиқатда, хонадонда Муқаддаснинг бир ўзи яшамайди, почтачи чақириб келса, биринчи бўлиб Холида билади, онасини чақиради. Муқаддас бундан хабар топгунча, онаси хатни гумдон қилиб бўлади.

— Мана бу харининг остига яшириб кетасиз,— деди Муқаддас синч орасидаги тирқишни кўрсатиб.— Уқтин-уқтин ўзим хабар олиб тураман. Хат келганда рўпарадаги синчга сақич ёпиштириб кетасиз, кўзим тушиши билан биламан. Бўптими?

— Этикни қандай оламан? — асосий муддаони айтди почтачи.

— Паранжи ёпиниб, ўзим элтиб бераман. Бу ёғидан хавотир бўлманг,— деди Муқаддас қатъий тусда.

— Қаерга элтиб берасиз? — гумонсираб сўради почтачи.

— Қаерга десангиз, шу ерга.

— Фақат почтахонага эмас.

— Шу атрофга келганингизда, кўчада бировни қаттиқроқ чақирсангиз, овозингизни эшитаман, ўша заҳотиёқ олиб чиқиб бераман. Уқдингизми? Фақат хат келмасидан олдин бақириб қўйманг. Мана бу хамир учидан патир, — дея Муқаддас почтачининг сумкасига ўттиз сўмлик қизил пул солиб қўйди...

Шу воқеадан кейин бир неча кун ўтди. Муқаддас ҳар куни йўлакка чиқиб, рўпарадаги синчни кўздан кечиради. Синчда белги кўринмас, аммо унинг «кўриниш» муддати яқинлашгандек туюлар, бу Муқаддаснинг юрагини саросимага қўрқинчли алғов-далғов изтиробга солар эди. Майли, хат ҳам келсин, Муқаддас уни олиб ўқисин ҳам, кейин нима бўлади? Жавоб хатини ёзганида, Муқаддас қанақа сўзлар битади? Хатнинг мазмуни қандай бўлади? Нималарни Муқаддас Ўлмасга ваъда қилади? Ахир, Ўлмас, уйи билан хабарлашиб турган экан, демак, Муқаддаснинг турмушга чиққанини, фарзанд кўрганини билади. Шундай экан, Ўлмас Муқаддасдан нима кутади? Эридан воз кечишиними? Эрининг қанақа айби бор, нега у бошқалар учун жавоб бериши, азоб чекиши керак? Умуман, қайси ниятда нимага асосланиб тинч-тотув ҳаётни чилпарчин қилиш керак? Ўлмаснинг севгиси учунми? Бу ҳам кам севмайди. Мардлиги, ақли-заковати, ҳусни, истиқболи учунми? Ҳошимжон ҳам ўзига хос мард, ақлли, истиқболи ҳам яхши. Мана, техникумни битирганлиги ҳақида ҳужжат олипти, айни шу кунларда университетнинг тарих бўлимига имтиҳонлар топшириб юрипти, бориб-бориб олим бўламан, дейди. Ҳошимжон абжир йигит, ўз олдига бир нарсани мақсад қилиб қўйса, албатта унга эришади. Нега энди Муқаддас турмушга хиёнат қилиб, Ўлмасга хат ёзиши, уни умидлантириши керак? Ўлмас ўзи ким, қанақа инсон, феъл-атвори қанақа — Муқаддас билмайди-ку. Муқаддас уни атиги уч-тўрт марта кўрган, ишқ ўтида ҳамма ҳам ўзининг яхши жиҳатларини кўрсатишга ва шу алдамчи тасаввур билан ўз муддаосига эришиб олишга ҳаракат қилади, шундай бўлиб чиқди ҳам. Яхшиям Ҳошимжон бор экан, у дуч келмаганда, нақ иснодга қолишарди.

Йўқ. Муқаддас кўр-кўрона, ўткинчи ҳиссиётлар ихтиёрига берилмайди. Майли, хат келган бўлса, тирқиш орасида ётаверсин, уни олмайди ҳам, бекорга дилини изтиробга солмайди ҳам, синчга ёпиштирилган сақични кўчириб ташлайди, вассалом. Почтачини учратса, хатни олганим йўқ, олиб кетинг, дейди. Шундай фикр билан Муқаддас сўнги кунларда ўзининг кўрган бутун хом-хатала тadbирини ўзгартиришга қарор қилди, натижада юрагидаги туғён ҳам аста-секин кучини йўқота бошлади. Аммо шундан кейин бир куни эрини ишга кузатаётиб, кўзи йўлак синчига ёпиштирилган сақичга тушиб қолди. Муқаддаснинг юраги шувиллаб кетди. Зероки, Ҳошимжоннинг ҳам эътибори сақичга тушгандек эди. Йўқ, эри кутиб турган юк машинасига ўтириб хизматига жўнади. Аллақандай ўжар куч Муқаддасни уч бурчакли хат яширилган тирқиш томон итарар, ҳеч қачон ишқий хат олмаган Муқаддасни ажиб, авровчи бу нарса саросимага солган эди. У шифтдаги васса орасига бир зум тикилиб турди, сўнгра кескин бурилиб, уйига кириб кетди.

Шу куннинг ўзидаёқ Муқаддас, кўчада ким биландир шанғиллаб гаплашаётган почтачининг овозини эшитиб қолди. Нима қилсин, чиксинми, ёки ҳеч нарсани билмаган бўлиб уйда ўтираверсинми? Йўқ, почтачи ўз улушини олмагунча, шу атрофда ўралашиб, қичқираверади, тинчлик бермайди, пировардида бирон баҳона билан ўзи кириб келади, сирни фош қилиб қўяди. Қолаверса, Муқаддас чиқиб, ўзи айтган режаларидан айниганини айтиши, узил-кесил орани очик қилиб келиши керак.

Муқаддас кўчага мўралаганида, у ерда почтачидан бўлак ҳеч ким йўқ, почтачи ўз-ўзича шанғиллаб гаплашар эди, Муқаддасни пайқагач, «аллаким» билан хайрлашди, атрофга олазарак назар ташлаб, бу томон йўрғалади, Муқаддаснинг рўпарасида ишшайиб тўхтади.

— Олдингизми? — шивирлаб сўради у тирқишга ишора қилиб. — Сақич ҳам ёпиштириб қўйдим. Кеча олиб келувдим.

— Олганим йўқ, амаки, — деди Муқаддас жиддий. — Олмайман ҳам.

— Нега? — талмовсираб сўради почтачи.  
— Айнидим, — деди Муқаддас, почтачининг ҳафсаласи пир бўлганига парво қилмай. — Уйлаб қарасам, тўғри келмас экан.  
— Этик нима бўлади? — хавотирланиб сўради почтачи. — Хром этик?  
— Хатни олганим йўқ, этик ҳам бўлмайди.  
— Ие, Муқаддасхон, бу хатарли ишга ўзингиз мени мажбур қилдингиз, — деди почтачи «ётиб қолгунча, отиб қол» қабилида. — Гап менданмас, сиздан чиқди, ўзингиз шарт қўйдингиз, ваъда бердингиз, мени чалғитдингиз. Энди тонасизми?

— Хатни олганим йўқ-ку.  
— Олдингиз-олмадингиз, менинг ишим нима? Мен шартни бажардим, — деди почтачи ранжиб ва ҳужумга ўтди: — Балки аллақачон олиб ўқигандирсиз, мен қаттан билая! Агар мунақа қилишингизни билсам, ҳийлангизга асло юрмасдим. Хатни оингизга топшириб, насибамни олиб кетаварардим. Энди сиз тонадиган бўлдингиз, оингизга айтаман, мендан домангир бўлманг, жавобни ўзингиз бераверасиз. Бу сирни бошқалар ҳам эшитиши мумкин.

— Иғво экан-да, — деди Муқаддас. — Майли, бир айланиб келинг, мен этикни олиб чиқиб қўяман.

— Кўчани айланиб чиқдим, бу ерда бошқа ишим йўқ, — деди почтачи безбетлик билан. — Қутиб тураман.

— Бўпти, ҳозир олиб чиқаман, — дея Муқаддас уйига кириб кетди ва бир зумда латтага ўралган этикни қўлтиқлаб чиқди, дағалроқ ҳаракат билан почтачининг сумкасига ташлади.

— Ҳа, мана бу бошқа гап, ойимча, — деди почтачи кўзлари йилтираб. — Одам сўзида туриши керак-да. Бўпти, омон бўлинг.

У пилдиллаб гузар томон йўрғалади.

Муқаддас бир оз унинг ортидан тикилиб турди-да, уйига кириб кетиш учун орқага ўгирилди ва беихтиёр кўзи тирқишга тушди — яқиндагина зўрға-зўрға кўриниб турган оқиш нарса йўқ эди. Демак, почтачи пайтдан фойдаланиб, суғуриб олибти-да, демак хатни онасига қайта пуллайди. Муқаддасга негадир алам қилди, ҳам хатни қўлдан чиқарди, ҳам этик бекорга кетди. Ундан кўра хатни олиб йиртиб ташлагани, этикни Мунис холага бергани маъқул эмасмиди? Бечора сотса, бир неча кун рўзғор тебратар эди. Ўзи шунақа, қизиқ устида қилинган ишнинг охири вой бўлади...

Захронинг ўлими билан боғлиқ ташвиш бартараф бўлди, Муродхўжа ака бу хабарни эшитиб, анча тинчиди. Саттор деган акаси бор экан, у-ку ҳозирча даъво қилмапти, аммо бир-иккита ғаламис пинжига кириб қайраса, синглинг бекордан-бекорга қамоқда ўлиб кетаверадимиз, қийнашган, шу даражага олиб боришган, деб гиж-гижласа, яна енгини шимариб, ўч олишга киришади, тоvon талаб қилади. Бунинг устига, даъво қилмаслиги ҳақида ундан тилхат ҳам олишмапти, каллаварамлар. Саттор ўликини ўзи кўмишдан воз кечиб тўғри қилипти, лекин — ким билади? — ўликини уйдан чиқарганида, ғаламислар пинжига кирмай туриб, Муродхўжа ака, шундай амалдор, обрўли одам, ўзи таъзияга бориб тиловат қилиб, кераксиз оқибатларнинг олдини олган бўлармиди? Синглингиз ўлди-кетди, оллоҳнинг иродаси, энди қайтариб бўлмайди, сабр-чидам берсин, ўзингизни авайланг, бўлар-бўлмас одамларнинг гапига кирманг, дермиди?! Саттор бу ишда Муродхўжа аканинг қўли борлигини билмасди ҳам, масала енгил кўчарди. Энди-чи? Муродхўжа ака Сатторнинг уйига кўнгил сўраб боргудек бўлса — ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ — Саттор шубҳаланмайдими? Шубҳаланади, албатта. Ғафлатда юрган одамнинг дилига ғул-ғула тушади, ана ундан кейин қидириш кўйига тушади. Унда чатоқ бўлади. Шукур мўйлов пора билан тўғриладики, деди, аммо Шукур мўйлов зикна, суллоҳ одам, қанча берган экан? Ҳойнаҳой, кўпини ўзи олиб қолиб, жиччагина қисмини берган. Агар Сатторнинг иштаҳаси очилиб, сурбетлик қилса-чи? Синглисининг ажалидан фойдаланиб қолмоқчи бўлса-чи? Унда ким тўхтатади уни? Муродхўжа аканинг боши қотиб қолди. Ўзи-ку оёқ башмалдоғи пасот боғлаб, неча кундан бери оғриқ азобида юрипти, кечалари ухламай чиқяпти. Унинг устига, мана бир ойдан ошди, ўғлидан дарак йўқ. Маъсуд нима бўлди, нега хат ёзмайди, омонми? — ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, ойиси йиғлагани-йиғлаган, минғир-минғир қилавериш жонга теғди. Айниқса, мана бу лънати яра... Арзимаган нарса эди-я, атиги кичкинагина мих! Шунчалик азоб беришини ким билипти? Ахир нималар бўлмайди? Пичоқ кесади, ўроқ санчилади, тикон киради — ҳеч нарса бўлмайди-ку. Дори-дармон билан тузалиб кетади. Нега энди Муродхўжа акага келганда, миттигина бир михдан шунча озор чекиши керак? Башмолдоғи олхўридек нафармон бўлиб кетди, болдири аралаш лўқиллаб, ором бермайди. Яқинда битта шунақа дарддан араңг қутулувди. Уша кулфатнинг ўзи етарли эмасмиди?! Ахир ис чикарди мушкулкушод ўқитди, садақа берди... Энди бу кўргилик бормиди? Тавба!.. Эрталаб хизматга кетаётганида Ҳошимжонга айтиш керак эди, биронта ҳарбий врачни етаклаб келарди. Аттанг.

— Маматни чақиртир, — деди Муродхўжа ака, оёғини авайлаб уқалаётган хотинига. Гулсум опа деразадан мўралаб, Холидани имлади, Маматни чақиришни буюрди.

— Дарров Тупроққўрғонга бор, — деди Муродхўжа ака, эшик остонасида пайдо бўлган Маматга. — Ҳошимжонни топ. Дўхтир олиб, шу извошда келсин. Оғриқ зўраяпти. Ўзи билади. Уқдингми?

— Хўп, хўжайин, — дея Мамат ортига чекинди.

— Имиллама, ўлиб қоламан! — деди Муродхўжа ака Маматнинг орқасидан бақриб. — Қамчини аяма!

— Хўп, хўжайин! — деган Маматнинг овози дарвозахонадан келди.

\* \* \*

Улар гилос тагидаги тўқима креслоларда ўтиришар, Ҳошимжон тик туриб индамай гапга қулоқ солар эди.

— Утказиб юборибсиз, хўжайин, — деди поғонида илон белгиси бор капитан. — Юрагингиз безовта қиладими?

— Безовта қилганда қандоқ, — деди Муродхўжа ака хавотир бўлиб.

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, — деди доктор. — Қон заҳарланган, бутун жисмингизда йиринг аралаш қон айланиб юрипти. Одам шунақа беғам бўладими? Дарҳол операция қилиш керак. Кесиб ташламаса, чатоқ бўлади.

— Кесиб ташламаса? — Муродхўжа ака донг қотиб қолди. — Нимани кесасиз?

— Оёқни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз, — деди капитан жиддий оҳангда. — Бармоқни кесамиз. Қонни тозалаймиз. Зора фойда берса. Касалингиз гангрена. Ўзбеклар қорасон деб аташади.

— Кесмаса бўлмайдими, дўхтир? — ёлборди Муродхўжа ака. Айни бир пайтда Ҳошимжоннинг кўзида қайнотаси — шундай мағрур ва мағруф қайнотаси! — аянчли ва нотавон бўлиб кўринди. «Эй, парвардигор, — деб ўйлади у, — шундай кунни кўрадиган пайт ҳам келаркан-а?» Муродхўжа ака латтаси олиб ташланган панжасига кўз ташлади. — Бармоқсиз қандай яшайман-а, қандай? Ахир бу башмалдоқ-ку, бошқа бармоқ бўлсаям майли эди, билинмас эди.

— Қанча одамлар оёқсиз юрипти, башмалдоқ гап эканми? Агар иш фақат бармоқингиз билан битса, шукур қилинг, — дард ҳақиқатда хавфли эди, шунинг учун капитан ёлғондан таскин беришни истамади. Бемор аҳволининг нақадар жиддий эканига эътибор бермаса, уни операция столига ётқизиб ҳам бўлмайди. Модомики, капитан шу ишга аралашдими, номига доғ туширмаслик учун ҳамма чорани кўриши шарт. — Қани, термометрни беринг-чи.

Муродхўжа ака қўлтиғидаги термометрни олиб докторга узатди.

— Қойилман, — деди доктор ажабланиб. — Бақувват экансиз. Бошқа одам бунақа иситмада шайтонлаб қоларди. Туринг, хўжайин. Кетдик.

— Ҳозирми? — дағ-дағ қалтираб сўради Муродхўжа ака. — Қаёққа олиб борасиз?

— Ҳозир. Госпиталга. Ҳар минут ғанимат...

43

Йиғилиш икки кунда тугади. Муқимий театрининг Бешёғочда қурилган янги биносида ўтган йиғилишда Усмон Юсуповнинг ўзи қатнашди, сўзга чиқиб, узоқ, жўшқин гапирди. Қаюмжон бу одамни Катта Фарғона канали қурилишида кўрган. Семизлигига қарамай тиним билмас, қора енгил машинасида чангга буланиб қурилишнинг бошидан-охиригача айланиб юрар, ҳар ер-ҳар ерда тўхтаб, офтобда қорайиб кетган ярим яланғоч одамлар билан қизгин суҳбатлар олиб борар, уларни кулдирар, руҳини кўтарар, уларда ишга ташаббус уйғотар эди. Бир куни динамит кўмилган томонга шитоб билан кетаётганида, портлаб кетишига сал қолган, одамлар бақриб-чақриб, фалокатдан асраб қолишган. Ушанда Қаюмжоннинг дадаси чанг-тўзон ичидан чиқиб келган тракторга урилиб кетиб, чий бостирма тагида ётганида, Усмон Юсупов ўзи келиб ҳол сўраган, яхши қарашни врачларга буюрган эди. Бироқ зарба қаттиқ зарар етказганидан, отаси тузалиш ўрнига борган сайин оғирлашган, ўлиги ўша ерларда қолиб кетишидан қўрқиб, уйига жўнатишларини талаб қилган, у ердагилар рухсат беришга мажбур бўлишган. Ҳўкиз қўшилган аравага пичан тўшаб, беморни ётқизишган, дадасининг ёнига оёғини осилтириб Қаюмжон ўтирган, ўнқир-чўнқир йўлларда қалтираб-чайқалиб, хуфтон пайтида уйга етиб келишган...

Танаффус пайтида Усмон Юсупов саҳнадан залга тушди, одамлар дарров уни қуршаб олишди, саволга тутишди; Қаюмжон отаси жароҳатдан ўлиб кетгани ва айниқса, акаси қамоққа олиниб, тез фурсатда ўш турмасида отилиб кетгани, у шаҳарда хотини билан учта боласи қолганини айтмоқчи эди, айни пайтдаги суҳбат руҳига ўзининг шикоятомуз гапи ноўшшов тушишидан истиҳола қилди, гапиролмади. Кейин бунақа вазият туғилмади, мажлис қатнашчиларини Тошкент атрофидаги хўжаликларга олиб кетишди, шунга ўхшаш тадбирлар билан овора бўлиб, Қаюмжон Усмон Юсуповни бошқа

учрата олмади, гапи ичида қолди.

У узоқ муддатли сафарларда кўп бўлган. Уч йил Ўшдаги техникумда ўқиди. Бу даврни мусофирчиликка қўшмайди, чунки акаси оиласи билан ўша шаҳарда турар, район маориф бўлимининг мудир эди. Кейин чамаси бир ой Фарғона канали қурилишида дадаси билан ишлади, биринчилар қаторида фронтга кетди, уч йиллик умри жанг майдонида, госпиталларда ўтди.

Лекин Қаюмжоннинг Тошкентга қилган қисқагина сафари йилга ўхшаб кетди. Айниқса, мажлис қатнашчиларининг тажриба алмашиш учун шаҳар атрофидаги колхозларга чиқарилиши Қаюмжонга малол келди. Бундоқ қараганда, у ўз ташвишларидан йироқ, кунора зиёфатларда иштирок этади, пахтани етиштириш бўйича зарур тажрибалар орттирмоқда, бу ҳаммаси яхши, фойдали эди. Бироқ уни қандайдир кўзга кўринмас куч уйи томон имлар, ҳаловатини ўғирларди. Шунинг учун у тўрт кундан кўпига чидай олмади, онаси бетоблигини баҳона қилиб, поездга ўтирди, сахар чоғи Андижон вокзалига келиб тушди. Аммо кунни Андижонда ўтказишига тўғри келди. Обкомга кириб чиқди. Кейин, Тошкентда ҳеч нарса харид қилолмаганидан, бу ерда бафуржа бозор айланди. Онасига дока рўмол, Алижонга портфель, Жамилага кўғирчоқ, Ойнисага мўлжаллаб бир жўра атлас сотиб олди...

Қаюмжон кечга яқин машинадан колхоз идораси олдида тушиб қолди. Колхоз активи энди-энди тўпланаётган экан, унинг келиши айтилган бўлди.

— Азизлар, — деди Қаюмжон ҳамма билан кўришиб чиқиб, колхоздаги ишларнинг бориши ҳақида сўраб-суриштиргач. — Тошкентдаги мажлисда бу йил республика бўйича бир миллион олти юз минг тонна пахта топшириш мажбурияти олинди. Мен ҳам қўл кўтардим. Усмон ака аниқ кўрсатмалар берди. Йўл-йўлакай хомчўт қилиб келдим. Бу йилги мавсум, баҳор чўзилиб кетганига қарамай, умуман, яхши келди. Ғўзаларимизнинг ривожига тузук, ҳар бир тупда бешта-олтитадан кўсак бор. Минг тонна беришимизга кўзим етиб турипти. Энди ҳамма эътибор ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилиши керак...

— Бу ҳаммаси тушунарли, раис, — деди бир кўзини чарм билан танғиган киши. — Ҳосил яхши, пахта мўл, аммо-лекин ким уни йиғиштириб олади? Ҳар звенода учтадан одам. Бултургидек яна кишга кириб кетсак, ҳосил далада қолиб кетади. Шунча азоблар билан қилинган иш увол-да, раис. Ахир минг тонна топшириш учун ҳар гектардан йигирма центнердан пахта териб олиш керак. Бултур аранг ўн олти центнерга етказганмиз. Аҳоли кўпайгани йўқ.

— Қийин, албатта, — деди Қаюмжон. — Лекин ҳашарчилар ёллаймиз. Кечалари машъала ёқиб терамиз. Меҳнатга лаёқатли биронта одам четда қолмайди. Бошқа иложимиз йўқ, азизлар...

Ўқитувчи танқислигидан мактаб болаларига ҳам рус тилидан, ҳам немис тилидан Наима Алауддинова деган татар аёл дарс бериб келарди. Бу аёл на у, на бу тил бўйича мутахассис, иккала фанни бошқа студентлар қатори педагогика техникумида ўтган, ўзининг ихтисоси — ботаника бўлиб, мактаб маъмурияти рус ва немис тилини олиб боришни унга илож йўқлигидан юклаган эди. Наима опа Ойниса билан рус тилида икки-уч гаплашгач, унинг тили нақадар тоза эканига амин бўлди, ҳатто баъзи бир ўқувчи қизларни ёрдам олиш учун Ойнисага юборадиган бўлди. Бу қизлар рус тилини пухта ўзлаштира бошлашди. Наима опа иккита фандан дарс олиб боргани учун кўшимча маош олмас, биргина фан билан шуғулланиш унинг учун анча енгиллик туғдириши мумкин эди. У мактаб директори Мансур акага мўлоҳазаларини айтди. Мансур аканинг ўзи рус тилини яхши билмас эди, бироқ Алауддинованинг гапи унга асосли бўлиб кўринди, у синаб кўриш мақсадида бошланғич синфлар программаси ва ўқитиш методикасини Ойнисага берди. Ойниса аввалига эътироз билдириб кўрди, аммо таклиф шу қадар гаштли эдики, пировардида Ойниса ҳаракат қилиб кўришни ваъда бериб, программани олди, секин-аста ўргана бошлади. Демак, Ойниса янги мавсумдан мактабга фаррош эмас, муаллим сифатида кириб боради. У энди бу янгилик завқини сурар, шу билан бирга бу борада ҳеч қандай тажрибаси йўқлигидан чўчир, ҳадиксирар эди.

Қаюмжон эшикни қоққанида ҳамма уйқуга кетган, Ойниса айвондаги чорпойда қизини ухлатиб, ёнида дарс қилиб ўтирган эди, эшик тақиллаганини эшитиб, дарҳол китоб-дафтарларини йиғиштириб, кўрпача остига яширди, эшик очгани югурди.

— Ким? — юраги ҳаприқиб сўради Ойниса.

— Мен, — деди нариги томондан Қаюмжон.

— Вой, Қаюмжон ака, — дея Ойниса эшикнинг тамбасини ола бошлади. — Хайрият-эй, тезда қайтибсиз. Эсон-омонмисиз?

— Шукур, — деди Қаюмжон вазминлик билан, лекин уйдан ёш аёлнинг овози чиқиши дилини тўлқинлантириб юборган эди. Уйда экан Ойниса! Овози ҳам тетик, Қаюмжонни кўриб, у ҳам суюниб кетгани кўриниб турибди. — Кутмовдинларми? — сўради шунга қарамай Қаюмжон.

— Йўқ, нега, кутувдик, — деди Ойниса, пича эсанкираб. — Фақат бир ҳафта, деганингиз учун, эрта-индинни кутувдик. Энамни уйғотайми?

— Йўқ, ётаверсин, — дея Қаюмжон қўлидаги тугунни Ойнисага берди ва ўзи эшикни тамбалади.

— Сиз ювининг, мен самоварга ўт ташлайман, — дея Ойниса бориб тугунни чорпоёга қўйди, хонтахта ёнидаги кўрпачани тузатди, чой қўйиш учун ошхона томон кетди.

Чорпоя олдидан ўта туриб, Қаюмжоннинг кўзи ухлаб ётган Жамилага тушди. Демак, онаси Алижонни ёнига олиб, ичкарида ухлапти. Каравоти бўш эканини фараз қилиб, бемалол у томонга ўтиб кетаверди. Каравотдаги Қаюмжоннинг тўшаги қайириб қўйилган эди.

Қаюмжон сал оқсоқланиб, ариқ бўйида тўхтади, гимнастёркасини ечиб, қоронғуда ювинди, артинди, каравотига ўтириб, тамаки тутатди. Учоқдаги аланга қаршида Ойнисанинг шарпаси липиллар, нафис кўйлаги остида чиройли қомати кўринар, Қаюмжоннинг кўнглини алланечук қиларди.

Ойниса сувини тиндириш учун қолдирилган пақирни олиб кетиш ниятида ариқ бўйига келди.

— Ҳаво бугун қаттиқ исиди, — деди у каравотда ўтирган Қаюмжоннинг ёнидан ўта туриб. — Қаранг, ҳалиям тафти пасаймади.

Қаюмжон унинг кўлини ушлади.

— Вой, Қаюмжон ака! — деди Ойниса шивирлаб. — Бу нима қилганингиз! Қўйворинг.

— Ойнисахон, — деди Қаюмжон ҳам шивирлаганича. — Бир-биримизни қийнамайлик. Шунча ташналик ҳам етар.

— Қўйворинг, энам уйғониб қолади, — деди Ойниса орқага тисарилиб. — Шарманда бўламиз.

— Эртага никоҳ ўқиттираман, ҳалолим бўласиз, — деди Қаюмжон ёлвориб. — Яхши кўраман. Адо бўлдим, қийнаманг...

— Никоҳ ўқиттиринг, кейин, Қаюмжон ака, ҳозир қўйворинг. Утинаман, Қаюмжон ака...

Қаюмжон бу ўтинча ортиқ эътибор қилмай Ойнисани бағрига тортиб, томоқларидан ўпа кетди. Ойниса тирсақларини қадаб, қаршилик кўрсатар, аммо бу қаршилик у қадар кескин эмас, аёл кишига хос тортинчоқликнинг ожиз ифодаси бўлиб, Қаюмжоннинг эҳтироси, неча йиллар мобайнида мудраб ётган, аммо сўнмаган Ойнисанинг туйғуларини ҳам уйғотиб юборган, жозибали ларзага солган эди; Беихтиёр унинг қўллари йигитнинг бўйинини чулғади. Қаюмжон бир қўли билан турмакланган тўшакни ёзиб юборди ва жон талвасасида Ойнисанинг кўйлагини ечиб ташлади... Ойнисанинг дуркун бадани дағ-дағ титрар, чўғдек ёнар, кўкраги қизларникидек таранг, эти шойидек силлиқ, хира ой шуъласида илондек тўлганар эди...

Сўнгра бехос ҳушёр тортган одамдек, Ойниса сапчиб ўрнидан турди, каравот четида ўтирган ҳолда апил-тапил кийинди.

— Кўйлагимни йиртиб юборибсиз, — деди у кийимининг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўриб.

— Атлас олиб келдим, — деди Қаюмжон кўйлак устидан Ойнисанинг ёнини силаб. — Машина бор, тикиб киясиз.

— Машинада тикишни билмайман, — деди Ойниса ўчоқ томон қараб. Қозон тагидаги олов ўчиб бўлган, самовар карнайдан қизил учқунлар тўзғиб чиқар, бир зум қоронғу қаърида йилтираб, шу заҳоти ўчар, жонли нарсага ўхшаб кетар, чорпоёдаги хонтахта устидаги чироқ атрофида парвона-капалак айланар, нурни пирпиратар эди. — Қорнингиз очдир, туринг, ювининг, овқат иситганман, — дея Ойниса ялангоёқ юриб, ариқнинг қуйи томонига ўтиб кетди...

— Олинг, ўзингиз ҳам енг, — деди Қаюмжон қовурдоққа ўхшаган таомни лагани билан ўртага суриб.

— Бемалол еяверинг, Қаюмжон ака, — деди Ойниса тиззасидаги бир жўра атласни силаб. — Мен чой ичаман, — дея ўзига чой қўйди.

— Мактабга бордингизми? — сўради Қаюмжон ўртага жимлик тушгач.

— Ҳар куни бориб хабар олиб келяпман, ҳашарчиларга чой етказиб туриш керак.

— Бошлаб юборишдими?

— Битиб қолди. Тез ишлашяпти. Саҳардан кечгача, — деди Ойниса бошини кўтармай — бояги воқеадан у мулзам эди.

Қаюмжон Ойнисанинг дилида юк борлигини сизди, аммо қай йўл билан хаёлини чалғитиб, кайфиятини кўтаришни билмай, боши қотганди.

— Бувим тўй қил, деяпти, — деди ниҳоят сукунатни бузиб. — Сиз нима дейсиз?

— Қанақа тўй?

— Авваламбор, Алижоннинг кўлини ҳалоллаш керак, — деди Қаюмжон ва бир лаҳза жимликдан сўнг қўшиб қўйди: — Қолаверса, ўзимизнинг ҳам... Нима десамикин?.. Ҳар қалай янги турмуш...

— Уят бўлар, — деди Ойниса ҳамон бошини кўтармай. — Кейин, бувингиз нима деркин?



— Бувим жон дейди. Сиз билан гаплашмадими?

— Учини чиқарувди. Қўшни кириб қолди. — Ойниса бошини кўтариб, Қаюмжонга қаради. — Алижонга хатна тўйи қилмоқчимисиз?

— Менга қолса, қилмоқчимасдим. Бувим унамаяпти. Қишлоқдагилар олдида иснод бўлади, дейди.

— Ҳозир замон ўшанақами? — деди Ойниса ўзини бу оиланинг ташвишларига дахлдор сезиб. — Уч-тўртта қарияларни чақириб, жичча расм-русмини ўтказсангиз, кифоя бўлмайдими?

— Бўлади, албатта. Айтишга осон, қанча сарф-харажат! Қаердан оламан? Бувим, раиссан, ҳамма нарса қўлингда, дейди. Тушунмайди. Омбор куп-қуруқ. Бориниям пилла боққанларга улашдик.

— Бўпти-да, — деди Ойниса самимий тарзда. — Алижоннинг кийим-боши борми? Қиш келади.

— Кичик келиб қолган, — деди Қаюмжон Ойнисанинг Алижон ҳақидаги жон куйдиришидан мамнунланиб. — Кейин... Бувим ҳам омонат бўлиб қолди. Худо тескари қилсин-у, иссиқ жон, бирон воқеа рўй берса, одам шошиб қолади. Тайёр турган маъкул-да.

Гарчи Қаюмжоннинг ҳадиги ҳақиқатдан йироқ бўлмаса-да, гап кўнгилсиз эди, шунинг учун Ойниса жавоб бермади.

— Бояги гап-гап, — деди Қаюмжон Ойнисанинг маъно нигоҳига тикилиб.

— Қанақа гап? — тушунмай сўради Ойниса.

— Эртага домла чақиртираман, — деди Қаюмжон таъкид билан. — Никоҳ ўқитираман. Расмийлаштириш керак. Гувоҳликка одам айтаман. Эчки сўямиз. Дастурхон ёзамиз. Пича белгилаш керак-да! — у қизишиб, худди Ойниса эътироз билдирадигандек гапирарди. — Ҳозир эса хамир учидан патир...

Ойниса Қаюмжонга ялт этиб қаради. Унинг кўзларида саросима изғир эди.

— Нима? — сўради у, гўё тушунмагандек.

— Тўймадим, — деди Қаюмжон сирли оҳангда.

— Овқат бор яна, — деди Ойниса енгил тортиб. — Олиб келайми?

— Сизга тўймадим.

Ойнисанинг бадани дувиллаб кетди.

— Айниманг, Қаюмжон ака, — деди у кизариб.

— Кутаман у ерда. Энди шовилмаймиз, — дея Қаюмжон ариқ бўйида қорайиб турган каравоти томон кетди.

Ойниса серрайганича жойида ўтириб қолди. Кейин ҳушига келиб, идиш-товоқни йиғиштирди, ўчоқ бошига олиб бориб қўйди. Қайтиб келиб, чироқни ўчирди, ўрнига ётди.

Қаюмжон ўқтин-ўқтин йўталиб қўяр, тамакисининг чўғи ҳар чекканида лов этиб йилтирарди. Ойниса боя йўл қўйган иродасизлиги учун ўзини койир, афсус чекар, аммо шунинг билан бирга чегарадан ўтганидан кейин, энди қайсарлик қилиши аллақандай таннозликка ўшаб кетарди. Қаюмжон эса ҳамон йўталар, ўзига чорлар, Ойнисанинг дилини туғёнга солар, ором бермас эди. Албатта у эркак нарса, қанча пайтлардан буён аёл кишига яқинлашган эмас, ташна, тоқат қила олмай ўзи келиб қолиши, тортиши, ухлаётганларни уйғотиб юбориши мумкин. Ана унда шармандалик бўлади, онаси сезиб қолса, эртага Ойниса унинг юзига қарай олмайди.

Ойниса чорпояни ғичирлатмай турди, калишини киймай, оёқ учида у ёққа кетди...

\* \* \*

Қаюмжон уйғонганида қуёш анча кўтарилган, ҳаво тез қизий бошлаган, уй жимжит, онаси тусмол ҳаракатлар билан чорпоя устидаги кўрпачаларни йиғиштирар эди. Сапчиб ўрнидан турди, апил-тапил ювинди, онаси билан кўришди, чой ичгани хонтахта ёнига ўтирди.

— Уйда битта ўзингизми, буви? — сўради тез-тез чой ичиб Қаюмжон.

— Ойнисахон болаларни эргаштириб мактабга кетди, — деди онаси, ўтирган жойида тасбеҳини ахтариб. — Ҳар куни бориб келишади.

— Алижон ҳархаша қилмайдими? Иноқ юришибдими?

— Бинойидек, — деди кампир тасбеҳини шиғирлатиб. — Бошида ётсиради, кейин ўрганиб кетди. Ойнисахон болалар тилини биларкан, тезда чиқишиб кетишди.

— Ойнисахоннинг ўзи-чи? Малол тушмадими?

— Нега малол тушади? Оёқ-кўли чаққон, одоб-муомаласиям бир яхши, одамшаванда экан.

— Шуни келин қилмайсизми? — бир оз сукут қилиб сўради Қаюмжон.

— Ўзим сенга айтмоқчи бўлиб турувдим, — деди онаси гапини ўйлаб олиб. — Ниятинг бўлса, бу уйга келмай турсин. Фотиҳа қилсак, янга юборамиз, расми-русми билан туширишади.

— Бугун домла тайнлайман, — деди Қаюмжон сочиққа қўлини артиб. — Ни-  
коҳ ўқитамиз. Кечқурунға қариялардан чақирамиз. Алижонниям ётқизамиз.

— Дарров-а? Тўй-пўй қилмайсанми, болам?

— Тўй қиладиган замон эмас, буви. Ис чиқарсак кифоя. Эчки сўямиз.

— Атласни шунга олиб келдингми?

— Ҳа. Бисотингизда яна ҳеч нарса борми?

— Иккита кўйлақлик бор. Биттаси товар.

— Бўлади. Кейинчалик тикдириб кияди.

— Кўрпа қавитишим керак, болам. Бир-икки кун сабр қил.

— Вақт йўқ, буви. Яқинда пахта очилса, қўл тегмайди. Шу бугуноқ ўтказамиз.

Тез орада ўқиш бошланади, Алижонни барибир ётқизиш керак. Биракайига иккала юмушдан қутулиб оламиз.

— Ихтиёринг, болам, — деди онаси хаёлида ўз мўлжалларини ўйлаб. — Қанча тез бўлса, шунча яхши. Мен тинчийман. Уғлинг ҳам қаровсиз қолмайди.

— Буви, қишлоқда чевар борми?

— Нимаиди?

— Атласни тиктираман. Келинингиз оҳорли кийсин.

— Алижонгаям бирон нарса тиктир. Ҳар қалай, тўй бола. Ирим. Ойнисахоннинг қизигаям кўйлақча тиктир. Мен асраганимни бераман.

— Бир кунда улгурармикин чевар?

— Иккитасига буюр, улгуради. Қишлоқда чеварлар топилади. Суриштириш керак.

— Бўпти, мен кетдим, бўлмаса, — деди Қаюмжон ўрнидан қўзғалиб. — Одам жў-  
натаман, ҳовлининг у ёқ-бу ёғига қарайди. Устага хабар бераман. Ойнисахонга бўлади-  
ган ишни айтаман. Ҳали унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ.

— Унамаса-чи? Бир куннинг ўзида тўсатдан...

— Кўндираман, — деди Қаюмжон онасининг гапини бўлиб. — Мансур акага айта-  
ман, ётиги билан гаплашади. Қарияларни ҳам ўша кишига топшираман. Вўй-бу! Ҳали  
чевар топиш, бичириш учун Ойнисахонни юбориш керак. Ҳақиқатда иш кўпга ўхшайди.  
Майли, иссиғида ўтади-кетди. Қани, асраган нарсангизни беринг-чи, Ойнисахон хоҳла-  
ганини тиктиради...

Қаюмжон маъракани енгил-елпи ўтказмоқчи эди, бўлмади. У гарчи таклиф қилин-  
ган одамларга тўй эмас, худойи, деб эълон қилган бўлса ҳамки, бирини айтса, иккинчисининг  
кўнгли қоладигандек туюлиб, кечга томон бир ҳовли одам йиғилди. Эчкининг гўшти  
зўрға етди, ярим қоп ун ёпилди, аввал ўрнатилган қозон чоғроқ кўриниб, каттасини  
осишди, ярим пуд гуруч тушди. Чил-чил ҳассага Алижонни онасининг уйига ётқизишди.  
Никоҳ «келинники»да ўқиладиган бўлди. Ойнисанинг атрофига иккита-учта муаллим  
аёллар йиғилишди. Бири тикув машинасини шақиллатди, иккинчиси жиз-биз қилди, яна  
бири дастурхон тузатди, ҳовлини шипириб, ҳовуз бўйидаги чорпоёга жой қилди. Ичка-  
рида никоҳ ўқилиб бўлгач, домла, куёв ва Мансур акалар бу ёққа таклиф қилинади, нон  
ушатилади, ярим косадан мастава берилади, фотиҳадан кейин улар «куёвники»га жў-  
нашади, қоронғи туша бошлаганида, янгалар келинни тўйхонага кузатиб олиб келишади,  
асосий маросим шу ерда ўтади. Ҳозир тўйхона гавжум; ўчоқда олов гуриллаяпти, қария-  
лар айвонга ўтқазилган, кўшни аёллар кампининг хонасида, дастурхонлар ёзилган, сал  
нарида тўшақ ёзилган, ҳали-замон бу жойга Алижон ётқизилади...

Қош қорая бошлаганида янгалар келинни кизчаси билан кўчага олиб чиқишди. Дас-  
турхонга қараган аёл хабар бериб, суюнчи олиш учун бошқалардан аввалроқ тўйхонага  
шошди. Келинни безатилган хонага олиб киришди, бурчакка ўтқазилди. Ойниса пича  
«келин» бўлиб ўтирди, кейин бу вазифадан тортиниб, ўрнидан туриб кетди, меҳмон-  
ларга ўзи чой айлантирди, ҳатто қариялар ёнидан дуррасини пана қилиб, Алижон ётган  
уйга бир-икки марта кирди, қўлига новвот ушлатиб, юпатиб чиқди. Жамила онасидан  
ажрамас, Ойнисани мулзам қиларди.

Гарчи хизматчилар анча ишларни саранжом қилиб кетишган бўлса-да, ҳали чала  
юмушлар қалашиб ётарди, Ойниса устидаги оҳорини ўзгартириб, йиғиштиришга ўзи  
киришди, оғир ишларни куёв бажарди. Ойниса ён-веридан ўтганда, Қаюмжон унга  
тегахоғлик қилиб кўяр, у сесканиб тушар, сохта аразлар, ҳар гал Қаюмжонга дуч кел-  
ганида, чап бериб ўтишга уринар, эрининг завқини баттар кўзғатар, Қаюмжон қозонга  
теккан қўллари билан Ойнисага ёпишар, тўшига тортар, Ойниса «шошманг» деб, қучо-  
ғидан сирғалиб қочар, сўз бермас, Қаюмжонни калака қилар эди.

Муродхўжа аканинг саломатлиги кескин ёмонлаша бошлади. Унинг бошмалдоғини  
кесиб ташлашди, қонини янгилашди, бироқ бу тадбир керакли самара бермади. Оёғи  
тўпиқчача қорайиб, чидаб бўлмас даражада оғир, бармоқ кесилган жой битмаган, тин-  
май йиринг сизгир, латтани янгилашга улгуришмас, Муродхўжа ака қаттиқ азоб тортар,  
уйқу нималигини билмас, иситмаси юқори эканлигидан алаҳлар, атрофдагилар унга

гиргиттон эди. Оғриқни қолдириш учун қўлланадиган дори бир-икки соатга ором берар, таъсир кучи ўтгач, яна оғриқ кучаяр, олдинги ҳолат такрорланар эди.

Муродхўжа ака госпиталда бир ҳафтадан ошиқ ётди, ҳадеганда яра битавермади, ўшанда қон янгилангани учун азоб бир оз егиллашган эди, бемор уйга кетаман, деб туриб олди, госпиталдагилар рухсат беришга мажбур бўлишди. Яра бинт билан яхши тан-ғилганига қарамай, бутун оғирлик оёққа тушар, гўё ҳамма оғриқ ўша ярага қуйилиб кел-гандек бўлар, қадам босишнинг иложи йўқ эди. Иккала қўлтиғидан олиб, санитарлар Муродхўжа акани фойтунгача олиб чиқишди, уйига етиб келгач, бир қўлтиғига Мамат, иккинчисига Шотурсун ғилай кирди, товон босиб, аранг ўз хонасига чиқиб олди, дарров ёстиққа ёнбошлади. У кунлари яра ҳали янги бўлгани учун Муродхўжа ака бор оғриқ ўшанинг асорати, деб ўйлади, дард пасайишини кутди, аммо пасайиш ўрнига дард бор-ган сайн авжига чиқди. Оёғи энди сонигача лўқиллар, дунё кўзига кўринмас, азобдан қутулишнинг ягона чораси дори ичиш эди. Аммо оғриқни вақтинча қолдирган дори аф-тидан дардни даволашга ожиз эди.

Одам қарий бошлаганида, ёмон дардга чалинганида, омади қочганида оллоҳдан мадад истаб қолади, диндан таскин излайди, иримга берилади. Муродхўжа ака коньяк истеъмол қилиш, аёлга илакишиш ва бошқа маишатлардан бенасиб бўлмаганидан, намоз ўқиш, худойи қилиш, мушкулкушод ўқитиш билан гуноҳини ювиб турар ва унинг назари-да бу тадбирлар доим самара келтирар эди. Маишатлардан маҳрум бўлгач, у кўпроқ шу йўлга берилди. Унинг фармони билан қора қўй сўйилди, қон чиқарилди, мушкул-кушод ўқитилди. Инс-жинсларни аритиш учун чилёсин буюрди, кинначи чақиртирди. Хо-муза аралаш кинначи: «Куф-суф, келган жойингга кет, эски тегирмонларга бор!» таъби-рида алжираб, «Мушкул еткизганлар оллоҳнинг қаҳрига учрасин, амал қилган бўлса дўзаҳда ёнсин, тил тортмай ўлсин!» дея, дийдиё қилди. «Мушкул етказганлар» ибораси Муродхўжа аканинг кўнглида чигал бўлиб қолди, агар сабабчисини топиб, «амали»ни ўзига қайтарса, чигил ечиладигандек туюлди, шу хаёл миясидан аримай, муайян бир мақсадга, қасосга айлана бошлади, интиҳо интиқомсиз бўлмаслигига ўзини инонтирди, баҳона ахтаришга тушди.

«Битта мих-а! — жон талвасасида ўйларди Муродхўжа ака. — Кичкина михча! Шун-дан шунақа азоб чекаманми, а? Косиб лаънати қарамаган эканда. Ёки у атайин қилган, амал ишлатган. Евузлигини ўзига қайириш керак. Ушанда дард арийди, жисмим юкдан фориг бўлади».

— Этикни нима қилдинг? — деб сўради Муродхўжа ака оёғини уқалаётган Муқад-дасдан. — Ёкиб юбордингми?

— Почтачига бердим, — деди Муқаддас. — Бош-кўзингиздан садақа бўлсин, де-дим.

— Маматга айт, Шукур мўйловни топиб келсин.

— Шукур мўйловни нима қиласиз? — тушунмай сўради Гулсум опа.

— Ишинг бўлмасин! — ўшқирди Муродхўжа ака хотинига. — Чик, айт.

— Хўп, ҳозир айтаман, — дея Гулсум опа ташқарига ошиқди.

Чамаси бир соатлар ўтар-ўтмас ҳаллослаб Шукур мўйлов кириб келди, Муродхўжа аканинг аҳволини кўриб, писсайиб қолди.

Муродхўжа ака ўз дарди билан овора, Шукур мўйловнинг саломига эйтибор ҳам қилмади, атрофдагиларни чиқариб юборди.

— Миллардаги косибни биласиз, а? — деди сарғайиб кетган кўзларини Шукур мўйловга тикиб.

— Абдували косибними? — гапнинг тагида нима маъно борлигини тусмол қилиб сўради Шукур мўйлов. Муродхўжа ака бош ирғади. — Биламан, албатта.

— Шунга гумдон қилиш керак, — деди Муродхўжа ака узоқ ўйлаб ўтирмай.

— Яъни, масалан?

— Яъни-паниси йўқ, — деди Муродхўжа ака Шукур мўйловнинг саволига ғаш и келиб. — Ўша тиккан этикдан азиат кўриб ўтирипман. Миҳи урилмаган экан. Лаънати билатуриб шундай қилган бўлиши мумкин, — у «Қолганини ўзинг тушуниб ол», деган маънода жимиб қолди. Унинг назарида, косиб қилган иши учун жазо кўрса, дарди ариши мумкиндек бўлиб туюлди.

— Косиб кар-ку, хўжайин, — деди Шукур мўйлов қандай чора кўришга боши қо-тиб. — Нима важ топаман? Ҳарбийдан озодномаси бор.

— Карми, кўрми, менга барибир, — деди Муродхўжа ака аччиқланиб. — Важни топинг, мунақа ишларга устасиз. Бу масалада мен сизга маслаҳатчи эмасман. Адабини бериб қўйиш керак. Талабим шу!..

Ҳатто кўпларнинг ёстиғини қуритган Шукур мўйлов учун ҳам бу вазифа мушкул эди. Косибга бориб нима дейди? Нимани даъво қилади? «Этикнинг миҳини урмапсан, айбинг шу!» дейдими? Миҳи бор экан, киймасин эди. Шу билан бирга, Муродхўжа ака касал. Касал одам инжиқ бўлади. Соғлиқ пайтида ҳам гапини иккита қилган одам ба-лога қоларди. Ҳозир бўйин товлаш ҳақида ўйлашнинг ўзи ортиқча. Баттар жаҳли чиқади. Ғазаб устида оғзига келганини қайтармайди. Ўртага нифоқ тушади.

— Майли, — деди Шукур мўйлов оғир хўрсиниб. — Бирон важ ўйлаб кўрайчи... Ко-

сибнинг ўзи доғда, тўрт ойдан бери ўғлидан хат келмасмиш. Ҳалок бўлганида қоррахат оларди. Охирги хати Белоруссиядан жунатилган экан.

— Ҳа, ана, тағин важ керак, дейсиз. Балки унинг ўғли ҳам немис варақасига учиб, Вали Қаюмхон томонига ўтиб кетгандир. Ёки пленга тушгандир.

— Бу нарса аниқ бўлмагунича, косибга бирон нарса дейиш ноўрин, — деди Шукур мўйлов иккилаб. — Отасида нима айб? Чорсулик бир одамнинг ўғли ҳақида шунақа миш-миш тарқовди, ярим ой ўтмасдан қўлтиқтаёқда ўзи кириб келди. Ҳозир у шунақа гап тарқатган одамни ахтариб юрипти. Топса, қўлтиқтаёғи билан уриб ўлдириб қўяди.

— Топадимми? — ўзидан ҳадиксираб сўради Муродхўжа ака.

— Ким иқрор бўларди? Бузоқнинг юургани сомонхонагача. Ҳовуридан тушади-қолади.

— Менинг ўғлимдан хат келди, — деди Муродхўжа ака, гўё Шукур мўйлов бу ҳақида шубҳа қилаётгандек. — Белоруссиядан. — Муродхўжа ака оғриқдан инграб юборишдан ўзини тийиб, тилла қопланган тишларини бир-бирига қаттиқ босди, кўзидан ёш чиқиб кетди. — Хуллас, ўша косиб лаънати бир панд ейиши керак. Иrimi шунақамиш. Кинначи айтди. Дард тарқармиш. Тушундингизми?

— Тушундим, — деди Шукур мўйлов ва юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. — Бир баҳона топармиз.

— Натижасини келиб айтинг, мен билишим керак, — деди Муродхўжа ака болдирини силаб. — Ушанда амал кучини йўқотармиш.

— Дўхтир нима деяпти?

— Дўхтир нима дерди? — дили баттар қоронғулашиб тўнғиллади Муродхўжа ака. — Кафолат бера олмаймиз, тиззадан кесаамиз, дейди. Нафаси қурсин. Тиззадан оёғим кетса, ўлганим маъқул. Ёғоч оёқ боғлаб юраманми.

— Яхши ният қилинг, Муродхўжа ака, — деди Шукур мўйлов тасалли беришга бўлак гап топа олмай.

— Шунинг учун шартимни тезроқ бажаринг, — деди Муродхўжа ака оғриқ алаидан қизариб. — Зора шу ирим бирон самара берса. Агар бу ҳаракат ҳам дардни олмас, илож қанча, яна госпиталга бориб ётишга тўғри келади. Пешонада ёзганини кўра-миз-да.

Шукур мўйлов паришонланган, гангиган ҳолда хайрлашиб чиқиб кетди ва тўғри Милларга йўл олди. Ҳозир у косибникига киради, у ёқ-бу ёқни тинтув қилади, албатта яшириб қўйган чарми чиқади, шуни баҳона қилиб, косибга ўдағайлайди, кўрқитади, чармни мусодара қилади. Аранг рўзғор тебратиб келаётган одам учун бу ҳам панд, ахир буюртмалар устидан пул олган бўлса, аллақачон ишлатиб бўлган. Мижозларига этик тикиб бериш учун қаердандир хомаки топиши керак, акс ҳолда мижозлари косибни талашади, товон талаб қилишади. Шу чорани Шукур мўйлов Муродхўжа акага жазо деб еткази, талабини қондирган бўлади. Аммо бу тадбир Муродхўжа акага кошки экан фойда берса. Оёғи чирий бошлапти, ирим билан сақлаб қолиш ғирт нодонлик, касални қорасон, дейдилар, бу балодан қутулиб кетган одамни Шукур мўйлов кўрган эмас. Шундоқ фаросатли одам қанақадир ирим қилиб, шунинг фойда келтиришига ишониб ўтирганига ҳайронсан киши. Бунақада ўзини нобуд қилиб қўяди. Қанақа зўр дўхтирлар билан таниш, ҳозир ҳар дақиқа ғанимат, дарров бориб даво олса бўлмайди? Оёғи кетса-кетсин, шунгаям ота гўри қозихонами? Қанчадан-қанча одамлар икки қўл, икки оёқсиз, яшашяпти. Яқинда шунақалардан биттасини ўз кўзи билан кўрди — ғўладек нарса, калласи киликлайди; қопга ўраб, болалар аравачасига солиб қўйишипти. Овқат ейиш, тагини расво қилишдан бошқа нарсага ярамайди, шўям ҳаётдан ажралишни истамайди. Муродхўжа ака тушмагур битта оёғини деб жонидан жудо бўлишига ақли етмайди. Э, нокас. Шунча бойлигинг бор, ётиб есанг ҳам тугамайди, айшу ишратда ўтказмайсанми қолган умрингни? Уйинг тинч, қизинг оилали, ўғлинг милтиқнинг ўқидек, Белоруссиядан хат ёзипти, куёвинг топармон, бисотинг ками-кўстсиз, сенга оёқнинг нима кераги бор? Тагингда извош, артелларинг ишлаб ётипти, уйда ўтириб, идора қилсанг ҳам ризқинг камаймайди, улгуржаси барибир сенга тегади. Нима қилсан суллоҳлик қилиб, ношукур банда?..

Шукур мўйлов эртасига бориб косибга нисбатан қўллаган жазосини Муродхўжа акага айтди. Бемор руҳан пича кўнгли ўрнига тушгандек бўлди, лекин оғриқ камайиш ўрнига зўрайиб борар, ҳамшира аввал уч-тўрт соатда қиладиган уколени энди ҳар икки соатда қайтариб, турарди. Ирим билан боғлиқ Муродхўжа аканинг сўнги умиди пучга чиқди. Хотини, қизи ва айниқса куёви ягона тадбир-чора сифатида операцияга ётишини очикдан очик унинг қўлоғига қуя бошлашди. Дори кучи билан бир-икки соатлик ором пайтларида Муродхўжа ака ҳали умид борлиги ҳақида ўйлар, бироқ оғриқ такроран хуруж қила бошлагач, беихтиёр операция столи кўз олдига келар, рози бўлишга мойиллик сезарди. Майли, деб ўйларди тушкунликда Муродхўжа ака, оёқдан жудо бўлиш аниққа ўхшайди. Азрўйи-азал шу қисмат пешонага битилган экан, унга чап бериб бўлмайди. Жони омон қолса бас. Протез кийиб, ҳасса билан юраверади. Айби эмас-ку, худонинг берган дарди. Қайтага шунча азоблар чеққани учун одамлар кўзида жафокаш бўлиб кўринади, обрўйи янада ошади. Ҳеч ким унга ола кўз билан қарамайди, ишхоналарини

тектиришга ботина олмайди, Муродхўжа ака тап тортмай, «фаолияти»ни янада кенгайтиради, оёғидан маҳрум бўлганини рўқач қилиб, анча-мунча имтиёзларни қўлга киритади. Мана, Украина билан Белоруссия қайтариб олинди, бу деган сўз, уруш охирига қолди. Муродхўжа ака фронт ортида туриб ўз хизматини ўтади, жонбозлик кўрсатди; жанг майдони, дала госпиталлари учун бинт етиштириб берди, шу ташаббуси туфайли саломатлигини йўқотди, мана, оёғини кестириш олдида турипти; ўғли, ягона ўғли жанг майдонида, Муродхўжа ака уни аямайди, Ватан ҳимояси учун ўзи жўнатди. Бу ишлар олқишга муносиб эмасми? Ахир вақти-соати келиб, фронт ортида туриб мардонавор меҳнат қилганларнинг, баҳоли қудрат зарур нарсалар билан қўшинларни таъминлаб турган заҳматкашларнинг хизмати тан олинар, улар ҳам орден ва медаллар билан тақдирланишар. Ушанда, шубҳасиз, Муродхўжа аканинг ҳам ҳиссаси инobatга олинар, орденсиз қолмас. Госпиталга ётиш керак. Зудлик билан. Шу бугуноқ!..

45

Шотурсун ғилай билан Мамат қабристоннинг хилватроқ жойини танлаб, бир газ чамасида чоҳ қазишди, белкурак ва кетмонни шу ерда қолдириб, кўчага ошиқшди, фойтунга миниб, янги шаҳардаги госпиталга жўнашди.

Госпиталга кираверишдаги зинада паранжи ёпинган икки аёл шумшайиб ўтиришарди, фойтун келиб тўхтагач, ўринларидан туришди.

Шотурсун ғилай уларнинг олдига келди. Аёллар кетма-кет чачвонларини очиб, бошларига ағдарди. Бири Гулсум опа, иккинчиси Муқаддас бўлиб, йиғидан кўзлари нам, киприклари қапишиб кетган, паранжи ҳошиясини тутган Гулсум опанинг хина доғли қўллари билинар-билинемас қалтирарди.

— Тайёрлаб келдик, — деди Шотурсун ғилай мўлтираб турган аёлларга тикилиб. — Пасткамроқ жой танладик. Кечроқ обориб кўрсатамиз.

Она-бола бир-бирига таяниб, юм-юм йиғлашди.

— Извошга чиқиб ўтира туришлар, — деди Шотурсун ғилай бўлак гап топа олмай. — Соябонини кўтарамиз. Панароқ бўлади.

Она-бола Шотурсун ғилайга эргашиб бориб фойтунга чиқшди. Мамат билан Шотурсун ғилай темирчининг босқонига ўхшаш соябонни очишди.

Бир оз вақт ўтгач, госпиталь зинасида аввал Ҳошимжон, ундан кейин халатини доғдуғ босган пилоткали рус киши эски аёлга ўралган ғўладек нарсани йўргакланган гўдакдек қучиб чиқшди. Ҳошимжон фойтунга ишора қилди, халатли киши келиб, йўргакни Шотурсун ғилайга авайлаб топширди. Она-бола яна йиғлаб юборишди ва қиёфаларини яшириш учун чачвонларини тушириб олишди. Ҳошимжон халатли кишининг чўнтагига нимадир солиб қўйди, у бош ирғаб, зина томон кетди.

Йўргакни эҳтиётлик билан икки қўлига қўйиб олган Шотурсун ғилайни Ҳошимжон четга имлаб, нималардир деди, Шотурсун ғилай бош силкиб, маъқул ишорасини қилди ва иккала қўли банд бўлгани учун Ҳошимжон кўмагида мувозанат сақлаб, Маматнинг ёнига чиқиб ўтирди.

— Адангиз қалай? — чачвон тагидан йиғи аралаш сўради Гулсум опа.

— Яхши, — деди Ҳошимжон шошибгина. — Сизганиям йўқ. Уйқуда... Хавотир олманг, ойи. Мен ўзим шетта бўламан. Хабар олиб тураман. Сизлар уйга бораверинглар.

— Сизгани йўқ, дедангизми, Ҳошимжон? — янада иқрор бўлиш учун қайтадан сўради Гулсум опа.

— Ҳа, сизганиям йўқ, — деди дарҳол Ҳошимжон, қайнонасини тезроқ тинчитиш мақсадида. — Дори зўр-да. Бирпасда ухлатиб қўйди. Хотиржам бўлинг. Кечкурун бирров уйга бориб келаман, қолганини борганимда айтаман. Кетаверинглар.

Мамат аёлларни уйда қолдириб, фойтунни Кўкча мазорига ҳайдади ва у ерга етиб боргач, отни мачит ёнидаги тутга боғлади, икки қўлига йўргакни қўйиб олган Шотурсун ғилайдан бир қадам орқада гўристон хиёбони бўйлаб кета бошлади. Ниҳоят, чоҳ қазилган жойга етганларида, Шотурсун ғилай қўлидаги нарсани майсага қўйди, толиққан қўлларини қоқди, уқалади, Маматга ишора қилди. Мамат четда турган бир челақ сувни келтирди.

— Оч, — деди Шотурсун ғилай, йўргакни кўрсатиб, — Мен кўтариб келдим, ювиш сандан бўлсин.

Мамат жовдираб Шотурсун ғилайга қаради, у ҳамон қўлини уқалар, гўё ҳанузгача ўзига кела олмайгандек эди.

Мамат сескана-сескана йўргакни оча бошлади, очган сайин унинг ичидан қўланса ҳид анқий кетди, аммо Мамат ҳазар қилганини сездирмасликка тиришиб, чидади. Ҳазар қилганини хўжайин билса, оқибати ёмон бўлиши мумкин эди. Тиззадан кесилган оёқ қорайиб кетган, башмалдоқ ўрни бинт билан танғилган, оёқнинг кесилган жойи қипқизил, ҳамон йиринг аралаш қон оқарди. Мамат жирканиб кўзини четга олди ва тезроқ қутулиш учун челақни олиб ғўла оёққа сув қўйди, оёқ сал оқаргандек бўлди.

— Бас, — деди Шотурсун ғилай, ўзининг ҳам кўнгли алғов-далғов бўлиб ва ёнидан бир ўрам доқа олиб, Маматга узатди. — Ма. Ура. Кафанлик.

Мамат ғўла-оёқнинг жимжилоғини чимдиб, майсага тортди, апил-тапил доқага ўрай

кетди. Кафанланган оёқ бежиримгина шаклга кирди. Мамат четроқ бориб чўнқайди.

— Бошланг, — деди у чўкка тушиб ўтирган Шотурсун ғилайга.

— Нимани бошлай? — тушунмади Шотурсун ғилай. — Тушир чуқурга.

— Бирон нарса ўқимайсизми? Тиловат лозим эмасми?

Шотурсун ғилай ҳайрон бўлиб, серрайиб қолди.

— Қанақа бўларкин? — иккиланиб деди у. — Эгаси тирик-ку.

Шотурсун ғилайнинг гапидан кейин вазият ғалати эканлиги Маматга етиб борди. У ҳам саросимада қолди.

— Ҳақиқатда, — деди у бир кафанланган оёққа, бир Шотурсун ғилайга қараб. — Улик, десак, эгаси тирик, Тирик, десак, оёқ жонсиз.

— Ҳошимжон қулоғимга шипшувди, — деди Шотурсун ғилай ганг бўлиб. — Хўжайин расм-русмини бажаришни тайинлаган экан. Сўраса нима деймиз?

— Фарзанд қозо қилса, отасини ўйлашмайди-ку, — деди Мамат, яхши чора топгандек жонланиб. — Фарзанд ҳам отанинг бир бўлаги. Тиловат қилинаверади. Буям хўжайиннинг фарзандидек, бир бўлаги. Уқийверинг. Зарари тегмайди-ку.

— Хўжайинга тиловат қилган бўлиб чиқмасмикин? — юраги дов бермай сўради Шотурсун ғилай, бурнининг учига қараб.

Мамат ўроғлик оёқни шартта кўтариб, чоғга туширди, кетмон билан тупроқ торта бошлади. Шотурсун ғилай ўрнидан туриб белкуракни олди, у ҳам гўрга тупроқ сурди. Бир зумда кичкина гумбазча ҳосил бўлди. Жазавага тушган Мамат кетмонни итқитиб, шартта чўккалади, кўзини юмиб, пичирлай кетди. Шотурсун ғилай ҳам чўнқайди. Шошибгина кафтларини юзга тортишди, кетмон билан белкуракни чангаллаб, худди ношаръий иш қилиб қўйган одамдек, апил-тапил қабристондан чиқиб кетишди...

#### 46

Муродхўжа аканинг бошига тушган кулфат хонадондагиларнинг ҳаммасини оғир қайғуга солди. Ҳатто Замира хола билан Холида ҳам, етти ёт бегона бўлишларига қарамай, самимий ачинишди. Ундан ташқари хўжайин касалманд бўлса, уйдгилар ҳам ҳаловат нималигини билишмайди, доим асабий вазият ҳукм суради, таҳлика аримайди.

Ҳошимжон ҳам хафа кўринар, кўп юмушларни-қайнотасидан хабар олиш, керакли дори топиш, зарур бўлса, кечани-кеча демай қайнотаси ҳузурида ўтириб чиқиш, унга овқат едириш, тагига қараш — ҳаммасини тиришқоқлик билан бажарар, жонига оро кирар, ирганмас эди.

Бундай ғамхўрликни кўрган Муродхўжа ака: «ўғлим ҳам бунчалик фидокорлик қилмас эди», деб ўйлар, Ҳошимжоннинг садоқатидан дили яйрар, шундай куёв ато этганидан шукур қиларди.

Бироқ Муродхўжа аканинг саломатлиги ёмонлашган сари Ҳошимжоннинг дилига туғиб қўйган мақсадлари амалга ошаётгандек туюлар, у қайнотасининг қисмати ҳал бўлаётганига шубҳа келтирмас, қайнотасининг миннатдорлигини бошқалар ҳам баралла эшитишни истар, бунинг учун жонини аямас эди. Докторлардан бири Ҳошимжонга «умид йўқ» деди, майли, неча кунлик умри қолган, шунча яшасин, куёвидан домангир бўлмасин. Уғли фронтда, «вой отам» деб тобут олдида ким кетади? Жаноза пайтида зиммага қўйиладиган масъулиятни ким ўзига олади? Маросимларини дабдаба билан ким ўтказади? Қайнотасининг бошига мушкул тушганида, ким жигарбандлик қилди? Ким балоғардон бўлади? Ҳошимжон, албатта! Қайнотасининг кўзи очиқлигида баъзи бир васиятларини олиб қолиши керак, кейин кеч бўлади. Қайнотаси ўз идрок-фаросати билан шу нарсаларга райи келса, ҳай, Ҳошимжон мўмин-қобиллик қилиб, бўйин эгади, рад этмайди. Аммо у ўсал бўлиб, тилдан қолса, кейин ҳушига келмаса-чи? Ҳошимжоннинг жонини аямай қилган фидокорлиги сезилмай қолаверадими?

— Ада, — деди Муродхўжа ака уйга келгач, икки ҳафталардан кейин Ҳошимжон пайт топиб. — Ишларингиз ўлда-жўлда бўлиб қолди. Муовинларингиз анча чаққон одамлар, лекин ўзингизнинг йўригингиз бўлак-да. Узи йўқнинг кўзи йўқ қабилида иш тутишмасмикин?

— Хўш? — куёвининг ниятини англаёлмай сўради Муродхўжа ака.

— Дейман, идорада ўзингиз ишонган биронта вакил вақтинча бош-қош бўлиб турса, кўнглингиз нотинчланмай, хотиржам ётардингиз-да.

Муродхўжа аканинг аҳволи танг эди, гап қулоғига кирмади. У ҳамон тузалиб кетишига умид қиларди. Шунинг учун тайин жавоб бермади.

Бироқ бир неча кун ўтгандан кейин, ўзи Ҳошимжонни чақиртирди.

— Мазам йўқ, — деди у хўмрайиб. — Бу дард ёмон ёпишганга ўхшайди. Уқтин-ўқтин ҳушимдан кетиб қоляпман. Бирдамас бирда қайтиб ўзимга келмай қолишим мумкин.

— Худо сақласин, — деди Ҳошимжон далда берган бўлиб. — Яхши ният қилинг, ада.

— Тайёр бўлиш керак, — деди Муродхўжа ака куёвига қарамай. — Дардни билиб бўлмайди. Тизза битганида, ишонса бўларди. Жароҳат тепага ўрмалаяпти. Демак, қон

тоза эмас. Юрак кўтаролмаслиги мумкин. Энди бунга тан олиш керак. Менга ўғилдек бўлдинг. Оилага ўзинг бошчилик қиласан, ўғлим. Васиятим шу.

— Ие, ада, одамни кўрқитиб, унақа деманг! — деди Ҳошимжон доғулилик қилиб. — Шошманг, оймни чақирай. Муқаддас ҳам кирсин, — дея даҳлизга отилди. Бу гапларни улар эшитиши Ҳошимжон учун муҳим эди. Бир зумда она-бола ҳовлиқиб кириб келишди, аммо Муродхўжа ака ўз ҳушида, осойишта эди. — Қаранг, ойи, адам алланималар деяптилар, одамни чўчитиб...

Муродхўжа ака васиятини қайтарди, хотини билан қизи йиғлашди.

— Балки худо раҳм қилар, марҳаматини дариф тутмаса, тузалиб кетарман, — деди Муродхўжа ака ўзининг одатдаги вазминлиги билан. — Илло пешонада ёзгани бошқача бўлса, сенларни Ҳошимхўжага, Ҳошимхўжани худога топширдим. Ҳошимхўжа фарзандлик бурчини бажарди. Измидан чиқманглар. Тилагим шу, — у ғамгинлигини яшириш учун жилмайиб қўйди. Гулсум опа билан Муқаддас хўнграб юборишди. Ҳошимжоннинг кўзи ҳам ёшланди. — Яна. Куёвимизни ҳамма Ҳошимхўжа деб атасин, — деди Муродхўжа ака «хўжа» қўшимчасига алоҳида урғу бериб.

— Ишончингиз учун раҳмат, ада, — деди Ҳошимжон кўзини ишқаб. — Аммо ҳаммаси ўзингизга буюрсин, хизматларингизни қилиб, яйраб юрайлик.

Муродхўжа ака бош ирғади ва хонтахта четдаги икки букланган қоғозни унга узатди.

— Штокманга берасан. Баъзи бир фармонларни ёздим.

— Ўзини айттириб кела қолай-да, ада. Ўз оғзингиз билан айтасиз.

— Йўқ, — деди Муродхўжа ака. — Бу аҳволда мени кўрмасин. Хатни топширасан, ижрокомга ўзи чиқади. Менинг ўрнимга сени тайинлаттиради. У билимдон одам. Ҳисобкитобни чала билсанг, ундан ўрганасан.

— Хўп, ада, — деди Ҳошимжон бошини қуйи солиб. — Ишончингизни оқлашга тиришаман. Ҳарбий хизматдан бўшатишармикин?

— Бўшатишмаса, каттақонига хат ёзиб жўнатаман, бўшатишади.

— Раҳмат, ада...

#### 47

Муқаддас отаси билан овора бўлиб, тузуккина ухлай олмади, эрталаб эрини кузатгач, Озодани Холидага топшириб, томорқа этагидаги айвонча томон тушди. Бу ер уй ғалвасидан четроқ, пашшахона остидаги ўрин икки кундан бери йиғиштирилмаган, тинч эди. Муқаддас пашшахона ичига кириб, нимчасини, пешонасини сиқиб турган дуррасини ечиб ташлади. Бир неча кундан буён ўришга қўли тегмаган сочи ёйилиб кетди. Совуқ ёстиққа юзини босди, ёпинмади ҳам. Осойишталик баданига роҳат бериб, кўзларини юмди.

Нимадир дук этди. Хазон эзилгани Муқаддаснинг қулоғига чалинди. Ишқомда биров бўлса, сув олгани ариқ томон тушгандир, деб ўйлади Муқаддас, кўзини очишга эриниб. Ғирч-ғирч босилган хазон товуши айвонча олдига яқинлашгач, тўхтади. Бир неча дақиқа ўтди. Биров тикилиб тургандек бўлди. Муқаддас кўзини очиб, доқа орқали ташқарига қаради — кимнингдир хира шарпаси кўринди. Шарпа қаққайиб турар, аёл эмаслиги аниқ эди. Муқаддас кўзини ишқалади, шарпага разм солди ва юраги орқасига тортиб кетди. Кескин ўрнидан туриб ўтириб, беихтиёр тиззасига чойшаб тортди. Айвонча панжараси нарироғида гимнастёркаси тугмалари қадалмаган Улмас тик турар, сочи ҳурпайиб кетган, бутун қиёфаси сезилар-сезилмас қалтирар, кўзлари йилтирар эди. Муқаддаснинг вужуди бўшашиб кетди, юраги кўкрак қафасига сиғмаётгандек, безовта ура бошлади, аввал ранги оқарди, кейин қизариб кетди. Улмаснинг вазоҳати хунук, бирон нарса қилиб қўйишга тайёрдек эди.

Муқаддас илк эҳтиросини Улмасга нисор этди, аҳду паймон қилишди, Улмас фронтга кетгач, бошқа одамга тегиб олди, ваъдани бузди, йигитлик ғурури поймол бўлган Улмас ҳар қанча даъво қилса, ҳаққи бор. Аммо Муқаддас қай йўсинда ўзини тутсин экан? Совуқ қарши олсинми? Оилаликман, бўлар иш бўлди, турмушимни бузманг, энди биз бир-биримизга ётмиз, десинми? Агар шундай деса, Улмас ўчакишади, ҳамияти озор чекиб, ҳамма нарсани остин-устин қилади, касал ётган отаси баттар бўлади, бу иснодга чидай олмай, ажалидан бурун жон беради, эри жанжал кўтаради, ғишт қолипдан кўчади.

— Улмас ака! Сизмисиз? — деди Муқаддас ва дағ-дағ титраб пашшахона этагини кўтарди. Улмаснинг кўзлари ёшдан нам эди. У жойидан жилмас, Муқаддаснинг руҳсорида қанақа аломат пайдо бўлишини кутар, кейинги қадамини шу аломатга қараб босишни ўйларди. Агар Муқаддас: «Нега келдингиз? Кетинг!» деса, шартта бурилиб кетворади, юрагидан Муқаддас деган сўзни юлиб ташлайди, агар қиёфасида бошқача нарса пайқаса, кўзини чирт юмади, нимаики рўй берган бўлса, кечиради, бахтини тиклайди. — Кечиринг, Улмас ака, — деди ниҳоят Муқаддас, бир оз эпқага келиб. — Айб менда, иродам етишмади, қаршилик кўрсата олмадим, ота-онамнинг раъйига кўндаланг туша олмадим... Кечиринг.

Улмас яланг оёқ эди, у айвончага чиқди, Муқаддаснинг олдида тиз чўкди. Муқаддас

хавотирда девор томон кўз ташлади.

— Қизлар мактабда, — деди Улмас бўғиқ товuşда. — Ойим бозорга кетди. Эшик тамбаланган.

Муқаддаснинг дили алғов-далғов бўлар, қарама-қарши ҳиссиётлар исканжасида изтироб чекар, қай томонга оғишни билмас, Улмасга мўлтайиб қараб турар эди. Улмас Муқаддаснинг майин қўлини олиб, юзига, кўзига, лабларига босди. Муқаддас кўрққаниданми, қўлини тортиб олмади, кўзлари ёшланди. Улмас унга рўйи-рост ташланди, қучиб бағрига босди, томоқ-лабларидан ўпа кетди, икковлашиб ағанашиди, пашшахонанинг бир томон иплари узилиб кетди, бир-бирига ташна икки тана докага, бир-бирига чўлғанди. Улмас нуқул, сен меникисан, сени ҳеч кимга бермайман, дер, ҳансирар эди...

— Бор, — деди кейин у Муқаддасга орқа туриб. — Қизингни олиб кел.

Муқаддас индамай уй томон кетди ва бир неча дақиқа ўтгач, Озодани етаклаб келди. Озода онасининг этагига ёпишар, нотаниш одам олдида ётсирар эди.

— Қизнинг отаси ким? — сўради Улмас уларга яқинлашмай.

Муқаддас сукут қилди, қизига бир қараб олди.

— Сиз, — деди ниҳоят.

Улмас бир оз жойида турди ва кескин отилиб қизни даст кўтарди, бағрига босди. Озода йиғлаб юборди, онасига талпинди.

— Юр, — дея Улмас Муқаддаснинг қўлидан тортиди.

— Қаёққа? — ҳанг-манг бўлиб сўради Муқаддас.

— Уйга, — деди Улмас қатъий. — Менинг уйимга. Энди сенинг уйинг бўлади, — Улмас Озодани онасига узатди. — Иккита қовурғам йўқ.

— Бормайман, — деди Муқаддас Озода билан орқасига тисарилиб. — Адам касал. Эшитса, ўлиб қолади. Сабр қилинг.

— Йўқ! — деди Улмас ўшқириб. — Шунча сабр қилганим етади. Сабр қилсам, эринг кечаси яна ёнингга киради. Сени унга қўшиб қўйиб, уйда индамай ётишим керакми?

— Мен унинг қонуний хотиниман.

— Ихтиёрга қарши нарса қонуний ҳисобланмайди.

— Адамга раҳмингиз келсин лоақал, Улмас ака, — зорланди Муқаддас.

— Мени сендан айириб, ўлимга жўнатганида, адангнинг раҳми келмаган! — деди Улмас ғазаб билан.

— Барибир уйингизга чиқмайман, — деди Муқаддас ҳам ўжарлик қилиб. — Шарманда бўламиз. Оиламиз лаънатга қолади.

— Бундан баттар лаънат бўлмайди, — деди Улмас тутоқиб. — Оиланг ҳаром оила. Рўзгоринг, турмушинг — ҳаммаси ҳаром. Наҳот яна ўша исқирт жойга кирсанг?

— Бўлмаса, сабр қилинг, Улмас ака, ўтинаман! — ёлборди Муқаддас, икки ўтнинг орасида қолиб. — Адам тузалсин.

— Йўқ! Энди у уйга қадаб босмайсан, вассалом! Агар гапга кирмасанг, отангни ҳам, эрингни ҳам ўзимни ҳам отиб ташлайман. Танла!..

## 48

Тушлик овқатни Гулсум опа қизи ва невараси билан даҳлизда тановул қилар эди. Холида самовар келтириб, чой дамлади, кампиракка чойнак қўйди. Замира хола қатиқ аталади, нон ушатди, қиймали мастава сузиб келди. Бироқ Муқаддас кўринмас, Озоданинг ҳам ҳархашаси, бижиллаши эшитилмас, Муродхўжа аканинг ҳузурида ҳамширадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Гулсум опанинг юрагига гўлғула туша бошлади. Холида ҳамма уйларни қараб чиқди, чорвоқ этагига тушди, ишқомларни изғиди, тополмади. Паранжиси ва кўчага киядиган кийимлари ўз жойида, Муқаддас устидаги кийим билан бир ёққа кетиши мумкин эмас эди. Гулсум опанинг юраги ниманидир сездди, бу гумондан вужуди бўшашиб кетди ва Холидани чорвоқ этагига яна югуртирди.

— Опамни кўрмадим, — деди Холида ҳовлиқиб. — Озоданинг овозини эшитдим. Улмас акам товўқ сўяётган экан.

Гулсум опанинг юраги узилиб кетгандек бўлди.

— Кепти-да, гўрсўхта, — ғазабини яшира олмай деди Гулсум опа.

Муқаддаснинг ғойиб бўлиши Улмаснинг келиши билан боғлиқ эканига у шубҳа қилмас, фақат қизининг бу қадар енгилтак ҳаракатига, осонгина «гўрсўхта»нинг раъйига оғганига чидай олмас, қизига нисбатан дилида нафрат уйғонар, кўзига қизи қанжикдек кўриниб, ҳозир уни мажақлаб ташлашга тайёр эди. Энди эрига нима дейди? Қандай баҳона кўрсатади? Ахир эри тамом бўлади-ку. Нима қилиш керак? Ҳозир ўзи бориб, куёви келмасдан қизини олдига солиб чиқсинми? Шовқин кўтарсинми? Маҳаллани тўпласинми? «Гўрсўхта»нинг зўравонлигини одамларга кўрсатиб, шармандаи шармисор қилсинми? Қизи яшамагур йигитнинг имосига уча қолипти-да! Албатта бир пайтлар кўнгил қўйишган, аҳд-паймон қилишган, қизчаси ҳам ўшандан бўлган. Аммо шунчалик писмиқлик билан иш тутиш яхшими? Ҳа, майли, ўша «гўрсўхта» келипти, яна аврашга тушипти, бу унинг иши. Лекин одоб, андиша, деган нарсалар бор-ку, Муқаддас сал учини чиқарса,



маслаҳат солса, бирон бир йўриғи топиларди-ку. Одам қўйиб, уни инсофга чақириш, кўндириш мумкин эди-ку. Наҳот қизи шунчалик калтабин нарса? Ахир дунёнинг нариги чеккасига қочиб кетгани йўқ, қўшниникига чиқиб ўтириб олгани бир зумда ошкор бўлади-ку. Нега оқибатини ўйламадийкин? Ахир барибир шу одамлар орасида яшайди, қандай қилиб бош кўтариб юради? Ахир кўча-кўйда ҳамма унга таъна билан қарайди-ку. Ақалли ўсиб келаётган қизини ўйласа бўлмайдими? Е тавба! Қанақа кунларга қолдирдинг? Отаси соғлом бўлса ҳам йўриғи бўлак эди, бир иложини топарди, «гўрсўхта»нинг адабини берарди.

— Холида, чик, Маматга айт, Шукур мўйловни ер остидан бўлсаям топиб келсин, — деди Гулсум опа маълум бир қарорга келиб. — Йўқ! Чақир бу ёққа. Ўзим айтаман. Тез кирсин!

Мунис опа қизлари билан тиккан учта тагдўзи дўппини сотиб, рўзғор учун майда-чуйда харид қилди ва Ўлмаснинг эсон-омон урушдан қайтганига қон чиқариш мақсадида битта товук олди, дарров изига қайтди. Эшик ичкарасидан берк эди, бир оз таажжубланиб, тақиллатди.

— Уйда одам бор, — деди Ўлмас эшикни очиб.

— Одам? — тушунмади Мунис опа ва теварак-атрофга қаради. — Қанақа одам?

— Муқаддас.

— Муқаддас? — ҳанг-манг бўлиб қолди Мунис опа. — У бизникида нима қилади? Е сени кўргани чиқдими? Қаттан дарров эшита қолипти?

— Ўзим олиб чиқдим, — деди Ўлмас шимарилган енгини тушириб. — Ичкарида. Бекитиб қўйдим.

— Вой, ўғлим! Бу нима қилганинг? Нега бекитиб қўйдинг? Зўрлаб олиб чиқдингми, болам?

— Йўқ, ойи, — деди Ўлмас хотиржам тарзда. — Зўрлаганим йўқ. Ўзи рози бўлди.

— Болам, ахир бировнинг хасми ҳалолди, нега рози бўлар экан? Ишонмайман. Асло ишонмайман! Сен уни қўрқитгансан, пўписа қилгансан.

— Ойи, биз аҳд-паймон қилганмиз, — деди Ўлмас онасининг фиғонидан ижирғаниб. — Отаси Муқаддасни мажбурлаб эрга берган, ихтиёрига қараган эмас.

Мунис опа Муқаддаснинг бир пайтлар паранжи ёпиниб келгани, гапирган гапларини эслади ва икки ёш бир-бирига қаттиқ меҳр қўйганини англади. Аммо у ишқ бошқа, турмуш бошқа, ёшликда қўйган кўнгил бориб-бориб унитилади, қиздир, йигитдир, янги турмуш қургач, зиммасига алоҳида масъулият тушади, аввалги завқ-шавқни идрок асосида қурилган ҳаёт талаби четга суриб ташлайди, деб ўйларди. Ўғлининг бу хатти-ҳаракати ҳеч қанақа одоб доирасига сиғмас, ўта бебошлик эди.

— Қуриб кетсин, аҳд-паймон шунақа бўлса! — овозини чиқармай чинқирди Мунис опа. — Шу умидда мен сени кутувдимми? Келмасингдан уйга ғалва олиб кирдинг, болам. Бу — шармандалик, андишасизлик, имонсизлик! Қанақа одам бировнинг хотинини шундоқ йўлдан уриб олади, болам? Ҳали-замон бошимга бостириб келишади, қон-қора қақшатишади. Маломатдан бошимиз чиқмай қолади. Нима қиласан, болам ёш жонингга жабр қилиб? Болалик жувонни бошингга урасанми? Ҳали ёшсан, ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар ўтиришипти эрга тега олмай, ахир сенга ато қилгани, ўзингга муносиби бордир, болам. Ҳали ҳам кечмас, биров билмай туриб, айт, чиқиб кетсин. Оиласини бузмасин, уйимизга офат киритмасин...

У ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

Ўлмас қаққайиб турар, нима деб онасини кўндиришни, ўзи ҳақ эканини ўқдиришни билмас эди.

Мунис опа шарт ўрnidан туриб, уйга отилди.

— Тўхтанг! — деди Ўлмас қатъий. — Нима қилмоқчисиз, ойи?

— Ҳайдайман! — деди Мунис опа бўғиқ товушда. — Сен чиқариб юбормасанг, бу ишни ўзим қиламан! Иснодга тоқатим йўқ!

— Ҳайдасангиз, ойи, қўшилишиб мен ҳам чиқиб кетаман! — деди Ўлмас жиддий.

— Қандай қилиб бировнинг сарқитини хотин қиласан, болам? Ҳушингни йиғштириб ол! Ахир боласи бор-а! Эри келиб икковингни чопиб ташлайди...

— Боласи — менинг болам, — деди Ўлмас онасининг дийдесини бўлиб. — Ишонмасангиз, ўзингиз сўранг. Айтишга мажбур қилдингиз, ойи.

Мунис опа серрайиб қолди.

— Сенинг боланг?

— Ҳа, ойи. Озода менинг қизим бўлади.

Мунис опа секин юриб уй эшигини очди. Ичкарида боласини бағрига босиб, Муқаддас бурчакда мункайиб ўтирар, унинг елкалари йиғидан қалтирар эди. Демак, ўз ихтиёри билан чиққан эмас, деб ўйлади Мунис опа, нега бўлмаса йиғлайди?

Мунис опа Муқаддаснинг ёнига бориб тўхтади:

— Муқаддасхон, қизим, ўғлим сизни зўрлаб олиб чиқдими?

Муқаддас бош чайқади, Мунис опа томон қарамади.

— Шу турмушга розимисиз, қизим? — сўради Мунис опа, аммо Муқаддас индамади, иккиланаётганини Мунис опа пайқади. — Уйлаб иш қилинг, қизим. Бугундан бошлаб ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Биз камбағалмиз, сиз тўқис оиланинг қизисиз. Қийин бўлади. Адангиз ҳам, эрингиз ҳам қараб туришмайди. Уғлимнинг бахтига завол бўлманг...

— Ойи! — деди Ўлмас ўшқириб. — Боя нима дедим?!

— Майли, болам, — деди Мунис опа ўғли томон ўгирилиб. — Розиман. Икковларинг гапни пишитган бўлсаларинг, чиқиб кета қолларинг. Мен ўпкаламайман. Узимиз зўрға кун кўриб юрипмиз. Жанжал чиқса, адо бўламан. Маломатни кўтаролмайман.

— Ана, айтдим-ку сизга, Ўлмас ака, — деди Муқаддас бошини кўтариб, Ўлмасга таъна билан. — Унамадингиз.

— Мажбур қилибсан-да, болам, — деди Мунис опа руҳланиб, дадилланиб. — Библиб кўй, Ўлмас, агар Муқаддасхонга гап тегадиган бўлса, жавобини ўзинг берасан.

— Бераман, ойи, бераман, — деди ижирғаниб Ўлмас. — Аммо Муқаддасни уларга қайтариб бермайман! Қизимни ҳам! Наҳот шу нарсалар очилганидан кейин, эри эр бўлишга кўнса?

— Йиғлашини қара, болам, ўз ихтиёри билан чиққан одам шу кўйга тушармиди? — жиғи-бийрон бўлиб гапирди Мунис опа.

— Уни сиз йиғлатдингиз, ойи, — деди Ўлмас ўкинчда. — Айтган гапларингиздан йиғламай бўладими?

— Кечиринг мени, Муқаддасхон, — деди Мунис опа мулзам бўлиб. — Тилим қурсин. Азбаройи миямни йўқотганимдан, оғзимга қарамаяпман. Маъзур тутинг, қизим.

Озода бир кўз ёшини тўхтата олмаётган онасига, бир ёт одамларга тикилар, қанақа жойга тушиб қолганини тушуна олмас, чўчир эди.

Мунис опа ташқарига чиқди, ўғлини имлади.

— Бечоранинг қорни очқаб қолгандир, — деди у шивирлаб. — Анаву товуқни сўй, тезда жиз-биз қилайлик. Майли, болам, нима бўлса, бўлди. Пешонадан кўрамиз...

Бир оз вақт ўтгач, мактабдан Ўлмаснинг иккала синглиси келишди ва уйдаги ғалати вазиятни кўриб, андак саросимага тушишди, аммо у қадар таажжубланишмади, чунки Ўлмас билан Муқаддаснинг бир-бирига муносабати уларга ҳам маълум эди. Ҳатто иккала қиз, Ўлмас келса, албатта бирон ҳодиса юз бериши мумкинлигини тахмин қилиб юришарди.

Ўлмаснинг кичик синглиси шаддодроқ. Шунинг учундир у протфелини бир четга улоқтирди-да, тўғри Муқаддас ўтирган хонага отилди, шовқин-сурон билан кириб Муқаддасга ўзини ташлади, қучоқлашиб ўпишишди. Муҳайё ҳам кириб Озодани даст кўтарди, эркалатди, ўзи бир пайтлар ўйнаган қўғирчоқларни аллақердандир қидириб топди, Озода билан бижирлаб, ўйинга берилди. Муқаддаснинг дили ёришгандек бўлди. Кейин ҳаммалари хонтахта атрофига тўпланишиб, қовурдоқ ейишди. Оилага файз киргандек бўлди.

Чамаси икки соатлардан кейин кўча эшик тақиллади.

Ўлмас гимнастёркаси тугмаларини қадаб, эшикни очди. Остона нарисидида бир соқчи билан Шукур мўйлов турар, қўлида тугунча бор эди.

— Ассалому алайкум, — деди Шукур мўйлов ва қўлини бериб Ўлмас билан кўришди. — Эсон-омон қайтдингми, жиян?

Ўлмас бу одамни таниганидан кўнгли ғашланди.

— Келинг, амаки, қани ичкарига, — деди шунга қарамай, орқасига жилиб.

Шукур мўйлов соқчи билан ҳовлига кирди, чорпояга бориб ўтирди, фотиҳа қилди. Оила аъзолари ва Муқаддас даҳлизда саф тортиб туришар, булар ҳам Шукур мўйловнинг ташрифи бежиз эмаслигини ҳис этишар, ёмон нарсани кутишарди.

— Уғлингиз келиб, хурсанд бўлиб қолдингларми, янга? — овозини кўтариб, гўё ўзи ҳам бениҳоя шоддек, сўради Шукур мўйлов.

— Хурсанд бўлганда қандоқ! — шошилибгина жавоб берди Мунис опа.

— Хў-ўш... — деди Шукур мўйлов сўзни чўзиб ва Ўлмасга қаради. — Қачон келдинг?

— Кеча, — деди Ўлмас мақсад нима эканлигини билмаганидан тоқатсизланиб.

— Ҳарбий хизматдан озод қилинганлигинг тўғрисида ҳужжат борми?

— Бор, мана, — деди Ўлмас гимнастёрка чўнтагидан бари ҳужжатларни олиб, Шукур мўйловга берди.

Шукур мўйлов ҳамма ҳужжатларни икки мартадан ўқиб чиқди.

— Мана бу ерда ёзилган — келган кунингдаёқ ҳарбий командатурага учрашинг керак экан, шуни билармидинг?

— Билардим.

— Нега дарров бормадинг?

— Қўни-қўшнилар чиқишди, кеча боришнинг иложини топа олмадим, — деди Ўлмас бор нарсани ҳалол айтиб.

— Бугун-чи? Кеча — майли, кўни-кўшнилар, дегандек. Бугун нега бормадинг? Балки қаҳрамон бўлиб келгандирсан. Балки комендант ўзи келиб, сенга салом бериши керакдир. Шунақами? — заҳарханда билан сўради Шукур мўйлов даҳлизда турган Муқаддасга кўз қирини ташлаб.

— Мен унақа деяртганим йўқ-ку, амаки, — эзилди Улмас.

— Бўлмаса, нега кечанинг ўзида бормадинг, жиян? — Шукур мўйловнинг важи сушт, муддао, нима бўлмасин — йигитга айб қўйиб, уни бу уйдан олиб чиқиб кетиш эди. Аммо ваз асосли бўлиши керак, акс ҳолда ҳар қалай йигит фронтда ўз бурчини адо этиб келган, унинг устига инвалид экан, жанжал кўтариши, шикоят қилиши мумкин. Шунинг учун Шукур мўйлов битта саволни қайта-қайта берар, бирор ишқал топишга уринарди. — Мана, ёзиб қўйиштипти, ҳарбий хизматдан батамом озод эмас экансан, бошқа ишларни бажаришинг мумкин экан, нега унда шундоқ ҳарбий вазиятни била туриб, бўйин товладиңг?

— Бўйин товлаганим йўқ, — деди Улмас қатъий, ўзининг ҳақ эканидан шубҳаланмай.

— Товладиңг, жиян, хўп, де, товладиңг, — деди Шукур мўйлов азиятли оҳангда. — Ўзинг борсанг, бизни ҳам овора қилмаган бўлардиңг. Энди ўзимиз олиб боришга мажбурмиз.

— Нима қиласиз олиб бориб? Ўзим боравераман.

— Йўқ, жиян, ўзинг яна галга солишинг мумкин, — деди Шукур мўйлов қайсарлик қилиб. — Мен кўрсатма олганман, ўзим элтиб топширишим керак. Бажарганим ҳақида имзо ҳам чекаман. Қоида шунақа. Мен хизматдаги одамман. Менинг ҳам тепамда буйруқ берадиган командирлар бор. Ҳар бир қадамим назорат остида. Шунинг учун яна бошқа ҳужжатларинг бўлса олгин-да, биз билан йўлга туш.

— Ҳой, менга қаранг, барака топкур, — деди Мунис опа даҳлиздан ҳайқириб. — Кеча келган боламини қаёққа судраяпсиз? Инсоф қилинғ ахир, айланай! Шунча азоб ютиб келгани каммиди?

— Янга! — деди Шукур мўйлов, энди эпақага келаётган иши бузилишидан чўчиб. — Шунчаки, расмиятчилик. Уғлингиз боради-ю, ҳужжатларини кўрсатиб, изига қайтади.

— Ҳужжати ордона қолсин, шунчалик зарур эканми? Ахир болам қочиб кетаётгани йўқ-ку! — яна шанғиллади Мунис опа. — Бўлмаса, менам бирга бораман!

— Айт, ойинга, аралашмасин, — деди Шукур мўйлов Улмасга, Мунис опанинг пўписасидан ҳайқииб. — Аралашадиган бўлса, ишни бузади. Узинга жабр қилади.

— Ойи, — деди Улмас ростдан ҳам ойисининг аралашидан кўрқиб. — Хавотир бўлманг. Бораман-у изимга қайтаман. Қоидаси шунақа экан, нимаям дердик.

— Қайтармайди, болам, — деди жиғибийрон бўлиб Мунис опа. — Бу одамнинг қўлига тушган одам қайтган эмас. Буни ҳамма билади. Кушхонанинг такаси бу, эргаштириб олиб боради, гурзи бошқанинг бошига тушади. Борма, болам, йўқ, де!

— Мана шунақа гаплари учун онанги олиб кетиш керак, — деди Шукур мўйлов тажанг бўлиб. — Мен расмий шахсман. Давлат хизматини бажараётган пайтимда менга нисбатан ишлатилган ҳақорат жиноят ҳисобланади. Қонунда тегишли модда бор. Мана, ёнимда гувоҳ турипти. Шунақами, гувоҳ?

— Худди шундай! — деди соқчи икки пошнасини бир-бирига уриб.

— Ойи, жим бўлинг, нима қиласиз тушунмаган нарсага аралашиб.

— Кўнглим сезяпти, болам, бу иш бежиздан эмас!..

— Олиб чиқ! — деди Шукур мўйлов соқчига буйруқ оҳангида. — Мен ҳозир орқаларингдан етиб оламан.

— Қани, юринг, — деди соқчи Улмас томонга бир қадам босиб. Улмас атрофга аланг-жалаңг қараб, жойидан жилди.

Мунис опа йиғлаб юборди, унга қўшилиб, қизлар увиллашди.

— Жим! — деди Улмас уларга қараб. — Улгани кетяпманми, аза очасизлар?

— Ҳов, йигит! — деди Шукур мўйлов истеҳзо билан Улмасга. — Сен бозорга кетаётганинг йўқ, комендатурага кетяпсан. Ҳарбий формангни тўла кийиб ол. Шинелинг ҳам эсдан чиқмасин.

Улмаснинг бошидаги янги дўпписини ҳисобга олмаганда, устидаги кийими ҳарбий формаси эди. Улмас ичкарига кириб медаллари, камари ва погонини тақиб чиқди, у сержант экан. Қўлида шинели бор эди.

— Ҳа, бу бошқа гап, — деди Шукур мўйлов, аммо Улмаснинг медаллари ва погонини кўриб, форма талаб қилганидан афсус чекди — унга зуғум ўтказиш бир мунча қийин бўлиши мумкин эди. — Чиқаверларинг. Мен сал орқароқда юрганим маъқул. Кўрган одам нотўғри тушунади. Йигитга гап тегмасин, дейман-да.

Улмас соқчи назоратида орқасига қайрилмай, кўчага чиқиб кетди.

— Энди битта гувоҳ керак, — деди Шукур мўйлов даҳлизда турганларга қараб.

— Мен гувоҳ, — деди дарҳол Мунис опа. — Мени олиб боринг.

— Она гувоҳликка ўта олмайди, — деди Шукур мўйлов аёлни писанд қилмай. — Холис одам бўлиши керак.

— Мана, мен холисан, — деди Муқаддас журъатсиз овоз билан.  
— Сиз қўшни бўласиз, а? — гўё танишлигини унутгандек сўради Шукур мўйлов.  
— Ҳа, қўшни, — дея Муқаддаснинг ўрнига жавоб берди Мунис опа.  
— Мен сиздан сўраётганим йўқ, — деди Шукур мўйлов ғаш келгандек бўлиб. —  
Ўзи жавоб берсин. Сиз қўшниси бўласизми? — атайин таъкид билан сўради у Муқаддасдан.

— Ҳа.  
— Жуда соз, юринг мен билан, — дея Шукур мўйлов ўрnidан турди.  
— Болам бор-ку, буни нима қиламан? — сал ўзини йўқотиб сўради Муқаддас.  
— Болани ўзингиз билан олинг, — деди Шукур мўйлов овозини бир оз юмшатиб.  
— Уйингизда қолдирасиз. Кетдик, — У эшик томон қадам ташлади.  
— Уй кийимидаман, амаки, — деди Муқаддас негадир ўзини айбдор ҳис қилиб.  
— Кейин... паранжи ёпинаман.  
— Ҳечқиси йўқ, — деди Шукур мўйлов ўзини бепарво кўрсатиб. Аслида, қўлидаги тугунда паранжи ўроғлиқ эди, аммо бу вазиятда паранжини кўрсатиш, ишнинг аввалдан тайёрланганлигини сездириб қўйиш эди. Шукур мўйлов ҳийла ишлатишга мажбур бўлди: — Қизингизни қолдиргани кирганингизда, кийиниб, паранжи ҳам ёпиниб чиқасиз.

Муқаддас ўзи уйи томонидан бирон бир садо эшитилмагани учун, уйдагилар отаси билан банд, ўзининг ғойиб бўлганини сезишмаган деб ўйлади. У бориб Ўлмасни ҳимоя қилишга тайёр эди, шунинг учун:

— Амаки, мен кўча айланмай қўя қолай, мана, девор ошсам, уйда бўламан, сиз гузар орқали ўтарсиз, — деди ишонч билан, фаоллик кўрсатиб.

— Майли, синглим, шундоқ қилсак, иш тезлашади. Сиз чиқаверинг, — деди Шукур мўйлов ва Муқаддаснинг девор ошиб кетишини ўз кўзи билан кўриш мақсадида, ҳовлини тарк этишга ошиқмади. Мунис опа билан сўзлашиб турди. — Сиз, янга, хавотир тортманг, бир-икки соатлик иш, агар комендант жойида бўлса, тезда қайтади. Агар кеча ўзи шу ишни тинчитиб келганида, бугун шунча безовталиқ бўлмас эди. Ҳали ўғлингиз келгани муносабати билан қўлингиздан ош еймиз, деган умиддамиз.

— Худоё айтганингиз келсин, ош сиздан айлансин, — деди Мунис опа самимий ишониб.

Муқаддас деворнинг нариги томонида ғойиб бўлгач, Шукур мўйлов, «яхши қолинглар», дея кўчага отилди.

Гулсум опа уйга кириб, орқаси билан эшикни тўсди. Муқаддас апил-тапил кийимини алмаштирар, Холида қанақадир ўйинчоқларни бир-бирига уриштириб, Озодани шамғалат қиларди.

Муқаддас бурилиб онасига қаради, онасининг авзойи бузуқ эди.

— Ҳм? Қаёққа отланяпсан? Нега бирон марта аданг олдига кириб, ҳолини сўрамадинг? — ўзини ғазабдан тийиб сўради Гулсум опа.

— Чарчаган эканман, ухлаб қолипман, — деди Муқаддас, гўё ёлғонни дўндирган бўлиб. — Нега уйғотмадинглар?

— Ҳа, доғули! Мегажин! — деди Гулсум опа ҳаётида биринчи марта қизига қаҳрини сочиб ва бегона одам борлиги эсига тушиб, Холидага ўшқирди: — Чиқ ташқарига. Ол укангни. — Холида кўрқа-писа Озодани кўтариб, ташқарига чиқиб кетди, Гулсум опа эшикни яна ёпиб олди.

— Бу нима деганингиз, ойи? — ўзини ҳеч нарса билмаганга солиб, ясама таажжубда сўради Муқаддас.

— Узингни гўлликка солма, уятсиз? Нега анову гўрсўхтаникига чиқиб олдинг, беномус?! —

— Неғалигини ўзингиз яхши биласиз, — деди Муқаддас ранги оқариб. Демак, у нариги ҳовлига чиқиб кетганини булар аллақачон билишипти, Шукур мўйлов қилган машмаша ҳам шуларнинг иши экан-да. Энди тамом, уйдан чиқаришмайди. Олдин ҳам шунақа қилишиб, зўр билан эрга беришган эди. Аммо Ўлмасни соқчи олиб кетди, бориб унинг ёнида бўлиши, бирон тўхмат қадашса, аралашиши, ҳимоя қилиши керак. Ахир гувоҳ ҳам керак экан-ку. Шукур мўйлов шунақа деди. Унинг Ўлмасга ишлатган зуғуми ҳам ясама, ёлғонмикин?

— Аданг билса, сени бўғизлаб ташлайди, — деди Гулсум опа жойидан жилмай.

Шу пайт ҳовлида эркак кишининг гўнғир-гўнғир товуши эшитилди.

— Ана, Шукур мўйлов келди, — деди Гулсум опа ва эшикни очди. — Айтдими сенга?

— Нимани айтади? Ўз кўзим билан кўрдим, соқчиси Ўлмасни олиб кетди. Шуми?

— Яна бошқа гап бор, ҳозир айтади, — дея Гулсум опа даҳлизга мўралади ва имлаб Шукур мўйловни чақирди. Пишиллаб Шукур мўйлов кирди, дераза тоқчасига ўтирди. Гулсум опа эшикни яна ёпиб, орқаси билан туриб олди.

— Бормаймизми? — хўмрайиб сўради Муқаддас. — Шошилтирувдингиз-ку.

— Борамиз, — деди Шукур мўйлов, гапни нимадан бошлашини билмай.

— Айтинг, — деди Гулсум опа жаҳл билан. — Билсин.

— Боя айтишга тилим бормади, — деди Шукур мўйлов, ўзи ўйлаб топган уйдирмага ишонарли тус беришни ўйлаб. — Дод-вой бўларди.

— Яна бир тўхмат ўйлаб топдингизми? — аччиқ кулиб сўради Муқаддас, деворга суюнганча. — Қани, эшитайлик.

— Тўхматми, тўхматмасми, керакли ташкилот ҳал қилади, — деди Шукур мўйлов оёқ остига тикилиб. — Агар гумон тасдиқ бўлмаса, қайтиб келади. Тасдиқ бўлса, Улмас трибуналга тушади. Трибунал ҳазиллашиб ўтирмайди. Ҳарбий трибунал. Эшитганмисиз?

— Қанақа гумон? — саволга жавоб бермай сўради Муқаддас.

— Улмас қочоқмиш.

— Ҳужжатларини ўзингиз кўрдингиз-ку, — деди Муқаддас Шукур мўйловнинг гапига ишонқирамай.

— Тамғаси суркалиб кетипти, ҳужжатлари қалбаки бўлиши ҳам мумкин, — деди Шукур мўйлов кўзини четга олиб.

— У инвалид-ку. Иккита қовурғаси йўқ, — деди Муқаддас бўш келмай.

— Иккита қовурғаси йўқлигини сиз қаттан биласиз? — сўради Шукур мўйлов пинда билан. Ушлаб кўрдингизми?

— Ўзи айтди, — деди Муқаддас ғаши келиб. — Саводингиз бўлса, кўргандирсиз, ҳужжатда ёзилган.

— Текширишсин-чи...

— Хўш, борамизми, йўқми? — сўради Муқаддас тажанг ҳолатда.

— Мен бораман, сизнинг ҳожатингиз йўқ, — деди Шукур мўйлов ва гапга чек қўйгандек, икки тиззасига кафтини уриб, ўрнидан турди.

— Гувоҳ керакмасми? Узингиздан чиққан гап-ку.

— Соқчи гувоҳликка ўтаверади. Сиз овора бўлманг. Ҳужжатлари тўғри чиқса, изига қайтариб юборишади.

— Ҳужжатлари тўғри! У қалбаки йўлга юрадиган йигит эмас!

— Жуда соз, текширишсин-чи, — деди Шукур мўйлов эшик томон қадам ташлаб ва нимадир унга таъсир қилиб, тўхтади, Муқаддасга истеҳзоли назар билан тикилди: — Умуман, сизга нима фарқи бор? Нега мунча куйинасиз? Билиб қўйинг, иш трибуналга борадиган бўлса, шунчалик ёнини олганингиз учун сизни ҳам жавобгарликка тортишлари мумкин. Дезертирлиги аниқланса, сиз шериги бўлиб чиқасиз.

— Ажаб бўлади-да! — ёвуз бир суюнч билан хитоб қилди шу топгача гапга аралашмай турган Гулсум опа. — Қамашсин икковини! Шу ҳаёсизлиги учун кўрсин адабини!

— Ғаламислик сиздан чиққан, ойи! — онасига тик қараб деди Муқаддас. — Агар уйдирма айб қўйиб, жазога тортишса, нима деган одам бўласиз? Виждонингиз қийналмайди, ойи?

— Баттар бўлсин, гўрсўхта! — чинқириб деди Гулсум опа. — Бировнинг турмушига раҳна солмоқчи бўлган одамнинг жаззаси шунақа бўлади. Ҳали ўшанга аза тутмасанг, асти ризо эмасман!

— Яхшимас, синглим, — деди Шукур мўйлов Муқаддасга танбеҳ берган бўлиб. — Одам деган шунчалик худбин бўлиши, ўз онасини қақшатиши инсофдан эмас.

— Сизнинг шингиз бўлмасин! Қилар ишни қилиб қўйиб, яна насиҳат берганингизга бало борми? Чиқинг уйдан.

— Чиқаман, — деди Шукур мўйлов вазминлик билан. — Иш бир ёқлик бўлмагунча, уйдан жилмайсиз. Агар буйруқни бузсангиз, ордер билан келиб, ҳибсга оламан. Билиб қўйинг.

— Қўлингдан келса, оттириб ташла!

Гулсум опа, унга эргшиб Шукур мўйлов индамай хонадан чиқди. Эшикни зич ёпиб қўйишди. Шукур мўйлов ҳозир Гулсум опадан ваъда қилинган улушини олади, этагини қоқиб чиқиб кетади, қолган можароларни бартараф қилишаверсин, унга нима ғам? Бунинг устига, Муродхўжа ака пишиб ётипти, бирон нарса юз берса, шу билан овора бўлиб қолишади, мусибат Муқаддасни ҳушёр тортишга мажбур қилади, ҳамма нарса унутилади...

Муродхўжа ака кун сайин ўзининг аҳволи оғирлашиб бораётганини билмай иложи йўқ эди. У барча чораларни қўллаб кўрди. Обрўйини, бойлигини, таниш-билишларини ишга солди, ман-ман деган мутахассисларни чақиртирди, турли-туман ноёб дори-дармонларни топтирди, игна санчилган жойлари шишиб, моматалоқ бўлиб кетди, бироқ дард ёмон ёпишган экан, энгиллашмади.

Муродхўжа ака бир неча бор урушдан ўғлини чақиртириш, уни кўриб қолишни хаёлига келтирди, аммо бу тилагини изҳор қилса, ўлимани тан олган бўлади, хонадонда ваҳима кўтарилади, деган андишага борди. Шу билан бирга, кундан-кунга ўғлини

кўра олмай қолишдан хавфсирай бошлади. У одатдагидек хизматига кетиш олдидан кирган Ҳошимжонга штаб раҳбарига Маъсудни зудлик билан фронтдан чақиртириб беришларини тайинлади.

— Айт, Ҳошимхўжа, — деди нафаси қисиб. — Аэропланда жўнатишсин. Вақт зиқ. Қарздор бўлиб қолмаймиз. Шошилтир, ўғлим.

— Хўп, ада, ҳозироқ бориб айтаман, — деди Ҳошимжон ва фойтунга ўтириб, Тупроққўрғонга кетди. Гарчи у ҳозир ҳарбий хизматидан озод қилинган, қайнотасининг ўрнида ишлаётган бўлса-да, Тупроққўрғоннинг йўли ҳамон унга ёд, штабдаги одамларнинг қайси бирига учрашни яхши биларди. Ҳошимжон ваъдасининг устидан чиқди, штабда «керакли» одамни топди, у қайнотаси билан улфат бўлгани учун, тап тортмай илтимосни айтди, бироқ «аэроплан» сўзини тилга олмади. Ҳошимжон фронт томонидан муттасил самолётлар Тошкент орқали жанубий шаҳарларнинг ҳарбий қисмларига қатнаб туришини, агар «у ёққа» телефон қилишса, Маъсудни дарҳол жўнатишлари, узоғи билан икки кунда бу ерга етиб келиши мумкинлигини биларди, шунинг учун ҳам «аэроплан» сўзини ишлатмади. Аммо беморнинг аҳволи анчайин оғир эканини уқдирди. Агар комиссар самолёт кераклигини ўзи англаса, майли, англамаса ундан яхши. Устига-устак, Ҳошимжон қайнотасининг омонатлигини, узоқ борса уч-тўрт кунлик умри қолган бўлиши кераклигини гапга қистириб қўйди, бу билан ўғли барибир улгурмаслигини ва уни олиб келиш билан боғлиқ бўлган ҳаракат бефойдалигини ҳам эътироф қилгандек бўлди.

— Тушунмадим, — деди ҳарбий комиссар таажжубланиб. — Чақиртирайми ёки ҳожати йўқми?

— Узингиз биласиз, — деди Ҳошимжон мижғовланиб. — Агар улгурмаса... Тағин ким билади, дейсиз? Вазиятга қараш керакмикин?..

Ҳошимжон комиссарга тайин талаб қўймай, гапни мужмал қилиб чиқди. Шунинг ўзи ҳам етарли. Энди комиссар «у ёққа» телефон қоқса ҳам қатъийлик қилмайди, фронтдаги вазиятга қарайди. Ҳошимжонга қолса, Маъсуднинг келмагани маъқул. Албатта у ёшлигига бориб, жанг майдонига киришга ошиққан, жанг майдони қаҳрамонликдан иборат бўлади, деб ўйлаган, лекин ҳақиқий жанг унинг тасаввуридан минг чандон даҳшатли бўлиб чиққан, энди бу ёққа келса, қайтиб кетмаслик чораларини ахтаради, уддасидан чиқади ҳам. Унинг устига анови жазмани қамоқда бўлиб кетганини билиб, ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилади, тагига етади, унда нима бўлади? Ҳошимжон, мана, отасининг ўрнини эгаллади, отаси савлат тўкиб юрадиган фойтунда юрипти, аввал Ҳошим эди, энди Ҳошимхўжа бўлиб қолди, бунинг учун у ахир озмунча ҳаракат қилдими? Мана, Муродхўжа аканинг даромадлари ҳам аста-секин унинг ҳамёнига оқа бошлади. Шунча уннашлар эвазига эришган рўшноликлари Маъсуд келиши билан барбод бўлиши керакми? Ишқилиб, комиссар уни чақирмасликка фаросати етсин! Чақирган тақдирда ҳам, Маъсуд отасининг ўлимидан кейин келса, ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, чунки барча ишларнинг тизгини Ҳошимжоннинг қўлига ўтган бўлади.

Ҳошимжон ишдан қайтгач, қайнотаси ҳузурда пича ўтирди, унинг топширигини комиссарга етказганини айтди, кейин хонадан чиқиб, ўз уйи томон ўтди.

Муқаддас қизчасининг кўйлагига дазмол босар, қовоқлари шишган, йиғлаган кўринади. Ҳошимжон хотинининг кайфиятини отасининг аҳволига йўйди, индамай жу-жун кителини ечиб стулга илди, ювингани ҳовлига тушди. Унинг назарида хотини авваллари ҳам рўйхуш бермас, айниқса отаси касалга чалинганидан кейин баттар ёввойи бўлиб қолган эди. Табиатан ўзи ҳам камсуханлиги учун хотинининг тумтайиб юриши Ҳошимжонга малол келмас, баъзан кун бўйи гаплашишмаса ҳам бунга эҳтиёж сезмасди. Ҳозир эса, айниқса университетнинг тарих факультети ташқи бўлимига кириб олганидан кейин, китоб мутолаа қилиш баҳонасида боғ этагидаги айвончага тушиб кетар, кечки овқатга чақирмагунларича у ердан бери келмас эди. Мана бугун ҳам ювинади, қизчаси билан гилос тагидаги тўкима креслода ўтириб ичи кумоқ тарвуз ейди, китоб қўлтиқлаб боққа чиқади, айвончадаги пашшахона остида бир оз чўзилади, мутолаа қилади.

Ҳошимжон боғ этагига тушганида айвончадаги пашшахонанин бир томон канопи узилган, пашшахона ёғим, эзғиланган эди. Ҳошимжон канопни улаб, пашшахона четини кўтарди, остига кириб ўринга чўзилди кун бўйи йиғиштирилмаган кўрпа билан ёстиқ илиқ эди, тез салқин тушадиган кузнинг ҳавосида ёқимли туюлди.

51

Уша куни Ўлмас уйга қайтмади, Мунис опа қизлари билан тонг оттириб чиқди. Эртасига ҳам ўғлидан хабар бўлмади. Мунис опа чиндан хавотирлана бошлади. Шукур мўйлов ўғлини бежиз олиб кетмагандир? Ростдан ҳам Ўлмас билан ножўя иш қилиб қўйган бўлиши мумкин. Нега бўлмаса Шукур мўйлов «қочоқ» дейди? Бекордан-бекорга бировни «қочоқ» деб айблаб бўладими? Демак бирон ишқал бор, фақат онасига айтмаган, яширган. Ё, парвардигор! Энди бу маломат бормиди шўрлик бошига? Наҳот улар энди ўғлига жазо беришса? Ҳарбий трибунал, деган гапни Мунис опа эшитган эди. Ҳарбий трибуналга тушганлар у ердан омон чиқишмас эмиш. Ҳа, нодон бола! Шунча йиллар

мобайнида жанг қилиб, шунча азоб-уқубатларга бардош бериб, озгина қолганда номаъқул иш қиласанми? Қирқиға чидаб, қирқ бирига келганда... Оҳ, нобакор! Оҳ, бетамиз бола! Онангни абгор қилдинг-ку!

— Ойи! — деб қичқирди Мунис опанинг кичик қизи. — Ҳадеб қақшайверманг ахир! Акам қочоқ эмас! Иккита қовурғаси олиб ташланган-ку! Инвалид. Ўзим кўрдим ҳужжатини. Шукур мўйлов қасддан қилган. Акамда айб йўқ.

— Айби бўлмаса, соқчини олдиға тушиб кетармиди? — деди Мунис опа куйиниб. — Бир гап бор. Энди уни отиб юборишади. Вой, шўргинам қуриди мени! Шунча урушлардан омон қолган болагинамни нобуд қилишади. Вой, болам!..

— Юринг, ҳозир борамиз ўша комендатура деган жойига! — аламзадалик билан деди катта қизи. — Бу ерда айюҳаннос солиб ўтиришдан нима фойда? Ёки бўлмаса, ўша Шукур мўйловни ахтарамиз, акамизни топиб бер, деймиз?

— Баттар бўлади, қизим, — деди Мунис опа тўлғаниб. — У одамни билмайсанлар, бировга кўз тикдими, ёстиғини қуритади. Биз ҳам балога қоламиз. Хоиннинг тарафини оляпсанлар, деб, бизнинг ҳам пайимизга тушади, бошимизга балоларни солади. Ундан четроқ юрган маъқул. Хонавайрон қилади.

— Бўлмаса комендатурага борамиз, — деди тўнғич қизи сал ҳовуридан тушиб. — У ердагилар ҳам одам-ку, бирон нарса дейишар, аҳволимизни тушунишар.

— Ўзим бораман! — деди Мунис опа шижоат билан. — Сўраб-суриштириб топиб бораман! Дод, дейман! Болам у ёқда не аҳволда кўзи тўрт бўлиб ўтирса-ю, мен қандай бу ёқда тинч юрай? Бораман. Сенлар қолларинг. Лоақал касри сенларга урмасин. Мен қари хотинман, онаман, бало ҳам тегмайди. Олиб чиқ паранжини, ёпиниб бораман. Зора раҳим қилишса...

Мунис опа оқшом пайт қайтиб келди ва паранжисини елкасига тушириб, чорпоёга мажолсиз ўтириб қолди. Унинг оқара бошлаган сийрак сочи тўзғиган, кўзларида лоқайд мунг қотиб қолгандек эди.

Қизлар айвон ҳатлаб оналари томон отилишди.

— Нима бўлди, ойи? — хавотирдан дағ-дағ титраб сўрашди улар. — Тинч эканми? Нима дейишди? Кўрдингизми?

— Тинч дейишди, — деди Мунис опа бўлак йиғлашга ҳам мадори етишмай. — Алдашдими, ростини айтишдими, билмадим. Туркменистоннинг аллақайси чегарасидаги шаҳарчага топшириқ билан жўнатишипти. Яқин орада хат келади, дейишди. Шунгаям раҳмат, дедим, иложим қанча? Ишқилиб омон бўлса бас, бир кун етишармиз...

Тўртинчи синфда рус тилидан дарс олиб боришни Мансур ака вақтинча Ойнисага топширди. Мунис йил ишлаб тажриба орттирсин, кейин кўрамиз, уддасидан чиқса, бошқа синфларни ҳам топширамиз, деган фикр билдирди. Ойниса Мансур ака берган барча қўлланмаларни қунт билан ўрганиб чиқсада, олдиндан тажрибаси бўлмагани учун биринчи дарсларни кўрқув ва ҳаяжон билан ўтказди. Кейинчалик ишга ўргана бошлади. Мансур ака бир-икки марта Ойнисанинг дарсига кириб ўтириб, рус тилидан ўзи нуноқроқ бўлсада, ўқувчиларнинг бурро жавобларидан англадики, Ойнисанинг дарс олиб бориши ёмон эмас, у зеҳнли ўқитувчи, агар малакасини ошириб борса, яхши натижаларга эришиши мумкин. Андижондаги педагогика билим юртининг ташқи бўлимига киришни Ойнисага маслаҳат берди, пахтадан озод қилди ва кунлардан бир куни керакли ҳужжатларни дастрўмолчага ўраб, Ойниса Андижонга йўл олди. Ҳозирда у фақат рус тилидан дарс ўтаётгани ва синфи атиги битта бўлгани учун пахта териш мавсумигача бўш кунлари бор, оилага, ногирон қайнонасига, рўзгорга қараш имконига эга эди. Ойниса уй кўтарди. Тахмонда йиллаб ишлатилмаган уч-тўртта кўрпа-ёстиқни, хоналарнинг заранг ерига тўшалган шолча, кигизларни офтобга солди, титилиб кетган бўйралар тагини шипириб, ўрнига янгисини ташлади, палапартиш қилинган сомон сувоқли деворларни оҳак ивитиб оқлаб чиқди, докадан бўлса ҳам деразаларга парда осди, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилди, ҳатто гувалалари кўриниб ётган ўчоқни сувади, сувоқ қуригач, оқлади, Қаюмжон бошчилигида тўртта устун кўмиб, ошхона теласини ёпишди, атрофини бордон билан тўсишди. Эндиликда Қаюмжоннинг усти-боши ювилган, озода. Қайнонаси, болалари ораста, Ойнисанинг ўзи тинч, ҳатто мактабдаги ишлари тартибга туша бошлаганидан, кайфияти ҳам чоғ эди.

Бироқ Ойниса Андижондан дили вайрон бўлиб қайтди.

Педагогика билим юрти маъмурияти Ойнисанинг ижтимоий келиб чиқиши билан танишиб, отаси халқ душмани айбномаси билан отилиб кетгани учун хоиннинг қизини ўқишга олишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топди, ҳужжатларини қайтариб берди. Ойниса кечки пайт тарвузи қўлтиғидан тушиб, қишлоққа келди. Уйига кирганда ҳайтовур Қаюмжон даладан ҳали қайтмаган экан. Қайнонасининг кўзи оғиз — унинг йиғидан шишган қовоқларини, қизарган кўзларини кўрмади, болалар эса эйтибор беришмади, онаси келтирган хўрозқанд билан овора бўлишди. Ойниса ўчоққа уннаб кетди.

Терилган ҳосил охирги толасигача Марҳаматдаги пахта пунктига топширилиб, сводка райкомга берилмагунча Қаюмжон уйга қайтиб келмайди, баъзида идорада тунаб қолади. Чарм диванда-бир икки соат мизғиб олади, холос, яна далама-дала изғийди. Пахта теришининг ўзи билан иш битмайди, уни сомон сувоқ қилинган хирмонга ёйиш, тинмай ағдариш, қуритиш, кейин қанорларга жойлаб, араваларга ортиш, пахта пунктига олиб бориш, навбат кутиш, пахтанинг намлигини аниқловчи билан тортишиш, жанжаллашиш, баъзида ялиниб-ёлбориш, амал-тақал билан қоғоз олиш, қоғозни ёнга уриб райком биносига югуриш керак. Райкомнинг масъул ходимлари орқада қолаётган ҳўжаликлар раисига, ҳосилотига ўдағайлашади, етакчи раислар олдида изза қилишади. Изза бўлганлар бошларини ҳам қилиб, ҳақоратларга чидашади, одам камлигидан, ишчи кучи етишмаётганидан нолишади, райкомнинг масъул ходими ҳеч нарсани тушинишни истамайди, хоинликда айблайди, шўрлик раис яна ваъда бериб, колхозига ошиқади, ярим кеча демай, бригадир, звеновойларни йиғади, энди раис уларга ўдағайлайди, ҳақорат қилади, хоинликда айблайди, жиноий чора билан кўрकिлади, улар ҳам одам етишмаётганлигидан нолишади, ваъда бериб, идорадан чиқиб кетишади, каллаи саҳар одамлар далага тушишларидан олдин, уларни тўплаб, ҳақорат қилишади, ўдағайлашади, ишга ҳайдашади. Бригадирлар ихтиёридаги заҳматчилар асосан хотин-халаж бўлгани учун, улар қоида тусига кирган саҳарги қйратувни лом-мим демай ичга ютиб, эгатларга шўнгишади, қоронғу тушмагунча, даладан кетишмайди. Қаридир, ёшдир, болалик-боласиздир, касалдир-мажруҳдир, иккиқатдир-қисрдир, очдир-яланғочдир, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, пахта териш керак — вассалом. Ҳар куни аҳвол шу. Мамлакатга пахта керак. Сендан Ватан, доҳий Сталин пахта кутмоқда! Пахта мудофаа аҳамиятига молик маҳсулот! Ундан ўқ, плёнка, кийим, ярадорлар қонини тўхтатиш учун бинт қилинади. Кимки буни тушунмаса, ёки тушинишни истамаса, хоинлик қилган бўлади. Эринг, фарзандларинг, аканг, уканг, отанг қон кечиб жанг қияпти, ўляпти, ярадор бўляпти — бу кам. Улар хандақларда, ботқоқликларда, қорда, жалада, сен — далада, эгат орасида пайкалда, хирмонда. Боланг ёшми? Безгакми? Ичбуруқми? Очи? Қаровсизми? Йиғлаяптими? Уляптими? Бунга ҳеч кимнинг иши йўқ. Шуни билиб қўй! Фалабага эришилса, демак барча қурбонликлар, қурбонлар ўзини оқлайди...

Пахта теримига чиқиш биринчи синф болалари учун янгилик эмас. Оналари баҳор чопиғи ва яганалашдан тортиб, ғўзапоя теримигача олиб чиқишади, чунки кўп хонадонларда уларга қарайдиган киши бўлмайди, ўзларини ташлаб, дала ишига кетиш хавфли, унинг устига яна кенжароқлари бўлса, уларга қарашга ярайди, пайкал бошидаги қуруқ ариқча ичидаги жулдур чопонга ўроқлиқ укалари атрофида бўлишади, гўдаклар қаттиқ йиғлаб ҳадеганда овунишавермаса, эгат орасида кетмон чопиқ қилаётган оналарини чақиривади, улар чиқиб эмизишади, ўзлари бир оз дам олишади, яна эгат оралаб кетишади. Беш-олти яшарли ўғил-қизлар тетикроқ бўлишса, оналари уларга теша-кетмон тутқазивади, далада ўсиб кўзи пишиб кетган болалар оналари ёнига киришади, кўп бўлмаса-да, ёрдам беришади. Болалар бундай амалга нотабиий деб қарашмайди, ҳаёт тарзи шунақа экан, деб ўйлашади, фақат ухлаш учун қош қорайганда уйларига қайтишади, ўйинчоқ уйнаш, баҳор кезлари варрак учириниш нималигини билишмайди. Пахта теришади, эгатлар орасида кўринмай кетишади.

Мансур ака мусидрик қилаётган мактаб етти йиллик, ўқувчилар ҳар йили биринчи синфдан тортиб еттинчигача дарсдан кейин тўппа-тўғри далага равона бўлишади. Ҳатто баъзи тиғиз мавсумда мактаб эшигига қулф тушади. Уқувчиларни битта қўймай ҳайдашади.

Қайси бир қариянинг: «Болаларни бойлар ҳам мунақа ишлатмаган», яна бирининг: «Гўдаклар дала нималигини билишмасди, шўро шарофати билан йўргакдалигидан пайкалга чиқадиغان бўлди», — дегани Қаюмжонга қаттиқ таъсир қилди, аммо унинг иложи қанча? Бирон аёлга, ишдан озодсиз, болангизга қаранг, дея оладими? Биттасига раҳм қилса, иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси... Далада ким ишлайди? Раис бўлатуриб, Қаюмжоннинг ўзи ҳаммомга тушяптими? Тўйиб овқат еяптими? Ухлаяптими? Уйга гоҳ ярим тунда бориб, гоҳ бормаса... хотинини ўқувчилар қуршовида пахтазорда учратиб қолади. Худо кўрсатмасин, онаси ўлиб қолса, кўмишга ҳам кўли тегмайдиганга ўхшайди...

Тўғраб қуритилган угра бор эди, Ойниса ёғ қизиши билан қозонга пиёз, жаз ташлаб бир-икки ковлади, сув қўйди; сув қайнаб чиққач, угра солди, оловни тортиб, қозонни милтиллаптиб қўйди. Ҳувиллаб турмаслиги учун Қаюмжон билан ётадиган хонага чироқ ёқиб, пилигини пасаптириб қўйди. Овқат сузилган косаларни одатда ўтириб овқатланадиган қайнонасининг хонасига олиб кирганида, тўрда кампир тасбеҳ ўтириб ўтирар, мусулмон ёшида Алижон ҳавонча дастаси билан данак чақар, битта мағизни Жамиланинг оғзига, иккинчисини ўзиникига солар эди. Овқатланиб бўлишгач, Ойниса етиш учун жой тўшади — ўртага қайнонасига, унинг икки ёнига Алижон билан Жамилага. Онасининг бошқа хонада анови «амаки» билан ётиши бошда Жамилага эриш туюлиб юрди, ҳеч



қачон онасидан бўлак ётмаганидан ҳархаша қилди, ҳатто қизининг кўнгли учун Ойниса қайнонасининг хонасида ётиб қолишга ва қизи обдан уйқуга кетгач, аста-секин Қаюмжон ётган хонага чиқиб, сахар пайти эрини ишига жўнатгач, яна бу ерга қайтиб, қизининг ёнида ётиб юришга мажбур бўлди.

— Нимага сизни Алижон ая дейди? — сўради Жамила онасидан Алижон кўчадалигида. Қизча пайт пойлаб юрган экан чамаси, биринчи имконият туғилиши билан саволга тутди. — Сиз менинг аямсиз-ку.

— Алижоннинг аяси йўқ, шунинг учун мен аяси бўлдим, — деди Ойниса, фикрини соддароқ ифодалашга уриниб.

— Нега аяси йўқ?

— Аяси ўлган, уни хафа қилиш керак эмас, Жамила, тушундингми?

— Ҳм, — деди Жамила ўзича нималарнидир ўйлаб. — Энам анаву амакимни дада, дегин, деяпти. Дада, дейми?

— Албатта.

— Ҳзимни дадам-чи? Урушдан келади, девдингиз-ку.

— Келмайди, қизим. Немислар ўлдиришган.

— Энди амаким дадам бўладими?

— Ҳа, қизим. Сен ундан ётсирамагин. Амакинг яхши одам. Сени яхши кўради.

Дада, дегин.

Гарчи Жамила отасининг ўлганини эшитиб, йиғламаса-да, унинг мурғак қалби ларзага тушди. Бу мусибат қизчанинг ҳаётидаги биринчи зарба эди. У энтиқиш аралаш хўрсиниб қўйди, Ойниса кўзига келган ёшни кўрсатмаслик учун қизини бағрига босди...

Кеч кузнинг тунлари аёзли. Ойниса дераза тоқчасига тақаб қўйилган хонтахта ёнига ўтирганча, ўқувчилар дафтарини текшираётиб, совуқдан бадани жунжиқди. Чироқни пасайтириб, кўрпага кирди. Анчагача исина олмади. Қаюмжон келса, Андижонда бўлган воқеа ҳақида гап очиб, буни Мансур акага ҳам айтса иш бузилмасмикин, деган маънода маслаҳатлашмоқчи эди. Эри бу кеча ҳам келмади.

У одатига кўра эрта уйғонди, ўрнини йиғиб, ташқарига чиқди. Ҳаво булут, изғирин шамол сариқ барглари тўзон аралаш чирпирак қилар, теракларнинг учи эгилиб шовуллар эди.

Ойниса ўчоққа ўт ёқди, ўтин қалади, самоварга пайраҳа ташлади, ичкарига кирди. Болалар уйқуда, қайнонаси намоз ўқиб бўлиб, жойнамозда тасбеҳ ўгириб ўтирар, лаблари пичирлар эди, келинининг саломига бош қимирлатиб, алик қилди.

— Ўт олдирдим, — деди Ойниса яланг оёғида таги бўйрали шолчани ғарч-ғарч босиб. — Ҳозир сандалга чўғ соламан. Ташқари совуқ.

Қайнонаси боши билан маъқул ишорасини қилди.

Ойниса сандал курсига кўрпа ташлади, дастурхон ёзди, мис баркаш қўйди, зоғора ушатди, шинни келтирди.

Сандалга чўғ солиниб, самовар келгач, хонага файз киргандек бўлди. Чала-чулпа чой ичиб, Ойниса мактабга жўнади.

— Ойнисахон, бу ёққа киринг, бир оғиз гап бор, — деди Мансур ака, дарсга кириб кетаётганида уни чақириб.

Ойнисанинг юраги шувиллаб кетди. Андижонга бориб келганимни сўрайди деб ўйлади хавотирда, ўқишга қабул қилинмаганим сабаби уни ўйлантириб қўяди.

Мансур ака ҳақиқатда гапни шундан бошлади. Ойниса бўлган воқеани батафсил айтиб беришга мажбур бўлди, гапининг охирида куйинди:

— Қачонгача отамнинг маломати оёғимдан тортади, домла? — деди ва беихтиёр йиғлаб юборди.

Мансур ака гуноҳкордек, чуқур хўрсинди, бошини ҳам қилиб, кўзойнагини артишга тушди.

— Паймонангиз шунақа экан, Ойнисахон, чидайсиз, иложингиз қанча? — деди ниҳоят айбни тақдирга тўнкаб. Шу йўсин муддаога ўтиш унинг учун ўнғай эди. — Ўқишга кирмаганингиз катта талофат эмас, қизим. Жонингиз омон, мана, худога шукур, бошингизда эрингиз бор, қизингизга оталик қилади. Қамашса, зурриётингиздан айиришса, арз-додингизни кимга айтардингиз? Шукур қилиш лозим, қизим. Шаккокликка худонинг қаҳри келади, иноятини дариг тутади.

— Шукур, домла, шукур, — деди Ойниса шошилиб, гўёки нолиши яна офат келтирадигандек ва шунинг баробарида негадир домланинг ширинсухан бўлиб қолганидан ҳам таажжубланди, ҳам чўчиди. Мансур аканинг дилида нохуш бир сири бор, айтишга ботина олмаяпти, ўйлади Ойниса, нега бўлмаса бунча айлантиради, дарров айта қолмайди? — Домла, гап бор, девдингиз. Қулоғим сизда. Дарсга киришим керак. Болаларнинг овози келяпти.

— Дарсга кирмай қўяверинг, — деди Мансур ака аранг муддаосига ўтиб. — Озор чекибсиз, дам олинг, уйингизга қаранг.

— Нега, домла? — гумонсирай бошлади Ойниса. — Дарсимни ўтмасам, қолиб кетаман, кейин етиб олишим қийин бўлади.

— Ҳар қалай сиз ҳаваскор муаллимсиз, қизим, тажрибангиз етарли эмас, — деди

Мансур ака, зўраки далиллар келтиришга мажбур бўлиб. — Ҳатто еттинчи синфни битирганингиз ҳақида ҳужжатингиз ҳам йўқ. Оғзаки гапингизга қараб, вақтинча синф берувдик.

— Ўзингиз дарсимга кириб ўтирдингиз, дарс олиб боришимни маъқулладингиз, мақтадингиз, — деди Ойниса алланималарни андуҳ билан тусмол қилса-да, яна умидини узмай. — Ўзингиз Андижонга бориб ўқишни давом эттиришим кераклигини маслаҳат бердингиз. Бунга раҳмат. Аммо ўқишга олишмаса, айб мендами?

— Гап ўқишда эмас, Ойнисахон...

— Нимада? Истиҳола қилмай айтаверинг, домла, нохуш хабарларга ўрганиб кетганман.

— Кеча маориф бўлимига борувдим, — деди Мансур ака узоқ сукутдан кейин. — Фақат сўз беринг, Ойнисахон, мен бу масалани сиз билан муҳокама қилишим керакмас эди... Сизни кўзим қиймаганидан айтишга ботиндим...

— Сўз бераман, домла, айтаверинг, — деди Ойниса мудирнинг гапини бўлиб. — Гап шу ерда қолади.

— Қаюмжонга учини чиқарсангиз бўлади, у тушунадиган йигит, кўрсам, ўзим ҳам айтаман, — деди Мансур ака ва мавзуга ўта олмай, яна тутилиб қолди.

— Қийналманг, домла, — деди Ойниса негадир айни пайтда енгил тортиб. — Маорифдагилар бохабар бўлишиб, дарҳол сизни чақиртиришган, халқ душманининг қизи мактабда дарс бериши сиёсий хато, болалар тарбиясини унга топшириш мумкин эмас, совет ўқувчиларини бузади, шунинг учун уни ҳайдаш керак, дейишган. Шунақами?

— Ҳайдаш керак, дейишгани йўқ, — деди Мансур ака ўзини мунофиқ сезиб.

— Нима дейишди?

— Ўқувчилар тарбияси билан бевосита боғлиқ ишга «жалб қилмасликни тавсия эта-миз», дейишди. Ҳайдаш керак, дейишмади. Фарқи бор, Ойнисахон. — Ойнисадан садо чиқмади. — Мен кичкина бир одамман. Замон қалтис. Қариган чоғимда бошимга ғавро орттириш хавфли...

Ойниса ҳовлига чиқди ва орқасига, энди қадрдон бўлиб келаётган мактаб томонга бирон марта қайрилиб қарамай, тез юра кетди.

Ойнисанинг омонат ҳаёти, худди нимжон ниҳолнинг илк барглари каби энди маълум мазмунга эга бўлиб келар, у ўқитувчилик қилиб, баҳоли қудрат ўзининг кимларгадир фойда келтириш қобилияти борлигига ишона бошлаган, шундай бир пайтда яна ҳаммаси чил-парчин бўлган эди! Ахир ҳаёт фақат тўқликдан, ухлашдан иборат эмас-ку. Қандайдир интилиш, эзгулик ҳам бор-ку! Мансур ака айтгандек, Ойнисанинг паймонаси азалдан шунақа бичилган эканми? Бу ёғи у қизини вояга етказиши, яхши тарбия бериши, маърифатли қилиши керак. Майли, Ойниса эндиги ҳаётини шунга тикади! Ишқилиб, бу бечоранинг йўлида тўғаноқлар бўлмасин!..

Кеча Андижонга кетатуриб, Ойниса бир ниятни кўнглига тугиб қўйган, агар ҳамма нарса жойида бўлса, қайтиб келиб Қаюмжонга ўқишга кирганини айтиб, хурсанд қилмоқчи, яна қўлоғига бир нарса шивирлаб, қувончдан эрини эсанкиратмоқчи, суюнчи олмоқчи эди. Бу ниятнинг ҳам завқи хиралашди. Ойниса никоҳдан кейин икки ой ўтар-ўтмай буни сезиб қолди. Бунчалик тез бўлади, деб ўйламаган эди, ҳам хурсанд бўлди, ҳам алланечук ғалати туйғу ҳис эди. Буниси қанақа бўларкин, пойқадами қандай келаркин?..

Муродхўжа аканинг ўлим маросими дабдабали бошланиб, дафъатан улкан мотамга айланиб кетди — Маъсуднинг ҳалок бўлгани ҳақида ўша куни қорахат келди. Азага-аза қўшилди, ҳовли қий-чув, уввосга тўлди. Тумонат халқ тўпланди. Баъзилар Муродхўжа акани танимас, машхур одам дунёдан ўтгани ҳақидаги овозани эшитибок, бир бурда нон илинжида келишган, деярли ҳаммага ризқ улашилгани учун, ҳеч ким насибасиз қолмас эди. Ҳаво совуқ бўлганидан, ҳовлининг ўртасига, кўча дарвозаси олдидаги майдончага тўнка қалаб, машъала ёқишган, шариат ман қилса-да, дошқозонлар осилган, бирида эт, калла-поча биқиллар, иккинчисидо лаҳм жазиллар, ҳамма ёқни тутун аралаш буғ ва таом ҳиди тутган, иккала тандирда кетма-кет нон ёпилар, одамлар тинмай чой ташир, дастурхон ёзар, патнис, кўрпача билан югуриб ўтишар, пешайвон салладор ула-молар, погонли офицерлар, нуфузли амалдорлар билан тўлган, парда билан ажратилган ичкарида хотинларнинг увиллаб йиғлаши эшитилар эди.

Салоти жанозага Муродхўжа ака билан бирга Маъсуднинг ҳам номи қўшиб ўқилди, восиқликка Ҳошимжон турди ва якка ўзи ҳасса тутиб тобут олдида «отам» деб қаб-ристонга борди, биринчи бўлиб қайнотасининг гўрига тупроқ ташлади, қуръон туширган домла-имомларга тугунча ва иона берди, маросим аҳлига шойи белбоғ улашди, гўрковни четга имлаб, қўлоғига нималардир деди, ноз-неъмат тугилган чорсини ўз қўли билан берди, бир даста пулни қўйнига тикиб қўйди.

Дафн тугагач, мозор бошига борганларнинг ҳаммаси азахонага қайтиб келди.

Қироатхонлик бошланди. Бири тугатиши билан иккинчиси илиб кетар, «О!О-ми-ин!» «Раҳматга ё-ё-ёр!» хитоблари янграр, ҳамма ёқни мотамсаролик тутган эди.

Одамлар сийраклашгач, паранжига ўралиб Гулсум опа, Муқаддас ва яна бир неча аёл гўристонга бориб, тиловат қилиб келишди.

Кечга томон Ҳошимжон бир ўзи мозор бошига борди, тиловат қилмади, гўрковни чақирди, яна бир даста пул узатди.

— Ие, нима қиялпсиз? — деди гўрков пулни қайтариб. — Боя берганингиз етади.

— Олаверинг, гап бор, — деди Ҳошимжон вазминлик билан. Гўрков пулни олишга мажбур бўлди. — Айтган гапим эсингиздами?

— Ҳа, келаман, девдингиз, — деди гўрков итоаткорлик билан.

— Марҳумнинг фарзанди ҳам ҳалок бўлди, бугун қорахат келди, биласизми? — деди Ҳошимжон гўрковга синовчан тикилиб.

— Биламан, дуога қўшиб ўқилди.

— Балли, — деди Ҳошимжон бошини қимирлатиб. — Онаси кўп озор чекапти.

— Албатта-да, фарзанди ўлади-ю, озор чекмайдими?

— Ирим-да, номига бўлса ҳам, бирон нарсасини отасининг ёнига қўйиб кўминглар, деган тилак билдирди. Мана, расмини олиб келдим, — деди Ҳошимжон ва кўкрак чўнтагидан Маъсуднинг фронтдан юборган фото-расмини кўрсатди.

— Майли, — деди гўрков расмга қараб олиб. — Алоҳида гўр қазийми, ёки марҳумнинг ёнига қўямизми?

— Марҳумнинг ёнига қўйилгани маъқул, — деди Ҳошимжон.

— Бўпти, мен ҳозир шеригимни чақирай, биргалашиб очамиз, — дея гўрков жилган эди, уни Ҳошимжон тўхтатди:

— Ҳожати йўқ. Ўзингиз очинг. Мен қарашиб юбораман.

— Йўқ, сиз нарироқда ўтира туринг, — деди гўрков. — Ўзим бирпасда очаман. Тупроқ-ку, қийин мас.

— Ихтиёрингиз, — деди Ҳошимжон ва нарироқдаги йўлка четига қўйилган скамейкага бориб ўтирди.

Гўрков чаққон ҳаракатлар билан ишга тушиб кетди ва гўрни очиб бўлгунича шом қуюқлашди.

— Расмни опкелинг, — деган гўрковнинг овози эшитилди ниҳоят.

Ҳошимжон дик этиб турди, пальтоси чўнтагига яшириб қўйган батареяли фонарь ва омбурни олиб, гўрковга узатди. Маъсуднинг расмини ҳам берди, чоқда турган гўрковга эгилиб, алланималар деди.

— Тиловат қилиб юборасизми расмга? — сўради гўрков.

— Боя ўқилди, ўша кифоя, — деди Ҳошимжон ва нарироқ бориб турди, лаҳад ичида фонарь шуъласини кўрди.

Бир оз вақт ўтгач, чоқда гўрков кўринди, Ҳошимжонга имо қилди.

— Чироқни ўчиринг, — деди Ҳошимжон ва гўрковнинг қўлидан латтага ўроғлиқ нарсани олди. Бу — Муродхўжа аканинг тилла тишлари бўлиб, латта қондан нам эди. — Мен кетдим, ўзингиз тупроқ тортиб кўярсиз. Келишдик, а? Тагин оғзингиздан бировга гуллаб қўйманг.

— Хотиржам бўлаверинг, — деди гўрков қоронғидан овоз бериб ва япалоқ гувалаларни лаҳад оғзига тера бошлади.

Ҳошимжон сағаналар орасида туртина-туртина, ниҳоят кўчага чиқди. Бугунги кун — унинг тантана кунини эди! Барча бойлик, қайнотасининг ишларини бошқариш Ҳошимжоннинг қўлида, у энди ягона меросхўр, ворис, ҳоким! Албатта, Муродхўжа аканинг артеллари, цехлари, тегирмонлари омонат, уруш тўхтаса, бунақанги хуфия даромад келтирадиган чала-расмий манбалар тугатилади, аммо унга ҳали анча вақт бор, унгача талай мулк орттириб олиш мумкин! Қолаверса, мана, институтга кирди, ҳаш-паш дегунча тугатиб олади — жаззаси пул-да! Диплом қўлига теккандан кейин, аспирантурага уриниб кўради, унинг ҳам бир йўриғи топилади. Насиб бўлса, кандидатлик ёқлайди, кейин доктор бўлади, тарихий китоблар ёздириб, эълон қилади. Ҳозир энг муҳими: партия сафи-га кириб олиши керак! Катта бир тармоқнинг раҳбари — Ҳошимжонни қабул қилмай, қаёққа боришарди?!

Қаюмжоннинг колхозни планни бажара олмади. Октябрь ойининг ўрталарида сурункасига уч кун ёмғир ёғди. Кейин ҳаво юришиб кетди, аммо кўрак кўнгилдагидек очилмади. Шундоқ бўлса-да, халқ ҳамон далага чиқар, чаноқда бор пахтани терар, кўсак тўлдирилган қаноралар уйма-уй тақсим қилиб берилар, одамлар тун бўйи кўрак чувиб чиқишар эди. Бироқ бу чоралар ҳам самара бермади. Ноябрь ойининг бошларидаёқ қор ёғди, усиз ҳам қийин аҳволни баттар мушкуллаштирди.

Плани тўлган колхозларнинг ҳам омборлари ошиб-тошиб кетаётгани йўқ, инқиллаб-сиқиллаб аранг кун ўтказишмоқда, план тўлдирмаган колхознинг аҳволига вой. Қаюмжон ҳосил яхши бўлиши учун жонини аямади, бироқ режаси чала қолди. Одамларни

ишонтирди, умидвор қилди, кези келганда ёлборди, ўдағайлади, бирини ака, бирини ука деди, силласи қуриган одамлар эргашди, кун чиқишидан ботишигача эгатдан бери келишмади. Ҳатто Тўрақул аканинг муридлари Қаюмжоннинг ташаббусини кўриб, «пир»дан кўнгиллари совиди, Қаюмжоннинг тарафини оладиган бўлиб қолишди. Аммо еттинчи бригада тўплаган бир ғарам пахта ёмғирда қолиб, қизиш натижасида ёниб кетганидан кейин, Қаюмжонни бир-икки марта район марказига чақиртиришди. Қаюмжон у ердан ҳар гал саросимада қайтди. Айниқса, пахта плани тўлмагач, «мурид»лар яна «пир» пинжига киришди, яна керакли идораларга ёзишмалар юборила бошланди. Тўрақул ака Қаюмжон устидан тузилган айбномани ўз қўли билан тегишли идорага элиб ташлади. Айбномада келтирилган далилларни уйдирма дейишга ҳеч ким ботина олмас, бундоқ олиб қараганда ҳаммаси ҳақиқатдек эди: пахтанинг бошқа хўжаликларга нисбатан ўн беш кун кеч терилиши атайлаб об-ҳаво бузилишини кутгандек иш тутилиши, еттинчи бригада пахтаси ёмғирда қолиб куйиб кетиши, планинг бажарилмаганлиги — буларнинг ҳаммаси аксиллик эмасми? Унинг устига, Қаюмжоннинг акаси минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йилда Шўрога нисбатан шубҳали мулоҳазалари учун қамалиб кетиши, Катта Фарғона канали қурилишида отасининг мажруҳлик баҳонасида кўрсатган норозилиги, қолаверса унинг Ойниса Ёқубова исмли ҳибсга олинган халқ душмани қизига уйланиши инкор қилиб бўлмас далиллар эмасми?

Андижонда мавсум якунига бағишланган мажлис бўлди. Тўртта колхоз раиси қаттиқ танқидга учради, буларнинг ичида Қаюмжон ҳам бор эди. Мажлис кеч тугади. Меҳмонхонага борганида, Қаюмжонни ГПУнинг иккита ходими кутиб турарди. Аллақайқа учраб келишни таклиф қилишди, қоронғи кўчалар бўйлаб сийёсий бўлимнинг идорасига олиб боришди, камерага киритиб, қулфлаб қўйишди. Эртасига сўроққа чақиришди. Тергов узоққа бормади. Қаюмжоннинг холис далиллари инobatга олинмади, протокол тузилди, икки кун ўтгач, ўн минутли суд бўлди, қарорга қўл қўйилди, маҳбус Сибирга этап қилинди.

Ойниса эрини бир неча кун кутди, хавотирлана бошлади: на қишлоқ советидаги, на район марказидаги масъул ходимлар тайин бир жавоб айтишди. Ҳафта ўтар-ўтмас, Тўрақул ака колхозга янги раис қилиб тайинланди. Ойниса вазиятга тушинди, қорнида тўрт ойлик боласи билан Қаюмжоннинг шинелини, кирза этигини кийиб, Андижонга жўнади. Изғирин оқшоқдек майда қорни чирсиллатиб юзига урар, даммини қайтарар, ўралиб-буралиб нари кетар, яна ёпирилар, шинель этагини юлқиб, жувонни ағдармоқчи бўларди...

1987—1988 йиллар



Усмон Азимов

# Халил Султон

Тарихий-драматик қисса<sup>1</sup>

IV

**Халил Султон ва Бобо Турмуш.**

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тақсир, ноз-неъматлар бизга мунтазир,  
Еб-ичиб ўлтиринг!

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, тўқмен.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нўш этинг бир култум шароб...

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам!...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бир бурда нон олинг, ҳеч бўлмаганда!

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, иштаҳам йўқдур...

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Қизишиб)

Қўрқмангиз,

Таомлар оғудин холе-биз дўстни

Чорлаймиз пок ният ила, беғараз.

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, шубҳам йўқ поклифингизға.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ундоқ эрса, нечун номус этурсиз,

Бул пок дастурхонға пок илкингизни

Чўзмоқдин?!.

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, кўнгул амрини

Бажо этдим — ўзга гуноҳим йўқдир.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тақсирим, кўнглингиз тусемадиму?

БОБО ТУРМУШ

Кўнглим ор айлади!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ажиб! Нимадин?

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

**БОБО ТУРМУШ**

(Қўлига бир олма олиб)

Шаҳзодам, дарахтин экканмудирсиз?

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Тақсир, ўзга қисмат хукмидадурмен.

**БОБО ТУРМУШ**

Кафтни қавартириб меҳнат қилмоқдин —

Дарахт ўстирмоқдин, дон сочмоқликдин

Ва ҳалол заҳматнинг меваларидин

Шод-хуррамлиғ ила баҳра олмоқдин

Ўзга қисмат холиқ бандаларига

Бегона бўлмоғи лозим...

Шунинг-чун

Қўлимни урмадим бул неъматларга!

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Тақсир, подшоҳликнинг суликатию

Юрт сўрашнинг ботин қонунлари бор.

Қонунлар подшоҳлиғ иморатининг

Ғишларин шундай мос жойлаштирганким,

Бирини қўзғатсанг, қулар иморат!

Шул боис фалакнинг гардиши ила,

Кимдир юрт сўрайдир тиғу фикрат-ла,

Кимдир жанг қиладир, кимдир хизматкор!

**БОБО ТУРМУШ**

Ҳаммамиз оллоҳнинг хизматкоримиз,

Ортиқ эмас тенгмиз меҳри қошида.

Демак, ҳар ким қулдир ўзига-ўзи.

Ҳар ким бировгамас, ўзига хўжа.

Заминни яратиб қудратли холиқ

Ишорат айлағон бандаларига —

Ки, меҳнат-ла, ердин гиёҳ ундириб,

Умр кечирмоқни фароғат ичра.

Аммо фуқароға фароғат қайда?

Закоту ушрнинг чўнг залворидин

Ўвуз амирларнинг бебоклигидин,

Талотўм — талонлар тўфонларидин

Қадлари эгилгон, юраклари хун!

Шаҳзодам, оллоҳнинг васлин ўйлағон

Хукмдор эл-юртнинг ғамида бўлур...

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Бобо Турмуш, подшоҳ элу юрт ғамин

Қай йўсин, қай тарзда ўйлаши мумкин?

**БОБО ТУРМУШ**

Одил қонунлар шарт, одил назорат!

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Менинг икки қўлим, икки кўзим бор,

Жайхуну, Сайхуннинг ораси ҳадсиз,

Ҳар кимса бошида соя ўлмоққа

Қурбим етмайди-ку!..

**БОБО ТУРМУШ**

Беклар, амирлар,

Ислом пешволарин вазифаси не?

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Бажо айламоқлик менинг амримни.

**БОБО ТУРМУШ**

Демак, амрингизнинг қаноти толғин,

Уламо алдоқчи, амирлар айёр —

Улар нафслари-ла дунёни ўлчар...

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Бу ҳолнинг тубига етдингиз... Энди

Менга не маслаҳат раво кўрурсиз?

**БОБО ТУРМУШ**

Тўғри одамлардан суянчиқ топинг.

Алар устун бўлса арконингизга

Иншоолло, тангримнинг равиши бўлғай!

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Балли! Шунинг учун сизни чорладим!

Келинг, устун бўлинг арконимизга,  
Давлат жиловида сизнинг ҳам тоза  
Кўлингиз турсин!

БОБО ТУРМУШ

Йўқ! Шаҳзодам, асло!

Йиллаб меҳнат ила чайилган қўлни  
Булғамоқлик нечун?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ана айтдим-ку,

Ким хоҳлар улуснинг машмашасини!

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, айб этманг бир фақирдурмен!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Айблаймен! Тақсирим, уят! Бир четда  
Бировнинг айбларин фаришта каби  
Санаб ўтирмоқлик инсонга уят!  
Сиз доно одамсиз, фикрингиз илғор,  
Улусда аёндир юксак меҳрингиз,

БОБО ТУРМУШ

Мени мақтайдурғон мардум кўринмас.  
Хайронмен...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Яхшилик — учқур!

БОБО ТУРМУШ

Хайронмен!

(Шодимулк киради)

ШОДИМУЛК

Хуш келибсиз, устоз!

БОБО ТУРМУШ

Маликам!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тақсир,

Энди асроримиз фош бўлди ҳисоб.

БОБО ТУРМУШ

Маликам, менда йўқ сифатлар топиб,  
Мақтабсиз...

ШОДИМУЛК

Мақтовға лойиқсиз, устод!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бобо турмуш, ғайрат отин эгалланг!

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ўзингиз айтиб турғондай,

Одил қонунлар шарт, одил назорат,

Менинг бўйнимдадир одил қонунлар —

Одил назоратни сиз зиммангизга

Олинг — фуқаронинг бошини силанг!

ШОДИМУЛК

Устод, кўп тингладим суҳбатингизни.

Отам билан суҳбат қуриб чорбоғда,

Даврон танглигига, ноҳақлигига

Сабаб иллатларин бир-бир айлаб фош,

Тангликдин тенгликка элтғувчи шоён

Йўллар хусусида сўйлардингизким,

Менинг ҳам қалбимни ишонч шуъласи

Баъзан ёритарди...

Устоз, йўқ деманг!

БОБО ТУРМУШ

Фариштадир кўнгул кўйин тутғон зот!

Иншоллоҳ, оллоҳнинг хоҳиши бирла

Тилинғизға тушмиш бу масъул таклиф...

Мен қабул айладим таклифингизни.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тақсир! Давлатимиз ҳолати шундай:

Ўртадин тарқалиб нифоқ тумани

Амакимиз Шоҳруҳ мирзонинг зийрак,

Меҳрибон қалблари инояти-ю  
Бизнинг фарзандга хос муҳаббатимиз  
Ойдин йўл кўрсатиб, шартнома туздик —  
Шавкатли лашкарлар ортига қайтди!  
Яна — мардонавор амир Нуриддин  
Келиб бошин эггач сартахт пойига,  
Бизни фарзандим, деб йиллар алдаган  
Амир Худойдоднинг жонин қасдида  
Миннатдор қиличин куёшга қайраб,  
Неча кунким борур Фарғона сори!  
Иншоллоҳ, анга ёр бўлғуси зафар!..  
Ундан сўнг жангоҳлар тўзони тингай,  
Фуқаро куёшни сезган майсадай  
Фалакка интилуր...

Тақсир, шу пайтда  
Осмондин булутни қувиб турғувчи  
Сиздай бир довул шарт!

**БОБО ТУРМУШ**

Вазифам недур?

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Вазирсиз, тақсирим!

Менинг амримни,  
Менинг буйруғимни ижро этурсиз  
Ва мендан ўзгага бўлмайсиз тобе.  
Фуқаро турмуши бўйнингиздадир —  
Огоҳлиғ қилингким, шер йўқлигида  
Ўзини шер сезғон айёр тулкилар  
Улуснинг бошига савдо солмасин!  
Хуллас, сиз — имоним бўлғайсиз...

**БОБО ТУРМУШ**

Қуллуқ!

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Раҳмат, Бобо Турмуш! Хос фармон ила  
Аркону давлатга қилурмиз эълон.  
Энди маслаҳатлик бир нозик иш бор:  
Дунёга келмоқдин, тақсир, мурод не?

**БОБО ТУРМУШ**

Ҳар қадам хуррамлиғ сориға бормоқ.

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Бу қадам одатға хилоф бўлса-чи?

**БОБО ТУРМУШ**

Қайдин пайдо бўлур, шаҳзодам, одат?  
Сайидлар, амирлар, қудратли шоҳлар  
Бул ҳаёт дарёсин минг бир мавжининг  
Бириға мустабид нигоҳларини  
Тикғонлар-да, элға этғонлар эълон —  
Ки, шу мавж — ҳақиқат, ўзгаси бекор.

**ХАЛИЛ СУЛТОН**

Дорруссалтанада улў бобомдин,  
Қочқин амирлардин, шаҳзодалардин  
Қолғон заифалар, ғунчалар бисёр.  
Аларнинг тақдири қўлимиздадир.  
Малика арз этди, мен ўйлаб кўрдим:  
Балки, ранги сомон ул шўрликларнинг  
Кўнглида нопармон орзулари бор,  
Балки зўравонлиғ тўфонларидин  
Асраган осмону куёшлари бор...  
Ўйладим... Ўйладим... Ва қилдим қарор:  
Улар дилларининг райини билиб,  
Зинҳор оғритмасдин кўнгилларини  
Ўйли-жойли қилсак... Сизга мақбулму?

**БОБО ТУРМУШ**

Оламға татирлиғ қутлуғ иш бўлғай!

**ШОДИМУЛК**

Тангрим ёрлақагай сизни, шаҳзодам!  
Бир ғариб кўзидин ёшин аритмоқ,  
Қирқ йиллиғ тоатдан афзал!



ХАЛИЛ СУЛТОН

Маликам,

Боринг-да, амримнинг ортидин бўлинг!  
Ҳар бирининг тортгон кулфатлари-ю  
Пинҳон севгиларин жуссасиға мос  
Совға-салом беринг, зинҳор кам этманг!  
(Шодимулк чиқади. Арғуншоҳ киради.)

Арғуншоҳ, қандай хушxabарлар ила  
Келдингиз дилимга нурлар сочгани?  
АРҒУНШОҲ

Юртимизда тинчлик, осойишталик.  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ, яширманг!  
АРҒУНШОҲ

Тонгда Термиздин

Чопар келгон эрди...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Не хабар ила?

АРҒУНШОҲ

Амакингиз Шоҳруҳ, мирзо қўшини  
Қўш ташлабмиш Термиз остонасига!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Демак, яна ғовғо...

АРҒУНШОҲ

Шаҳзодам, шундай!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ, гапиринг!

АРҒУНШОҲ

Амир Нуриддин...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нима, ўлибдими?

АРҒУНШОҲ

Вафоси ўлмиш!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир Худойдодни паноҳ тортдиму?

АРҒУНШОҲ

Хўжанднинг хўжаси бўлурмиш энди.

(сукут)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бу аҳмоқ бошимни тақдир, тепкила!..

Арғуншоҳ, сўйлангиз! Яна не хабар?!

АРҒУНШОҲ

Хат етди валиаҳд Пирмуҳаммаддин!

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Арғуншоҳ узатган хатни олмай)

Нималар битибди?!

АРҒУНШОҲ

Сўрабдиларки,

Қачон Амир Темур тожу тахтини

Халилға васият қилгон эрди деб.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сабрим тугаб борур... Оллоҳ, мадад бер!

БОБО ТУРМУШ

Калима қайтаринг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Калима? Нега?

Мен гуноҳ қилдимму, айтинг-чи, беклар?

Давот-қалам олиб, Арғуншоҳ, ёзинг!

«Маълум бўлғай мирзо Пирмуҳаммадға —

Ким, бобомиз Амир Темурға тож-тахт

Иноят қилгон ул қодир худойим,

Менға ҳам тож-тахтни раво айлади!»

БОБО ТУРМУШ

Шаҳзодам, шошмангиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Энди шошмоқ шарт!

Арғуншоҳ, аркони давлатни чорланг!

Мирзо Халил Султон ибн Мироншоҳ  
Ибн Амир Темур Кўрагонийнинг  
Хоқон бўлганини айлайлик ошкор!

V

**Тун. Шаҳрисабз яқинидаги работ. Гулхан атрофида  
навкарлар. Амир Арғуншоҳ ва Амир Оллоҳдодлар  
кирадилар. Навкарлар тарқалади.**

АРҒУНШОҲ

Хукмдор шул жойда мажлис қурмоқчи...  
Келгунча нафасни ростлаб олайлик.

(Сукут)

ОЛЛОҲДОД

Падарига лаънат! Боши айниган!  
Мурдор! Беоқибат!..

АРҒУНШОҲ

Кимни сўкурси?

ОЛЛОҲДОД

Султон Хусайни — кимни бўлурди?!

Ахир, у дунёга жўнатмоғига

Озгина қолди-я!

АРҒУНШОҲ

Амир Оллоҳдод,

Нега жўнатмади?

ОЛЛОҲДОД

Тақсир, билмадим,

Шафқат солгандир-да, дилига оллоҳ.

(Сукут)

Ўзи Халил Султон мирзонинг боши  
Айланган... Бўлмаса Пирмуҳаммаддай

Рақибига қарши Султон Хусайн

Қабиҳ бир мурдорни отлантирурму,

Уч туман қўшинни ҳукмига бериб?

АРҒУНШОҲ

Хиёнат қилмоғин қайдин билибди?..

Кимни отлантисин?.. Султон Хусайн

Ўзининг жигари эрди, ҳарқалай.

ОЛЛОҲДОД

Садоқат бўлмағай шоҳ авлодида,

Зеро, тахт биттадир, шаҳзодалар кўп!

АРҒУНШОҲ

Амиру бекларда садоқат борму?

ОЛЛОҲДОД

Ўзингиздан сўранг — сиз ҳам амирсиз!

АРҒУНШОҲ

Садоқат йўқ деган қарорға келдим!

ОЛЛОҲДОД

(Кулиб)

Амир Арғуншоҳ ҳам хиёнатнинг кенг

Кўчасинда озроқ сайр қилдиларму?

АРҒУНШОҲ

Менинг собитлигим улусга аён.

ОЛЛОҲДОД

Йўқ эрса, ўзгадин шубҳангиз борму?

АРҒУНШОҲ

Сизда шубҳа йўқму?

ОЛЛОҲДОД

Амир Арғуншоҳ,

Дилингизга шайтон ғулғула солмиш.

АРҒУНШОҲ

Юсак меҳмонларнинг қўшхонасида

Қўлимизни боғлаб, банди этишгач

Мени чиқардилар қўшни ўтовга.

Султон Хусайн ул соҳибқироннинг

Тахтига ўзидин бошқа шаҳзода

Лойиқ эмаслигин айлади баён.

Таажжуб билдирдим... Султон Ҳусайн  
Мақтовлар ёғдириб менинг шаънимга  
Айтди: менинг сизга ҳурматим бисёр,  
Амир, елкангизда қолур бошингиз!  
Энди Халил Султон ила ўртада  
Тузилгучи шарту шартномаларга  
Элчилик қилурсиз...

Биз эса ҳозир  
Амирларни бир-бир этурмиз ғорат,  
Томошасин кўринг! — Кулди гулдураб...

ОЛЛОҲДОД

Мириқиб томоша қилдингиз чоғи...

АРҒУНШОҲ

Томоша қилмадим, аммо эшитдим...

ОЛЛОҲДОД

(Сергакланиб)

Нени?

АРҒУНШОҲ

Марҳумларнинг бир сўзлигини,  
Оллоҳдод, лафзлари ҳалоллигини...

ОЛЛОҲДОД

Худо раҳмат қилсин, шердил эрдилар!  
Эшитмадингизму бошқа бирор сўз?

АРҒУНШОҲ

Эшитдим!

ОЛЛОҲДОД

Арғуншоҳ!

АРҒУНШОҲ

Амир, эшитдим!

ОЛЛОҲДОД

Қўрқитмоқчисизму, сотмоқчисизму?

АРҒУНШОҲ

Тақсирим, сотмоқлик менинг касбиммас  
Фақат қасамига содиқ одаммен.  
Оллоҳ олдидаги улғу бурчимким,  
Саодатманд ҳоқон Халил Султонга  
Бу зулмат кунларнинг кабиру митти  
Оқ-қаро кечмишин пинҳон тутмасдин  
Ҳикоя этмоқлик!

ОЛЛОҲДОД

Ихтиёр сизда!

АРҒУНШОҲ

Халил Султон мирзо ҳозир бул ерға  
Етишгай... Оллоҳдод, теппамда худо,  
Хун тўкмоқ эмасдур дилим муроди,  
Сизга инъом қилай имкони нажот —  
Қочинг!

ОЛЛОҲДОД

Амир, раҳмат!

АРҒУНШОҲ

Ҳеч ҳаялламанг!

ОЛЛОҲДОД

Минг бор қуллуқ сизға, амир Арғуншоҳ!

(Бирдан тиржайиб)

Жон жуда ширин-да!

АРҒУНШОҲ

Жон ширин... Қочинг!

ОЛЛОҲДОД

Қочгим келмаяпти — шерлигим тутди!

АРҒУНШОҲ

Ғуноҳ-савобингиз ўз бўйнингизда,  
Қўлимдан келғонин қилдим, Оллоҳдод!

ОЛЛОҲДОД

Тақсир, жон ширин-да!

АРҒУНШОҲ

Буниси сиз ўйланг!

ОЛЛОҲДОД  
 Амир, сиз ҳам ўйланг... Емон бўлмайди!  
 (Масхаралаб)  
 Гапнинг мухтасари шулки, амирим,  
 Мирзога мен ҳақда сўйлай олмайсиз!  
 АРҒУНШОҲ  
 Нечун?  
 ОЛЛОҲДОД  
 Мени аҳмоқ ўйладиларму?  
 Менинг эсим йўқму? Мен гарангманму?  
 Қиличи қонсираб турган ўн йигит  
 Садақа олишгач, қўлимни ялаб  
 Қасам ичдиларким, бирон-бир бежо  
 Ҳаракат-ла кўтир мушугимни-да  
 Чўчитсангиз, авлод-аждодингизни —  
 Токи бешикдаги чақангизгача —  
 Бўғизлаб ташларга!..  
 Тушундиларму?  
 АРҒУНШОҲ  
 Беҳаё одамсиз! Беимон!  
 ОЛЛОҲДОД  
 Тақсир,  
 Бўрилар ичинда бўри бўл!  
 АРҒУНШОҲ  
 Беор!  
 [Ноғора овози эшитилади. Аввал қўриқчилар,  
 сўнгра беклар қуршовида Халил Султон киради.]  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Биз тайин этганлар жамландиларму?  
 БОБО ТУРМУШ  
 Ҳамма мунтазирдир фармонингизга!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Эна улусига, туққан юртига  
 Жонини бахш этиб, фарзанд хизматин  
 Беминнат бажарган, эй, баҳодирлар,  
 Хиёнат илонин бошини эзиб,  
 Топган зафарингиз муборак бўлғай!  
 ОВОЗЛАР  
 Узингизга қутлуғ! Зафар муборак!  
 БОБО ТУРМУШ  
 Душман мақсудига етмағай, омин!  
 ҲАММА  
 Омин!  
 РУСТАМ БАРЛОС  
 Давлатингиз барқарор ўлсин!  
 Омин!  
 АМИР БУРУНДУҚ  
 Мудом ғолиб бўлинг, илоё,  
 Омин!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Жасурликни билиб дастуруламал,  
 Оғир зафар юкин елкаларида  
 Биз сори кўтариб ўтғон собитдил  
 Паҳлавон, мардларга тортиғимиз бор!  
 РУСТАМ БАРЛОС  
 Шону шавкатингиз осмонга етгай!  
 АМИР БУРУНДУҚ  
 Амрингиз осмону заминни тутгай!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Бобо Турмуш, ўқинг! Барчаға аён  
 Айланг жасурларнинг исми шарифин!  
 (Инъомлар улаша бошланади.)  
 БОБО ТУРМУШ  
 Самарқандлиғ сипоҳ Қутбиддин Лукмон!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Яхши кунларингда, полвон, кийиб юр!

### БОБО ТУРМУШ

Термизлик йигитлар сарасига бош  
Муҳаммад Жайхуний!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Уғлон, офарин!

### БОБО ТУРМУШ

Қўнғирот элидин арслонбилак эр,  
Қарчиғай бўз мерган Қутбўлди Бойсин.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Дилимизда абад вафодорлигинг!

БОБО ТУРМУШ

Китоблиғ эрларнинг даҳабошиси  
Паҳлавон Ажабшер Юсуф Чабағон!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Чабағон, толеинг чопсин ҳамиша!  
Амирлар, вафодор сипоҳлар, айтинг,  
Ким бугун тўқиннинг оловгоҳида  
Барчадин кўп ёнди ўзин аямай?

СИПОҲЛАР

Вазир Бобо Турмуш!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳақ сўз дединглар!

Бобо Турмуш! Сизга ўттизта тулпор,  
Ўттиз ҳамён олтин, ўттизта чопон,  
Ўттиз таноб замин ҳадя этурмиз!

БОБО ТУРМУШ

Хукмдор, ташаккур! Аммо, жанггоҳга  
Мукофот таъмаси билан кирмадим,  
Менинг устим бутун, қорним тўқ...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тақсир,

Қўлимни қайтарманг!..

(Беклар ичида жонланиш.)

БОБО ТУРМУШ

Бул мурувватни

Нима қилсам менинг ихтиёримму?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Биздин қабул айлаб олсангиз — шул бас!

БОБО ТУРМУШ

Хукмдор, минг қуллук, қабул айладим!..

(Сипоҳларидан бирига)

Яқин келинг, яқин...

ЮСУФ ЧАБАҒОН

Аломат жанг қилди, йигитларингиз,  
Рустами дostonға монанд тиғ тортди.  
Подшоҳлиғ тортиғин менга тегишли  
Порасин сизларга ҳадя этурмен.  
Олинг, баҳам кўринг даҳангиз ила.

ЮСУФ ЧАБАҒОН

Тақсир...

БОБО ТУРМУШ

Истагимга монелик қилманг,

Олинг, ҳалол бўлсин!

ЮСУФ ЧАБАҒОН

Илоё, омин,

Мард паҳлавон ўтсун етти пуштингиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бобо Турмуш, бизни ҳайрон этурга  
Бунча пок хислатни топдингиз қайдин?  
Бизни лол қилмоққа қасдингиз борму?  
(Бобо Турмуш таъзим қилади.)

Энди, беклар, жангнинг ғуборин ювиб,  
Ҳордиқ чиқаринглар, истикболдаги  
Кору ташвишларга пешвоз чиққани!

Сизларга ҳам рухсат, паҳлавон сипоҳ!

(Ҳамма тарқалади. Арғуншоҳ кўзгалмайди.)

Уни кўриб Оллоҳдод ҳам тўхтади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Арзингиз бордирму, амир Арғуншоҳ?  
Чарчадик, тонгда ҳал этсак бўлмасму?  
АРҒУНШОҲ

Олампаноҳ, ҳозир ҳал этмак зарур!  
Менинг, Оллоҳдоднинг бандилиқдаги  
Ҳолимизга андак аниқлик лозим.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ! Бекорга хижолат тортманг,  
Иблис найранглари қошида инсон  
Ожиздир, ҳаммамиз алданиб қолдик...  
Номард чиқди бизнинг Султон Ҳусайн...  
Уни барчангиздин ортиқ кўрдим-ку,  
Ҳар бир истагини этдим-ку бажо —  
Нечун бу хиёнат?

Амирлар, нечун?

АРҒУНШОҲ

Амир Оллоҳдоддин сўранг, ҳукмдор!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ, туманли бул калом нечун?  
АРҒУНШОҲ

Оллоҳдод хиёнат йўлига кирди!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир, айбномангиз залворли, мудҳиш,  
Исбот талаб этур шунинг учун ҳам...

АРҒУНШОҲ

Мен қўшни ўтовда эрдим. Эшитдим.  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Нималар чалинди қулоғингизга?  
АРҒУНШОҲ

Садоқат йўлига қасам ичгил, деб  
Ул Хўжа Юсуфни Султон Ҳусайн  
Каломи масжидга рўбарў этди...  
Хўжа рад айлади... Уни сўйдилар...  
Мен турғон ўтовнинг бўсағасида  
Сайидзода Амир Темурхўжани  
Қуръони мажиднинг пок шаъни ила  
Кўрқитиб кўрдилар... Амир бош тортди...  
Уни ҳам сўйдилар қўйдаи бўғизлаб...  
Кейин манов муртад... Хиёнаткорнинг  
Пойига йиқилиб, қуръонни ўпиб,  
Лаънатлар ёғдириб пок исмингизга  
Султон Ҳусайнга қасамёд этди.

ОЛЛОҲДОД

Арғуншоҳ, ўлимдин кўрқмас экансен.  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Оллоҳдод, ўлимдин сен кўрқмайсанму?  
ОЛЛОҲДОД

Ўлимдин кўрқмаймен, зотан, айбсизмен.  
Олампаноҳ, ўйланг, жанг бошланмасдин  
Зафар кутаётган лашкарингизга,  
Хиёнаткор эрсам, қўшилардимму?

АРҒУНШОҲ

Васлингизга содиқ навкарларингиз,  
Беор ҳукмидаги бешараф сафни  
Тарк этиб, кўзғалгач мен билан бирга,  
Зафар ким томонда эканин сезиб,  
Муқаррар қасоснинг қочиб илкидин  
Сиз сори келмишдир отин йўрттириб.

ОЛЛОҲДОД

Арғуншоҳ, ўлимдин кўрқмас экансен.  
АРҒУНШОҲ

Елғондин кўрқамен, ўлимдин — зинҳор!  
ХАЛИЛ СУЛТОН

Нима жазо берай сизга Оллоҳдод?..  
Отга судратайму, дорға осайму,  
Ехуд чоптирайму ўтмас тиг ила?!

## ОЛЛОҲДОД

Мирзом, ўлдирмангиз... Бола-чақам бор,  
Чиркиллаб қолади ўн битта болам!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жим бўлғил!

Эй жаллод! Бери кел, тезроқ!

(Жаллод киради.)

Менинг илк фармоним ижро эт бугун

Амир Оллоҳдодни ғорат айлағил!

(Аёл пайдо бўлади.)

ОЛЛОҲДОД

(Тиз чўкиб Халил Султоннинг оёғига ёпишади.)

Тақсир, рухсат беринг биргина кеча,

Самарқандга бориб онамни кўрай,

Сунгра ўлдирсангиз... Ихтиёрингиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жаллод! Олиб борғил!..

АЁЛ

(Чинқириб)

Тўхтағил, жаллод!

(Ҳамма қотиб қолади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қаердин келдингиз?..

АЁЛ

Ёмон экансен...

Одам ўлдиртирма...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қайдин келурсиз?

Йиғламанг! Бўлди... Бас!..

АЁЛ

Амир эт, кетсин

Жаллодинг... Кетмаса йиғлайвераман...

Кўзлари кўрқинчли!

(Халил Султонга)

Менга қара-чи?

Кўзинг тип-тиниғу нега ёмонсен?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жаллод, серраймағил, чиқиб тур!

АЁЛ

(Бирдан йиғидан тўхтаб)

Уғлон,

Кўзинг тушмадиму, хушсурат, хушқад,

Бўз отлиқ суворий бундин ўтгандир?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кўрмадим...

АЁЛ

Менги бор ўнг чаккасида...

Эгнидаги чакмон қора мовутдан,

Кулганда бир кўзи кўпроқ қисилар,

Қошлари қоп-қора...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Эна, йўл бўлсин!

АЁЛ

Овора қилди-да мени бу бола!

Ҳаммадин сўрадим — Самарқандда йўк,

Шаҳрисабздан ҳам дараги чиқмас...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қайга кетяпсиз пойи пиёда?

АЁЛ

Не қилай, сўроқлаб шаҳарма-шаҳар

Кетавераман-да!

(Эслаб)

Жаллод сендинму?

Уғлон, пошшомусен?

(Халил Султон бош қимирлатади.)

Сенинг юртингда

Болам йўқму?.. Менг бор ўнг чаккасида...

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Афсус, болангиз йўқ менинг юртимда.  
Эна, Самарқандга сизни жўнатай...

АЕЛ

Ўғлон, Самарқандинг менга не ҳожат!  
Юртингда болам йўқ...

Ерингдан чиқиб,

Боламни сўроқлаб кетавераман,  
Топгунча сўроқлаб кетавераман...  
Топсам, тўй бўлади! Гумбур-гумбур тўй!  
Ҳой, тўйга келинлар!.. Чилдирма!.. Ёр-ёр!..

(Рақс тушиб куйлайди.)

Ёрға тушгон оқ рўмол сизникиму, ёр-ёр,  
Кўзёш ичинда кулгу қизникиму, ёр-ёр,  
Асру ҳимматлар қилдинг золим фалак, ёр-ёр,  
Шундай гўзал келинчак бизникиму ёр-ёр!

(Чиқиб кетади. Жаллод киради.)

ЖАЛЛОД

Амрингизни кутиб маҳталмен...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Борғил,

Жаллод, ҳордик чиқар...

АРҒУНШОҲ

Ҳукмдор, ахир!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Жаллод, ҳордик чиқар...

(Жаллод иккиланади.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Бақириб)

Гум бўлғил! Йўқол!

## VI

Самарқанд. Подшоҳнинг хос хонаси. Халил Султон  
ва Арғуншоҳ.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Лашкарнинг барчаси доруссалтана  
Бағрида етишиб топдиму қарор?  
Улус осойишму? Юксак кенгашга  
Молик мамлакатнинг қандай ташвиши,  
Фуқаронинг қандай арзу доди бор?

АРҒУНШОҲ

Халойиқ тилида Пирмуҳаммаднинг  
Қўшини устидин яшиндай чақнаб,  
Булутдай бостириб, сел шиддати-ла,  
Қучгон зафарингиз! Сипоҳнинг эрса,  
Сўнгги пораси ҳам қадам ташлади  
Доруссалтананинг бўсағасига.

Олингон ўлжалар — хазина, моллар,  
Асира аёллар, канизлар, ҳарам  
Махсус тартиб ила қўриқланмоқда...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қанақа ўлжалар?

АРҒУНШОҲ

Бахтнигун ағёр

Тенгсиз қудратингиз тошқинларининг  
Мавжлари зарбиға дош беролмасдин  
Ташлаб қочгонлари — жанг ўлжалари!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Асира аёллар, канизлар кимлар?

АРҒУНШОҲ

Барчаси тегишли Пирмуҳаммадга.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Асирларни озод айлагандим-ку!  
Мирзонинг ўлжаға тушгон молларин,



Ҳарамин, тегизмай совуқ сувга ҳам,  
Қайтариб беришни буюргандим-ку!  
Амир, ким қайтарди менинг райимни.

АРҒУНШОҲ

Мен — содиқ қулингиз, амир Арғуншоҳ!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Дилим оғритдингиз, Арғуншоҳ, нечун?

АРҒУНШОҲ

Хукмдор, вазирмен давлатингизга!

Сидқи ишонч ила, садоқат ила

Сизнинг мавқенгизнинг юксаклигини

Ўйлаб иш юритмоқ менинг вазифам...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ғаройиб вазирсен... Подшоҳнинг амрин

Бузмоқ — мавқесини юксалтирмоқму?

АРҒУНШОҲ

Бунинг чуқур, тагдор сабаблари бор...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Тагдор сабаблари? Яна чуқур де?..

Сўйлағил!

АРҒУНШОҲ

Хукмдор, беклар норизо!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Аларнинг кўнглини оғритдим не деб?

Қай корим бекларга ўлмади маъкул?

АРҒУНШОҲ

Подшоҳларнинг қадим удумлариға

Риоят кўзи-ла боқмаслигингиз,

Бекларнинг кўнглига чўқдирмиш туман.

Зотан, салафлардин қолғон одат бор:

Тўқинда ғолибнинг қўлиға ўтғон

Ўлжалар бекларнинг шон-шавкатига,

Урушдаги ғайрат-шижоатига

Муносиб тақсимлаб берилмоғи шарт.

Сиз эрса фармонбар, таги паст, беном

Сипоҳга олтину зарни улашиб,

Улуғ амирлару саркардаларнинг

Хизматини қуруғ раҳматлар ила

Сийладингиз...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир! Саркардаларнинг

Очдин ўлмоқдаму бола-чақаси?!

Оё, закот тўлаб қийналдиларму?!

Хайру эҳсон сўраб бирор беквачча

Кўчада қолдим суннат тўйсиз?!

Оё, амирларнинг эгнидан сўнгги

Чурук чопонлари тушиб қолдиму?!

Оё, хотинлари ташлаб кетдиму,

Қуп-қуруқ супрага боқмоқдин тўйиб?!

Молу дунё яна нечун аларга

Керак бўлиб қолди?

АРҒУНШОҲ

Хукмдор, беклар

Устундир бепоён давлатингизға.

Алар ризо бўлса — оллоҳ ҳам ризо!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ, бўғзимға қадалди ғазаб,

Англағ, Халил Султон қароқчимас, шоҳ!

Қудратлиғ эгамнинг йўлдин адашгон

Бандасин тўғрилиғ сори юзламоқ

Муқаддас вазифам — олий бурчимдир.

Шу сабаб, биз тараф қилич кўтариб

Шу ният ўйлағон Пирмуҳаммадға

Оллоҳ жазо берди — мағлуб айлади!

Аммо, Пирмуҳаммад томирларинда

Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг

Оташли ол қони оқаётгани

Бизни мустар этгоч,  
Гадолиғ ичра  
Қолмасин дедик-да, молу дунёсин  
Қайтармоқ шартлигин айладик хаёл.  
Яна бир мурувват боиси шулким,  
Ночору ожизнинг бошин силамоқ  
Ҳар бир мусулмоннинг кундалиғ кори —  
Шу боис, биз ҳарам тутқинлариға  
Озодлик бахшида этсак деғондик...  
Хўш, қайси ўйимиз сизға номақбул?

АРҒУНШОҲ

Амирлар раъйини топмаганингиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Мухтасар этайлик бул баҳсни, амир!  
Бугуноқ Балх тараф карвон ҳозирланг,  
Ўлжа, мол-дунёни карвонға ортиб,  
Мурувват кўрғазиб заифаларга,  
Пирмуҳаммад Мирзо ўрдасиға тез  
Етказиб борсинлар, узримиз айтиб  
Амир, яна қандай арзингиз қолди?

АРҒУНШОҲ

Беклар ўйладики...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Яна бекларму?

АРҒУНШОҲ

Беклар ўйлайдики, суюкли вазир  
Бобо Турмуш, юксак мартабасиға  
Муносиб эмас деб...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бу гумон нечун?

АРҒУНШОҲ

Чунки бу инсоннинг авлод-аждоди  
Беклиғ мартабаси, шоҳлиғ тартиби,  
Давлат юритмоқнинг синоатидин  
Беҳабар ўтғонлар...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Демоқчиларки,

Таги паст, тупроққа қоришғон халқдин...

АРҒУНШОҲ

Олампаноҳ, шундай!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сизнингму, оё,

Менинг бекларимнинг фикрлариму?

АРҒУНШОҲ

Мен ҳамда бекларнинг фикрлари шул!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Амир, сиз танграмга ишонасизму?

АРҒУНШОҲ

Шукур, мусулмонмен!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳа, балли! Айтинг

Қудратли холиққа мен ҳам қулманму?

АРҒУНШОҲ

Олампаноҳ, шаксиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Олам эгаси

Барчани баробар бандам дейдиму?

АРҒУНШОҲ

Олампаноҳ, шундай...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Барча мардумга

Оллоҳ мурувватин тақсим айловчи  
Баъзи нокас беклар тарозусини  
Назорат қилғони, покиза имон  
Ул Бобо Турмушни ҳақнинг бул қули  
Вазир мансабиға кўрди муносиб!  
Яна нуқсон борму менинг гапимда?

## АРҒУНШОҲ

Хукмдор, бенуқсон гапирадурсиз!  
Аммо беклар раъйин ўйланг аввало,  
Зотан, эл улуснинг раҳбари шулар,  
Қўй — чўпон ортидан эргашур мудом.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бекларга айтингким, амир Арғуншоҳ,  
Улуғ Амир Темур Корагонийнинг  
Невараси, яъни анинг тожини  
Бошига қўндирғон мен — Халил Султон  
Адолатли вазир Бобо Турмушнинг  
Ҳаром тукини ҳам қадрлашимни!  
Амир, яна қандай кенгашли гап бор?

АРҒУНШОҲ

Таксир, бир йигитни ҳибсга олдик.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Не гуноҳ қилибди?

АРҒУНШОҲ

Кўчаю куйда,  
Бозору ўчарда, вайсаб, валдираб,  
Тарқатиб юргонмиш иғвою бўҳтон.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Давлат ҳақидаму?

АРҒУНШОҲ

Шунга яқинроқ...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Очиқ айтаверинг, Амир Арғуншоҳ!

АРҒУНШОҲ

Малика ҳақида бўлмағур гаплар.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Нима қилғон эркан маликам анға?

АРҒУНШОҲ

Маликамни ҳатто кўрғони ҳам йўқ.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ғийбатни маъниси недин иборат?

АРҒУНШОҲ

Гўё маликамни буюк момонгиз  
Сароймулк хонимнинг ҳалокатида  
Қўллари бор эрмуш...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қайдин топибди,

Бу мараз иғвони?

АРҒУНШОҲ

Сўйламаяпти —

Яхши гапирсак ҳам, уриб сўксак ҳам.

Бирор сўз демайди иғвони бичиб

Тилиға кийгизғон зотлар ҳақида.

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Қарсак чалади. Эшик оға киради.)

Ўзим сўроқлаймен, ҳибсга тушғон

Бандини келтиринг!..

(Эшик оға чиқиб кетади.)

Гарчи Шоҳруҳ мирзо мактублар йўллаб,

Меҳр-садоқатға ичса-да қасам,

Саид-хўжаларнинг қаҳр булутин

Пуфлаб, аста-аста биз тараф ҳайдар;

Чўлдан кўчманчилар сермаган қилич,

Самарқанд бошиға қаҳрли кўлка

Ташлаб ўтмоқдалар; бир тараф эрса,

Мўғул отларининг тагида гирён;

Бир тарафдин азиз устозим, яъни,

Жондай отабегим, пичоқ ўқталур;

Бир тарафдин эрса амир Нуриддин

Сурбет талабларин қаршимга қўйди...

Нокаслар фитнаси...

Амир Арғуншоҳ,

Нонкўр Нуриддиннинг талабига мос,

Үзга чора-тадбир топилмабдиму?  
 АРҒУНШОҲ  
 Ҳукмдор, ўзга ҳеч чора-тадбир йўқ.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Ҳайлаб кўрдингизму, амир... Ҳеч йўқму?  
 АРҒУНШОҲ  
 Қандай ўйласам ҳам жавоби битта.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Мол-дунё берсак ҳам кўнмас эканму?  
 АРҒУНШОҲ  
 Элчилар гап очса молу дунёдин  
 Қилич суғургонмиш ғазабдин, нокас!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Арғуншоҳ! Вазирмас, дўстим бўл бир пас,  
 Үзга бир йўл топғил!..  
 АРҒУНШОҲ  
 Ҳзга йўл — уруш!  
 (Бандини олиб киришади.)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Сумбатинга боксам, дуппа-дурустсен,  
 Эр йигит, не учун шаънингни булғаб,  
 Касб-ҳунар билибсен иғво — бўҳтонни!  
 ЙИГИТ  
 Олампаҳо!..  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Сўйла, қайдин бу иғво?  
 Ким сени бошлади бу қаро йўлга?  
 ЙИГИТ  
 Гуноҳимдин ўтинг!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Ростини гапир.  
 ЙИГИТ  
 Очлиғ силламизни қуритди, тақсир,  
 Беш болам «Нон! Нон!» деб шишиб ётибдир,  
 Уларнинг зориға чидай олмадим...  
 Ваъда қилишган сўнг бир тўрва буғдой  
 Кўндим...  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Иғво-бўҳтон тарқатмоққаму?  
 ЙИГИТ  
 Ҳа, шундай...  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Айт, қай нонкўр фармон бермиш  
 Сени макруҳ йўлга юз бурмоқликқа?  
 ЙИГИТ  
 Айтолмаймен! Зинҳор  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Ғазабланиб  
 Айтасен!  
 АРҒУНШОҲ  
 Йигит,  
 Амир Бурундукнинг хонадонида  
 Сени кўришганмуш...  
 ЙИГИТ  
 Тақсир, билмаймен...  
 АРҒУНШОҲ  
 Неча йил хизматин қилгон эрмишсен?  
 ЙИГИТ  
 Амир Бурундукни танитайман ҳеч.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Жонинг сабил қолгон кўринур, йигит?!  
 Сўнгги бор сўраймен: ким бул иғвони  
 Тилинға солмишдир?  
 ЙИГИТ  
 Айтаолмаймен,  
 Қасам ичғондурмен қуръонни ўпиб.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Хайвоннинг мурдори! Нафснинг қурбони!  
Ноҳақ тухмат қилма! Жаллод!

Жаллод!

(Жаллод киради.)

Бошини танидин айлағил жудо!

ЙИГИТ

Олампаноҳ, қуллуқ, ёруғ оламнинг  
Ёруғин сезмағон бу вужудимни  
Азоб-укубатдин қутқазмоқ бўлуб,  
Измишни жаллодға топширғонинға!  
Минг шукур, очликдин кўзлари чўкғон,  
«Нон!» деб йиғлайвериб толғон гўдаклар  
Нихон тортғониға энди кўзимдин!  
Минг шукур, яратғон қодир эгамға!

(Жаллод йигитни олиб чиқади.)

АРҒУНШОҲ

Амрингиз кўп маъкул!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Арғуншоҳ! Боринг!

АРҒУНШОҲ

(Талмовсираб)

Қаёққа?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Осмонга! Ернинг тагига!

Арғуншоҳ, кўзимға кўринманг фақат!

[Арғуншоҳ чиқиб кетади. Халил Султон ёлғиз.]

Шодимулк киради.)

ШОДИМУЛК

Султоним, ҳорғинсиз?!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Маликам, ногоҳ

Кўнглим бежо ўлди...

ШОДИМУЛК

Худо сақласин!

Табиб чақиртирай?!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Маликам, шошманг.

(Қийналиб)

Туман оға момом...

ШОДИМУЛК

Йиғлаптилар!

Кундузи канизак қизлар қошинда

Сипо виқорликда кезинсалар-да,

Тунда йиғлайдирлар... Ҳеч бир кимсаға

Дилларини ёрмай оҳ урадурлар...

Султоним, бирон-бир иложи йўқму?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Иложи йўқ, ўзга чора топмадим.

ШОДИМУЛК

Амир Нуриддиннинг бу талабини

Рад этинг! Энг сўнги илтимосим шу!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қийналманг, Шодиям, қийналманг бекор,

Ўзгартиб бўлмағай қисмат ёзуғин.

ШОДИМУЛК

Султоним, подшоҳсиз, кучингиз етар!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Подшоҳлар лол қолур чигалликлар бор.

ШОДИМУЛК

Худойим қўлласин! Ҳеч бўлмағонда

Султоним, мен учун шул муштипарни

Бу азоб—ғурбатдин айлангиз озод!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Маликам, ягона йўли бор — уруш!..

ШОДИМУЛК

Тўкинларда мудом ғолиб келгансиз!..

ХАЛИЛ СУЛТОН

Пирмуҳаммад ила урушдин ҳориб  
Лашкар энди қайтмиш дорулмулккаким,  
Ғолиб жанг қилмоғи ҳозир кўп душвор...  
Маликам, улуснинг аҳволи маълум —  
Ҳар бало тўфони анинг бошинда —  
Ҳозир очлик билан олишиб ётур...  
Яна уруш бўлса ҳолдин тойурмиз —  
Амир Нуриддинда ғолиб келса-да,  
Кейин елвизакнинг бир ожиз мавжи.  
Бизни олиб кетур дорулбақога!  
Ағёр тўрт тарафдин кўз тикиб турур,  
Юз марта ўлчашур, бир қадам боссак,  
Демак, ҳеч нарсани ўзгартиб бўлмас!..

(Сукут)

Маликам, ўшанда... Ушанда бекор  
«Юр» десам эргашиб кетганингизда  
Бахтли яшармидик!

ШОДИМУЛК

Султоним, кўйинг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Сукутда)

Мен одам ўлдирдим!

ШОДИМУЛК

Худо сақласин!

Султоним, тавба, денг, истиғфор айтинг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Билмадим, қошида не гуноҳим бор,  
Эгам на тавбам, на зоримни тинглар!

ШОДИМУЛК

(Бирдан)

Тез кетурмиз бундин... Отланинг! Тезроқ!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Маликам, тақдирдан қутулиб бўлмас,  
Энди етагида ихтиёримиз!

Қаёққа борурмиз! Тўрт тараф — ағёр!

ШОДИМУЛК

Султоним, энди ҳеч одам қонини  
Тўкмасликка менга қасамёд қилинг!

(Йиғлайди.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Туман оға момом кирсинлар, айтинг!

ШОДИМУЛК

Султоним, қасамёд қилинг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

(Безариб)

Маликам!

(Шодимулк чиқади. Бир оздан сўнг бошдин  
оёқ қора либосда Туман оға момо киради.)

ХАЛИЛ СУЛТОН

Момо, ҳозирмусиз сафарға?

ТУМАН ОҒА МОМО

Шундай!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Бекам-кўстму сафар анжомларингиз?

ТУМАН ОҒА МОМО

Шундай, олампаҳо!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Қачон жўнайсиз?

ТУМАН ОҒА МОМО

Подшоҳ Халил Султон буюрғон лаҳза.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Момо, мандан кўмак керак эрмасму?

ТУМАН ОҒА МОМО

Кўмак беролмағай оллоҳдин ўзга.

(Сукут)

ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Мендан хафасизму?  
 ТУМАН ОҒА МОМО  
     Подшоҳ амри — ҳақ.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Бошқа иложи йўқ...  
 ТУМАН ОҒА МОМО  
     Подшоҳ амри — ҳақ.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Амир Нуриддиннинг сурбет талаби  
 Ночор кунларимға тўғри келдиким,  
 Чора тополмадим кўнмакдин бошқа...  
 Мол — ҳол сўрамасдин, зар сўрамасдин  
 Сизни талаб қилди уялмай, нокас —  
 Жонимнинг оғришин сезгон-да, момо!..  
 Кечиринг!  
 ТУМАН ОҒА МОМО  
 Қўй, ҳеч кимдин кечирим сўрама!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Бормаймен денг, момо! Ҳозир амримни  
 Бекор айлайдурмен!  
 ТУМАН ОҒА МОМО  
     Чидағил! Тош бўл!  
 Амир Нуриддиннинг ихтиёриға  
 Тонгда отланурмиз!  
     Олампаноҳ, хайр!  
 (Чиқиб кетади. Бобо Турмуш киради.)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Ўзи эшитмай)  
 Келинг Бобо Турмуш... Қайда эдингиз?  
 БОБО ТУРМУШ  
 Бир шўрлик мўминнинг жанозасида.  
 Зарафшонға чўкиб жон бермиш... Баъзи  
 Узун-қулоқ гаплар юрибди, гўё  
 Балиқчилар ани чўктиргонмишлар.

ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Балиқчилар...  
 (Сергакланиб)  
     Қандай балиқчилар, а?  
 БОБО ТУРМУШ  
 (Ҳайрон)  
 Балиқ тутадигон балиқчилар-да!  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Исми нима эркан?  
 БОБО ТУРМУШ  
     Шафқатдевона.  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 Чиндин ўлибдиму?  
 БОБО ТУРМУШ  
     Ёлғони борму?  
 (Сукут)  
 ХАЛИЛ СУЛТОН  
 (Кўзларида ёш)  
 Жойинг жаннат бўлсун, Шафқатдевона!

## VII

Самарқанд яқинидаги боғлардан биридаги шийпон.  
 Базмга ҳозирлик кўрилмоқда. Созандалар соз чалиб ту-  
 рибдилар. Базмга таклиф қилинганлар боғни сайр қилиб  
 юришибди. Муҳаммад Порсо ва беклар кирадилар.  
 МУҲАММАД ПОРСО  
 Беклар, оллоҳимнинг марҳамати кенг.  
 РУСТАМ БАРЛОС  
 Тақсир, сабрнинг ҳам чегараси бор.

## БУРУНДУК

Жонимиздин ўтгач сизга арз этдик.

## ОЛЛОҲДОД

Тақсир, ул подшоҳмас, хотиннинг кули!

## РУСТАМ БАРЛОС

Яна Бобо Турмуш каби таги паст

Анинг ихтиёрин жиловлаб олғон.

## МУҲАММАД ПОРСО

Содиқ бандалармиз, қодир эгамга,

Нимаки иш қилсак — яратғон раҳбар!

Кўнглимга раҳматнинг нури тўкилиб,

Бир қутлуғ ниятдин жунбушга келдим:

Насихат қилайин аввал мирзога,

Дилин равишига қўл солиб кўрай.

## РУСТАМ БАРЛОС

Ҳазрат, умидимиз сиздин!

## МУҲАММАД ПОРСО

Иншоллох,

Эгам тўғри йўлга солса ажабмас.

## ОЛЛОҲДОД

Ана, келмоқдалар...

## МУҲАММАД ПОРСО

Боғни айланинг,

Ўзим қаршилаймен...

**[Беклар бир томондан чиқадилар, бир томондан Халил Султон ва Бобо Турмуш кирадилар.]**

## МУҲАММАД ПОРСО

Жаъми мўминларнинг покдил пешвоси,

Фуқаро таянчи, амиру беклар

Бошида порлағон наъйири аъзам,

Оллоҳ фикратининг ердағи кули,

Мирзо Халил Султон ибн Мироншоҳ

Ибн Амир Темур Кўрагонийнинг

Тож-тахти ҳамиша барқарор бўлсун!

Омин!!!

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Хуш кўрдик, ҳазрати Муҳаммад Порсо!

## МУҲАММАД ПОРСО

Бухородин келдим, қутлуғ ният-ла,

Менга аён бўлди — чигал мушкуллар

Дилингизни чирмаб безовта этмуш...

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Кўмакка келдим, денг?

## МУҲАММАД ПОРСО

Мирзом, кесатманг!

Сиз учун эгамга йиғлаганимда,

Ҳумоюн ўрдага етиб келишдек

Бир хаёл дилимга ёғду ташлади.

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳазратим, ул қутлуғ ниятингиз не?

## МУҲАММАД ПОРСО

Мирзом, сабр ила сўзимни тингланг —

Ҳатто жаннатмакон бобонгиз бизга

Жеркиб сўйламағон, суйиб сўйлағон!

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Сўйланғиз, тинглармен, Муҳаммад Порсо!

## МУҲАММАД ПОРСО

Сўйлашсак бўлмасму иккимиз холе?

## ХАЛИЛ СУЛТОН

Давлат ишидинму сўз юритурсиз?

(Муҳаммад Порсо тасдиқлайди.)

Бобо Турмуш анда айни муддао!

Ундан яшириқли асроримиз йўқ.

## МУҲАММАД ПОРСО

Мирзом, сиз эгамнинг суйғон зотлари —

Амиру бекларга, дини исломнинг

Туғин баланд тутғон уламоларга



Илтифот эшинин ёлиб қўйдингиз.

ХАЛИЛ СУЛТОН

Яна не қилибман, Муҳаммад Порсо?

МУҲАММАД ПОРСО

Азим гуноҳлари учун эгамнинг

Қаҳрига дуч келгон паст бандаларга

Меҳр кўргазурсиз!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Эй, Бобо Турмуш,

Айтинг, ҳақиқатму ҳазратнинг сўзи?

БОБО ТУРМУШ

Эгам бандаларин барчасин суяр!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ана, кўрдингизму, Муҳаммад Порсо!

Мен фақат Холиқни алдамоқ бўлгон

Зотларни тартибга чақириб қўйдим...

МУҲАММАД ПОРСО

(Бобо Турмушга ишорат қилиб)

Олампаноҳ, бунинг сўзиға кирманг,

Рўзаю намозни тарк этгон кофир,

Эгамнинг дилини қайдин тушунсин?

БОБО ТУРМУШ

Дунё ҳаракатда, вақт оқиб борур,

Лаҳза олиб келур минг шакл-мазмун,

Бир кечада боғлар қанча барг ёзур,

Кечаги эмасдир дарё сувлари —

Хуллас, аста-аста ўзгарур олам...

Шул боис айтурмен, пайғамбарларнинг

Ҳар сўзин фикрлаб қабул этмоқ шарт,

Зеро, тинч котдиму — фикр ўликдир.

МУҲАММАД ПОРСО

Олампаноҳ! Кофир ёнингизда-ку!

БОБО ТУРМУШ

Энди қай сабабдин рўза намозни

Тарк этдим?

Жавоб шул, Муҳаммад Порсо!

Инсонни яратди эгам меҳнат-чун,

Демак, неки тўгон ҳалол меҳнатга,

Баҳридин кечмоқлиғ бир муқаддас бурч.

Рўза тутдик — бизни ҳолдин тойдирди,

Вақтни ўғирлади — ибодат, намоз —

Шу сабаб меҳнатни аъло билдик-да,

Намозу рўзани баҳридин ўтдик.

МУҲАММАД ПОРСО

Тилингни тий, кофир! Тилинг кесилсин!

Дўзада тилингда осиладурсен!

Олампаноҳ, буни тезроқ даъф этинг!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Кимни даъф этмакни ўзимға қўйинг.

Яна не сўйлайсиз, Муҳаммад Порсо?

МУҲАММАД ПОРСО

Наҳс босиб кетибмиш саройингизни:

Раҳмонни унутгон манов шайтону

Эрка хотинингиз қулоғингиздин

Қуртдай киргонлару ғимирлаб аста,

Миянғизни қоқлаб қўйгонлар...

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ҳазрат!

Малика ҳақинда сўз очманг!

МУҲАММАД ПОРСО

Нечун?

Анинг қилмишлари ҳаммаға аён!

Саройға тегишли қиз-жувонларни

Зўрлаб эрға бергон ўшал жодугар;

Темур хазинасин эшигин очиб,

Ҳар кимға-да сочгон ўшал исрофгар;

Туман оғани ким ўрдадин қувди,

Сароймулк хонимға ким берди заҳар?

ХАЛИЛ СУЛТОН

Ўзингизни босинг, ҳазрат, уялинг!

Магар подшоҳлиғнинг юкидин ҳоле

Бўз йигит бўлсайдим, бу иғводин сўнг

Бўғзингизға шундоқ қўлимни чўзиб,

Жонингизни шартта юлиб олардим!

Энди, менга айтинг, Муҳаммад Порсо,

Ўзингиз поксизму эгам қошинда?

МУҲАММАД ПОРСО

Танҳо парвардигор гуноҳсиз эрур!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Демак, гуноҳингиз йўқ эмаскан-да?

Қани, биттасини айтиб беринг-чи?

Яхшиси, эслатай: Шоҳруҳ Мирзодин

Қандай хат олдилар?

МУҲАММАД ПОРСО

Ҳеч қандай! Бўхтон!

ХАЛИЛ СУЛТОН

Сўнг масжид жомедин Бухоро аҳлин

Қандай хабар ила хурсанд қилдилар?

(Муҳаммад Порсо жим)

Унутган бўлсангиз, Муҳаммад Порсо,

Мен атай, эшитинг, ул Шоҳруҳ Мирзо

Мактуби — бечора Халил Султоннинг

Кунин битғонидан башорат айлаб,

Бу йўлда найрангни бўшаштирманг деб,

Ёзилгон макрли илтимос эрди:

Сиз эрса, қувончдин намозни қўйиб,

Муқаддас масжиддин қилдингиз эълон —

Ки Халил Султоннинг паймони тўлди...

Энди пок ниятдин менга лоф урманг —

Ўзим фарқлайдурмен кофур, муслимни!

Ҳозир отингизни эгарланг, ҳазрат,

Шаҳарда ўлтирманг, чўл-саҳро кезинг.

Кофур ким, муслим ким фарқиға бормас

Кўчманчи саҳройи улуслар борким,

Урфони исломдин сўйланг аларға!

Отингиз тайёрму?

Кўмак шартмасму?

(Муҳаммад Порсо жим)

Энди йўлға чиқинг, Муҳаммад Порсо,

Подшоҳлик вақтини кетказманг бекор!

(Истеҳзо билан)

Айтғондай, базмға қололмайсизму?

(Муҳаммад Порсо жим)

Ҳазрат, на илож бор — ишингиз тиғиз,

Саҳройилар сизнинг васлингизға зор:

Йўлингиз оқ бўлсин, Муҳаммад Порсо!

(Бобо Турмуш ва Халил Султон чиқиб

кетадилар. Беклар кирадилар.)

РУСТАМ БАРЛОС

Пирим, нима деди?

МУҲАММАД ПОРСО

Умид узинглар!

Шайтоннинг измида фикру хаёли...

(Сукут)

Бир қарорға келсак, беклар, кечикмай!

ОЛЛОҲДОД

Пиримнинг айтғони — биз учун қарор!

МУҲАММАД ПОРСО

Қадру қийматингни паймолланмоғи,

Хўрланмоғи ёмон, амирлар, ёмон!

РУСТАМ БАРЛОС

Пирим, не қилайлик?

МУҲАММАД ПОРСО

Қодир худойим

Кўнглимға солғонин этайин ошкор:

Улуғ Амир Темур Кўрагонийнинг

Тожини бу нокас кўтаролмабди —

Одил подшоҳ истаб тебранмоқда тахт!

Амирлар, тож-тахтға муносиб зотлар

Изғир Самарқанднинг теварагинда,

Бирининг кўнглини топинг...

ОЛЛОҲДОД

Ҳазратим,

Демак, бул қузғунни!..

(Қўлини бўғзига қадаб кўрсатади.)

МУҲАММАД ПОРСО

Бек, кўп қизишманг!

Сиз, Амир Арғуншоҳ, бул маслаҳатға

Бош қўшмай турибсиз бир четда хомуш —

Қарор кўнглингизға ўлтирмадимиз?

АРҒУНШОҲ

Жаъми мусулмонға пири комилсиз,

Сизға хосдир ўлчаб-ўлчаб иш кўрмоқ!

Пирим, бу қарорда шошмадингизму?

Халил Султон мирзо ҳали кўп ёшлар,

Чархнинг тегирмонин тоши бошида

Айланаверғон сўнг қуйилиб қолур.

РУСТАМ БАРЛОС

Қачон қуйиладир? Уч йилдан ошди,

Бошиға тож кийиб хезланур, хумпар!

БУРУНДУҚ

Мен андин қўлимни ювиб бўлғонмен.

ОЛЛОҲДОД

Арғуншоҳ, чайналманг — бирмизму, йўқму?

АРҒУНШОҲ

Сиз билан бир бўлмоқ мумкинмас, амир!

Билурсиз, иккимиз қўшилолмаймиз —

Биримиз муз бўлсак, биримиз олов...

МУҲАММАД ПОРСО

Майда гиналарга, беклар, ўрин йўқ!

Арғуншоҳ, мирзонинг қошида ҳозир

Инобатға тушғон кимнинг каломи?

Ҳазина калити кимнинг қўлинда?

БУРУНДУҚ

(Арғуншоҳга)

Мирзонгиз ҳуш кўрғон таги пастларни!

МУҲАММАД ПОРСО

Кимлар олаётир жангдин сўнг инъом,

Юртни сўраётғон арбоблар кимлар?

АРҒУНШОҲ

Бир муддат ўйлайин...

МУҲАММАД ПОРСО

Амир Арғуншоҳ,

Ўйланг, кўпроқ ўйланг — ҳаққа етинг тез!

(Бекларга)

Амирлар, базмға боринглар, хайр!

РУСТАМ БАРЛОС

Пирим, сиз ҳам меҳмон бўлиб кетурсиз!

МУҲАММАД ПОРСО


Нопок дастурхондин қилурмен ҳазар,

Омин! Тезроқ етинг ниятингизға!

БЕКЛАР

Омин!!!

Охири келгуси сонда.



Абдурашид Пардаев

## БАҲОРНИНГ ОХИРГИ ЁМҒИРИ

Ҳикоя

Баҳорнинг сўнги кунини эди. Бирданига кучли шамол кўзғалди. Тушдан кейин ҳаво айнаб, шаррос ёмғир қўйди. Урик-олма шохлари силкиниб-силкиниб эгилди, гуллар ётиб қолди, ҳовлида кўлмак пайдо бўлди.

Узум япроқлари орасидан ёмғир суви йўрғалаб оқарди. Тахтаси йўқ, темир каравотга боғланган овчарка ит ғингшир эди.

Ҳайдаров деразадан ташқарига тикилиб турарди. Хотинини нариги хонада, қизчаси бир нарсалар деб йиғлаяпти.

Ён ҳовлида қўшнисини кўринди, ишдан кечроқ қайтибди — қўйлақ, шими ҳўл, папкасини қўлтиғига қисганча уйига югуриб кирди.

— Ҳай, — чақирди Ҳайдаровнинг хотини.

Ҳайдаров хаёлини бузмади.

— Ҳай, — яна овоз берди хотини. — Нигорага қараб туринг.

Ҳайдаров бурилиб қаради.

— Нега? — деб сўради у турганича.

— Овқат пишираман.

Ҳайдаров индамади.

— Уни юпатынг, ахир, — қизчасига ишора қилди хотини. — Эшикка чиқаман деяпти. Чиқса йўталади. Оқшом кўрдингиз-ку, ухлатмади.

— Нигора, — деб чақирди Ҳайдаров, — бери кел, қизим.

Шундан сўнг хотини елкасига шоша-пиша тўн ташлади-да, ташқарига чопди. Ҳайдаров нариги хонага ўтиб, қизчасини кўлига олди.

Ит баттар ғингшиди, сўнг вовуллади. Кўлмак суви кўкат экилган жўякка оқа бошлади. Қўйлар жимиб қолган эди. Чақмоқданми, момақалди роқданми кўрқиб, саройга қириб кетибди.

Хотини у ёқдан чопиб қайтди. Энтикиб уйга кирди-ю:

— Калиш, туфлиларнинг бўларини бўлибди, — деди. — Эсизгина, ичкарига киритиб қўймаган эканман!

Ёмғир ҳамон шариллаб ёғарди. Хотини нариги хонадан овоз берди:

— Ҳой, буёққа келинг, тез келинг, томошани кўринг. Анови хотинларнинг югуришини қаранг!...

Ҳайдаров бормади.

Қўшнисини ҳовлига чиқди. Қўлидаги идиш — шиша банкани тарновдан оқаётган ёмғир остига қўйди.

— Киринг, киринг, шамоллайсиз, — деди қўшнисининг хотини. Кейин қиқирлаб кўлди.

Жўяклар сувга тўлди. Ювилган буюмлар дорга қатор ёйилган эди. Ёмғирда оғирлашиб, дор ипи узилай-узилай деб турарди.

— Нима овқат пиширасиз? — сўради Ҳайдаров.

— Ҳеч нарса, уйда гўшт йўқ.

— Картошка бор-ку, — деди Ҳайдаров.

— Картошканинг ўзига нима овқат бўларди? Яхшиси, Дилдора опаларникига борамиз. Ҳам тоза ҳавода айланиб келамиз.

— Улардаям гўшт йўқдир.

— Э-э, улар мана бундай яшашади, — хотини бармоғини томоғига кўндаланг қўйди. — Уйларида ҳамма нарса бор. Эри қулупнайнинг катта-каттасидан олиб келади. Мен ҳалигача тўйиб емадим.

Ҳайдаров қизчасини ерга қўйди, чуқур нафас олди. Уйланди, хотинига қандайдир маъноли қаради. Ёмғир хийла секинлади. Устма-уст чақмоқ чақди.

- Э, кино бошланди, — деди хотини ва бурчакдаги телевизорга яқинлашди.
- Қўйма, — деди Ҳайдаров.
- Нега, ахир кино...
- Ёмғирга қара, баҳор хайрлашяпти.
- Э, қўйсангиз-чи.
- Хайрлашсанг-чи!

Ҳайдаров телевизорни қўйдирмади. Хотини хафа бўлди.

— Ёз бошланади. — деди Ҳайдаров маъюсланиб. Ёзда боши кўп оғрийди, баъзан уйдан чиқолмай қоларди. Докторларга қаратди, ҳар бало қилиб кўрди, фойдаси йўқ. Сут билан кирган дардга ўхшайди.

— Ёз менгаям ёқмайди, — деди хотини қизчасига энгашиб. — Озиб кетаман.

Бирпас жим қолишди.

Ҳайдаров доим оирдай: озгин. Ўзгармайди. Дам олсаям, маишатда юрсаям, барибир, этига эт қўшилмайди.

— Сизам, мундай, очилинг, — деди хотини унга тикилиб. — Ёз бошланди деманг-да, кулиб, ўйнаб юринг.

— Яна ўша гап!

— Тўғри-да. Бировдан кам жойимиз йўқ.

— Қўйсанг-чи, — деди Ҳайдаров ёқтирмай.

— Кулиб, ўйнаб яшасангиз, бошингиз оғримайди.

— Балки, — деди Ҳайдаров.

— Нима истайсиз ўзи?

Ҳайдаров индамади.

Ёмғир тўхтади.

Шифердан, узум япроқлари орасидан томчилар томарди. Осмон тиниқлашди, уфқ ёришди, чумчуқлар чирқиллаб қолди. Қўйлар ҳам саройдан чиқди. Ит ҳамон ғингширди.

— Дилдора опаларникига бормаймизми? — умидвор сўради хотини.

— Йўқ.

— Унда картошка қовураман.

Ҳайдаров қовоғи солиқми, ўйчанми.. бир аҳволда ташқарига чиқди. Юзига муздай шамол урилди. Ер лой эди. Кичкина калиш лойқа сувга ботиб ётарди. Худди ҳовлидан сел ўтганга ўхшайди. Уни кўриб қўйлар маъради, қашқа кўзи югуриб охурнинг устига чиқиб олди. Хашак тугаган эди, узум новдаларининг ортиқчасини кесиб қўйларга ташлади.

Хотини: «Хов, хашак изланг, қўшнимиз бир тележка туширди», деган эди, жавоб қилмади.

Хўжаликларда биринчи беда ўрими тугаган эди. Биринчи ўрим ҳамиша назоратда, дадилроқ бўлмасанг тегмайди.

Ҳайдаров ортиқча гап-сўзлардан қочади. Кўз олдига эски таниши — Ризаевни келтирди. Бахиллиги қолмаяпти, унинг устидан турли томонга ёзгани-ёзган. Тайинли гап йўқ, нуқул иғво. У танқид аламини олмоқчи. Замон фаровонлашган, шароит яхшиланган сари, одамнинг хафа бўлиши осон, қувониши оғир бўлиб боряпти.

«Майдалашиб кетяпмизми». Ҳайдаров у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Босган жойидан лой кўчар, туфлисига ёпишарди...

Хурпайиб, ғингшиб турган итнинг тагини тозалади, сувини қочирди. Оқшом қандай ётади, деб ўйлади. Зах ерда қийналади. Тагини қуруқлай деса хашак йўқ. Ортиқча тахталар бормикин, деб ўйлади. Ёзги душ учун оёқ тагига қўйиладиган, эски эшикнинг ярми борлиги эсига тушди. Ушани кўтариб келиб, итига жой қилди. Ит орқага тисланди, яна ғингшиди.

— Ҳой, нима қиялпсиз? — деди хотини эшикдан мўралаб. — Бу нима қилиқ?

— Ит қийналмасин...

— Э, итингиз ўлсин, ҳаммаёқни из қилиб ташлабди.

— Кун чиқса қурийди.

— Буёққа келинг, тез келинг!

— Нима?

— Телефон жиринглаяпти.

— Ўзинг гаплашавер.

— Биров кўрса яна гап бўласиз. Ҳайдаров итининг тагини поллаяпти, дейди. Гап бўлмаган бирор қилиғингиз қолмади ўзи. Уйга кириб, телевизор кўринг.

Ҳайдаровнинг энсаси қотиб, юзини четга бурди.

— Жаббор ака, — деди хотини. — Нигорага қаранг, картошка қовураман. — Хотини эрининг ўзгаришини истарди. «О, қани энди, бошқалардай мулойим, мурсосага юрадиган бўлсангиз», дерди. Эрим, мулойим, мурсосачи бўлса, тинч, бахтли яшаймиз, деб ўйларди.

Ҳайдаров уйга кирмади. Ҳаводаги софлик, ҳўл япроқлар, баҳорнинг охириги

ёмғири, жимжитлик унинг хаёлини банд этганди. У охирги марта қачон, қаерда, терга тушиб, завқ билан ерга ишлов берганини эслашга тиришарди...

— Ҳа, қўшни, — деди қўшниси банкага тўпланган ёмғир сувини чамалаб кўраб экан. — Бу ёғи қандай бўлди?

— Баҳор хайрлашди.

— Пахтага зарар-а? Зарар. Деҳқоннинг ишига иш қўшилди...

Ҳайдаровнинг пешонаси тиришди.

«Идорада эмас-ку, — деб ўйлади. — Устамонликнинг нима кераги бор?»

— Шўрлик ғўзалар, — давом этди қўшниси. — Айрим жойларда ёмғир дўлга айланган бўлиши мумкин.

Ҳайдаров чидади.

— Аккумуляторим эскиди, — деди яна қўшниси. Бу гал овозида ростдан куйиниш бор эди. Банкадаги ёмғир сувини авайлаб шишаларга куйди.

— Буни яхши қилдим. Аптекага, сут заводига сув сўраб боришдан қутулдим. Э, машинанинг ташвиши кўп. Алмаштириб, янгилаб олмасам, эскини эплагунча эсинг кетади, дегандек... У ёқ-бу ёғини кўрсатиб, бўяб-мўяб бозорга чиқарсам, бирорта соддароқ харидор учраб қолса...

Қўшниси кулди. Писандсиз бу кулги Ҳайдаровга оғир ботди. Бундай вақтда у бирдан ичдан қизишар, гўё қаердаги содда одамлар эмас, ўзи, айнан ўзи кулги бўлаётгандай, алданаётгандай, кўзғалган жаҳлини босолмай қоларди. У биларди, қизишиши, жаҳли — ўзига душман, кўп ҳолларда охир-оқибатда хижолатга солиб кўяди, баъзан кечирим сўраттиради. Лекин, начора, ўзини ҳар қанча босмасин, бир портлайди. Чамаси «портлай-портлай» ҳолдан тойди. Ибн Сино асарларини кўпроқ ўқийдиган бўлди. Энг аламлиси — ўртоқман деганлардан анчаси уни йўқламай қўйди. Гўё у кечаги кунларда бағридан хазина топилган тепалик эди, бу тепаликнинг атрофида кизғин иш борарди. Бугун эса... тепаликда хазиналар тугади.

— Алмаштираман, эски машина эскиликдай нарса... — ҳамон мақтанарди қўшниси.

— Уйнияма алмаштиринг, — деди Ҳайдаров.

— Уйни, нега?

— Кейин ўзингизга навбат келади-да. Янгиланиш бўляпти, ахир. Покланиш, дегандай.

Қўшниси унга қараб турди-да, кулди. Расмийроқ қилиб:

— Сиз эса ўзгармайсиз, ўртоқ Ҳайдаров, — деди.

Кейин уйига кириб, атайлабми, чет элнинг шўх-шўх музыкаларидан қўйди. Ҳайдаров нарироқ кетди.

Ёмғир тингач, ҳаво очила бошлади. Чумчуқларнинг чирқиллаши кучайди. Ҳайдаров тўйиб-тўйиб нафас олди, шунда, бирдан юраги орзиқди. Қишлоғи, кенг дала, дарахтлар, қадрдон уйлар кўз олдига келди. Чол-кампири, укаларини ўйлади. Унинг чарчоғи тарқаётгандай эди...

## ДУШМАН

Ҳикоя

Ғуломов аввал соатига, сўнг атрофга қаради. Бино ёнидаги майдончада турган яшил «Жигули»ни кўриб: «Шу, ўзи. Мендан олдин келибди-да» — деган гап кўнглидан кечди. Машинадан тушиб, ланж кайфиятда қўш табақали, ойнаванд эшик ёнига борди. Ичкарига зимдан тикилиб турганида, кўчага чиқиб келаётган котибага кўзи тушди.

— Узоқовни кўрмадингизми, опа?

— Кимни дедингиз? Лунжлари осилган, гавдаси қўпол қора йигитми? — Котиба иккинчи қаватга ишора қилди. — Шу ерларда юрувди. Кеча эшитдим. Ғуломовнинг ўрнини тортиб олувди, энди қайтариб беряпти, дейишди.

— Кеча эшитдингиз? Кеча ҳам шу ердамиди Узоқов?

— Ҳа, шу ерда эди... Бир нарсани кимга илтимос қилсам экан, деб ўйлаб юрувдим. Катта ташкилотнинг бошлиғидай бўлиб ўттизта шифер ёрдам қилинг. Ошхонамизни ёпамиз, деб...

— Бу ёғи бўлаверсин-чи, кўрамиз.

— Бу ёғи бўлган. Шу ердан тўғри бориб, ишни келган жойидан бошлайверасиз. Ишқилиб бизнинг илтимос эсингиздан кўтарилмаса бўлди.

— Эсдан кўтарилмайди. Аҳолига сотишга ҳозир ҳукумат йўл очди. Ҳм... Биринчи секретарнинг олдида одам борми, опа?

— Бор. Областан келганлар билан ниманидир муҳокама қилишаётир. Узоқовингиз тунов куни тоғдан келган икки киши билан қабул кутиб кўп ўтирди. — Котиба залнинг киришдаги бурчагини кўрсатди. — Халталарини ўша ерга қўйди. Суғур мойининг иси келди. Қайси дардларга даво суғур мойи деганлари, Ғуломов ука?

— Ҳе, кўп дардларга даво дейишади. Ҳм... тоғликларни биринчи секретарь қабул қилдимми?

Аёл бош чайқади.

— Қабул қилмади. Ишдан чиққач, йўлакда гапга тутмоқчи бўлишди. Биринчи секретарь гапни чўрт кесди. «Бу масалани эртанги бюро ҳал қилади. Мен ҳал қилолмайман», — деди. Тоғликлар латталари сувга тушиб, халталарини орқалашганча кетишди. Узоқовингиз уларга эргашди.

Котиба кетди. Зинапоядан яна оёқ товуши эшитилди. Ғуломов шошиб ўзини четга олди. Кўнгли ғашланди: «Эҳ, Узоқов, Узоқов! Нонкўр!»

Коллектив бир вақтлар унинг мана бундай «фазилатлари»ни санаб ишдан ҳайдашни талаб қилган эди: «Гапи сассиқ! Кўнгли кўмирдан ҳам қора! Одамларни бир-бирига сотадиган бузғунчи! Ғараз-пичинг уяси!» Ушанда Узоқов гангиб қолди.

«Ёшлик қилдим, — деб кўзига ёш олди. — Мени кечиринглар. Хатоларимдан сабоқ олганлигимни амалда исботлаш учун охириги марта муддат беринглар. Утинаман...»

Ҳаммадан кўпроқ Ғуломовнинг раҳми келди. Узоқовни сўнги марта санаб кўришга коллективни кўндирди. Бола бир янглишди, уни ҳайдасак ўзимизнинг шаънимизга ҳам пасти-баланд гаплар юқтирган бўламиз, деб баҳона кўрсатди. Коллектив бундан кейин бирор гап чикса ўзингиз бошингиз билан жавоб берасиз, деб шахсан Ғуломовнинг зиммасига масъулият юклади. Соғ бошига сақич ёпиштирганлигини Ғуломов билмаганди. Энди эса пушаймонки, фойдаси бўлмапти!

Шу Узоқов деганларига дастлаб қандай дучор бўлганлигини хотирлаганида, Ғуломовнинг кўз ўнгида унинг тоғлик кал тоғаси жонланади. У қип-қизил лунжлари ялтираб, дунёда ўзини бағри кенг, кўнгли очиқ қилиб кўрсатиб жиянининг ўртасига тушиб келган эди. Қандай қилиб уйига бош суқди, ақлини олди? Ғуломов бунга сезмай ҳам қолди! Ушанда у Ғуломовнинг юзи, оғзидан чўлпиллатиб ўпди. Қўлидаги саватни очиб:

— Отангиз бетоб эканлар, айтмайсиз ҳам, катта, — деди. — Мана бу озроқ наъматак билан шотут майизи. Бир кўрсинлар отангиз! Дард деганни қиличдай ширпиллатиб кеса-

ди. Суғурнинг мойи керакми, олқорнинг талқоними —оғзингизга сиққанича айтинг! Шунда —оти дунё бўлибдими? —Меҳмон ғалати илжайганича, Ғуломовнинг бўйнидан қучиб қулоғига аста шивирлади. —Биров эшитмасин, ҳеч ҳидини чиқарманг. Бир кийикнинг икки сонини ҳам олиб келдим. Буям ўзимизнинг деҳқончилигимиз-да, катта!

Сўнг, меҳмон Ғуломовга қайсидир даврада бирга ўтиришганини эслатди.

— Ҳалигача таърифингизни қилиб турамиз. Киройи инсон Ғуломовдек бўлса, деб юраемиз. Сиздаги камтарлик, сиздаги инсонгарчилик, сиздаги оқибат, тўғриси, кўп одамларда йўқ, Ғуломов ака... кечирасиз, катта!

Гурунг қизиб, дунёда гап қолмади ҳисоб. Меҳмон тоғ жониворлари-ю, кўкатларигача —ҳамма-ҳаммасининг турфа хосиятини санаб чиқди. Гап омади келиб ўрмончилар ўртасида ҳам низолаб бўлиб туришидан, масалан, тоға-жиян бўлган дуппа-дуруст икки киши ўрин талашиб бир-бирининг устидан ёзаётганлигидан, энг ёмони: улар қизиққонликка ўтиб, бошқаларни кавлаштириб, нотинч қилаётганлигидан нолиди. Бу мавзу Ғуломовни ийитди. Бир ифвогар қандай тинчиганлигини ҳикоя қилиб:

— Бир маҳал денг, устимдан имзосиз хат тушди, —деди. —Текширишда факт тасдиқланмади. Сўнг, очиқ имзо билан ёзилди. Яна факт тасдиқланмади. Қарангки, комиссия олдинги имзосиз билан кейинги имзоли хатдаги жумлалар, бутун-бутун сўзлар бир хиллигини аниқлади. Кейин у одам кимларнинг ифвосига учганлигини очиқ айтди. Энди юзингизга қандай қарайман, мени ишга солганлар ўзларини панага олиб қочишди, яққаланиб қолдим, деб ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатишни сўраб ариза ёзди. Кейин...

Меҳмон тавозе билан Ғуломовнинг гапини бўлиб унинг елкасига қоқди.

— Суробини бошлаб келтирибсиз, катта. Ҳе, бу одамларми, сал паст келсангиз, тепкилашиб босиб ўтиб кетишади. Ишга олаётганингизда билмагансиз-да! Одам янглишади, одам янглишади! Бировнинг қандайлиги пешонасига ёзиб қўйилмаган-да!.. Бизнинг бир жиян бор, Ғуломов ака... кечирасиз, катта! Қўй дейсиз, қўй. Терисига сомон тиқсангиз ҳам нима қиялпсан, демайди. Ҳозирги ишлаётган жойидаги бошлиқ тўнка бир одам. У билан ишлашда сира маъни йўқ. Сиздай оқил, сиздай нуфузли одамнинг тарбияси остида ишласа...

Меҳмоннинг жияни эртасигаёқ ишга олинди. Шундан кейин Ғуломов тез-тез ҳар хил зиёфат-зарофатларга чақириладиган бўлди. Уйдан эса тоғ неъматларининг ҳиди аримай қолди. Қорабулоқ чашмаси атрофидаги тандирхўрлик ҳали-ҳали унинг кўз ўнгида.

Узоқовнинг ўша, гапга бир чалингани демаса, кейин ишлари ўнгланиб кетди. Ғуломовнинг унга ишончи, ихлоси кучайди. Қисқа вақтда уни мансаб пиллапояларидан кўтариб, ўзининг ўринбосарлигига тавсия қилди. Ҳузурига кирганларга Узоқов нима деса шу, Узоқовга учрашинглар, дейишга одатланди. Қаерга борса, Узоқов ёнида. Одамлар уларнинг яққа ҳолда юришини тасаввур ҳам қилолмайдиган бўлиб қолишди. Тасодифан Ғуломовни яққа кўрсалар ундан э, нечук, укангиз қани, деб сўрашарди. Узоқов бошлиқнинг оила аъзолари билан ҳам иноқлашиб кетди. Бир оёғи ўзининг уйида бўлса, бир оёғи Ғуломовникида! Қисқаси, Ғуломов Узоқовга ишониб, уни ўз укасидай кўра бошлади. Узоқов эса аста-секин худди шундан фойдаланишга тушди. Қарасаки, Ғуломовнинг эътибори баланд. Унга сиғинмайдиган, ундан ўтиниб илтимос қилмайдиган одам районда кам. Ҳатто қўшни районлардан ҳам Ғуломовни излаб келишади. Областдагилар-ку, Ғуломов деса, оғизларидан бол томади.

Қайси йўл билан бўлмасин, бу эътиборларни Узоқов ўзиники қилгиси келди. Ғуломовларнинг уйига ким кириб-чиқади, кимлар қуюқ сўрашиб, кимлар уни зиёфат қилади — ҳаммасини ҳисоблаб борди. Барчасини тегишли жойларга шипшитиб турди: Ғуломов пора оляпти? Ғуломов одамларни шилляпти!

Ҳозирги замон кишиси баъзан ўзининг душманини ўзи тарбиялаб етиштирар экан! Балки, азалдан шундайдир?! Нима қилганда ҳам, Узоқов Ғуломовнинг бағрида «униб-ўсган» эди!

Текшир-текшир кўпайиб кетди. Ғуломов шаънига пасти-баланд гаплар кундан-кунга авж олди. Раҳбарлар ҳам энсалари қотиб унга шубҳа билан қарайдиган, нималаргадир шаъма қилиб гапирадиган бўлиб қолишди.

Шу вазият баробарида Узоқов ҳам ўзгариб борди. Ғуломов билан ўта совуқ муомала қилади. Арзиманган масалада ҳам ноаниқ тўнғиллайди. Зарур бўлмаса Ғуломовнинг кабинетига кирмайди. Ғуломовнинг ўзи уни котибаси орқали чақиртирганида эса анча кутдириб киради, ўтирмасданоқ истеҳзо билан, «чақиртирган экансиз», дейди. Узоқовнинг бемалол столни уриб гапиришлари, Ғуломовнинг сўзини кесиб ташлашлари, коллективнинг эътиборини тортишга уринишлари энди қатъийлашиб борарди. Орқаваротдан бир-икки киши катта одамнинг бунчалик юзига сапчиш яхши эмас, деб унга насихат қилибди.

— Катта бўлиб қаерни гуллатаяпти? —дебди у. —Тез кунда бу ердан насибаси кўтарилади. Озгина қолди!

Ғуломов бир марта Узоқов билан юзма-юз, ошкора гаплашишга уриниб кўрди. Гапни пландан бошлади.

— План бу йил чиқмайдими дейман?! Вақт ҳам ҳеч қанча қолмаяпти.



Узоқов эснаб, зўрма-зўраки:

— Ҳа, бу йил план чиқмайди, — деди.

— Сабаб?

— Балиқ бошидан сасийди.

— Мен думидан сасийди деяётганим йўқ!

На адиша, на одоб, на ёшнинг катталигига ҳурмат! Одам дегани шунақаям бўлар эканми?!

Фуломов қанчалик жаҳли чиқмасин, ўзини босишга ҳаракат қилди. Узоқов бор гап шуми, деган маънода зардали қараб индамай бадар кетмоқчи эди, уни тўхтатди.

— Бир минутга, биродар Узоқов, бир минутга! Сиздан илтимос, ёзганда очиқ имзо билан ёзинг! Нима қиламиз бир-биримизнинг асабимизни бузиб! Текширувчи келганда мен бир газ чуқаман, фактлар тасдиқланмади, деганда сиз бир газ чуқасиз!..

Узоқов ялтоқланиб, айни пайтда заҳархандалик билан кулди.

— Бу маслаҳатингиз ноўрин, ўртоқ Фуломов! Уз оёғингга ўзинг болта ур, демоқчисиз-да! Ҳа, шундай демоқчисиз! Номим аризачи деган қора рўйхатга тиркалишини, кейин бир умр ўсмай юришимни истаяпсиз! Кечирибгина қўйибсиз, ўртоқ Фуломов! Мен нонни қулоғимга эмас, оғзимга еб юрган одамман.

Эртасига район бошлиқларидан бири Фуломовни жуда нохуш қабул қилди.

— Мен шахсан каттаинг номидан гапиряпман, ўртоқ Фуломов, — деди. — Хўш сўзласинлар-чи, сизнинг жанжалларингиздан бошқа бизга иш қуриб кетганми? Ариза бериб бўшайсиз, ўртоқ Фуломов! Бошқа йўл йўқ. Тушунган одамсиз, Кўрясиз, устингиздан Тошкент қолиб Москвагача ёзилапти. Эртага кескинроқ чора кўришимизга тўғри келмасин, ҳеч қурса партиявийлигингизга пугур етмасин...

Идорадаги аҳволдан юраги безиллаб қолган Фуломов ён берди. Боши ғувиллаб ўтириб ёзган аризаси ўша кунийёқ қаноатлантирилди, унинг ўрнига Узоқов тайинланди.

... Ана шу воқеаларни эслаб, ўйга ботиб, айланиб юрган Фуломовни кимдир чақиргандек бўлди. У бурилиб қараб пешвоз келаётган қўшни ташкилот бошлиғини кўрди.

— Бўлади, Фуломов ака, шундай-шундай бўлиб туради, — деди таниши Фуломовни қучиб. — Ҳақиқат эгилади, синмайди дейдилар-ку! Узоқов ўрнингизни тортиб олгани билан эплай олмади-ку! Ишқал чиқаравериб коллективни ҳам, юқори ташкилотларни ҳам ташвишга қўйди, холос. Янги биринчи секретарнинг объективлигини қаранг! Вазиятни ўрганиб, Фуломов ишида хато бўлган кўринади, у масалага яна қайтамыз, дебди. Узоқовингиз шу бюродан ўтолмайди, Фуломов ака! Мен унинг лунжлари овчарканикидай осилиб юришини кўриб, ундан одам чиқмайди, деб хулоса қилган эдим. Адашмаган эканман...

Фуломовни иккинчи қаватга чақирди. Зинапоядан кўтарилаётганида Узоқовга дуч келди.

— О, Фуломов акамыз... бюродан кейин бир отамлашамиз!

Фуломов кўзларини олиб қочди. Юзини четга бурди.

Бюро Фуломовни бошлиқликка қайта тиклашга қарор қилди. Ҳамма қатори Фуломовдан дағ-дағ билан ариза ёздириб олган ўша раҳбар ҳам қўл кўтариб тасдиқлади. Ҳатто сўз олиб:

— Зиммангизда кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш юзасидан янги ва масъулиятли вазифалар турганлигини эсдан чиқарманг. Биз сизни ҳаммиша қўллаб-қўватлашга тайёрмиз! — деди.

Бюродан чиққан Фуломовни котиба қаршилади.

— Табриклайман, Фуломов ука!

— Раҳмат, опа, раҳмат!

Фуломов биринчи қаватга энди. Тепадан яна котибанинг овози эшитилди:



— Шифер эсдан чиқмайдими, Фуломов ука? Кўрясиз, куз булутли, серёғин келадиганга ўхшайди.

Фуломов таққа тўхтаб:

— Боринг, опа, боринг, — деди. — Эртагаёқ... ўттизта шифер ҳам гапми...

— О, Фуломов акамыз...

Бу — ўша, Узоқов! Фуломов овоз келган томонга қарамай йўлида давом этаркан, бу оқшом уйига яна тоға-жиян бостириб келишлари мумкинлигини ўйлади. Суғур мойи, тоғ кўкатлари ҳиди димоғига урилгандек бўлди. Бўғилиб, кўнгли озаётгандек ҳолатга тушди...



Эргашали Абдуллаев

## ТУШЛАРИНГГА КИРАР ОЙДИН СЕВИНЧЛАР

\* \* \*

Буларинг кўркмайди шоирларингдан,  
Буларинг китобнинг ёнидан ўтмас.  
Жанг қилсанг, беомон бўлади бу жанг,  
Тошдек бетаъсир бўл  
ва шердек кўркмас!

Кўкрагингни қисиб, асабинг ёқиб,  
Ҳимоясиз меҳнат куйган чоғида  
Чапак чалиб турган душманни ушла,  
Шартта олгин унинг ҳиқилдоғидан.

Не калондимоғлар тўралигига  
Илова қилганда Қайта қуришни,  
Сен отлан виждоннинг ҳимоясига,  
Покизалик учун бошла урушни!

Ҳали ҳар қадамда бепарво бошлиқ,  
Лоқайд у минг ҳисса,  
Кибор, минг ҳисса —  
Дард тегиб, ғўзалар жинни бўлади  
Атр анқиб турган қўлин теккизса!  
Баб-баробар келди шуҳрату иснод,  
Жонинг қутурган ит таталаб ўтган.  
Югур, онажонинг ёниб кетяпти,  
Югур, қутқариб қол синглингни ўтдан!

Уммонинг ўлмоқда бугун, ёруғ кун,  
Фарзанд эдинг унга, устувор ўғлон.

Керакми — айқириб йиғла, айқириб,  
Керакми — бер унга юрагингдан қон!

Минбар бандалари, шиор қуллари  
Мустабид майдони этди далангни.  
Уйғон,

топиб бермас булар эртага  
Болангнинг кўлидан учган қаламни!

Буларинг кўрқмайди шоирларингдан,  
Сўзингдан ер қалқиб кетса-да, қалқмас.  
Аланга тилида ёзасан энди,  
Куйса-куйиб кетсин!  
Буларинг халқмас!

\* \* \*

Кузак номи сокин ўқилар,  
Маъюс-маъюс кўшиқ тўқилар.  
Бу кўшиқни тинч айт, ҳайқирма,  
Бошинг узра барглар тўқилар.

Тўзиб, намхуш ҳавода дайдиб,  
Оппоқ ёзга алвидо айтиб,  
Қушлар нола кўтарган пайти  
Бошинг узра барглар тўқилар.

Қишми бизни ҳайдармикин деб,  
Не бир мунглиғ пайтлармикин деб,  
Яна баҳор қайтармикин деб,  
Бошинг узра барглар тўқилар.

Кўзим, нечун кўзингда хаёл?  
Ахир, ёлғиз сендан сўраб фол,  
Кўксингга бош уради шамол,  
Бошинг узра барглар тўқилар!..

\* \* \*

Доим тасодифдай келар бу фасл,  
Ранглар билан ёниб олар кўзингни.  
Кечдир,

хазонларга тўқарсан энди  
Ёзга айтолмаган қай бир сўзингни.

Яъни, иссиқларга тўймадим, дейсан.  
Ҳануз руҳим очдир, ҳануз мен адо.  
Қайтсин кундузимда куйган ҳорғинлик,  
Қайтсин тунларимни уйғотган садо!


Магар иштибоҳлар тушса қалбингга,  
Аста кўлга олгин сабот чолғусин.  
Кўқон боғларида юпанчдир сенга  
Куймаланиб юрган бир тоза ҳусн.

Мен-да бир шайдойи одам,  
кўрқаман  
Яхши кун айтмай, деб, сўзон бир сўзни  
Ва хилват қидириб, сокин боғларда  
Тиниқ юзларидан ўпаман кузнинг!..

Ҳаёт қоқ тунда ҳам тинмас, қайнайди.  
Фақат уйғунлашар яқин ва йироқ,  
Фақат азоблайди сени, қийнайди  
Ҳарсиллаган юрак,  
Чарчаган юрак.

Бироқ асабларинг авайла. Тинчлан.  
Фаол кундуз учун мукофотинг нақд:  
Тушларингга кирар ойдин севинчлар,  
Озгина бахтсизлик,

ҳам озгина бахт.  
Энди журъат лозим, талпинмоқ лозим,  
Фароғатнинг ўша хушбўй барига.  
Юрагинг ҳам топар маромин ҳозир,  
Уланар заминнинг томирларига...



Ғози Раҳмон

## ҲИКОЯЛАР

### АНҲОР ЕЛКАСИДА

Жизловуқлар қўшиғини эшита-эшита чўллаб кетган Илҳом қайнар булоқ бўйига чопади. Булоқ шундоққина анҳор елкасида. Анҳорнинг елкаси кенг. Унда бобо ёнғоқлар меваси, ёғланган сомсадай бўлиқ ўриклар, қўнғироқ баргли оқ ва кўк шамшод тераклар, тол деганда талтайган, толиб қолган қора толу сариқ тол, шум толу илон толлар оҳиста тўлғонади. Меваликларининг шохлари ларзон, мевасизларининг нархлари арзон. Дарахт шохларида барглardan бошига шамсия тутиб, шакар меваларидан тумшуқларини ширалаб каттаю кичик, беозору йиртқич, хушчақчағу серваҳма, ёқимтою серзарда қушлар умргузаронлик қилади. Сайроқи, хушовозининг ўзидан тақлидчиси кўп. Лекин, бирор тақлидчи «айбини» бўйига ола қолмайди. Булбул сайрагандан сайраб уларни қистагани билан ғуррак ғуриллашини, читтак чириллашини қўймайди. Майна урингани билан нўноқ созандадай келиштиролмайди. Ҳакка қоровулнинг шақилдоғидай шақиллаб, қушларни қўрқитиб, тухумларини ўғирлаш билан овора. Жинқарча чинчилоқдай бўлгани билан мақтаниши томни тешади. Қизилиштон иштонининг қизиллигидан уятда: дарахт танасига тўқ-тўқ тумшуқ уради, нима гап экан деб бош чиқарган қурт-қумурсқани паққос туширади. Сап-сариқ гилосга тўйиб, тумшуғини сочиқ ўрнига гилос шохига артиб олган безбет чуғурчуқ ўзига ёқмай қолган чопонини алмашмоқчи бўлиб зарғалдоққа ялинади. Мавсумга қараб кийинса яхши-да!.. Чумчуқлар оғзи сариқ болаларини кўрсатиб мақтанишади: ит бўл, қуш бўл — кўп бўл!.. Бир ёнда сассиқпопишак. У митти кўзларини очиб-юмиб, пўписини силкитиб олади-да: ким бурунни сассиқ деб кесиб ташлабди, мен ҳам керакли қушман, деб ўзига-ўзи тасалли беради.

Болакай бўлса, уларга қарай-қарай чашма сувидан тўйиб-тўйиб ичади. Бирин-кетин қанотлию беқанот, оёқлию беоёқлар, ўрмаловчию судралувчилар ҳам сув бўйига тушадилар, учадилар! Боланинг мусаффо кўнглида шу хаёл:

— Нима бўлсаям сувлар қуримасин, дарахтлар қуримасин, қушлар қуримасин...

### МҶРИ-МҶРИ

Анҳор бўйидаги сийрак қамишлар орасида кўк қанотли ниначиларнинг баъзилари бир-бирини опичлаб юрибди. Нега бир-бирларини орқалаб олишган?

Уларни дафъатан кўриб қолган Илҳомнинг кўз олдига ўзлари ўйнайдиган «мўри-мўри» ўйини келди. «Ий-е, ниначилар ҳам мўри-мўри ўйинини билишар экан-ку! Ана, ютилганлар «ғолиб»ларни опичлаб юрибди»... Болалар бу ўйинни кўпинча ой ёруғида ўйнашади. Бўлинган икки тўда икки томонга саф тартади. Уйинчилардан бири бек — жўрабошидан сўрайди:

— Мўри-мўри...

- Кимнинг мўриси?
- Асқар бобоники!
- Йўқ, тополмадинг.
- Энди иккинчи томонга навбат келади:
- Мўри-мўри...
- Кимнинг мўриси?
- Қилич бобонинг мўриси!
- Топдинг.

Харрак. Ютилганлар ютганларни битта-битта орқалаб белгиланган масофага кўтариб боради ва яна ўйин давом этади. Илҳом ҳам «Мўри-мўри» ўйинида икки марта Сулаймон сўлоқмонни кўтарган. Вой унинг оғирлигини, нақ бир қоп гўштнинг ўзи! Лекин, нотантилик кетмайди, кимнинг мўриси эканлигини тополмадингми, тишингни тишингга қўйиб кўтаришга мажбурсан.

Ниначилар ҳам бекорга бирови бировини кўтариб юрмас. Бунинг устига учиб юрибди-я! Елкасидаги ғолиб эса, қанотини ҳам қоқмайди.

— Ий-е, буни қаранглар!..

Илҳом ўзича гапириб юборди. Бунақа ниначини биринчи кўриши. У одатдаги зангори ёки зарғалдоқ тусли ниначиларга ўхшамайди. Нилий осмон тусида, «қўш калла». Бир қараганда, уларнинг ранги Илҳомнинг укаси кўк йўтал бўлганида бувиси қайнатиб ичирган кўк тикан рангида эди. Қанотлари кўк тикан баргига, бош-оёқлари тиканларига ўхшайди. Гўё кўк тикан қаттиқ чанқагану сув қидириб дарёга энган ва сув ичгач, қўш калла ниначига айланиб қолгандай.

Илҳом кўз узолмасди...

### НИНАЧИЛАР ҲАЛИНЧАГИ

Бола келиб, тип-тиниқ анҳор соҳилида ўтириб олди-да, томоша қила бошлади. Чуқур жойида гулмоҳи балиқлар оппоқ қоринчаларини кўрсатиб ғужғон ўйнайди. Чап қанотда бир тўп йўғон қамиш балиқчининг қармоқ-таёғидай сувга тегай-тегай деб турибди: тегажоқ шабада шохини оҳиста тебратганида барг учи найзачасини сув бетига уриб-уриб олади. Унинг бу ҳолати қирғоқда туриб узун бўйинини чўзиб сув ичаётган лайлакка ҳам, кўзгуда ўз акси билан чўқилашиб турган қалдирғочга ҳам ўхшаб кетади. Шўх балиқчалар эса, қамиш учини пашша деб пастга тортқилашади.

Шу пайт қайдандир каттароқ ниначи тўрт-беш кичкинтойини эргаштириб келди-да, қамиш баргига мунчоқдай тизилиб, жойлашиб олишди. Қамиш энгил шамолда оҳиста тебранади. Ниначилар қўш қанотларини пирпиратиб қамишпоя билан паст-баландга бориб келади. Тайёргина ҳалинчак:

**Ҳалинчагим ҳалинчак...**  
**Олтин беланчак;**  
**Тебрат бешигим,**  
**Беминнат шамол;**  
**Шамол, шамолжон**  
**Ҳа, қани қўзғол!..**

Бир ниначи, энг кичиги бўлса керак, мувозанатини сақлолмай қийшайиб кетди. Хайрият, сувга йиқилмай зўр-базўр ўзини ўнглаб, тош устига қўнди. Катта ниначи, афтидан онаси бўлса керак, унинг ёнига учиб бориб «қулоғига» нимадир деди. Улар биргалашиб учиб келиб яна ҳалинчак учишга тушиб кетдилар. Қуёш нурида зумрад ниналари гоҳ яшил, гоҳ кўк, гоҳ зангори, гоҳ қаравут бўлиб товланади. Қанотлари эса, бинафшаранг мовутдай... Уларнинг ўйинини пастдан кузата-кузата «кўзлари тепага битиб қолган» балиқчалар қулай фурсат пойлайди. Ҳалинчак ўйинига берилиб кетган ниначилар хавф-хатарни унутишган.

Фалокат оёғинг остида: кичикроқ ниначи тебрана-тебрана сирғалиб қамиш учига келиб қолди. Ҳалинчак қаттикроқ тебранганида қамиш учи сувга ботди-ю, пайт поилаётган балиқлардан бири шўнғиб келиб анқов ниначини ютиб кетди. Бу ҳолат шундай тинч ва бешовқин рўй бердики, на тўдадаги бошқа балиқлар, на шўрликнинг онаси пайқади.

Ҳалинчак ўйини аввалгидай давом этмоқда. Яна бир ниначидан айрилиб қолгиси келмаган болакай ўйинчироқ ниначига қўл силкиди. Бу ҳаракатдан балиқлар ҳам ҳушёр тортиб, ўзларини тош камар тагига олдилар.

Ҳалинчак қамиш ҳеч нарса кўрмагандай сеvimли машғулоти — бош ювиш билан овора... Гўё лайлак сув ичаётир, гўё қалдирғоч кўзгуни чўқиламоқда...

### УМРЗОҚГУЛ

Ушанда етти-саккиз ёшларда эдим. Оиламизда бор-йўғи тўрт киши — урушдан қўлтиқтаёғу йўтал орттириб келган отам; кичик ўғлини кута-кута эрта қариб қолган

каттам (бувим); дала шамолида юзлари қорайиб кетган, уззукун елкасидан кетмону ўроқ тушмайдиган полвон гавдали онам ва пешонасига кокилча қўйиб, устидан пилтали гилам дўппини бостириб кийиб олган, эгнида қўлбола қўйлагу солдат шимидан кичрайтириб ясалган чолвор, ялангоёқ юраверганидан товонлари тарс-тарс ёрилган болакай, яъни мен яшаймиз. Қишлоқда бола, айниқса ўғил бола кам. Гузарнинг катта ярмида битта ўзим. Уйнагани чиқсам, кўпинча қиз болалар бўлади. Қизлар ўйини — тўптош, ҳалинчак, қўғирчоқ...

Ранги униққан чит қўйлак кийган, кўзлари катта-катта, киприклари узун, патила сочли рангпар қизча мендан сўрайди:

— Уйнаймизми? Фақат икки черткидан... Қани, бошладик: ўғилми, қиз?

— Қиз.

Кўзлари юмуқ қизғалдоқ гунчасини биргалашиб очиб кўрамиз: оқ, оқиш... Ўғил. Ютилдим. Қўлларим билан юзимни бекитаман. Қизча нозик бармоқчалари билан икки-та чертади. Яна ўйнаймиз. Бу сафар ўғил десам қиз чиқади. Яна чертки... Аразлаб қочаман. Қизча ялинади. Энди қизғалдоқ ўйинида мен ютаман. Қизча бармоқлари билан кўзини яшириб «чертки» беради. Мен қаттиқ чертаман. Қиз аразлайди. Бир-биримизга ўт юлиб отамиз. Бувим мени қидириб юрган бўлади. У биттаю битта наби-расини ҳеч кимга ишонмайди. Очам тўрт-беш қақирим келадиган Қоровултепа ортидаги далада буғдой ўряпти, отам эса шаҳарда даволаняпти. Мени ўтлар орасидан топиб олган бувим койиш ўрнига юз-кўзимдан ўпиб, қизча иккаламизга бир ҳовучдан майиз беради-да, етаклаб кетади.

Тушга бориб офтоб қизигандан қизийди. Авжи саратон. Уйимиз орқасидаги жарда чумчуқлар ҳам цирқилламай қўяди. Фақат визилдоқлар чўзиб-чўзиб жизиллайди. Бувим айвондаги пўстак устида ўтириб урчуқ йигиради. Мен эса чўнтагимдан тўртта тошча чиқариб ўзим билан ўзим «хаппак» ўйнайман. Дарров зерикиб қолиб, бувим ёнида, тескари тўшалган пўстин устига ўзимни ташлаб, хаёл сураман.

Эллик ёшдан энди ошганига қарамай боши оппоқ оқарган бувим калта сочини широзли кийгич ичига солиб, учига шавалак таққан. Бошида қават-қават доқа рўмол. Қаватларида бир-икки сўм пулиям бўлади. Ойимга қасавасини ечиб пул берганини кўрганман. Узун ва кенг сурп қўйлагининг енгини шимариб олган. Гўшти қочиб, томирлари бўртиб қолган қоқсуяк қўллари айниқса менга ёқади. Кечқурунлари бувим ўша ғадир-будир, аммо ёқимтой қўллари билан елкамни қашлаб ухлатади. «Нўхот-полвон», «Қўнғизбекачни» ҳар куни бир эшитмасам кўнглим жойига тушмайди:

**Қатор-қатор отлиқлар,  
От бошини тортинглар.  
Қўнғизбекач ўлди деб  
Сичқонбекка айтинглар...**

— Буви, нега бизнинг отимиз йўқ?

— Отимизми? Отимиз бор эди. Саман... Қора ёл, қора дум, йўрға. Уруш бошланганда, икки ўғилнинг бири миниб жанг қилади, дея раҳматли буванг ўшаққа топшириб юборган. Балки, Аслон амакинг миниб юргандир.

— Буви, нега Аслон амакинг келмайди? Отини миниб келса зўр бўларди-да!.. Келгани ҳамона раис бўларди. Амакининг оти Назар раиснинг отидан зўрмиди?

— Ҳа, болам, Аслонжон уни қаноти бор, дер эди. Эҳ, қанийди Аслонимни бир кўрсам! Эй худо, нега раҳминг келмайди?

Бувим ҳўнграб йиғлашга тушади. Қўшилиб мен ҳам йиғлайман. Кенг ҳовлида бизни юпатадиган бирорта зот топилмайди. Чумчуқлар ҳавога париллаб кўтарилади. Мусичалар «ку-ку»лаб нари кетади. Соғиш учун елини ўраб ташланган кал эчки арқонни тортиб-тортиб маърайди. Улар биздан нари кетишни ишташади. Чунки, бизни юпатиша-олмайди. Ҳеч ким бизни юпатмайди. Мен йиғидан тўхтаб, бувимни юпатишга тушаман. Қани энди юпатолам?... Аслонжон, Аслонжон-у, деб нола қилганида ичидан ўтти аланга чиқиб, сариқ саратоннинг олов тафтини ҳам куйдираётгандай туюлади.

— Буви, — дейман ўзимча юпанч топганимга қувониб, — уйдаги умрзоқгул ҳали кўқариб турибди-ку! Демак, Аслон амакинг тирик. Ана мени айтди дерсиз, амакинг албатта келади!..

— Вой тилгинангдан-эй, фаришта болам, тили ширин болам. Айтганинг келсин-а!.. Амакинг келса, катта тўй қиламиз. Келин туширамиз. Сенга беқасам тўн тикиб бераман. Кийиб амакинг билан кўпкарига борасан. Тур, турақол, болам, умрзоқни кўрайлик. Ранги сарғайиб қолмасин.

Умрзоқ — умид гули. Аслон амакинг урушга кетганда унга атаб Шовуз чўққисидан узиб келинган митти хабарчи. Сувсиз ва тупроқсиз уй шифтидаги арча болорга осилганича барг ёзиб турибди. Бувим унинг барг ёзиб турганини кўриб, амакининг тирик юрганига, бир куни албатта ўз оёғи билан кириб келишига ишонади. «Қорахат»га эса сира ишонмайди. Мен ҳам ишонмайман. Йиллар ўтади. Бувим умрзоқнинг паҳса ёригидан чиққан янтоқдай сарғаетганини кўриб, тувакка ўтказди. Умрзоқ яна кўм-кўк бўлиб олади-да, дераза ортида туриб, митти қўлчаларини қуёшга чўзганича шарқдан ғарбга кетган ва қонга бўялиб ботган ўз қуёшини — амакининг умрини сўрайди.

Сўрай-сўрай чарчаган умрзоқгул ва бувим мени ҳам амакимнинг умрини сўрашга ўргатади. Шундан бери неча бор кун ботиб, тонг отиб, янги кун одамлардан ўз қадри-қимматини сўраганда, мен ҳам кун ботиш тарафга қараб амакимнинг ёлғизгина умрини сўрайман...

## ҲИЙЛА

Давроннинг отаси қўйчивон. Кечаю кундуз сурувда, тоғда. Чўққиларни қор кўм-гандагина ноилож икки-уч ой қишлик қўтонига эниб келади-ю, эрта баҳор ўт-ўланлар «чим-чим» бўлар-бўлмас отарни яна тоққа ҳайдайди. Лекин, тўғриси айтганда, отанг чўпон бўлса мазза экан. Қўйларни боқиб, билмаганини билиб, кўрмаганини кўриб юрганга нима етсин экан. Бунинг устига чўпон деганнинг ўн қўли ҳунар. Мана, Давроннинг отаси. Дўмбира чертади, урчуқ йигиради, тош ўчоқда нон пиширади, қатиқ ивитади, ҳатто доривор ўт-ўланни танийди. Қўй-эчкининг маъраганда нима деяётганини айтиб берса-ку, оғзингиз очилиб қолади. Эчкининг жунидан ола арқон эшиб берса, у билан бемалол енгил машинани шатакка олиш мумкин. Буларнинг ҳаммасини босиб кетадиган яна бир фазилати, унинг тоғ каклиги ҳақидаги ҳикояларини бир эшитган одам тоғни умрбод ёдида сақлайди.

Давроннинг анчадан буюн тоғ каклигини кўриб, овозини эшитгиси келиб юрибди. Истак деганига дарров етиш қийин экан. У какликни кўпинча тушида кўради. Тутаман деб оёғига ёпишадию қўйвормай қўшилиб учади. Қўллари толади. Иложи қанча? Ахир пастда, жуда пастда йиртқиш тишларидай учли чўққилар бор. Зориллаб какликка ялинади. Каклик бўлса қоп-қора қошларини, қизил доирачага ўралган булоқ томчисидай кўзларини сузиб бир қарайдию яна баландроқ учади. «Онажон, қаердасиз, мени ушлаб олинг!» — ўз овозидан уйғониб кетади. Орадан икки-уч кун ўтмай какликни яна соғинади.

Ушанда у тўртинчи синфдан бешинчига ўтган эди. Отаси майиб-мажруҳ қўйларни қўтон атрофида айлантириб юрасан, деб тайинлаганди. Бир пайт ўзини сеҳрлаб юрган овозни эшитиб қолди. Каклик баландда эди. Маҳ-маҳ деб чақириб кўрди. Каклик пастга тушмади, аммо кўзичалари ликонглаб ҳузурига чопди. Каклик эса, узоқдаги паст-баланд сербарг дов-дарахтларга ўхшовчи чўққиларга тикилиб сайрайверди.

Орадан тўрт йил ўтди. Отаси энди унга яқинда кунлари сурувини ишонадиган бўлди. Мана бугун Давроннинг оғзи қулоғида. Ёнида тайхардай келадиган иккита бўрибосар. Чағатлардаги ранг-ўт сомондай сарғая бошлаган. Ҳашакка боғлиқ бўладиган хардуми пишиб, бошоғи қизарганини кўрган одамлар беда ўроғига тушиб кетишган. Каклик жўжасини эргаштирибди, деганди қайси кун отаси. Давроннинг хаёли какликда. Бир амаллаб иккита боласини ушлаб олса, қафасга солиб, катта қиладди. Саҳарда сайраганига етти маҳалла тўлғониб уйғонади. Ана унда кўринг Даврон-бойни.

Қирларда саратоннинг қадами сезилмоқда. Даврон аввал ўзини тош соясига олди. Сояда ҳам иссиқ. Чўллаб кетди. Кўза қўшхонада қолган. Эрин-чоқлик билан адоқдаги жилғага юрди. Тошлар орасидан «шип» этиб чипор илон ўтди. Уям сувсаган. Тошбулбул жилға бўйида чулдираганича қушларни сувга чақиряпти. Жилғага беш-ўн қадам етмасидан Давроннинг оёғи остидан каклик чийиллаб ҳавога кўтарилдию сал нарига бориб ўзини ўтлар орасига ташлади. Довдираб қолган Даврон ўзини қўлга олиб қараса, жилға бўйида жўжалари ҳам ўрмалашиб юрибди. Бир, икки, тўрт, беш... Мана сенга омад. У жўжалардан кўз узмай таёғини ерга ташлади-ю, қалпоғини қўлига олди-да, улар томон югурди, жўжалар эса, онаси томон йўрғалаб қолишди. Она каклик эса, бўйинини чўзиб, уларни кутиб турарди. Жўжалар қатор бўлиб ўрмалаб бориб, онасидан ўтдиамки, каклик жойидан жилмади. У Давронни кузатарди. Даврон эса унга маҳлиё бўлиб қолган эди. «Ий-э, нега қочмаяпти? Касалмикан? Ҳозир қалпоғим билан босаман-қўяман». У қалпоғини кафтида баркаш кўтаргандай тутиб, каклик томон чопди. Етдим-етдим деганда каклик қочишга тушди. Маймоқ экан. Каклик бир оёғини авайлаганча секин йўрғалар, Даврон эса тобора завқланиб чопарди. Етдим-етдим деганда жўжалардан беш-ўн метр нарига учиб тушар, бунгача жўжалар тумтарақай бўлиб қочиб улгуришар эди. Даврон барибир она какликни тутгиси келарди. Онаси қўлга тушса, болалари қаёққа борарди?

Қувиш узоқ давом этди. Даврон бирин-бирин аввал қалпоғини, кейин камзулини ечиб отди. Ботинкасини чиқариб ташлаб, ялангоёқ югурди. Оёқларига қумтош кириб, кўзларидан ёш чиқиб югурди. Унинг ҳазили қаттиқлигини сезган каклик ҳам, «ҳазиллашдим» дегандай оқсоқланмай оёғини дуппа-дуруст босиб бир маромда чопа бошлади. Нарироққа бориб вертолётдай жойидан париллаб кўтарилиб тўғрига қараб ўқдай учиб кетди. Даврон ўпкаси тўлиб, томоғи қақраб пастга қайтаркан, йўл-йўлакай кийимларини битталаб териб келар, лекин ҳали жўжалардан умид узмаган эди. Ҳар



Э-тта равочу ҳар битта шувоқ тагини кўтариб кўрди. Қўлларига санчилган тиканга қарамай мисвоклар тагига қўл тикди. Қаёқда? Балки тошлар ковагига киргандир. Бу кўйларда нима кўп, тошнинг коваги кўп. Алаמידан хўрлиги келиб, кўзларига жикқа кўйилди. Нахотки, бирортасини?..

Жилға бўйига тушиб юз-қўлини ювди, нафас ростлаб чанқоғини қондирди. Утириб кўр оз ўзига келди-да, алданганини тушунди.

## БИРИНЧИ ОВ

Ҳамма ўз юмушига кетади. Уйда кекса овчи — етмиш яшар чолу тўрт-беш ёшли а-бири қолади. Бобо набирасини ёнига ўтқазиб гапга солади:

— Кучукчамиз нима дейди?

— Ҳав, ҳав... Бова, кучугимизам кичкина, менам кичкина.

— Хўтикчамиз нима дейди?

— Иа-иа... У меники, уни Санамга бермайман.

— Улоқчамиз нима дейди?

— Ма-а, ма-а!.. Учта, битта, тўртта улоғим бор, ўзим боқаман.

Кейин набира сўрайди:

— Бова, нариги томчадаги тулкилар менга индамайдими? Қўрқаман.

— Ий-е, болам, уларни даданг қопқонга туширган, жони йўқ тери-ку. Давлатга топширамин: пўстин, пальто, телпак қилишади. Даданг уларни топшириб, сенга яп-янги тальто олиб беради. Қишда маза қилиб киясан.

— Қачон киш бўлади? Киш маза-да, лекин қўлқопим йўқ-да, қўлим совуқ қотади.

— Даданг қўлқоп олиб беради, агар олиб бермаса, ўзим теридан тикиб бераман.

Орадан бир-икки йил ўтиб, набира олти-етти ёшга киради. Ҳовлидаги хўтик ҳам, кучук ҳам, улоқлар ҳам каттаради. Негадир бола улар атрофида парвона. Уларнинг ягона меҳрибони шу болакай. Фақат ойиси ёмон-да, ҳадеб қўлингни юв дегани-деган. Тўрткўз ҳам, улоқчалар ҳам қўлини ювмайди-ку. Буни ойиси билармиди? Ҳар сафар овқатдан олдин қўлларини совунлаб ювдиради, баъзан ўзи ювиб қўяди. Ойисига тақлид қилиб бир марта Тўрткўзнинг қўлларини ювмоқчи бўлди. Фингшиб ювдирмади. Улоқ ҳам айтганига кўнмади. Дадаси бир пайт, уйларига меҳмон келганида, урушқоқ хўрозни сўйишдан олдин оёқ, тумшукларини яхшилаб ювган эди. Шуни улоқлар ҳам кўрганга ўхшайди. Яна меҳмон кеп қолибди, деб ўйлашса керак...

Бир куни бола улоқларини қирга ҳайдаб чиқиб, уясининг устида кейинги оёғи за думига суянганча циркдаги кучукчалардай қаққайиб турган «тулкичалар»ни кўрди. Аввалдан ҳайвонлар билан гаплашишни яхши кўради. Биридан аҳвол сўрамоқчи бўлиб ёнига борса «лип» этиб инига кириб кетди. Хафа бўлди. Нега қочади? Қўрқмайди-ку!.. Қўлини ҳам ювдирмайди. Фақат танишиб қўяди... Лекин, териси яхшиякан. Дадаси нега овламайди? Кичкина, арзимади деса керак. Ҳеч бўлмаса қўлқоп бўлади-ку!

Кечкурун бобо билан набиранинг суҳбати қулоққа чалинади.

— Қирда қулоғи тикрайган тулкичаларни кўрдим.

— Болам, у тулкича эмас, юмронқозик.

— Томоша қилмоқчийдим, қочиб қолди. Чақирсам ҳам, инига таёқ суқсам ҳам чиқмади.

— Уясига сув қўйиш керак, кўп сув кетади, сенинг кучинг етмайди.

Бола «ҳм» деди-ю, ўйланиб қолди.


Эртасига болакай улоқларини қирга ҳайдаб чиқиб, ўзи билан пақир, дадасининг қўлқопини олиб чиқди. Кунибўйи сойдан сув ташиб, юмрон уясига қўйди. Қани кўринса?.. Терлаб, чарчаб усти-боши шилта бўлиб кетсам тинмади. Ниҳоят, юмрон далага чиқди. Бола шоша-пиша қўлқопни кийди-ю, уни қува кетди. Ивиб қолган юмрон узоққа бормади қўлга тушди. Улоқлар аллақачон қўтонга эниб кетган, қорин оч, лекин димоқ чоғ. Оғиз қулоқда. Биров «ҳа» деб сўрамасаям ўзича илжайиб қўяди. Айни шу пайт онаси бобосига нолиб турганди.

— Отасининг овдан келишини кутиб кўзим тўрт бўлгани етмагандай, бунисиям овчи чиқиб қолди. Ота, сиз болани ёмон ўргатдингиз: полвон, полвон деб. Қани энди полвон? Қирда адашиб қолмаган бўлса гўрғайди?..

У гапини тугатмасдан бола кириб келди. Қўлида пақир, ичида жовраб қолган юмрон. Уст-бошига қараб бўлмади. Юзи, бўйнида чанг билан тер қоришиб қотиб қолган, лекин илжайиб турибди.

— Бова, мана тутдим, қўлқоп қилиб берасиз-а?

Бобо жавоб ўрнига пақирдаги юмронни кўрди-да, тўнтариб қўйди. Юмрон пақир остида ўткир овози билан «чаҳ-чаҳ»лаб юборди. Овчи бобо эса, набирасини бағрига босди. Бир лаҳза кўз олдини туман қоплаб, томоғига алланарса тикилгандай бўлди-ю, бирдан тарқаб кетди. Бутун вужудига илик нур югурди. У ўз ёшлигини набирасида кўриб турарди. Ойиси эса, ҳайрон бўлиб гоҳ бобога, гоҳ набирага қарайди...



Амир Худойбердиев

## УНУТ ЙЎЛЛАР СОҒИНАР...

\* \* \*

Йўл олис, манзилга етмоғим гумон,  
Тик турибман тўплаб сўнгги бардошни.  
Элтмоғим шарт аммо манзилга омон,  
Елкамга ортилган залворли тошни.

Гарчанд бенафлиги аён, зорим йўк,  
Ярамас бировнинг кори-хайрига.  
Лекин ташлашга ҳам ихтиёрим йўк,  
Қаранг, замонанинг зайлига.

Йўл олис, майсадек чайқалади қад,  
Юрак қонаб тўплар сўнгги бардошни.  
Ўксийман: йиқилиб ўлмоқлик даҳшат,  
Остида қолиб кераксиз тошнинг.

### Юракдаги сўз

Ипин узмоқ бўлур не учун варрак?  
Қафасда қуш нега сайрайди нолон?  
Қаёққа интилар солиб гулдирак  
Лаваларни сочиб отилган вулқон?

Тоғлар бошидаги асрий музларнинг  
Эришида қандай ҳикмат яширин?  
Ортида қолдириб яшил изларни,  
Қайга шошар ирмоқ тошиб, жўш уриб?

Булоқнинг кўзини бекитган билан,  
Нега бошқа жойдан топиб чиқар йўл  
Ва чулдираб айтар не ҳақда ўлан?  
Гиёҳлар силкитиб қолаверар қўл!

Шамол қанотида учган ифорлар,  
Ғунчанинг хунидек тонгда олуда.

*Амир Худойбердиевнинг шеърлари сокин ва вазмин фикрга қурилгандек туюлади. Бу биринчи таассурот. Асосийси, шоир ана шу сокинликни ички бир ёниш билан, ички бир куйиниш билан йўғириб ҳаракат пайдо қилади. Қалбда безовталиқ уйғотади. Амир Худойбердиев излаётган юракдаги сўз — ҲАҚИҚАТ! Унга тилаги йўлдош бўлсин.*

Икром ОТАМУРОДОВ

Нега қуёш нури ўзгача порлар  
Даштда яйдоқ юрган отнинг ёлида?

Жигар қони билан боқсалар ҳамки,  
Не учун одамга эл бўлмас бўри?  
Нега сўндирилмас циркдаги қамчин,  
Кўзида чакнаган ўтқи, ғурурни?

Спитамен нега кўнмаган юнон  
Фотиҳин шоҳона илтифотига?  
Муқанна қиличин баланд тутган он  
Нега раҳм этмаган душман зотига?

Кайхусрав бошини қонли саночга  
Солган бир аёлнинг қудрати недан?  
Жалолиддин нега тупурди тожга  
Кечиби ўтаётган чоқда Амудан?

Не эди Намознинг дилдаги дарди,  
Кўксин қўшбургутга қилганда қалқон —  
Не эди отидан йиқилган марднинг  
Лабидан тирқираб оқаётган қон?

Нима у — асрлар интилиб толган,  
Хатарнок йўлларда уйғотиб онгни?  
Ваҳму касратларни мағлуб этолган  
Ва туннинг бўғзидан суғурган тонгни?

Нега юрак уни истар, талпинар  
Нега дийдорига ошиқади кўз?  
Нега у доимо инсон қалбида  
Тангридай улғудир? У қандайин сўз?..

\* \* \*

Ой титрайди, эгнида қора,  
Ғамларидан юзи заъфарон.  
Кўп замонки тулдир бечора,  
Қисматиға битгани — ҳижрон!

Ой титрайди, кўзёшларидан  
Фалак бағри ўртанар, куяр.  
Лек таскин-ла ёнбошларида  
Юлдузларнинг чечагин уяр.

Ой йиғлайди, ойдин хаёллар,  
Бундан эзгин бардошни ўқир.  
Ҳей, ёстиғи доғли аёллар  
Боқманг унга, бўласиз сўқир!

Кўрпаларни ёқингки, дилдан  
Жизғанаққа айлансин малол.  
Билсангиз, ой — эзгу ёд билан  
Қиёматга отланган аёл!

## «ТУШЛАР» ТУРКУМИДАН

\* \* \*

Қор остида бойчечак  
Баҳорини туш кўрар.  
Фирокдаги келинчак  
Ғамхорини туш кўрар.

Севилмаган бир қизнинг  
Тушига кирар боғлар.  
Аламлардан хўрсиниб,  
Ёстиғини қучоқлар.

Унут йўллар соғинар  
Қадамларнинг ҳидини.  
Армонлар тушимизга  
Осилади бетиним.

Кўрлар инграб тушида  
Кўзларини излайди.  
Гунглар бўғзида қотган  
Сўзларини излайди.

Обид чўлоқ тушида  
Ликонгламас, югурар.  
Жанггоҳда қолиб кетган  
Бир пой этигин кўрар.

Сен-чи, бахт тўшагини  
Қучганингда, нодирам,  
Тушларингни оғритиб,  
Қийнамасми хотирам?!


Мен-чи, ҳар кеч кўраман,  
Азобларим рангини.  
Тақдирга бўйсунмаган  
Юрагимнинг жангини!

зир у  
имор  
сирл  
лар:  
лари  
қовл

Арси  
шип  
лари  
ган,  
учбу  
ган,  
лиш  
ларн

дега  
сида  
ланг  
била  
кин,  
навб  
тури

Катя  
свит



Анатолий Рибакoв

## АРБАТ БОЛАЛАРИ

Озод ШАРАФУТДИНОВ таржимаси

Роман<sup>1</sup>

БИРИНЧИ ҚИСМ

Арбатдаги энг катта уй Никольский ва Пулдор торкўчалари орасида жойлашган. Ҳозир уларни Дурадгорлар торкўчаси ва Вескин кўчаси деб аташади. Учта саккиз қаватлик иморат бир-бирининг кетидан зич саф тортган. Биринчисининг ташқи томонига оппоқ сирланган кошин қопланган. Деворлардаги сирланган тунука тахтачаларда ҳар хил ёзувлар: «Дудуқни тузатаман», «Тўр тўқишни ўргатаман», «Таносил ва сийдик йўли хасталиклари»... Бурчакларига тунука қопланган пастак-пастак куббасимон ўтиш йўллари иккита ҳовлини бир-бирига туташтиради.

Саша Панкратов уйдан чиқиб, чап томонга — Смоленск майдонида бурилди. «Арбат Арси» кинотеатрининг олдида аллақачон қизлар жуфт-жуфт бўлишиб сайр қилиб юришипти. Уларнинг орасида Арбат қизлари ҳам, Дорогомиллов қизлари ҳам, Плюшиха қизлари ҳам бор — улар ёқаларини аллақандай бепарволик билан жиндай кўтариб олишган, лаблари бўялган; киприклар қайрилган, кўзлари сузилган, бўйинларида гулдор ичбурчак рўмол — Арбат қизларининг куз фаслидаги ўзгача олифталиги бу. Сеанс тугатган, томошабинлар ҳовли орқали энсизгина дарвозадан тиқилишиб ўтиб кўчага тарқатишмоқда. Шу ернинг ўзида бир тўп ўсмирлар сандирақлаб юришипти — улар бу жойларнинг асл хўжайини.

Арбатнинг кундузги ҳаёти ниҳоясига етляпти. Кўчадан эски извошлар, «ГАЗ», «АМО» деган биринчи совет автомобиллари бир-бирини қувалаб ўтиб боряпти. Кўчанинг ўртасидаги трамвай изларининг оралиғига тош ётқизилган, унинг икки чеккаси эса асфальтланган. Трамвайлар наридан битта ва ҳатто иккита вагонни тиркаб чиқишади — шу йўл билан улар шаҳарнинг транспортга муҳтожлигини бартараф қилишга уринишади. Лекин, бу уринишлардан унчалик наф йўқ. Ер остида эса, аллақачон метронинг биринчи навбатини қура бошлашди. Смоленск майдонида, шахта устида ёғоч минора қаққайиб турипти.

Катя Сашани Қизлар даласида «Каучук» заводининг клуби ёнида кутиб турарди. Катя яноқдор, кўк кўз, саҳройи қиз бўлиб, устига қишлоқчасига дағал юнгдан тўқилган свитер кийиб олганди. Ундан вино ҳиди анқирди.

— Қизлар билан жиндай ичишдик. Нима бало, сен ҳайит қилмайсанми?

— Қанақа ҳайит?

<sup>1</sup> Асарнинг биринчи қисми эълон қилинмоқда.

— Қанақа... Покров куни-да!

— А...

— Яна «а» дейди-я!

— Қаёққа борамиз?

— Қаёққа?! Дугонамникига.

— Нима олай?

— Газакка егулиги топилади. Ароқ ол.

Катта Саввинск тор кўчаси бўйлаб, ишчилар яшайдиган эски бараклар ёнидан фабрикаларнинг тахта деворлари оралиғидаги тор йўлак орқали улар дарё бўйига тушишди. Бараклар ёнидан ўтиб борар эканлар, у ердан маст овозда бақириш, чақиришлар, пойма-пой айтилган кўшиқлар, гармон ва патефон овозлари эшитилди. Чап томонда Свердлов номидagi ва Ливерс фабрикасининг кенг деразалари, ўнг томонда Москва дарёси, тўғрида — Новодевичий монастрининг девори ва Айланма темир йўл кўпригининг пўлат панжаралари, уларнинг ортида эса, ботқоқ ва ўтлоқ... Бу ерни Кочки ва Лужники дейишади.

— Мени қаёққа бошлаб кетяпсан? — деб сўради Саша.

— Қаёққа, қаёққа... Юравермайсанми. Юрган дарё дейишади-ку...

Саша унинг елкасидан кучди, қиз унинг қўлини олиб ташлашга уринди.

— Сабр қилсанг-чи...

Саша унинг елкасидан қаттиқроқ кучди.

— Ғалва қилма...

Тўрт қаватли сувоқсиз уй бир чеккада шўппайиб турарди. Улар икки томонида бехисоб эшиклари бор, чироғи хира ёниб турган узун йўлакдан юриб боришди. Энг охириги эшикка етишганда Катя деди:

— Марусянинг ошнаси бор экан... Сен ҳеч нарсани суриштирма.

Диванда юзини деворга буриб бир эркак ухлаб ётарди, дераза олдида ўн-ўн бир яшар бир бола билан бир қиз ўтиришипти. Улар эшикка ўгирилиб қарашди-да, Катя билан салон-алик қилишишди. Уйнинг бир бурчагида қўл ювиладиган идиш ёнидаги стол олдида жуссаси кичкина бир аёл нима биландир шуғулланаяпти. У Катядан анчагина каттароқ кўринади, лекин ўзи хушрўйгина, чеҳраси очиқ. Маруся дегани шу аёл экан.

— Анча кутиб қолдик-ку... Энди келмассизлар деб ўйладик, — деди у қўлини артиб, фартуғини ечар экан. — Бирор жойда айш қилиб қолдингларми дедим-да... Турақолинг, Василий Петрович, меҳмонлар келишди...

Эркак турди. У озгин, бадқавоқ одам экан. Сийрак сочларини силаб текислади, кафтини юзига суртиб, уйқусини қочирган бўлди. Кўйлагининг ёқаси эзилиб қолипти, галстугининг тугуни бўшаброқ турипти.

— Пирогимиз совиб қолди. — Маруся стол устидаги пирогга ёпиб қўйилган сочиқни олди. — Буниси ловиялик, буниси картошкалик, мана буниси эса карамлик... Тома, тарелкаларни ол...

Қизалоқ стол устига тарелкаларни қўйди. Катя жакетини ечиб қўйиб, шкафдан қошиқ билан санчқиларни олди-да, дарҳол дастурхон тузашга киришиб кетди. У бу ерда бир неча марта бўлган эди, қаерда нима туришини яхши биларди.

— Хонани йиғиштир, — деб буюрди у Марусяга.

— Тушликдан кейин ухлаб қолибмиз, — деб ўзини оқлаган бўлди Маруся, стул устидаги кийим-кечаларни йиғар экан. — Болалар қоғоз қирқишипти. Йиғиб ол қоғозларни Витя!

Полда эмакляб юриб бола қоғозларни йиғиб олди.

Василий Петрович бет-қўлини ювди, галстугини тортиб боғлади.

Маруся болаларга пирогларнинг ҳар қайсисидан бир бўлакдан кесиб, дераза тоқчасига қўйди.

— Олинглар, енглар.

Василий Петрович арақ қўйди.

— Ҳайитингиз қуллуқ бўлсин.

— Стол остида учрашамиз, — Катя Сашадан бошқа ҳаммага бир-бир қараб чиқди. У Сашани танишлариникига биринчи марта етаклаб келди, ҳозир арақ ичяпти, илгарилар Саша билан фақат вино ичган.

— Жуда зўр қоракўз йигитни топиб олибсан-ку, — деди Маруся қувноқ оҳангда Сашага ишора қилиб.

— Ҳам қоракўз, ҳам жингалаксоч, — деб жилмайди Катя.

— Ешликда соч жингалак бўлади, ёш ўтганда тўкилади, — деб гапга аралашди Василий Петрович ва яна шишани қўлига олди. Энди у Сашага ортиқ бадқовоқ кўринмай қолган эди, гапга аралашувидан тузукроқ танишиб олиш истаги сезилиб турарди. Маруся ҳам ҳамма гапни тушунган кўйи уларга мулојим нигоҳ ташлаб қўйди.

Сашага Марусянинг ҳомийлиги хуш келди, овлоқдаги бу уй ҳам, девор ортидан эшитилиб турган ашула билан гармонь товуши ҳам ёқиб қолди.

— Нега ҳеч нарса емаяпсиз? — сўради Маруся.

— Еяпман, раҳмат. Пирогингиз жуда ширин бўлипти.

— Ҳамма нарса муҳайё бўлса-ку, бундан ҳам зўрларини пиширардим. Хамиртуруш — нима деган нарса — ўша ҳам топилмайди. Василий Петровичга раҳмат, у киши топиб келдилар.

Василий Петрович хамиртуруш масаласида аллақандай жиддий гап айтди. Болалар яна пирог сўрашди. Маруся яна уларга бир бўлақдан кесиб берди.

— Нима бало, фақат бизга пиширилган деб ўйлаяпсизларми? Бўлди, маишатларинг битди, қани, ювининглар.

Маруся уларнинг тўшакларини йиғди-да, хонадан қўшниниқига олиб чиқиб кетди. Болалар ухлагани чиқиб кетишди. Кейин Василий Петрович ҳам отланди. Маруся уни кузатишга кетди. Чиқиб кетаётиб Катяга деди:

— Тоза рўжани шкафдан олақол.

— Маруся бошига урадим Василий Петровични? — деб сўради Саша Марусянинг эртидан эшик ёпилгач.

— Эри алимент тўламай қочиб юрипти, излаб топиб бўлмайди. Бир амаллаб яшаш керак-ку...

— Болаларнинг кўз ўнгида-я?

— Оч ўтирган яхшироқми бўлмаса?

— Кекса-ку, у?

— Маруся ҳам ёш эмас.

— Нега уйланиб қўяқолмайди?

Катя унга қошини чимириб қаради.

— Сен ўзинг нега менга уйланмаяпсан?

— Эрга теккинг келяптими?

— Келяпти... Ҳа, майли. Қани, ётайлик.

Бу ҳам алланечук ғайри одатий эди. Ҳар гал, гўё биринчи марта учрашиб туришгандек, Саша минг тавалло билан ялиниб-ёлбориб, уни зўрға кундирарди, бугун эса ўзи ўрин тўшаб, ўзи ечиняпти. Фақат гапирган гапи шу бўлди:

— Чироқни ўчир.

Кейин бармоқлари билан унинг сочларини таради.

— Жуда бақувватсан, қизлар ўлгудек яхши кўрса керак сени... Фақат, эҳтиётсизсан... — шундай деб Катя унинг устига эгилди, кўзларига тикилди. — Сенга бир қоракўз ўғил туғиб берсам, кўрқмайсанми?

Эртами-кечми бу рўй бермоғи керак эди. Начора? Олдириб ташлайди-да... Бола на унга, на бунга керак...

— Ҳомиладормисан?

Қиз бошини Сашанинг елкасига тираб, пинжигга кирди — гўё ундан ҳаётда рўй берадиган ҳамма кўргиликлар ва мушкулотлардан паноҳ излаётгандай эди. Йигит унинг тўғрисида нима билади ўзи? Қаерда яшашини биладимиз? Холасиникидами? Ётоқда турадимиз? Бировникида ижарадами? Аборт-а... Уйдагиларга нима дейди? Ишида қанақа бюллетенни рўқач қилади? Мабодо, муддатини ўтказиб юборган бўлса-я? Боласи билан қайга бошини уради?

— Илиниб қолган бўлсанг, на илож? Майли, туғақол. Турмуш қураимиз.

Қиз бошини кўтармай, сўради:

— Чақалоққа нима ном қўямиз?

— Бир гап қилармиз, ҳали вақт бор-ку...

Катя яна кулиб юборди ва ўзини ундан тортди.

— Қаёқдан уйландинг сен... Узим ҳам сенга тегмайман-да... Нечага кирдинг?

Йигирма иккигами? Ана, кўрдингми? Мен сендан каттаман. Сен ўқигансан, мен-чи? Олти синф маълумотим бор. Турмуш қураман, лекин сен билан эмас...

— Ким билан қурасан? Ғалати-ю...

— Ғалати эмиш... Бир йигит билан-да, ўзимизники, ҳамқишлоғим...

— Қаерда у?

— Қаерда, қаерда... Ўролда... Келиб, мени олиб кетади.

— Ким ўзи?

— Ким... Механик...

— Уни кўпдан бери биласанми?

— Айтяпман-ку, ҳамқишлоғим...

— Нега у шу пайтга қадар сенга уйлангани йўқ?

— Ҳали қуюлганича йўқ эди, шунга уйланмай юрганди...

— Энди қуюлиб бўлдимиз?

— Энди ёши ҳам ўттиздан ўтди. Эҳ, биласанми, «гаҳ» деса қанақа қизлар қўлига

кўнмайди...

— Уни яхши кўрасанми?

— Ҳа, яхши кўраман.

— Ундай бўлса, нега мен билан учрашиб юрибсан?

— Нега, нега... Менинг ҳам яшагим келади-да... Худди милицияга ўхшаб сўроққа тутади-я... Бор-е...

— У қачон келади?  
— Эртага.  
— Ундоқ бўлса, сен билан бошқа кўришмайми?  
— Тўйимизга чақирайми? Лекин у жуда бақувватда... Бир урса, сендан ному нишон қолмайди...

— Бунисини кўрамиз.  
— Ух, ўх...  
— Лекин сен ҳомиладорсан-ку...  
— Ким айтди?  
— Ўзинг айтдинг.  
— Мен сенга ҳеч нарса деганим йўқ. Ўзинг тўқиб чиқарибсан... Эшикни кимдир оҳиста тақиллатди. Катя Марусяга эшикни очди-да, яна ўрнига ётди.  
— Кузатиб келдим, — деди Маруся ва чироқни ёқди. — Чой-пой ичасизларми? Саша шимини кия бошлади.  
— Вой, нима қиляпсиз? — деди Маруся. — Хижолат бўлмагн.

— Жуда уятчан-да, — деб кулди Катя. — Мен билан юришга хижолат бўляпти. Уйланармиш...

— Уйланишнинг қийин жойи йўқ, — деди Маруся. — Лекин қўйди-чиқди ҳам унча қийин эмас.  
Саша ароқнинг қолганини стаканга қўйди, пирог билан газак қилди. Сирасини айтганда, ҳамма нарса шунчалик тинчлик-омонлик билан тугагани учун у Катядан миннатдор бўлмоғи керак. Анави механик йигит ҳақидаги гаплар чиндан ҳам бор гапларга ўхшайди, лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, Катя яна унинг жигига тегяпти, у бўлса шалпайиб, бўшашиб ўтирипти, тентак. Саша ўрнидан турди.

— Йўл бўлсин? — деб сўради Катя.  
— Уйга.  
— Йўғ-е, қўйинг, — дея ташвишланиб қолди Маруся. — Ётиб ухланг, эрталаб кетасиз. Мен кўшнникига чиқиб кетаман. Уша ерда ётаман. Ҳеч кимга халақит бермайсиз.  
— Кетишим керак.

Катя хўмрайиб қараб турарди.

— Йўлни топаоласанми?

— Адашмайман.

Катя уни ўзига тортди.

— Қолақол.

— Кетай. Хўп, хуш қол...

Ҳар ҳолда, яхши қиз эди-да, албатта, чакки бўлди. Энди мабодо Катя телефон қилмаса, улар бошқа ҳеч қачон учрашишмайди. Саша унинг адресини билмайди — «Холам уришади» деб Катя адресини бергани йўқ, ҳатто «Дарвозанинг олдида айланишиб қоласан», деб, қайси фабрикада ишлашини ҳам айтмаган.

Авваллари у аҳён-аҳёнда Сашага автоматдан телефон қилиб турарди. Улар кинога ёки паррка боришарди, кейин Нескучимо боғининг ичкарасига кириб кетишарди. Ой нурида шезлонгларнинг чиптаси оқаришиб кўринарди. Катя юзини ўгириб оларди. «Ҳо, ёқмай қолсин... Нималарни кўнглингиз тусамайди. Шилқим бўлма». Кейин унинг пинжиги кириб кетарди. Лаблари қуруқ, ел теккан, дағал қўллари билан Сашанинг сочларини титкиларди.

— Биринчи гал кўрганимда сени лўлими деб ўйлабман. Қишлоғимиз олдида лўлилар туришганди. Улар ҳам қоп-қора бўлишар экан... Фақат сенинг теринг силлиқроқ. Ёзда онаси чорбоққа сингисининг ёнига кетган кезларда Катя Сашаларникига келарди, кўзлари жаҳлдан ёниб келарди, подъезд олдида ўтирган аёллардан уяларди. «Кўзларини лўқ қилиб ўтиришади... Бошқа сира ҳам келмайман».

Телефон қилса, одатда, индамай тураверарди, кейин трубкани илиб қўярди-да, бироздан кейин яна телефон қиларди.

— Катя, сенмисан?

— Ҳа, менман.

— Нега жавоб бермадинг?

— Мен телефонга яқин келганим ҳам йўқ.

— Учрашамизми?

— Қаерда учрашар эканмиз?

— Паркнинг олдида. Бўладими?

— Топдим... Қизлар даласига кела қол.

— Олтидами? Еттидами?

— Олтига учиб борай деб турибман.

Буларнинг барини Саша энди эслаяпти. У қизнинг қўнғироғини кутяпти. Эртаси куни у институтдан уйга барвақтроқ келгани ошиқди — Катя телефон қилиб қолиши мумкин. Бироқ Октябрь байрамига чиқариладиган деворий газетани ишлаб қолиб кетди. Кейин бўлса, уни партбюро мажлисига чақаришди.



Эшик яқинида бўш жой йўқ эди. Саша стулларнинг тор қаторлари орасидан сиқилиб ўтар экан, зич ўтирган одамларга тегиб кетди. Баулин унга норози бир нигоҳ билан қараб қўйди. Баулин — партбюро секретари бўлиб, кўнғир сочли чорпахил одам эди. Думалоқ озида ўжарлик аломатлари бор. Еқасига иккита оқ тугма қадалган кўк сатин кўйлаги остидан кенг кўкраклари мана-ман деб билиниб турарди. Саша бурчакка бориб ўтиргунча Баулин уни кузатиб турди-да, баулин яна Криворучко томонга ўтирилди.

— Ётоқлар қурилишини расво қилган сизсиз, Криворучко. Объектив сабаблар ҳеч кимни қизиқтирмайди. Зарбдор қурилишларга фондлар олиб берилганми? Сиз Магнитка учун жавоб бермайсиз, институт учун жавоб берасиз. Нима учун муддатлар нотўғри белгиланганидан вақтида огоҳ қилмадингиз? Э, муддатлар маъқулмиди? Унда нега бажармадингиз? Сиз йигирма йилдан бери партиядасиз, а? Утмишдаги хизматларингиз учун оёғингизга бош уриб таъзим қиламиз, лекин хатолар учун аямай савалаймиз.

Баулиннинг гап оҳанги Сашани ҳайрон қолдирди. Институт директорининг ўринбосари Криворучкодан студентлар ҳайқишарди. Унинг машҳур ҳарбий биографияси институтда тилларда дoston эди — ўзи ҳозиргача гимнастеркасини ташламаган, галифе шим билан этик кийиб юради. Елкаси букчайган, узун қирра бурунли, кўз ости ҳамиша ҳалқа бўлиб осилиб турадиган бу одам ҳеч ким билан суҳбатга киришмас, ҳатто одамларнинг саломига ҳам одатда бош ирғабгина алик оларди.

Криворучко қўли билан стулнинг орқасига суяниб турарди. Саша унинг бармоқлари қалтираётганини кўрди. Ҳамиша савлатидан ҳамма ҳуркиб юрган одамнинг ожизлиги жуда аянчли кўринди. Аммо чиндан ҳам қурилиш учун материал беришгани йўқ. Энди эса, ҳеч ким бу тўғрида ўйлашни истамайпти. Фақат Саша ўқийдиган факультетнинг декани — ҳеч нарсадан таб тортмайдиган латиш Янсонгина институт директори Глинскаяга мурожаат қилиб, муросага ундайдиган гап айтди:

— Балки яна муддат бериб кўрармиз...

— Қанақа муддат? — сўради Баулин машъум жонкуярлик билан.

Глинская индамади. Унинг турқи шанақа нобоп ўринбосарга дуч қилгани учун тақдирдан нолиган одамни кига ўхшарди. Лозгачев деган новча, олифта аспирант ўрнидан туриб олиб, кейин қўлларини кўтарди.

— Наҳотки, белкураклар ҳам Магниткага жўнатилган бўлса? Студентлар музлаган ерни бармоқлари билан тирнаб қовлашадими? Ана, группа комсорги ўтирипти, белкурак сиз қанақа ишлашганини туриб айтсин.

Баулин қизиқиш билан Сашага разм солди. Саша ўрнидан турди.

— Биз белкурак сиз ишлаганимиз йўқ. Бир гал омбор берк экан. Кейин омборчи етиб келиб, ҳаммамизга курак берди.

— Кўп кутдингизми? — сўради Криворучко бошини кўтармай.

— Ун минутча.

Сашани ноўрин гувоҳликка чақириб қўйган Лозгачев гўё ўзи эмас, Саша ножўя иш қилиб қўйгандай, таъна билан бошини чайқади.

— Иш юришиб кетганмиди? — жилмайди Баулин.

— Юришиб кетганди, — жавоб берди Саша.

— Сизлар неча соат ишладиларинг-у, неча соат бекор турдиларинг?

— Материаллар йўқ эди-да...

— Буни сен қаердан биласан?

— Буни ҳамма билади.

— Бекорга ҳимоячилик қиялсан, Панкратов, — деди писанда билан Баулин. —

Жоиз эмас.

Криворучконинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилишиб, бюро аъзолари уни партиядан ўчириш учун овоз беришди. Елғиз Янсон бетараф қолди. Криворучко ҳар доимдагидан кўра кўпроқ букчайганча хонадан чиқиб кетди.

— Доцент Азизяндан ариза тушди, — деб эълон қилди Баулин ва «хўш, энди нима дейсан, Панкратов?» деб сўраётгандай Сашага қараб қўйди.

Азизян Сашанинг группасида социалистик ҳисоб асосларини ўқир эди. Аммо лекцияларида ҳисоб тўғрисида гапирмас, ҳатто ҳисоб асослари ҳақида ҳам оғиз очмасди-ю, нуқул бу асосларни бузувчилар тўғрисида гапирарди. Саша тўғридан-тўғри унинг юзига бухгалтериянинг асл моҳияти ҳақида бирон бир тасаввур берилганида ёмон бўлмас эди деганди. Ушанда жингалак сочли эпчил муттаҳам Азизян кулиб қўя қолганди. Энди эса, Сашани айблаб, уни ҳисоб илмини марксча асослашга қарши чиққан деб ўтирипти.

— Шунақа бўлганмиди? — Баулин совуқ кўк кўзларини Сашага ништардай қадади.

— Мен, назария керак эмас деганим йўқ. Мен... бухгалтерия буйича етарли билим олганимиз йўқ деганман.

— Фаннинг партиявийлиги сени қизиқтирмайдими?

— Қизиқтиради. Конкрет билимлар ҳам қизиқтиради.

— Конкретлилик билан партиявийлик ўртасида тафовут борми?

Яна Лозгачев ўрнидан турди.

— Қизиқ бўляпти-ку, ўртоқлар... Илмининг сиёсатдан ташқаридалиги ошқора тарғиб қилинапти... Ундан кейин: Панкратов Криворучко ҳақидаги алоҳида фикрларини партия

бюросига мажбуран ўтказишга интилиб, ўзини кенг студентлар оммасининг вакилидай кўрсатишга уринди. Сирасини айтганда, сиз — Панкратов — бу ерда кимнинг вакили сифатида турибсиз?

Янсон қовоғини солганича, семиз бармоқлари билан тирсиллаб турган портфелини чертиб ўтирипти.

— Ортиқча зуғум қилинмасин, ўртоқлар.

Глинская Баулинга юзланди.

— Балки комсомол ташкилотига оширармиз?

Унинг овозида амалдорларга хос ҳорғинлик сезиларди: масала майда, студент арзийдиган одам эмас. Лозгачев Баулинга қаради, унинг назарида Баулин Глинскаянинг таклифидан ранжимоғи керак эди.

— Партия бюроси ўзини олиб қочмаслиги керак...

Эҳтиётсизлик билан айтилган бу сўз ҳаммасини ҳал қилди.

— Ҳеч ким ўзини олиб қочаётгани йўқ, — деб қовоғини уйди Баулин, — аммо тартиб деган нарса бор. Майли, комсомол муҳокама қилсин. Унинг сиёсий балоғат даражаси қанақа экан — кўрамиз.

Илгакда жигарранг чарм пальто осифлиқ турарди... Марк тоға.

— Сайр қилиб юрибсанми?

Саша Маркнинг сип-силлиқ қирилган юзидан ўпди. Маркдан асл нав тамакиннинг, майин атрининг ҳиди анқирди. Буни онаси «бўйдоқнинг ёқимли бўйи» дерди. Марк энди ўттиз бешга кирган бўлса-да, тўладан келган, сочлари анча тўкилиб қолганидан анча катта кўринарди. Фақат кўзойнагининг сарғиш шишалари ортидан чақнаб турган ўткир нигоҳигина бу одамнинг темир иродасидан гувоҳлик бериб турарди. Бу одам саноатнинг донгдор кўмондонларидан бири эди. Унинг ўзи қанчалик донгдор бўлса, у етакчилик қиладиган саноат соҳаси ҳам шунчалик донгдор эди. Бу соҳа — Совет Иттифоқининг янги металлургия базаси, Шарқда жойлашган улкан қурилиш. Унга душман авиациясининг қўли етмайди, пролетар давлатининг стратегик таянчи.

— Сени кўрмай кетаманми деб қўрққандим. Бирор жойда тунаб қолдингми деб ўйловдим.

— Саша ҳамиша уйда тунайди, — деди онаси.

Стол устида бир шиша портвейн, тўгарак кесилган пушти ранг колбаса, шпрот, роҳат луҳум — бунақа ноз-неъматларни доим Марк олиб келади. Уларнинг ёнида онаси одатда пиширадиган пирог — уни пиширгунча аллақанча вақт овора бўлган. Афтидан, Марк келиши ҳақида олдинроқ огоҳлантириб қўйган бўлса керак.

— Анча вақтга келдингми? — сўради Саша.

— Бугун келдим, эртага жўнайман.

— Уни Сталин чақиртирипти, — деди онаси.

У укаси билан фахрланарди, ўғли билан ҳам фахрланарди. Эри ташлаб кетган, оқиш чехраси ҳали ҳам хушрўйлигини йўқотмаган, қалин жингалак сочли бу ёлғиз аёлнинг бошқа фахрланадигани йўқ эди.

Марк диванда ётган тугунчақ томон қўлини узатди.

— Манавини очгин-чи...

Софья Александровна тугунни ечмоққа уринди.

— Менга берчи.

Саша каноппи пичоқ билан қирқди. Марк опасига пальто учун мовут ва жун рўмол олиб келипти. Сашага эса — тўқ кўк ранглик бостондан тикилган костюм. Костюм жиндай эзилган бўлса-да, Сашага жуда ярашиб тушди.

— Қуйиб қўйгандай, — дея маъқуллади Софья Александровна. — Раҳмат, Марк. Ўзи киядигани ҳам қолмаган эди.

Саша яйраганча ўзини ойнага солиб кўрди. Марк ҳамиша айни керак нарсани совға қилади. Болалигида Марк уни этикдўзнинг олдига бошлаб борган эди, этикдўз Сашага кўнж баланд хиром этик тикиб берганди. Бунақа этик на ҳовлида, на мактабда ҳеч кимда йўқ эди. Ўшанда у этиги туфайли роса керилиб юрганди, этигининг бўйи ҳозиргача бурнидан кетмайди, этикдўзнинг дўконидан анқиган ўткир чарм ҳиди ҳам, қорамой ҳиди ҳам ҳозиргача эсида.

Шу куни кечкурун Маркни бир неча марта телефонга чақирди. У ҳокимона бўғиқ овозда фондлар, лимитлар, эшелонлар ҳақида фармойишлар берди. Арбатда тунаб қолишини айтиб огоҳлантирди, машинани эрталаб соат саккизга юборишни тайинлади. Хонага қайтиб киргач, Марк стол устидаги шишага қийғоч назар ташлади.

— Ўҳ-хў!..

— Ич, биродар, томоғингдан ўтгунча ич, аламлар дилдан буткул кетгунча, — дея Саша Марк ёқтирадиган ашулани хиргойи қилди. Саша бу ашулани Маркнинг ўзидан болалик кезларида эшитган эди.

— Аста, аста, ғамлар кетсин бу кеча, — дея Марк жўр бўлди. — Шунақамиди?

— Худди шундоқ, — деди Саша яна куйлаб юборди:

Эрта кунда, балки шу маҳал  
Бунда пайдо бўлар Чекамиз.  
Балки шу чоқ, аини шу палла  
Колчакни биз шартта отармиз...

Сашага овоз онасидан ўтган эди. Бир вақтлар онасини радиода қўшиқ айтишга так-  
лиф қилишган, лекин отаси рухсат бермаган эди.

Эрта кунда, балки шу маҳал  
Бизга келар дўсту ёронлар.  
Балки шу чоқ, аини шу палла  
Қурбон бўлар бу ширин жонлар...

— Яхши қўшиқ, — деди Марк.

— Фақат уни расво қилиб айтяписизлар, — деди Софья Александровна. — Худди  
кўрлар хориға ўхшайди.

— Хор эмас, икки кўрнинг қўшиғи, — деб кулиб юборди Марк.

Унга диванга ўрин солиб берилди. Саша чипта қопланган йиғма кроватда ётди.  
Марк пиджагини, тасмаларини, кўйлагини ечиб, ички кийимида қолди. Ич кийими-  
нинг ёқалари ва энглариға нақшли кўк тасмача тикилган эди. Шу кўйи у ваннаға  
йўналди.

Саша қўлларини қовуштириб, бошининг тагига қўйганча чалқанча ётиб уни кутди.  
Мажлисдан кейин зинадан тушиб келаётиб, Янсон унинг елкасига қоқиб қўйди. Бу  
уни маъқуллаган ва унга мадад бермоқчи бўлган бирдан-бир ҳаракат эди. Бироқ, у  
Саша ҳис қилаётган бўшлиқни янада ҳувиллатиб қўйди. Бошқалар ўзларини кимдир уйға,  
кимдир ошхонаға ошиқаётгандай қилиб кўрсатди. Трамвай бекатиға кетаверишда,  
балчиққа ботиб ётган ўйдим-чуқур йўл устида уни қора энгил машина қувиб ўтди.  
Глинская олдинда ўтириб, бошини кетға буриб, орқада ўтирганларға нимадир гапириб  
борарди. Уларнинг ўзаро жуда берилиб гаплашиб бораётганлари, уни пайқамай ва хаёл-  
лариға ҳам келтирмай ёнидан ўтиб кетишгани кўксидаги бўшлиққа яна бўшлиқ қўшди,  
ўзини адолатсиз таққирлангандай ҳис қилди.

Глинскаяни Саша мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ танирди — уни ота-оналар  
комитетининг мажлисларида кўрарди. Глинскаянинг ўғли Ян Саша билан бир синфда  
ўқирди. У тунд, камгап бола эди, альпинизмдан бошқа ҳеч нарсаға қизиқмас эди. Глинс-  
кая Коминтерн ходимининг хотини эди. У полякча оҳангда гапирар ва шу оҳанг туфайли  
унинг эътирозни тан олмайдиган кескин фикрлари бироз ғайри табиий тус олиб қоларди.  
Шундай бўлса ҳам, Глинская бюрода ётоқ масаласида индамай қолмайдигандай туюлган  
эди, чунки ётоқ учун у ҳам Криворучкодан кам жавоб бермасди. Лекин Глинская инда-  
мади.

Ювиниб таранган, ўзини энгил ҳис қилаётган Марк кирди, саквожидан атр олди,  
юзларига сурди, диванға ёнбошлади, тузукроқ ўрнашиб олиш учун бир ағдарилди-да,  
кўзойнагини олиб, уни қўйгани пайпаслаб жой излади.

Улар бир неча муддат индамай ётишди, кейин Саша сўради:

— Сталин сени нимаға чақирипти?

— Мени Сталин чақиргани йўқ, унинг топшириғини етказиш учун мени чақиршган.

— Уни унча бўйчан эмас дейишади, а?

— Сен билан менға ўхшаган...

— Минбарда жуда бўйдор кўринади.

— Ҳа.

— Уни эллик йиллигида, — деди Саша, — қутловларға берган жавоби менға маъ-  
қул бўлмади. Нима деди-я ўшанда? «Партия мени ўзига қиёсан ва ўзига ўхшатиб яратди»  
дедими?

— Бунинг маъноси шуки, қутловлар шахсан унга эмас, балки партияға тааллуқли  
демоқчи бўлган.

— Лениннинг, Сталин қўпол ва ўртоқлариға хайрихоҳ эмас, деб ёзгани ростми?

— Сен қаёқдан биласан?

— Барибир эмасми?.. Биламан. Ёзгани тўғрими?

— Булар ўта шахсий сифатлар, — деди Марк, — улар муҳими эмас. Энг муҳими —  
сиёсий йўл.

— Буларни бир-биридан ажратиб бўладими? — деб эътироз билдирди Саша, шу  
дақиқада Баулин билан Лозгачевни эсга олар экан.

— Сенинг бундан шубҳанг борми?

— Унча ўйламаган эканман. Мен ҳам, албатта, Сталинға тарафдорман. Аммо мадҳу  
санолар камроқ бўлсин дегандим-да, кулоқ қоматға келди.

— Бирор нарсани тушунмасан бу — дарров нотўғри нарса бўлавермайди, — деб  
жавоб берди Марк. — Партияға ишон, унинг донолигиға ишон. Беаёв замонлар бош-  
ланяпти.

Саша жилмайди.

— Бугун ўз бошимдан кечирдим буни.

У партбюронинг мажлисини гапириб берди.

— Бухгалтерия. Шу ҳам тортишишга арзийдиган принципиал масала бўлдимиз?

— Ие, қизиқ экансан-ку!.. Бунақада бир умр принципиал масалани кутиб, умринг ўтиб кетиши мумкин.

— Аудиторияда гап талашиш одобдан эмас.

— Мени одобсизликда айблашгани йўқ, сиёсатдан хоилиликда айблашди. Яна менадан буни бўйнимга олишимни талаб қилишяпти, билдингми?

— Адашган бўлсанг, тан олишининг зарари йўқ.

— Йўқ, улар хомтама бўлишади. Нимани тан олишим керак? Елғонними?

— Директорларинг ҳали ҳам Глинскаями?

— Ҳа.

— У бюрода қатнашдимиз?

— Қатнашди.

2

Марк Александрович шоферга олдинда юришни буюриб, ўзи машинанинг ортидан пиёда йўл олди. Тиниқ куз тонги, бир меъёрдаги кишини тетиклаштирадиган салқинлик. Хизматчилар ишига ошиқмоқда, нон дўконига навбатда турган аёллар ғовур-ғувур қилишмоқда, тамаки дўконига навбатда турган эркаклар сукутга чўмган.

Марк Александрович ҳамиша бошқа опа-сингиллари ичида Соняни алоҳида кўрар, уни севар, айниқса, ҳозирги пайтда — эри кетиб қолиб, у ночорроқ аҳволга тушиб қолган кезларда унга раҳми келарди. Сашани ҳам яхши кўрарди. Нима сабабдан бола бечорага ёпишиб олишдийкин? Ахир у гапнинг ҳалолани айтяпти, унинг эса шохини синдиришмоқчи, қилмаган гўноҳи учун тавба-тазарру қилдиришмоқчи. Ҳатто унинг ўзи ҳам Сашани тавба қилишга ундади.

Марк Александрович Арбат майдонини кесиб ўтиб, Воздвиженка кўчаси бўйлаб кетди. Ғала-ғовурли Арбатдан кейин бу кўча кутилмаганда сокин ва кимсасиз кўринди. Фақат каттагина оломон Военторг дўконининг очилишини кутиб турар, улардан камроқ бир тўп одам эса Калининнинг қабулхонаси олдида сиқилишиб туришарди. Марк Александрович уни кутиб турган машинага чиқди-да, Ногин майдонига йўл олди. У ерда собиқ Амаллар ҳовлисида узундан-узоқ йўлакларга ва сон-саноксиз хоналарга эга бўлган беш қаватли кўримсиз баҳайбат уйда Оғир саноат халқ комиссарлиги жойлашган эди.

Бутун мамлакатнинг тўрт теварагидан бу иморатга минглаб одамлар келар, бу ерда ҳамма нарса ҳал қилинар, режалаштирилар, тасдиқланар эди. Ҳар доимдагидек, халқ комиссарлигини айланиб чиқишни Марк Александрович бош бошқармаларнинг бошлиқлари ҳузурига ташриф буюришдан эмас, бўлимлар ва бўлимчаларга кириб чиқишдан бошлади. Дунёдаги энг буюк қурилишнинг бошлиғи, кимсан Орджоникидзенинг яхши кўрган арзандаси Рязановнинг ҳаммадан аввал оддий ходимларнинг ҳузурига келиши бу ходимларга хуш ёқарди: демак, улар билан ҳисоблашади, уларнинг кучини билади, идоранинг қудратини ҳис қилади. Шунинг учун улар ҳам Рязановнинг ишлари билан бажону дил машғул бўлишар, уларни беш йилликнинг ҳуснию ифтихори бўлмиш завод манфаатлари талаб қилган тарзда, яъни Марк Александровичнинг ўзи истагандек ҳал қилиб беришарди.

Бўлимларни айланиб бўлиб, у иккинчи қаватга кўтарилди, бир неча йўлакдан ўтиб, яна зина билан юқорига чиқди, бошқа зина орқали пастга тушди ва иморатнинг сокин, одамлар камроқ қанотига бориб қолди. Бу ерда халқ комиссари ва унинг муовинларининг кабинетлари жойлашган эди. Гиламлар тўшалган, столларнинг устида сон-саноксиз телефонлар турган қабулхоналарда секретарь аёллар ўтиришарди. Улар Рязановни яхши билишарди. Шундан у Будягиннинг ҳузурига тўғри кириб кетаверарди.

Партия Марказий Комитетининг аъзоси, Сталиннинг ўзи сургунда юрган кезлариданоқ яхши биладиган Будягинни бир неча ой муқаддам чет элдан чақириб олишганди. Европадаги энг йирик давлатлардан бирининг собиқ элчисини халқ комиссарининг муовини қилиб тайинлашди. Миш-мишларга қараганда, унинг дипломатик ишдан чақириб олингани тасодифий эмас эди, гўё унда унчалик рози эмас эмишлар. Аммо Будягиннинг қора мўйловли қуруқшоқ юзидан, қалин қошлари остидаги мовий кўзларидан ҳеч нарса уқиб олиб бўлмасди. Ишчидан чиққан бу зиёлилар, ҳарбий комиссар шинелини элчи либосига, Губчека раисининг чарм камзулини трест директорининг костюмига алмаштирган бу одамлар сиймосида Марк Александрович ҳамиша Революциянинг шафқатсиз руҳини, Диктатуранинг ҳар нарса яксон этувчи қудратининг тажассумини кўрарди.

Гап тўртинчи домна ҳақида борди. Домна партиянинг ўн еттинчи съездига ишга туширилиши керак, яъни планда кўзда тутилганидек саккиз ойдан кейин эмас, балки беш ойдан кейин ёқиши зарур. Бу — иқтисодий жиҳатдан унча маъқул эмас, аммо сиёсий жиҳатдан жуда керак. Иқтисодий мувофиқлик сиёсий заруриятга қурбон қилиняпти.

Буни Марк Александрович ҳам, Будягин ҳам тушуниб турипти. Бироқ Сталиннинг хо-  
хиши шунақа.

Ҳамма нарсани гаплашиб, келишиб олганларидан сўнг Марк Александрович сўради:

— Сиз Саша Панкратовни биласиз-а? Менинг жияним. Қизингиз билан бирга бир  
мактабда ўқиган.

— Биламан, — деди Будягин ва унинг юзи яна ўта расмий тус олди.

— Бемаъни воқеа содир бўлипти...

Марк Александрович Будягинга воқеанинг моҳиятини тушунтириб берди.

— Саша — номусли, ҳалол йигит, — деди Будягин.

— Тасаввур қиласизми: бухгалтериянинг сиёсатдан ташқарилиги эмиш-а!.. Уларнинг  
директори Глинская, мен у билан танишман. Уни сиз ҳам биласиз. Унг келиб қолса, бир  
гаплашиб кўясизми? Йигитга ачинаман, майиб қилиб қўйишмас дейман. Мен Чернякка  
муурожаат қилсам ҳам бўларди, аммо бу ишни райкомгача кўтариб юрмай дегандим.

— Черняк ортиқ секретарь эмас, — деди Будягин.

— Нечук?

— Шунақа...

— Бу аҳволда қайга борамиз?

Будягин елкасини қисди.

— Съезд январда... — кейин ҳеч қандай узилишсиз давом этди. — Саша яхши  
йигит, бизни келиб туради, Қизиқ, нега менга ҳеч нарса демадийкин?

— Бошқалардан ёрдам сўрашга бўйни ёр бермайди. Унақалардан эмас.

— Бирор нарса қилиш Глинскаянинг қўлидан келармикин? — дея дудмалланди  
Будягин.

— Билмадим. Лекин мен уни улоқ қилдириб қўймайман. Болаларни майиб қилиб  
бўлмайди, улар эндигина ҳаётга қадам қўйишяпти.

— Ҳозир бунақа савдолар биргина сенинг жиянингнинг бошида бўлаётгани йўқ, —  
деди Будягин.

Марк Александрович сартарошхонага кирди, сочини тарашлатди. Илгарилар ҳеч қачон  
соқолини олдирмас эди — бу гал соқолини ҳам қирдирди. Қирдирди-ю, кейин пушаймон  
бўлди: сартарош қандайдир атир сепди, унинг ўткир ҳиди Маркка ёқмади. Энсани  
қотирувчи, бегона атирининг нохуш ҳиди думоғидан кетмаган ҳолда коллегия аъзолари  
рига аталган ошхонага кирди.

Буфетчи аёл унга юзланди.

— Ўртоқ Рязанов, ўртоқ Семушкиннинг ҳузурига киришингизни илтимос қилишди.

У юқорига кўтарилди. Орджоникидзенинг секретари Анатолий Семушкин у билан  
қуриққина кўришди-да, керакли дақиқада Марк Александровични топиб бўлмаганидан  
жиндай ранжигандай бўлди. Семушкин ҳаммани сенсираб гапирар, ҳеч кимни тан олмас  
эди. Сергонинг ўзидан қанчалик ҳайиқишса, ундан ҳам кам чўчишмас эдилар. Граждан-  
лар урушида Сергонинг адъютанти бўлган, йигирма биринчи йилдан бери Закавказьеда  
ҳам, ЦКК РКИда ҳам, ҳозир бу ерда Оғир саноат халқ комиссарлигида ҳам унинг секре-  
тари.

Юзида тақлид қилиб бўлмайдиган сиполик ва аввалгидай ранжиган ифода билан  
Семушкин телефон номерини терди...

— Ўртоқ Рязанов телефонда...

Шундай деб трубкани Марк Александровичга узатди.

Марк Александрович худди шу сабабдан уни чақиришганини сезгандай бўлганди.  
Аммо унинг қўлига қайтиш билетини тутқазишди, шунга кўра у учрашув бекор қилинипти  
деган тўхтамга келганди. Энди эса мана — яна қирқ минутдан кейин у Сталиннинг ҳузу-  
рида бўлади.

Бошқа телефон орқали Семушкин Бобринск химия комбинати билан боғланди. У  
ердагилар Георгий Константиновичнинг майдончага жўнаб кетганини айтишди. Аммо  
Семушкин телефон қилишда давом этди. У Марк Александровичга жавоб бермаёт-  
ганди, афтидан, Орджоникидзенинг кўрсатмаларини олмай туриб, Сталиннинг ҳузурига  
боргандан кўра унинг қабулига кеч қолгани маъқулроқ деб ҳисоблайди, шекилли. Аммо  
Марк Александрович бундай деб ҳисобламас эди. Семушкин олий табақа давраларида  
аралашиб юради, холос, у эса бу даражадаги даврада ҳаракат қилади. Шунинг учун Се-  
мушкиннинг секретарь сифатидаги хатти-ҳаракати бунга халал бермаслиги керак.

У хотиржам ва бепарвороқ эди. Унга фақат сартарошхонанинг бегона ҳидигина ха-  
лақит бермоқда. Кремлга, Сталиннинг ҳузурига бунақа арчилган тухумдек бўлиб бо-  
риш — бемаънилик. У яна сартарошхонага кириб, юзи билан бошини ювдирди. Сартарош  
ўриндиқда ўтирган мижозни қолдириб, унинг қаршисида қўлида сочиқ билан тик  
турарди. Ярим соат олдин Марк Александрович сартарош билан сочи тўкила бошлаган  
эркаклар тўғрисида роса ҳазиллашган эди. Ҳозир эса у бутунлай ўзгариб қолипти —  
гуфтигўилигидан нишон ҳам қолмапти. Унинг чеҳраси ҳозирги, айниқса, кўзойнагини  
олганидан кейинги ҳокимона ифода туфайли жуда шафқатсиз кўринарди.

Троицк дарвозасида Марк Александрович кичкина дарчадан партбилетини узатди.

Дарча тақ этиб ёпилди, кейин яна очилди, дераза ортида ҳарбий одамнинг қадди-қомати кўрингандек бўлди, у стол устига эгилди, шундагина Марк Александрович уни тузукроқ кўра олди.

— Куролингиз борми?

— Йўқ.

— Портфелингизда нима бор?

Марк Александрович портфелини кўтарди, очиб кўрсатди.

Навбатчи унга партбилетини ичига пропуск солганча қайтариб берди.

Махсус подъезд эшиги ёнида иккита милтиқли жангчи турарди. Соқчи унинг партбилетдаги сувратини кўздан кечирди, кейин расмий синчков назар билан унинг юзига разм солди. Марк Александрович чоққина гардеробда ечиниб, учинчи қаватга кўтарилди. Кабинет эшиги олдида граждандан кийимидаги одам унинг хужжатларини яна текширди.

Каттакон иш хонасида стол ортида Поскребишев ўтирипти. Марк Александрович уни биринчи бор кўриши. Лекин кўрди-ю, унинг юзи жуда дағал, ёқимсиз эканини хаёлидан ўтказди. Рязанов ўзини таништиради.

Поскрибишев уни яна бир хонага олиб кирди. Бу ер қабулхона эди. Унга диванни кўрсатди, ўзи эса орқасидан эшикни зичлаб ёпиб, хонага кириб кетди. Кейин қайтиб чиқди.

— Ўртоқ Сталин сизни кутяпти.

Сталиннинг кенг-мўл кабинети бўйига чўзилган экан. Чап томонда деворда СССРнинг жуда катта харитаси осийлиқ турипти. Унг томонда деразалар орасида китоб солинган жовонлар жойлашган. Кираверишдаги бурчакда махсус тоқча устида каттагина глобус, тўр томондаги бурчакда ёзув столи, унинг ортида ўриндиқ. Хона ўртасида устига зангори мовут қопланган узун стол, унинг теварагида стуллар.

Сталин кабинет бўйлаб одимлаб турган экан. Эшик очилиши билан юришдан тўхтади. Унинг устида сал-пал жигаррангга яқин келадиған рангдаги френч, шунақа шим. Шимининг почалари этикка тиқилган. Унинг бўйи ўртадан пастроқ кўринарди, миқтидан келган, бироз чўтирроқ, кўзлари жиндай мўғулларники каби қисикроқ. Энсиз пешонаси устидаги қалин сочларига оқ оралаган. Сталин Марк Александровичнинг истиқболга икки-уч қадам ташлади — юриши енгил ва юмшоқ эди. Сўнг унга қўлини чўзди. Унинг бу ҳаракати содда, боодаб ва, айни чоқда, бу қўл сиқишнинг аҳамиятини англаб туриб қилинган ҳаракат эди. Кейин иккита стулни стол ёнидан жилдирди. Улар ўтиришди. Марк Александрович жуда яқиндан Сталиннинг кўзларини кўрди. Улар оч кўнғиртоб, чақнаб турган кўзлар эди. Марк Александровичга улар ҳатто қувноқ кўринди.

Марк Александрович ахборотини қурилишнинг умумий тавсифидан бошлади. Сталин дарҳол унинг гапини бўлди.

— Ўртоқ Рязанов, вақтни беҳуда кетказманг. Марказий Комитет ва унинг секретари қурилиш қаерда бўлаётганини ва нима мақсадда бўлаётганини билади.

Унинг талаффузида кучли грузинча оҳанг яққол сезилиб турарди. Марк Александрович яна шунга ишонч ҳосил қилдики, Сталин ишларнинг боришидан яхши хабардор.

— Комсомоллар қочиб кетишяптими?

— Ҳа.

— Демак, қочиб кетишлари учун сафарбар қилинган экан-да... Қанчаси қочди?

— Саксон икки киши.

Сталиннинг нигоҳи тешиб юборадиган даражада ўтқир, синовчан эди.

— Маълумотномангизни кўрсатинг-чи?

Марк Александрович портфелидан ишчи кучининг ҳаракати тасвирланган жадвални олдида, унинг керакли жойини кўрсатди.

— Нега ўзингизга ўзингиз тўхмат қиялпсиз, ўртоқ Рязанов? Агар бирор заводдан атиги саксон икки киши қочиб кетганда завод директори ўзини қаҳрамон деб ҳис қилган бўларди.

У жилмайди, кўзларининг икки четида ажинлар тўри пайдо бўлди.

Марк Александрович асбоб-анжом етказиб берадиган заводдан зорланди. Сталин бу заводнинг директори кимлигини сўради. Унинг фамилиясини эшитиб деди:

— Фаросатсиз одам, ҳамма ишни расво қилади.

Унинг кўзлари тўсатдан йўлбарсники сингари сарғиш тус олди, нигоҳи оғир бўлиб қолди. Завод директорини Марк Александрович, умуман, яхши ходим сифатида биларди, фақат ҳозир мураккаб шароитга тушиб қолган деб ҳисобларди. Сталиннинг кўзларида шу одамга нисбатан ғазаб учқуни чақнади.

— Бир йилда қуриб битирасизми?

— Йўқ, ўртоқ Сталин.

— Сабаб?

— Мен техника бобида лўттибоз эмасман.

Гап оғзидан чиқиши биланоқ айтганидан ўзи кўрқиб кетди. Сталин синчков назар билан унга қаради. Унинг кўзлари яна сарғиш тус олди, нигоҳи оғирлашди, бир қоши деярлик тик бўлиб қолди. Шошмасдан, сўзларни чўзганча деди:

— Демак, Марказий Комитет техника бобида лўттибоз эканда?

— Мен ундай демоқчи эмасдим, узр. Мен бошқа нарсани назарда тутган эдим...

Марк Александрович мартен цехининг иккинчи навбатини нима сабабдан келгуси йили тугатиб бўлмаслигини батафсил, ишонарли тарзда тушунтириб берди. Сталин муштумида трубкани чангаллаганича чап қўлини кўкрагига босиб олиб, унинг гапларини эътибор билан тинглади. Унинг чап қўли яхши букилмайдигандай кўринарди.

— Сиз гапнинг ҳалолни айтдингиз. Бизга истаган нарсани ваъда қилаверадиган коммунистлар керак эмас. Бизга ҳақиқатни гапирадиганлар керак.

Сталин бу гапларни жилмаймасдан, жуда маънодор қилиб айтди — бу гаплар бутун мамлакатга аталган эди. Марк Александрович ахборотини давом эттирмоқчи эди. аммо Сталин унинг тирсагидан олди.

— Мен сизни тингладим, энди сиз менинг гапимни эшитинг.

У металлургия тўғрисида, Шарқ тўғрисида, иккинчи беш йиллик ҳақида, мамлакат мудофааси ҳақида гапира кетди. У ошиқмай, паст, бироз бўғиқ овозда, худди машинисткага айтиб тургандай дона-дона қилиб гапирарди, у ҳамма маълум гапларни гапирмоқда эди, аммо ҳозир улар унинг оғзидан чиқаётгани учун янги ва жуда салмоқли кўринарди. Аммо тўртинчи домнани есга олмай қўя қолди — гўё у Марк Александровичнинг эътироз билдиришини истамагандай эди; бу эътирозларни қабул қилмас ҳам эди ва улар Рязановнинг ўзига зарар келтириши мумкин эди.

— Қачон жўнаб кетасиз? — сўради Сталин ўрnidан турар экан.

— Бугун. — Марк Александрович ҳам ўрnidан турди.

— Иложи бўлса, сафарингизни икки кунга қолдириб туринг. Менимча, Сиёсий бюродаги ўртоқлар учун гапларингизни эшитиш мароқли бўлса керак...

Сталин билан гаплашаётганда Марк Александровичнинг вужудини ташвиш ва хавотирлик туйғуси эгallaб олган эди, ҳозир бу туйғу чекинди, унинг ўрnidа улўф одам билан мулоқатда бўлгани учун ифтихор туйғуси қолди. У бошчилик қилаётган қурилиш — мислсиз қурилиш, уни темир иродасиз амалга ошириб бўлмайди. Агар унинг тепасида Сталиннинг темир иродаси бўлмаганда эди, унинг ўзи ҳам ўз иродасини намоён этолмасди. Бу ирода шафқат билмайдиган ирода эди. Начора? Тарихий бурилишлар раҳм-шафқату меҳру-муруватлар билан содир бўлмайди.

Халқ комиссарлигидагилар Марк Александровичнинг Сталин билан суҳбатидан аллақачон огоҳ бўлишганди. Бу ерда тегишли одамлар Сиёсий бюро қарорининг лойиҳасини тайёрлашга киришишди. Зарур бўлиб қолган ходимларнинг ҳаммаси кечқурун ҳам, туни билан ҳам ишда қолишди — улар бошқарма ходимлари, машинисткалар, навбатчи буфетчи аёл эди. Қарор лойиҳасига имзо чекишлари зарур бўлган коллегия аъзолари Халқ Комиссарлигига биринчи қақирқ биланоқ етиб келишди, ҳужжатлар эрталаб махсус чопар билан Марказий Комитетга етказиб берилади.

Ҳеч ким Марк Александровичдан Сталин нима деганини сўрагани йўқ. Гапириб берганида унинг гапини бузиб қўйиш мумкин. Сталин зарур деб ҳисоблаган гапларнинг ҳаммасини халққа ўзи айтади. Марк Александрович муддатларни айтди, қурилажак объектларни айтди — айна ана шулар Сталиннинг иродасини ифодалар эди. Энг муҳими шуки, иккинчи мартен цехи қурилишининг муддати бир йилга кечиктирилган. Бу иккинчи беш йиллик планни тузишга янгича, соғлом асосда ёндашилишидан дарак берарди. Ҳамма нарсанинг асоси металл.

Будягин ҳам қарор лойиҳаси билан машғул бўлди, кейин уйига кетди, эрталаб саккизда қайтиб келди-да, лойиҳага индамай имзо чекди.

Марк Александрович билан дўстлигига орқа қилиб Будягин ундан суҳбат тўғрисида суриштирса бўларди. Будягин суриштирмади. Марк Александрович уни Сталинга нисбатан оппозицияда бўлса керак деб тусмол қиларди. Аммо бу оппозиция сиёсий характерга эга деган фикрдан мутлақо холи, кўпроқ аллақандай шахсий ғаразлар заминида бўлса керак, деб ўйларди. Одатда авваллари орасидан қил ўтмаган дўстлар ўртасида муносабатларида дарз кетса шунақа бўлади. Балки чет элдан қақириб олиб, ҳозирги амалига тайинлаганларидан хафадир. Гарчи бу амал кичкина бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, иккинчи даражали-да, бунинг устига у янада пастроқ бошқа бир амалга элтувчи пиллапоя бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Орджоникидзе етиб келди. Шу одам билан Марк Александрович ўзини жуда енгил ҳис қиларди. Орджоникидзе тутақиб кетиши мумкин эди, гоҳо ғазоби даҳшатли кўриниши мумкин эди, лекин унинг тез совиши ва одамлилиги ҳаммага маълум эди. Марк Александровични кўтарган одам ҳам шу эди. Марк илгари чоғроқ жанубий заводлардан бирида директор эди, Серго уни ҳозирги юксак мансабига кўтарди, мамлакатнинг биринчи металлурги қилиб қўйди. Серго одамларни топишни билар, уларни ҳимоя қилар, ишлашларига имконият берарди.

У баҳайбат ёзув сталининг ортида ўтирипти — ҳориган, салқи юзининг ўртасида гўштдор қирғий буруни. Жингалак сочлари оқариб кетган. Мўйлови нотекис осилиб тушган. Кителининг юқори тугмаси тақилмаган, унинг тагидан пуштиранг ич қўйлаги кўришиб турипти. Қўйлакнинг юмшоқ ёқаси семиз бўйинини ўраб олган. Кабинетнинг дера-

залари кичик бир тор кўчага қараган, аллақандай мўъжазгина кўҳна черковча кўриниб турипти. Яуза дарёси ўраб олган жойларда бунақа черковлар илгари кўп бўлган. Модомики, бу черковчани бузиб ташлашмаган экан, демак, бирор жозибали жиҳати бўлса керак-да.

— Баракалла!

Мақтов Сиёсий бюро қарорининг лойиҳасига ҳам, Марк Александровичнинг Сталин хузурида довдираб қолганига, унга манзур бўлганига ҳам тегишли эди. Бу мақтов унинг ўзига кам тааллуқли эди — яхши одамни танлаган-да, умуман, одам танлашни биледи, мураккаб ва масъулиятли вазиятларда у танлаган одамларга сира иккиланмай таянса бўлади.

— Қани гапир.

Марк Александрович суҳбатнинг мазмунини айтиб берди. Орджоникидзе унинг ҳикоясини жиддий эътибор билан тинглади, у гўё Сталиннинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзнинг чин маъносини уқиб олишга ҳаракат қилаётгандай эди.

Марк Александровичнинг Сталин билан учрашуви олислаб бораётгани сари унга янада улуғворроқ туюлиб бормоқда эди. Бунақа учрашувлар уларда бир бўлади. Бу энг муҳими, ўз даҳоси билан мамлакатни нурафшон этган буюк инсонни тушунишдан туғилган шодлик туйғуси эди.

— Техника бобида лўттибоз эмасман... Шунақа дедингми, а? — деб қайтариб сўради Орджоникидзе кула-кула.

— Шунақа дедим.

— Демак, Марказкомдагилар техника бобида лўттибоз экан-да... — дея яна кула-кула қайтариб сўради Орджоникидзе.

— Худди шундоқ деб сўради.

Орджоникидзе ўзининг косасидан чиқиб кетай деб турган каттакон, қўнғир кўзларини унга маънодор тикди.

— Марказкомга соат ўнга келасан. Докладнинг беш минут бўлади, ортиқ беришмайди, билиб қўй. Совет ҳокимияти учун ташвиқот юрғизма, ўзингга керак нарсани аниқ қилиб, лўнда-лўнда айт. Савол тушса жавоб бер, луқмаларни эшитмагандай ўтавер. Ваҳимага тушма, орқангда мен бўламан.

Докладчилар хонасида стол тузаб қўйилган эди. Унинг устида каттакон самовар шақиллаб қайнаб турипти, минерал сувли шишалар териб қўйилган, тарелкаларда тилим-тилим кесилган лимонлар, бутербродлар, Буфетчи ҳам, официант ҳам йўқ. Девор бўйлаб деразалар тагига иш столчалари ўрнатилган — уларнинг ёнида ўтириб материалларни тайёрлаш мумкин.

Обком секретарлари, халқ комиссарлари, уларнинг ўринбосарлари, бошқармаларнинг бошлиқлари, бир неча ҳарбий, кавказлиларнинг катта бир гуруҳи чақирилишларини кутиб ўтириштипти. Ёши ўтинқираган секретарь аёл эълон қилади:

— Ўртоқ фалончи... Марҳамат, мажлисга...

Агар бир неча одам чақирилса, у бундай дерди: «Фалон областдан келган ўртоқлар...» ёки «Фалон халқ комиссарлигидан келган ўртоқлар...»

Марк Александровичнинг фамилиясини айтиб чақиринди.

У секретарлар ишлаб ўтирган хона орқали мажлислар залига ўтди. Залга кириши билан қатор-қатор ўриндиқларни ва ўриндиқларда ўтирган одамларни кўрди. Президиум столининг ортида Молотов тикка турарди. Унинг ўнг томонида минбар, чап томонида бироз орқароқда референт ўтирипти. Яна ҳам четроқда эса стенографист аёллар...

— Ўртоқ докладчи, марҳамат, бу ёққа.

Молотов минбарга ишора қилди. Унинг ички томонида «Докладчига беш минут» деган табло ёниб турарди. Минбарнинг рўпарасида, эшикнинг тепасида Кремль соатига ўхшаб кетадиган ўзи қора, миллари зарҳалланган соат осиглиқ эди.

Сталин учинчи қаторда ўтирипти. Унинг чап томонида қатордаги ўриндиқлар охиригача бўш эди — шу томондан Сталин бемалол чиқа оларди. Марк Александрович унинг хона бўйлаб юрадиган одати борлигидан хабардор эди. Аммо икки кун аввалгидаги каби Сталин бугун ҳам ўрнидан турмади ва хона бўйлаб юрмади.

Марк Александрович қарор лойиҳасини қисқагина шарҳлаб берди. У таъриф-таъсифсиз жуда мухтасар ибораларда, сиёсат тилига кўникиб қолган одамларни ишонтира оладиган тарзда гапирди. Тўртинчи домнани муддатдан олдин ишга туширилганини таъкидлади ва мартен цехининг иккинчи навбати орқага сурилаётганини сал-пал тилга олди, холос. Иккинчиси биринчисидан муҳимроқ эди. Аммо бугун бу ерда Марк Александрович таъкидлаган гапни таъкидлаш муҳимроқ эди.

— Саволлар? — сўради Молотов.

Кимдир қарор лойиҳасида, ёғоч етказиб бериш ҳақида гапирилган жойда Ўрмон саноати халқ комиссарлигининг имзоси йўқлигини айтди. Марк Александрович жавоб беришга улгурмади. Бирдан жимлик чўкди ва Марк Сталиннинг овозини эшитди:

— Ўртоқ Рязанов комбинатига бориб, металл бераверсин. Қоғоз деб ўртоқ Рязановни тутиб қолсак, тўғри бўлмас эди...



У паст овозда гапиргани устига яна бир томонга ўгирилиб ҳам олган эди. Унинг гапини эшитиш учун ҳамма диққат-эътиборини бир нуқтага жамлашга мажбур эди.

— ... Уйлайманки, керакли имзоларни биз ўртоқ Рязановсиз ҳам қўйдира оламиз. Қарор пухта ўйланган, ортиқча нарса сўралмапти, ўртоқ Рязановга партия топшириғини бажаришида ёрдам беришга қурбимиз етади.

У қандай кўққисдан бошлаган бўлса, шундай гапини тугатди.  
Бошқа ҳеч ким савол бермади.

### 3

Революциядан аввал ҳашаматли бўлган Арбатдаги уй эндиликда аҳоли энг зич уйлардан бўлиб қолган эди. Квартираларга кўплаб одам қўйилди, аммо баъзи-бирлар бундан сақланиб қола олди. Бу обивателнинг янги тузум устидан қозонган кичик ғалабаси эди. Ғолиблар сафида тикувчи Шарок ҳам бор эди.

Одамлар ўртасида мавқеи баланд устахонада югурдак, бичиқчи уста ва ниҳоят, хўжайиннинг якка-ю-ягона қизининг эри — Шарок босиб ўтган йўлнинг пиллапоялари шундоқ эди. Уни интиҳосига етказишга инқилоб халақит берди — у устахонага меросхўр бўлмоқчи эди, аммо уни давлат ихтиёрига олинди. Шарок тикувчилик фабрикасига ишга кирди ва уйда ҳам пинҳона тикувчилик қилиб турди. Аммо унга кийим тиктириш осон эмас эди — бунинг учун ишончли тавсиялар керак эди. Молия инспектори билан ҳеч қачон юзма-юз учрашмасликка аҳд қилган одамнинг эҳтиёт тадбири эди бу.

Бу машиначи ҳали қадди-қомати келишган, меъёрида семиз, чиройли қариётган эркак эди. Унинг ўзини туттиши ҳам аёллар либосини тикадиган устахона эгасиникига монанд эди. У ҳафтада олти оқшом бўйинига сантиметрли тасмани илиб олган кўйи стол ортида тик турар, бўр билан матога чизиб, уни бичар, қирқар, тикар, чокларни дазмол билан текислар эди. Тузуккина пул ишлар эди. Якшанба кунларини эса отчопарда ўтказарди, жон жаҳди билан тотализаторга берилган эди.

Агар уй бошқармасидан, қўшнилardan, ҳар хил ногаҳоний бало-қазолардан доимо кўрқиб яшамаганида, балки кекса Шарок янгича турмушга кўникиб ҳам кетган бўлармиди? Унинг юрагини ёриб, ўзини адои тамом қилган воқеалардан бири тўнғич ўғли Владимирнинг заргарлик дўконини босгани учун саккиз йилга кесилиб кетгани бўлди. У авваллари ҳам онасига ўхшаган бу тасқарага, бинобарин, маймунга унча ишонмас эди. Аммо Владимир «Прага» ресторани қошидаги ошпазлар мактабини тугатгани ва маошини уйга келтириб турганига отаси қаноат ҳосил қилганди. Албатта, ҳозирги ошпазлар илгариги ошпазлар олдида ип ҳам эшолмайди, бурунги ресторанлар қаёқда дейсиз. Аммо жисмонан ногирон ва ўқишга ноқобил бўлган Владимир учун жуда мос ҳунар танлашган эди. Бутун вужуди билан тотализаторга берилган кекса Шарок Владимирнинг пинҳона қимор ўйнаб туришига унча парво қилмаган эди. Аммо босқинчилик — бошқа нарса — фақат совет қонунлари бўйичагина эмас, бошқа истаган қонунга кўра ҳам бу — турма дегани.

Шарокнинг кенжа ўғли Юрий босиқ, саранжом, муғомбир ва эҳтиёткор йигитча эди. У Смоленск бозори ва Проточный торкўчаларига яқин жойдаги Арбат ҳовлиларидан бирида ўсиб улғайди. Бу жойлар азалдан шаҳарга ҳар хил қаланғи-қасанғи ва ўғри, муттаҳамларни етказиб бериши билан машҳур бўлган. Юра акасининг ўғриларга аралашиб қолганини пайқаб юрар, лекин уйда бу тўғрида лом-мим деб оғиз очмасди. У ўзи яшаётган жамият қонунларидан кўра кўча қонунларига бўйсунини афзалроқ кўрарди. У революция айна нима масалада уни камситганини билмас, лекин болалигиданоқ «революция бизни камситган» деган эътиқод билан улғайганди. Бошқа тузумда бўлганда қанақа ҳаёт кечириши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди, лекин яхшироқ яшашгагиа имони комил эди. Пичинг билан айтиладиган «ўртоқлар» деган сўз уларнинг оиласида кундалик мулоқотда янги ҳаёт эгаларини ифодаловчи сўз бўлиб қолганди. У мактабдаги комсомолларни ҳам шу сўз билан атайдиган бўлди. Узларига бино қўйган бу фаоллар гўё бутун дунёни ўзларига мансуб деб ўйлайдилар. Бир вақтлар мактаб комсомол ячейкасининг котиби бўлган Саша Панкратов минбарга чиқиб дейдиёсини бошлаганида Юра ўзини ҳимоясиз ночор ҳис қилар эди.

У сиёсатни жинидан бадтар ёмон кўрар, бирдан бир мақбул нарса деб инженерлик касбини билар, чунки бу касб туфайли одам ўзини озми-кўпми мустақил ҳис қилиши мумкин деб ҳисобларди. Унинг режаларини акасининг қамалиши билан боғлиқ бўлган тасодиф ўзгартириб юборди. Кекса Шарок ҳимоячи излади, буюртмачилари билан маслаҳатлашди, ниҳоят, бир адвокатни топди. У беш юз сўмга ҳимояни олишга рози бўлди. Беш юз сўм — катта пул эди. Шарок шунча пулни гувоҳсиз адвокатнинг қўлига тутқазишдан кўрқди, Юрани ҳам ёнида бирга олиб борди. Адвокат пулни санаб ҳам кўрмади, столнинг тортмасини очиб, пулни унга бепарвогина ташлади. Уларнинг ташрифи шу билан тугади. Аммо Юрий деворлардаги олтин рамкаларда осилган турган сувратларни, жовонларга териб қўйилган китобларнинг зарҳал жилдларини кўриб улгурди. У ҳам умрида бунақа ҳашамни кўрмаган эди.

Кўчада кекса Шарок ҳасад билан хўрсинди.

— Хўп яшайди-да, одамлар...

Аммо адвокат суд пайтида Юрада янада кучлироқ таассурот қолдирди. Жуссаси кичкина, юзи эзиб ташланган қоғоздай серажин, бежирим соқолли бу чол қўрқинчли пролетар судини истаган куйига солиб ўйнатди. Ҳар ҳолда, ёш Шарокка шунақа туюлди. Адвокат қонунларнинг моддаларини қалаштириб ташлади, ҳар хил муғомбирликлар ва айёрликларни ишга солди, янги гувоҳларни судга қақаришга мажбур қилди, қўшимча экспертизалар ўтказишга кўндирди, судья ва прокурор билан пичингли оҳангда роса айтишди. Бадқовоқ судья билан сира гапга кўнмайдиган прокурорнинг кўлида қонун бор эди, бироқ бу қонундан уларнинг ўзлари ҳам чўчирди. Шу кашфиёт ёш Шарокнинг ҳаётий режаларини бутунлай ўзгартириб юборди. Адвокатура сари йўл вуз орқали, вузга элтадиган йўл эса комсомол ва завод орқали ўтарди.

Шундай қилиб, Юрий Шарок тўққизинчи синфда комсомол бўлди. Юра ишчининг ўғли эди, у ўқийдиган мактабда бу қадрланарди, чунки мактабда, асосан, Арбат зиёлиларининг фарзандлари ўқирди. Юрий тенгқурлари орасида сал-пал гердайиброқ юрарди, қизлар эса унинг феъли-атворини сирли деб билишарди. У, айниқса, фаросатли, жиддий, фаол қизларга кўпроқ маъқул келарди. Бу қизлар ўзларича уни тарбия қиляпмиз, унинг шахсиятини шакллантиряпмиз деб ўйлашарди. Бу кўнгли тоза, ҳар нарсага ишона қоладиган қизлар учун келишган, боодоб йигит билан мулоқотда бўлиш мароқли эди.

Кейинчалик заводда Шарок яна бир сифатга эга бўлди. Бу — ўзига ишонч эди. Ишчи. Ҳаворанг, ҳамиша озода жомакори унинг келишган қадди-қоматиға жуда мос келган эди. Жиндай андишасизлик пайдо қилди — уни бу принципиаллик деб тушунди, чинакам зиёлиларга менсимай, нафрат билан қарай бошлади, буни — ишчиға хос содаллик дея қабул қилинди. Мактабда камсуқум ва камгап бўлган Юра бу ерда мажлисларда тез-тез сўзга чиқиб турар, одамлар орасида нутқ сўзлай олиш қобилияти бўлғуси адвокат учун асқотиб қолади деб ҳисобларди.

Институтда Шарок ҳеч нарсаси билан ажралиб тургани йўқ, лекин шундоқ бўлса ҳам итоаткор жамоатчи сифатида ном чиқарди. Унинг ўзи бошқалардан ажралиб туришни унча истамасди. Газеталар зараркунандачилар, ишдан бўйин товловчилар, оғмачилар ҳақидаги маълумотларға тўлиб-тошиб кетганди. «Шармандасини чиқармоқ керак. Аёвсиз жазоламоқ зарур. Аблаҳлар. Мажақламоқ зарур. Илдизи билан қуритайлик. Таг-туги билан йўқ қилайлик. Ер юзидан супириб ташлайлик.» Отилган ўқдай шиддатли бу жумлаларни, ибораларни ўқир экан, Шарокнинг юрагини ваҳимга босарди. У ҳаммасини яхши тушунар ва ҳаммасини соғлом ақл билан баҳоларди. Институтдан кейин уни областга, районга халқ судига ёки прокуратураға жўнатишди. У адвокат бўлиш орзуси ҳақида «миқ» этиб оғиз очишға ҳам журъат этолмайди. «Чап бермоқчи бўляпсанми, Шарок?» — унга берадиган саволлари шу бўлади. Наҳотки, шунча вақтдан бери бардош билан кўзлаб келган ниятидан воз кечишға тўғри келса?

Отаси Юраға костюм тикиб берди. Костюм «чарльстон» деб аталган янги фасонда тикилган эди — шимининг почаси кенг, узун, пиджаги калта, лекин қоматға ёпишиб туради, елкаси кўтарилган, кўрагига пахта қўйилган. Мовий кўзли Юра уни кийганда жуда салобатли бўлиб кетарди. Унинг материаллини Тверь кўчасидаги торгсини магазиндан олишди.

— Арбатдаги торгсинда кўни-қўшнилари изғиб юришади, ғийбатдан оғизлари бўшамайди, — деди отаси. — Дарров Шарокларнинг яширган тилласи бор деб гап чиқаришади, иғво билан жонингни ҳалок қилишади.

Олтин узуклар, олтин тўғноғичларни ҳар қанча кўзи қиймасин, чол бир нарсани тушуниб қолганди — Москвада тузукроқ жойға ўрнашиш учун усти-бошинг башанг бўлиши керак, худоға шукур, чарм камзуллар ва қийшиқ ёқа кўйлақлар замони ўтиб кетди. Шарок оиласига ва болаларининг тақдирига худбинлик билан ҳар қанча бепарво бўлмасин, кенжасининг тақдирига оталарча ғамхўрликка ўхшаш бир туйғу билан қарарди, чунки унда ўзининг ёшлигини кўрарди. Юранинг Москвада қолишидан эса, ҳаддан зиёд манфаатдор эди: уй бошқармаси шундоқ ҳам иккинчи хонаға кўз олайтириб юрипти. Юрий чиқиб кетса, хонани олиб қўйишлари муқаррар.

— Таниш-билишларни қидириш керак, — деб насиҳат қиларди у ўғлиға.

Аммо на заводда, на институтда Юра яқин дўст орттиролмади. Уртоқларини уйға етаклаб келиш ман этилганди. Қариндош-уруғларининг ҳаммаси қашшоқ: елкаға юк бўлишдан бошқаға ярамайди, шунинг учун улар билан борди-келди қилишмайди. Кекса Шарок бўш вақтини отчопарда, онаси — черковда ўтказади. Пасхада болаларға бир бўлақдан ширин кулча тегади, яна бир байрамда қуймоқ ейишади, улар учун ҳайит шу билан тамом бўлади. Кекса Шарок худо билан чиқишмасди, ўзининг хонавайрон бўлгани учун худони кечира олмасди. Бунинг учун у Совет ҳокимиятидан янада кўпроқ аламазада эди. Биринчи май ва Еттинчи ноябрда у худди бегим кунларидагидек меҳнат қилаверади.

Мактабдош ўртоқлари билан алоқалари энг барқарор алоқалар экан. Юранинг уч синфдоши у билан бир иморатда яшарди. Саша Панкратов — мактаб комсомол ячейка-

сининг секретари. Максим Костин — лифтер аёлнинг ўғли, ўртоқлари уни Макс деб аташади, Нина Иванова — ҳамisha Шарокни тарбиялаш ва маълумотини ошириш билан шуғулланган кўнгилчан комсомол қиз. Таниқли дипломатнинг қизи Лена Будягина билан бирга улар мактабда жипс фаоллар гуруҳини ташкил қилишарди. Ленаникида — Бешинчи Советлар уйида тўпланишарди. Будягин чет элда яшарди, квартира болаларнинг ихтиёрида эди. Юра ҳар гал бу ерга келганида улар билан алоқаси кейин асқотиб қўлишини ғира-шира ҳаёлига келтирарди. Бугун ана шу ғира-шира ҳаёл қатъий ишончга айланди — чет элдан қақриб олинган ва оғир саноат халқ комиссарининг муовини қилиб тайинланган Будягин уни қўллаб юбориши мумкин эди.

Воздвиженки кўчасидан Юра Грановский кўчасига бурилди. Улар шу кўчада Бешинчи Советлар уйида — кулранг гранитдан қурилган бинода истиқомат қилишарди. Найзасимон темир панжара билан ихоталанган ҳовлида болалар ўйнашмоқда. Кекса швейцар Будягинларга телефон қилиб бўлганча Юрий юзида беписанд ифода билан подъездда кутиб турди. Кейин учинчи қаватга кўтарилиб, эшик қўнғироғининг тугмасини босди.

Эшикни Лена очди, ҳар доимдагидек унга қараб, тортинчоқлик билан жилмайди. Бўйи баланд бўлганидан қора сочларини турмаклаб олган бошини жиндай эгишга мажбур бўлди. Унинг чўзинчоқроқ чиройли юзидаги лаблари, ял-ял ёниб турган қизил оғзи каттароқ кўринарди. Бир гал Нина Ленанинг юзи левантияликларникига ўхшайди деганди. «Левантияликларники» нима деганини Юрий билмас эди, аммо Лена Будягинанинг мактабдаги энг чиройли қиз эканини яхши биларди.

Эски ошна сифатида Юра дағалроқ андишасизлик билан уни ўзига тортди. Лена ётсирамади.

— Болалар келишдимми?

— Йўқ ҳали.

— Иван Григорьевич уйдами?

Янги артилган полининг ҳиди анқиб турган йўлак орқали Лена уни отасининг кабинетига олиб кирди.

— Дада, Юра сенга келипти.

Шундай деб Шарокни олдинга ўтказар экан, унинг чехрасида садоқатли мамнун табассум ўйнади.

Торгина хона нимқоронғи эди, чунки ташқаридаги девор деразанинг ярмини тўсиб турарди. Стол устида, этажеркаларда, стул устларида, полда китоблар, журналлар, газеталар, русча ва ажнабий тиллардаги ҳар хил проспектлар тартибсиз ётипти. Деворда, кушетка устида ярим шарнинг харитаси — унда пароход йўллари нуқтали чизиклар билан белгилаб қўйилган. Юра бюллетень муқовасидаги уч хонали қора рақамларга кўзи тушди — Будягин уни ёпиб, бир чеккага олиб қўйди — бу фақат ЦҚ ва ЦКК аъзоларига юбориладиган махфий ҳужжат эди. Юра яна «паркер» деган ажнабий рўчкани, «тройка» сигаретини, таги каучуклик ботинкани, бичиғи жуда бошқача, олий даражадаги дипломатларгина киядиган машхур «эндин» деган пиджакни ҳам назаридан ўтказди.

— Эшитаман, — деди Будягин хотиржам оҳангда: у ҳар хил илтимослар билан мурожаат қилишларига кўникиб қолган эди. Унинг қора мўйловли қуруқшоқ юзида қалин қошлари остидаги кўзлари Ленаникига қараганда янада теранроқ кўринарди.

— Институтни тугатяпман, Иван Григорьевич, совет ҳуқуқшунослигини. Аммо акам турмада...

Йўлакдан қўнғироқ жиринглагани, эшик очилгани эшитилди.

— Суд билан прокуратурага йўлатишмайди, — деб давом этди Шарок. — Фақат ҳўжалик соҳасидаги юрист ишлари қолади. Бирор корхонада ишласам дегандим. Институтга қадар Фрунзе номидаги заводда ишлаган эдим. Одамларни, ишлаб чиқаришни биламан.

Будягин Юрага ётсираган нигоҳ ташлади. Бошқаларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга эканига ишончи комил, Юра ёхуд Юрага ўхшаганлар унинг учун нима деган нарса? Улар оммани бошқаришга, омма тақдирини ҳал қилишга кўникиб қолишган.

— Сен Эгертга бор. Унга айтиб қўяман.

— Раҳмат, Иван Григорьевич.

— Аканг нега қамалди?

— Жиноий иш билан. Ёмон болаларга қўшилиб қолган экан.

— Эски ҳуқуқшуносларни тумтарақай тирқиратиб юбордик, — деди Будягин, — янгилари эса чаласавод. Демак, юристконсул...

Ҳа, худди шундай деди: юристконсул. Юракка нашта ургандай бўлди.

Аммо ҳар нима бўлганида ҳам, мақсадига эришди-ку... Фақат натижанинггина аҳамияти бор. Иш деган мана бундоқ бўлипти. Бировларга жуда оғир, бошқаларга ҳаммаси осон. Авваллари пулдорларга осон эди, энди эса қўлида ҳокимияти борларнинг ошиғи олчи.

Институт — тамом, ачиган карам ҳидига тўлиб кетган ошхона, жонга теккан шанбаликлар, диққинафас мажлислар, кўпчиликнинг ўртасида масала бўлиб, изза бўлишлар, доимо бирон ноҳўя сўз айтиб қўйишдан қўрқишлар ортада қолди. У ҳатто бирон марта институтга янги костюмини кийиб келгани йўқ — дағал матодан тикилган шимга ордер

сўраб, профкомдан тиланиб юрадиган студентлар орасида ажралиб туришни истамади.

Улар, албатта, мажлис қилишади, нутқлар сўзлашади. Юра уларнинг душманлик руҳи ифодаланган юзларини, ишбошиларнинг тунд қиёфаларини тасаввур қилади. Чап беряпсан, Шарок, қочиб қолмоқчисан... Лекин Шарок уларнинг қаршисида хотиржам қиёфада жилмайганча тураверади. Нима бўла қолди ўзи? Бу шовқин-суроннинг боиси нимада? У ўзини ўстириб, улғайтган коллектив бағрига қайтипти. Илгари у ерда етти юзта ишчи ишларди, ҳозир беш минг киши ишлайди. Бундай коллективда ишлаш — ёш мутахассис учун шараф-шон. Бу ерга тайинлашлари учун ўзи елиб-югурдимми? Нега энди ўзи бўларкан. У ҳеч қачон заводдан узилиб қолгани йўқ. Шунинг учун ундан «институтни битиргандан кейин яна қайтиб келиш истагинг борми?» деб сўрашганида, у «бор» деб жавоб берди. Нима дейиши керак эди, бўлмаса? У ўзининг тақдирига, оддий совет кишининг тақдирига эътибор билан қараганлари учун боши осмонга етди.

Ҳали уларнинг таъзирини бериб қўяди. Ҳали улар лом-мим деёлмай қолишади. Ушанда кўрамиз уларнинг ҳолини. Ҳатто Шарокнинг елкасига қоқиб, «қани, Шарок, ҳаракатингни қилавер, баракалла», дейишади.

У ўз кучини ҳис қилди, институтдагилар устидан ҳам, бу ердагилар — Бешинчи Советлар уйдагилардан ҳам устунлигини ҳис қилди. Узини ҳоким ҳис қилувчи бу зиёлилар доимо унга юқоридан қараб келишган. Агар шу илтимос билан Саша Панкратов илтимос қилганида Будягин уни, албатта, рад этган бўларди, унга «партия қаерга юборса, ўша жойда ишлаш керак», дерди. Аммо ҳурмат қилмайдиган одамининг олдига суяк ташласа бўлади. Ҳозир кенг ошхонада ўтирган манави йигит-қизлар — унинг мактабдош дўстлари ҳам ҳеч қачон уни ҳурмат қилган эмас. Ҳозир ҳам Иван Григорьевичнинг ердмига сиғиниб боргани учун ундан нафрат қилишади. Майли, улар билганини қилсин. Балки у Будягиннинг ҳузурига маслаҳат сўраб боргандир. Ёши улуг одам деб. Ҳа, баракалла, худди шундай — ёши улуг деб борган. Айтганча, улар нима мақсадда боргансан деб сўрашмайди, истиҳола қилишади.

— Салом, — деди Шарок.

— Салом, — деб жавоб берди ҳамманинг номидан Максим Костин.

Дазмолланган гимнастеркада, этиклари ялтиратиб мойланган, малла сочлари ҳафсала билан таралиб силлиқланган, яғриндор икки бети қипқизил Макс худди бир кунга озодликка чиққан ёш талабадай кайфияти баланд эди.

У билан ёнма-ён тиланда Нина Иванова ўтирипти — у чала ечилган туфлисини товори билан эзғилаяпти. «Сал каттароғини олсанг ўлармидинг, эси паст» — дея хаёлидан ўтказди Шарок. Нина ҳеч қачон тузукроқ кийинишни эплаган эмас, байрамда ҳам, бошқа вақтда ҳам доимо бир хил кийнади — битта кофтада юради. Сочини ҳам эпақага солмайди — толимини отникидек кенг пешонаси устига тушириб қўйиш керак, у бўлса орқасига қайриб қўяди.

У Вадим Марасевичнинг елкасига қоқиб қўйди. Вадим Москвада таниқли врачнинг ўғли бўлиб, вайсақи бўлса-да, беозор. Юра унга тузук муносабатда. Хомсемиз, лаблари дўрдоқ, қошлари сиртлонники сингари патила-патила Вадим ўриндиқда ялпайиб ўтирганча Уэлс ҳақида гап сотаяпти. Кичкина Владлен Будягин дарс тайёрлаб ўтирипти. Стол устида дафтарлари сочилиб ётипти. Узун жигарранг пайпоқ кийган оёқларини стул остига йиғиб олган. Лена укасининг ҳарфларни қингир-қийшиқ ёзаётганини паршонхотир кузатиб турипти. У Юрага жилмайди-да, ўтиришга имо қилди.

Улфатларнинг бори-йўғи шу. Фақат Саша Панкратов йўқ, холос.

— Уэлс урушлар, ўлатлар бўлишини, АҚШнинг парчаланиб кетишини башорат қилади, — дерди Вадим. — Кейин ҳокимият олимлар билан учувчиларнинг қўлига ўтармиш.

— Инсоният тарихи фантастик роман эмас, — деди Нина. — Ҳокимиятни синфлар эгаллайди.

— Шубҳасиз, — деб кўнган бўлди Вадим, — аммо унинг фикрлаш тарзи қизиқ — одамлар ва учувчилар бўлғуси ҳокимиятнинг шайинлари, улар фазони бўйсундирган технократлар...

— Биродарлар, — деди Максим, — Германия қуролланади, ҳамма қуролланыпти.

— Гитлер кўнга бормайди, — деб эътироз билдирди Нина. — Саккиз миллион одам социал-демократларга овоз берди, беш миллион киши — коммунистларга.

— Лекин Тельманни яшириб қолишолмади, — деб гапга аралашди Юра. У бир кишиники асраб қолишга ярамаган беш миллион одам ҳеч нарсага қурби етмайди, демокчидай эди.

Аммо унинг гапидан бирон-бир пинҳона маъно излаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Уларнинг эътиқодлари жуда теран эди, шунинг учун ўртоқларининг эътиқодини шубҳа остида қолдиришмасди. Улар баҳслашишлари, жанжаллашишлари мумкин эди, аммо ҳаётларининг маъносини ташкил қилувчи масалада, яъни марксизм — улар синфининг идеологияси экани ва курашдан кўзланган пировард мақсад жаҳон инқилоби эканида — уларнинг эътиқоди ғоятда мустаҳкам эди.

— Конспирацияни унутиб қўйишган-да, — деди Максим.

— Дмитров бу давлатни нокдай силкитиб, тутдай тўкди, — деб гапни илиб кетди

Вадим Марасевич, — ҳўб тамоша бўлди-да... Асрга татийдиган суд процесси.

У Дмитров устидан бўлган суд процесси ҳақида, урушнинг эҳтимоллиги тўғрисида, яъни урушнинг унга ошкор, бошқаларга қоронғи нишонлари ҳақида гапира кетди. Янги қирғинми? Инсоният ўн миллион одамнинг ҳаётини олиб кетган жаҳон урушини ҳали унутгани йўқ. Совет Иттифоқиға ҳужум қилишадими? Наҳотки, жаҳон ишчилар синфи бунга йўл қўйиб қўйса? Бундан ташқари, Россия ҳам аввалги Россия эмас. Магнитка билан Кузнецк чўян чиқариб турипти, Сталинград, Челябинск, Харьков трактор заводлари ишга тушиб кетди, Москва ва Горький автомобиль заводлари ишляпти, «Фрездо», «Калибр», «Шарикоподшипник» заводлари маҳсулот беряпти, биринчи совет блюминг-лари қуриб битирилди.

Уларнинг қалби ифтихорға тўлди. Бу ерда ҳамма нарса ҳар доимдагидек, поллар ялтиратиб артилган, узун стол устига қалпоқли лампа, дастурхон устида мармалад — амалдор одамнинг фароғатли ҳаётидан нишона. Чой қуятуриб, Ашхен Степановна сўрайди: «Сенга лимон биланми, Максим?» Ҳар доимдагидек, бу арман аёлининг тилида айтилган русча «Максим» деган исм Шарокка сунъий туюлади.

Ҳўш, шундай қилиб, десангиз — улар-ку қўлини қаерға узатса етади. Нимага эришишди улар? Нина — муаллима. Лена — техникавий адабиётлар кутубхонасида инглизчадан таржимон. Максим пиёда қўшинлар мактабини тугатяпти, умр бўйи армия сафида бўлади. Уларнинг бари кўнгилчан, соддадил — уларнинг энг заиф жойи ҳам шунда. Юрий Шарокнинг миясидан кечаётган фикрлар шундай эди. Аммо у бошқа нарсани сўради:

— Йигитлар, Саша кўринмайди?

— Келмайди, — деб жавоб берди Максим.

Унинг лўнда жавобида бошқалар билмаслиги даркор бўлган нарсалардан хабардор комсомол фаолларининг сиполиги бор эди. Шарокка айни шу сиполик ёқмас эди.

— Бирор нарса рўй бердими?

Лена Сашанинг ишларида баъзи-бир нохушликлар юз берганини, отаси Глинскаяға кўнғироқ қилганини айтди.

Матонатли Саша. Ғалати гап-ку! Юранинг кайфияти кўтарилди. Уни, яъни Шарокни комсомолға қабул қилишадиганда Саша лўнда қилиб «ишонмайман» деган эди ва овоз беришда бетараф қолган эди. Заводда Шарокни фрезерчиға шогирд қилиб тайинлашди. Саша бўлса зудлик билан вагонлардан юк туширишға отланди, шу-шу бир йил юкчиликда қолиб кетди — мамлакатға юкчилар ҳам керак эди. Тарих факультетиға кирмоқчи эди, уни қўйиб, техникавий институтға кирди — мамлакатға инженерлар керак эмиш. Будягин билан, зуваласи бир жойдан олинган Будягиннинг уни шу қадар яхши кўриши бежиз эмас. Аммо, ҳарқалай нима воқеа рўй бердийкин? Арзимас гап бўлганда Будягин аралашиб ўтирмасди.

— Институтимизда, — деди Юра, — бир йигит мажлис вақтида «Одамнинг хотини нима деган нарса? Стулдан чиқиб турадиган михдай гап...» деб луқма ташловди...

— Мендель Маранидан ўқиб олган, — дея гап қистирди Вадим Марасевич.

— ...Мажлис Саккизинчи март муносабати билан ўтказилаётган эди. Уни институтдан ҳайдашди, комсомолдан ўчиришди, профсоюздан чиқаришди...

— Ноўрин луқма ташлаган экан-да, — деди Нина Иванова.

— Ҳаммани ҳайдайверса, ким қолади? — деб қовоғини солди Максим.

— Истисно одат тусиға кириб қоладиган бўлса, унинг истиснолиги қолмайди, — деб қўйди Вадим.

Лена Будягина чет элда, сиёсий муҳожир оиласида туғилди. Революциядан кейин у дипломат отаси билан бирға ўша жойда яшади. У Россияға қайтиб келганида она тилини яхши билмас эди. Аммо ўртоқларидан ажралиб туришни истамас, истисно вазиятда эканини таъкидлайдиган нарсаларнинг ҳаммаси малол келар, у чинакам халқники, асл русча туюладиган нарсаларнинг ҳаммасини ғоятда авайлаб, қадрларди.

Москвалик оддий ишчи йигит, ҳеч кимға қарамлиги йўқ, ўзининг қадрига етадиган ва жиндай сирли кўринадиган Юрка Шарок дабдурустандақ Ленанинг эътиборини жалб қилди. Лена Нина Ивановаға, уни тарбиялашға кўмаклаша бошлади, бироқ буни фақат жамоатчилик манфаатлари юзасидангина қилмаётганини ўзи ҳам тушуниб турарди. Юра ҳам буни тушунарди. Аммо мактабда ишқ-муҳаббат ишлари чинакам комсомолларнинг шаъниға ярашмайдиган ишлар тарзида қатағон қилинган эди. Улар инқилоб фарзандлари эдилар, астойдил тарзда ҳар қандай шахсий ишларға чалғишни жамоатчилик ишиға хиёнат деб ҳисоблардилар.

Мактабдан кейин Юра яқинлашиш учун бирон-бир қатъий ҳаракат қилгани йўқ, аммо авваллари ораларида қарор топган муносабатларни совутиб қўймаслик учун етарли маҳорат кўрсатди — гоҳи-гоҳида телефон қилиб турар, гоҳида киноға ёхуд ресторанға таклиф қилар, жўралар тўпланадиган бўлиб қолганда эса, Ленаникиға келиб турарди. Йўлакда Ленани кўчиб, Юра чегарадан чиқди. У бу ишни дағаллик билан қўққисдан қилди, бироқ шундай қатъият билан қилдики, унинг қаршисида Ленаға ўхшаган қизлар бўйсунар эдилар.

Бир неча кун давомида Лена унинг қўнғироғини кутди, аммо кутгани бўлавермагач, одатда бир-бирларига телефон қилиб туришгани каби ўзи мулозаматсиз телефон қилиб қўяқолди. Унинг овози бир текисда эди, у урғуларни ўрнига қўйиб, қўшимчаларни аниқ талаффуз қилиб гапиришга интилар, шошмасдан сўзларди. Ҳатто телефонда ҳам унинг тортинчоқ табассуми сезилиб турарди. Аммо Юра унинг қўнғироғини кутиб юрган экан.

— Мен ўзим сенга қўнғироқ қилмоқчи эдим. Менда Омилкорлар клубига олтинчига иккита билет бор. Танца бўлади. Борамизми?

— Албатта.

Олтинчи ноябрь куни кечқурун Юра уни олиб кетгани кирди. Лена унинг олдига оқшомги узун кўйлақда чиқди. Кўйлақ кўк-зангори матодан бўлиб, орқасида осилиб турган калтагина этаги ҳам бор эди. Ундан нотаниш атирнинг ҳиди келар, силлиқ қора сочларида бир тизим дур жилоланарди — у бутунлай бошқа бир ҳаётдан келиб қолгандай, ғоятда дилбар ва гўзал эди. Фақат табассумигина аввалгидай камсуқум эди. Шу табассум билан у гўё Юрадан «мен сенга ёқяпманми, сен учун шундай кийинганимни тушуняпсанми?» деб сўраётгандай эди.

Лена емакхонанинг эшигини очди.

— Владик, соат ўнда ўринга ётасан.

— Ётаман, — деб жавоб берди Владик дераза тоқчасида нимадир яшаш билан машғул бўлиб.

Юра унга пальтосини кийдириб қўятуриб сўради:

— Катталар кўринмайди?

— Дадам Краматорскда, ойим Рязанда.

— Байрам қилгани кетишдимми?

— Дадам байрамларда ҳамма вақт заводларга боради, ойим — лектор.

Пальтосининг тағига узун этакларини йиғар экан, Лена жилмайиб деди:

— Ана шуниси ўлгидай ноқулай-да.

Уларнинг иши ўнгидан келди. Ҳовлида машина чиқиб қолди. Шофер Ленага таниш экан — уларни Мясницкий кўчасигача олиб бориб қўйди. Ёши ўтинқираган, ўзига бино қўйган, катталарни олиб юриб ҳаволаниб кетган бу одам Ленанинг ҳар истагини бажо келтиришга уринар, лекин Юрага парво ҳам қилмас эди. Аммо Юра бу масалада ўйланиб, кавлаштириб ўтирмади, у Ленанинг ёлғизлигини, клубдан кейин уникига кириб ўтириш мумкинлигини ўйлади. Лена юмшоқ ўриндиқда унинг ёнгинасида ўтирар, унинг яқинлиги Юрани тўлқинлантириб борар, аммо ҳамма нарсанинг айна шу бугун содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр уни янада тўлқинлантирар ва чўчитар эди.

У аёллар билан учрашган, лекин уларнинг бари бутунлай бошқа эди. Қўшни хонадондаги оқсоч аёл, ҳовлидаги бузуқ қиз, отаси билан қишлоққа боргандаги қизлар... Улар билан мулоқат жуда жўн бўларди, уларнинг ўзи ўзи учун жавоб берарди, бунда эса ҳаммаси учун Юра жавоб беради, Будагин билан ҳазиллашиш кетмайди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда ўйланиб қўя қоларди, аммо Юрани нимадир чўчитади: ҳаддан ташқари баланд оир-да. Бунинг устига Лена унинг кўнглидагидек хотин бўлармикан? Ҳарқалай, унинг оиласи Юрага бегона, эл бўлмайди, бу оилани Юра ўз оиласи билан ёнма-ён тасаввур қилолмайди. Шошмаслик керак. У адвокат бўлишдан, ҳеч кимга қарам бўлмайдиган мавқе эгаси бўлишдан ҳали умидини узгани йўқ. Ленага уйланадиган бўлса, бу билан ўзининг қўл-оёғини бутунлай боғлаб қўйиши мумкин.

Улар Омилкорлар клубига етиб бориб тўхташди. Юра машинанинг эшигини қандай очишни билмас эди, тутқичлардан бирини айлантирди, иккинчисини кўрди, эшик очилмади. Шунда Лена унга энгашганча чўзилди-да, керакли тутқични босди ва майин жилмайиб деди:

— Бу машинанинг тутқичи жуда ноқулай...

Унинг Шарокни хижолатдан чиқазмоқчи бўлгани Юрага тегиб кетди — бу билан Лена «сен ҳеч қачон бунақа машинада юрмагансан» деб таъкидлагандай эди. Бироқ у яна ўзини қўлга олди. Шоферга совуққина бир назар ташлади-да, Ленанинг кетидан Омилкорлар клубига кирди. У кўнгли тусаган ишни қилади, ўзига қандай маъқул бўлса, ўзи қандай истаса, шундай ҳаёт кечиради. Ҳозир унга Лена ёқяпти. У Лена билан бирга ўтирипти, ўзларига йўналтирилган нигоҳларни зимдан пайқаб ўтирипти. У аёлларнинг нигоҳига ўрганиб қолган, бироқ бугун бу нигоҳлар ҳар доимдагидек эмас, жуда бошқача: бугун аёллар унга бу ердаги энг сара хотиннинг эътиборини жалб қилаолган эркак сифатида қарашмоқда.

Русланова қўшиқ айтди. Хенкин Зошченко ҳикояларидан ўқиди. Кейин танца бошланди. Лена итоаткорона танца тушди. Унинг танца тушиши танца майдонларидаги қизларникидек энгил бўлмаса бордир, аммо ўзининг унча абжир эмаслигидан ўзи кулди ва эрқаланиб, унинг пинжига тиқилди.

Лена сочини тузатиб келгани чиқди, Юра бу ерга тўпланган одамларни кузатиб, устун ёнида туриб қолди. Саноат командирлари, илмий ходимлар, Москвадаги техникавий зиёлиларнинг юқори табақаси. Улар халқ комиссарликларида ишлашадиган, бошлиқларнинг атрофида гирдиқапалак бўлишадиган, катта-катта маошлар, мукофотлар олишадиган,

ёпиқ магазинларда нарса харид қилишади, сердаромад командировкаларда юришади. Омад кулганда институтдан кейин қай тарзда энг юқори муассасаларга тушиб қолиш сирини ва ишлаб чиқаришга жўнатилганларнинг бўйнига қанақа олахуржун тушишини Юра яхши биларди.

Заводга бориб у нимага эришади? Халқ судьялари бўйлаб бўзчининг моксидек югуриб қолади, ишдан ҳайдалганлар ва прогулчилар ҳақидаги бўлар-бўлмас ишлар билан шуғулланади, брезент қўлқопларнинг сифатсизлиги масаласида қозилик қилади. Халқ комиссарлиги, бош бошқарма ёхуд трестнинг юридик бўлими бўлса бошқа гап. Йирик ишлар, олий мартабали муассасалар — Иттифоқ ва республикаларнинг олий судлари. Буларнинг келгусидаги адвокатлик ишида керак бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо буларнинг бари кейин бўлади. Энг муҳими — умумий тақсимотдан қутулиб қолиш, ундан кейингиси анча осон кўчади.

Соат мили ўн бирни кўрсатиди. Юра Леналарникига швейцар подъезд эшигини беркитиб қўймасдан аввалроқ қайтишни истарди.

— Чарчаганинг йўқми? — деб сўради Юра.

— Яна бироз туратурайлик, — деб ялинди Лена жилмайиб.

Улар клубдан чиқишганда соат тунги бир бўлган эди. Сийраккина ёмғир саваларди. Залдаги димикқан ҳаводан кейин ёмғир хуш ёқар ва одамга роҳат бахш этарди. Кўча фонусларининг шишаларидан ёмғир сувлари оқиб тушар, кўчада биронта ҳам йўловчи кўринмас эди. Фақат ОГПУ биносидаги деразаларда чироқ бор эди...

Улар Лениннинг уйига етиб келишди.

— Кир, бир пас ўтирамик.

Бу гапни Лена жўнгина айтди, буни кўриб Юра лол қолди.

У индамай қизнинг орқасидан эргашди. Эшикни яна ўша қари швейцарь очди. Нега бунчалик кеч фурсатда Будягинларнинг уйига бегона одам чиқиб кетяпти деб сўрамади. Жуда ҳам соз. Ҳеч нарсага лол қолиб, анграймаслиги керак.

Лена даҳлиздаги чироқни ёқди, емакхонанинг эшигини қия очди.

— Ухлаяпти... Дадамнинг хонасида ўтиратур, кийимимни алмаштирай.

У кабинетнинг шифтидаги чироқни ёқди, Юрага қараб яна бир жилмайди-да, уни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди.

Шарок бир уюм китобни кўра бошлади: Лениннинг бир жилди. Саҳифалар орасига бўлак-бўлак қоғозлар қўйилган. Металлургия ҳақидаги китоблар. Алексей Толстойнинг «Петр Биринчи» китоби. Расмий қоғозлар, махфий бюллетенлар, аслида ман этилган, лекин уларнинг ўқишига ижозат берилган китоблар, ҳамиша ёнларида олиб юрадиган қурол йўқ эди. Юранинг ишончи комил эдики, бу қурол — брауннинг, чунки уни орқа чўнтакка солиб юриш қулай. Унинг вужудини бирор ман этилган нарсани, дасти етмайди-ган буюмни кўриш, улар ҳокимиятининг сирларига даҳлдор бўлиш иштиёқи чулғаб олди.

Истаган дақиқада Лена кириб қолиши мумкин, шошилмоқ керак. У столнинг ўрта ғаладонини тортиб кўрди — қулф, ён томондаги ғаладонларни тортиб чиқди — улар ҳам очилмади. Оқ кофта ва кўк юбка кийган Лена кириб келганда у эндигина ўриндиққа ўтириб улгурган эди. Юра Ленани шу кийимда кўришга ўрганиб қолганди.

— Истасанг, кофе қайнатай.

Қиз унинг ёнида ғимирсинар, унга тақалиб кетар, унга жилмаяр эди. У кофе қуяётиб стол устига эгилганда Юра унинг сийнасини кўриб қолди. У ҳеч қачон Лена билан тунда ёлғиз қолмаган эди, ҳеч қачон бунақа кофе ичмаган эди, ҳеч қачон бунақа тотли ликерни кўрмаган эди.

— Яна истайсанми?

— Етар.

У диванга ўтирди.

— Жиндай ўтирайлик...

Қўлида чашка ушлаганча Лена ҳам диванга ўтирди. Юра унинг қўлидан чашкани олиб, стол устига қўйди. Лена ҳайрон бўлиб, жилмайиб, унга тикилганча ўтирарди. Шунда у кўча болаларига хос такаллуфсизлик билан қизнинг ҳуркак кўзларига тик боқиб туриб, уни ўзига тортди.

4

Еттинчи ноябрь куни Саша институт колоннасини Тверь ва Катта Грузин кўчаларининг муюлишида кутиб турарди. Колонналар секин силжимоқда. Уларнинг устида байроқлар чарх уради. Ҳар хил шиорлар, портретлар... Сталин... Сталин... Сталин... Еши ўтган эркаклар лунжини шишириб пуфлаб, карнайлар чалишади, сафларда пойма-пой овозларда қўшиқ айтишади, асфальт устида рақса тушишади. Радиокарнайлардан Қизил майдоннинг овозлари, сурони; радиомухбирларнинг овози, Мавзолей тепасидан янграётган садолар; майдон орқали ўтиб бораётган намоийшчиларнинг завқёб ҳайқиришлари эшитилади.

Соат икки дегандагина институт колоннаси кўринди. Аммо кўринди-ю, шу он тўхтаб қолди. Сафлар аралашиб кетди. Одамлар орасидан сирғалиб ўтиб Саша ўз группасига

қўшилди. Аммо шу лаҳзадаёқ, анча-мунча одамнинг ўзига эҳтиёткорона ажабланиб қараганини ҳис қилди. Одатда бошига бирон мусибат тушган одамга шунақа қаралади. Йўқ, бу бюро туфайли эмас. Бу аллақандай бўлак нарса.

Аммо Сашага ҳеч ким ҳеч нарса демади ва Саша ҳам ҳеч кимдан ҳеч нарсани сўрамади. Фақат унинг ошнаси Руночкингина, афтидан, унга нималардир демоқчи-ю, бироқ кўтариб бораётган шиорини нима қилишини билмай хуноб эди.

— Сафлан! Сафлан! — деб қичқирди иш бошилар.

Қаторларни санаб чиқишди. Саша колоннанинг охирига турди, у ерда бошқа курсларнинг талабалари борарди. Турган жойида у факультетнинг байроғини ва шиорини кўрди. Шиорни иккита дастага илиб, Руночкин билан яна бир йигит кўтариб олган эди. Шамол ҳуружга дош бериб, шиор таранг тортилди, кейин орқага оғгандай бўлди, кейин яна ўнгланди. Колонна юриб кетди.

Музаффарият майдонига етиб бормай, яна тўхташди. Саша ўзининг тўпига борди. Руночкин унга пешвоз келабошлади.

— Деворий газетани олиб қўйишди.

Жуссаси кичик, қомати қийшиқроқ Руночкин устига устак жиндай ғилай ҳам эди. Шунинг учун гапирганда бошини эгиб, бир томонга бироз буриб гапирарди.

Деворий газетани олиб қўйишипти. Нима учун? Ҳали бунақаси бўлмаган эди.

— Ким олди?

— Баулин. Ҳазил шеърлар туфайли. Зарбдорликни булғаш эмиш бу.

Муҳаррир Руночкин эди, аммо ҳазил шеърларни ёзишни Саша таклиф қилган ва ҳатто биттасини — группа старостаси Ковалевга бағишланганини ўзи ёзган эди: «Зарбдор меҳнат бизда қадрли, лекин дўстим жуда ғаройиб, кундаликни йўқотар доим, бироқ дарсни беради айтиб». Қолган учта ҳазилни Роза Полужан ёзган. Борька Нестеровга «Бориснинг қабридаги энг яхши ёдгорлик — қийма котлет-у, бир порция гурунч.»; Петька Пузановни серуйқу деган: Приходькоңи машина ҳайдашда йўлини қилиб, ҳаммадан кўп ҳайдайди дейилган. Доҳиёна ҳазиллар эмас, албатта, ҳатто унча кулгили ҳам эмас, лекин беозор. «Зарбдорликни булғаш» эмиш-а?

— Нимаси булғаш экан?

Руночкин бошини бир томонга эгди.

— Ҳазил шеърлар сабабчи эмиш-да. Нега фақат зарбдорлар ҳақида ёзилган? Мен айтдим — биз фақат зарбдорларнинг фотографияларини, шу баҳона ҳазил шеърларни ҳам бердик. «Нега бош мақола йўқ?» дейишди.

Бош мақолани ёзмай қўяқолишни ҳам Саша таклиф қилган эди. Бошқа газеталарда босиладиган гапни такрорлашга не ҳожат? Деворий газетанинг бу сони чинакамига қувноқ, байрамона бўлиши керак. Газета ҳувиллаган йўлакда шўппайиб осилиб тураверма-син, одамлар уни ўқисин... Ушанда болаларнинг ҳаммаси унинг гапига қўшилган эди. Фақат эҳтиёткор Роза Полужангина Сашага маънодор қараб қўйганди.

— Яхшиси, бош мақолани ёзиб, имзо чекиб қўяқол.

— Азияндан қўрқяпсанми?

У Розага шундай жавоб қилди. Ишнинг оқибати бунақа бўлиб чиқди. Ҳали Азиян билан бўлган можаро бир ёқли бўлгани йўқ, энди янгиси чиқиб ўтирипти.

Страстная майдонига етганда колонна яна туриб қолди. Бундан нарёғига тўхтамай кетилади, ишбошилар яна бир бор колоннани синчиклаб текшириб чиқдилар — бирон бегона одам суқилиб кириб олмаслиги учун — кейин Қизил майдонга элтадиган йўлнинг сўнгги бўлагини тўхтамасдан шахдам қадамлар билан ўтиш учун колоннани зичладилар. Сашалар гуруҳига Баулин билан Лозгачев қўшилди. Лозгачевнинг қўлига қизил лента боғланган — у институт колоннасининг бошлиғи эди.

— Панкратов! — Баулин Сашага қаҳр билан қаради. — Намойишга келишни зарур деб ҳисобламайсан, шекилли.

Баулин ноҳақ эди. Шаҳарда турадиганлар ҳамма вақт колоннага йўлдан қўшилишарди. Бундан ташқари Баулин минглаб студентларнинг қай бири институтга келган-у, қай бири кейинроқ қўшилганини билиши мумкин ҳам эмас эди. Аммо Сашанинг институтга келмаганини билибди, атайин қизиқипти-ки, мана, ҳозир келиб, одамлар олдида унинг гуноҳини бўйнига қўйяпти. Адолатсизлик ҳам шунчалик бўладими? Унинг ҳақоратли томони яна шундаки, Баулин бу ерда, ҳамманинг кўз ўнгида Саша гап қайтаришга журъат этолмайди деб ишонади. Аммо... нега энди журъат этолмас экан.

— Мен намоийшдаман, буни кўриб турибсиз, шекилли? Босинқираш эмас бу... — деб жавоб берди Саша. Фақат бу гапларни у сунъий, совуқ хушмуомалалик билан айтди-ки, Арбатдаги зиёли оилалардан чиққан болалар муштлашиш олдидангина шунақа оҳангда гаплашишади.

— Кўзингга қара, йигит, қоқилиб қолма... — дея олди Баулин.

Шундай деб Сашанинг жавобини кутмай нари кетди.

Тарих музейининг икки ёнидан икки оқим бўлиб ўтган колонналар Қизил майдонга кириб битта бўлиб бирлашишди. Одамлар сергакланди, қадамлар янада шахдамланди, қизил аскарларнинг зич қаторлари туфайли бир-биридан ажраб турган сафлар майдондан деярлик югуриб боришарди.



Сашанинг колоннаси Мавзолейнинг яқинидан ўтди. Минбарларда ҳар хил одамлар, ғалати тарзда ясаиб олган ҳарбий атташелар турарди, лекин ҳеч ким уларга қарамас, барча нигоҳлар Мавзолейга йўналтирилган эди, ҳаммани фақат бир масала қизиқтирди — Сталин шу ердамикин? Уни кўриш насиб этармикин?..

Уни кўриш уларга насиб этди: худди сон-саноксиз портретлардан тушгандай қора мўйловли чеҳра... У фуражкасини бостириб кийиб олганча қимир этмай турарди.

Хайқириқлар зўрайиб борарди: Сталин... Сталин!.. Саша ҳам ҳамма қатори ундан кўзини узмай кетиб борар ва «Сталин! Сталин!» дея хайқирарди. Минбарлар ёнидан ўтиб борилар экан, одамлар ҳамон орқага ўгирилиб қарашар, аммо қизил аскарлар уларни қисташарди: илдамроқ одимланг, тўхтаманг! Илдамроқ...

Девона Василий ибодатхонаси олдида колонналар аралашиб кетди, тартибсиз оломон Москва дарёси томон тушиб борар, кўприкка кўтарилар, дарё бўйини тўлдирарди. Юк машиналарига барабанлар, карнайлар, байроқлар, расмлар ва шиорларни ортишди. Ҳамма уйига ошиқар, ҳориган, очикқан, тезроқ Тош кўприкка ва Пречистинск дарвозасига етиб олишнинг пайида эди.

Шу лаҳзада майдондаги хайқириқ энг авж пардага кўтарилди ва дарё соҳилига ҳам етиб келди — Сталин намоийшчиларни олқишлаб, қўлини кўтарган эди.

Байрамдан кейин фаоллар билан бирга партия бюросининг навбатдан ташқари йиғилишини чақирди. Кичик мажлислар залида тўпланишди. Минбарда қоғозларини бир-бир саралаб, Лозгачев турарди.

— Факультетда, — деди у, — иккита аксилпартиявий чиқиш содир бўлди. Биринчиси — Панкратовнинг ҳисоб фанидаги марксизмга қарши чиқиши. Иккинчиси — яна ўша Панкратов томонидан деворий газетанинг чиқарилиши. Бу ишларида унга Руночкин, Полужан, Ковалев ва Позднякова каби комсомоллар кўмакчилик қилган. Группанинг коммунистлари ва комсомоллари уларга зарба беришмаган. Бу сиёсий ҳушёрликнинг ўтмаслашиб қолганидан далолат беради.

— Газетанинг байрам сониди, — деб жаврарди Лозгачев, — Октябрнинг ўн олти йиллиги ҳақида бош мақола йўқ, бирон марта ўртоқ Сталиннинг номи тилга олинмаган, зарбдорларнинг сувратлари остига бўҳтондан иборат ғазабнок шеърлар битилипти. Мана улардан бири. Буни ҳам Панкратовнинг ўзлари ёзганлар. «Зарбдор меҳнат бизда ардоқда, лек дўстимиз жуда ғаройиб, кундаликдан ажраб ҳордиқда, ҳамма фанни билар беш қўлдай, юрмасада китоблар ўқиб». Хўш, «меҳнат ардоқда» дегани нима? — Лозгачев қаҳр билан зални кўздан кечирди. — Наҳотки, бугун биз «ардоқ» деган сўзни ишлатсак? Одамларимизнинг меҳнати билан бизда социализмнинг пойдевори яратилляпти, меҳнат бизда ор-номус иши. Панкратов учун эса, меҳнат шунчаки жўн, «ардоқчи» нарса. Одамларимиз бошига бўҳтон тошларини ёғдиришга қасд қилган ёмон ниятли одамгина шундоқ дейиши мумкин. Ҳолбуки, ўтган партбюрода баъзи бировлар Панкратовни оқлашга уринишди, унинг Азиянинг лекциясидаги қилиғи, Криворучкони ҳимоя қилиши гўё тасодиф эмиш.

— Ким экан ўша «баъзи бировлар?» — деб сўради Баулин, гарчи у ҳамма қатори ким ҳақида гап кетаётганини жуда яхши билиб турган бўлса-да...

— Мен факультет декани Янсонни назарда тутяпман. Менимча, у жавобгарликдан соқит қолмаслиги керак.

— Қолмайди, — деб ваъда қилди Баулин.

— Ўртоқ Янсон факультетда, — сўзида давом этди Лозгачев, — беғамлик муҳитини, бепарволик муҳитини вужудга келтирди ва бу билан Панкратовга ўзининг сиёсий зараркунандачилигини амалга оширишга йўл очиб берди.

— Шармандалик, — деб бақирди тўртинчи курс студенти Карев. Хушрўйгина бу йигит бутун институтга сафсатабоз ва ҳушомадгўй тарзида танилган эди.

— Институтнинг партия бюроси, — деб гапини тугатди Лозгачев, — Панкратовнинг чиқишига қарши қатъиян чора кўрди ва газетани олиб ташлади. Бу нарса, умуман олганда партия ташкилотининг соғломлигидан далолат беради. Биз қабул қиладиган қатъий ва шафқатсиз қарор буни яна бир марта тасдиқлайди.

У саҳифаларини йиғиб олиб, минбардан тушди.

— Редактор шу ердами? — сўради Баулин.

Руночкини тузукроқ кўриш учун ҳамма ғимирлаб қолди. Жуссаси кичкина, кўзи ғилай Руночкин минбарга кўтарилди.

— Қани, гапиринг Руночкин, қанақа қилиб шу аҳволга етиб келдингиз? — деди минғирлаб Баулин, ўзининг одатдаги машъум сиполиги билан.

— Институт газетасининг бош мақоласини такрорламаганимиз маъқул деб ўйлангандик.

— Институт газетасини нега аралаштирасиз? — деб хўмрайди Баулин. — Сиз ўз газетангизни осганингизда институт газетаси ҳали чиқмаган эди.

— Кейин чиқди-ку, ахир.

— Унда қанақа бош мақола бўлишини олдиндан билганмидингиз?

— Албатта, билгандик...

Залда кулги кўчди.

— Ўзингизни гўлликка солманг, — деди Баулин жаҳл билан. — Бош мақолани ёзишга ким тўсқинлик қилди? Панкратовми?

— Эсимда йўқ.

— Эсимда йўқ дег?.. Бу сизни таажжубга солмадимми?

Руночкин елка қисиб қўяқолди.

— Панкратовнинг эпиграммалар ёзиш ҳақидаги таклифи ҳам таажжубга солмади-ми?

— Илгари ҳам эпиграммалар бериб турардик.

— Сиз хатонгиз нимада эканини тушунапсизми?

— Агар ўртоқ Лозгачевга ўхшаб мулоҳаза юритиладиган бўлса, тушуниб турибман.

— Сиз бошқача мулоҳаза юритасизми?

Руночкин индамай тураверди.

— Ўзини гўлликка соляпти, — деб қичқирди Карев яна.

Баулин қоғозга қаради.

— Позднякова шу ердами?

Дўмбоққина Позднякова жилмайганича минбарга кўтарилди.

— Мен нима ҳам деяолардим? Саша Панкратов бош мақолани бермасликка қарор қилди. Ахир у комсоргимиз, унинг гапига қулоқ солишимиз керак.

— У сизга бешинчи қаватдан сакрашни буюрса-чи?

— Мен сакрашни билмайман, — деб жавоб берди Надя, — кейин мен ўйловдим-ки...

— Сиз ҳеч нарсани ўйлаганингиз йўқ, — деб унинг гапини бўлди Баулин. — Очиғини айтиверинг, эҳтимол, ўқиш зарбдорларини таққирлашгани сизга хуш ёқар?

— Йўқ.

— Нега эътироз билдирмадингиз?

— Улар менинг гапимга киришармиди!..

— Нима учун парткомга келмадингиз?

— Мен... — Позднякова дастўмоли билан кўз ёшларини артди. — Мен...

— Яхши, ўтиринг. — Баулин яна қоғозга қаради. — Полужан.

— Уларни эшитиб нима қиламиз. Панкратовнинг ўзи жавоб берсин! — деб қичқирди кимдир залдан.

— Панкратовга ҳам навбат келади. Гапиринг, Полужан.

— Рўй берган воқеанинг ҳаммасини катта хато деб ҳисоблайман, — деб бошлади

Роза.

— Хатолар ҳар хил бўлади.

— Мен буни сиёсий хато деб биламан...

— Гапни шундан бошлаш керак эди. Ичимдагини топ деб ўтириш керак эмас.

— Мен буни қўпол сиёсий хато деб ҳисобламайман. Мен сизлардан фақат бир нарсани эътиборга олишингларни сўрайман — мен бош мақолани ёзиш керак деб таклиф қилгандим.

— Бу сизни оқлайди деб ўйлайсизми? Сиз ўзингизни бир чеккага олиб, сувдан қуруқ чиқиб кетмоқчи бўлгансиз. Деворий газетага ўта бемаъни, бачкана нарсаларни ёзиб, осиб қўйишлари сизни заррача ташвишга солмаган. Эпиграммаларни ўзингиз ёздингизми?

— Ҳа.

— Кимга?

— Нестеровга, Пузановга ва Приходькога.

— Бири еб тўймас, иккинчиси уйқучи, учинчиси муттаҳам. Шунинг сиз зарбдорларни шарафлаш деб биласизми?

— Бу менинг хатом, — шивирлади Роза.

— Утиринг... Ковалев!

Ранги ўчган Ковалев минбарга чиқди.

— Виждонан эътироф этишим керак: бу ерга келаётганимда масаланинг сиёсий моҳияти менга тўла аён эмас эди. Буларнинг бари ҳазилдай туюлган эди, ҳа, қўпол, бемаъни, ўринсиз ҳазил. Лекин, ҳар қалай, ҳазил. Энди эса кўриб турибманки, биз ҳаммамиз Панкратовнинг қўлида қурол бўлган эканмиз. Рост, мен бош мақола ёзилишини талаб қилгандим. Аммо, гап эпиграммалар ҳақида борганида индамай турдим. Эпиграмманинг биттаси мен тўғримида эди. Шунинг учун эътироз билдиришим ноқулай бўлди. Йигитлар мени ўзини танқиддан олиб қочяпти деб ўйлашлари мумкин эди.

— Андиша қилибсиз-да? — истеҳзо қилди Баулин.

— Ҳа.

— Ковалев дарҳол бюрога келиб, ҳамма гапни ҳалол айтиб берди, — деб гап қўшди Лозгачев.

— Газетани осмасларидан келганида яхшироқ бўларди, — деб эътироз билдирди Баулин.

География ўқитувчиси Сиверский минбарга кўтарилди. Унинг партия аъзоси экани

Сашанинг хаёлига ҳам келмаган эди. Ҳамиша индамас бўлиб кўринадиган, қадди-қоматини ҳарбийчасига фоз тутадиган, суворийларники сингари галифе шим ва кавказликлар киядиган узун оқ кўйлак кийиб юрадиган бу одам Сашага чор армиясининг собиқ офицеридай тузалди.

— Ковалев? Сиз ўзингиз ҳақингиздаги эпиграммаларга эътироз билдиришга андиша қилдингизми?

— Ҳа.

— Нима учун бошқалар ҳақидаги эпиграммаларга қарши чиқмадингиз?

— Сафсатабозлик!... — деб қичқирди Карев.

— Ишни чигиллаштиряпти, — деб қичқирди яна кимдир. Баулин залга қараб қўл сермади.

— Эшитяпсизми, ўртоқ Сиверский, мажлис аҳли саволингизни қандай баҳоляяпти?

— Ковалев ёш йигит. Мен унга ҳаётни бунақа қилиб бошламаслик керак демоқчи эдим, холос, — деди Сиверский хотиржам оҳангда ва жойига ўтирди.

— Сиз музокараларда иштирок этишингиз мумкин, — деб жавоб берди Баулин. — Ҳозир эса бош ташкилотчи Панкратовнинг гапларини эшитайлик. Марҳамат!

Саша охири қаторда, бошқа факультетларнинг студентлари орасида ўтириб, гапларни тинглар, қандай жавоб қилиш кераклиги ҳақида ўйларди. Ундан хатоларини тан олишини кутишяпти, унинг тавба-тазаррусини эшитишмоқчи, қанақа қилиб ўзини оқлашини кўришмоқчи. Рўй берган воқеадан у пушаймондами? Ҳа, пушаймонда. Азизян билан айтишмаслиги мумкин эди, газетани ҳам ҳар доимдагидек чиқараверса бўларди. Шундай қилганда бунақа можаро бўлиб ўтирмасди. Бу можаро, мана энди — сира кутилмаганда ўта беъмани тарзда унинг ҳаётига, ўртоқларининг ҳаётига ёриб кирди. Нима бўлганда ҳам чидамоқ керак, йигитларни муҳофаза этмоқ зарур, гапларини тинглашга мажбур этмоғи шарт. Залда фақат Баулин, Лозгачев ва Караевларгина ўтиргани йўқ, Янсон билан Сиверский ҳам шу ерда, ўртоқлари шу ерда. Уртоқлари унга хайрихоҳ.

Зал тиниб қолди. Чеккани чиққанлар қайтиб киришди. Сашани тузукроқ кўриб олиш учун кўплар ўринларидан туришди.

— Менга жуда оғир айбларни юклашяпти, — деб гап бошлади Саша, — ўртоқ Лозгачев сиёсий зараркунандалик, аксилпартиявий чиқиш, ёмон ният каби ибораларни қўллади...

— Тўғри қўллади! — қичқирди залдан кимдир. Қичқирган Карев бўлиши мумкин эди, аммо Саша қичқириқларга эътибор қилмасликка аҳд қилганди.

Баулин қалам билан столни тақиллатди.

— Доцент Азизян ўз лекцияларида назарий қисмни амалий қисм билан дурустроқ боғлаёлмади ва шу билан бизни курснинг муҳим қисмлари билан танишишдан маҳрум қилди, — деб гапида давом этди Саша.

Азизян сапчиб ўрнидан турди, аммо Баулин қўл ҳаракати билан уни тўхтатди.

— Деворий газета тўғрисида. Ҳаммадан аввал, мен комсорг сифатида бу сон учун масъулиятини тўла бўйнимга оламан.

— Олижаноблик қияптилар, — деб қичқиришди залдан. — Олифта!..

— Бош мақола керак эмас деб айтган мен, эпиграммалар бериш керак деб таклиф қилган ҳам мен ўзим. Ҳатто улардан бирини мен ёзганман. Йигитлар буларнинг барини кўрсатма тарзида қабул қилишлари мумкин эди.

— Кўрсатма? Хўш, уни сизга ким берган эди? — сўради Баулин Сашага синчков назар билан тикилиб.

Биринчи дақиқада Саша саволни тушунмади. Аммо саволнинг маъноси онгига етиб бориши билан дадил жавоб берди.

— Сиз менга истаган саволингизни беришга ҳақлисиз, фақат менга таҳқирловчи гап қилманг. Ҳозирча ҳайдалганимча йўқ.

— Ҳайдаймиз, хотиржам бўлаверинг, — деб қичқирди кимдир. Бу энди, шак-шабҳасиз, Карев эди.

— Давом этман. Бош мақолани ёзмаганимизга сабаб шуки, институтимиз газетасида ва факультет бюллетенида босиладиган нарсани такрорлагимиз келмади. Ахир, уларни малакали журналистлар ёзган-ку...

— Эпиграммаларга қараганда, шоирлик ҳунаринг ҳам бор, шекилли? — деди Баулин масҳаромуз оҳангда.

— Шоир эмиш-а, — деб қичқиришди залдан.

— Мен хато қилдим, — деди Саша, — бош мақолани ёзиш керак эди. Энди эпиграммалар тўғрисида. Уларнинг ўзида ҳеч қанақа ёмон гап йўқ. Хато шундаки, уларни зарбдорларнинг суврати тагида берганмиз. Шундан уларнинг маъноси бузилиб кетган...

— Нега уларни бердинглар?

— Байрамда йигитларнинг кўнглини хуш қилмоқчи бўлувдик.

— Ҳа, хуш қилдинглар, роса боплаб, — деб гапга қўшилди Баулин.

Ҳамма кулиб юборди.

— Аммо, — деб сўзида давом этди Саша, — сиёсий зараркунандалик ҳақидаги айбни таг-туғи билан рад қиламан.

— Айтинг-чи, Панкратов, сиз бирор одамга ёрдам сўраб мурожаат қилганмидингиз? — деб сўради Баулин.

— Йўқ.

Баулин Глинскаяга қаради, кейин Сашага ўгирилди.

— Нарком муовини Будягинга мурожаат қилмаганмисиз?

— Йўқ.

— Нима учун у институт дирекциясидан сизни тўғрингизда илтимос қилган?

Саша Маркни тилга олишни истамас эди, аммо ҳозир иложсиз қолди.

— Мен бу тўғрида тоғам Рязановга гапирган эдим, афтидан, у Будягинга айтган бўлса керак.

— Афтидан эмиш, — деб истеҳзо қилди Баулин. — Рязанов бу ерда эмас. Шарқда-ку?!

— У Москвага келган эди.

— Тасодифан Рязанов Москвага келган, тасодифан сиз унга гапириб бергансиз, тасодифан у Будягинга айтган, Будягин ҳам тасодифан Глинскаяга телефон қилган... Тасодифлар жуда ҳам кўпайиб кетмаяптими, Панкратов? «Ҳа, мен айланма йўлларни излаб эдим» деб тан олиб қўяқолсангиз ҳалолроқ бўлмасмиди?

— Мен ростини айтиб бердим.

— Чап беришга уриняпти. Самимий эмас. Ҳалоллиги йўқ.

Яна бир неча бақироқлар Каревга жўр бўлишди.

— Айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

— Бор гапни айтдим.

— Утиринг.

Саша минбардан тушди.

— Ким сўзга чиқмоқчи? — сўради Баулин.

— Янсон гапирсин. Янсон! Янсон чиқсин сўзга!

Янсон зардали чехра билан минбарга чиқди.

— Ўртоқлар, биз муҳокама қилаётган масала жуда муҳим...

— Буни сенсиз ҳам яхши биламиз, — қичқиришди залдан.

— Аммо объектив натижаларни субъектив ниятлардан ажрата билмоқ керак.

— Нима фарқи бор?

— Фалсафа сўқилмасин.

— Йўқ, буларнинг фарқи бор. Аммо фикримни охирига етказишга имкон беринглар.

— Бермаймиз. Бас. Етар.

Минбарга яна Сиверский чиқди.

— Ўртоқ Баулин, бузуқиларни тартибга чақиринг. Бу шароитда иш юритишнинг иложи йўқ.

Баулин ўзини бу таънани эшитмаганга солди.

— Панкратов сиёсатдан ғайри мавқеда турипти, бинобарин, унинг мавқеи бир ёқлама, манфаатпарастлик мавқеидир, — деб ўжарлик билан гапини давом эттирди Янсон.

— Кам! Кам!. — қичқирди Карев.

— Шошманглр, ўртоқлар, — деди Баулин энсаси қотиб. — Гапни охиригача эшитинглр.

— Эшитадиган жойи йўқ.

— Унинг чиқишларини аксилпартиявий деб аташдан аввал, ҳам сиёсий зараркунандалик деб номлашдан аввал, Панкратовда муайян ният бўлганини аниқлашимиз керак, Фақат қасддан иш тугилгандагина...

— Гапни айланторма.

— Ўзинг тўғрингда гапир. Қанақа рол ўйнаганигни айт.

— Хуллас, Панкратов партия ишига зарар етказишни хоҳлаганми? Менимча, у онгли равишда бундай бўлишини истамаган.

— Мурасасоз. Силаб-сийпаяпти...

— Ўртоқ Янсон, — деди Баулин, — рўй берган воқеада сизнинг ролингиз қандай бўлганини айтиб беришингизни сўрашяпти...

— Менинг ҳеч қанақа ролим йўқ. Газетани мен чиқармадим ва унинг чиқарилишига ижозат ҳам берган эмасман. Доцент Азизян менга эмас, сизга мурожаат қилган.

— Нима учун сиз газетани олиб қўймадингиз? — сўради Баулин.

— Уни биринчи бўлиб сиз кўрибсиз, шекилли?

— Сиз нега кўрмадингиз? Сизга яқинроқ эди, шекилли?..

Янсон елкасини қисди.

— Агар сиз шунга ҳам эътибор берадиган бўлсангиз...

— Бўлди... Бас, етарли!..

Янсон минбарда бироз туриб қолди, сўнг яна елкасини қисди-да, жойига қараб кетди.

Баулин минбарга чиқмай, президиум столининг ёнида туриб гапирди. Фақат пиджагини ечиб, стулнинг суянчиғига осиб қўйди-да, қийшиқ ёқа кўйлагининг ўзида қолди.

Энди у жилмайишини йиғиштириб қўйган, истехзо ҳам қилмас, ҳар бир жумласи қиличдай кескин янграмоқда эди.

— Панкратов жазосиз қолишни мўлжал қилган. Ўзининг юксак мартабали ҳомийларига орқа қилган. Партия ташкилоти уларнинг номини эшитибоқ капалаги учиб кетади деб ўйлаган. Аммо партия ташкилоти учун партиянинг иши, партия йўлининг софлиги ҳар қандай номлардан, ҳар қандай мансаблардан юқори туради.

У олқишталаб бир алфозда жиндай гапидан тўхтади. Икки-уч жойдан сийрак қарсак овози эшитилди. Баулин ўзини олқишларга йўл қўймаётгандай кўрсатиб, давом этди.

— Руночкин, Позднякова, Полужан, Ковалев каби комсомолларга қарашга ҳам уяласан, киши. Улар салкам инженер одамлар, совет мутахассислари. Мана шунақа муросасоз, сиёсий жиҳатдан ночор одамларни тарбиялаб етиштирипти ўртоқ Янсон. Шунинг учун ҳам улар синфий душманнинг қўлида осонгина қўғирчоққа айланадилар. Биз Янсонни худди шу масалада айблаймиз. Сиз, ўртоқ Янсон, Панкратовларга қўл келадиган қўлай шароит яратиб бергансиз... Ҳатто бу ерда ҳам сиз уни паноҳингизга олишга уриняпсиз. Бу бизни сергаклантиради, албатта.

## 5

Юра Ленадан уларнинг муносабатларини хуфя сақлашни талаб қиларди. Юра Ленани яхши кўради, Лена Юрани севади. Уларга ортиқ яна нима керак? Худди шу сабабдан Юра ўзини Ленанинг ота-оналаридан олиб қочар, унинг уйига яқин йўламас, таниш-билишларига рўпара бўлишдан ўзини тиярди. Лена унинг иззат-нафсига тегиб кетишдан қўрқиб, индамай қўяқоларди.

Отаси унга уйга қизларни бошлаб келишга рухсат бермасди. Аммо, аста айтасизми — халқ комиссарининг қизи-я. Юрийда бунақаси бўлган эмасди. Юранинг ота-онаси Ленага мундоқроқ муомала қилишди — нима бўпти, Юрийнинг олдига бир қиз келса келипти-да, иккови ҳам ёш, юлдузи бир-бирига тўғри келса турмуш қуришар, тўғри келмаса — ажралишар. Бу маънода улар ўз асрлари даражасида эдилар. Турмуш қуришадиган бўлишса, келин қайнона билан қайночасини ҳурмат қилмоғи лозим, наркомнинг қизи бўлмоқ тугул, ундан каттароғи бўлганда ҳам келин қилганлари учун раҳмат демоғи керак — тўйдан олдин тўшакка ётадиганларга ҳар ким ҳам уйланавермайди.

Аммо Лена кексаларнинг сиполигини уларнинг фазилати ўрнида қабул қиларди. Юранинг ота-онаси ҳам унга аллақандай ажойиб бўлиб кўринишди. Отаси — чиройли, салобатли уста, онаси художўй кампир, эскича ҳаёт тарзи — бутунлай бошқа бир олам, ҳақиқий халқ турмуши шунақа бўлади.

Баъзан улар Владимирнинг Беломорканалдан юборган мактубларини муҳокама қилишарди. Мактублар жиноятчи маҳбус қўли билан ёзилган, уларда «қадрдоним отажоним», «қадрдоним онажоним», «қадрдоним укажоним Юра» деган иборалар бўлар, ўн гулидан бир гули очилмай сўлган тақдир ҳақида нолаю фиғонлар айтилар, «қанот боғлаб учар қушдай» парвоз қилишлар ҳақидаги орзулар баён этиларди. Юранинг энсалари қотиб кетарди, афтидан, у Ленадан хижолат бўларди, шекилли. Лена эса отасининг хўмрайганча мактубни диққат билан тинглашини, онасининг маҳзунлик ичида ташвишлианишини, Юранинг ўз биографиясидаги бу мураккабликка матонат билан дош беришларини кўриб ийиб кетарди.

Ленага бу хонадонда ҳамма нарса маъқул — уларнинг камсуқум хўраклари ҳам, отанинг қўлидаги бўр юқини қандай артиши-ю, пиджагидаги ипларни олиб ташлаб, столга ўтиришигача хуш ёқарди. Юранинг отаси стол ортида ишчи одамга хос сиполик билан ўтирар, унинг учун оилавий даврадаги тушлик — оғир меҳнат бериладиган мукофотдай туюлар, шунинг учун унга овқатнинг олди ўзига қўйилиши ёқар эди. Ҳар ҳолда, у оиланинг каттаси, боқувчиси, ундан кейин Юрага қўйилади, у ҳам эркак одам, топар-тутармон, кейин — меҳмонга, Ленага. Шулардан ортгани онага тортилади. Ҳечқиси йўқ, онанинг умри ошхонада ўтади, ҳамиша бир иложини қилиб, тўйиб юради, оч қолмайди. Бу оила иттифоқ, аҳил, Ленанинг оиласига ўхшамайди. Ленанинг оиласида ҳар ким ўз ҳаёти билан яшайди, улар ҳатто ҳафталар мобайнида бир-бирини кўрмайди.

Лена баъзан Юра билан бирга «Метрополь»га Скоморовскийни тинглагани ёки «Гранд-Отель»га Царасманнинг ашулаларини эшитгани борарди. Лена талашиб-тортишиб Юра билан баравар пул харжлаш ҳуқуқига эришиб олганди — ахир, у ҳам ишлайди, маош олади, уни харажатдан маҳрум қилиш ўртоқчиликдан эмас. Юра мурувват қилиб, кўниб қўяқоларди. Шундай соҳибжамол қизнинг унга пул харажат қилиши, официантларнинг хизматга тайёр туриши Юрага жуда хуш ёқарди. Қўшни столлар ёнида хушрўй аёллар билан башанг кийинган эркаклар ўтиришар, жаз музыкаси янграрди. «Метрополь»да чироқни ўчириб қўйишарди, ранг-баранг прожекторлар залнинг ўртасидаги фонтанни, унинг теварагида жуфт-жуфт бўлиб рақс тушаётган эркак-аёлларни ёритади. Юра Ленага жилмайиб, унинг қўлларини қисиб қўярди, ҳамманинг эътибори уларга жалб бўлаётгани Юрага жуда маъқул эди.

Лена униқидан тун яримдан оққанда чиқиб кетарди, Юра рухсат берса, у бутунлай, кетмай ҳам қўяқоларди. Дарвоза кечаси ёпиб қўйиларди. Лена қўнғироқ чалар, кўзлари-

ни уқалай-уқалай фаррош чиқиб келар ва ҳар гал шубҳа билан Ленани бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқар, Лена эса унинг қўлига бир сўм тутқазиб, югуриб, чиқиб кетарди. Тунги Арбат йўлкаларида унинг пошналарининг тўқиллаши анча вақтгача эшитилиб турарди. Уйда яна унинг кеч келганини юзига солишади, уйдагилар ҳаммасини фаҳмлаб туришса-да, ҳеч нарсани суриштирмайди. Отаси Юрани ёқтирмайди, унинг тўғрисида мазаҳ билан, ҳатто ижирғаниб гапиради. Ҳа, энди, сирасини айтганда, бу унинг шахсий иши. Лена оиласини яхши кўради, аммо лозим бўлиб қолса, зарра иккиланиб ўтирмай, бу уйни тарк қила олади.

Декабрнинг бошида Юрани Адлия халқ комиссарлигига чақиришди. Кадрлар бўлими каттакон хонада экан. Хонага жуда кўп стол қўйилган, аммо уларнинг ортида ҳеч ким йўқ эди. Уни ўрта яшар, сочлари малла, кўкраги энсиз, чеҳраси сўниққина бир аёл қабул қилди. У ўзини Малькова деб таништирди ва Юрани столининг рўпарасидаги стулга таклиф қилди.

— Институтни тугатаётган экансиз, ўртоқ Шарок, тақсимотдан ўтишингиз керак. Яқинроқдан танишайлик дедим. Қани, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг.

Уни суд ва прокуратура органларига олмасликлари учун Юра Малькованинг нигоҳи қаршида номаъқул бир кифоада намоён бўлмоғи керак эди. Аммо у ўзида йиллар мобайнида бир қондани барқарор этиб улгурганди — у ҳар гал ҳар жиҳатдан бекаму-кўст, бенуқсон бўлиб кўринишга, қўй оғзидан чўп олмаган беозор кимсадай таассурот қолдиришга тиришар, обрўсига доғ туширадиган нимаики бўлса, ҳаммасини яширишга уринарди. Ҳозир шу хислати ўз-ўзидан ишлаб қолди. Ҳар доим ўзи тўғрисида қандай гапирса, Юра бу гал ҳам шундай гапириб берди, тикувчилик фабрикасининг ишчисининг ўғли, ўзи ҳам ўтмишда ишлаган, комсомол аъзоси, жазоланмаган. Фақат бир ишқали бор — акаси ўғирлик учун судланган. Бу ишқални тилга олгани, унинг назарида, ҳамма гапига самимият бахш этишдан бошқа нарса эмасди.

Малькова диққат билан тинглаб ўтирди, папирос чекди, кейин папиросини кулдоннинг тагига эзиб ўтирди-да, сўради:

— Қандай қилиб сиз комсомол бўлатуриб акангизни назардан қочирдингиз?

— Уни қамоққа олишганда, мен ўн олти ёшда эдим...

— Революция пайтида ўн олти ёшлилар полкларга қўмондонлик қилишган.

Малькова бу гапни шундай оҳангда айтдики, гўё унинг ўзини ўн олти ёшида полкка қўмондонлик қилган деб ўйлаш мумкин эди. Балки қўмондонлик қилган бўлса қилгандир ҳам. Ўзини худди солдатдай тутаяпти, чўпдай озғин, чарм курткада, оғзида папирос... Хўп, нима бўпти? Ҳамма қўмондонлик қилиш шартми? Уларга полк етказиб бериб бўладими? Қаранг энди уни заводга тақсим қилишадими ёхуд бирор гадой топмас овлоқ жойга жўнатишадими — шу арвоҳга боғлиқ бўлиб ўтирса-я. Институтда миш-миш юрипти — бу йил битираётганларнинг ҳаммасини Фарбий ва Шарқий Сибирга жўнатишар эмиш...

Юра жилмайди.

— Акам мендан анча катта, мен қандай қилиб унга таъсир қила оламан?

Малькова стол устидаги қоғозларини титкилаб, кераклигини топди.

— Главхимпром сизни хўжалик адлия ишларига талаб қилапти. Бунинг боиси нимада?

— Институтга қадар мен химия заводида ишлаганман. Уларга юрист керак. Завод билан алоқамни узганим йўқ, шу боисдан мени талаб қилишган.

Малькова қошларини чимирди.

— Ҳамма Москвада қолишнинг пайида. Бунақада чекка жойларда ким ишлайди? Суд ва прокуратура органларида ким ишлайди?

Юра ҳар бир сўзини пухта ўйлаб, босиқлик билан жавоб берди:

— Суд ва прокуратура органларида ишлаш учун ишонч керак, одам бекаму-кўст бўлмоғи керак. Акам маҳбус бўлгандан кейин, мен бундай ишончга лойиқ бўлаолармидим?

— Суд ва прокуратура органларида ишламоқ учун даставвал ҳақиқий совет кишиси бўлмоқ керак, — деди Малькова насихатомуз оҳангда. — акангиз билан юз берган воқеа бунга халақит бермайди.

— Лекин, акамни нега назардан қочирганимиз ўзингиз сурадингиз-ку? Ундан ташқари, ўйлайманки, санаотда ҳам саводли юристлар керак.

Малькова ўрнidan турар экан, деди:

— Мен ишингизни бошқарма бошлиғига етказаман, кейин тақсимот комиссияси масалани ҳал қилади.

Юра ҳам ўрнidan турди.

— Мени қаерга жўнатсалар, ўша ерда ишлашга тайёрман.

— Бўлмаса-чи, — дея истехзо аралаш жилмайди Малькова, — сиз ўқиш мобайнида стипендия олгансиз. Энди қарзни узмоқ ҳам керак.

— Албатта, мен Москвада қолишни истайман, — деди Шарок салобатли оҳангда, — ота-онам шу ерда истиқомат қилишади, кексайиб қолишган, соғлиқлари ночор, мен эса, сирасини айтганда, уларнинг ёлғиз ўғлиман. Аммо бу, — деб у стол устида ёт-

ган қоғозни кўрсатди, — заводнинг ташаббуси. Уларга химия корхонасини биладиган юрист керак.

— Москвада қолишни истаганларнинг ҳаммаси ҳам асосли далиллар кўрсатишадди, — деди Малькова, — уларнинг ҳаммасида ҳам мана шунақа мўътабар талабномалар бор.

Малькова индамай қолди, кейин кутилмаганда илова қилди:

— Аммо институтнинг партия ташкилоти сизни бошқа ишга тавсия қилишяпти. У иш ҳам Москвада...

— Бу гапдан хабарим йўқ... Нима иш экан?

Малькова мужмал жавоб берди:

— Бир ўрин бор-да... Масалан, прокуратурада дейлик... Лекин, сиз заводга боришни афзал кўрасиз-ку!

— Ҳа, заводни афзал кўраман. Мен у ерда ишлаганман, ўсганман, ўқишга ҳам ўшардан кетганман. Заводдан қарзим катта.

Юра бу гапларни жуда сиполик билан айтди, Малькова юмшади.

— Биз сизнинг истагингизни ҳам, Главхимпром талабномасини ҳам ҳисобга оламиз. Хуллас, масалани комиссия узил-кесил ҳал қилади.

Унинг тақдири мана шу хотиннинг қўлида-я. Ўзи Орехово-Зуевога ўхшаш бирор овлоқдан яқинда келган бўлса керак, ҳойнаҳой, келиб улгурмасдан уни, Москвада туғилиб ўсган одамни аллақайси гадой топмас жойларга жўнатмоқчи бўляпти. Отаси тўғри айтади: «Москвани қишлоқи босиб кетди, шаҳарликлар қайга бош урсин?» Яна гиз-гизлаб ҳам қўяди — сизни Москвада, прокуратурада ишлашга тавсия қилишяпти, эмиш. Алдаётган бўлса керак... Ё чин айтаётганмикин?.. Москвада истиқомат қилади, улар бунга эътиборга олишади...

Агар уни чиндан ҳам тавсия қилишаётган бўлса, дарров ишга олиб қўйиша қолмайди-ку! Албатта, биринчи саволлари: «Аканг нега жиноятчи?» бўлади. Ҳақиқий пролетар оиласида, ишчи-меҳнаткаш оиласида жиноятчи бўлмаслиги керак. Демак, оиланинг мазаси йўқ, бу оиланинг оласи ичида экан-да... Наҳотки, синовдан ўтган, ўзимники эканига шубҳа туғилмайдиган бошқа одам йўқ бўлса?

Унинг болалик ҳаёлотини яратган — ҳеч кимга қарам бўлмайдиган адвокатнинг романтик образи замон ўтиб анча хира тортиб қолди. Судларда ўтган практика аҳволнинг терс томонини ҳам очиқ-ойдин кўрсатди. У донгдор адвокатларнинг моҳирона нутқларини эшитибгина қўяқолгани йўқ, уларни оддий кундалик вазиятларда, бир-бирларини ғажиб ейман деб турган шароитда, пулнинг кетидан қувиб юрган бир аллозда ҳам кўрди. Бу донгдор адвокатлар суд котибасининг олдида ялтоқланишар, юридик консультацияларда ўтириб олиб беш сўм эвазига бефаросат кампирларга турли маслаҳат беришарди. Юра уларнинг уйларидаги ҳашаматли кабинетларнинг қадрини ҳам яхши биларди — мижозлар чиқиб кетиши биланоқ кабинетлар емакхонага ва ётоққа айланарди. Лекин, шундоқ бўлса-да, адвокатларнинг шу тақлид ҳаёти унга маъқул кўринарди.

Аммо ғалати гап-а. Юқори идораларда ундан воз кечишлари мумкинлиги ҳақидаги фикр унинг нафсониятига тегяпти. Ўзлариникига юқори мансабларни тахт қилиб қўйилган, у эса итоаткор ижрочи, қора ишни бажаради. Жуда ёрлақганда унинг олди-га суяк ташлашади — уни заводга жўнатишади, Будягин, ижирғаниб айтган юристконсул бўлиб ишлашига изн беришади.

Наркоматга қақирилгани нўзисида Шарок ҳеч кимга индамай қўя қолди. Аммо унинг безовталиги Ленанинг назаридан четда қолмади.

Улар театрда ўтирардилар — ниҳоят, «Негр»га тушишга муваффақ бўлишганди. — Бироз безовтамисан?

Лена ўзининг теран, ошиқона нигоҳи билан унга қараб турарди. У жилмайди-да, кўзи билан қўшнилари томонга «халақит берма» деган маънода имо қилди.

Уйда унинг қўли устида ётар экан, Лена яна ундан нима безовта қилаётганини сўради. У, айтарлик бирон жиддий гап йўқ, шунчаки заводга ишга боришим шундай чигаллашяпти деди.

— Истасанг, дадам билан гаплашиб кўраман, — деб таклиф қилди Лена.

— Иван Григорьевич қўлидан келадиган ишнинг ҳаммасини қилди.

Лена ўжарлик қилиб, қистамади — отаси имкониятидан ортиқ ҳеч нарса қилмаслигини у яхши тушунарди.

— Кеча бизникига Саша келганди, одам унга ачинади, — деди Лена.

— Нима бўпти?

— Хабаринг йўқми? Уни комсомолдан ўчириб, институтдан ҳайдашди.

У тирсакларига суяниб, ўтирган жойидан тургандай бўлди.

— Биринчи марта эшитишим.

— Уни кўрганинг йўқми?

— Анчадан бери кўрганим йўқ.

Юра ёлғон гапирмоқда эди — у Саша билан яқиндагина кўришган, аммо Саша унга

ҳеч нарса демаганди. Шунинг учун Юра бу тўғрида Ленага гапиргиси келмади.

— Уша воқеа туфайлими? Анави ҳисоб муаллими учунми?..

— Ҳа. Деворий газета ҳам қўшилган.

— Нима ёзипти деворий газетада?

— Аллақандай шеър эмиш.

— Ие, у шеър ҳам ёзадими?

— Ҷуз ёзганми ё бировникини босганми... У шошиб турганди, тайинли бирор гап айтмай чиқиб кетди. Жуда ҳам ачинапман унга.

Саша Панкратов ҳайдалипти. Жуда ҳам садоқатли одам эди, уни боплаб тегишибди. Фаол эди, метин эди, сира эгилай демасди — энди унинг ҳам доврўғи дoston бўлади-ган бўлипти. Ҳатто Будягин ёрдам бермапти. Тоғаси, Рязанов машҳур одам. Ғалати гап-а? Агар Сашани-ки...

Агар унинг — Шарокнинг бошига бирон иш тушадиган бўлса, унга ким ёрдам беради? Машиначи отасими? Жиноятчи акасими? У Сашага ўхшаб ҳар тешикка бурнини тикавермайди. Лекин, шундоқ бўлса ҳам... Прокуратурага бекор бормайман деди-да — у ерда ҳеч ким унга қўл текиза олмас, ўзи истаган одамига қўл теккизиши мумкин эди... Аммо-лекин у қўл теккизган одамани соғ қўймас эди...

Эртаси куни Юра дарвоза олдида Сашага рўпара келиб қолди.

— Салом.

— Яхшимисан?

— Институтда ишларинг чатоқроқ эмиш деб эшитдим.

— Кимдан эшитдинг?

— Ленани кўргандим.

— Ҳаммаси тўғри бўлиб кетди, — деб тунд жавоб берди Саша.

— А? Жуда соз бўлипти-да, — Шарок истеҳзосини яширмади. — Ишингни тез тўғрилабсан...

— Тўғриладим... Бўпти.

## 6

«Ҳаммаси тўғри бўлиб кетди». Худди Юрага айтгандек, Саша ҳаммага шундай жавоб берарди — бу ҳақдаги миш-мишлар онасининг қулоғига етиб бормаслигини истар-ди.

Глинская буйруқни бюро мажлисининг эртасигаёқ осдириб қўйди. Саша «аксил-партиявий чиқишларнинг ташкилотчиси» сифатида институтдан ҳайдалган. Руночкин, Полужан ва Поздняковларга ҳайфсан эълон қилинган, Ковалев эса огоҳлантирилган эди.

Машина ишга тушиб кетди: ҳужжатлар қидирилди, маълумотлар тайёрлана бошланди. Янсоннинг ўрнига аллақачон декан қилиб тайинланган Лозгачев жуда зудлик билан Сашанинг зачет дафтарчасини расмийлаштириб берди. Убу ишни зудлик билан-гина эмас, ҳатто алланечук мулозамат билан ҳам қилди. Унинг сип-силлиқ чехрасида гўё шахсан ўзимнинг сенга ҳеч қандай қаршилигим йўқ, шароит шунақа бўлиб қолди, аммо сени тиклашса, чин юракдан хурсанд бўламан, дегандай маъно бор эди.

Группада Саша ҳамма билан хайр-маъзур қилди, фақат Ковалевгагина қўлини бермади.

— Разиллар билан ошналим йўқ.

Руночкин унинг гапини маъқуллади — Ковалев чиндан ҳам разил, умуман, ҳамма разил. Жуссаси кичик, биқини қийшиқ Руночкин ҳеч кимдан кўрқмас эди.

Кўнғироқ чалинди. Йўлак хувиллаб қолди. Саша билан энди ҳечкимнинг иши йўқ эди. Ҳужжатлар қўлида, энди муҳрни қўйдирса бўлди, кетаверади.

Криворучко ҳозирча хўжалик ишлари бўйича директор муовини бўлиб ишламоқ-да эди. Муҳр босар экан, у овозини пастлатиб деди:

— Декабрь ойи учун стандарт справкалар карточка бюросига жўнатилган.

— Раҳмат, — деб жавоб берди Саша. Справкалар кейинроқ жўнатилади. Криворучко Сашага озиқ-овқат карточкасини бермоқчи, холос. Ҳолбуки, бермаслиги ҳам мумкин эди.

Энди декабрнинг охирига қадар онаси бу гаплардан беҳабар бўлади. Декабрнинг охиригача эса, у қайта тикланиб улгуради.

Бир ташкилотдан бошқасига қатнаш керак, қабулларни зориқиб кутиб ўтириш лозим, малол келадиган тушунтиришлар, ишонқирамайдиган чехралар, суриштириш тўғрисида носамимий ваъдалар... Суриштириб, тагига етишни ҳеч ким истамас эди — ҳайдалишни бекор қилиш зиммангга масъулият олиш дегани. Кимнинг тоқати бор бунга.

Райкомда унинг иши билан аллақандай Зайцева деган хушрўйгина жувон шуғулланди. Бўйи баланд бўлмаса ҳамки унинг баскетболни яхши ўйнашидан Саша хабардор эди. У Сашанинг гапини тинглади, бир-иккита саволлар берди, бу саволлар Сашага аҳамият-сизроқдек кўринди, саволлар негадир Криворучкога тааллуқли эди. Сашага илгари ишлаган заводидан характеристика олиб келишни маслаҳат берди, масала партия ва



комсомол райкомларининг бюро мажлисида кўрилишини айтиб огоҳлантирди.

Заводга яқинлашиб келар экан, Саша одамларнинг тонг отар-отмас туришларини, кўчалардаги субхидам тароватини, уларнинг эшиклардан ўтиб эрталабки хувиллаб ётган совуқ цехларни тўлдиришларини эслади. У ҳеч қачон техникага муккасидан кетган эмасди, аммо заводда ишлашни истар, «пролетарий» деган сўз ўзига оҳанрабодай тортар, буюк революцион синфга мансублик унга хуш ёқарди. Ҳаётнинг ибтидоси бу, шоирона ва унутилмас ибтидо...

Биринчи кунлик уни вагонлардаги юкларни туширишга юборишди. У бош тортиши мумкин эди. Масалан, Юрка Шарок бош тортганди, уни механика цехига фрезерчига шогирд қилиб қўйишди. Саша индамай кетаверди. Кейин, уни паққос эсдан чиқаришди, у ҳам ўзини эслатмади — ахир, кимдир вагонларни ҳам бўшатиши керак-ку! У пайтларда у ишларнинг охир-адоғи йўқдай, ҳамма нарса олдинда, келгусида кўрадигандай туюларди. Устида брезент куртка, қўлида брезент қўлқоп, қору ёмғирда ҳам, саратону изғиринда ҳам омборхонадаги очиқ майдончада вагонлардан юк туширгани туширган эди. У мамлакатга зарур ишни бажарарди. Иссиққина ёруғ цехга жойлашиб олган, сиртига гард юқтирмайдиган Юрадан нафратланарди.

Улар ошхонага бутун бригада бўлиб киришарди. Одамлар ўзларини четга олишарди, чунки уларнинг курткалари ва телогрейкалари бўёқ, оҳак, алебастр, кўмир тегиб булганган бўларди. Улар шовқин-сурон кўтаришар, бемалол сўкинишарди. Саша собиқ дивизия командири Морозов деган одамни яхши эслади — у нэп билан келишмагани учун партиядан чиққан, кейин ичкиликка берилиб кетган эди. Уни хотини ҳам ташлаб кетганди. Саша ана шунақа қатордан чиқиб қолган одамлардан яна баъзи бирларини эсларди. Улар пулнинг кетидан қувишмас, чорактага етадиган пул топшишса кифоя эди. Ишбайни ёқтиришмас, ишбошилар билан олишганлари олишган, осонроқ ишнинг пайдан бўлишар, кунбайни маъқул кўришарди. Уларга аниқ бир топшириқ бўлса-ю, тез бажариб, уларига равона бўлишса... Бундай пайтларда, мақсадлари тезроқ жўнаб қолиши бўлганидан кейин, жонларини жабборга бериб ишлашарди. Саша уларни ҳақиқий ишчи деб ҳисобламас, лекин алланечук таъсирли ва инсоний жиҳатлари — туриш-турмушларининг норасолиги эътиборини тортарди. Топшириқ олиш чоғида муғомбирликлари тутар, лекин ҳеч қачон бир-бирларига айёрлик қилишмас, ишнинг осонини кўзлаб шерикларининг устига оғирини ортишмасди. Гарчи Саша улар билан бирга ичкиликбозлик қилиб, беҳаё латифалар айтишмасада, оғзи шалоқликда мусобақага киришмаса-да, унга нисбатан яхши муомалада бўлишарди.

Ана шу терма, санқи, ташландиқ бригадани одатда тасодифий юмушларга жўнатишар, аҳён-аҳёнда асосий иш — вагонларга тайёр маҳсулотни — бўёқлар солинган идишларни ортишга ҳам юборишарди. Лекин шундоқ пайтлар ҳам бўлардики, анча вақтгача бўш вагонлар етишмаслигидан бўёқли идишлар юк ҳовлисида тоғ-тоғ уюлиб қоларди, кейин тўсатдан бўш вагонлар устма-уст, бир-бирига қалашиб келарди. Бундай ҳолларда юк ортишга ҳамма бригадалар, шу жумладан, Саша ишлайдиган Аверкиев бригадаси ҳам жўнатиларди.

Бўёқ солинган идиш саксон килограмм келарди. Уларни тахта йўлкалардан думалатиб вагонга олиб чиқишар, у ерда бир қатор қилиб теришар, унинг устига иккинчи қаторни, иккинчиси устига учинчисини қўйиб чиқишарди. Тахта йўлкалар жуда тик бўлганидан ундан идишларни тезкорлиги эҳтиёткорлик билан олиб чиқмоқ керак эди. Вагонга чиққач, идишни тўрилаб, тик қилиб, бир-бирига зичлаб қўймоқ шарт эди, акс ҳолда белгиланган миқдордаги идишни сифдириб бўлмасди. Саккиз соат қаддингни ростламай, саксон килограммлик идишларни тик тахта йўлкалардан думалатиб ююрига олиб чиқиш, уларни тикка қилиб териб чиқиш осон иш эмасди. Яна ҳар лаҳза ошиқмоқ керак, ортингда шеригинг, тик тахта йўлкада пойлаб туролмайди, албатта, у ҳам юкни гажак бўлганича итармалаб чиқаётган бўлади, бир лаҳза имиллаб, юкинг билан тўхтаб қолсанг борми, иш маромини бузасан, сени деб ҳамма тўхтаб қолади. Дастлабки вақтларда Саша ҳамма вақт ҳам идишларни белгиланган жойга бир текис териб чиқишга муваффақ бўлавермади. Унга йўл-йўриғини кўрсатишди: идишнинг тагидан икки қўллаб ушлаб, силтаб кўтариш керак экан, кейин қиялатиб, думалатиб олиб бориб, жойлаштира қулай бўларкан. Сашага иш йўриғини ўргатиб қўйишлари биланоқ бошқаларни тутиб қолмайдиган бўлди.

Одатда бўёқ ортишда иккита асосий бригада ишларди. Биринчиси — Ульяновскнинг теварак атрофидан пул ишлагани келган татарлар бригадаси, Иккинчиси — руслар бўлиб, уларнинг ота касби юкчилик эди. Улар ҳам пул ишлашнинг пайида эдилар, бўёқ ортишга яхши ҳақ тўланарди-да.

Бир гал иш тақсимлаш пайтида ўнбоши Малов гапириб қолди:

— Аверкиев, одамингдан биттасини биринчи бригадага бериб тур. Уларнинг одами касал бўлиб қолипти.

— Сен борақол, — деди Аверкиев Гайнуллин деган татарга.

— Бормайман, — деб гапини қайтарди Гайнуллин.

— Лившиц.

Бақувват гавдали, энсиз пешонали одессалик яҳудий Лившиц гапни ҳазилига бурди:

— Мен боролмайман, улар чўчка гўшти емайди.

Маловнинг энсаси қотди.

— Гиди-бидиларингни эшитиб ўтиргани тоқатим йўқ. Одам бермасаларинг, ўзим белгилайман.

Малов чўрткесар, армияда взводга командирлик қилиб яқинда қайтган, полвонга ўхшаб кетадиган, бир вақтлар ўзи ҳам юкчи бўлган одам эди. У ҳатто Аверкиевникидай боши бузуқ бригадани ҳам гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олганди.

— Белгилай қол, — деди Аверкиев.

Маловнинг нигоҳи Сашада тўхтади.

— Панкратов, биринчига борасан...

Малов Сашани унча хушламасди. Эҳтимол, унга ўқимишли юкчилар унча маъқул келмас. Саша бу ердагиларнинг ичида энг ўқимишлиси — тўққизинчи синфни тугатган эди. Мана, ҳозир ҳам Малов Сашага ярим савол маъносиди, ярим ижирғаниб қараб турипти — бу ҳам бош тортса керак деб ўйлаяпти, шекилли. Аммо Саша бош тортмади.

— Майли, бораман.

— Ҳар тешикка тумшуғингни тиқаверасан-да, — деди Аверкиев норози оҳангда.

Татарлар бўёқли идишларни думалатиб эмас, орқаларида кўтариб чиқишар экан. Аввал ҳовлидан югуриб ўтишади, кейин тик тахта йўлқалардан югуриб-югуриб чиқишади, вагонга кирибоқ идишни аниқ жойига қўйишади. Бунда иш тезроқ бўлади, албатта; аммо бутунлай бошқача, сира дош бериш мумкин бўлмаган иш: саксон килограммлик бесўнақай идишни орқалаб олиб лопиллаб турган тахта устидан югуриш, юқорига чиқиш керак, кейин орқангдаги юкни эҳтиётлик билан пастга тушириш зарур, токи оёғингни эзмасин ва аниқ белгиланган жойга жойлашсин, хуллас, сменани кимнинг кетидан бошлаган бўлсанг кун бўйи шу одамнинг ортидан лўкиллаб чопмоқ шарт. Орқангдаги зилдек юкинг мана ҳозир сирғалиб кетиб сени ҳам ўзи билан олиб тушиб кетадигандай туюлади, мана, сен қулаб ҳам тушасан, лекин, барибир, бир лаҳзага ҳам тўхташинг мумкин эмас, орқангдан келаётган одамнинг қадам товушларини, ҳансираб нафас олишини эшитасан, ундан анқиётган тер ҳидини туясан, тўхтасанг, у келиб сенга урилади. Шунинг учун силланг қуриса ҳам чидайсан, тахта йўлқаларга югуриб чиқасан, вагонга югуриб кирасан, жон-жаҳдинг билан юкингни туширасан ва тажрибали, бақувват юкчилардан ортада қолмаслик учун орқангга қараб югурасан. Улар ҳеч кимга шафқат қилишмайди, сенга-ку — инчунин, сен — бегонасан.

Тушликка гудок чалинди. Саша қалашиб ётган бўёқли идишлар ёнига ўзини ташлади. Унинг кўз унгидан қизил ҳалқалар ўтабошлади, бир маромдаги ғовурдан боши тарс ёрилиб кетай дерди.

Саша гоҳ пинакка кетиб, гоҳ хушёр тортиб ўтирипти. Хушёр тортган чоқларида эса, фақат бир нарсани — яна ўрнидан туриши, эрталаб орқасидан юргани бақувват малла татарнинг кетидан яна лўкиллаши, яна орқасида юк билан лопиллаб турган тик тахта йўлқадан кўтарилиши кераклигини ўйларди. Яна тўрт соат мобайнида ишлашга қурби етмаслигини, йиқилиб тушишини, йўлка узра чўзилиб қолишини биларди.

У конторага борса, бу ерга иш ўргансин, малака оширсин деб юборишганини, саксон килограммли идишларни орқаласин дейишмаганини, цехга, ишлаб чиқаришга бронь билан жўнатишганини пеш қилса бўларди. Жин урсин барини: ошиғич ишни бажаришга ўз ихтиёри билан кўнган бўлса-ю, уни юкчиликка тиқиб қўйиб, тинкасини қуритишса. У, албатта, конторга борса бўларди... Аммо у яна бир нарсага амин эди: мана, ҳозир яна гудок янграши билан ўрнидан туради-ю, малла татарнинг орқасидан лўкиллаб бошлайди, лом-мим демай оғир юкка орқасини тутуди, уни вагонга таший бошлайди.

Ошхонадан ишчилар чиқиб кела бошлашди, демак, ҳадемай танаффус тугайди. Саша ўзини мажбурлаб керишди, туриб ўтирди, қўллари, оёқлари, бошларини қимирлатди — бутун аъзойи бадани оғирди, гавдаси бировниқига ўхшарди.

Уни қақаришди, бошини кўтарганида олдида бригадир Аверкиев билан собиқ дивизия командири — юкчи Морозов туришарди. Афтидан, тушлик вақтида ичиб олган кўринишади — Аверкиевнинг шишинқираган юзи қизариб кетипти. Морозовнинг мовий кўзлари яна ҳам мовийроқ кўринар, алланечук орзумандлик билан чарақларди.

— Ма, кавшаб ўтир, — Аверкиев Сашанинг тиззасига бир бурда нон билан бир бўлак чўчка гўшти ташлади.

— Раҳмат.

— Идишни бир текис орқала, — деди Аверкиев. — Орқангга баравар тушсин, тушундингми? Қани, орқалатинглар-чи!

У икки қўлини орқасига чалкаштирганча бироз эгилди, Морозов билан Саша буёқ солинган идишни орқалатишди. Идишнинг оғирлиги унинг орқасига бир текис тушган эди.

— Сен ҳам шунақа қил.

Аверкиев гавдасини бироз эгган эди, идиш елкасига сурилиб бориб қолди, у юкни олд томондан елкаси оша ушлаб олди.

— Юкни елкангда ташияпсан, нотўғри қиласан. Орқангда ташигин. Қани, бир ури-  
ниб кўр-чи.

Саша ўрнидан туриб, орқасини эгди. Аверкиев билан Морозов юкни унга орқала-  
тиб қўйишди.

— Нега елкангни тушириб олдинг, — қичқирди Аверкиев.

Саша елкасини кўтарди, идиш орқасининг ҳамма жойига баравар тегди, оғирлиги  
баравар тушди.

— Ана шундай ташигин. Мослашиб олиб, ташийвер.

Энди Саша ўзининг оёқда мустаҳкамроқ турганини ҳис қилди, юки аввалгидай сир-  
ғалиб тушиб кетмасди. Аммо ҳамон уни ерга қапиштириб қўйгудай зил, оёқлари майи-  
шиб кетарди. Лўкиллаб орқасига қайтаётганида гавдасини ростлаб олишнинг имкони  
йўқ эди. Сменанинг қолган ярмида қандай дош берганини унинг ўзи ҳам билмасди. Уйга  
қандай етиб боргани ҳам эсида йўқ. Етиб борди-ю, ўзини кроватга ташлади ва эрталаб-  
гача донг қотиб ухлади.

Эрталаб бўлса, Малов яна илтижо қилди:

— Яна икки кунгина биринчи бригадада ишлаб тур, кейин қайтиб ўтасан.

У бўёқ ташишда икки ҳафта ишлади, юкчиликнинг ҳадисини олиб олди; татарлар  
унга ўрганиб қолишди, у татарларга ўрганиб қолди, ҳатто солиқ масаласида қишлоқ со-  
ветига уларнинг номларидан ариза ёзиб берди.

Аввалги бригадасига ҳам қайтмади, уни гаражга юк машинасига юк ортишга юбо-  
ришди.

— Шофёрликни ўрганасан, — деди Малов. Унинг гапидан мақсадини англаб бўл-  
масди — у Сашани хурсанд қилмоқчими ё?..

Саша гаражда ишлаб юриб, шофёрликни ўрганиб олди ва машина ҳайдай бошлади.  
Аммо ҳозир заводга яқинлашиб келар экан, негадир фақат юкчи бўлиб ишлаганини эсла-  
ди. Бу унинг заводда ўтган умрининг биринчи ва энг эсда қолган ойлари бўлган эди.

Заводда у кимни учратаркин? Ҳар қалай, эски йигитлардан ҳеч қайсини учратмаса  
керак. Балки учратар, ҳали унча кўп вақт ҳам ўтгани йўқ, атиги тўрт йил бўлди.

Заводга кириладиган аввалги ёғоч дарвозахонани бузиб ташлашпти, бошқа жойга  
ғиштдан катта қилиб янгисини қуришпти. Пишиқ, кенг. Завод бошқармасининг янги би-  
носи майдон томонга қараган. Баланд ғишт деворлар ортида янги иморатлар қад кўтар-  
ган. Майдонни асфальт қилишпти, бу ерда магазинлар, дўкончалар, павильонлар пайдо  
бўлипти. Завод ишлашда, ўсишда давом этмоқда, секин-аста саранжомини топмоқда  
эди. Бу чинакам ҳаёт эди. Мамлакат шундай ҳаёт кечирмоқда ва келажакда ҳам ҳеч нар-  
сага қарамай, шундай ҳаёт кечирмоғи керак.

Партия ташкилотининг секретари Малов экан. Буни қаранг — Саша буни сира кут-  
маган эди. Аввалгидай полвонга ўхшайди, фақат бошининг ўртаси очилиброқ қолган, юк  
ҳовлисида юкчиларга бошчилик қилиб юрган пайтларидагидек икки бети қип-қизил  
эмас, озиб кетипти, ҳориган кўринади, ранги заъфарон. Каттакон ёзув столининг ортида  
ҳам у бир вақтлар дераза тоқчасида ўтиргандай стулнинг бир чеккасида, ёнламасига ўти-  
рар ва ишчилар олиб келган қоғозларга имзо чекиб берарди. У Сашани дарров таниди.  
Гўё орадан тўрт йил ҳам ўтмагандек, Саша ҳамон заводда ишлаётгандек сўради:

— Э, Панкратов... Нима гап?

Саша нима иш билан келганини айтди.

— Майли, — деди Малов, — мен бюрога бораман, айтаман...

Бу ҳам ўзини олиб қочяпти, характеристика бергиси келмаяпти.

— Зайцева ёзма характеристика олиб келишни тайинлаган эди.

— Унга қоғоз керак-да, — деди Малов энсаси қотиб, — майли, ёзиб бераман. Қаер-  
да ишлаганингни, қандай топшириқларни бажарганингни бир эслатиб юбор.

Саша бажарган ишларини айтди, Малов ёзиб олди, кейин кўзларини кўтариб, мазах  
оҳангида сўради:

— Ниҳоят, ишқал чиқдимми?

— Нега «ниҳоят»?

— Шунақароқ эди-да. Майли. Бирор соат айланиб кел, характеристикани ёзиб қўя-  
ман.

— Мен заводга кириб чиқсам дегандим. Йигитларни кўрсам...

Заводнинг марказий қисми аввалгисидай, янги корпуслар бир четда қурилаётган  
экан. Биринчи, иккинчи, учинчи цехлар, механика цехи, қозонхона, ана гараж... Дирек-  
торнинг қора «форд»ини ремонт қилишяпти. Дастгоҳ ёнида Сергей Васильевич — ди-  
ректорнинг шофёри. У ҳам Сашани таниди.

— Заводга қайтдингми?

— Иш билан келдим.

Сергей Васильевичнинг устида қора чарм костюм, бошида мўйна телпак, оёғида  
калошлик кигиз этик; димоғдор, ҳеч кимни писанд қилмайди, инқилобдан олдинги шо-  
фёрлардан, ҳар ҳолда директорнинг қахрамонларидан.

Таажжуб, кўп нарсалар унут бўлиб кетган экан, уларни, у ҳозиргина бу ерга келиб,  
цехларни, йўлларни янгидан кўриб, заводнинг ўзига хос овозини эшитиб, эслади. У пайт-

ларда ҳамма нарса жўн ва осон эди — ишла, маошингни ол, комсомол топшириғини ба-  
жар. Бу ерда бирор одамнинг устидан сиёсий иш қўзғашганини у эслолмайди. Маҳсулот  
беришади, заводни кенгайтиришади. Эҳтимол, ҳамма нарса ўзгариб кетгандир? Қизиқ,  
Малов унга характеристикани нима деб бераркин?

Характеристикани Малов бундай деб берди: «Берилди ушбу Панкратов А. П. га шул  
ҳақдаким, у 1928 йилдан 1930 йилнинг охиригача заводда юкчи, кейин шофёр бўлиб  
ишлаган. Жамоатчилик ишларида, транспорт цехида ВЛКСМ ячейкасининг котиби сифа-  
тида иштирок этди. Жазога тортилмаган».

— Бюрога борганимда, керак гапларни яна айтаман, — деб ваъда қилди Малов.

7

Заводдан қайтганида Саша почта қутисининг тешигида кўк конвертни кўрди. Хат  
отасидан эди, унинг ёзуви. Бу мактублар ҳеч қачон ўзи билан қувонч олиб келган эмас.  
Отаси технологик кўрсаткичларни жўнатиб юборишни сўрапти. «Китоб жовонининг  
пастки тоқчасида турган бўлиши керак, сен, албатта, унинг қаердалигини биласан. Мен  
сенга мурожаат этишга журъат қилолмасдим-у, аммо бошқа кимдан ҳам илтимос қила-  
ман? Битта китобни деб Москвага бориш эса... Мени келади деб ҳеч кимнинг кўзи учиб  
тургани йўқ».

Бу — отасининг овози эди. У ҳамма вақт шунақа гаплашарди. Онаси «тушлик қила-  
санми?» деб сўраса, у «тушлик қилмасам ҳам бўлаверади» деб жавоб берарди. «Маж-  
лисга кетаясанми?» деб сўрашса, «Йўқ, ўйнагани кетаяпман» деб тўнғилларди. Унинг қу-  
лоғи оғирроқ эди, кўп гапни чала эшитарди, нима бўлса, менинг тўғримда гапиришяпти  
деб ўйларди, жанжал қиларди. Эрталаб битта олма тегмай қолса ёки ётар олдидан бир  
стакан қатиқ берилмаса ҳам ишқал чиқарарди. Йўлақда унинг қадам товуши эшитилиши  
биланоқ онаси кўрқувдан дағ-дағ қалтирашга тушарди. У ишдан қайтар экан, ҳеч нарса-  
дан ҳеч нарса йўқ уйдагилардан, хотинидан, ўғлидан ранжир, уларга таъна тошларини  
ёғдирав, койирди.

Онаси тик айтишгани билан барибир уни рашк қилиб турарди. Уша кезларда уйда  
рўй берадиган гаплардан — бақириб-чақиритилару эшикларни тарақ-туруқ ёпишлардан,  
онасининг зардаси-ю, йиғи-сиғисидан Сашанинг юраги зардобга тўлиб кетган эди.

Отаси олти йилдан бери улар билан бирга турмайди. Онаси эса, ҳамон аввалгидай  
ундан кўрқади, ҳатто унинг соясидан чўчийди. Мана, ҳозир ҳам хатни кўриши биланоқ  
унинг юзида ташвиш ва кўрқув ифодаси намоён бўлди:

— Отангданми?

— Китобларни жўнатишимни сўрапти.

Уша ҳуркак чехра билан Софья Александровна хатни қўлига олди ва уни ўқиб чиқ-  
магунча юзидаги кўрқув ифодаси тарқамади. Сашанинг кўрқишининг боиси: онаси ўғли-  
нинг бошига тушган ташвишлардан воқиф бўлиб қолса, холи нима кечади? Шунинг учун  
у ўзини сипо тутиб, ҳеч бир гапни онасига билдирмасликка ҳаракат қилди. Гўё институт-  
га кетаётгандай бўлиб уйдан чиқарди, Киев вокзалида юкчилик қилиб топган пулини сти-  
пендиям деб олиб келарди. Жуда ҳам иложсиз қолган кезларида Нина Иванованинг ол-  
дига йўл оларди.

Нина унга уйининг калитини бериб қўйганди. Саша эрталаблар уникага бориб китоб  
ўқир, ёҳуд дарсларини тайёрларди. Кейин Нинанинг синглиси Варя мактабдан келарди.  
Унинг устида қора пальто, оёғида ихчамгина туфли, рўмолини йўлдаёқ ечиб олган, текис  
қоп-қора сочи ёқасигача тушиб турарди. У кроватга ўтирарди-да, оёғини бир-бирига  
чалиштириб олганича бўлиқ лабларини чўччайтириб, пешонасидаги бир тутам сочига  
пуфларди ва Сашанинг кўзларига шунақа нигоҳ билан тикилардики, бунақа нигоҳ билан  
одатда чиройли қизлар йигитларнинг юрагига ўт солишади.

Сири кўчган клёнка ёпилган стол хонани иккига бўлиб турарди: унинг ярми Нина-  
ники эди — стол устида унинг китоб-дафтарлари сочилиб ётипти, уйда киядиган ямоқ  
тушган бошмоғи кроватнинг тагида. Уйнинг иккинчи ярми Варяники. Ёстиқ устида ранг-  
дор рўмоли, дераза тоқчасида патефон ва бронза ҳайкалча — полвоннинг узатилган  
мукулдор қўлига лампочка ўрнатилган.

— Нима учун сени институтдан ҳайдашди?

— Тиклашади.

— Менга қолса, уларнинг ҳаммасини ҳайдар эдим. Бизнинг мактабда ҳам бунақа  
аблаҳлар бор — бутун финк-ўйлари нима қилиб бўлса-да, бирор одамни чоғга тиқиш.  
Кеча бизда синф иши бўлган эди. Лякин «Иванова шпаргалкасини тиззасига қўйиб олипти»  
дейди-я. Оёғимни партадан чиқариб чўздим-да, «Қани шпаргалка?» дедим.

У синфда қанақа қилганини кўрсатмоқчи бўлиб, оёқларини чўзди.

— Математигимиз Кузя бўлса помидордек қизариб кетиб, бас қилинг, Иванова деб  
кичқирди. Мен нима қилибман. Қилғиликни қилган Лякин-ку! Утган йили ҳам безорилик  
қиларди, қизларнинг портфелини олиб қўярди, бу йил энди учкомга аъзо бўлиб олипти.  
Ўзи кўчирмачи-ю, бошқаларни чақади. Шунақаларни кўргани кўзим йўқ-да.

— Шпаргалкани қанақа қиласан?

— Жуда осон, — деди Варя ип пайпоқ таранг турган тиззасини шапатилаб, — сафсар қалам билан ёзаман-да, ҳамариб кўяман.

— Шпаргалкасиёз ёзолмайсанми?

— Ёзаман-у, истамайман.

Варя унга «нима демоқчисан» дегандай тик қараб турарди. Оббо, шум-эй яна тиззаларининг очиклигига ўласизми. Сашанинг кулгиси қистади, лекин жиддий бўлишга ҳаракат қилди, чунки Варянинг опасига ташвиш орттираётганидан хабардор эди.

Қизлар отасиз ўсишган, кейин оналари ҳам қазо қилганди. Сашанинг эсида — бир бюро мажлисида Нинага сингисини тарбиялашда қандай ёрдам бериш масаласи муҳокама қилинганди. Ушанда қизларга пенсия ундириб беришган, Нинани маошлик вожатий қилиб тайинлашганди. Кейин мактабни тугатишиб, ҳар томонга тарқаб кетишди. Шундан кейин Саша Варяни йўлакда ўзига ўхшаш ўсмирлар даврасида кўргандагина эслади.

— Сен комсомолмасан?

— Нима эди?

— Йўлақларда юришинг яхшими?

— Менга ёқади.

— Уйга келмай қолармишсан?

— Ҳа-ҳа... Бир марта дугонамникида, чорбоқда тунаб қолгандим. Кечаси станцияга боришга кўрқдим. Нинанинг ўзи ҳам кечаси юрмас эди. Унинг мендан бадтар юраги йўқ, юз чандон кўрқоқроқ. Узининг Максига тезроқ тегиб олса бўларди. Ҳеч нарсанинг уддасидан чиқмайди. Лекин, Максга ҳеч нарсанинг ҳожати ҳам йўқ. Ошхонага қатнаб овқатланишаверади.

— Бунақа маслаҳатлар бергани ёшлик қилмайсанми?

— Бўлмаса, менинг ишларимга аралашмасин. Бақиргани бақирган.

— Ким бўлмоқчисан ўзинг?

Жавоб бериш ўринга у болаларники сингари баланд овозда кўшиқ айтиб юборди.

Даҳлизда кўнғироқ овози янгради.

— Нина келди, — деди Варя ўтирган жойидан қимирламай. — Яна калит эсидан чиқипти.

— Нина эканини қаёқдан биласан?

— Уйимиздаги ҳар бир одам кўнғироқни қанақа жиринглатишини биламан.

Нина кириб келди. Варянинг кроватда ялпайиб ўтиргани унга ҳаёсизликдай туюлди, тиззалари очиклигидан энсаси қотди. Шу билан бошланди.

— Хаёлида фақат йигитлар, тирноқ бўяш, лабига сабзиранг ёғ суриш. Фарқига боради... Соатлаб кўзгунинг олдидан кетмайди. Пичоқ билан киприкларини бурайди.

— Пичоқ билан? — ҳайрон бўлди Саша.

— Ёки сира телефондан бўшамайди. Жаврагани-жавраган... крепжоржет, чий духоба, қизил маркизет, кўк шойи... Мен битта кофтани беш йил кийгандим. Ҳар куни ювардим. Ҳозиргача ҳам уни қанақа матодан тикилганини билмайман. Сингилчам бўлса, уч кун магазинма-магазин югуриб, кўйлагига боп тугма қидирди. Калошни тан олмайдилар, кигиз этикни ёмон кўрадилар. Яшириб туфлимни кийиб кетиб танчада қийшайтириб келибди, билдирмай ваннахонага ташлаб қўйипти. Бугун туфлимни илиб кетса, эртага сўрамай пулга тегса... Менда пул деганнинг ўзи йўқ, демак, ўғирлик қилиши керак бўлади.

— Ваҳима қилма, — деди Саша. — Ўзингни ҳам кўрқитма, уни ҳам кўрқитма.

Аммо Варя пинагини бузмади. Елғондакам эснади, ўзини диққинафас бўлган бир алфозга солди — бу гапларнинг ҳаммасини эшитган, юз марталаб эшитган.

— Мен унинг шафқатсизлигидан лол қоламан. Максимнинг устидан кулади. Бу унинг иши эмас-ку, ахир. Бу — пасткашлик. Одобсизлик.

— Максимнинг қиёфаси унчалик эмас, — деди Саша сих ҳам, кабоб ҳам куймайди-ган қилиб.

Нинанинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

— Максга ихлосим баланд. Жуда ажойиб, тоза йигит. Аммо нимани ўйлайман? Мен ҳали бу кишини оёққа турғазишим керак.

— Марҳамат қилиб, ҳамма нарсани менга тўнкама, — деди Варя.

— Бу кишимга деворий газета чиқаришни топширишпти, — сўзида давом этди Нина. — Ҳэ йўқ, бэ йўқ қўшни синфга кириптилар-да, у ердаги деворий газетани сўзма-сўз кўчириб олиптилар. Ҳатто фамилияларни ўзгартиришга ҳам эриниптилар. Бу аҳволда нима бўлади? Келажаги қанақа бўлади?

Варя оёғи билан тимирскиланиб, туфлисини кийди-да, турди.

Саша райкомга хотиржам кайфиятда борди. Ҳамма нарсани сира чўчимай ҳал қиладиган идора бу. Мажлисни биринчи котиб Столпер олиб боради.

Саша чақаришларини кутиб, йўлакда анча ўтирди. Эшик ортидан овозлар, узук-юлуқ нутқлар эшитилиб қоларди, аммо аллақандай кескин баланд овоз ҳамманинг гапини бўлиб, узиб қўйиб, тўхтатиб турарди. Кўрқиб кетган одамлар кабинетдан югуриб чиқиб, шоша-пиша жавонларга ташланишар, ҳар хил папкаларни титкилай бошлашарди. Уларнинг орқасидан кимнингдир серзарда овози янграрди. Столпернинг бу мансабдор-

ларни зир югуртираётгани Сашага маъқул бўлганди. Ҳали у Баулинни ҳам, Сашанинг пешонасига «душман» деб тамға ёпиштирган бошқа одамларни ҳам зир югуртиради.

Эшик қия очилди.

— Панкратов.

Хонада одам кўп эди. Девор бўйлаб тақаб кўйилган стулларда ҳам, устига кўк мовут ёпилган узун стол теварагида ҳам одамлар ўтиришипти. Столпер озғин, кўзлари ҳорғин одам экан. Унинг нигоҳи қаттиқ эди. У Сашага хўмрайиб қаради, Зайцевага имо қилди.

— Ахборот беринг. Қисқароқ.

Зайцева бадастир ўқувчи қизларникига ўхшаган овозда ишнинг тафсилотларини маълум қилди. У эпиграммаларни ўқиётганда кимдир кулди: чамаси жуда бемаъни кўринди. Кейин Зайцева бу фактларни асосий фактлар билан алоқада олиш керак деди.

Ана шунда Саша биринчи марта Криворучко оппозициянинг собиқ иштирокчиси эканини эшитди, лекин қайси оппозиция эканини аниқ фаҳмлаёлмади. Зайцева партиянинг Ўн биринчи съездини тилга олди, «ишчи оппозицияси»ни айтди, кейин партия Марказий Комитетига юборилган коллектив мактубни гапирди. Бу хатга Криворучко ҳам имзо чеккан экан. Аммо Зайцева мактубнинг ўзи қанақа мактуб эканини айтгани йўқ. Кейин у Криворучко алоқаларини узмагани учун ўз вақтида партиядан ўчирилганини маълум қилди. Зайцева булар қанақа алоқалар эканини, ким билан, қачон бўлганини гапириб ўтирмади, фақат илова қилиб, унинг партиёга тикланганини, бироқ ҳайфсан эълон қилинганини айтди. Кейин, темир йўлчилар сафи ижтимоий ёт ва синфий душман унсурлар билан булганиб кетгани учун у яна бир марта ҳайфсан олган экан. Улар қанақа темир йўлчилар эканини, Криворучко уларнинг орасида қанақа мавқеда бўлганини ҳам Зайцева айтмади. Эндиликда яна партиядан ўчирилибди, бу гал қурилишни барбод қилгани учун. Гарчи Криворучконинг шахсий ишида партиядан ўчирилишлари ва ҳайфсанлари рўйхати бўлса-да, Зайцева шундай гапирмоқда эдики, гўё шахсан Зайцеванинг ўзи унинг сирини фош этмоқда деб ўйлаш мумкин эди. Гўё шу пайтгача Зайцева дарсликлардангина ўқиб билгани жиноятларда иштирок этган одамни топишга муваффақ бўлгану бундан ўзи ҳам ҳайрон-у лол эди.

Зайцевани тинглар экан, Саша Криворучконинг иши унчалик осон иш эмаслигини фаҳмлаб турарди. Утмишдаги ишлари Криворучкони тоғдай эзиб турипти. Саша фақат бир нарсанинг тагига етолмай хуноб — буларнинг барига шахсан унинг нима алоқаси бор?

Столпер Сашанинг ишини кўлига олиб, варақлай бошлади. Ҳамма сукутга чўмди. Фақат зарда билан варақланаётган саҳифа шитир-шитиригина эшитиларди.

— Нималар бўляпти сенда, Баулин?

Баулин туриб, кескин гапирди.

— Криворучкони биз партиядан ўчирдик!

— Ётоқни битирмапти-да, — деб гапни илиб кетди Столпер, — ётоқни кўрибсизлар-у, манави ишини — у кафти билан папкани уриб кўрсатди — кўрмабсизлар-да! Улар аксилпартиявий варақа чиқарганларидан кейин эсинлар жойига келипти-да...

— Бизнинг ихтиёримизда Панкратовнинг Криворучко билан алоқасини кўрсатувчи материал йўқ.

— Унинг ихтиёрида материал йўқ эмиш, — Столпер лабларини буриштирди. — Панкратов илмда марксизмга қарши чиқади-ю, шундан кейин ҳам унга деворий газетанинг байрам сонини чиқаришни ишониб кўйишди. У бўлса, газетани аксилпартиявий варақага айлантиради. Панкратов Криворучкони ҳимоя қилади, декан бўлса... фамилияси нима эди?

— Янсон, — деб бир зумда жавоб берди Зайцева, ишни жуда пухта билиб олганини намойиш этиб.

— Янсон Панкратовни ҳимоя қилади... Ахир, бу тўда-ку! Қани бу тўдага берилган сиёсий баҳо? Қани, тушунтириб берингчи, нега энди айна Панкратов Криворучкони ҳимоя қилади?

— Бунинг учун Панкратовни ҳам ҳайдадик, — жавоб берди Баулин.

— Йўқ, бунинг учун эмас, — қичқирди Столпер. — У ниқобини олиб ташлаб, ошкора чиқиш қилганидан кейингина уни ҳайдагансизлар. Унинг Криворучкони ҳимоя қилгани сизни сергаклантирмадимиз? Бюро аъзолари қатъий қарор қабул қилишни талаб этишган, сиз бўлсангиз, ўртоқ Баулин, буни истамагансиз. Ўртоқ Лозгачев таклиф қилган. Сиз эса, ўртоқ Баулин, ишни бир чеккага қўйиб қўйиб, Панкратовга аксилпартиявий варақа чиқаришга имкон яратиб бергансиз. Сизнинг тумшуфингиз остида Криворучко студентларни йўлдан уриш билан шуғулланган. Еки сиз ўйлайсизки, Панкратов газетани ўз-ўзича чиқарган, унинг илмда марксизмга қарши чиқиши ҳам ўз-ўзича бўлган? Унинг орқасида кимлар бор? Буни аниқлашни истамайсиз. Кимдан кўрқасиз?

— Биз ҳеч кимдан кўрқмаймиз, — деб кўпол жавоб берди Баулин. У Столпернинг ўзини назарда тутмоқда эди. Столпер ҳам буни фаҳмлади. У Баулинга тикилиб қараб турди-да, кутилмаганда хотиржам оҳангда деди:

— Институтдаги аҳволни ўрганиб чиқишга тўғри келади.

— Марҳамат, — деди Баулин.

— «Марҳамат»ингиз нимаси?! — яна жунбушга келди Столпер. — Биз бу масалада сиздан ижозат сўрамаймиз, ўртоқ Баулин. Нима учун Янсон ишининг тафтишига келмади?

— Бетоб.

— Бетоб?.. Институт директори қаерда?

Баулин елкасини қисди.

— Келгани йўқ.

— Бу қанақа ташкилот бўлди, — деди истеҳзо билан Столпер. — Сизни лақилла-тишаётгани бежиз эмас экан-да... Бунинг устига ўртоқ Маловнинг ҳам кўнгилчанлиги жўшиб қолипти — орқа-олдига қарамай, мақтовли характеристикалар тарқатиб ётипти. Панкратовга характеристика нима учун керак бўлиб қолганидан хабаринг бормиди, Малов?

Малов ўтирган жойидан турди. У бўйдор, чорпахил, бироз елкаси букчайганроқ бўлса-да, полвон келбатли эди. У девор ёнида, Сашанинг шундоққина ёнида ўтирган экан, аммо йигит уни эндиgina кўрди.

— Бор эди.

— У нима учун ҳайдалганини сенга айтиб берганмиди?

— Айтувди.

— Бу ерда гапиргандай қилиб, айтиб берганмиди?

— Худди шундоқ айтганди.

— Ўшандан кейин ҳам характеристикани беравердингми?

— Шундан кейин ҳам беравердим.

— Буни қандай тушуниш керак, ўртоқ Малов?

— Тўрт йил олдин нима бўлган бўлса, мен шуни ёзиб бердим.

— Эҳтимол, у ўша вақтларда ҳам партияни алдаб юргандир?

— У ўша пайтда партияни алдаган эмас, орқасида бўёқ тўла бўчка ташиган.

— Қанақа бўёқ?

— Қанақа бўларди, — Малов столга ишора қилди, — сизнинг манави мовутингиз бўяладиган бўёқ-да...

— «Сизнинг» деганингиз нимаси? — тутоқди Столпер.

— Сизнинг стилингиз устидаги мовутни айтяпман-да.

— Хўш, нима бўпти? Иннайкейин-чи?

— Бу йигит комсомол аззоси эди, ишлаган, завод қурган. Нима деб ёзиб беришим керак эди? Бор гапни ёзиб бердим.

— У гаплар қолиб кетган. Ҳозир бошқача гаплар бўляпти, — деди Столпер муроса-сизлик билан оталарча писанда қилиб. — Агар Панкратов фақат сенга мурожаат қилгани-да бошқа гап эди. Ҳолбуки, бу киши наркомма-нарком югуриб қолганлар, қариндош-уруғларига орқа қиялтилар. Бу — бошқа масала? Сен мана шуни ҳисобга олмагансан, ўртоқ Малов.

— Олмаган бўлсам, олмагандирман, — ўжарлик билан эътироз билдирди Малов, — лекин, мен бу йигитни фақат ишда кўрганман. Шунинг учун унинг партиянинг душмани эканига ишонишим қийин.

— Ундан зўрроқлари ҳам партиянинг душманига айланишган, — деди Столпер. — Қани, Панкратовни эшитайлик-чи.

Саша ўрнидан турди. Уни ўчиришади, бу — аниқ. Бу ерда гапирилган гапларнинг ҳаммаси бемаъни гап, аммо ишни кавлаштиришгани сари бири биридан бемаъни айблар чиқиб келяпти. Саша бу даҳшатли ҳалқадан қандай қилиб қутулиш йўлини билмай қолди. Узининг тўғрилигига уларни ишонтиролмади. Бемаъни эпиграммалар, Азизян билан бўлган можаро, Криворучко — буларнинг бари факт. Қандайдир бўйин бермайдиган куч амал қиялти. Шундоқ бўлса ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилмоғи керак.

### Охири келгуси сонда



Черкез-Али

## ДЎСТЛИК БЕРДИ БИЗГА УМИД

Инсон

Инсон келар,  
Бу дунёга,  
Гоҳ бузиб, гоҳ яратар.  
Утган йўллар,  
Утган йиллар  
Охир уни қаритар.

Ажин инар  
Юзларига,  
Соч-соқоли қордай оқ.  
Ғубор қўнар  
Кўзларига,  
Тиззалари қалтироқ.

Қомати — дол,  
Қўл — бемажол,  
Қаригани билинар.  
Журъатлари,  
Шиддатлари  
Қўлдан кўчар тилига.

Севиб яшар,  
Кексаликни  
Келтирмас ҳеч ўйига.  
Борса-да у  
Яқинлашиб  
«Абадийлик» уйига.

Яхшиликлар  
Қилди у кўп,  
Ёмонликка кўнмади.  
Ватан деган,  
Ҳаёт деган  
Муҳаббатдан дўнмади.

Инсон келар,  
Инсон кетар,  
Бизни ўйга толдириб.  
У кексаёар,  
Ёшлигини  
Сизу бизга қолдириб.

### Сен бўлмасанг...

Улуғ Ватан урушида бева  
қолган аёл туркуси.

Кўзим очиб олис ерда,  
Сени кўрдим илк баҳорда,  
Бошимга тушди зўр дард-а,  
Мени кимлар кузатажак?

Бир гулдек очилиб сўлдим,  
Бир куш каби учдим, кўндим,

Ҳасратингдан дардга тўлдим,  
Мени кимлар кузатажак?

Ул кўзларинг кўк тутунда,  
Ўт олди кўксим ичинда,  
Сен бўлмасанг, қўл устинда  
Мени кимлар кузатажак?



Дардимни айтдим елларга,  
Кўз тикмадим ёт элларга,  
Сўнгги кунда совуқ ерга  
Мени кимлар кузатажак?

Ҳижрон ўт солди жонимга,  
Қайтиб келмадинг ёнимга,

Сенсиз сўнгги маконимга  
Мени кимлар кузатажак?

Тоқат қилдим, сабр этдим,  
Ўттиз беш йил қонлар ютдим,  
Сен келмадинг, ажал етди,  
Дўстлар мени кузатажак...

## Қовушамиз

Тонгда кетсам, оқшомгача  
Ҳузурингга қайтар эдим.  
Кўз юммасдан, тонг отгунча  
Шаън қўшиқлар айтар эдим.

Энди олис тушди йўлим,  
Сени кўрмоқ бўлмас насиб.  
Суратингга боқурман мен  
Кўкрагимга босиб-босиб.

Кўп соғиндим. Сени бир бор  
Кўрмоққа хўп шошибман мен.  
Не қилайин, жоним, айтгин,  
Кўпдан сенга ошиқман мен.

Ўртамизда бир баҳор бор,  
Фақат жиндай сабр керак.  
Қовушармиз биз, илло, ёр,  
Содиқ бўлса икки юрак.


Қрим татарчадан Усмон ҚУЧҚОРОВ  
таржималари.

## Сарин еллар

Еллар эсар, еллар эсар,  
Юксак-юксак тоғ тиғидан.  
Гоҳ оҳиста, гоҳ кучаяр  
Шиддатидан, аччиғидан.  
Бизнинг қайноқ ушбу онга  
Сарин еллар хўб керак-да!  
Айланмасин у бўронга,  
Бизнинг ҳур ва тинч юракда.  
Ўтиб кетар эсган еллар,  
Ёмғир шаррос қуяр кейин.  
Қониб ичар ташна ерлар,  
Қут-барака бўлар тайин.  
Тинч ҳаётга муштоқ инсон,  
Тинч ҳаётга қанот даркор.  
Тинч бўлмаса умринг, инон,  
Бундан ортиқ қандай ғам бор!  
Эссин еллар, еллар эссин,  
Қувонайлик чиқиб пешвоз.  
Гул-майсалар қайта унсин,  
Турғунликдан уйғонмоқ соз!  
Не бўронлар қилди беҳол,  
Не офатлар ўтди бошдан.  
Биз хўранга<sup>1</sup> тушар маҳал  
Жудо бўлдик қаламқошдан.  
Чидай олмай ҳаттоки тош  
Чил-чил синди офатлардан.  
Аямасдан биз тикдик бош,  
Қутилмоқ-чун фасодлардан.

Изғиринлар синар дамда  
Аямадик умрни ҳеч.  
Ҳар дақиқа, ҳар қадамда  
Қалбимизда бўлди Ильич.  
Кўзимизни очди меҳнат,  
Йиқилсак-да қалқиб турдик.  
Дўстлик берди бизга мадад,  
Бир кишидай ҳаёт қурдик.  
Қувончлидир қийин дамда  
Ҳис қилолсанг дўстлар қўлин.  
Гар адашган бир одамга  
Кўрсатолсанг мақсад йўлин.  
Чалғимадик, йўлимиз — тик,  
Гарчи бошда турфа ишқал.  
Зўрликларга бош эгмадик,  
Ленин бўлди йўлда машъал...  
Эсинг еллар, эсингиз шан,  
Қалбимизни покизаланг.  
Алангадан ловуллар тан,  
Биздан ҳолу аҳвол сўранг.  
Эсинг еллар завқла-шавқла,  
Кўнгилларни баҳор айлаб.  
Артиб ўтинг меҳнат аҳлин  
Манглай терин сиз авайлаб.  
Офатларга, фасодларга  
Кўнмай эсинг, сарин еллар.  
Юраги тош, қўрс зотларга  
Боплаб дакки беринг, еллар!

1. Рақс тури. (Қримтатарча)



Мирзаали Муҳаммаджонов

## СУВ ОМБОРЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Кейинги 25-30 йил мобайнида бутун Урта Осиё регионидида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ер, сув ва бошқа табиат бойликларидан фойдаланишда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўз навбатида бу ўзгаришлар республиканинг экологик-иқтисодий системасини пурдан кетказди. Жумладан, сув танқислиги юзага келди, дарё ва каналларда оқаётган сувлар ва шаҳарлар ҳавосининг sanoat чиқиндилари билан булғаниши кучайди. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпайди, қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги ва тупроқнинг ҳосилдорлиги пасайди. Булардан кўриладиган иқтисодий зарар миллиард сўмларни ташкил этади, социал ва маънавий зарарни эса ўлчаб бўлмайд.

Бугунги кунда Орол денгизи ҳалокати бутун мамлакатнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Жамоатчилик бу фожианинг олдини олиш бўйича турлича фикр-мулоҳазалар билдираяпти.

Оролга «чоғ» қазिश эса бундан 45-50 йил аввал бошланганди. Маълумки, урушгача ва урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг ташаббуси билан ирригация қурилишлари бўйича умумхалқ ҳаракати кенг авж олдирилди. Тан олиш керак, бу ҳаракат далаларимизнинг сув билан таъминлишини анча яхшилади. Бунда ирригаторларимиз ва мелиораторларимиз ҳам яхши хизмат қилдилар.

1960—1985 йилларда республикада дарёлар оқимини тартибга солиш бўйича улкан ишлар кенг кулоч ёйдириб юборилди. Натижада ўтган даврда республика аҳамиятидаги 51 та ва республикалараро аҳамиятдаги 5 та сув омбори қурилди, буларга тўпланадиган сув ҳажми 55,5 миллиард кубометрни ташкил этади. Бизнингча мана шу иш катта хатолик бўлди. Бу сув омборлари у қадар зарур эмасди, қуришнинг ҳожати йўқ эди. Уларни қуришда чуқур илмий, комплекс ёндашув бўлмади, олимлар ва мутахассисларнинг фикри, табиий шароитларнинг сўзсиз бузилиши мумкинлиги мутлақо ҳисобга олинмади. Умуман бу ишнинг ижобий ва салбий томонлари, олис келажакдаги оқибатлари ҳар томонлама тарозига солиб кўрилмади. Энгельс ўз даврида табиат устидан қозонилган ғалабага маҳлиё бўлмаслик кераклиги, бундай ғалаба учун у ўч олиши ҳақида огоҳлантирганди. Бизда худди шундай бўлди. Айнан шу нарса региондаги экологик, иқтисодий ва социал вазиятни кескинлаштириб юборди.

Албатта, менинг бу фикрим бир қатор гидротехниклар ва мелиораторларга ёқмаслиги мумкин. Буни мен табиий ҳодиса деб биламан, чунки ўнлаб, юзлаб миллиард сўмлаб халқ маблағлари совуриб бўлинди, эндиликда бунинг учун кимлардир жавоб бериши керак. Бунинг устига бир қатор сув хўжалиги объектлари қурилиши давом этказилмоқда.

Кўпгина сув омборлари қурилишига ўз муносабатимни равшанлаштириш учун қуйидагиларни қайд қиламан:

Биринчидан, сув омборлари қурилиши муносабати билан юзлаб қишлоқлар ва посёлкалар, ўн минглаб гектар ҳосилдор ерлар сув остида қолиб, улардан маҳрум бўлди. Ҳар йили регионимиздаги барча сув омборлари юзасидан 5 миллиард кубометр сув буғланади. Бу сув Оролга оқизилса, уни анча тўлдирган бўларди.

Энг ташвишланарлиси шунданки, сув омборлари ва улардан далаларга оқадиган совуқ, тип-тиниқ сув иқлим шароитини салбий томонга ўзгартирди, тупроқ эрозиясини кучайтирди. Фойдали мавжудотларни ҳалок қилди, минглаб гектарлаб серҳосил ерларни ориқлатиб юборди.

Ўзида 1,9 миллиард кубометр сув тўплайдиган «Анджон» сув омбори аτροφ-муҳитга қандай салбий таъсир кўрсатаётганлигини бир кўрайлик. Қўрғонтепа районидидаги «Савай» совхозининг сув омборидан 20 километр олисда жойлашган метеорология пунктида самарали ҳарорат йиғиндиси сув омбори янги ишга тушган 1977 йилга нисбатан 1987 йилда 402 даражага пасайди, об-ҳаво энг қулай келган 1988 йилда эса 204 даражага камайди. Бу демак, сув омборига туташ бўлган Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Хўжаобод ва Марҳамат районларида пахтанинг ўсиши мумкин бўлган даври 20-35 кунга қисқарди. Андижон шаҳри аэропорти районидидаги метеостанция маълумотларига қараганда, облатнинг бироз олис бўлган олти районидида самарали ҳарорат йиғиндиси 181 даражага пасайди.

Барча сув омборларида бўлганидек, Андижон сув омборининг тагидан оқизилётган сувнинг ҳарорати ёўза ўсадиган даврда сув омбори қурилгунга қадар Қорадарёдан оққан сувнинг ҳароратидан 5,5 даража кам бўлди.

Экинларни совуқ сув билан суғоришнинг салбий оқибатларини биз тадқиқотлар ўтказиб кузатдик. Ёўза ўтказилган бир неча тувакни оддий шароитда қолдиришди, иккинчи гуруҳини

тагидан муздек сув оқиб турган чуқурчага қўйишди. Натижаси шундай бўлдики, парвариши тенг бўлашига қарамай, тагидан совуқ сув оқизилган туваклардаги ғўзалар оддий шароитда ўсган ғўзаларга нисбатан 20 кун кеч етилди, ҳосили эса 30-40 фоиз кам бўлди.

«Андижон» сув омбори таъсири сезилаётган районларда ғўзанинг совуқ сув билан суғорилиши тупроқдаги фойдали жонзотлар ва микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Уларнинг катта қисми буткул ҳалок бўлди, қолганларининг фаоллиги кескин сусайди.

Энг ташвишланарлиси шундаки, дарё суви олиб келадиган катта миқдордаги лойқа сув омбори тагида чўқади, далага асосан ойнадай тип-тиниқ сув оқади. Матълумки, дарёлар минглаб ирмоқлардан ҳосил бўлади ва далаларга ҳамда суғориш тармоқларида сув билан бирга гектарига 25-30 тоннагача лойқа ҳам олиб келади. Аиниқса Амударё суви бўтана бўлиб оқади, бу сувда ўсимлик учун зарур бўлган барча фойдали бирикмалар мавжуд.

Бу ҳақда буюк тупроқшунос В. В. Докучаев ўтган асрда шундай деган эди: «...Амударё сувлари далаларга гектарига минглаб пуд сариқ тупроқ, шу жумладан, тўрт пуд фосфорли оҳақ, 20 пуд калий келтириб ташлайди. Шунинг учун ҳам Амударё суви худди Нил дарёси суви сингари ҳосилдорликка самарали таъсир кўрсатади». Бизнинг эскидан суғориб келинаётган ерларимизнинг унумдорлиги нисбатан юқори, чунки улар асосан, дарё суви олиб келган лойқа ҳисобига пайдо бўлганлар ва ўсганлар. Пахтанинг яққаҳоқимлиги натижасида силласи қуриган тупроғимиз эндиликда мана шу ҳаётбахш лойқадан ҳам маҳрум бўлиб қолди. Юзлаб миллион, эҳтимолки миллиард тонна лойқа сув омборлари остига чўқди.

Шундай қилиб биз ерларимизни ўз қўлимиз билан ўлик бир нарсага айлантиряпмиз. Бу ҳам етмаганидек, далага тиниқ сув оқизамизда, этагидан лойқа сувни чиқарамиз. Бу демак, тупроқнинг ҳосилдор қисми мунтазам сув билан ювилади. Бунинг натижасида йиллар ўтиши билан тупроқнинг ўзи ҳам йўқ бўлиб кетади.

Айнан мана шу сабабли сув омборлари таъсирида бўлган хўжаликлар, районларда ҳосилдорлик йилдан йилга пасаймоқда. Яна ўша илгари бутун мамлакатга таниқли бўлган «Савай» совхозини олайлик. «Андижон» сув омбори ишга тушгунга қадар (1976—1977 йиллар) хўжаликда ҳосилдорлик 36-37 центнерни ташкил этарди, кейинги икки йилда 20-21 центнерни ташкил этди. Шу йиллар мобайнида ўртача ҳосилдорлик Қўрғонтепа районида 31,6 центнердан 21 центнерга, Марҳамат районида 35 центнердан 18,5 центнерга тушиб қолди. Жалолқудуқ, Хўжабод ва бошқа бир қатор районларда ҳам худди шундай аҳвол рўй берди. Бу тўрт район пахтачилик учун энг қулай бўлган ўтган йили пахта таяёрлаш планини 48-61 процент бажардилар. Фарғона областидаги Қува, Охунбобоев, Олтиариқ районлари бир неча километр юқорида қурилган Каркидон ва Қўрғонтепа сув омборлари таъсирида худди шундай аҳволда қолдилар. Бу районлар ўтган йили пахта харид қилиш планини 79-82 фоиз бажардилар. Мазкур районларнинг хўжаликлари ҳозир ҳар жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганлар.

Шу йил бошида жамоатчилик ҳаракати билан ўзбошимчаларча қурила бошланган «Сўх» сув омбори қурилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу объектнинг таннархи 150 миллион сўм эди. Лекин 200 миллион сўмча маблағ кетса керак, деб мўлжалланаётган эди. Бу сув омбори қурилиши билан 400 хонадон бузилиши, 1200 гектар серҳосил экин майдони сув остида қолиши керак эди. Аммо қуриладиган зарар фақат шундангина иборат эмас. Мен сув омбори қурилаётган жойда икки марта бўлдим ва бу ерларни эскидан яхши биламан. «Сўх» сув омбори қуриб битказилса олти район, икки юз минг аҳолиси бўлган Қўқон шаҳри оғир аҳволда қоларди. Сабаби, Қўқон группа районлари кучли шамоллар зонасидир, бунинг натижасида тупроқнинг эрозияси юз беради. Иккинчидан, совуқ ва тиниқ сув тупроқдаги чириндини юшиб кетади. Агар «Сўх» сув омбори қурилганда тарихий Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги районлар 40-50 йилдан кейин тап-тақир чўлга айланарди. Яхшиямки, жамоатчиликнинг ҳаракати билан бу фалокатнинг олди олинди.

7,3 миллиард кубометр суви бўлган Туямўйин сув омбори Хоразм, Тошовуз областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикасида катта зарар етказди. Бу регионда ҳамма жойда ерости сувлари сатҳи кўтарилиб кетди, тупроқнинг иккинчи марта ялли шўрланиши бошланди, аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар кўпайди. Ер остидаги шўр сувлар кўтарилиши натижасида мевали боғлар, асрий гужумлар хазон бўлаяпти.

Сув омбори туз кони бўлган жойда қурилган, илгари одамлар бу ерга келиб, тузда ётиб даволанишган. Шунинг учун ҳам ҳозир Туямўйиндан чиқиб кетаётган Амударё суви таркибидаги туз миқдори одатдагидан икки баравар ортиб кетди. Шундай экан, миллиардлаб сўм сарфлаб бу сув омборини куриш шартмиди? Эндиликда бу ҳам етмаганидек, яна миллиардлаб сўм сарфлаб ер ости сувлари оқадиган ўнг ва сўл қирғоқ коллекторларини қуриб, шуни деб катта миқдордаги экин майдонларидан айрилишга тўғри келаяпти. Бундан кўра сув омборини мутлақо очиб юбориш маъқул эмасми?

Шофрикон районидаги Шўркўл сув омбори таъсири остида «Гиждувон» ва «Жилвон» совхозларидаги боғлар ва узумзорларнинг ярми қуриди.

Табиийки, яна шундай савол туғилади: 2 миллиард кубометр суви бўлган, икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Тошкент шаҳрининг устида «Ҳазрат Алининг қиличидай» бўлиб осилиб турган Чорвоқ сув омборини қуриш шартмиди? Яқин ўтмишда Ўрта осиенинг турли районларида бўлган кучли zilзила бу ерда бўлмайди, деб ким кафил бўла олди? Мана шу ва бошқа хатоларга қарамай республика Сув хўжалиги министрлиги ва республика сув хўжалиги Давлат комитети тўғонлар ва сув омборлари қурилишини давом этказишяпти.

Мен Отахон Латифийнинг 1988 йил 21 ноябрда «Правда» газетасида босилган «Тўғон» сарлаҳали мақоласида айтилган фикрларга тўла қўшиламан. Тоғларда улкан сув иншоотлари қурганда денгизлар ва чўлларни унутмаслик керак. Дунёда энг катта тўғонга эга бўладиган, 20 миллиард кубометр сув тўплайдиган «Рогун» гидроиншооти, Норак ва Тўхтағул гидроиншоотлари билан бирга Урта Осиедаги экологик вазиятни янада мураккаблаштириб, Оролнинг буткул қуришига, бошқа ноҳуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, Урта Осие дарёларидаги барча гидроэлектростанциялар региондаги жами электр қувватининг тахминан 30 фоизини ишлаб чиқаради. Бу, албатта бизнинг эконо-

микамизда муҳим аҳамиятга эга. Менимча бундан буён гидроэлектростанциялар қурилишини тўхтатиб, иссиқлик электр станциялари қурилишига, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилиши керак.

Келгусида сув омборларини нима қиламиз? Менимча жойлашган районларидаги атроф-муҳитнинг ёмонлашувиغا сабабчи бўлган сув омборлари фаолиятини тўхтатиш, уларда тўпланиб қолган сувни оқизиб юбориш, тубидаги чуқиндидан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш керак. Қолган сув омборларидан, жуда зарурларини истисно қилганда, вақти-вақти билан фойдаланиш, яъни улардан баҳорги тошқин ва қиш пайтларида сув тўплаш, ғўза парвариши ва далаларни ювиш пайтида сувни айланма канал орқали ўтказиб юбориш, агар бундай канал бўлмаса қуриш, янги сув омборлари қурилишини эса тўхтатиш керак. Республикалараро йирик гидроэлектростанциялар ва сув омборларига келганда манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда атрофлича муҳокама қилиш, экологик ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб ҳар томонлама экспертиза ўтказиш керак. Ахир биз КПСС Марказий Комитети ва иттифоқ ҳукумати-нинг Оролга зарур бўлган миқдордаги сувни оқизиб туриш ва денгизнинг ҳозирги сатҳини сақлаб қолиш тўғрисидаги қарорини бажаришимиз керак-ку. Сув омборларидан олинган барча ортиқча сув Оролга оқиши лозим.

Биз ҳаётдан етарлича сабоқ олдик, региондаги экологик, иқтисодий ва социал вазиятни етарлича буздик. Эндиликда бу хатоларимиздан тўғри хулоса қилиб олишимиз керак. Бунинг учун бу муаммоларга янгича қараш, уларни қайта қуриш даври руҳида ҳал этиш лозим.

Биз хўжалик қурилиши ва ерларни мелиорациялаш билан боғлиқ баъзи бир масалаларни, масалан, каналларни бетонлаштириш ва бетон новлар қуриш масалаларини ҳам ҳал қилиб олишимиз керак. Ҳозир республикада атиги 10 фойз канал бетонлаштирилган. Кўпгина олимлар ва му-тахассислар сувнинг тупроққа шимилишини камайтириш мақсадида барча каналларни бетонлаштиришни ва темир-бетон новлар тармоғини ҳосил қилишни таклиф этиб, ирригация ва мелиорацияни намунали ташкил этиш мисоли тариқасида Мирзачўл таърибасини далил қилиб кўрсатадилар. Биз бу фикрга қўшилмаймиз. Ҳамма жой — шаҳарлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, ариқлар бетон билан қопланса қандай бўларкин? Бу мақсадга мувофиқ эмас. Бизнингча каналлар ва ариқлар сув кўп шимиладиган қумлоқ ва тошлоқ жойлардан ўтган шароитдагина уларни бетонлаш ёки новлардан оқизиш лозим. Бошқа жойларда, жумладан, майда тупроқли ерларда эса бундай қилиш нафақат бефойда, балки зарарли ҳамдир. Каналларни бетонлаб ва далаларга темир-бетон новлар ётқизиш, биз табиатга қўпол аралашамиз, ер ости сувлари балансини ва ўша жойдаги микроклимни бузамиз.

Бу масалани ҳал этгандан шундан келиб чиқиш керакки, маълум миқдордаги сувнинг ирригация тармоқлари орқали тупроққа сингиши ер ости сувлари миқдори ва даражасини меъёрида тутиб туриш учун зарур. Ер ости сувлари жуда пастда бўлган шароитда ўсимликларни тез-тез суғориш ва ортиқча сув исроф қилинишига олиб келиши мумкин. Каналлар ва далалардаги ариқларнинг икки қирғоғига қалин қилиб мевали ва манзарали дарахтлар экиш лозим. Бу бизнинг қуруқ иқлим шароитимизда жуда зарур. Дарахтлар ўзларининг бакувват илдизлари билан ернинг ости қатламларидаги сувларни тортиб олиб, барглари орқали буғлатадилар ва шундай қилиб микроиқлим ҳосил қиладилар, ҳавони тозалайдилар, ёзнинг жазирамасидан одамларни, барча жонзотни қуёш нуридан, экинларни эса шамол ва гармсел таъсиридан муҳофиза қиладилар, қишлоқ хўжалиги зарарқундаларига қарши курашнинг муҳим воситаси бўлган қушлар учун маскан вазифасини ўтайдилар. Қисқаси, дарахтлар атроф муҳитга фойдали таъсир кўрсатади.

Мана шунинг учун ҳам ирригация тармоқларини дарахтларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Каналлар ва ариқларни яллисига бетонлаштириш тарафдорлари буни ҳисобга олмай, масалага бир томонлама, тор маҳкамачилик манфаатлари билан ёндошадилар.

Далалар сатҳидан баландда ирригация каналлари қурилиши масаласини ҳам ҳар томонлама муҳокама қилиб, ҳал этиш керак. Бундай каналлар ер ости сувларини кўтариб, ерларни ботқоққа айлантириб юборади, дарахт экиш имкониятидан маҳрум қилади. Сувни оддий усулда оқизиб суғорилган ноёссалар орқали суғоришга ўтиш муҳимдир. Бу усулнинг айниқса ерларнинг ботқоққа айланишининг олдини олишда аҳамияти катта.

Сувни тежашда суғориладиган майдонлар ҳажмини мақбул даражага келтириш муҳимдир. Аслида эса кўпгина хўжалиқларда дала ишларини комплекс механизациялаштириш шиори остида карталар ғоят даражада катталаштириб юборилган. Эскидан суғориладиган зонада уларнинг ҳажми аксарият 25-30 гектарни, янги ўзлаштирилган ерларда эса 50 гектар, ҳатто юз гектарни ташкил этади. Охири кўринмайдиган бундай карталарда ғўзаларни маромида суғориш мумкинми? Бу карталарнинг ўртасига, олис жойларига нима экилганлигини билиб ҳам бўлмайди. 1985 йилда Сирдарё область Ильич районидаги хўжалиқларда текшириш ўтказилганда катта карталарнинг ўртасига, жами 5,5 минг-гектар ёки 9 фойз майдонга тарвуз ва қовун экилганлиги маълум бўлди. Бундай шароитда сувни сувни яхшилаб таролмайди, у дуч келган томонга оқади. Бу карталарни суғорганда одатдагидан икки баравар кўп сув сарфланади. Демак, бундай карталарни майдалаштириш керак. Бу ҳақда 1986 йилда ихота дарахтзорлари барпо этиш масаласига бағишлаб ўтказилган илмий-ишлаб чиқариш кенгашида ҳам анча баҳс бўлди. Шу кенгашда суғориладиган карталарнинг кучли шамол ва гармсел эсадиган районларда 4-6 гектар, бошқа районларда 8-12 гектар ҳажмда бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Айни пайтда биз талайгина 1,5-2 гектарли карталарга ҳам эгалимиз. Бундай карталар айниқса Фарғона водийсида кўп, уларни мақбул ҳажмгача катталаштириш талаб этилади. Барча суғориш тармоқларининг икки қирғоғига, ҳажмидан қатъий назар, икки қатор қилиб мевали ва манзарали дарахтлар экилиши керак.

Далалар ҳосилдорлигини ошириш ва сувни тежаш вазифаси суғориш билан боғлиқ бир қатор вазифаларни ҳал қилишни тақозо этади. Ҳозир ҳар гектар экин майдонига 14-15 минг кубометр сув сарфланаяпти. Бу сарфни 35-40 фойз қисқартириш мумкинми? Агар суғориш илмий муассасалар тавсияси асосида ташкил этилса мумкин. Бироқ ғўза ва бошқа экинларни суғоришда ҳеч бир техника тараққиёти сезилмаяпти. Ҳамон отам замондан қолган усулда — узун-узун

эгат олиб сўғориш давом этаяпти, ҳатто ҳўжаликларнинг ўзидаги ирригация тармоқларида ҳам ҳеч бир ўзгариш рўй бермаяпти.

Ўзалар ортиқча сув ичиши натижасида ғовлаб кетиб, камҳосил бўлиб қолаяпти. Сув 300-500 метр узунликдаги эгатлардан тўлатиб оқизилади. Сувни тежайдиган технология ва механизация усулида сўғориш жорий этилмаяпти. Илғор тажриба шуни кўрсатадики, ҳар гектардан 30-40 центнер ҳосил олиш учун ғўза парвариши мавсумида нам тупроқли ерларда 2,5-3,5 минг кубометргача, бўз тупроқли ерларда 5-6 минг кубометргача сув сарфланади. Экин майдонларининг 50-55 процентини ташкил этадиган шўрхоқ ерларни ювиш учун 4-5 минг кубометр сув сарфланади. Агар асосий манбадан далага етиб келгунча бу сувнинг 30 фоиз исроф бўлиши эътиборга олинса, биз аслида керагидан икки баравар кўп сув сарфлаётганлигимиз маълум бўлади. Агар сўғориш пайтида ва ирригация тармоқларидаги йўл қўйиладиган ҳар хил хатоликлар учун гектарига яна 2 минг кубометрни чиқариб ташласак, қишлоқ ҳўжалигида нормадагидан икки баравар кўп сув сарфланаётганлигини кўраимиз. Бу ортиқча сув Оролға йилига 40 кубокилометр сув етказиб бериш вазифасини тўла ҳал этиш имконини берган бўлур эди.

Далаларни қўллатиб сўғориш ва суви бойликларининг исроф қилинишининг асосий сабабларидан бири шундаки, биз сувчилар ва барча деҳқонларни ердан ва сувдан ажратиб қўйдик. Сувни тежашни биринчи навбатда сувчиларнинг мавқеси ва малакасини оширишдан бошлаш керак. Районларда ва ҳўжаликларда сувчиларнинг мактабларини ташкил этиш, уларга разряд бериш, «Уста сувчи» унвонини жорий этиб, уларга механизаторлар қаторида ҳақ тўлаш, фақат ҳўжаликлар учун эмас, пудратчи ва ижарачилар учун ҳам сувдан фойдаланишнинг қатъий лимитини белгилаш, сувни тежаганларни рағбатлантириш лозим.

Сувни тежаш ўсимликни қай даражада қалин ёки сийрак қилиб экилишига ҳам боғлиқ. Фанга шу нарса маълумки, ўсимлик қанча кўп бўлса, майдон бирлигига сув сарфи ҳам шунча юқори бўлади. Бунинг сабаби бу ерда барг ва буғланишнинг кўплигидадир. Буни агрономия фани классиклари ўтган асрдаёқ таъкидлашган. Бизда пахтачиликда волонтаризм ҳукмрон бўлган турғунлик йилларида айрим олимлар ғўзани ғоят даражада зич қилиб экишни зўр бериб жорий қилдилар. Эндиликда бу тавсиялардан зўр-базўр қўтиляпмиз.

Сув яхши шимиладиган ерларда эгат оралатиб сув тараш кенг жорий этса арзийдиган тежамли технология саналади. Бу усул ҳароратни кўтарди, ҳосилдорликни 2,5-3 центнерга оширади, пахтанинг очилишини бир ҳафтага тезлаштиради, 15-20 фоиз сувни тежайди. Тажрибакор деҳқонлар ва Урта Осиё илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари томонидан сўғоришнинг бошқа самарали усуллари ҳам яратилган. Булар тупроқ остидан сўғориш, томчилатиб сўғориш, қувурлар, эгилувчан қувурлар воситасида сўғориш каби усуллардир. Тежамли усулларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш учун республика Давлат Агросаноати ва Ўзбекистон Давлат сув ҳўжалиги Комитети ҳар бир зонадан биттадан ҳўжаликни танлашлари ва 3-4 йил мобайнида ўз кучлари ва маблағлари билан мазкур технологияларни текширишдан ўтказишлари керак.

Республикамиз сўғориладиган деҳқончилик, мелиорация ва ирригация қурилиши марказидир. Регионларнинг фаровонлиги ушбу соҳаларнинг ҳолатига тўла боғлиқдир. Агар у бузилган бўлса, сабабларини фанга эътибор сусайганлигидан излаш керак. Фанга жуда чекланган миқдорда маблағ ажратилди, унинг тажриба базаси қашшоқ.


Сув ва қишлоқ ҳўжалигини илмий ташкил этиш муаммоларини етарли баҳоламасликни шунда кўриш мумкинки, 60-йилларга келиб Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги академияси ва Ўзбекистон ССР Сув муаммолари институти тугатилди. Илғари республика Фанлар академияси таркибида ирригация, мелиорация ва пахтачилик бўйича ўн академик ва муҳбир аъзо бор эди. Буларнинг биттасидан бошқа ҳаммаси ҳаётдан кетди, лекин уларнинг ўрнига ҳеч ким сайланмади. Бу кечирилмас хатодир, уни келгуси йили академияга бўладиган сайловда тўғрилаш керак.

Ҳозир ВАСХНИЛнинг Урта Осиё бўлими тугатилган қишлоқ ҳўжалик фанлари академияси ўрнини босолмаяпти. ВАСХНИЛнинг Урта Осиё бўлими барча шароитларга — етарлича штатларга, йирик илмий муассасаларга, тажриба базаларига эга. Бизнингча унинг асосида Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги академиясини, шунингдек республика фанлар академияси сув муаммолари институтини тиклаш керак.

Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш қизгин давом этаяпти, ўтмишда йўл қўйилган хатолар ва келгусида амалга ошириладиган ишлар ошқора муҳокама қилинапти. Ўзбекистонда бу жараён иқтисодий ва экологик тангликдан чиқиш йўлларини излашда айниқса яққол ифодаланмоқда.

Ҳа, ҳозир республикамиз мураккаб иқтисодий ва экологик тангликни бошдан кечирмоқда. Лекин биз, ҳеч сўзсиз, бу тангликдан чиқамиз. Фақат бунинг учун волонтаристик қарашларга чек қўйиб, халқ ҳўжалигини ҳозирги давр талаблари асосида тубдан қайта қуришимиз, дадил қарорлар қабул қилиб, уларни оғишмай амалга ошириш учун изчил кураш олиб боришимиз керак.

Инсон табиятининг эгаси эмас, балки фарзандидир. Биз бу ҳақиқатни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз, барча ҳаракатларимизни унинг буюк қонуниятларига мувофиқлаштиришимиз керак. Фақат ана шундагина оқилона иш тутган, келажак авлод олдида хижолатли иш қилмаган бўламиз.



## ОРОЛ ҲАЛОКАТИ

«Новий мир» ва «Помир» журналлари «Орол-88» экспедициясини уюштирди. Унда ёзувчилар, публицистлар, журналистлар, турли соҳадаги олимлар: гидрологлар, географлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, биологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар қатнашдилар. Биринчи марта қаламжашлар билан олимлар ҳамкорлигида экологик экспедиция ўтказилди.

Август ойининг охирларида москваликлар, ленинградликлар, харьковликлар Душанбе шаҳрида самолётдан тушдилар. Бу ерда улар сафига Ашхобод, Олмаота, Тошкент, Нукусдан келган ва душанбеллик адабиётчилар, журналистлар, олимлар қўшилишиди. Экспедиция ташкилотчиларига Орол тақдирига лоқайд қарамайдиган ҳар хил ёшдаги, туйғулари ва эътиқодлари турлича кишилар ҳамда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, Тинчликни сақлаш Совет комитетининг «Экология ва тинчлик» уюшмаси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети, Халқ маорифи Давлат комитетининг илмий тадқиқот Маркази, Ригадаги мўъжаз автобуслар ишлаб чиқарадиган автозавод (РАФ), «Воздушний транспорт» газетаси, самолёту вертолётларнинг учувчилари, Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари Фанлар академияларининг аъзолари яқиндан ёрдам бердилар.

Экспедиция ўз олдига Орол денгизи ҳалокати сабабларини ўрганиш ва содир бўлган экологик фалокат айбдорларини аниқлаш вазифасини қўйди.

Ёзувчилар, олимлар Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари — К. М. Маҳқамов, Р. Н. Нишонов, С. А. Ниёзовлар ва область партия комитетларининг саркоибларию область ижроия комитетлари, область агросаноат комитетларининг раислари, Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари вилоятларининг кўпгина сув хўжаликлари идораларининг раҳбарлари ҳамда совхозларнинг ишчилари, колхозчилар, мутахассислар, олимлар, механизаторлар, пахтакорлар, соҳибкорлар билан учрашиб суҳбатлашдилар. Экспедиция иштирокчилари қишлоқ хўжалиги тажриба станцияларини, гидроиншоотларни, сув омборларини, каналларни, суғориш тармоқларини текшириб кўрдилар, мактаблару олий таълим даргоҳларида ўқув жараёни билан, касалхоналару болалар боғчаларидаги аҳвол билан танишдилар, бир юзу элликдан (150) ортиқ деҳқон оилаларининг уйларига кириб, уларнинг яшаш шароитларини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Қўйида экспедиция раҳбари Г. Резниченко ҳисоботи ва кундалигидан парчаларни, экспедиция натижалари бўйича «Новий мир» ва «Помир» журналлари томонидан ўтказилган давра суҳбати материалларини журналхонлар ҳукмига ҳавола этами.

### Григорий Резниченко

#### «БИЛАМИЗ, БУ ЛАҲЗА НЕ БЎЛМОҚДА ҲАЛ...»

##### Маршрут

Экспедиция иштирокчилари Орол денгизи ҳавзаси ва Сирдарё, Амударё бўйлаб 13 минг километрга яқин масофани босиб ўтдилар. Душанбе шаҳридан бошланган сафаримиз айни ҳазонрезги мавсум бошланган айёмда Мурғоб водийсида, Шарқий Помир довоида, Қирғизистон яйловлари ва пахтазорлари, қадимий Фарғона заминию Ленинобод области далаларида давом этди. Биз ўзлаштирилган Мирзачўл ва Жиззах даштларини кезиб чиқдик. Бу ерлардаги бепоеён далаларда миллионлаб пахта чаноқларию дефолиациядан сўнг қуриб-қовжирган ғўзапоядан бошқа нарсани кўрмайсиз. Сентябрь охирларида экспедиция Оролга етиб борди: Тошкент вилояти ерлари, Чимкентнинг қир-адирлари, Арнасой қирғоқларидаги кўлоблару Чордара сув омбори теварагидаги ботқоқзорлар, Қизил Урда шолиторлари, Бойқўнғир ортда қолди.

Экспедиция қатнашчилари Оролда ва Орол бўйларида икки ҳафта бўлишиди. Ярим вайрона, ҳар томонидан саҳро қуршаб олган Аральск, Мўйноқ, Ғазали шаҳарлари, Учсой посёлкаси, Баликчилару чўпонлар истиқомат қиладиган қишлоқлар хувиллаб қолган бўлса-да (ҳалокат нишоннаси!), лекин ҳали тақдирга тан берганларича йўқ, ҳаёт-мамот учун курашни давом эттиришяпти.

Узининг собиқ бандаргоҳларидан олтимиш-етмиш, баъзи жойларда эса тўқсон километргача олислаб кетган Орол денгизи ўрнида оқ-сарик тусдаги туз тепачалари дўппайиб ётарди. Заңг босиб, бузилиб, адойи тамом бўлаётган ўнлаб балиқ овлаш кемалари, катерлар, моторли қайиқлар эски жойларида — кум босган бандаргоҳларда қолиб кетган эди. Улар орасида афсонавий «Оққуш» соқчи кемаси ҳам қаққайиб турибди. Бу кема уч йил мобайнида Қора денгиздаги жанговар ҳаракатларда қатнашгани, унинг учун саҳро ҳалокат манзили бўлди! Йўлда биз эрта

сахардан қош қорайгунга қадар пахта тераётган болаларга, аёлларга дуч келдик. Қизилқум ва Қорақум саҳросида оқава-сизот сувлардан ҳосил бўлган шўр кўллар тез-тез кўзга ташланиб турарди. Уларнинг кўпчилигининг номи ҳам йўқ. Ваҳоланки, аниқ бўлиши учун уларни шартли равишда Оролнинг юздан бир, эллиқдан бир, йигирмадан бир бўлаги, деб номланса айти муд-дао бўларди. Чунки ҳозирги Орол денгизи сувининг деярли тенг ярми шу кўлларда жамлангандир.

Экспедиция қатнашчилари йигирма саккиз соат вақтларини вертолётларда ва енгил моторли «АН-2» тайёраларида парвоз қилиб ўтказдилар. Беш минг километр масофа учиб ўтилди. Осмондан кузатиш орқали тадқиқотлар олиб борилди, ерда юрадиган нақлиёт воситалари боролмай-диган жойларга кўндик, Туямўйин сув омборини ердан ва ҳаводан ўргандик, Тошовуз айланма канали қурилишини ҳамда Амударё ўзанининг бир қисмини синчиклаб кўздан кеңирдик. Орол денгизи сингари шошилич ёрдамга муҳтож бўлиб турган Борсақелмас орол-қўриқхонасига ҳам учиб бордик. Арнасой қирғоқларидаги кўлобларни ҳаводан кузатдик. Оролга етиб бормаётган оқавадан ҳосил бўлган Сарикамиш кўли соҳилида бўлдик. Юрган йўлимизда — Душанбадан то Борсақелмасу Сарикамишгача бўлган жойларда текшириб кўриш учун сувлардан намуналар олдик.

Бизнинг илтимосимизга кўра, бир ҳафта давомида Урта Осиёда тадқиқотчилар группаси ишлаб, махсус жиҳозланган «ТУ—134» тайёрасида радиолакацион суратлар олди, Қорақум, Аму-Бухоро, Қарши магистрал каналларидаги ва Амударё дельтасидаги намлик даражаларини ўлчаб кўрди. Маълум бўлишича, каналлар ва суғориш иншоотларининг тупроқ деворларига сингиб йўқолаётган сувнинг миқдори Сув хўжалиги министрлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга қараганда бир ярим марта ортиқ экан.

Экспедиция билан ҳамкорликда Марказий телевидениенинг «Экран» ижодий уюшмасининг киногоруппаси (режиссёри С. Логинов, оператори М. Кармен) ҳам ишлади, улар тўламетражли «Диагноз» ҳужжатли фильмини суратга олдилар.

Хўш, Оролбўйида юрган кезларимиз нималарни англаб етдик ва кашф этдик?

### КУНДАЛИКДАН

Орол денгизи хусусидаги гап-сўзлар тобора кўпайиб бормоқда. «Новий мир» редакциясига келаётган ташвишли хат-хабарлар миқдори ҳам ортиб бормоқда: Оролнинг туби кўриниб қолди... Денгиз сатҳи бандаргоҳлардан ўнлаб километр узоқлашиб кетди... Иқлим ўзгаряпти... Жониворлар қирилиб битяпти — уларнинг 178 тури мавжуд эди, ҳозир фақат 38 тури қолди, холос... Қамишзорлару тўқайлар барбод бўлди... Одамларнинг турмуш шароитлари ёмонлашяпти... Бу денгизда қандайдир дахшатли ҳодиса рўй берди ёки рўй бераётганга ўхшайди... Тула-тўқис маълумот йўқ. Йўқ, вассалом. Гўё ҳеч нарса содир бўлмаётгандай...

Ўтган йили июнь ойининг бошларида «Новий мир» журнали редакциясига Мўмин Қаноат билан Маъсуд Муллажоновлар қадам ранжида қилдилар. Шоир ва публицист. Бири — Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, иккинчиси — «Помир» журналининг бош муҳаррири. Сухбат мухтасар бўлди. Бизнинг бошлиғимиз С. П. Залигин олдиндан хабардор бўлгандай Помирда туғилган ташаббусни дарҳол қўллаб-қувватлади: зудлик билан экспедиция уюштирилсин ва ўша жойнинг ўзида Оролнинг аҳволи атрофлича тадқиқ этилсин. Орол мусибатининг айбодори ким?

Москва, 20 август.

Жирғатолдан КПСС МК Сийсий бюроси номига телеграмма жўнатдик: «Орол тўғрисида қарор қабул қилишдан аввал, унинг лойиҳаси муҳокама учун кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилишини сўраймиз». Сув хўжалиги министрлигининг вакили А. Қ. Кияткиндан бошқа экспедициянинг ҳамма аъзолари имзо чекдилар. Фақат бир киши бетараф қолди. Аммо қарор тайёрланаётгани ҳақида бизни бохабар этган, қарор лойиҳаси билан бизни таништирган мутахассис шу киши эди.

Жирғатол район маркази, 31 август.

Бу ерда — Помир тоғларида: «Ноёб денгиз ер юзасидан йўқ қилинди, ҳалок бўлди», деган гапни бир неча марта эшитдик. Қўлидан ҳеч нарса келмаган, локайд томошабинга айланиб қолган миллионлаб одамларнинг кўз ўнгиди шундай фожиа рўй берди.

Балки, ваҳима қилишнинг ҳожати йўқдир? Ахир асқар тоғлару абадий музиклар ҳамон мавжуд-ку! Улар денгизни озиклантиради, бало-қазодан асрайди. Афсуски, музикларнинг аҳволи ҳали анча танг бўлиб қолган экан... Эндиликда ёз ойлари қор билан қопланган тоғ чўққиларини кўриш хийла мушкул бўлиб қолди, чунки уларнинг устини қорамтир ғубор қоплаган.

Беихтиёр Анна Ахматованинг ушбу сатрлари ёдга тушди: «Биламиз, бу лаҳза не бўлмоқда ҳал ва қандай воқеалар бўлмоқда содир».

Хорог, 1 сентябрь.

### ДАСТАБКИ КУЗАТИШЛАР

Сув — ҳаёт демақдир. Айниқса, чўлу биёбонда сувсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Сув хўжалиги министрлигидаги мутахассислар одатда қуйидаги маълумотларни зикр этадилар: 1950 йилда Урта Осиё ва Жанубий Қозоғистонда 3,6 миллион гектар майдон суғориларди, ҳозир эса 7,2 миллион гектар майдон суғорилмоқда<sup>1</sup>. Бу майдонларда илгариги 3,8 миллиард сўмлик ўрнига, ҳозир 15 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олинмоқда. Ернинг унумдорлиги 4 баробар ортган. Мамлакатнинг пахта мустақиллиги таъминланди.

Дарвоқе, бу вақт мобайнида энергетика имкониятлари деярли уч марта кўпайган. Бироқ,

<sup>1</sup> «Диагноз» ҳужжатли фильми шу йилнинг май ойида Марказий телевидение орқали намойиш этилди (тарж. изоҳи).

<sup>1</sup> Статистик маълумотлар Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон Министрлар Советининг, область ижроия комитетлари ҳамда сув хўжаликлари, Фанлар Академиясининг расмий ҳужжатларидан олинган.

ҳозирги кўрсаткичларни қирқ йил аввалги кўрсаткичлар билан таққосланса ва шу асосда узоқни кўзлаган олимона хулосалар чиқарилса, ростини айтганда, инсофдан бўлмайди. Чунки эллигинчи йилда мамлакатимиз иқтисодий таназулли бошидан кечирган эди. Уша кўрсаткичлар олтиншинчи йилдаги ютуқларга нисбатан таққосланса тўғрироқ бўларди. Шунда ер унумдорлиги 4 баробар эмас, бор-йўғи 2 баробар ортгани маълум бўлади-қолади. Лекин Орол бўйидаги кескин экологик вазият натижасида бўлган йўқотишлар ва зарарлар бу ҳисобга кирмайди.

1960 йили Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ерларни суғориш учун 63,9 кубокилометр сув сарфланарди, 1985 йилда бу кўрсаткич 117,4 кубокилометрге етди. Мана шу даврда минерал ўғитлар, захарли химикатлардан фойдаланиш кескин ортиб кетди. Сув хўжалиги министрлиги ва унга бўйсунадиган идоралар алмисоқдан қолган жўяк тортиб суғориш усулини жорий этиб келдилар ва ҳозир ҳам шундай қилаяптилар. Назоратсиз сув йўллари, сув ўлчагич мосламаларнинг йўқлиги, ошириб белгиланган — йиллар давомида илмий жиҳатдан ўрганилмаган суғориш нормалари охир оқибатда мисли кўрилмаган сув исрофгарчилигини келтириб чиқарди. Расмий статистик маълумотларга қараганда, регион бўйича 1985 йили ҳар бир гектар суғориладиган майдонга ўрта ҳисобда 16 минг кубометр сув сарфланди. Норма 7-10 минг кубометр бўлгани ҳолда, Туркманистонда — 20, жанубий Қозоғистонда — 17,5, Ўзбекистонда — 15, Тожикистонда — 14,5 минг кубометр сув ишлатилди. Туркманистонда, Қорақалпоғистонда, Қизил Ўрда областида, Фарғона водийсида 20-30 минг кубометргача сув ҳайдалаётган юз минглаб гектар ерларни кўрдик (бу ҳол ҳар гектар ер икки-уч метр қалинликда сув билан қопланди демакдир). Қорақалпоғистон ва Қизил Ўрдадаги шолиторларда 30—50 минг кубометр сув «реализация» қилинади. Сувни тежаб сарфлашга хизмат қиладиган технология жорий этилган майдонлар жуда кам учрайди. Натижада сув ерга ҳаёт бахш этмайди, аксинча унинг жонини олади. Технология қоқлиги, суғориш усулининг такомиллашмагани, суғориш маданиятининг тубанлиги туфайли шундай бўляпти. Ажаб ҳол, Ўрта Осиёда сув танқис эмас, балки ошиб-тошиб ётганлиги аччиқ ҳақиқатдир.

### КУНДАЛИКДАН

Ўзбек олими Б. Камолов илмий тадқиқот ўтказиб, қуйидагиларни аниқлади: 1960 йилгача Ўрта Осиё дарёларидан табиатга зарар етказилмаган ҳолда 50 кубокилометрдан салгина кўпроқ сув олинарди ва 5,1 миллион гектар ер суғориларди. 1960 йилдан 1986 йилгача регионда деярли икки миллион гектар чўлу биёбон ўзлаштирилди. Бу ерларни суғориш учун эса 60-62 кубокилометр сув сарфланяпти.

Оддий ҳисоб-китобдан ҳам кўриниб турибдики, Ўрта Осиёда янги ўзлаштирилган майдонларни қўшиб ҳисоблаганда ҳар гектарга 1960 йилдагидан кўпроқ сув сарфланяпти. Бундай исрофгарчилик учун кимдир жавоб бериши керак-ку, ахир!

Андижон, 6 сентябрь.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Орол денгизи бўйича чиқарган қарорини муҳокама қилдик. Унинг лойиҳаси билан биз тоғда танишгандик, афсуски, ҳеч қандай амалий ўзгариш киритилмабди. Бу қарор бир қатор ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этса-да, лекин денгизни аста-секин ҳалокатга, бутунлай қуришга маҳкум этади. Қарорга биноан 1990 йилдан 2000 йилгача Оролга ҳар йили ўрта ҳисобда 12-15 кубокилометр сув қуйилиши лозим, 2005 йилда эса бу рақам 21-25 кубокилометрге етади. Денгизда эса ҳар йили 34-37 кубокилометр сув буғланяпти. Оддий ҳисоб-китоблар шуну кўрсатадики, Оролнинг ҳозирги 450 кубокилометр сувидан бор йўғи 200 кубокилометри қолади, бу аввалги денгизнинг бешдан бир бўлаги демакдир.

Бу ҳужжат асосан кўп йиллар давомида суғориладиган ерларнинг экстенсив ривожланишини фаол қўллаб-қувватлаган, пахта яқка ҳоқимлигини жорий этган, Оролнинг кафанини бичган, Сибириь суварини Ўрта Осиёга буришга замин ҳозирлаган олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини акс эттирди.

Қарорда экология муаммолари четлаб ўтилган, Оролни асраб қолишда Табиатни асраш Давлат комитетининг ўрни ва аҳамияти аниқ кўрсатилмаган. Оролни асраш, Орол бўйидаги ахволни барқарорлаштириш учун битта шу қарор кифоя қилмайди. Устига устак, СССР Сув хўжалиги министрлиги — қудратли маҳкама-монополия комплекси, давлат ичидаги давлат — ўзининг миллиардларига қўшимча равишда бюджетдан юз-юзлаб миллион сўм олди. Бу ҳол миқдорий ўсишга хизмат қиладди, лекин сифат ўзгаришларига мутлақо таъсир этмайди: ўзига хос молявий очкўзликни, ишдаги, шу билан бирга, министрликдаги маданиятсизликни авж олдириб юборади...

Фарғона, 7 сентябрь.

Экспедиция ниҳоясида, Москвада Орол бўйича қарор лойиҳаси муҳокамасига доир баъзи бир нозик тафсилотлар маълум бўлиб қолди. Қарорни тайёрлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг раиси Ю. А. Израэль «Правда» газетасига берган интервьюсида, комиссия тайёрланаётган ҳужжатни кенг халқ оммаси ўртасида овоза қилмасликка онгли равишда ҳаракат қилди, деди. (Ошкоралик даврида-я! Ғалати эмасми?) Адабиётчилар билан суҳбат чоғида эса, лойиҳа олимлар ва мутахассислар ўртасида атрофлича муҳокама қилинди, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди, деб таъкидлади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудир профессор Мирзаев эса менга қуйидагиларни айтиб берди:

— 1987 йил 30 сентябрь куни Тошкентда Ўрта Осиё сув ресурсларидан фойдаланиш ва Орол денгизи муаммоларига бағишланган қўшма кенгаш бўлди. Унда СССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР Фанлар академияларининг вакиллари иштирок этди. Кенгашда Ю. А. Израэль маъруза қилди. Ушанда йиғилиш ташкилотчилари қарорни тайёрлаб эълон қилишди. Уни узоқ муҳокама қилишди ва «қайта ишлаш керак» деган хулосага келишди. Лекин ҳеч ким уни қайта ишламади. Фақат орадан уч ой ўтга, яъни 1987 йил 30 декабрь куни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице-президенти О. В. Лебедев мен ва профессор Рачинский билан суҳбатлашаётиб, тасодифан ўша қарор лойиҳасини эслаб қолди ва уни менга қайта ишлашга топширди. Мен қайта ишланган ҳужжатни



1988 йил январь ойида академияга қайтариб бердим. У ҳозир ҳам ўша ерда ётибди. Кенгаш ташкилотчилари мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини мутлақо инобатга олмаганлар, фақат ўз билганлари бўйича иш юритганлар, холос.

Москва, 4 ноябрь.

### ХУЖАСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Ҳосилдор ерлар камайиши, сувлар исрофгарчилигининг сабабларидан бири дренаж қуриш ва ундан фойдаланишдаги тартибсизликлардир. Боз устига, министрликнинг лойиҳалаш ташкилотлари, қурилиш трестлари ҳар гектарга дренаж ётқизиш нормаларига риоя этмайдилар, улар дренаж ётқизиш бўйича лойиҳада кўзда тутилган талабларни қўпол равишда бузганлар. Орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас дренажлар ишдан чиқади ва ерни шўр босиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади. Комиссиялар тузилади, мутахассислар иштирокида текшир-текшир бошланади. Шунга қарамай, ер ости қувурлари кетма-кет ишдан чиқаверади. СССР Сув хўжалиги министрлиги томонидан ўн минглаб гектар ерларга ётқизилган дренажлар аввал ҳам ишламасди, ҳозир ҳам ишламайди. Ахир дренаж — суғориладиган ерларнинг ўпкаси ҳисобланади-ку, сув хўжалиги занжирларидаги муҳим ҳалқа-ку. Сизот сувларни дренажлар орқали суғориладиган майдонлардан ташқарига чиқариб ташлаш — долзарб муаммо ҳисобланади. Айни пайтда, канал ва ариқлардан фойдаланишни ҳам тубдан яхшилаш лозим. Сув хўжалиги министрлиги дренаж тармоқларини қоидага хилоф тарзда қуриб, зовур-дренаж сувлари тақдирини ҳақида дуруст қайғурмай, оқавасизот сувлардан такрорий фойдаланишга (15 фоизга яқин) йўл қўйиб, ерларни тобора шўрлан-тириш сиёсатини юргизаяпти. Шўрланган ерларга эса қишки-бахорги яхоб бериш мобайнида тобора кўпроқ сув талаб этилмоқда. Бундай талабнинг охири кўринмайди. Худди шундай сиёсат Оролни ҳалоқат ёқасига келтириб қўйди, келажақда бутун регионни таназулга юз тутқизиши мумкин. Йигирма йилча муқаддам Туркменистоннинг улкан суғориладиган майдонида (ярим миллион гектарга яқин) дренаж қурилди. Бугун ўша дренаж тармоқлари таъмирлашга, ремонтга муҳтож. Сирдарё, Қашқадарё областларида, ҚҚАССРда мироблар томонидан янги ташкил этилган ҳозир фойда ўринга ҳар йили 40—45 миллион сўм зарар келтиряпти, холос.

1987 йилда биргина Ўзбекистон ерларнинг шўрини ювиш учун (республикада ҳайдалади-ган ерларнинг тенг ярми шўрланган) ҳар гектар ерга 4—5 минг кубометр сув сарфланди. Агар сув дала-далаларга етиб боргунча учдан бир миқдори исроф бўлажagini ҳисобга олсак, яхоб бериш учун керагидан икки ҳисса ортиқ сув сарфланаётгани равшанлашади.

Ҳозир Ўзбекистонда 4,1 миллион гектар ер суғорилади. Шундан бир миллион гектари кам ҳосилли дала-даштлардир, 700 минг гектар ерни тошлоқ, қир-адир, ботқоқ, қумлоқ ерлар ташкил этади. Ҳосилдорлик ниҳоятда паст — 5—15, кўп деганда 18 центнердан ошмайди. Бундай ерлар фақат зарар келтиради. Аммо ҳамон икки миллион гектар ерга пахта экилмоқда.

### КУНДАЛИҚДАН

Биров кўрсатма бердимикан — билмадим-у, қандайдир сабабга кўра экспедиция қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси МК ишлар Бошқармасининг «қароргоҳи»га жойлаштирдилар. Хонада полдан шифтга етадиган учта қўшқанотли дераза бор, ёп-ёруғ, деразаларга қават-қават пардалар тутилган. Иситгич батареялари тахта панжара билан ўраб қўйилган. Учта хона. Кенг-мўл меҳмонхона, каттагина ётоқхона ва худди ўшандай ҳажмдаги кабинетдан иборат. Ҳожатхонаси иккита. Жиҳозлар: иккита стол (бири тушлик қиладиган, иккинчиси ёзув столи), юмшоқ креслолар, оромижон каровотлар, саккизта стул, диван, иккита ҳавон, сервант, телевизор, холодильник, телефон, совутигичлар, иссиқ ва совуқ сувли ваннахона, Бухоро гиламлари, меҳмонхонада биллур қандиллар, ётоқхонада ва кабинетда қимматбаҳо чироқлар. Барча қулайликлар учун бир суткада 7 сўм тўланади, холос. Арзонлигини қаранг! 35—40 сўм тўланса ҳам арзийди, албатта. «Қароргоҳ» — меҳмонхонадаги мазали таомлар райком, райижроком, шаҳарком, обком, шаҳар ёки область ижроия комитетларини топиш учун хийла тер тўкишга тўғри келади. Биринчи навбатда партия аппарати учун маъмурий бинолар барпо этилади, кейинги навбат — советларга. Биз ақл бовар қилмайдиган сиёсий маориф саройларини кўрдик. Эртакка ўхшайди! Лекин бўм-бўш ётибди. Халқ миллионлари сарфланган маданият саройлари ҳам ҳувиллаб ётибди...

Тошкент, 21 сентябрь.

Урта Осиёда пахта йғим-терими палласи — ўлик мавсумни эслатади. Мактаб, институт, муассасаларнинг эшиклари икки-уч ой давомида тақа-тақ ёпиқ туради. Заводу фабрикалар ярим қувватда ишлайди, райкому шаҳаркомлар беркитилади: «Бугун ҳамма пахтакор!» Мактаб ўқувчилари, талабалар, эмизикли хотинлар, чоллар, врачлар, ўқитувчилар — ҳамма-ҳамма жазир-ама остида жон олиб, жон беради. Бизнинг давримизда бу ўлкада ажаб мақол дунёга келди: «Чигит қадамасанг — сени қамашади, пахтани термасанг сенинг ўзингни тергашади». Терим пайтида бу ерда ҳамма фақат пахта ҳақида гапирди, пахта тайёрлаш қандай бораётганини кузатиб боради. Матбуот, радио, телевидение ягона худода — ПАХТАга қўлбаччилик қилади.

Урта Осиёда 20 миллион киши қишлоқларда яшайди. Уларнинг учдан икки қисми пахтачилик билан шуғулланади. Бошқа қиладиган иш йўқ. Ота-бобоси чўпон, соҳибкор ёки миришкор боғ-бон, жасур чавандоз ўтган, кулолчилик, ганчкорлик билан шуғулланган кишилар ўзлари истамаган ҳолда пахтакор бўлиб қолидилар. Одамлар мажбуран, кўрқитилиб далага ҳайдалаяпти. Одамлар мўмай даромад кетидан қувиб эмас, балки кўрқув ва зўрлов туфайли далага югурадилар. Пахта теримчиларига ниҳоятда оз ҳақ тўланади. Меҳнат эса машаққатли, зерикарли. Теримчи бир

кунлик нормани бажариш учун 10—12 минг марта эгилиб-букилиши лозим. Дўзахона жазирама, химикатлар заҳарлаган ерлару ўсимликлар, сувсизлик туфайли одамларнинг, айниқса, аёллару болаларнинг саломатлиги пугурдан кетмоқда. Пахта қанчалик кўпроқ етиштирилса, мамлакат шунчалик бахтиёр бўлади, дейиларди! Аслида-чи? Аслида, бир ҳовуч ахлоқсиз амалдорларнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши учун ҳамма жойда одамлар оғир дардларга мубтало бўлдилар, қашшоқлик авж олди.

Тошкент, 22 сентябрь.

## ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ ОҚИБАТЛАРИ

Сифат ўзгаришларига эришиш ўрнига миқдорий кўрсаткичлар кетидан қувишга асосланган стратегия Урта Осиё республикаларида беҳуда пахта майдонларини тобора ортиб бориши учун замин тайёрлапти.

Кейинги ўн беш-йигирма йил давомида пахтазорлар сабзавоткорликни ва боғдорчиликни деярли тенг яримга қисқартириб қўйди, чорвачиликка сезиларли даражада зарар етказилди, алмашлаб экиш қоидалари бузилди. 1987 йили бизнинг мамлакатимизда 9,1 миллион тонна пахта хом ашёси қайта ишланди. Натижада СССР аҳолисига жон бошига ҳисоблаганда 10 килограммдан пахта толаси тўғри келди: бу кўрсаткич Мисрда — 6 кг, Япония, АҚШ, Англияда — 5 кг атрофидандир. Бизда ҳар бир кишига 29 метрдан газлама ишлаб чиқарилади, Япония, АҚШ, Англияда эса 14—16 метрдан ошмайди. Эҳтимол, мамлакатимиз кўплаб пахта толасини экспорт қилар ва шундай йўл билан мўмай даромад ишлаб олар? Умуман олганда, 1,3—1,9 фоиз атрофида пахта толаси экспорт қилинади; бу дарёдан томчи, холос. Ҳатто кўзга ташланмайди. Пахта эвасига қўлга киритилган валютага чет эллардан гўшт, пишлоқ, сутқоқи, ёғ, буғдой харид қилинади. Яъни, айнан Урта Осиё республикаларида етиштирилиши мумкин бўлган, лекин пахта яккаҳокимлиги бунга имкон бермаётган озик-овқат маҳсулотлари хориждан келтирилади.

Хўш, пахтачилик ҳўжалиги оқилона юритилаётими? Нима учун Урта Осиё республикаларида фақат 2—8 фоиз пахта толаси қайта ишланаяптию, қолган қисми марказга ташиб кетиляпти?! Нега ҳар йили 4 миллион тоннагача кунжара яна-тагин ўша марказга, Болтиқбўйига жўнатиляпти? Саволлар кўп, лекин жавоби битта: ҳамма гап ҳаддан ташқари марказлаштиришда, шу туфайли экономикамиз эркин нафас ололмаяпти, марказлаштириш сиёсати сиртмоқ мисоли уни бўйиб турибди. Госплан, Давлат Агросаноат комитети, Сув ҳўжалиги министрлиги каби маҳкама-монополистлар зўр бериб марказлаштириш сиёсатини юртияпти. Уларни ҳеч ким тартибга чақиролмайди ва ҳеч ким Сув ҳўжалиги министрлигига, Сен одамларга, табиатга фаровонлик келтирмаясан, балки уларга гўр қавлаясан, деб айтолмайди. Урта Осиё суғориш тармоқларида сувни тежайдиган технологияни бир қидириб кўринг! Топишингиз даргумон. Бу ерда ирригация ва мелиорация ҳамон экскаватор сурма трактор, бульдозеру сув ўлжайдиган жазвал ва кетмонга қарамдир. Афтидан, гидромелиорация илми ҳали-бери Сув ҳўжалиги министрлиги остонасига яқин йўл олмаса керак.

СССР Сув ҳўжалиги министрлиги кўп йиллар мобайнида ўз соҳасидаги ҳақиқий аҳволни яшириб келган ва фақат янги ўзлаштирилган ерларни фойдаланишга топширилгани тўғрисида тантанали рапорт бериш билан шуғулланган, холос. Ўз навбатида Урта Осиё республикаларининг Қишлоқ ҳўжалиги министрликлари ҳам давлатга пахта сотиш план ва мажбуриятлари ошириб бажарилгани (шу жумладан қўшиб ёзиш йўли билан) ҳақида баланспарвоз рапортлар бериб сув ҳўжалиги идораларининг ноҳўя хатти-ҳаракатларини хаспўшлаганлар. Қўл-қўлни ювади... Ҳар йили халқ ҳўжалигига миллиард сўмлаб зиён етказилди. Орол денгизидан юлиб олинган сув ҳам ўша зиённинг ажралмас қисмини ташкил этади. Уртача ҳисоб-китобларга қараганда, Урта Осиё ва жанубий Қозоғистондаги суғориладиган ерларга ҳар йили 28—32 кубокилометр миқдорда ортиқча сув сарфланади.

Лекин СССР Давлат Агросаноат комитетида, Госпланида алоҳида тарози бор: улар пахта мустақиллигига эришиш учун интилиб, ялпи маҳсулотни пахта миқдорини тинимсиз ошириб боришни талаб қилиб, охир-оқибатда 70—75 фоиз экин майдонида пахта етиштиришга мажбур қилдилар.

«Пахта мустақиллиги учун» кураш фақат сув тармоқларига салбий, бемаъни таъсир кўрсатиб қолмади, айни пайтда тупроқ ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетди, далалар яроқсиз аҳволга тушиб қолди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти маҳаллий ўғитлар лабораториясининг мудири, қишлоқ ҳўжалиги фанлари кандидати Қурбон Мирзаевич Розиковнинг аниқлашича, сўнги ўттиз йил мобайнида умумий ер майдонларининг 50 фоиздан кўпроқ қисмига пахта экилиши туфайли тупроқ таркибидаги чириндиларнинг 30-40 фоизи беҳуда исроф қилинган, тупроқ ниҳоятда ориқлаб кетган. Минерал ўғитлардан фойдаланиш кўпайгани сари сувга бўлган эҳтиёж ҳам ортаверган, лекин пахта ҳосилдорлиги асло кўтарилмаган, аксинча охирги йигирма йил давомида 25,2 центнердан 23,6 центнерга тушиб қолган. Мевазорлар ҳосилдорлиги ҳам пасайиб бормоқда: етмишинчи йилларда регион бўйича ҳар гектар узумзордан ўрта ҳисобда 80 центнердан хирмон кўтарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич аранг 75 центнерга етиб боряпти.

## КУНДАЛИКДАН

Бу ердаги деҳқонларнинг оилаларида ўртача еттитадан фарзанд туғилади. Лекин дастлабки кунданоқ онаизорнинг оқ сутини истеъмол қилишни истамайдиган чақалоқ тирик қолармикан? Ахир оналар сугида нормадагидан 3—4 баравар кўпроқ туз мавжуд! Қишлоқ жойларида кичкинтойларни овқатлантириш ташкил этилмаган. Кўпчилик районларда ҳар куни эрталаб ўн эмизикли аёлнинг саккиз-тўққизтаси норасида гўдагини қандай овқатлантириш ҳақида бош қотиради! Болалар боғчаларида ҳафтасига бир-икки марта гўштли овқат берилади, холос.

Гўдаклар ҳали ёруғ дунёга келмасданоқ — она қорнидаёқ сариқ касаллигига мубтало бўлдилар. Касалликка чалинган 100 чақалоқдан 80 нафари бир умр иккинчи группа инвалиди бўлиб қоладилар.

Ўзбекистонда ҳар бешта шифохонадан биттасида иссиқ сув бор, холос. Ҳар ўн шифохонанинг еттитасида эса канализация йўқ. Республикадаги болалар шифохоналари ва туғруқхоналарда 87 мингта ўрин етишмайди. Болалар врачлари танқис.

Чимкент, 23 сентябрь.

Экспедиция деярли бир ойдан буён ишламоқда. Пахтазорлардан ўтаётиб дала шийпонларида бирпас тўхтаб, беихтиёр болаларнинг синчков нигоҳларига дуч келамиз. Ҳайрат аралаш донг қотиб қоламиз... Андижон область партия комитетида, кейин эса Ўзбекистон Компартияси МКда масъул ходимлар билан суҳбатлашдик.

— Мактаб ўқувчиларини пахта йғим-теримига жалб этмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди, — дейишди партия ходимлари жўровоз бўлишиб. Пахтазорда эса ўн минглаб ўқувчиларни учратиш мумкин... Барча Урта Осиё республикаларида аҳвол шундай.

Йўқ, бу жойларга қайта қуриш ва ошқоралик ҳали етиб келмаган. Шунинг учун ҳамма иш эскичасига давом этмоқда. Самолётдан пахтазорларга дори сепмаслик ҳақида қарор қабул қилинган. Аммо биз ўз кўзимиз билан кўрдик, самолётлар ҳамон пахтазорларга заҳарли химикат пуркамоқда.

Ҳар бир республикада болалар меҳнати тўғрисида олижаноб қарорлар қабул қилинапти. Лекин, болалар эса олтинчи синфдан бошлаб, илгари қандай ишлаётган бўлсалар, ҳозир ҳам худди ўшандай ишляптилар. Ҳар йили икки-уч ой далада бўладилар. Айниқса, пахта теримида жон олиб, жон берадилар. Бу ишга катта одамлар зўрға дош берадилар. Болалар-чи? Болаларнинг тирноқлари кўчиб тушади. Врачлар кўплаб ўсмирларнинг жинсий заифлигини аниқлашди. Сабаби — улар муштдайлигидан пахтазорда ишлайдилар. Мактаб ва институтдаги таълим-тарбиянинг икки йили пахта далаларида беҳуда ўтади.

Чимкент, 24 сентябрь.

### БИЗ ОРОЛДА НИМАЛАРНИ КЎРДИК!

Кейинги йигирма йил давомида Орол денгизи 640 кубокилометр сувдан маҳрум бўлди. Ҳозир унда 450 кубокилометр атрофида сув бор. Денгиз ҳажми икки баробар камайди, майдони эса учдан бир ҳисса қисқарди. Қачонлардир чучук сувли денгизнинг ҳар бир литр сувида ҳозир 27 грамм туз мавжуд. Денгиз сатҳи 13 метр пасайиб кетди. Денгиз ташлаб кетган қирғоқда инсон қўли билан яратилган 2,6 миллион гектарли саҳро пайдо бўлди: унга Оролқум деб ном беришди. Оролда сув таркибида оқиб келган миллиардлаб тонна заҳарли тузлар тўпланиб қолган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили денгиз соҳилидаги ўн миллионлаб тонна заҳар-тузлар ҳавога кўтариляпти, чанг-тўзон узоқ масофаларга учиб кетаяпти. Урта Осиёда ўн йиллар давомида пахта вилтига қарши ДДТ заҳарли химикат (дихлордифенилтрихлорэтан) ишлатилди. Бу жуда ҳам собит химиявий бирикма бўлиб, инсон саломатлиги учун ниҳоятда хавфлидир. ДДТ табиатда деярли парчаланмайди, шунга ўхшаган заҳарли химикатлар кўп йиллар мобайнида далалардан оқиб келиб, денгизга тўпланган. Ҳозир бизнинг устимизга заҳарли ёмғир ёғаяпти. Илмий маълумотларга қараганда, 1980 йили Тошкент шаҳрига тушадиган ёғин-сочининг ҳар бир литри таркибида 157 миллиграмм минерал модда бўлган экан. Майда заррачаларга бўлиниб кетган туз-заҳар чанги Ер атмосферасига кўтариляпти: Белоруссия ва Латвия осмонида Орол денгизи соҳилидан кўтарилган заҳарли тузлар учиб юрганлиги қайд этилди.

Сўнги йилларда қорва молларига, балиқларга, қушларга озуқа манбаси сифатида хизмат қилган, одамларнинг қорнини тўйдирган Орол бўйидаги юзлаб табиий сув ҳавзалари, кўллар қуриб қолди. Сирдарё билан Амударёнинг сертармоқ дельталари ҳам таназзулга юз тутди. Кейинги ўн йил давомида Аральск ва Мўйноқдаги икки консерва комбинати учун Болтиқбўйидан, Узоқ Шарқдан балиқ ташиб келтириляпти, Қизил Урдадаги целлюлоза-картон комбинати дельталардаги қамишзорлар йўқ бўлиб кетганлиги туфайли Сибирдан хом ашё оляпти. Денгиз икки юз-уч юз километр атрофидаги ҳарорат режимига ва уч юз-уч юзу эллик километр атрофидаги об-ҳаво намлигига (жанубий томонга) таъсир кўрсатаяпти. Илгари Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошувоз областлари Орол денгиздан эсаётган ҳаётбахш сабодан баҳраманд бўларди. Денгиз қуриётган ҳозирги пайтда эса ёзги ва қишки ҳарорат кўлами 1,5-2 даража ортиб кетди; ҳаво хийла қуруқ бўлиб қолди, одатдагидан йигирма кун аввал қорасовуқ бошланаёпти. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланишига, ҳосилдорликка ва умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига салбий таъсир этаяпти. Орол ҳалокати Оролбўйи аҳолисининг соғлиғига ҳам, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам нохуш ўзгаришлар олиб кирапти.

Жамики тирик мавжудотнинг сувга ташналиги қондирилмаётгани оқибатида регион табиати инқироз бўсағасига келиб қолди, қирилиш жараёни тезлашиб кетди. Айниқса, Амударё дельтаси катта талофот кўрди. 800 минг гектар майдондаги қамишзор ёппасига барҳам топди, дарё қирғоқларидаги қадимий туранғизорлар таназзул арафасида турибди. Дельталар қуриши натижасида ҳайвонот олами мислсиз зарар кўрди — уларнинг миқдори деярли беш баравар камайди. Оролнинг қуриши ва ичимлик сувининг етишмаслиги туфайли рўй берган энг катта экологик талофат — бу биологик олам ҳалокатидир.

Орол ва Оролбўйи экологик ҳалокатга учради. Олимлар бу ҳолатни регионал миқёсидаги қалтис вазият деб атадилар, чунки у бутун Урта Осиёни қамраб олган. Маълум тоифадаги жумладан, олиймақом давлат ва партия арбоблари пишиб келаётган оғир аҳволни билардилар. Бундан олимлару мутахассислар ҳам хабардор эдилар. Урта Осиё республикалари ва жанубий Қозоғистон иқтисодий, экологик инқироз арафасида турганини, сув ва ер ресурсларини беҳуда исроф қилавериш ярамаслигини билардилар, лекин яқинлашиб келаётган ҳалокат хавфини онгли равишда ҳалқдан яшириб келдилар. Шунинг учун ҳам СССР Сув хўжалиги министрлиги томонидан Оролни «табиатнинг хатоси» деб эълон қилиниши ва унинг истиқболи забун эканини башорат қилиниши тасодифий ҳодиса эмас.

Маҳкама чопонига доғ туширишни истамаётган баъзи кимсалар, Сув хўжалиги министрлигини ва унинг раҳбарларини ёмонотлиқ қилиш учун журналистлару публицистлар аҳволни бузиб

кўрсатилар, деб даъво қилмоқда. Аслида, ҳеч ким, ҳеч нарсани тўқиб чиқараётгани йўқ.

Уч йил муқаддам матбуот вакиллари билан СССР Сув хўжалиги министрлиги коллективнинг учрашуви чоғида журналист Юрий Лушин министр Васильевдан (у киши шу йилнинг март ойда пенсияга чиққанлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди) қуйидаги саволга жавоб беришни илтимос қилган эди:

— Николай Фёдорович, сизга маълумки, Орол денгизи қурияпти, дарёларнинг суви Оролга етиб бормаяпти — йўл-йўлакай дарё сувлари талон-тарож қилиняпти; балиқлар қирилиб кетди, минглаб балиқчилар ишсиз қолди, Борсакелмас оролидаги кўриқхонада қулонлару жайронлар ҳалок бўляпти. Хўш, Оролнинг йўқолишини Сиз қандай баҳолайсиз?

— Қандай баҳолардим, ҳисоб-китобларга қараганда, денгизнинг баҳоси тўқсон миллион сўм тураркан... — деб жавоб берган эди министр совуққонлик билан.

Мана, сизга жавоб!

### КУНДАЛИКДАН

Помирдан то Оролгача — ҳеч қаерда сув ҳақида, унинг гидрохимик анализи тўғрисида маълумот ололмадик. Балки, бундай маълумотлар ростдан ҳам йўқдир ёки атайлаб беришмади — яширишди. Сир сақланади, дейишди. Ичимлик сувининг химиявий таркиби тўғрисидаги маълумотлар аҳолидан ҳам сир тутилади. Оролдан бошлаб ўзимиз сувдан намуна олишга қарор қилдик. Шисаларни Ленинградга жўнатдик: экспедициямиз охирида одамлар (асосан Оролбўйи аҳолиси) истеймол қилаётган сувнинг таркиби борасида аниқ маълумот олмақчимиз.

Қизил Ўрда, 25 сентябрь.

Учсойда 10 минг киши яшарди. Ҳозир минг киши атрофида аҳоли бор, холос. Ҳақиқий ишсизлик пайдо бўлди. Қачонлардир гуллаб-яшнаган Аральск шаҳрида ҳозир 5 минг ишсиз мавжуд. Ўттиз минг аҳоли яшайдиган шаҳарда ҳар учта кўп болали оиланинг биттаси ҳеч қандай даромад манбаига эга эмас. Яқинда район бўйича иш ҳақига кўшимча коэффицент жорий этилган бўлса-да, лекин ишсизлар бундан ҳеч қандай фойда кўришмади.

Ич терлама касалига йўлиққан беморлар миқдори 29 баробар, сариқ касаллар эса 7 баробар ортиб кетди. Янги туғилган 1000 чақалоқнинг 100 таси бир ёшга етмасдан вафот этяпти. 15 мингга яқин киши шаҳарни тарк этди. Аральск шаҳри экологик ҳалокат марказида жойлашган бўлиб, у шу кунларда тез ёрдамга муҳтождир.

Аральск, 26 сентябрь.

Ўрта Осиёда сентябрь охири — октябрь бошлари олтин давр ҳисбланади. Нарх-наволар-чи? Тошкент, Фарғона, Самарқанд бозорларидаги баҳолар ёз ойларидаги Москванинг бозор баҳосидан сираям қолишмайди. Қизил Ўрда ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бир кило тарвуз нархи — 50 тийин, қовун эса 60 тийин, узум 1—2 сўм, олма 3 сўм, помидор 1 сўм, олхўри 3 сўм, бир боғич ошкўк 20 тийин; қуритилган мева-чевалар: ўрик 7 сўм, қора майиз ҳам 7 сўм, бодом 12 сўм, писта 16 сўм.

Қизил Ўрда, 26 сентябрь.

### ОРОЛНИ КИМ ЖУВОНМАРГ ҚИЛДИ!

Сўраб-суриштириб келинса, Орол денгизини маъмурий-бўйруқбозлик системаси ва ўша система асосига қурилган мечкай, чиқимдор, зараркунанда сиёсат жувонмарг қилди. СССР Сув хўжалиги министрлиги Орол денгизини ва Оролбўйини барбод этишда жонбозлик намуналарини кўрсатди. Бу улкан маҳкама қўлида мисли кўрилмаган ишчи кучлари, маблағ (икки миллион киши хизмат қилади; бир йиллик бюджети 10 миллиард сўмни ташкил этади), кўплаб (150 дан ортиқ!) илмий ва лойиҳалаш муассасалари жамғарилгандир. Қанчалик кўпроқ маблағ сарфланса, маҳкама шунчалик яхши ишлаётгандай бўлиб кўринарди. Сув хўжалиги министрлиги ўз сиёсатини юқоридаги давлат идораларининг, ташкилотларининг фаолияти билан чамбарчас боғлаб юборгани тўғрисида у нима қилаётганини ҳеч ким билмайди, барча ишлари қатъиян сир сақланади. Назоратсизлик оқибатида «дим-дим қалъаси» бўлмиш Сув хўжалиги министрлиги ҳамон суғориладиган ерларда ўзининг бузғунчилик фаолиятини давом эттирмоқда. Орол ҳалокати учун СССР Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигидаги амалдорлар жавобгардирлар — экспедиция қатнашчилари ана шундай хулосага келдилар. Сув хўжалиги министрлиги ва унинг ташкилотлари мислсиз даражада хўжасизликка йўл қўйганлар: ер ости сувлари ўттиз метрлик чуқурликдан ҳалокатли нуқтагача — ер юзасидан икки, бир ярим, бир метр пастликка қадар кўтарилиб келган. Бебаҳо бойлик саналмиш СУВ уйлари ертўраларини лиқ тўлдирипти, пойдеворларни чўктиряпти, саҳрони кўллапти, яйловларни хароб этиб юборяпти. Амударё билан Сирдарё ҳавзалари остидаги сувлар шўрлиги, заҳарлангани тўғрисида ичишга мутлақо ярамайди. Ўз вақтида бундай сувлар 16 кубкилометр эканлиги аниқланган эди. Худо кўрсатмасин-у, назаримда, ҳақиқий фожиа ҳали олдинда шекилли — ер остидаги сув билан ер сатҳидаги сув туташса борми, иннайкекин кўрсасиз!..

### КУНДАЛИКДАН

Кусқўл — Нукус яқинидаги шаҳарча. Камина қадам ранжида қилган хонадонларда деҳқонлар яшамайди, лекин уларни шаҳарликлар ҳам деб бўлмайди. Аслида, бу шаҳарча Оролбўйидаги қишлоқлардан деярли фарқ қилмайди.

Кўпчилик бу ерга кўчиб келиб, кўримсиз кулбалар тиклаб, бир амаллаб иш топиб олди. Энди нима бўлади? Энди фақат кутиш керак; балки омад кулиб боқар?! У ерда — колхозда ҳам, бу ерда — шаҳарда ҳам ўзининг кўрсатишининг иложи йўқ. Эҳтимол, қадоқ кўллар ўзига муносиб иш топиб оларди, одамлар офатдан омон-эсон қутулиб кетишарди, лекин система бунга йўл

қўймапти: ташаббусни бўғяпти — оёқ-қўлни чирмаб ташлаган. Бўшатмайди! Одамзот ўз тақдирини ўзи яратади, деган мақол бор. Аммо бу ерда одамзот ночор, нотавон.

Пахта одамларга бахт келтирмади. Шаҳарда ҳам ширин ҳаётнинг шарпаси сезилмаяпти. Бу ерда водопроводни излаб овора бўлмагн — йўқ, иситиш марказини ҳам сўраб юрмагн, газ ва бошқа қўлайликлардан умидвор бўлмагн, арзимас социал шароит ҳам анқонинг уруғи. Буларнинг ҳеч бири бу ерда йўқ. Аввал ҳам бўлмагн. Сталин, бизда социализм узил-кесил ва батамом ғалаба қозонганини эълон қилган чоқда ҳам, Хрушчёв 60-йиллардаги авлод коммунизмда яшайди, деб ваъдани қуюқ қилган замонларда ҳам йўқ эди. Ҳатто Брежнев социализмни ривожланган ва реал деб айюҳаннос солган пайтда ҳам бу ерда социализм бўлмагн.

Ҳарбий хизматга қақрилувчилар пунктида полковник билан подполковник маҳаллий ёшларнинг аҳволи тўғрисидаги саволларимизга: «Уларнинг ҳаммаси қурилиш батальонларига борадилар», деб бир хил жавоб қайтардилар, холос. Йўқни йўндириб бўлмайди: маҳаллий ёшлар рус тилини яхши билмайдилар (айни чоқда, полковник билан подполковник ҳам маҳаллий аҳоли тилини яхши билмайдилар), дунёқарашлари ҳам чекланган, саломатликлари ҳаминқадар. Лекин конституция бўйича уларни ҳарбий хизматга жалб этиш лозим. Эҳтимол, улар тилни ўша жойда ўрганиб олишар? Кошкийди! Саломатлик-чи? Уни қандай тузатиб бўлади? Ахир саломатлик фақат озиқ-овқатга боғлиқ эмас-ку. Маданий савия-чи? Бўлажак аскарлар умрлари давомида пахтадан бошқа яна нимани кўрдилар? Қорақалпоғистонда ҳар беш йигитдан биттаси (баъзи районларда эса ҳар тўрттадан биттаси) вази энгиллиги ёки бўйи пастлиги туфайли жанговар хизматга яроқсиз деб топилди.

Нукус, 1 октябрь.

Орол деярли уч миллион кишини едириб-ичиради...

Мўйноқ. Сув хўжалиги министрлигидаги масъул ходимларнинг гапларига қараганда, энди бу ерга ҳеч қачон денгиз қайтиб келмайди. Бу ерда рисоладагидай шаҳар мавжуд эди — балиқчилар маскани, бандаргоҳ бор эди. Ям-яшил, сўлим шаҳар эди. Балиқ консерваси тайёрлайдиган комбинат тўла қувват билан ишларди. Район ҳар йили давлатга ўн минг центнерлаб балиқ топширарди. Об-ҳавоси ҳам ажойиб эди: ноябрь ойида ҳам денгизда чўмилишарди...

Мўйноқ дастлаб Оролга жойлашган эди. Кейин ярим орол ҳосил бўлди. Ҳозир эса саҳронинг ўртасида қаққайиб турибди. Денгизгача эллик километр масофа бор. Одамлар шаҳарни, районни тарк этишяпти. Балиқчилар артели инқирозга учради, тўрлар аллақачон чириб битган, балиқ овлайдиган кемалар қаровсиз қолди: яп-янги-ю, лекин бировга сариқ чақалик фойдаси йўқ... Ерлиқларга «Жерех», «Судак», «Леш», «Осетр», «Сом» деб битилган консерва банкалари Мўйноқда худди музей экспонатларидай сақланмоқда. Авваллари Оролда мана шу балиқлар овланарди. Энди консерва комбинати Атлантика океанидан келтириляётган балиқларни қайта ишляпти. Ишлаб чиқариш қисқартирилди. Одамлар қаерда ишлашни ҳам билмайдилар. Аҳолининг деярли тенг ярми — денгизчилар, ўқувчилар, врачлар, муҳандислар Мўйноқни тарк этдилар. Лекин 17 минг киши ҳозирча яшаб турибди. Уларни ота-боболарининг қабрлари қўйиб юбормаяпти. Қолганлар ҳар йили шаҳар аэропортидаги шиорни янгилаб туришибди: «Балиқчилар шаҳри бўлиш Мўйноққа хуш келибсиз!»

Мўйноқ, 2 октябрь.

Қачонлардир боғ-роғлар бўлган жойларда ҳозир пахта ўсяпти. Менга ҳикоя қилишларича, беш йилча аввал Қашқадарё областида бирийўла тўртта боғдорчилик совхозини тугатиб, ўрнига пахта экиб юборишибди. Муҳтожлик туфайли шундай бўлдимикан? Қайдам. Деҳқонлар яшайдиган уйларнинг остонасигача чигит қалади, кўм-кўк ғўзалар деразадан мўралаб туради. Урта Осиёда супрадай жойга ҳам пахта экилаверади, ҳатто боғларда дарахтлар орасига-да пахта экилади. Ҳар гектар ердан 23 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун юзлаб килограмм минерал ўғит, ўнлаб килограмм захарли химикат сепилади, нормадагидан икки ҳисса ортиқча сув қўйилади. Ҳосилдорлик жаҳон стандартига қараганда анча паст. Кейинги пайтларда ҳосилдорлик тобора пасайиб боряпти. Сифат кўрсаткичлари самарадорлик соясида қолиб кетяпти.

Бизда мамлакатимизга қанча пахта керак эканини ҳеч ким аниқ билмайди. 9 миллионми ёки 5 миллион? Эҳтимол, тўққиздир. Ундай бўлса, нима учун 2 миллион тонна пахта техник эҳтиёжларга ишлатилаяпти? Нега у учинчи сорт маҳсулотга айлантириляпти? Исрофгарчиликнинг чегараси борми ўзи?! Темир — темир учун, станок — станок учун, пахта — пахта учун. Гўё экономикаимиз бошвоғини йўқотиб қўйганга ўхшайди! Маълум бўляптики, иқтисодий кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса одамларнинг турмуши шунчалик оғирлашаверар экан.

Кўп болали деҳқон оилалари олти сўтни ерга эга, холос. Қурғоқчилик йилларида ундан ҳам бенасиб бўладилар. Чунки сув биринчи галда пахтага берилди. Оилаларда сигир йўқ, қўй-эчки онда-сонда учраб қолади. Кўп болали оилаларда фақат би киши ишлайди — у топадиган 200—250 сўм маош етти-саккиз жонга бўлиниши лозим. Пахта тонналари йилдан-йилга ортиб бормоқда, турмуш кечириш эса тобора оғирлашиб кетяпти.

Жуда кўпчилик деҳқон оилалари эрталаб фақат кўп-қуруқ нон-чоё билан нонушта қиладилар. Бу ерда ҳар бир киши бизда қабул қилинган сут нормасининг ярмини ичса ичади, бўлмаса — йўқ. Мамлакатимиз бўйича ўрта ҳисобда жон бошига 65 килограммдан гўшт ейилади. Урта Осиёнинг қишлоқ жойларида эса 8—10 килограммдан ошмайди.

Қарши, 19 октябрь.

### ОРОЛНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БУЛАДИ!

Фақат биргина Орол денгизи қалтис экологик вазиятни бошидан кечираётгани йўқ. Лекин Орол фалокат тимсолига айланиб қолди. Унинг нафаси Волга, Бойкўл, Ладога, Днепрда ҳам (уни Украина ва Россиянинг ноқоратупроқ ўлкалари орқали Дунай дарёси билан туташтиришга уринмоқдалар) яққол сезилаяпти. «Орол» тамғаси босилган рўйхатни бугун истаганча давом этириш мумкин. Даҳшатлиси шундаки, яқин орада инсоннинг ўзи ҳам мана шу рўйхатдан ўрин олиб

қолиши ҳеч гап эмас. Оролни ва айна чоқда инсонни фақат янгича экологик тафаккур ҳамда ошқоралик кўтариб қолиши мумкин: булар бизнинг ҳаммамизга озгина бўлса-да таскин беради, умидимизни сўндирмайди — демак, яшашга имкон қолдиради.

Урта Осиёда вужудга келган ҳалокатли аҳволни бартараф этиш учун боғ-роғларни, узумзорларни, сабзавот экиладиган майдонларни, йилқичиликни, ҳунармандчиликни зудлик билан тиклаш лозим; пахта экиладиган умумий майдонни кескин — 30—40 фоизга камайтириш керак; илмий асосда алмашлаб экишни ташкил этмоқ шарт; тупроқ унумдорлигини ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўрилмаса бўлмайди; суғориш маданиятини ўрганиш пайти келди; ерларни ижарага — деҳқонларнинг ўз-ўзларига бериш керак; Урта Осиё республикаларида саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққиётининг янги структурасини ҳаётга тадбиқ этмоқ лозим.

Хўш, биз Оролни асраб қолаемизми? Табиатни барбод этадиган маҳкама-монополия механизмини жамоатчилик синдира олармикан? Утган йили пахта етиштириш плани бир оз камайтирилди. Лекин бу йил уни яна кўтариб қўйдилар, илгариги йилларга тенглаштирилди. Устига устак, ўн учинчи беш йилликда 300 минг гектар кўриқ ер ўзлаштириш планлаштириляпти. Демак, яна ҳамма иш эскичасига кетаверар экан-да?! Яна-тагин ер қавланиб, халқ пуллари дафн этилавераркан-да?! СССР Сув хўжалиги министрлиги кейинги йигирма йил давомида Урта Осиёда бир неча ўн миллиард сўмларни шамолга совурди...

## «НОВИЙ МИР» ВА «ПОМИР» ЖУРНАЛЛАРИНИНГ «ОРОЛ-88» ЭКСПЕДИЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВРА СУХБАТИ<sup>1</sup>

**А. А. ТУРСУНОВ, Қозоғистон ССР Фанлар академияси Жўғрофия институтининг лаборатория мудири, жўғрофия фанлари доктори.**

Ҳозир Орол денгизининг қуриб қолган туби 26 минг квадрат километр майдонни ташкил этади. Бу майдоннинг учдан икки қисми худди тузлуққа ўхшайди — шўр кўпчиб ётган тупроқ ва қумликдан иборат. Давлат Гидрометеорология комитетининг маълумотига қараганда, бу жойлардан ҳар йили Орол денгизининг турли томонларига 75 миллион тоннагача қум ва чанг учиб кетаяпти. Лекин булар кўзга кўринадиган, йирик зарралардир. Бизнинг академиямизнинг Тупроқшунослик институти томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларга кўра, ҳар йили денгиз тубидан 65 миллион тонна жуда майда зарраларга бўлинган чанг ва туз «кўчиши» кузатилмоқда. Оролнинг қуриган туби Ер атмосферасига аэрозол этказиб берадиган асосий таъминотчилардан бирига айланиб қолмоқда. Бу қаттиқ зарралар чексиз-чегарасиз масофага учиб бориши мумкин. Тузлар, қум заррачалари Жануб ва Ғарбга тарқалмоқда, Устюрт ясси тизмаларидан осонликча ошиб ўтаяпти-да, қишин-ёзин вертикал ҳолатда буғланиб ётадиган Каспий денгизига тушаяпти. Натижада бу ерда об-ҳавошуносларга, метеорологларга жуда яхши таниш бўлган чангли-тузли булут ҳосил бўляпти ва осмонни фалакка кўтарилиб, узоқ-узоқларга учиб кетаяпти. Айниқса, чангу туз музликлар устига етиб борса борми, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фалокат рўй бериши ҳеч гап эмас. Бахтга қарши, музликлар айнан тузлар учиб бораётган йўлда ястаниб ётибди. Шунинг учун кейинги пайтларда Оролбўйига ёғаётган ёғинларнинг минераллашуви 2 баробар, бевосита Орол территориясида эса 7 баробар ортиб кетгани табиий ҳолдир. Айтмоқчи, Литва ҳамда Беларуссияда ҳам ёғин-сочин минераллашуви кескин ортди. Шамол ёрдамида Орол тубидан кўтарилаётган тузлару чанг туйфайли Ер атмосфераси 5 фоиз ортиқроқ ифлослана бошлади. Ҳақиқий шароитни яхши биладиган киши сифатида, энди биз Оролбўйида қалтис экологик вазият вужудга келгани ҳақида эмас, экологик ҳалокат билан юзма-юз турганимиз тўғрисида гапиришимиз лозим, думоқчиман. Агар Орол денгизи қурийверса, ҳалокат сарҳадлари ҳам кенгайиб бораверади, қорбонлар миқдори ҳам тўхтовсиз ортаверади — устига устак, камина юқорида зикр этган тузлар химиявий жиҳатдан ниҳоятда фаол эканини эътиборга олсак, фалокат оёқ остида турганига амин бўлишингиз мумкин.

Шундай қилиб, Оролбўйидаги экологик ҳалокатни қўл қовуштириб кутиб ўтиравериш ярамайди. Денгиз қуриб битаётганини ҳам, табиат барбод бўлаётганини ҳам лоқайд кузатиб туролмаймиз. Қандай қилиб бўлса-да бу жараёни тўхтатиб қолиш керак. Акс ҳолда, келажак бизни икки дунёда ҳам кечирмайди!

Нима қилмоқ керак? Авваламбор, шу йилдан бошлаб дарёларнинг юқорию қуйи оқимида жойлашган регионларда сув тақсимоти лимитини камайтириш зарур. Биз экспедиция чоғида оддий сувчидан то обком секретаригача бўлган кўплаб маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдик, улар бир овоздан: «Урта Осиёда сув истеъмоли лимитини бемалол 20 фоиз қисқартириш мумкин», дейишди. Шундан кейин Оролга ҳар йили 20 кубокилометр сув қуйилиши мумкин. Ҳозирча энг тўғри йўл шу — насия гаплардан кўра, нақди афзал!

Орол озикланиши мумкин бўлган иккинчи манба — Амударё билан Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ўзанларида таркиб топган сон-саноксиз кўлоблардир. Айниқса 1988 серёғин йили вужудга келган кўлобларга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Маълумки, шу йилгача Амударё ҳам, Сирдарё ҳам денгизга етиб бормасди — 1988 йили Оролга сув тушди. Тошқин натижасида қирғоқларни сув босди, яйловлар кўлга айланди. СССР Гидрометеорология давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль бизга ажойиб харитани намойиш қилди: биз унда кўм-кўк рангга бўялган бепоён далаларни кўрдик. Демак, кўлоблардаги сувларни иктисод қилиш ва дарёлар қирғоғини кўтариб, тошмайдиغان қилиш эвазига ҳар йили 3 кубокилометр сув тежаб қолиш мумкин экан.

Ниҳоят, менинг назаримда, Сирдарё бўйларига сув омборларини қовундай «экиб» ташлашган шекилли. Уларнинг умумий ҳажми дарёнинг кўп йиллик оқимига тенгдир. Бу нима дегани бўлди? Бунинг маъноси шуки, қурғоқчилик йилларида Чордара сув омборидан этакдаги дарё ўзанида бир томчи ҳам сув қолмайди. Яъни, Орол оғзини очиб ётаверади. Назаримда, Чордара,

<sup>1</sup> Давра суҳбати стенограммаси қисқартирилган ҳолда босилляпти.

Туямўйин каби сув омборларининг фойдасидан кўра, зарари кўпроқдир. Демак, сув тақсимоти сиёсатини қайта куриб чиқмоқ даркор ва юқорида қайд этилган сув омборларини тугатиш керак.

Хуллас, ана шу маслаҳатларга амал қилинса, 1990 йили биз ҳукумат қарорига кўзда тутилгандай дараёга 8,7 кубкилометр эмас, балки Орол денгизи сатҳини пасайтирмасдан туришга етадиган миқдорда — 30 кубкилометр оби ҳаёт қўйишимиз мумкин. Кейин қолқоғи очилиб қолган «тузлук» аста-секинлик билан тузларни атмосферага «туфлаб» юборадию денгиз суви чучуклаша бошлайди. Охир оқибатда, атмосферага учиб чиқаётган туз миқдори ҳам камаяди. Бундан ташқари, Орол денгизининг Ер шароитига кўрсатаётган ҳалокати таъсиридан ҳам қутуламиз.

### **В. И. ПЕРЕВЕДЕНЦЕВ. Халқаро ишчилар ҳаракати институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати, аҳолишунос.**

Одатда, маҳкама ва маҳаллий манфаатлар бир-бири билан ит-мушук бўлади, лекин Урта Осиёда бунинг тескариси бўлди: Ўзбекистон раҳбарларининг манфаати СССР Сув ҳўжалиги министрлигининг манфаати билан «йиғлашиб» кўришди. Бизнинг қўлимизда шунга алоқадор ҳўжатлар бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Москвага ариза жўнатади, Урта Осиёда сув етишмаётганидан нолидилар ва 1990 йилгача Сибирь дарёсини Урта Осиёга буриб беришни талаб қиладилар. СССР Сув ҳўжалиги министрлиги ҳам худди шу йўналишда ҳаракат қилади, албатта. Биз ҳозир юзма-юз турган экологик ҳалокат онгли равишда вужудга келтирилди: шунинг учун қайси ҳолатда ҳисоб-китоб нотўғри қилингани ҳам, қайси ҳолатда эса тўғридан-тўғри жиноят рўй бергани ҳам очиқ-ойдин айтилиши керак. Мен Урта Осиёда бўлган вақтимда бу ҳодисага тегишли жамийи ҳўжатларни тўплаш лозимлиги ҳақида, «Орол иши» бўйича «Оқ китоб» юриштиш кераклиги тўғрисида кўп гапирганман. Тажрибали ҳўқуқшунослару архившуносларни жалб этиш даркор. Ушанда биз рўй берган ҳодисани худди кинолентадагидай бемалол томоша қилардик, ҳўкм чиқарардик.

Сув ҳўжалиги министрлиги ходимлари: «Бизнинг нима алоқамиз бор? Бизниям зўрлашди-да! Биз юқори ташкилотларнинг кўрсатмасини, қарорини ижро этдик, холос. Ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ер экан-да!» деб жар солишдан сира чарчашмайди. Менимча, ҳақиқий воқеа бошқача бўлган. Сув ҳўжалиги министрлиги мамлакатимизнинг олиё раҳбарлигида шундай хоҳиш тўғдирган, уларга тазийқ ўтказган — нотўғри маълумотлар берган, кўрқитган: «Агар Сибирь сувлари Урта Осиёга етиб бормаса, ў-ў, ҳаммамизнинг уйимиз куяди!» деган, фақат суғориш натижасида қишлоқ ҳўжалигини кўтариш мумкин, деган ноилмий уйдирмага ҳаммани ишонтирган. Кейин юқори поғоналарда қарорлар қабул қилинган. Ўз-ўзидан равшанки, қўйидагилар ўша қарорларни ижро этганлар. Лекин аслида қарорни айнан Сув ҳўжалиги министрлиги тайёрлаган, юқоридагиларнинг кўнглига қутқу солганлар ҳам шулар!

Ҳозир Сув ҳўжалигидагилар бизни бошқа бир «олабўжи» билан кўрқитишяпти: эмишки, йигирма беш йилдан кейин Урта Осиё аҳолиси икки баробар кўпайиб кетади ва 60—65 миллион кишига етади. Мен аҳолишунос сифатида айтишим мумкинки, бу баҳорат ҳам ғирт ЎЛҒОН. Урта Осиёда туғилиш миқдори тезлик билан камайиб бормоқда, мутахассис бўлмаган киши бу ҳолни пайқамаслиги мумкин, чунки у туғилишнинг умумий коэффицентига қараб, яъни мингга аҳолига нисбатан нечтадан янги туғилаётган чақалоқ тўғри келаётганини ҳисобга олиб ҳулоса қилади. Аҳолишунослар эса бошқача мезонга суянадилар, аниқ кўрсаткичлардан фойдаланадилар. Масалан, ёш коэффицентини олайлик. Келинлар, ана шу мезонга асосланиб, айтايлик, Ўзбекистонда ҳақиқий аҳвол қандай эканини кўриб чиқайлик.

70-йилларнинг бошларида 30 дан 35 ёшгача бўлган минг нафар ўзбек аёли 248 та фарзанд кўрган бўлса, 80-йилларнинг ўрталарида бу кўрсаткич 183 тага (ҳар йили) тушиб қолди. 35 ёшдан 40 ёшгача бўлган аёллар 70-йилларнинг бошлари 202 та, 80-йилларнинг ўрталарида эса бор-йўғи 102 та бола туғдилар. (Кўрясизми, туғилиш деярли икки баробар камайиб кетган!) Умуман олганда, Ўзбекистонда кейинги ўн беш йил мобайнида туғилиш тахминан 15 фоиз камайган. Агар қизлар қишлоқлардан шаҳарларга кела бошласалар ва саноат корхоналарида, муассасаларда ишласалар борми, улар ҳаёт ҳақида бошқачароқ ўйлай бошлайдилар, эҳтиёжлари, дунёқарашлари ҳам ўзгаради, хуллас, улар болани кўпайтиришга ошиқмайдилар. Худди шу ўринда ижтимоий-иқтисодий сиёсат ўз кучини намоён этиши лозим. Афсуски, бугун у самарасиз. Ҳозир Урта Осиё ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мамлакатимиздаги энг қоқоқ, бошқа районлар ортида судралиб қолган район ҳисобланади. Бу ҳолни бизнинг расмий маълумотномаларимизда ҳам яққол кўришингиз мумкин, лекин ундаги баъзи рақамларга танқидий ёндашмоқ зарур. Урта Осиёда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда миллий даромад тобора камайиб кетяпти; аини пайтда мамлакатимиз бўйича бу кўрсаткич ҳамон ўсаётганлиги кузатиляпти.

СССР Олий Советининг 1988 йилги охириги сессиясида биринчи марта Урта Осиё республикаларининг қарз кўтараётгани тўғрисида ошқора айтилди ва 1989 йилда Умумиттифоқ бюджетидеги бу миқдор 5,9 миллиард сўмини ташкил этиши қайд этилди. Лекин баъзи бир кимсалар вужудга келган бу вазиятни ўзича талқин этишга уринмоқдалар. Бундан икки йил олдин мен Узоқ Шарқда ёзувчи П. Проскуриннинг маърузасини тинглаган эдим. У шундай деган эди: «Бизни миллатчиликда айблайдилар; наҳотки биз, Урта Осиёда турмуш шароити Россиядагига нисбатан уч-тўрт марта юқори десак, бирдан миллатчига айланиб қоламиз?» Яна бир марта такрорлайман: ҳозирги Урта Осиё ниҳоятда қоқоқ ўлка. Биз буни билишимиз керак ва ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз, «Ў-ў, Урта Осиё республикалари ақл бовар қилмайдиган даражада гуллаб-яшнаяпти», деб айюҳаннос солмаслигимиз керак.

### **А. С. МОНИН, СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси (Москва).**

Мен сизларнинг экспедициянгизда қатнашганим йўқ, лекин Урта Осиё республикаларида ўн мартача бўлганман ва ўз кўзим билан кўп нарсаларни кўрганман. Камина пахта майдонларини кескин камайтириш шарт эканлиги тўғрисидаги таклифларни тўла-тўқис қўллаб-қувватлайди. Назар





узун, лекин гапни мухтасар қиламан: пахта мустақиллигига эришмоқ лозим эди. Кейинчалик пахта озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам, биринчи навбатда буғдойни сиқиб чиқарди. Пахтазор йилдан-йилга кенгайиб бораверди. Натижада Ўрта Осиёга (жумладан, Қорақалпоғистон билан Туркманистонга ҳам) асосан пахтадан даромад келадиган бўлди. Пахта — Ўрта Осиё республикаларида тараққиёт суръатини кўрсатадиган, миллий даромадни акс эттирадиган «барометр»дир.

Бундан ташқари, пахтачиликнинг ривожланишига қараб район ва област раҳбарларининг билимдонлиги, қобилияти тўғрисида ҳукм чиқариларди. Пахтачиликни юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун одамларга мукофот бериларди, муваффақиятсизлик учун эса раҳбарлар ишдан олинарди. Пахта амалда бошқа экинларни сиқиб чиқарди. Ўрта Осиё республикаларининг бир қатор районларида ҳатто чорвачилик ҳам ривожланмай қолди. Йилдан-йилга план ошириларди, унумдор ерларга фақат пахта экиларди, яроқсиз далалар эса йўнғичқа экиш учун ажратиларди. Бепоён ўлкада бир пайтлар хилма-хил шафтолилар, олмалар, узумлар, анорлару қовунлар етиштирилгани ҳамманинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Шунинг учун буғун ўрик туршаги нонга нисбатан 50—60 марта қиммат эканига ҳеч ажабланмаса ҳам бўлади.

Бугун биз мамлакатимизга қанча ва қандай пахта кераклигини аниқ билишимиз лозим. Шу пайтгача қанча кўп пахта етиштирилса-да, лекин барибир кам, дейиларди. Энди бундай шароитга чидаб бўлмайди.

### **М. А. АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш Кенгашининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари доктори.**

Экономикамизнинг бедаво дардга мубтало бўлган аъзоси — ҳозирги баҳо системасидир. Бу система 20-йилларда таркиб топган бўлиб, қишлоқ хўжалигидан пулларни суғуриб олиб, саноатга узатиш принципига асосланган. Ўз навбатида энгил саноатдаги ва озиқ-овқат саноатиди пуллар оғир саноатга, оғир саноатдан эса мудофаа саноатига узатилади. Шунинг учун хом ашё тайёрлайдиган қишлоқ хўжалиги районларига ажратиладиган маблағ нечоғлик оширилса ҳам, экин майдонлари қанчалик кенгайтирилса ҳам, сув тўлиб-тошиб ётса ҳам, лекин у ердаги ҳаёт тобора оғирлашиб бораверади. Ўрта Осиё бунга яққол мисолдир: одамлар ҳолдан тойгунча меҳнат қиладилар, аммо меҳнатга яраша ҳақ олмайдилар. Чунки баҳолаш муаммоси адолатли ҳал этилгани йўқ. Ахир бир тонна буғдой етиштириш учун бир тонна пахта етиштиришга қараганда беш баробар кам меҳнат сарфланади, бироқ уларни давлатга сотиш ўртасидаги тафовут 3—5 ҳиссани ташкил этади, холос.

Ҳўш, биз сувдан қандай фойдаланяпмиз? 54 кубокилометр сувнинг 32 кубокилометри пахтага сарфланади. Биз Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга ва капиталистик давлатларга 600 минг тонна пахта толаси жўнатамиз. Агар ўша маҳсулотни етиштириш учун сарфланган намликни ҳисоблайдиган бўлсак, бу 12—14 кубокилометр сувни ташкил этади. Бунинг эвазига Ўзбекистон мамлакат «ҳамёни»га тушадиган валютанинг бор-йўғи 1,5 фоизини олади. Афсуски, ўша валюта ҳам республикага етиб келмайди. Уни Давлат Агросаноати тортиб олади. Республикалар пахта етиштиришдан ҳеч қандай манфаатдор эмас. Кўпдан бери бизга, шу жумладан ўзбеклар, тожиклар, туркманларга интернационал бурч мавжуд эканини уқдириб келишади, — аввало ўзимизнинг интернационал бурчимизни адо этамиз, қолган ишлар кейин ҳам бўлаверади, — деб тарбия беришади.

Амин бўлишимча, бизнинг республикамиз СССР Давлат Агросаноати ва Енгил саноат министрлиги олдиди қандайдир ғалати мажбуриятини адо этаётганга ўхшайди. Ўрта Осиё экономикаси ни давлат эмас, СССР Сув хўжалиги министрлиги, Агросаноат, Енгил саноат министрлиги каби идоралар ҳозирги ачинарли аҳволга солиб қўйди.

### **У. АБДУРАҲМОНОВ, Ҳужжатли фильмлар студиясининг директори, ёзувчи (Нукус).**

Утган йили Совет Иттифоқида 5 миллион 600 мингта чақалоқ туғилгани қайд этилди — бу мамлакатимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. Уша йили Қорақалпоғистонда туғилиш 2 фоиз камайди. Автоном республика болалар ўлими бўйича Иттифоқимиздаги олдинги ўринлардан бирида туради. Бир қатор районларда янги туғилган ҳар 1000 чақалоқдан 92—118 нафари ҳалок бўляпти.

Айтмоқчи, болалар ва оналар ўлимининг фожиали тус олишига қорақалпоқларнинг ўзлари сабабчидир, чунки улар гигиена қоидаларига амал қилмайдилар, деҳқончилик маданиятини билмайдилар, деб дод-вой қилаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Менимча, фожианинг асл сабаби бошқа томонда. Медикларнинг шаходат бершича, Қорақалпоғистонда аёлларнинг 94 фоизи анемия, аъни камқонлилик касалидан азоб чекмоқдалар, балоғат ёшига етган кўпчилик ўсмирлар эса ҳарбий хизматга яроқсиздир. Бунга гигиенанинг унчалик алоқаси бўлмаса керак. Негаки, улар ҳеч қачон тўйиб овқат емайдилар, инсон организми учун зарур бўлган калория танқислигини бошдан кечирадилар. Оммавий очлик натижасида оммавий камқонлилик вужудга келмоқда.

Яна битта ғалати ҳол шундан иборатки, пахтазору шолиторларни кўпайтириш учун орқа-олдимизга қарамай янги ерларни ўзлаштиравердик, оқибатда денгиздан маҳрум бўлдик. Биз эски ерларимиздан самарали фойдаланиш илмини ўрганиб олмаган шароитда, кўриқ очишга киришиш шартмиди?! Ҳўш, сифатсиз тола берадиган бизнинг пахтаимиз кимга керак?

Бизда чорвачилик мутлақо барбод бўлди; боғлар, узумзорлар, сабзавотзорлар бузиб ташланиб, ўрнига пахта экила бошланди.

### **И. Г. ЧЕРВАНЕВ, Харьков Давлат университетининг кафедра мудир, техника фанлари доктори.**

БМТда муҳокама этилган ҳужжатда қуйидаги сўзлар мавжуд: «Кейинги ўн йиллар мобайнида бениҳоя ҳалокатли тус олган кўламдор табиатқушлик ядровий фожиадан шу жиҳати билан фарқ қиладики, у инсониятни бирпасда йўқ қилиб юбормайди, балки жон жойини аста-секин пугурдан кеткизиб боради». Бу сўзлар Оролбўйи муаммосига ҳам бевосита тегишлидир. Бугунги Оролнинг ҳолати барчамизга сабоқ бўлмоғи лозим, чунки биз кўп йиллар давомида табиатга фавқулодда беозор муносабатда бўляпмиз деб, кўнрагимизга мушглаб келдик, оғиз кўпиртириб мақтандик.

Назаримда, атроф муҳитнинг бузилиш жараёни аллақачоноқ табиатнинг ўз-ўзини бошқариш механизмига, табиий тиклиниш механизмига таъсир кўрсатган. Бу ҳол жамоатчилик этиборидан четда қолди, шунинг учун мен уни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчиман. Табиатни тизик мавжудот сифатида тасаввур этиш учун унинг мислсиз ресурсларини қафтга қўйиб кўриш лозим. Ресурслардан маҳрум бўлиб қолмаслик учун эса табиат механизмидаги ноқисликларни сошлаб қўйишимиз шарт: жумладан, тупроқ ҳосилдорлигини, сувнинг ўз-ўзини тозалаш механизмини, жумладан, — коллектор-дренаж йўлларини тиклашимиз керак. Оролдаги ҳаётни тиклаш ҳам мана шу йўсинда амалга оширилиши керак. Афсуски, Орол регионида ҳатто кузатиш тармоқлари ҳам йўқ. Аҳволни синчиклаб кузатмасдан, теварак-атрофдаги ўзгаришлар жараёнини аниқ билмасдан туриб қандайдир хулоса чиқариш ҳам, амалий ишга қўл уриш ҳам мумкин эмас...

### **В. А. ТИХОНОВ, ВАСХНИЛ академиги (Москва).**

Менимча, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги ҳамон турғунлик даври аънагалари асосида «ривожланмоқда». Расмий таъкидланаётганидек, биз ҳақиқатдан ҳам иқтисодий кризисни жар ёқасида тўхтатиб қолишга эришдикми, ёки ҳозир кризис ҳолатни бошимиздан кечиряпмиз, кейинги икки ярим йил давомида аҳволни сезиларли даражада яхшилашга эришдик, десак тўғрироқ бўлади-ми? Ҳозир одамлар учун ҳаётнинг зарурият бўлмиш озиқ-овқат муаммоси хусусида гап кетяпти, демак, биринчи галда қишлоқ ҳўжалиги муаммоларига тўхталмай иложимиз йўқ. Тўғри, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида баъзи бир ижобий натижалар кузатилмоқда. Лекин бу натижалар қишлоқ ҳўжалиги асосларини тубдан ўзгариши билан эмас, маълум объектив факторларнинг тасодифий оқими қўшилиши туфайли рўй берди деб ўйлайман.

Шунга қарамай деҳқончилик соҳасига ажратилаётган маблағ тобора ортиб борапти. Мана, энди қайта ишлаш саноати ривожланиши учун 77 миллиард сўм бермоқчимиз. Лекин мен бу 77 миллиард ҳам, худди мелиорацияга сарфланган маблағ сингари яна-тагин ўша тубсиз ўпқонга тушиб йўқ бўлиб кетмасайди деб кўрқаман. Орол фожиаси — бу умуман қишлоқ ҳўжалигимиз умумий фожиасининг ёрқин кўринишларидан бири, холос.

Матбуотда сарф-харажатлардан қандай фойда келаётгани ҳақида маълумотлар берилди. Барча асосий мелиоратив программаларнинг муаллифи бўлмиш СССР Сув ҳўжалиги министрлигининг иқроор бўлишича, ўтган беш йилликда мелиорация соҳасига сарфланган маблағ фақат йигирма беш йилдан кейингина ўз-ўзини қоплар экан. Чорак аср — бу битта авлоднинг умри-ку, ахир! Мен ўз ҳамкасбларим билан биргаликда ҳафсала билан ҳисоб-китоб қилиб кўрдим: ҳақиқатда сарфланган маблағ ўрни йигирма беш йилдан кейин эмас, бир юзу тўрт-бир юзу етти йилдан кейингина қопланар экан! Мамлакатимиз ресурсларини юз йилдан кейин қайтариб олишни умид қилиб сочавериш тўғримикиан?

Оролга этиб бормаётган сув эвазига етиштирилаётган пахта тақдири нима бўлаётганини ким билади? Ҳар йили 8 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси тайёрлаган мамлакат ўзини пахта газламасига бўлган эҳтиёжини қондириятими? Мен мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хом ашёси нимага ишлатилаётганини аниқлашга жуда кўп уриндим, лекин саволига барибир жавоб тополмадим.

Бугун биз идоравий монополизм нима эканлигини, дунёдаги бирорта мамлакатда учраши амримаҳол бўлган энг юқори даражадаги марказлаштириш нима эканлигини яққол тасаввур этишимиз лозим. У қаёқдан пайдо бўлди? Менинг назаримда, идоравий монополия давлат аппарати билан чатишиб кетган ва биз ҳозир фақат тармоқ монополияси билан юзма-юз турганимиз йўқ. Бизда давлат иқтисодий монополияси тузуми вужудга келди. Токи бизнинг ҳўжалик системамизда ана шу давлат иқтисодий монополияси яшаб тураверар экан, халқ, жилла кўрса, энг аҳмоқона ҳўжалик қарорларига қарши туриш имкониятига ҳам эга бўлмайди. Шунинг учун энди биз қайта қуришга аввалгига нисбатан хийла кенгроқ, жиддийроқ қарашимиз лозим. Экономикамиз тараққиётига ҳақиқий замин ҳозирлаш учун дастлаб бизнинг ҳўжалик системамиздаги идоравий монополизм ғовини енгиб ўтишимиз лозим.

Мен эқинда СССР Сув ҳўжалиги министрлигининг янги таклифлари билан танишдим. Агар ўша таклифлар инobatга олинса борми, Орол тақдири ҳам, мамлакатимиздаги бошқа сув ҳавзаларининг тақдири ҳам шубҳасиз забунликка юз тутаети. СССР Сув ҳўжалиги министрлиги 2005 йилгача суғориладиган ерларни 40 миллион гектаргача кўпайтиришни, кўзда тутилган мелиорация программасини амалга ошириш учун мавжуд сув йўлларидан сув олишни жаддаллаштиришни, ўн олти йил давомида ерларни суғориш ва захини қочириш учун яна 240 миллиард сўм маблағ сарфлашни таклиф этипти. Хўш, бу таклифларга ким қарши туриши мумкин? Афтидан, давлат аппарати ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмаса керак. Чунки агар у қарши тураолганда бу программани жиддий қабул қилмаган бўларди. Табиийки, идоравий монополизмга қарши туришга қодир бўлган ягона куч — бу жамоатчиликдир. Зеро, у шимолий дарёларни тескари оқизилишига қарши курашда ўзини намоён қилди.

### **М. Ж. ЖУМАЕВ, Тожикистон Олий агросаноат мактабининг ўқитувчиси, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори.**

Орол, Оролбўйи ва ўттиз икки миллион аҳоли бошига тушган кулфат — бу одамларга ва табиатга нисбатан волюнтаристик муносабатнинг ачиқ мевасидир. Мен боғдорчилик ўлкасида туғилганман, лекин пахта селекцияси билан шуғулланаман. Кўп йиллик анализлар, илмий тадқиқотлар шунини кўрсатдики, Ўзбекистон ва Тожикистон шароитида пахта етиштиришдан кўра, мева етиштириш 5-7 марта, субтропик экинлар ҳосилдорлиги эса 15-17 марта самарали бўлади. Шунга қарамай, пахта стратегик экин ҳисобланади. Ростдан ҳам шундай бўлса, пахтага ҳам стратегик муносабатда бўлишимиз керак-да. Амалда нима бўляпти? Тожикистонда пахта 30-35 фоиз зарар келтиряпти. Нима учун? Чунки пахтанинг сотиш нархи ҳаётдан орқада қолиб кетди. Колхозлар бир килограмм пахта хом ашёси учун 70 тиён олади. Пахтазорда меҳнат қиладиган деҳқон бир ойда 40 ёки 80 сўм ҳақ олади. Бундай кам ҳақ тўлангандан кейин далада асосан болалар ишлаётганини тушуниш мумкин. Марказий Комитетларимизнинг секретарлари юксак минбарларга чиқиб олишиб, мактаб ўқувчилари далаларда ишлаётганлари йўқ, дейишиб қайта-қайта жамоат-

чиликни чағитишга уринаяптилар. Лекин улар ёлгон гапиряптилар. Болалар йил давомида далада ишлаяптилар. Биз экспедиция мобайнида далаларда букчайиб ишлаётган болаларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Яна деҳқонларнинг иш ҳақи масаласига қайтамиз. Ўттиз-ўттиз икки яшар эр-хотин колхоз пахтазориде бир йилда 1400 сўмдан 2300 сўмгача даромад қилиши мумкин. Улар далада фақат март ойидан ноябрь ойигача ишласалар-да, аммо йил давомида овқат ейдилар, уст-бош киядилар. Ҳар қайси оилада ўрта ҳисобда бештадан фарзанд бор. Демак, жон бошига тақсимлаганда бир ойлик даромад 18—27 сўмни ташкил этади. Бундай шароитда истасанг-истамасанг чайқовчилик билан шуғулланасан ёки ўғирлик қиласан. Шунга мажбурсан ахир!

#### **Ч. Т. АЙМАТОВ, «Иностранная литература» журнаlining бош редактори, ёзувчи.**

Орол фожиаси фақат битта районнинг мўъжаз кулфати эмас. Бу борада мен академик Тихоновнинг фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайман: фожиани идоровий зўравонлик ва давлат иқтисодий монополизми тазйиқи остида вужудга келган яхлит ижтимоий турмушдан ажратиб олмаган ҳолда идрок этишимиз керак. Биз бўлмағур ютуқларимизни ақлсизларча, кўпиртириб пропаганда қилганимиз ва ижтимоий жинзакчилигимиз натижасида, жаҳондаги энг илғор куч ҳам, энг прогрессив тузум ҳам бизники деб даъво қилаверганимиз туфайли афсонавий махлуқ дунёга келди; унга биз «идоровий монополия» деб ном беришимиз мумкин. Назаримда, бундай хулосани тарихий, ижтимоий, илмий жиҳатдан ниҳоятда синчковлик билан анализ қилишимиз даркор; шундагина бунинг нечоғлик хавфли эканини ва у ҳозир нечоғлик зўр реакцион қудратга эга эканини ҳис қилишимиз, кўришимиз, имон келтиришимиз мумкин.

Менинг назаримда, Орол фожиаси бизни яна бир бора гўё иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган лойиҳалар учун инсон ҳаётини, тақдирини, одамлар саломатлигини қурбон қилиш мумкин эмаслиги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этади. Орол муаммосини фақат экологик жиҳатдан эмас, ани пайтда ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳам баҳоламоқ лозим. Ҳозир вазият мураккаб. Агар рус қишлоқлари ҳувиллаб қолган бўлса, агар у ерларда бутун мамлакатни боқшиш мумкин бўлган хўжайин, деҳқон, мужик қолмаган бўлса (тўғри, ҳозир биз бунинг жафосини тортяпмиз), бунда бир нарсани эсдан чиқармаслик даркор, яъни рус қишлоқларида истиқомат қиладиган аҳоли учун ҳар ҳолда, йирик саноат марказларида ишлаш имконияти бор эди. Шундай қилиб, улар шароитга мослашдилар, ҳозир амалдаги ишчилар синфининг асосий қисмини ташкил этадилар. Ўрта Осиё региониде эса одамлар қаёққа боришни ҳам билмайдилар, улар мушкул аҳволни бошдан кечиряптилар.

Биз бир мамлакат фарзандларимиз. Яхши кунларимизни ҳам, ёмон кунларимизни ҳам теппа-теп баҳам кўраимиз. Ҳеч ким ўзини четга тортолмайди. Орол — бу ҳаммамизнинг, бутун халқимизнинг кулфатидир. Дунёда тўртинчи ўринда турадиган йирик сув ҳавзаси қурияпти, лекин тўраларча тафаккур нимани нимага айирбошлаймиз, нимани йўқотсак — нимага эришамиз каби ўз ҳисоб-китоблари билан бизни овутишга, тинчлантиришга уринапти. Аммо бу ҳол билан асло келишиб бўлмайди, чунки бу иблисона мантиқ мевасидир, қайта қуриш унга қарши охиригача курашмоғи зарур.

#### **Н. А. ШИЛО, СССР ФА академиги (Москва).**

Мамлакатимиз кризисолди ҳолатидан қутулиб кетдими, деган масала ўртага ташланди. Масаланинг бу тарзда қўйилиши унчалик тўғри эмас. Негаки, кризисолди ҳолатининг ўзига аниқ таъриф берилмаган.

Бизнинг мамлакатимиз чинакам оғир кризисни бошдан кечирмоқда — бу жамият қабул қилмаётган керакисиз товарларни кўплаб ишлаб чиқарилаётгани билан боғлиқ кризисдир. Бу кризис ҳолатининг энг типик характердаги кўриниши ҳисобланади. Нега бундай бўлди? Орол ҳалокати қачон бошланган эди? Мен ҳалокат илдизи 1927 йилга бориб тақалади деб ҳисоблайман: ўша йилда ишлаб чиқариш воситаларини ва ерни бевосита ишлаб чиқарувчилар қўлидан тортиб олиб, давлатга бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Мислсиз ишлаб чиқариш воситаларини, ерни, ер ости бойликларини эгаллаб олган давлат маъмурий аппарати ўз вазифасини удалай олмади. У бойликларни умумхалқ мулки деб эълон қилган бўлса-да, лекин амалда ишлаб чиқариш воситаларини бевосита ишлаб чиқарувчи кучлар ихтиёрига бермади. Ҳозир мамлакат хўжалигини, маданиятини бошқараётган ўн саккиз миллионли аппарат ўзини боқши учун ҳар йили 40 миллиард сўм сарфлайди, бироқ жамият олдида турган зиғирдай проблемани ҳал этишга ҳам қодир эмас. Токи ишлаб чиқариш воситалари бевосита ишлаб чиқарувчилар қўлига топширилмас экан, яъни бу масала тубдан ҳал этилмас экан, биз экология проблемаларини ҳам ижобий ҳал қилолмаймиз. Чунки экология муаммолари бизда ижтимоий проблемалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Мелиорация, тупроқ ҳосилдорлигини яхшилаш, суғориш каби вазифалар билан министр Васильев эмас, бевосита ишлаб чиқаришга алоқадор кучлар шуғулланмоғи лозим. Сув хўжалиги министрлиги кейинги йигирма йил мобайнида Васильев раҳбарлиги остида 130 миллиард сўм харажат қилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, мелиорация ишларига сарфланган маблағ жуда кам фойда келтиряпти, лекин СССР Сув хўжалиги министрлиги тавсия этаётган лойиҳалар ниҳоятда улкан, кўп капитал маблағ талаб этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки лойиҳалар СССР Сув хўжалиги министрлигининг улкан аппарати ва унга бўйсунадиган институтлар, лойиҳалаш ташкилотлари томонидан тайёрланади. Боз устига, мелиорация жаҳҳасининг ижтимоий қирралари мутлақо ҳисобга олинмайди. Яна қайтараман, мелиорация ишлари ижтимоий аҳамиятга эга ва у бевосита ишлаб чиқариш воситаларига хўжайинлик қиладиган ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилиши керак. Фақат шундагина ҳамма иш кўнгилдагидай бўлади.

#### **Н. Г. МИНАШИНА, ВАСХНИЛ В. В. Докучаев номидаги Тупроқшунослик институтининг сектор мудир, қишлоқ хўжалик фанлари доктори (Москва).**

Орол проблемасини муваффақиятли ҳал этмоқ учун тарихий ҳақиқатни ойдинлаштириб олишимиз керак. Хўш, биз Оролни йўқотганимиз эвазига нималарга эришдик, сув қаёққа

гойиб бўлди? СССР Сув хўжалиги министрлигида айтишларича, жуда кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олинган экан. Одатда 1950 йил натижалари 1987 йилги кўрсаткичлар билан таққосланади, 3-4 баробар ортиқча маҳсулот етиштирилаётгани қайд этилади. Дарвоқе, пул ҳисобига кўра таққосланади. Нима учун айнан 1950 йилга таққосланади? Ахир Оролни «бўйсундириш» пландари асосан 1965 йилдан кейин авж олдирилди-ку! Шунинг учун кейинги йигирма-йигирма беш йил, яъни Оролга 60 кубокилометр сув оқиб борган пайтлар билан сув қуриган 1985 йил таққосланиши лозим. Оролга борадиган сув 2,5 миллион гектар ерни суғоришга сарфланди. 1965 йилгача регионда 4,5 миллион гектар ер суғориларди ва бунга 50 кубокилометр сув кетар эди. Ҳозир эса 2,5 миллион гектар ерга деярли 60 кубокилометр сув сарфланяпти. Агар бу рақамлар таққосланса, хулоса чиқаришга ҳеч қандай ҳожат қолмайди.

Иккинчи масала: хўш, биз қанақа маҳсулотлар олдик? Айтишадикки, биз кўп пахта олган эмишмиз. Агар 1965 йилгача етиштирилган пахта миқдори билан кейинги йиллар кўрсаткичлари таққосланса, маълум бўладики, суғориладиган ерлар 1,5 марта ортган ҳолда етиштириш бор-йўғи 15 фоиз кўпайган, холос. Тафовут мана шундай. Агар ўша 60 кубокилометр сув пахтачиликдаги 15 фоиз ўсишга тақсимланса, бу борадаги хўжасизлик кўзга ташланади-қолади. Бу рақамларни ҳар қандай одам кўздан кечириши мумкин. Марказий статистика бошқармаси томонидан чоп этилган «СССР халқ хўжалиги 70 йил давомида» номли маълумотномани varaқлаб кўринг — унда Орол денгизига қўйилмаётган сув қаёққа кетаётганини билиб оласиз. Орол ҳалокати — бу аввало Оролбўйи ҳалокатидир, қолаверса, бу бутун регион ҳалокатидир.

Хўш, қандай қилиб Оролни асраб қолиш мумкин? Сувни беҳуда исроф бўлишига, уни чўлу биёбонларга ҳайдалишига барҳам бериш лозим; суғориш нормаларини қисқартириш даркор, такрорий суғоришларга чек қўйилмоғи зарур, энди оқова сувларни коллекторларга ташламаслик керак, ер захини қочириш шарт. Сув истеъмол қилишни кескин камайтириб, уни 1960 йил даражасига тушириш керак. Агар ўша пайтлардаги махсус адабиётлар билан танишилса, суғориш ишларига қанча сув сарфланганини билиб олиш қийин эмас: бир гектар ерга 4-6 минг кубометр сув сарфланган. Ҳозир ҳар бир гектар ерга 10 минг кубометр сув сарфланяпти, боз устига, яхоб бериш учун яна 5 минг кубометр сув ишлатилади. Бунга суғориш тармоқларида исроф бўлиб кетаётган сувлар ҳам қўшилса, рақам 30 минг кубометрга етади. Умуман, резерв бор...

Айтмоқчи, Оролга ҳеч қачон ифлос сувни элтиб қўймаслик керак, коллекторлардан чиқади-ган сувлар заҳарли, шўр.

## **П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Орол денгизини асраш комитетининг раиси, филология фанлари доктори.**

Бугун Оролни тўлдирish учун ташлама сувдан фойдаланиш лозим экани таклиф этиляпти. Тўғри, қандай бўлмасин денгизни тўлдирish керак. Лекин нима билан тўлдирish лозим? Заҳарли химикатларга тўйинган сув билан тўлдирish керакми? Негадир бу «майда гап» хусусида жиддий бош қотирилмаяпти. Аслида, Орол тақдири ҳам, регион тақдири ҳам шунга боғлиқ.

Кўп йиллардан бери Урта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда тирик организмга хавф соладиган атроф-муҳитни булғайдиган пестицидлар кўплаб ишлатилляпти. Ўзбекистон ССР Гидрометеорология маркази ходимлари сув таркибининг анализ қилганларида шундай хулосага келдилар: баъзи бир таъқиқларга қарамай шу пайтгача Б-58, метафос, которан, бутифос, гексахлоран, линдан, ДДТ, ДДЕ каби заҳарли химикатлар кенг кўламда қўлланиляпти. Сувлар айниқса гексахлоран ва линдан химикатларидан кўплаб заҳарланмоқда. 1988 йили сув ҳавзалари 82 марта гексахлоран (10 дан ортиқ ПДК) ва 32 марта линдан билан ифлослангани қайд этилди. Шу типдаги ифлосланишлар иккита йирик дарёдан бири бўлмиш Сирдарёда айниқса кўпроқ учради (20 марта гексахлоран ва 12 марта линдан билан).

Бундан ташқари, бутифос каби таъқиқланган заҳарли химикатларни сақлаш ҳам ташвишли аҳволда. Маълум бўлишича, ҳозирча СССРда уларни йўқ қилиб юборадиган илмий методик қўлланма ишлаб чиқилмаган экан. Совет Иттифоқи худди ўшандай фойдали методикага эга бўлган Финляндияга бутифос сингари препаратларни йўқ қиладиган технологияни сотиб олиш учун бир неча марта мурожаат этди. Лекин бизга қиммат нарх-наво таклиф этилди-ю, оқибатда заҳар запаслари ҳам тўдаланиб ётибди...

Энди барча ташлама-оқаваларни Оролга қўйилаётганини бир тасаввур этиб кўрайлик. Бугуналиш нима бўлади, заҳарларни шамол учуриб кетса-чи? «Қандай қилиб бўлса ҳам» Орол сақлаб қолинса, оқибати ёмон бўлади: одамлару деҳқончилик, табиатнинг бир тутам кўриқхонаси сўзсиз ҳалокатга учрайди, холос...

## **Ю. Д. ЧЕРНИЧЕНКО, СССР Ёзувчилар уюшмаси правленийсининг котиби, публицист.**

Янглишмасам, экономист Л. И. Абалкин «васькачилик» деган янги атамани биринчи бўлиб қўллаган эди — «Васка тинглайдю оватқатдан бош кўтармайди». Ҳозирги жамяятимиз ва сиёсий ҳаётда шундай вазият тез-тез учраб туради. Аввал у эшитадиган ҳеч нарса йўқ эди, цензура оғизларга пахта тиқиб қўйган эди: ҳозир эса у танқидий гапларни эшитяпти-ю, аммо ҳамон иштаҳаси карнай! Уч йилдан бери ҳамма баланд товущда, СССР Сув хўжалиги министрлиги 130 миллиард сўм пулни гўрга тиқиб қўйди, деб айтмоқда. Кейинги уч йил мобайнида ҳам кўплаб миллиардлар шамолга совурилди! Масалан, тилларда дoston бўлган ўша Волга-Чоғрай каналини олиб кўрайлик. Мен ҳам комиссия аъзоси эдим (мен имзо чекканим йўқ!), лекин биз имзо чеккунимизча 50 миллион сўм сарфланган бўлинган экан: канал қазилляпти, техника ишга тушган. «Васькачилик!» Агар биз ҳозир бу назариянинг мағизини қақиб кўрмасак, агар «васькачилик» методологиясини ошкор этмасак, унинг беназир усталарининг номларини эълон қилмасак борми, фикр эркинлиги, плюрализм тиланчи мисоли остонамиздан берига ўтмайди — биз идоровий монополия қаршисида кўл қовуштириб тураверамиз!

Сув билан ер баҳоси ҳозир «васькачилик»нинг энг ашаддий кушандасидир. Токи ҳар бир томчи сув баҳоланмас экан, токи ҳар гектар ер баҳо экани тан олинмас экан, ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Бу проблемалар ҳозир қариб қолган, ҳатто соқоли бор — мақолалар

босилди, телекўрсатувлар бағишланди, фильмлар суратга олинди. Лекин иш бир жойдан кўзбо-  
маяпти! Гичирлаб қолган машина ресурсларга баҳо қўйилишини маҳорат билан тўхтатиб турибди.  
СССР Сув хўжалиги министрлигига қолса, у валинеъмат, илтифотли ташкилот сифатида яшагани  
маъқул — шунда миллиардларни ялламай ютиши мумкин. Саботаж идрок этилди ва ўзига хос  
мантиқий йўл топилди: агар сувга нарх белгилаб қўйилса, оёғи осмонда бўлиб турган нарса  
ўзини ўнглаб олади. Мен яқинда Калифорния штатидаги энг катта водий бўлмиш Сан-Хоакинда  
меҳмон бўлдим. У ерда сув мўъжиза яратяпти: ширин-шакар бодом, узум, pista ва сифатли  
пахта етиштириляпти. Маълум бўлишича, ер ости қувурлари ётқизишга ҳам, зах сувларни қочи-  
ришга ҳам ҳожат йўқ экан, чунки сув қиммат — ярим гектарча ери бор заминдор бир мавсумда  
300 долларга яқин тўлов беради ва ҳеч ким ўз экинига керагидан ортиқ сув қуйишни хаёлига  
ҳам келтирмайди. Биров чўлу биёбонга дарёни буриб юбориб, кўлоб ҳосил қилишни етти ухлаб  
тушида ҳам кўрмайди. Ахир бизнинг Урта Осие — кўлоблар, кўллар мамлакатигу! Йўлдан  
озган кўллар! Агарда қорақалпоғистонлик сайловчилар Москвадаги ҳозирги Олий Советга «Қо-  
рақум Карелияси», Амударёнинг қуриётгани, Оролқумдан (янги саҳродан) шўртак шамол эсаётгани  
хусусида арз-дод қилсалар борми, шикоятлари Сув хўжалиги министри бўлмиш депутат Васильев-  
га ва Оролбўйдан жўнатилган яна бир ваколатли вакил саналмиш Гидрометерология Давлат  
комитетининг бошлиғи, депутат Израэлнинг қўлига тушади. Шундай депутатлар фақат бизнинг  
парламентда бўлиши мумкин.

Хазина назарияси ҳам «васькачилик» билан ёнма-ён туради. «Барча йўлбошчиларни олқиш-  
лаш асосида у пайтлари куйидаги нўқтаи назар омма ўртасида кенг тарқалганда мен кашшоф  
бўлганман: хазина асрлар давомида кўзғалмай ётаверди, табиат уни ўз қўйнига яшириб олган  
эди, оқ подшонинг қўли калта эди, мана, большевиклар келишиди — энди ишлар бошланиб кетади!  
Бизнинг вазифамиз — табиат қўйнидаги бойликларни олишдир!» Ҳатто Байкалдан ҳам нарига итқи-  
тиб ташланган, тайга ортага чекинади», деб ёзган эди бир пайтлар Маяковский. Тортиб олинган  
нарса муқаддас, бунинг учун ҳеч ким сени тергамайди — бу босқинчилар назарияси бўлиб,  
анча вақтгача ҳўкм сурди. У кўзига кўринган нарсага канадай ёпишарди, хазина учраса суюнарни,  
қўлига тушган нарсани озгига тиқарди ва зудлик билан жуфтаникни ростлаб қоларди, чунки б и р о в  
келиб қолса, тутиб олиб савалаши мумкин. Адабиёт эгасиз хазина назариясини узоқ вақт, ғайрат  
билан кўйлади, кишилар онига сингдирди. Ҳатто Паустовскийнинг дилбар асарни бўлмиш  
«Қорабўғоз» ҳам эгасиз, ташландиқ ҳолда ётган бойлик назариясига асосланади. Большевиклар  
пайдо бўлгунча хазинанинг эгаси топилмаган эди. «Ҳамла қиламиз!» Човут солдилар...

Агар биз бугунги адабиётимизда «хазина» назариясига тежамкорлик, қамсўқумлик наза-  
риясини ҳамда йўқотилган ресурслар ўрнини ҳеч қачон тўлдириб бўлмастик ҳақидаги назарияни  
қарама-қарши қўймасак, бошимизга ҳозиргидан ҳам бешбаттар қулфатлар ёғилиши турган гап.  
Хорижга нималарни чиқаряпмиз, нималарни сотяпмиз? Маҳкама- «ташмачилар»га қарама-қарши  
равишда жамоатчилик «дарвозаси» ташкил этилмоғи зарур, экспортни миллий жамоатчилик  
назорат қилмоғи шарт...

Биз ҳозир ҳар йили 200 миллион тонна нефтни чет элларга чиқариб юборяпмиз. Гап фақат  
ўзимизнинг трактор ва комбайнларимизга ёқилги етишмаётганида, уларнинг ёғдонлари бўм-бўш-  
лигида эмас, биз аслида шунинг учун, яъни бекор ётиши учун сон-саноксиз машиналар ишлаб  
чиқариш билан оворамиз. Ахир биз АҚШга нисбатан 6,5 баробар кўпроқ трактор, 16 баробар  
кўпроқ комбайн ишлаб чиқарамиз, лекин улардан буғдой сотиб оламиз. Биз бозор билан тирик-  
миз. Қайси бозор билан? Халқаро бозор билан, албатта. Миллий бойлигимизни шамолга сову-  
раяпмиз-да, кейин табиатдан узоқроқ муддатга, кўпроқ, қимматлироқ қарз-ҳавола кўтарамиз.  
Қатъий тартиб асосида улардан буғдой харид қилиш учун йигирма беш йилдан буён Тюмень  
нефтини Ғарб бозорларига жўнатишга мажбурмиз. Олди-берди қондаси шунанга бўлади: уёқдан  
бирор нарса олмоқчи бўлсанг, уёққа ҳам бирор нарса беришинг лозим. Беихтиёр боя эслатганим —  
Волга дарёси дельтасидан қазилган канал воқеаси ёдга тушади: Чоғрайга, Қалимистонга сув  
ҳайдалаяптими, демак, дельтага ҳам бирор нарса узатиш керак. Демак, Сухонидан қарз олишга  
мажбур бўламиз, давлат истасан-истамаса Шимолий дарёларни тескари оқишига мажбур бўла-  
ди! Бировнинг мулкни бировга сотиш тартиботи ҳали-бери барҳам топмайди!

«Бу ерда адабиётнинг нима аҳамияти бор, ахир буни парламент ҳал этиши лозим-ку!»  
деб эътироз билдиради Ғарбдаги ҳамкасбларимиз. Ҳа-да, очерклару мақолалар, фильмлар  
кимга керак; ундан кўра, сайловчилар парламентдаги ўз вакиллари қисувга олсалар — бас,  
у ҳўкуматдан расман талаб қилади ва қонунга тузатиш киритади, вассалом! Очерклар тўпламига-да  
ҳожат қолмайди. Мабода кимдир тузатишга риюя этмаса, суд бўлади, адвокатлар Юстиция  
саройи томон йўл оладилар.

Ҳа, мунозарали масалаларни ҳал этиш воситаси — суд бор. Агар биз ҳўқуқий давлатда  
яшаётган бўлсак, мунозараларни қуруқ гап-сўзлар билан якунлаб қўя қолмаслигимиз керак,  
балки уни расман, қонуний равишда ҳал этмоғимиз даркор: шунда бировнинг жинояти аниқланади  
ёки бошқа биров тўхматчи бўлиб чиқиши мумкин. Мана, мен ҳозир Волга-Чоғрай канали бўйича  
тузилган комиссиянинг омадсиз вакили сифатида судга, Москва шаҳрида, яъни РСФСР Сув  
хўжалиги министрлиги маҳкамаси жойлашган районнинг Халқ судига 50 миллион сўм пулни унди-  
риб беришларини сўраб мурожаат қилмоқчиман: нима учун ўша маблағ олимлару жамоатчилик  
ўртасидаги мунозаралар бирёқли бўлмай туриб сарфланди? Ахир бу ҳол фарман бир пулга олмас-  
лиқ нишонаси эмасми? Бу монополизм эмасми? Камомад шу эмасми: ахир ҳали лойиҳа тайёр  
эмас-у, лекин пул аллақачон сарфлаб бўлинган?!

Ниҳоят, СССР Сув хўжалиги министрлиги қандай қилиб халқларни бир-бирига қарши гиж-  
гижлаётгани хусусида. Мен Оролбўйига бир неча марта борганман. Туркманлару ўзбекларнинг,  
Хоразм воҳаси аҳолисининг бир-бирига нафратини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Илгари ҳеч  
қачон бунақа бўлмади. Агар Хива хонлиғи замонида кимдир шўхлик қилиб, захарланган сувни  
одамлар сув ичадиган сойга тўкиб ташласа борми, дарҳол бадбин кимса жазоланарди: халқ  
ўртасида қорақалтак қилинарди, ҳаромзодаликда айбланарди ва ҳаммага ўрناق бўлиши учун хон  
ҳўзуридаги икки-учта калтабин беклар ҳам сарой хизматидан четлаштириларди.

Хуллас, интизомсизлар нозик жойидан тутиб олиниб, яхшилаб бир-икки силкитилса, сув

хўжалигимиздаги безорилик узил-кесил барҳам топади. Лекин ҳозир совхоз директорини калтаклагандан ёки обком секретарини бозор ўртасида дорга торгандан ҳеч қандай фойда йўқ, чунки улар туркманларнинг бахт-саодати йўлида ўзимизнинг кетимизни ва бошимизни қурбон қиляпмиз, деб ўйлайдилар. Калтаклаш таъқиқланган (демократия!), лекин Туркманистоннинг Тошовуз воҳасига сув ўзбекларнинг Хиваси орқали эмас, тўппа-тўғри бориши учун сахро бўйлаб айланма канал қазिशга «фатво» берган раҳбарлар марҳамат қилиб халқнинг 200 миллион сўм пулини тўлаб қўйсинлар! Агар ўша калтабин раҳбарларнинг йўл-йўриғига амал қилинса, ҳар бир республика ўзининг темир йўлига, ҳаво флотига эга бўлиши лозим. Мен ўша каналнинг деярли икки юз километрлик ўзанини ўз кўзим билан кўрганман, ишонтириб айтаманки, мантиқ илми нуқтаи назаридан қаралса, дунёнинг бирор жойида бундай тентакнамо «асар» йўқ. Бухоро амири ҳам, Хива хони ҳам бундай ярашмаган қилиқдан ўзларини тийган бўларди: улар «каналзация министрлигига» нисбатан оқилроқ феодал бўлганлар.

### **Т. ТЕМИРБОЕВ, Ўзбекистон КП Мўйноқ район комитетининг биринчи секретари.**

Геологик йилнома бўйича бирпаслик вақт ичида ўзининг ички ва ташқи қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборган район ёки жойни учратиш амримаҳол. Дастлаб экология муаммоси сифатида пайдо бўлган Орол проблемаси тезда ҳаёт-мамонт масаласига айланди-қолди. Бизнинг Мўйноқ районимизда яшаш ҳам, ишлаш ҳам, хўжалик юритиш ҳам оғирлашиб кетди. Райони-мизнинг йнгирма беш минг кишилиқ аҳолисининг кўзи ўнгида денгиз аста-секин жон бермоқда. Аввал биз ичкарида — оролда яшардик, кейин район маркази ярим оролга «кўчди», ҳозир эса денгиз қирғоғи қуруқликдан эллик километр олислаб кетди. Бу фожиани совуққонлик билан кузатиб ўтириш мумкин эмас.

Мен экспедиция ҳисоботида қайд этилган таклифларни қўллаб-қувватлайман: Мўйноқ, Орол, Ғазали районларини зудлик билан экологик фалокат зоналари деб эълон қилиш лозим ва бу районларга тўхтовсиз равишда керакли дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилиши шарт, таъминот масаласини ҳал этиш даркор.

Биз фавқулодда ёрдамга муҳтожмиз!

### **А. М. РЕЗНИКОВСКИЙ, Энергетика тармоқларини лойиҳалаш институтининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор [Москва].**

Мен доктор Турсуновнинг гапларига аниқлик киритмоқчиман, таклифим қуйидагича: сув омборлари ресурсларидан фойдаланиш низомига мувофиқ равишда қурғоқчилик йилларидаги каби сув истеъмоли лимитини 20 фоиз камайтириш лозим. Бундай тадбир натижасида қишлоқ хўжалигига зарар етказилмаган ҳолда Орол денгизига 15 кубокилометр қўшимча сув бериш имкони яратилади.

Урта Осиё дарёлари асосан Атлантика океанининг буғланиши натижасида пайдо бўлади. Бир йил мобайнида Урта Осиё устидан 2700 кубокилометр буғ учиб ўтади. Табиий шароитда Орол денгизига ўша буғнинг фақат 80 кубокилометри, яъни умумий массанинг 3 фоизи ёғилади, холос. Куз-қиш мавсумида Урта Осиё тоғларига ёғин тушишини кўпайтириш хусусида ва шундай қилиб, Урта Осиё дарёларини ҳар йили серсув этиш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Дунё микёсида ва Иттифоқимизда (Совет Иттифоқида ўттиз йилдан бери бу борада ишлар олиб бориляпти) ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатяптики, бизда актив таъсир қиладиган техник воситалар мавжуд, агар ундан фойдаланилса, дарёларнинг ҳар йилги суви 20 фоиз ортиши мумкин. Бу яқинда МК қабул қилган қарорда кўзда тутилган, асримиз охирига бориб Орол денгизига қуйилиши мумкин бўлган сув ҳажмига тенгдир. Булутга таъсир этиш воситаларига сарфланган маблағ ҳар бир кубокилометр сув ҳисобига 3—4 миллион сўмдан ошмайди. Бу Сибирдан Осиёга келтириш мўлжалланган сувга нисбатан уч хисса арзон тушади.

Ю. А. Изразль «Правда» газетасидаги интервьюсида мухбирнинг юқоридаги ғоя хусусидаги саволига, ёғин-сочинга актив таъсир этиб, шунинг натижасида Орол денгизини тўлдириш масаласида гапиршига ҳали эрта, деб жавоб берди. Менимча, Юрий Антониевич ноҳақ. Бу ишларни аллақачон — бундан ўн беш йил олдин бошлаш лозим эди. Лекин Юрий Антониевич бу иш билан шуғулланишни асло истамайди. Афсуски, унинг позицияси нотўғри.

Агар молиявий жиҳатдан таъминланмаса, Оролни асраш ҳақидаги ҳамма гаплар пуч бўлиб чиқади. Шунинг учун мен бизнинг қароримизга ушбу сўзларни қайд этиб қўйишни таклиф этаман: СССР Министрлар Советидан тегишли ташкилотларга Орол денгизини асраб қолиш учун тармоқлараро давлат буюртмаси бериш сўралсин.

### **А. А. ДРОДНИЦИН, СССР Фанлар академиясининг академиги [Москва].**

Бугун Амударёнинг бойланиши ҳалокатли оқибатларга олиб келинганлигини кўрсатувчи батафсил, ишончли материаллар тўпланган. 1971 йилда, тўғон қурилиши ҳали ниҳоясига етмай туриб, мен бу тадбирнинг оқибатларини башорат қилишга уриниб кўрдим. Менинг башоратим қувонарли эмасди, аммо асл натижаси янада аянчли бўлиб чиқди.

Энди бизнинг олдимизда бошқа вазифа кўндаланг бўлиб турибди: ҳозир ноҳуш маълумотларни жамлаб ўтириш шарт эмас, балки ўша ноҳушликларни бартараф этиш тадбирларини белгилашимиз лозим, зудлик билан чора кўрмасак бўлмайди. Энг аввало, Амударё тўғонлари очиб ташланиши керак, токи дарё суви бемалол Оролга қуйилсин.

Албатта, Орол денгизининг бетакрор ҳайвонот дунёсини энди ҳеч қачон тиклаб бўлмайди. Уйлайманки, Орол денгизиде яшайдиган баъзи бир ноёб балиқ турлари ҳозир зоология музейларида тулум тарзида сақланиб қолган бўлса керак. Агар Орол денгизиде юз минг йиллар давомида мавжуд бўлган ўн-ўн беш метр қалинликдаги сиртки чучук сув қатламини тиклашга эришилса, ишончим комилки, Орол денгизи шухратини дунёга таратган йирик лаққа ва бошқа балиқларни яна мўл-кўл етиштириш мумкин.

Табиий қарорлар ҳақида жамоатчилик лом-мим демаётгани каминани ҳайратга соляпти. Нима гап ўзи? Мансабдор чопонига доғ тушдими? Албатта, муаммо атрофлича ўрганилиши лозим, лекин уни ишлаб чиқиш ҳам зарур-ку.

Мен яна бир йирик масала хусусида тўхталмоқчиман: биз ўз фаолиятимизнинг оғир оқибатларидан тегишли сабоқ олишга қодирмизми? Қорақум канали бизга сабоқ бўлмади. Гераклит ибораси билан айтганда, ҳамма нарса оқиб кетяпти-ю, лекин ҳеч қандай ўзгариш сезилмаяпти. Дарвоқе, биздан ўтган йили нефть олиш учун Болтиқ денгизи (атроф-муҳитга қанақа таъсир бўлишини ўрганиш мақсадида) литоралисини ўзлаштириш лойиҳасини анализ қилиб кўришни илтимос қилишди. Бизнинг қўлимизга ўн сантиметр қалинликдаги бир жилд лойиҳани тутқазилди. Лекин унда атроф-муҳитни муҳофаза этиш масаласига бор-йўғи бир ярим саҳифа бағишланган эди, холос. Ҳеч қандай ҳисоб-китоб ҳам, рақам ҳам келтирилмаган! Бир ярим саҳифа мазмунини мухтасар жумла билан қўйидагича ифодалаш мумкин: «Ҳаммаси жойида, азизам!» Ахир ўша район бевосита Курш қўриқонасига бориб туташади-ку!

Хайрият, литвалик ўртоқлар ўша лойиҳани ишга тушиб кетишига тўсқинлик қилдилар. Лекин яна бир оз вақт ўтадию атроф-муҳитга бағишланган саҳифа бир ярим саҳифадан уч саҳифага «улғайиб қолади» ва ҳаммаси бошидан бошланади. Чунки нефть — бу валюта.

Узоқ Шарқдаги ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш саноатлари-чи? Ҳозир бизда «Экология ва жаҳон» уюшмаси тўзилган. Мен уюшма аъзоларига ўша қадимий ўрмонларда маҳсулотларни қайта ишлаш қандай йўлга қўйилганини синчиқлаб ўрганишни маслаҳат берардим.

Охириги масала. Газета ва журналларда Орол денгизи ҳақида эълон қилинган мақолаларда ҳамма бало-қазога марҳум Рашидовни рўпара этишга мойиллик сезилаяпти. Бундай мойилликнинг хавфли томони шундаки, бошқалар — суғориш борасидаги бемаъниликлар учун бевосита жавобгар бўлган шахслар «миллат отасининг сояси»га яшириниб қолишлари мумкин.

### С. П. ЗАЛИГИН, «Новий мир» журналнинг бош редактори, ёзувчи.

Бизни тез-тез қизиқувчанликда, ўзи яхши билмайдиган проблемаларга бемаврид аралашаверишда айблайдилар. Шу муносабат билан мен айтмоқчиманки, хўш, нима учун бирорта министрлик, бирорта идора мана шундай группа тузиб, мана шундай экспедиция ташкил этиб, худди бизники сингари ижодий сафар уюштиради? Чунки маҳкамалар ўз манфаатидан бошқа нарсалар хусусида бош қотиришни истамайди. Табиийки, касал районларга уларнинг махсус вакиллари билан ўзга кимсалар қадам босмагани маъқул, маҳкамалар шундан манфаатдор. Кўп хатти-ҳаракатларни аҳмоқона, пала-партиш ўр-йўқитлардан ажратиб олиш учун қандайдир махсус билиму илмий тайёргарликларга эга бўлиш шарт эмас.

Ўйлайманки, жамоатчиликнинг сабр косаси тўлиб кетса, жамоатчилик ҳозир биз кузатиб турганимиздек ниҳоятда ташвишлана бошласа, демак, аҳвол ҳақиқатдан ҳам расво экан. Бизнинг халқимиз бардошли, ҳамма нарсага чидайди. Агар биз ҳар бир бурчақда ўзимизнинг бошимизга тўшган кулфатлар тўғрисида қўйиб-пишиб сўзлаётган эканмизми, демак, бундан кейин ҳақиқатдан ҳам тоқат қилолмаймиз. Тоқатимиз тоқ бўлди! Сабр косамиз тўлиб, тошди! Энди нимадир қилишимиз лозим. Биз аввалом бор ким айбдор эканини аниқлашимиз даркор. Кўпинча бизни қурбонлик талаб қиляпти, қасос олмоқчи, деб ўйлайдилар. Лекин гап бунда эмас. Биз масъулиятсизликка қаршимиз, халққа ва халқ ҳўжалигига зарар келтирган лойиҳаларнинг муаллифлари номсиз «номзодлар» бўлиб қолишларини асло истамаймиз. Чунки номсиз «номзод» нечоғлиқ пухта ҳимоя қилинса, шунчалик масъулиятсизларча ҳаракат қилаверади.

СССР Сув ҳўжалиги министрлиги давлат миқёсидаги жиноятга қўл уряпти, деб бир неча марта айтганман. Ҳозир ўша гапимни яна бир бора такрорлайман. Мен яна айтардимки, агар мен ноҳақ бўлсам, мени жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Келинглр, ҳақиқат ким томонидан эканини ошкора айттайлик!

Икки-уч йил аввал мен биринчи марта сувга нарх белгилаш масаласини ўртага ташлаган эдим. Сув ҳўжалиги министри Васильев «Литературная газета» саҳифасида менга жавоб берди. У каминани қип-қизил саводсизликда айблади ва сувнинг бепуллиги — бу социализмнинг энг улўғ ютуғи, устунлиги деб таъкидлади. Бугун эса ўша арбоб сувни баҳолаш тарафдори сифатида майдонга чиқяпти. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: бугун бир гапни айтиб қўйиб, эртага ўша гапидан тонадиган одамдан нимани ҳам кутиш мумкин, унга ишониб бўладими? Айтмоқчи, СССР Сув ҳўжалиги министрлиги сувни баҳолаш учун нима иш қилди? Ҳеч нарса қилгани йўқ, демак, Васильевнинг баёноти шунчаки ниқоб, холос.

Тақдир тақозоси билан яқинда бизнинг онгимизда туб бурилиш бўлди: биз «ғоя» тушунчасини «ғоявийлик» сўзига айирбошладик. Биз ғоя нима эканини унутиб юбордик, аммо «ғоявий одам» деб гапира бошладик. «Ғоявий одам» ҳар қандай жиноятга қўл урса-да кечиримли эди. «Ғоявийлик» жамоатчилик назарида ҳам, муайян зот нигоҳида ҳам инсонни энг оддий, арзимас ахлоқий одатлардан озод қиларди. Биз эътиқодли инсонни тарбиялашимиз лозим, лекин унинг ғояси жўнгина, қадимий, абадий ахлоқ-оодоб ва ақл-идроқка зид бўлмаслиги керак: нима фойда-ю, нима зарар эканини ҳамда нима яхши-ю, нима ёмон эканини тасаввур этиши шарт. Биз шуларни мутлақо фарқига бормаидиган бутун бошли авлодни етиштирдик. Бахтга қарши, ўша авлоднинг баъзи бир вакиллари шу пайтгача бизга раҳбарлик қилмоқда, афтидан, келажакда ҳам раҳбарлик жоловини қўлдан бермайдиганга ўхшайдилар.

Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, бундан бор-йўғи икки-уч йил аввал ҳам матбуотда СССР Сув ҳўжалиги министрлиги фаолияти ҳақида бирор нарса ёзиб бўлмасди, негаки, ўша министрликнинг ўзидан рухсатнома олиш лозим эди! Агарда ўн-ўн беш йил муқаддам ошкоралик бўлганида биз ҳозир гувоҳ бўлиб турган воқеалар рўй берармиди? Биз нималар бўлаётганини аллақачон билиб олардик ва ақлимиз етганча ҳаракатимизни қилардик. Наҳотки мана шундай сукунат, цензура жамият олдида жиноят ҳисобланмаса? Эҳтимол, кимдир, қачондир СССР Сув ҳўжалиги министрлиги зиммасига цензура вазифасини ҳам юклаб қўйгандир? Бўлмаган гап! У ўз-бошимчалик билан шундай ҳуқуқни ҳам эгалаб олган, холос.

Мана бугун СССР Сув ҳўжалиги министрлигининг вакили маъруза<sup>1</sup> қилди. Ўртоқлар, ахир унинг нутқи тили чиқмаган боланинг чулдирашига ўхшайди-ку! Менинг билишимча, у эртага ўз

<sup>1</sup> СССР Сув ҳўжалиги министрлигининг вакили А. К. Кияткин нутқи зерикарли, умумий гаплардан иборат бўлганлиги тўғрисида таржима қилинмади. (Таржимон изоҳи.)

министрига ҳисобот бериш учунгина гапирди: «Биласизми, мен айтдим... мен ҳимоя қилдим... мен у ерда таъкидладим...» Наҳотки бу одамда ўзи ишлайдиган масъул министрликдаги аҳволни ичдан таҳлил этиб кўришга фурсат топилмаган бўлса? Ахир бу даҳшатли-ку! СССР Мелиорация министрлигида деярли икки миллион киши ишлайди. Уларнинг қадимий Римдаги олти юз бошли аскарлар тўдасидан фарқи фақат шундаки, улар амалдорлар мисоли фикр юритадилар, вассалом!

Биз бугун бир неча фильмларни томоша қилдик. Мени кўпроқ қорақалпоқларнинг қиёфалари ҳайратга солди. Улар саҳрода яшаяптилар, улар матонатли кишилардир! Уларнинг ҳаёт кечириши учун кўп нарса керак эмас, улар озгина нарса сўрашяпти — фақат сув беринг! Илгари уларнинг суви бор эди, кейин уларнинг сувларини тортиб олишди. Улар ўзларининг жамиятидан, ўзларининг давлатидан, биздан арзимас ёрдам сўраяптилар, холос. Улар бугунги бизнинг социализмдан мурувват кутишяпти. Улар мўътадил ҳаёт кечиришни, инсонлардай яшашни истайдилар. Ҳеч бўлмаса, ота-боболаридай яшасалар ҳам гўргайди!


Биз, экологлар ҳозир ишни нолдан бошлашимиз лозим. Йўқ, ҳатто нолдан ҳам эмас, қандайдир салбий нуқтадан бошлаб ҳаракатга киришмоғимиз керак. Бу салбий нуқтанинг ҳақиқий аҳамиятини, табиатга етказилган зарарни биз ҳозирга қадар аниқ билмаймиз, шунинг учун асл ниятларимизни амалга ошириш жараёнида қандай тўсиқларни енгиб ўтишимиз лозим эканини ҳам тасаввур этолмаймиз. Ахир биз шу пайтгача ҳақиқий иш билан шуғулланаётганимиз йўқ. Биз фақат ишлашимизга халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш билан машғулмиз, холос. Жамоатчилик асосидаги ишимизнинг мўъжаз мисолларидан биттаси — «Орол—88» экспедицияси маълум аҳамиятга эга, албатта. Барча маршрутларимиз, учрашувларимиз, суҳбатларимиз, «Экология ва жаҳон» каби жамоат ташкилотларимиз учун бирорта ҳам маош бериладиган штатимиз йўқ. Айни пайтда министрликда маош белгиланган штатлар миллионларни ташкил этади.

Очиғини айтсам, мен бизнинг фаолиятимиз, бизнинг экспедициямиз тез орада ижобий натижалар беришига унчалик ишонмайман. Каминанинг кейинги йиллардаги тажрибалари шуни кўрсатадики, афсунга учмаслик керак. Аммо тушкунликка тушиш ҳам ярамайди. Ишончим комилки, токи куч-қувватимиз, гражданлик ақл-идрокимиз бор экан, биз бошқача ҳаракат қилолмаймиз. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Мана шу фикр-мулоҳазаларни дастурамал қилиб олиб, биз келажакда ҳам курашимизни давом эттираемиз.

**Давра суҳбати материалларини  
С. НИКОЛАЕВ билан Г. РЕЗНИЧЕНКО  
тайёрладилар.**

**[«Новий мир» журналининг 1989 йил, 5-сонидан  
қисқартириб таржима қилинди].**





Евгений Березиков

## АМИРНИНГ ТИЛЛАСИ

«Ўзбекистоннинг сирлари ва афсоналари» китобидан

Инсоният ақлини тонг қолдирадиган ва доимо ўзига чорлаб турадиган жумбоғу сеҳрлар сирасига қачонлардир пинҳон йўқолган беҳисоб бойликлар ҳам киради. Кўплаб Миср эҳромларининг симу зар ва қимматбаҳо жиҳозлари аллақачон очкўз хазинагопарларнинг ўлжаси бўлиб қолди. Ҳиндистон ва Цейлондаги ҳамда Тибетнинг олтин ибодатхоналари бойликлари талон-тарож қилинди... Аммо Амриқо ацтекларининг хазинаси, Овруподаги нибелунглар олтини ҳанузгача топилгани йўқ. Ана шундай яширин хазиналар мамлакатимизда ҳам мавжуд. Россияда Колчак олиб қочган қирқ икки пуд тилла Шарқий Сибирь ўрмонларида бекитилган. Манфур гитлерчилар томонидан номаълум жойга олиб кетилган Ленинград саройининг машҳур қаҳрабона хонаси буткул йўқолди. Бу ҳақда бот-бот ёзилмоқда, одамлар орасида турлича фикр юради. Аммо, ўша вақтларда тилга тушган, одамлар эътиборини тортган яна бир хазина мавжуд. Уни негадир унутиб юборишди, афсуски, бу дафина ҳам Колчакнинг хазинаси каби ҳақиқат бўлиб, қаерлардадир ётибди. Ҳа, бу — 1920 йил сентябрда ҳокимияти ағдарилгач, ўзи билан Афғонистонга олиб кетишга уринган Бухоро амирининг тилласидир.

Тарихдан маълумки, ҳар бир ҳукмрон тахтда қанчалик собит ўтирмасин, мамлакатидан бош олиб кетадиган машҳур кун яқинлашганини сезгани ҳамона бировга билдирмай, махфий суратда тайёргарлик кўрар экан. Уша қора кунгача ҳоким бойликлар жамғаради, уларни ҳозирлайди, тиллани эритиб ёмбилаб қўяди, қоғоз пулларни қимматбаҳо буюмларга алиштиради ёки Эфиопиянинг собиқ ҳукмдори Хайле Силасия Биринчи режимининг ағдарилишига қадар бир неча ўн миллиард долларни Швейцария банкига ўтказгани сингари чет эл банкларига ўтказди. Шундай ҳолни Гаити халқининг золими Лювалье ўз бойлигини Францияга ўтказиб юбориб такрорлади. Филиппиннинг собиқ президенти Маркос ҳам ўзи билан миллиардлаб долларни олиб кетди. Кўплаб ҳукмдорларнинг қадири шуни кўрсатдики, улар «халқ отаси» номи билан иш кўриб, элини аёвсиз талон-тарож қилишган. Бухоро амирлари ҳам бундан мустасно эмас.

Бухоро амирлиги кичик бир вассал хонлик бўлиб, унинг пайдо бўлиши эрамызгача бўлган биринчи минг йилликдан бурунги даврларга тўғри келади. У ҳозирги Ўзбекистон майдонининг катта бир қисмини — Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари ва қардош Тожикистоннинг бир улшини ўз ичига олган. Икки ярим минг йилдан кўпроқ тарихга эга Бухоро ва бухороликлар нима-ларни бошидан кечирмади дейсиз? Юксак тараққиётни ҳам, жаҳонга доврўқ қозонишни ҳам, ажойиб бойликларни ҳам, шунингдек, машҳур кунларни — ёв босқинини ҳам, батамом вайронликларни ҳам, алғов-далғов замонларни ҳам кўрди. Искандар Зулқарнайн қўшинлари Бухорони қуршаб олди, араб босқинчиси Муслим ибн Қутайба қамал қилди, Чингизхоннинг суворийлари очлик қозони таиға олов ёқиб, кулини кўкка совурди, маҳаллий хонлар ўртасидаги муттасил ўзаро ички низолар ҳам Бухорога вақти-вақти билан кулфат солиб турди. Бухорони сомонийлар, салжўқийлар, шайбонийлар, аштархонийлар сулоласи бошқарди, кейинги бир ярим асрда эса ҳокимият тепасига манғитлар чиқди. Улардан биринчи бўлиб, 1753 йили қаршилиқ Муҳаммадраҳимхон тахтга ўтирди. Манғитлар орасида ҳукмдор-зоҳидлар ҳам бўлиб, Шоҳмурод — ўшалардан бири эди. У тахтга чиққандан кейин ҳам ўз тийнатини ўзгартирмаган. У бир танга учун кечаю кундуз вақтини сарфлаган, жуда жулдур ва жўн кийим кийиб юрган, жуда кам овқат еган, юришларда аскарлари билан чодирларда бирга ётиб қолаверган, хонлик чодирини тиклашга изн бермаган, аёёнлардан бирвиникига ҳам зиёфатга бормаган, фуқародан ҳеч қандай инъом қабул қилмаган. Бироқ айнан шу ҳукмдор-зоҳид шундайин очкўз, шундайин тиллага ўч бўлганки, ҳатто ўзга эллар бойлигига ҳам кўз олайтирган. Шафқатсиз бу амир ўтакетган мутассиблик қилиб, Шарқдаги энг бой ва маърифатли шаҳар бўлмиш Марвни ер юзидан супуриб ташлаган. Бу кентни талон-тарож қилиб, неки бойлиги бўлса, барини Бухорога келтириб, манғит амирлари хазинасига жойлаган.

Манғитлар, яъни Бухоро амирлари беаёв эзувчи, қонхўр ва очкўз бўлишган. Бир ярим асрлик ҳукмронлик даврида улар Бухородаги Арк ертўлларида беҳисоб хазина тўплашган. 1920 йили Бухоро амирлигининг нуфузи тахминан уч миллион кишини ташкил этган. Бутун халқ кечаю кундуз ўзининг якчаю ягона ҳокими — Бухоро амирини учун тер тўкиб ишлаган. Амир ўзининг соқчилари ва амалдорлари ёрдамида — улар ўттиз минг кишини ташкил этгари — ўз таабаларидан солиқ тариқасида катта бойлик жамғарган. Бу қадар солиқ дунёнинг ҳеч бир давлатида мавжуд эмас эди. Бухоро амираи халқдан қирқдан зиёд ўлпон ундирган, уларнинг энг асосийси хирож — ер солиғи эди... Амирнинг ҳар бир аҳли бир парча ерда деҳқончилик қилса ҳам, ҳосилнинг бешдан бир ҳиссасини амир хазинасига топширишга мажбур эди. Оғир ўлпонлар орасида иккинчи ўринда закот,

яъни мол-мулк солиғи турарди. Бухоро амири таабалари мол-мулкнинг қирқдан бир улушини ҳокимига инъом қилардилар. Қирқ туядан биттасини, қирқ қўйнинг бирини ва ҳоказо... Бухоро амирлари уруш маҳалида жул деб аталган ҳарбий солиқни ундиришарди. Оғир ўлпонларнинг хили ва сони кўп бўлишига қарамай, Бухоронинг ҳар бир янги амири боз устига ўз солиқларини жорий этиб, шу тариқа халқнинг бор буди-шудидан ҳам жудо қилишарди. Шундай қилиб, 1870 йили Бухоро амири Музаффархон амин деб аталган янги солиқ, яъни савдогарлар сотган ёки бош-қа шаҳарларга элтган молларнинг умумий йиғиндисидан бир ярим фоизини тўлайдиган ўлпонлиқни эъти. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Бухоро амири Саид Олимхон кўпмронлигининг охириги йиллиқ даромади 30 миллион тиллага етган, шу маблагдан уч миллион тиллагани қўшинлар сақлашга сарфлаган. Юқорида таъкидлаганимдай, амирнинг ўттиз минг турли-туман амалдори ва хизматкори бор эди. Уларнинг ҳаммаси маош олиб, пул эҳсонларидан арз қилмас эди, бироқ амирлик мулкида 26 беклик, минглаб қишлоқ мавжуд бўлиб, улар мана шу амалдорлар бадалига бутунлай берилган эди. Улар ўз ризқи ҳамда Бухоро амирлигига тортиқ қилиш учун солиқни ундирардилар. Бироқ амир нуқул ўз хазинасини тўлдириш билан чекланиб қолмаган, албатта. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, амир саҳийлик ҳам қилган — тож кийдириш маросимларида базми жамшидлар уюштирган, болалар туғилганда ва бошқа кўп тантаналарга чиқим қилиб турган. Баъзида қутилмаган сарф-харажатлар ҳам қилинган. Масалан, Биринчи жаҳон уруши даврида. Россия Олмонияга қарши уруш эълон қилганида, чор ҳокимиятининг вассали саналмиш Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон четда қолмаган. Уч бор — 1914, 1915 ва 1916 йилларда телеграммаларда ёзилганидек, рус армиясининг «ғалабаси учун» бир миллион сўмдан пул жўнатган. Амир Россия императорининг маънисиз қирғинини давом эттириш учун уч миллион сўм ҳадя қилди. Бундай саҳийлик эътибордан четда қолмаган, 1915 йили иккинчи миллион Россия банкасига келиб тушганда, шарқ ҳукмдори император буйруғига биноан Оқ Бургут нишонин билан тақдирланган, 1916 йили эса, яъни навбатдаги миллиондан сўнг амирини Александр Невский нишонин билан мукофотлашди. Бундан ташқари, «Ватан олдидаги хизматлари учун» Саид Олимхонга махсус мувоҳабат билан чор армиясининг генерал-лейтенант унвони берилган. Шундай қилиб, Бухоро амирларининг ғазнаси ҳар йили тўлиб бормади, балки камайган кезлар ҳам бўлган. Бироқ шарқона ифодаланган амир ғазнасини сақлаш қонуни мустаҳкамлигича қолаверган: «Симу зарга тўлмагунча, қаноат қилмоқ жоиз эмас». Ва Бухоро амирлари ҳақу ноҳақликлар эвазига ғазнасини тўлдиришга ҳаракат қилишаверган.

Шундай яралган одамлар ҳам бўлади: очкўзлигининг на чек-чегараси бор, на ниҳояси. Беҳисоб бойликка эга одам бу бойликнинг маънисини моҳиятини билмайди, бироқ ботинида гўёки аллақандай баҳайбат бир махлуқ яшайди, у одамларнинг бор шудини тортиб олиб, шўрликларни нотавон қилиб, ўз хожасини эса кечаю кундуз хазина тўплашга мажбур этади, пировардида бу ғазнанинг моҳиятини ҳокимнинг ўзи ҳам тушунмайди. Унинг фикри-зикри битта: қанча кўп бўлса, шунча яхши, қанча кўп бўлса, ўзини шунча қудратли ҳис этади. Шуниси борки, бойлик қанча мўл бўлса, шунчалик маънисиздир. Барча бойликнинг, у бир кишиникими ё ҳокимникими — қатъий назар, моҳияти ана шундай. Умарилган бойликни бир умр тамом қилолмайсан — на базми жамшидлар, на сарой тантаналари, на хизматкорлар, на кўнлик либосларга сарфланса ҳам. Бойлик жамфарган бирор ҳоким бу нега керак, бу нима беради, бундан мақсад нима деб, ўзига ўзи савол берса қани эди? Худди мана шу ўйсизлик, очкўзлик ва ҳақиқий бойликни англаб ета олмаслик туфайли бойлик жамғаришадикки, бу кейинчалик ўзларини фалокатга дучор қилади. Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин «Уёқда шаҳаншоҳ Кашей тилла тепасида озиб-тўзиб ётибди...» деб бежиз ёзмаган эди.

Саид Олимхоннинг ҳам паймонаси тўлди. 1920 йилнинг августиде, халқ кўзғолони уни тахтдан улоқтириб ташлашини сезиб қолиб, у нафақат бош олиб кетишини, балки манғитлар томонидан ўмарилган бойлигини ва улкан амирлик ғазнасини олиб қочиш ҳақида ҳам ўйланиб қолади. Бухоро амири ўзи билан олиб кетмоқчи бўлган бойликларни бир жойга йиғиб чамалаб курганда, олтин жувоҳирлар бутун бир қарвонга юк бўлади. Бунча ғазнани ўзидан бошқа билмайдиган номальум томонга олиб кетишга қурби етмас эди. Шунда Бухоро амири ўзининг эски малайи, чор Россиясининг Машҳаддаги бош элчиси Никольскийдан инглизлар билан мулоқотда бўлиб, Британия ҳокимияти амирлик хазинасини ўз ҳимоясига олишини илтимос қилади.

Амир жувоҳиротини яшириш учун нега айнан Машҳадни танлаган? Чунки, бу шаҳар орқали Саид Олимхон аллақачон инглизлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эди. 1920 йилнинг май ойидаёқ инглизлар Бухорога Машҳад орқали икки юз туядан иборат қурол-яроғ ортилган қарвон жўнатган эди. Амир айнан мана шу йўлга умид боғлаб, ўз бойликларини инглизлар эҳтиёт қилиб сақлаши учун Машҳадга ўз чопарини жўнатади. Боз устига Эрондаги бу штатга кирмаган мўъжаз шаҳарчага амир учун йўл очик эди, амирликнинг шимол тарафида эса инқилоб тантана қилган эди.

Чоризмнинг собиқ элчиси Никольскийга кўз тутган иши ўнгидан келмагач, амир ўмарилган бойликни сақлаш учун шошилчи йўсинда бошқа йўл қидиришга тушди. Зум ўтмай Саид Олимхон ўзининг ишончли одами, шахрисабзлик дарвишлар сардори Давронни Кошғардаги инглизлар элчихонасига юборади. Бухоро амирининг вакили Кошғарга тўғри йўлдан бормади, негаки Туркистондаги инқилоб у ёққа элтадиган кўп йўллари бекитган эди. Шу боисдан Давроннинг Қоратегин домини, Олой водийси ва шарқий Помир тоғлари орқали ўтиб боришига тўғри келди. Ниҳоят, Бухоро амирининг вакили икки ҳафталик йўлдан сўнг, Кошғар пойтахти Урумчи шаҳрига етиб келади.

Инглизлар элчихонаси ўша пайтда Урумчининг чеккасидаги Чиннибоғ соя-салқинида, шинам бинода жойлашган эди. Инглиз дипломати ва айғоқчиси Петтэ Эссертон элчилик қиларди. Даврон дарвиш Бухоро амирининг номасини топширган, жавоб кутиш учун Урумчида қолди. Бироқ воқеалар ўзгача тус олди: инглизлардан мадад сўраган амирнинг кутганичалик бўлиб чиқмади. У эски таниши бўлмиш Эссертон Бухоро ғазнасини сақлашга жони-дили билан рози бўлади, деб умид қилган эди. Афсуски... Номани ўқиб чиқиб, амирнинг тиллаю жувоҳирлари юз отга юк бўлишини билдириб, шунча бойликни васийликка олгани учун зиммасига тушадиган масъулиятдан қўчийди. Бунча бойликни бир жойда тўплаш ва элчихонада сақлаш ўша вақтларда жуда хавфли эди. Атроф-теварақда жангун жадаллар авж олган — Туркистонда инқилоб, Сийньцзянда кўзғолон давом этарди,

ҳатто Кошғарда ҳам талончилар тўдаси хўжайинлик қиларди. Эссертон махсус сейфларсиз ва етарли соқчиларсиз элчихонада амир бойлигини сақлашни мушкул деб ҳисоблади. Инглиз элчиси Туркистондаги воқеалардан муфассал воқиф бўлиб, амир узоқ вақт Бухорода қола олмаслигини, хазинасини тезда қаяққадир жўнатиш зарурлигини жуда яхши англади. Петтэ Эссертон ақлли дипломат, Британия салтанатининг садоқатли хизматкори эди, амирнинг хазинасини Кошғарга олиб келишга ўзича ва ўз ҳокимиятининг розилигисиз рухсат беришга ҳуқуқи йўқ эди.

Уша ташвишли йилларда, элчихонага эсон-омон олиб келтирилган тақдирда ҳам бойликнинг сақланишига ҳеч ким кафолат бера олмас эди. Юз отли карвоннинг Бухородан Урумчига қадар етти юз чақирим йўл босиб ўтишига, албатта, кимнингдир назари тушган бўлар ва карвон то манзилга етгунча ҳеч кимнинг пайқамай қолиши эса ақлга сиғмас эди. Беҳисоб бойликни қўлга кириштишни хоҳлаган қароқчилар тўдаси элчихонани оппа-осон ишғол этиши, уни қўриқлаётган ўнча аскарни бемалол қириб ташлаши ва элчининг ўзини ҳам бошидан жудо қилиши мумкин эди. Амирнинг бойлиги ҳаққи Британия салтанатининг вайрон бўлишини хоҳламас эди. Эссертон олтиннинг яхшилик келтирмаслигини, кўп ҳолларда у бало орттиришини тушунар эди.

Аммо у айна маҳалда рад ҳам қила олмас, шунингдек, кўнмагани учун Бухоро амиридан зиммасига тушадиган масъулиятдан ҳам чўчирди. Шунинг учун Эссертон Саид Олимхоннинг шошилинч илтимосномасини Ҳиндистоннинг Деҳлидаги вице-шаҳаншоҳига йўллайди. Бу ҳазил гап эмас, негаки амир ўз бойлиги қимматини 12—15 миллион тилла фунтстерлинг ёки 150 миллион тилла пулга баҳолаган эди.

Рус-Осиё банкининг ходими К. К. Юдахиннинг ҳисобига кўра, амирнинг бойлиги 22 миллион тилла ўн сўмликка тўғри келади. (Буни бугунги пулга ҳаққанда тўрт миллиард сўмни ташкил этади.) Шу боисдан инглиз элчиси Эссертоннинг ҳам, Бухоро амирининг ҳам анча-мунча бош қотиришига тўғри келган эди.

Деҳлидаги Ҳиндистон вице-шаҳаншоҳи идорасига амирнинг хазинасини сақлаб қолиш ҳақидаги сўровини Эссертон ўзи учун одатдаги, бир неча марта синалган тартибда йўллайди. Ошиғич илтимосноманинг йўли мана бундай амалга ошди: амирнинг тилласи ҳақидаги шартли белгилар билан ёзилган телеграмма Урумчидан шарқий Помирдаги Сориқўл қишлоғида жойлашган ва охириги манзил саналган Хитой телеграфига жўнатилды. Телеграфда инглиз миссияси вакилининг имзоси бор эди. Чунки бу амалдор пиёда чопарни Сориқўлдан Қорақурум тизма тоғидаги Мингтака дово-ни орқали жўнатганида, телеграф алоқаси шу ерда тамом бўларди. Чопар бу шошилинч илтимосномани Хунза вилоятига қарашли Мизгар қишлоғидаги инглиз-автомат станциясига олиб келади. Хунза вилояти Кашмирнинг шимолий мавзеида ўрнашган бўлиб, кашмирлик махарожаларнинг вассаллик шартномасига алоқадор эди. Маъълумки, бутун Кашмир, бутун Ҳиндистон инглиз мустамлакалари таркибига кирарди. Амирнинг тилласи ҳақидаги хабар Мизгардан бошланганидан телеграф линиясидан Сринагарга, Сринагардан эса Синалуга — инглиз веце-қиролларининг ёзги боргоҳига жўнатилды. Бу шошилинч илтимоснома ана шундай мураккаб йўлни босиб ўтди.

Бироқ Эссертон ўз ҳокимиятидан амирнинг тилласини сақлаш бўйича курсатма олишни кутмаган эди. Британия салтанатининг юксак лавозимли амалдорлари Саид Олимхоннинг ёзмаси ташвишини зиммасига оладиган бўлишса, бордию бу бойлик ўғирланган тақдирда, жуда кўп пул тоvon тўлашга тўғри келишини билишарди. Шу сабабдан инглизлар бундай тадорикка рози бўлмадилар.

Эссертон Бухоро амирига назокат билан раддия юборишдан ўзга илож тополмади. Бу нома билан дарвиш ортга қайтди, узоқ йўл босиб, у Бухорога августнинг ўрталарида етиб келди. Амирнинг вакили саройга етиб келганда, амирликнинг ағдарилишига бир неча кун қолган эди.

Амир рад жавобини олгач, бойлигини яширишининг бошқа йўлларини қидира бошлайди. Энди у ана шу маҳфий, хавфли ва муҳим топшириқни бошқа бир яқинига, амир гвардиясининг кўмондони, шахсий соқчиси полковник тўқсабо Калапўшга топширади. Тўқсабо Калапўш карвонни Эрон ёхуд Афғонистон чегараси орқали олиб ўтиш учун йўлни кўздан кечириб чиқишга уринади. Аммо Каспий ортида вазият шундай тус олган эдики, Машҳадга йўл олиш мумкин экани тасаввурга сиғмас эди. Калапўш саройга қайтиб келиб, Эрон ва Афғонистонга олиб ўтувчи карвон йўллари тўсилганидан амирни огоҳ этади. Шунда амир сўнгги чорани мардоналик билан ишга солади. Саид Олимхоннинг бойлигини ортан карвон Қарши сари йўлга тушади. Карвонни Калапўшнинг кичик гуруҳи қўриқлаб боради, олтинни кузатиб борувчилар орасида Даврон дарвиш ҳам ҳозир эди. Амир бу икки яқинига хазинани 1898—1910 йилларда сурункасига ўн икки йил Қарши беклигини бошқарган ана шу шаҳар атрофига яширишни тайинлайди. (Саид Олимхон отаси Абдулахаднинг буйрак хасталигидан 1910 йили вафот этганидан кейингина тахтга ўтирган.)

Амир содиқ Калапўш ва Давронга ёзгани ўзига таниш жойлар бўлмиш Қарши атрофига ёки Яккабоғ, Бойсун ва Шаҳрисабз тоғларига яширишни тайинлаб жўнатади. Карвонни кузатиб бораётган гуруҳ иккига бўлинади. Олдинда ҳайдовчилар ва бир қанча дарвишлар, жумладан Даврон ҳам боради, орқадан эса амир гвардиясининг соқчи-аскарлари билан тўқсабо Калапўш боради. Карвон Бухородан тахминан 10 сентябрда йўлга чиқади, Қоровулбозор орқали Косонга, сўнг Қарши тарафга йўналади ва дашта адашиб қолади. Амирнинг олтинни кечалари олиб юришади, Калапўш амирнинг карвони қаёққа кетаётганини ёт кишига билдирмасликка аҳд қилади, чунки карвоннинг йўналишидан фақат бир неча қимса огоҳ эди. Калапўш аввал ёзгани Касби қўрғонига яқин сардоба атрофига яширишни хаёл қилади. (Сардоба — бу баҳорги тошқин суви йиғиб, уни бутун ёз йўловчиларга сақлайдиган жой демак.) Калапўш хаёл қилган сардоба Қарши даштидаги энг йирик сардобалардан бўлиб, унинг яқинидаги Тепа деган жойда қачонлардир ўрта аср шаҳарчаси жойлашган эди. Бу манзилда афтидан қандайдир маҳфий жойлар борга ўхшайди, Калапўш хазинани шу ерга яширмоқчи эди. Аммо бу ердаги қўшни қишлоқлар одамлари амирнинг карвонини пайқаб, унга қизиқиб қолади. Бу эса Калапўшни сергакликка ундайди ва бу ерда тўхтамасликка аҳд қилади: карвон йўлга тушади. Гуруҳ Ғузор орқали Яккабоғ томон йўналади ва Лангарга чиқиб, тоғ орасига қараб йўналади.

Тоғда, карвонни кўланкали бир пастқамликда қолдириб, Калапўш бу ерни кузатгани тепаликка чиқади. Тоғдаги дарада у бир ёриқ жойни кўриб, амирнинг бойлигини шу ерда қолдиришга қарор қилади. Бу ишни Даврон бошлиқ ҳайдовчиларга топширади. Бу гуруҳ хазинани яширгани ичкарига йўналади. Калапўш эса соқчилар билан қолади ва аскарларни Давроннинг ортидан изма-

из боришга рухсат этмайди. Калапўш Даврон дарвишни икки кечаю кундуздан зиёд кутади, аммо у қайтмайди. Амирнинг шахсий соқчиси безовта бўла бошлайди — дарвиш наҳотки топшириқни адо этмаса? Калапўшни фақат бир нарса — Давроннинг Саид Олимхонга мутассибларча садоқати борлиги хотиржам қилади. Бу дарвиш ҳоқимининг ўта маҳфий ва қалтис топшириқларини адо этган, тоғ сўқмоқлари бўйлаб биринчи юриши ҳам эмас. Бундай одам ҳаргиз алдамаслиги, тилла ва қимматбаҳо жавоҳиротни ортган қарвон билан бекиниб қолиши ва билдирмай ғойиб бўлиши ҳам даргумон. Бироқ Калапўшни дарвишнинг анча вақтдан бери йўқ экани безовта қиларди, ахир хазинани туширишга беш-олти соат, нари борса ярим кун етарди. Аммо Давроннинг икки кундан буён қайтиб келавермаганидан ҳийла оромини йўқотган Калапўш гуруҳни жар солганча оёққа турғизиб, дарвиш қарвон билан кетган томон йўлга тушади. Анча юришгач, гуруҳ бир талай жасада устидан чиқиб қолади. Бу жасадалар Даврон билан кетган одамларники эди. Дарвишнинг гуруҳи ким билан тўқнаш келгани номаълум, аммо қандайдир бахтсизликка йўлиққани аниқ эди. Яна бир неча соат юрганларидан сўнг Калапўшнинг гуруҳи яна иккита жасадагача дуч келади, улардан бирининг ҳали жони узилмаган эди. Уни ҳушига келтиришади, сув тутқазишади. Унинг Калапўшга айтиб беришига қараганда, ҳайдовчилардан бири қарвонга юклаган амир хазинасидан хабар топиб, уни эгаллаб олишга аҳд қилади. Калапўшнинг аскарлари ҳали йўлда кўришган марҳумлар қарвон ҳайдовчилар олишган жойда қолиб, ўз йўлбошловчиси Давронни ҳимоя қилишган. У ерда Давроннинг гуруҳи иккига ажраллади, яъни хазинани ўғирловчилар ва кўриқловчиларга бўлинади. Уша тиррик қолган ҳайдовчининг гапига қараганда, шерикларини Давроннинг гапига қулоқ солишга ундагани учун уни ўлдирмоқчи бўлишибди.

Калапўш гуруҳининг тоғ ораллиги сари йўлга тушишдан ўзга чораси қолмайди. Эртасига Калапўш Давроннинг гуруҳидан қолган-қутган кузатувчилари турган жойга етиб келади. У фақат уч кишини кўради, улар орасида дарвишнинг ўзи ҳам бор эди. Даврон оғир яраланган, расвоси чиққан юзидан қон оқиб турарди. Бироқ Калапўш дарвишни қай ҳолатда бўлмасин, топганидан хурсанд эди. Даврон дарвиш оллоҳнинг тавқи лаънати еғдириб, амирнинг шахсий соқчисига ҳукмдорнинг хазинасига кўз олайтирганларнинг адабини бериб қўйганини, Калапўш айтган ғорга хазинани бекитмоқчи бўлганини сўзлаб беради. «Ҳайтовур, нега бунчалик ҳаяллаб кетдиларинг?» деган саволга дарвиш ҳамроҳларини ғор томон тўғри йўл бўйлаб кетишга кўндиролмаганини, айримлари шубҳага бориб, нияти бузилганини айтади. Шундай қилиб, у ҳамроҳларининг маккорона нияти ошқор бўлиши учун бир кечаю кундуздан кўпроқ йўл бошлаб юради. Икки кун ичида дарвиш амир олтинини эгалламоқчи бўлганлар билан уч бора жангга киришади. Ҳатто Даврон отлардан юкни тушириб, ортага қайтиб келаётганида тирик қолган ҳайдовчилар пистирмада кутиб туришган экан. Шиддатли ҳаёт-мамот олишуга бўлиб ўтган, ўшанда фақат икки дарвиш омон қолган, улар оғир яраланган йўлбошловчисини ҳушига келтиришган.

Улар бир пас нафас ростлашади. Дарвишнинг жароҳатини боғлашади, у анча-мунча ўзига келади. Калапўш эса ўз гуруҳи билан ортига қайтади. Гуруҳ тоғдан ҳеч қандай хавф-хатарсиз эниб тушади. Бироқ энг сўнгги кеча тунаганларида, яъни Қарши воҳасига йўл олиш олдидан Калапўш икки дарвишни ўз қўли билан ўлдирди ва Давроннинг ўзини ҳам аяб ўтирмайди. Амирнинг шахсий соқчиси Саид Олимхоннинг хазинасининг сирини фақат ўзигагина аён бўлиб қолишини истарди. Калапўш бунга Бухоро амридан тўғридан-тўғри кўрсатма олган эди. Амир ўз яқинларини йўлга отлантираётди, хазина қаерга беркитилганини Калапўш ёки Давронгина хабар қилиши, бошқа чопарларнинг ҳожати йўқлигини тайинлаган эди. Фармойишда айтилишча, бу жойни ҳеч ким билмаслиги, биронтасининг қулоғига чалинмаслиги, биронта ҳам ёт зот доримаслиги шарт эди.

Калапўш шу тарика амирнинг фармони билан ҳукмдорнинг садоқатли хизматкори Даврон дарвишнинг жазосини берди. Даврон амирга ишонч ва садоқат билан хизмат қилди ва одатда шафқатсиз ҳукмронлар томондан беминнат хизмати учун бериладиган мукофотни олди. Дарвишларни «оллоҳнинг суйган бандалари» дейишади. Даврон ҳам «оллоҳнинг суйган бандаси» бўлиб қолаверса майли эди-я. Бироқ у амирнинг малайи бўлиб қолди. Амирларга эса миннатдорлик ҳисси ёт. Агар ҳукмдорда эгуликни ёки ўз фойдасини танлаш ихтиёри кўндаланг турса, албатта у доимо ўз фойдасини кўзлайди. Шундай қилиб, амирнинг олтини учун «оллоҳнинг суйган бандаси» Даврон дарвишнинг ҳаёт шами ўчди.

Эрталаб, дарвишларнинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким суриштирмайди. Танҳо бир аскар дарвишлар тунги манзилни тарк этиб, номаълум тарафга кетганини айтади, бунга Калапўш эътироз билдирмайди. Гуруҳ яна Қарши тарафга қараб илгарилайди. Қарши беклигининг марказини айланиб ўтган гуруҳ тўртинчи кун Қоровулбозорга, яъни Бухоронинг аҳоли яшайдиган энг чекка кентига келиб тўхтади. Калапўш ва унинг аскарларини амирнинг тўпчилари кўмондони тўпчибоши Низомиддин кун оғиб қолганда кутиб олади. Калапўш бу ерда уни Низомиддин бежиз кутиб олмасганини яхши биларди. Низомиддиннинг жангчилари Қарши даштидан қайтаётганларни олқишлаб қаршилади ва ҳар иккала гуруҳ Қоровулбозорда биргаликда тунаб қолади. Тонг азон гуруҳлар йўлга отланаётган маҳали аён бўладики, қарвонни кузатган соқчиларнинг биронтаси ҳам тирик қолмабди. Калапўш билан тоғда кимки бирга бўлса, ўша кечаси ҳаммаси ўлдирилиб, баланд тепалик ортига кўмилган эди.

Калапўш ўз жангчиларини Низомиддин нега бундай қилганини ундан суриштириб ўтирмайди. Шахсий соқчи бу — амирнинг буйруғи, деб ҳисоблайди. Қарвонни кўрган, қаёққа борганини билган, хазина яширилган жойни фаҳмлаган одамларнинг ҳаммаси тирик қолмаслиги шарт эди. Аввал ҳайдовчилар нобуд бўлди, кейин дарвишлар, сўнг Давроннинг таъзирини беришди, энди эса Бухородан то тоғ сўқмоқларигача қарвонни кузатиб, борган соқчиларнинг ҳаёти сўнди. Фақат тириклардан ҳамма сирдан воқиф биргина Калапўш қолган эди.

Ёлғиз ўзи омон қолган Калапўш, амир Даврон ва дарвишлар, соқчи аскарларга қилган қалтис ҳазилини менга ҳам қилмасикан, деган ўйга ботади. Бироқ Калапўш: амир шахсий соқчисига, ўн йилдан ортиқ ўз ҳаётини ишониб келди, демак, ўз бойлиги сирини ҳам битта мен билишим мумкин, деган ҳаёлга боради. Калапўшсиз амирнинг ҳеч қаёққа боролмаслигини биларди, бундан ташқари амирнинг олтини қаерга бекитилгани ўзигагина аён эди, холос. Аммо барибир ана шу вазият Калапўшни ўз тақдирини ўйлаб кўришга мажбур этарди.

Тўпчибоши Низомиддин ҳам бор ҳақиқатни билмас эди. Бу воқеалардан икки кун бурун амир

уни ҳузурига қақриб, Калапўш ва унинг одамларини Қоровулбозорда кутиб олишини тайинлаган эди. Саид Олимхон Низомиддинга ўйчанлик билан Калапўш соқчилари тил бириктириб, унинг ўзини ўлдирмоқчи бўлишганини ва амирга ҳам суиқасд уюштиришга тайёргарлик қўришаётганини маълум қилади. Шундай қилиб, Низомиддин Калапўшни қутқармоғи, уни жоняткорлар чангалидан озод этмоғи, гуруҳни эса мажақлаб ташлаши зарур эди. Алқисса, Низомиддин ўша қон тўкишлар моҳиятини билмай, амирнинг кўр-кўрона ўйинчоғига айланди-қолди. У амирнинг фармонини худди айтгандек қилиб адо этади ва Калапўшни эсон-омон амирнинг Аркига олиб келади.

Амир шахсий соқчисини қабул қилишдан аввал унга дам олиш, ўзига келиб олиш ва йўл кийимларини алмаштирмоғи учун ижозат беради. Шундан сўнггина Калапўш ҳукмдорнинг ҳузурига киради. Амирни Калапўшнинг сафар тафсилотлари жуда-жуда қизиқтирарди: у ўз хизматкоридан карвон бирор ғовга дуч келмадими, ҳаммаси жойидами, деб сўрайди. «Ҳаммаси жойидами?» деган иборада амир Калапўшдан бошқа биронта тирик зот қолган-қолмаганини, хазина бекитилганини бошқа биров билиб-билмаганини кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Калапўш ўздан бошқа ҳеч ким, ҳеч бир жонзот бекитилган юкнинг қаерда жойлашганини билмаслигини айтади. Шундай қилиб, Бухоронинг улуғ ҳукмдори сирли хазинанинг хавф-хатарсиз сақланажағига тўла ишонади. Сир — Калапўшда, у бўлса амирнинг соясидир. Калапўш шуларни айтarkan, соғ қолишидан умидвор эди. Афсуски, Калапўш хато қилган эди. У тилланинг кучини билмас эди. Агар одамлар тилланинг қули бўлганда, бу одамлар ўзларини бошқара олмай қолишларини тушунмас эди.

Амир ўша кечасиёқ Калапўшни ўлдиришга буюради. Бу фармонни ҳам адо этишни тўпчибоши Низомиддинга топширади. Саид Олимхон ўз хизматкорига Калапўш ҳам амирга суиқасд қилмоқчи бўлганини, сотқини ҳушига келтириб қўйиш учун ҳузурига қақирганини айтади.

Низомиддин амирнинг буйруғини ижро этишга имиллаб ўтирмайди. Шу тахлит амирнинг собиқ соқчиси Калапўшнинг ҳаёти сўнади. Икки кун ўтгач, амир Саид Олимхон ўз яқинлари билан тўпчибоши Низомиддин кузатуви остида Бухородан бош олиб қочади ва Бойсунга етиб келади. Аммо йўлда ногоҳон Низомиддиннинг оти қоқилиб кетади ва ўзи эса ўқ узилган кўкраги билан юзтубан қулаб тушади. Ким қаёқдан отганини тўпчибоши сезмай қолади. Силсиладаги умрнинг яна бир банди узилди. Бу банд карвонга, уни кузатиб борганларга, уларни қириб ташлаганларга, қириб ташлаганларни йўқ қилувчиларга дахлдор эди. Амирни олтин бекитилган дафинага бошлар боровчи сирли ришта узилган эди. Аммо ҳамонки амирнинг ўзи тирик эди.

1921 йилда Бухоронинг собиқ ҳукмдори Саид Олимхон кичик бир бўлинмаси билан амирлик сарҳадини ортда қолдириб, Афғонистон чегарасига ўтади. Энди амирда олтин юкланган карвон йўқ эди. У ўзи билан бирга бошқа юклар қаторида иккита отга ортилган икки хуржун жавоҳир ва қуйма олтинни олиб қочади. Бухоро амирининг ўзи билан чегарага олиб ўтган бойлиги атиги ана шу эди, холос. Дарвиш Даврон ва шахсий соқчи Калапўш олиб борган карвоннинг олтини шу тахлит Шахрисабз, Яққабоғ ва Бойсун атрофларида бекитилганича қолиб кетади. Помир тоғининг тизмалари бу маҳфий бойликни ҳанузга қадар ўз бағрида сақлаб ётибди. Балки, дарвиш Даврон ўз ихтиёридаги ўша икки кун ичида хазинани Калапўш билган ғордан бошқа жойга яширгандир — буниси номаълум, албатта.

Амирнинг хазинаси ҳақидаги кейинги воқеаларнинг тафсилотларини ҳеч ким айтиб беролмайди. Аммо шуниси аниқки, амир дафинасини излашга киришганлар ҳам бўлган. Кимлардир буни астойдил қидиришган, чунки йигирманчи йилларда Даврон дарвишнинг қариндошлари, опа-сингиллари, ака-укалари, олис хеш-ақраболари, ўзига яқин тутган кишилари кетма-кет ҳалок бўла бошлади. Амирнинг олтинини излаганлар Давронни бекитилган хазинанинг жойини кимгадир хабар қилишга улгурган деб гумонсирашади. Сўнгроқ эса Давронни кузатиб борган дарвишларнинг яқинлари нобуд бўлишади. Калапўшнинг қариндошлари, бутун оиласи, у яшаган қишлоқнинг ҳалокати ҳақида овоза тарқалади. Аммо қотилларнинг олтин бекитилган жойгача бориб етгани аниқ эмас. Битта нарса маълум: бу ғазнага кимки дахлдор, кимки ниманидир билса, кимки дафина қидирувчилар орасида бўлса, — ҳаммаси ўлдирилди ёки дом-дараксиз гумдон этилди. Олтин юкланган карвон қурбонлари рўйхати узундан узун. Олтинни ҳамisha амир эсда тутган, бундан унинг сарой хизматкорлари хабар топган, ва шу олтин туйфайли одамларнинг тинчи йўқолган.

Афтидан, Бухоронинг сўнгги амири ўз яқинларини чегара орқали Ўзбекистонга, Қашқадарё ёки Сурхондарё вилояти майдонларига бир неча бор жўнатган. Эҳтимол, у ўз фармони билан яширилган хазинанинг топиладиган жойини кўрсатган ҳам. Шундай босмачилар бўлинмаси бирин-сирин Афғонистон ноҳиятидаги Амударё соҳилларида пайдо бўлишди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда мана шу ғойибона йўл билан қарийб ҳар ойи одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, тоғларга йўл олган. Аммо фавқулодда ажиб воқеалар содир бўлаверган. Амир олтинини қидирганлар гуруҳи батамом гумдон бўлар, сўнгга эса уларнинг қариндошлари ҳалокатга учрарди. Хуллас, сир сирлигича қолаверади.

1930 йили Афғонистон чегараси орқали Иброҳимбек беш юз отлиқ қиличбоз тўдаси билан ўтиб келади. Амирнинг бу арзандаси ҳам Саид Олимхондан мамлакатимиз майдонидан хазинани олиб кетиш ҳақида буйруқ олгани эҳтимолдан холи эмас. Аммо бошқа йўлбосарлар бошига тушган кўргилик Иброҳимбекни ҳам четлаб ўтмайди. У Кофирноҳон орқали сузиб ўтишга улгурга олмайди. Қўлга тушиб, қамалади. Шундай қилиб, Иброҳимбекка ҳам бу бойлик насиб этмади. Ҳа, бу сирли дафинага қўл чўзганларнинг барчаси сингари у ҳам ўз ҳаётини сақлаб қололмади. Совет ҳокимиятининг ашадий душмани Иброҳимбек ўлимга маҳкум қилинади ва бу ҳукм 1931 йили ижро этилади. Ҳарқалай қачон эса-да, кимдир ечиши мумкин бўлган бу сирни билган сўнгги одам ўша Иброҳимдир...

Бироқ ҳозирча Бухоронинг собиқ амири-тирик эди. У кечаю кундуз ўз хазинасини эсдан чиқармас эди, шекилли. Балки у ўз одамларини олтинни излашга қайта-қайта жўнатиб борасида йўлаб кўргандир. Аммо Советлар мамлакатининг чегараси ўттизинчи йиллардан кейин дахлсиз бўлиб қолган эди. Бу сарҳадни ошиб ўтиш ҳеч кимга насиб этмади. Алҳол, собиқ амирнинг ўғирланган олтинга яна тагин эга бўлиш орзуси беҳуда эди.

Эҳтимол, хазина бекитилган жойни амирнинг ўзи ҳам аниқ билмагандир. Даврон дарвиш Калапўшга ишонмай шахсий соқчисини чалғитиш учун карвон юкларини бошқа бир жойга бекитган бўлиши мумкин. Тақдирини олдиндан билган Калапўшнинг ўзи ҳам шафқатсиз ҳукмдорга фириб

берган бўлса ажаб эмас. Амирнинг юборган вакиллари, у айтган жойдан хазинани топиша олмагандир, эҳтимол. Нима бўлса-да, Даврон ҳам, Калапўш ҳам энди тирик эмас ва дафина ҳам сирлигича қолиб келаверди.

Собиқ амирнинг ноҳақ ўмарилган бойликларини яна эгаллашга қурби етмади. Эҳтимол, у ўз хазинаси ҳақида жуда қаттиқ қайғуриб, ҳатто бот-бот кўзёши тўккандир. Улимидан бир неча йил олдин (у 1943 йилнинг 5 майида вафот этган) кўзи кўрмай қолади. Балки олтин карвони ҳақида алам билан йиғлайвериб, ўйлайвериб шу ҳолга тушгандир. Ахир, бошқалардан қанчалик кўп бойлик ўмарса, бу бойлик ўша одамга шунчалик бахтсизлик келтиради-да.

Амир олтинининг бундан кейинги тарихи қандай кечади — бунга билмаймиз. Эҳтимоллик назариясига кўра, бу дафинани кимдир ва қачондир топмоғи керак. Амирнинг олтинини топган одам ғаразли мақсадларда фойдаланмоқни ният қилган бўлса, бойлик изига тушганлар силсиласи қисматиға гирифторм бўлади, ўлим уни ҳам четлаб ўтолмайди. Тилла мурувватни тан олмайди, бироқ шафқатсизликка ҳам тўзим бермайди.

Олтин карвон сири ўз кашфиётчисини кутмоқда. Булар уйдирма эмас, ҳаёт ҳақиқатидир. Ҳаётнинг эса, маълумки, доимо ибтидоси ва интиҳоси бор. Мавжудот диалектикаси ҳам ана шундадир.

Мана шундай ҳол ҳам юз бериши мумкин: агар амирнинг олтинини топиш ҳеч кимга насиб этмаса, кунлардан бир кун кутилмаганда ўзини ошқор қилиб қўяди. Худди ўша жойдан, ноҳақ ўмарилган бойлик бекитилган жойдан, аччиқ ва шўр дарёлар оқади — дарёлар кўзёшлар ва қонлар дарёсидир. Бу — амирнинг тилла тўплаши учун ўз меҳнатини, манглай терини, жонини аямаган одамларнинг кўзёшидир. Тоғлардан қонли жилғалар оқади — бу қон шу олтинни, деб жон берган, ўлдириб талаган, шу дафинани бекитай, деб ҳалок бўлганларнинг қонидир.

Олтин... Бу — рангин, тиниқ, ялтироқ бир маъдан... У одамларга қувонч ва толе, гўзаллик ато этиш учун яралган. Одамзод унга муқкасидан кетмасин, ўз мусибатини олтиндан кўрмасин. Ўзининг ёвуз ниятлари шу олтинни қидириш ишқида туғилгани учун ҳам уни айбдор санамасин.

Менга қолса, бу дафинани ҳеч ким ҳеч қачон топмагани маъқул. Бу олтинни эслаганда, ғамгин хотиралар қайта тирилади, ғоят кўп қайғулар тасаввурда жонланади.

Олтин ва инсоннинг унга муносабати... Олтин ва инсоннинг ўз виждонига бўлган муносабати... Олтин ва инсоннинг инсонга муносабати... Буларнинг барчаси ана шу ярқироқ маъданда ёрқин намоён бўлади.

Баъзан олтиннинг қиймати — ҳаётга тенг келади. Бир эмас, юзлаб, минглаб, миллионлаб, миллиардлаб тақдирлар олтин уюмлари пайида узала тушади. Наҳотки, бу тақдирлар «сарик иблис»дан кўра қимматроқ нарсага арзимаса?!


Ҳоҳида одам ўзининг ва ўзгаларнинг умрини бекордан бекорга совуриб юборади. Демак, бекаму кўст олтин каби одам унчалик комил эмас. Олтинни табиат яратган, биз эса, одамни вужудга келтирамиз ва муносабатларимизни белгилаймиз. Шундай экан, биз учун олтин қимматми ёки инсон?!

Наҳотки, инсон ва олтин бир дунёда тил топишиб хотиржам яшай олмаса? Ахир, бу керак ва зарур ҳолдир. Бир бутунлик табиатга хос нарса, у оқил, доно. Табиат одамзотни ҳам, олтинни ҳам яратди. Эҳтимол, табиат одамнинг кимлигини, инсоний хусусиятларини, ўз-ўзини англашни айнан шу олтин орқали синаб кўришни хоҳлагандир. Одам ва олтин нимага тенг? Биз шу икки қийин йўлдан осонроғини — ё олтинни бой беришни, ё ҳаётдан кечишни танлаб оламиз. Уйлайманки, тилланинг баҳридан ўтиш осонроқ. Аммо ноинсонийликни, очкўзликни, ғаразгўйликни, туғма бўлмаган, табиат ато этмаган ва одамзотнинг ўзи орттирган қусурлардан кечиш бундан-да афзалроқ. Инсон қалбининг ёмон хусусиятлари унинг олтинга нисбатан муносабатида кўзгудагидек намоён бўлади.

Олтиндан ўпкаламанг — ўзингиздан ўпкаланг. Тарихдан ўпкаламанг — ўзингиздан ўпкаланг. Ўзгалардан ўпкаламанг — ўзингиздан ўпкаланг. Ҳар битта одамнинг ўзида табиат ҳам, тарих ҳам, ўз тақдири ҳам яширинган. Шахс ҳар қандай бойликдан юксак бўлмоғи лозим, бу эса ҳаёт алифбосидир.

Олтин хазинанинг сири баҳонасида сизларга инсоннинг олтинга, ўзи ва ўзгалар тақдирига муносабатини ҳикоя қилдим. Сўз ниманинг юксаклиги — олтинми ёки инсон экани хусусида борди. Афсуски, мен ҳикоя қилган бу воқеанинг тарихида олтин устунлик қилди.

**М. ХИДИРОВ** ва **А. ҲАЙДАРОВ** таржимаси



## ИЖОДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

«Саид Аҳмад Ватан урушида бевосита қатнашган эмас, уруш йиллари у меҳнат фронтида бўлган, — деб ёзади танқидчи Умарали Норматов. — Адиб ўз ижодий принципидан келиб чиқиб асарларида ўша даврнинг бевосита ўзи шоҳид бўлган, яқиндан билган лавҳаларини — кишиларимизнинг фронт орқасидаги ҳаётини, урушнинг уруш ортида қолганлар тақдиридаги изларини, урушдан қайтганлар қисматини ифодалайди». (Саид Аҳмад. Сайланма. Уч жилдлик. 3-жилд. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1982, 652-бет.) Дарҳақиқат, ёзувчининг шу йўналишдаги асарларини кўздан кечирар эканмиз, уруш шароитининг аёвсиз синовларидан ўтган, бу синовлар тақдирида ўчмас из қолдирган одамларимизга хос сифатларни ўзларида мужассамлаштирган талай халқчил, жозибали характерлар билан адабиётимиз хазинаси бойиганига гувоҳ бўламиз. «Уфқ» романи, айниқса, унинг иккинчи ва учинчи китоблари бу соҳадаги изланишларнинг ўзига хос синтези дейиш мумкин.

У. Норматов юқоридаги мақоласида Саид Аҳмад асарларини мавзу ва муаммолари жиҳатидан уч гуруҳга ажратади: уруш ва унинг оқибатларини кўрсатувчи асарлар, севги-садоқат, оилавий-маиший ҳаёт масалаларига, маънавий-ахлоқий муаммоларга бағишланган асарлар ва меҳнат кишисини улғуловчи асарлар. Ёзувчининг бу ўринда бизни қизиқтирган «уруш ва унинг оқибатларини кўрсатувчи асарлари» рўйхатида анчагина ҳикоялар ҳам бор. Бу ҳикояларда уруш, асосан, ҳарбий бўлмаган кенг халқ оммаси вакиллари характерларини чизиш орқали кўрсатилади. Шу йўсинда ёзувчи уруш ва инсон тақдири деган даврнинг энг асосий, бош масаласига ўз муносабатини билдиради. Айни чоқда ёзувчининг ана шундай ҳикоялари ҳам борки, гарчи уларда бундай тасвир асар марказида турмаса-да, уруш персонажлар тақдирида қайси йўл билан бўлмасин ўз изини қолдиради. Бу из эса қардан қараманг кўзга ташланиб туради. Масалан, ёзувчининг «Сурхон ҳикоялари» туркумига кирган «Ўйлар»идаги Меҳри кампир ҳаётидаги энг ҳаяжонли дамда — ўғлининг ғоят масъулиятли ва шарафли бир топшириқни бажаргани жўнаётган бир пайтда «бундан йигирма тўрт йил аввал елкасига қопини ташлаб шу йўлдан кетган», «уруш шамоли қомига тортиб» қайтмаган умр йўлдоши Анорбойни эслайди. Хаёллар эрини унинг бағридан юлиб олиб кетган «юлдузлар муз парчасидек совуқ чакнаган ўша куз оқшоми» томон етаклаб кетади. Кўз олдида «эри урушга кетган бари аёллар каби уйқусиз» ўтган тунлар, Анорбойнинг ҳаётини чинор шоҳида ёлғиз титраб турган япроққа қиёс қилиб ўтказган кунлар қайта жонлангандек бўлади. Шу тариқа ҳаётининг энг ширин дамлари уруш даврининг изгирилларига дуч келган аёлнинг кўнглидан кечаётган ўйлар оқимида гоҳ маънос, армонли пардалардаги нолалар эшитилса, гоҳ сўхт-сумбатидан тортиб қилиқларигача отасига тортган ўғлининг камолатини кўриб қувонаётган, фахрланаётган юракнинг тафти сезилиб туради. «Сумбул» ҳикоясидаги Ваҳобжоннинг қишлоқдаги бемаъни одатлар туфайли Гулсумга бўлган муҳаббати бемаврид хазон бўлади. Йигитнинг бундай оғир руҳий жазога дуч келиши айнан уруш бошланган кунларга тўғри келади ва у ҳеч ўйлаб ўтирмай жанг майдонларига йўл олади. «Ваҳобжон фронтда тўрт йил» кезади. «Баданлари ўқдан илма-тешик бўлиб» кетади... Урушдан ҳар ҳолда тирик қайтади. Лекин севгилиси қолган, ўзи қувғин бўлган Сумбулсойга эмас, туғилиб ўсган қишлоғи Чинозга келади. Орадан йигирма олти йил ўтиб, қизи Зарофатни излаб яна бу қишлоққа боришга, ўзининг илк севган кишиси билан учрашишга тўғри келади. Ёзувчининг машҳур «Жимжитлик» ҳикояси қаҳрамони Толибнинг тақдирдан ҳам уруш ўзига хос чизиқ бўлиб ўтади, унинг олдинги ҳаёти билан кейингисини гўё дарёнинг икки қирғоғига айлантириб, бир-биридан ажратиб қўяди. Бу типдаги асарлар рўйхатини Саид Аҳмад ижодидан яна анча келтириш мумкин. Ушбу ҳолат шуни кўрсатадики, ёзувчининг ранг-баранг, бой, серқирра бадиий оламида уруш ва унинг оқибатларини тасвирлаш муҳим ифодавий компонент, персонажлардаги сифатларни намоён этувчи ўзига хос бир ҳаётий кўзгу вазифасини ўтайди. Бу кўзгу орқали қаҳрамонларнинг буй-басти ҳам, ҳаёт йўли ҳам кўз олдимизда ёрқинроқ, мукамалроқ тарзда гавдаланиб туради.

Саид Аҳмаднинг Ватан уруши йилларидаги ижодидан «Мастонбиби» ҳикояси тез-тез тилга олинди туради. Бу ҳикоянинг ўша пайтлари яратилган талай асарлар, шу жумладан, А. Қаҳҳорнинг «Ботирали», «Асрор бобо» каби ҳикоялари билан анча ҳамоҳанг ўринлари бор. Бу ҳамоҳанглик, аввало, мамлакат ичкарисидаги меҳнати билан урушдаги ғалабага ўз ҳиссасини қўшаётган оддий халқ вакиллари образини яратишда кўзга ташланади. Сўнгра асарнинг марказий сюжет чизиги — чол ва кампир образини уларнинг фронтдаги ўғлига муносабати орқали очишда ҳам маълум ўхшашликлар бор.

Бу ҳикоя яна шуниси билан ибратлики, ёзувчининг кейинги бутун ижодида, ифода усулларига хос бўлган хусусият учкунлари унда сезилиб туради. Асарнинг марказида Мастонбиби образи туради. Қаҳрамонда уруш шароити таъсири ва талаби натижасида содир бўлган ички ўзгаришлар кенг

кўрсатилади. Мاستонбиби иримчи, уй ташвиши билан банд бўлган оддий бир кампирдан меҳнат жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Фақат ўзи ўзгарибгина қолмай, бошқаларга ҳам таъсир эта оладиган даражагача боради. Албатта, асардаги ёзувчи мақсадининг бу шаклда кўйилишига эътироз йўқ. Чунки уруш даври ҳаёти учун бундай ҳодисалар типик ҳол эди. Лекин асарнинг муваффақияти фақат шундангина иборат деб ўйлаш тўғри эмас. Асарнинг бадиийлик даражаси, ёзувчининг муҳим мақсади юксак савиядаги, чуқур ҳаётий мантиққа асосланган ижрони ҳам талаб этади. Шу нуқтага назардан қараганда, «Мастонбиби»даги бош қаҳрамон образи талқинида анча мулоҳазабоп ўринлар борлиги кўринади. Айниқса, характер мантиқи билан ҳисоблашмаслик, бу борада тажрибасизлик икки ҳолатда яққол сезилиб қолган. Буларнинг бири куйидагича. Ҳикоянинг бошланиш қисмида Мاستонбиби келини Хосиятхонни унчалик «жини сўймаслиги» бизга маълум бўлади. Унга Хосиятхоннинг бригадирлик қилиши, кечаю-кундуз меҳнат ташвиши билан юриши ёқмайди. У чолининг қайтаришига қарамай келини ҳақида анча-мунча гапларни айтишга улгуради ҳам. Шундан сўнг кампирнинг ўғлидан келини номига келган хатни неварасига ўқитиш эпизоди берилган. Характерли жойи шундаки, Саид Аҳмад бадиий оламига хос бўлган қувнок юмор унда ҳам ярқ этиб кўзга ташланади туради. Шу ўринларни ўқибтганда кулмасдан иложимиз йўқ. Лекин хатда ёзилган бир жумлани эшитиши биланоқ кампирнинг келини ҳақидаги фикри тўсатдан ўзгариб қолиши, «қирқ кокил келиним ҳам чакки эмас-ку?!» дейиши, унга бирдан «меҳри товляниб» кетиши сунъий чиқиб қолган. Иккинчи шундай ҳолат — Мастонбининг мажлисда айтган ваъзига алоқадор. Кампир келини ҳақида мақола чиққан газетани кўтариб, уни излаб колхоз клубига — мажлис кетаётган жойга келиб қолади. У ҳосилот советининг «Эртадан бошлаб колхозимизнинг ҳамма кекса ва ёшлари далада бўлиши керак!» деган гапларини эшитади. Ҳозиргина унинг «уй бекаси» бўлиб ўтирадиган хотини Ойшахоннинг қандай ясан-тусан қилиб юрганини кўрган Мастонбибига бу гаплар қор қилади ва «бир саволим бор» деб ўрнидан туриб, яхшигина «кнутқ» сўзлайди. Бу «кнутқ»да ўзининг далага чиқиб ишлашини, келинининг юзини ерга қаратмаслигини айтади ҳамда нима учун раис ва ҳосилотнинг хотини далага чиқмайди, деган масалани кўяди. Ҳосилот «Кампир тўғри айтадилар. Эртага хотиним ишга чиқади, деб сўз бераман», деб зўрға қутилади. Турган гапки, кечагина тушга ишониб, худойи қилиб юрган, келинининг вазифаси яхши кийиниб уйда ўтириш ва шу ердаги ишларнигина қилиш, деб тушунадиган кампирнинг бирданига бу даражада ўзгариб кетиши бизни ажаблантиради. Қаҳрамондаги маънавий-психологик ўзгаришларни кўрсатишда асарда ички бир узилиш, бўшлиқ борлигини сезамиз. Тўғри, ҳикояда ўша бўшлиқларни тўлдиршига ҳаракат бор. Масалан, Ойшахон пластинка сўраб келиб кетгандан сўнг кампирнинг ҳаёлидан шундай гаплар ўтади: «Мастонбиби келини ҳақида ўйлаганида, кўпинча келинчақларга ўхшаб ясанган, ҳамма вақт қошида ўсма, кўзида сурма бўлишини орзу қилар эди. Лекин ҳосилотнинг хотини шу ҳолда кўриб, орзусидан айнади. Негаки, авжи иш қизиб турган бир пайта, миннатдор бўлсанг босаман деб пўрим бўлиб юриш алланечук кўринар экан». Бу — қаҳрамон характери талқинидаги муҳим психологик момент. Лекин у Мастонбибидеги кескин ўзгаришни кўрсатишда сезилиб қолган бўшлиқни тўлдиролмайди.

Саид Аҳмад ижодида бу тилдаги асарлар кейинчалик ҳам яратилди. Бу ўринда «Кувёв» ҳикоясини келтириш мумкин. Унда ҳам ёзувчи ўзи яхши биладиган материалга — меҳнат фронтдаги кишилар ҳаётига мурожаат қилади. Биринчи кўзга ташланадиган жиҳат шуки, «Мастонбиби»дан «Кувёв» яратилганга қадар бўлган вақт (1943—1948) ёзувчи учун бекорга ўтмаган. Аввало, ҳикоячилик поэтикасини ўзлаштириш, асарда композицион яхлитликка интилиш яққол сезилди. Қолаверса, характер мантиқини яратишда иложи борича бўш, очик ўринлар қолдирмасликка ҳаракат қилинган. Бир сўз билан айтганда, ўтган вақт ичида ёзувчи ижодида маълум ўзгаришлар, силжишлар рўй берганлигига гувоҳ бўламиз.

«Мастонбиби»да қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари талқинида анча жўнлик бор эди. «Кувёв»да эса ёзувчининг қалами анча ўткирлашиб, тобига келиб қолгани билан хайла кескинроқ кечувида кўзга ташланади. Ҳикоянинг номи бежизга «Кувёв» деб аталмайди? Бу билан ёзувчи асардаги Алихўжа образига, унда содир бўладиган маънавий-психологик ўзгаришлар жараёнига урғу бермоқчи бўлади. Дарҳақиқат, у — Назар отанинг куёви. Ўзи табиатан ёмон йигит бўлмасда, характерида ўлжарлик, чапанилик каби қусурлар бор. Қайнотасининг бошига мусибат тушиб, ҳовлида бир ўзи ёлғиз қолганда, «кўярда-қўймай уни уйига кўчириб олиб» келади, шу йўл билан оғир кунда унга руҳий мадад бўлади. Қайнота билан куёв ўртасида келишмовчилик Назар ота ҳосилотликка сайланган кундан бошланади. Ёзувчи Назар отанинг тақдир драмасидан қисман бўлса-да китобхонни хабардор қила олади. Алихўжа томонидан айтилган баланд-паст гаплар отанинг дилидаги ўйларга, изтиробларига ўзига хос бир «калит» бўлиб хизмат қилади. «Назар ота Алихўжанинг ҳамма гапига чидаса ҳам, «ҳар куни кириб-чиқиб турадиган эшикни қаттиқ ёпман» деганига асло чидай олмайди. Бу нима дегани? Уйимга иккинчи қадам босишингни ўйла, деганими? Тўғри, Назар ота куёви Алихўжанинг уйда туради. Лекин унинг бу уйга кўчиб келишига сабаб, турмуш оғирчилиги ёки муҳтожлик эмасди, албатта». Бу ўринда қаҳрамондаги ўйлар оқими умумийроқ тарзда кўрсатиляпти. Сал ўтиб эса отадаги асосий руҳий драмага бироз яқинлашилади, унинг бунчалик маломат гаплар эшитиши, ўз уйини бировга бериб, куёвиникига келиши сабаблари маълум бўлади. Назар отанинг бу аҳволга тушиб ўтиришига уруш сабабчи эканини, унинг якка-ёлғиз ўғли фронтда ҳалок бўлганини билиб оламиз. Очиғи, қаҳрамондаги бундай мураккаб, драматик кечинмаларни беришда ёзувчининг маҳорати етишмаганлиги сезилиб қолади. Шу сабабли асарнинг энг жиддий, ҳаяжонли нуқталаридан бўлиши лозим жойлар оддий ахборотнамо гаплар йиғиндисига ўхшаб кетган. Табиийки, бундай тасвирнинг натижаси ҳам шунга яраша бўлади.

Ҳикоя сўнгида куёв — Алихўжа ўзгара бошлайди. У, аввало, «қайнотасига таъсир кўрсатаман, деб ўзи кўпчилик ўртасида майна бўлиб қолганини» сезади. Хаёлидан кейинчалик «Қайнотам тўғри иш қилдимми? Отам ўрнидаги бир киши менга ёмонлик кўзламас, ахир», деган фикрлар ўтади. Ниҳоят, дўконни ярадор Мухсинга топшириб, «юзини занг босган чалғини кўтариб, уроқчиликка чиқиб кетади. Асар хотимасида Алихўжанинг одамлар эшитадиган қилиб «Магазинчидан қанақа ўроқчи чиқшини бир кўриб қўйисин!» деган гапларни айтиши — унинг ўзгарганига ишора. Ёзувчи «Кувёв»да конфликтни маълум нуқтагача ривожлантириб боришга, воқеаларга, персо-



нажлар ўртасидаги муносабатга қисман бўлсада, драматик тус беришга эришган. Лекин шу ҳаракатлардан келиб чиқадиган натижаларни кўрсатишда (Назар отадаги мураккаб ҳиссий ҳолатлар; Алихўжадаги қарама-қарши туйғулар кураши кабилар) маҳорат етишмаслиги панд бериб қўйган. Балки бунда фақат ёзувчининг ўзини айблаш ҳам адолатдан бўлмас. Эҳтимол, бу масалада ҳикоя ёзилган давр — урушдан кейинги йиллар ҳаёти, адабиётдаги баъзи салбий кўринишларнинг ҳам таъсири бордир.

Саид Аҳмаднинг яна бир гуруҳ ҳикоялари борки, уларда уруш азобини, жабрини тортган, бу машъум давр вужудида қайсидир шаклда ўчмас жараҳатлар қолдирган кишилар тақдири бошқа бир «халис» нигоҳ — ҳикоячи қаҳрамон назари орқали кўрсатилади. Шу жиҳатлари билан бу асарларда А. Қаҳҳорнинг уруш йиллари яратилган айрим машҳур ҳикоялари қандайдир яқинлик, ҳамоҳанглик каби томонлари бордек туюлади. Фақат устоз санъаткорда бу иш учинчи шахс нигоҳи орқали амалга оширилган бўлса, Саид Аҳмад ҳикояларида у бошқачароқ ифода усулида намоён бўлади. Саид Аҳмад, маълумки, кўпинча ҳикояни биринчи шахс тилидан олиб боришни маъқул кўради. Асардаги асосий воқеаларни шу нуқтада тўплашга, шу ўзига хос асосий призмдан олиб ўтишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари ёзувчининг бу типдаги асарларининг поэтикаси ҳам унинг олдинги ҳикояларидан фарқ қилади. Агар «Мастонбиби», «Кўёв» каби асарларда уруш даври ҳаёти тўғридан-тўғри кўрсатилган, китобхон персонажлар ҳақидаги гапларни бевосита қабул қиладиган бўлса, кейинги биз назарда тутаётган ҳикояларда берилган воқеалар эмоционал тарзда — ҳикоячи қаҳрамоннинг муносабати, кечинмалари билан биргаликда қўшиб ўқувчига тақдим этилади. Ёки танқидчи У. Норматов таъбири билан айтганда, лиризм драматизмни кучайтирувчи востита сифатида қўлланилади. Бу ўз навбатида фақат уруш ва унинг оғир оқибатларини кўрсатишнинггина эмас, айни чоқда муайян вақт масофасидан туриб унга нисбатан бўлган одамлардаги кейинги муносабатни ҳам асарда бера олишга имконият яратади. Шундай ҳикоялардан бири — «Кўклам тароналарини» олиб кўрайлик. Асар шундай қурилганки, ундаги ҳар бир тасвир, тафсилот асосий воқеага олиб боровчи трамплин, босқич вазифасини бажаради. Эътибор берайлик. Тамоша зали, саҳнада «Кўклам тароналари» сюитаси ижро этиляпти. Ҳар бир чолғу асбобидан чиқаётган садолар эшитувчига ўзича таъсир этяпти, ўзича нималарнидир эслатяпти. Шулардан скрипкадан чиқаётган оҳанглар ажратилади, унинг садоларидан ҳосил бўлаётган туйғуларга эътибор қаратилади. «Скрипка ҳамон нозик пардаларда. У сочига умр қирови кўнган кишиларнинг ич-ичида, қалбининг энг теран ерларида яшириниб қолган ёшлик хотираларини, болаликнинг ўт-олов кунларидан узилиб қолган дамларини ёдга солар, ўша кунларга беихтиёр етакларди», — дея бу ҳолатга изоҳ берилади. Ёшликда техникумда бирга ўқишган, ўша пайтлари бир-бирига унчалик бефарқ бўлмаган, дўстлик билан муҳаббатнинг ўртасидаги айрилмаган туйғулари қолиб кетган ҳикоячи қаҳрамон билан Саодатнинг учрашуви шу фонда содир бўлади. Аниқроғи, ёнида ўтирган аёлни — Саодатни дастлаб ҳикоячи қаҳрамон кўриб, танийди. Концертнинг биринчи қисми тугайди, чироқ ёнади. Бир пайтлар ўтакетган кўрқоқ бўлган ўша қизнинг — ҳозирги Саодатнинг кўксига «иккита Қизил Юлдуз ва бир «Ватан уруши» ордени ялтираб» турганини кўрамыз. Бу манзара — ақл бовар қилмас ҳодиса ҳикоячи қаҳрамон идроки, ҳиссиёти орқали шундай изоҳланади: «Ажаб! Наҳот, ўша кўрқоқ Саодат шу бўлса? Демак, у фронтга борган, қаҳрамонлик кўрсатган.

Кўпинча биз ўзимизни кўрқоқ ҳис қиламиз. Олисдан даҳшатли, энгиб бўлмас бўлиб туюлган нарса билан юзма-юз келганимиздагина танамизда тўхтаб бўлмас жасурлик пайдо бўлганини сезмай қоламиз. Уруш кимларни ўзгартади. Тунда кўчага чиқишга кўрқадиган, момақалди роқ вужудига титроқ соладиган ожизгина бу қиз даҳшатли портлашлар, ҳар минут ўлим таҳдид қилиб турган ўқ ёмғирлари остида қаҳрамонга айланганига ажабланмай бўладими! Ҳозир ёнимда ўтирган қиз ўша Саодат эканлигига ишонмасдим».

Ёзувчи асарда ҳикоячи қаҳрамондаги ҳиссий ҳолатга, жараёнга алоҳида эътибор беради экан, фикримизча, бунда муайян мақсадни кўзда тутади. Бу билан урушнинг даҳшатини, инсон ҳаётини нақадар ўзгартириб юборишини, ундаги яширин имкониятларни қандай қилиб юзага чиқаришини таъкидламоқчи бўлади. Китобхон ҳаёлидан, энг кўрқоқ бир қизки шунчалик иш кўрсатибди, бошқалар нималар қилдйкин, деган фикр беихтиёр ўтади.

«Кўклам тароналарини»да урушнинг инсонни ўзгартирувчилик қудратигагина эмас, унинг тақдирида қолдирадиган ўчмас жараҳатларига ҳам эътибор қаратилади. Мухими, бу жиҳат ҳам ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи, муносабати орқали эмоционал ренгларда, товланишларда берилади. персонажлар, ниҳоят, бир-бирини таниб, сўхбатлашиб ўтирганда, гап орасида Саодат «Ўзгармабсан... Ҳали ҳам ўшандайсан» дейди. Ҳикоячи қаҳрамон «Сен ҳам» деб жавоб беради. БУНГА Саодат «Э-ҳе, нима деяпсан, жуда ўзгарганман. Илгари сен билган Саодатдан энди ном-нишон ҳам қолмаган», деб бош чайқайди. Ҳикоячи қаҳрамон унинг гапларига эътироз билдирганда, Саодат кулади. Бу кулги «бирон ери зирқираб оғриб турган кишининг ихтиёрсиз кулгусига ўхшарди» дея изоҳ берилади. Дарҳақиқат, бундай кулгининг сабаби концерт тугагандан кейингина маълум бўлади. Саодат номерини бериб, пальтосини олиб туришни илтимос қилади. Кейинги воқеалар қуйидагича берилади: «Гардеробда одам кўп эди. Навбатим етиб, Саодатнинг калта мек пальтосини қўлимга олдим-да, атрофидан уни излай бошладим. Кимдир костюмининг беридан тортиб, энгашиб қарадим. Худди оёқларим тагида Саодат тиззалаб турарди. Кўзим хираллашиб нималар бўлаётганини билмадим». Сўнгра ҳикоячи қаҳрамон Саодатнинг пальтосини кийгазиб қўйганлиги, у «кандавадек икки тахтакачага таяниб сакраб-сакраб кўчага» чиққанлиги, қўлтиғидан олиб машинасига чиқазганлиги ҳақида гапирлади. Бу жараёнда ҳам ҳикоячи қаҳрамондаги ҳолат, Саодатга нисбатан бўлган эмоционал муносабат ёзувчи эътиборидан четда қолмайди. Саодатнинг танасидан уруш қолдирган жисмоний таъма унинг нигоҳи, ҳиссиёти орқали олиб ўтилади. Бир ўринда у Саодат «қўлларим титраётганини сездимикин», деса, бошқа жойда «худди ухлаётган одамни уйғотиб юбормаслик учун шивирлаб» гапирганлигини айтади.

Кўрганимиздек, «Кўклам тароналари»да қаламга олинган уруш асорати аслда ҳар қандай кишини ларзага сола олади. Асарнинг поэтикасида қўлланилган ифодавий усул ва воситалар эса унинг таъсир қувватини янада очиб, ошириб юборган.

Саид Аҳмад ҳикояларидаги бундай ифодавий усул ва воситалар, ундан келиб чиқадиган бадий натижалар ҳақида У. Норматов шундай ёзади: «Ёзувчи ҳикояларни кўпинча ҳикоячи қаҳ-

рамон («мен») тилидан айтилади. Ҳикоячи қаҳрамон асарда воқеаларни ҳикоя қилиб берувчи шахс тарзида эмас, балки авторнинг «вакили» сифатида иш кўради, яъни ёзувчининг позициясини ошкора ифода этиб беради. Ҳикоячи қаҳрамон қувончли ҳодисаларни кўрганда севинчдан тўлиб тошади, кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келганда ғазоби аланга олади. Бу жиҳатдан ҳикоячи қаҳрамон лирик асардаги лирик қаҳрамонга ўхшаб кетади...» «Ҳикоялардаги ҳикоячи қаҳрамон лирик қаҳрамонга ўхшаб кетса-да, лекин айнан ўзи эмас, — деб бошқа бир ўринда бу ҳақдаги кузатишларини янада конкрет айтиди у. — Лирикада лирик қаҳрамон — бош қаҳрамон. Саид Аҳмаднинг энг яхши ҳикояларида эса ҳикоячи қаҳрамон ҳеч қаерда бош қаҳрамон тарзида берилмайди. Ҳар бир ҳикоянинг ўз бош қаҳрамони бор... Ҳикоячи қаҳрамон воқеаларга аралашар экан, бу билан у бевоқиф асарнинг бош қаҳрамони бўлиб қолмайди, балки воқеаларнинг гувоҳи, ҳикоячиси, шарҳловчиси ролини ўтайди. Ана шу образ воситасида ёзувчи асар драматизмини ифода этади».

Танқидчи билдираётган фикрларнинг тўғрилигига юқорида кўриб ўтган ҳикоя — «Кўклам тароналари» мисолида ҳам амин бўламиз. Дарҳақиқат, унда бундоқ қараганда ҳикоячи қаҳрамонга алоқадор «гаплар» кўпроқдек туюлади. Лекин ёзувчи асардаги тасвири шундай уюштирадими, бутун диққатимиз урушнинг инсон тақдирида қолдирган изларини, фожиясини кўрсатувчи образ — Саодатга қаратилади, ҳикоядаги айтилмоқчи бўлган асосий гаплар шу характерга мужассамлашганини ҳеч бир изоҳсиз сезиб турамин.

Ёки ёзувчининг «Турналар» ҳикоясини олайлик. Уруш туфайли икки фарзанди — Шамсиддин ва Фазлиддинлардан ажралиб, «Дунёда фарзанд кўрмагандек бўлиб» яшаётган «аламзада, ҳижронзада, лекин метин иродали» Собир бобонинг фожиали қисмати унинг ўз сўзлари билан ҳикоячи қаҳрамон нигоҳидан ўтказилади. Собир бобонинг ҳар бир ҳаракати, ҳолатига нисбатан ҳикоячи қаҳрамоннинг эмоционал муносабати кўрсатилган. Бу Собир бобонинг ўз тақдири ҳақидаги ҳикоясида фожиавий оҳангни оширишга, тасвирдаги драматизмни кучайтиришга олиб келган. Лекин барибир мазкур ҳикояда ҳам ҳикоячи қаҳрамон тенг ҳуқуқли персонаж сифатида эмас, балки асосий қаҳрамон — Собир бобо образига алоқадор трагик маънони юзага чиқарувчи восита сифатида берилётганини сезиш қийин эмас. Ёзувчининг айрим ҳикояларида ана шу табиийлик, ички мантик бўзилади. Жуда чиройли, маҳорат билан ёзилган ҳикоядан қолган таассуротда нимадир етишмаётгандек, унинг қаеридадир кемтик жойи бордек туюлиб туради. Масалан, «Тўлқинлар»ни олиб кўрайлик. Ҳаяжон билан ўқиймиз-у, лекин нимадандир қониқмаётгандек бўламиз. Бунга энг яхши жавобни ёзувчининг ўзи беради. У А. Қаҳҳор ҳақида эълон қилган хотираларида шундай ёзади: «Тўлқинлар» деган ҳикоям «Совет Ўзбекистони»да босилгандан кейин Абдулла ака ўқиб, бош чайқаган эди.

— Биттагина жумла шундоқ яхши ҳикояни хароб қипти. Наҳотки ҳайвон учун одам ўлса. Одам одам учун ўлиши керак.

Ҳикояда колхоз раиси бўлган бир аёл селда қолган молларни қутқараман деб, дарёга чўкиб кетарди.

— Ҳикоянинг ҳамма жойи мукаммал. Тили ҳам, тасвири ҳам, ҳолат ҳам ниҳоятда яхши. Мана ман деган ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган ҳикоя. Афсус, битта жумла шунча меҳнатни йўққа чиқазган.

Барибир устознинг бу гапидан ҳам дилим оғриди. У кишининг ҳақ эканликларини орадан уч-тўрт ой ўтиб тушундим. «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг «Адабиётда инсонпарварлик» деган мақоласи босилди. Унда менинг ҳикоямдаги ҳайвон учун одам ўлиши ғайри инсонпарварлик деб баҳоланган!»

Умуман олганда, ўзининг катта ёзувчилик маҳоратини, юксак истеъдоди-имкониятларини ўзи сунистьемол қилиш, А. Қаҳҳор таъбири билан айтганда, битта жумла билан яхши ҳикояни йўққа чиқариш ҳодисаси Саид Аҳмад жиҳодида гоҳ-гоҳида учраб туради. У масалан, айрим асарларида жуда кучли драматик руҳ яратади, бундан китобхон қаттиқ таъсирланади. Қаҳрамоннинг тақдирига катта қизиқиш билан қарайди, оғир ҳолатларда унга чин дилдан қайғуради ҳам. Лекин воқеалар ривожига маълум нуқтага борганда қаҳрамонни бу аҳволга солган, китобхонни ҳаяжонлантирган тасвирнинг замирида ҳаёт мантикидан келиб чиқмайдиган сунъий, ясама бир гап турган бўлиб чиқади. «Тўй кечаси» деган ҳикоясида ҳам шундай тасвирга дуч келамиз. Унда бутун ҳаётини ёлғиз қизига бағишлаган, уни деб ўйланмасдан умрини ўтказган отанинг тўй кечаси туғаб, ҳамма тарқангандан кейин ҳувиллаб қолган ҳовлида якка ўзи қолиши, шу аснода унинг ҳаёлидан ўтаётган ўйлар берилган. Дарҳақиқат, бу инсон ҳаётидаги ўзига хос мураккаб, драматик бир ҳолат. Ота турмушида кескин ўзгариш содир бўлган, у бир босқичдан иккинчи босқичга — бутун бошли ҳовлида танҳо яшашдек шароитга эндигина ўтган бир нуқтада турибди. Қаҳрамон тақдирида бундай ҳолат, табиийки, бизни қизиқтиради. Нега бу одам — Қобилжон бундай аҳволга тушиб қолди, умр йўлдошига нима бўлган, деган саволлар кетма-кет ҳаёлимиздан ўта бошлади. Қобилжонда кечаётган ўйлар оқимидан бунга оид тафсилотларни секин-аста билиб оламиз. «Уруш оловининг гирдоби Қобилжонни ўз қаърига тортиб» кетганда ҳомила доғлари тушган юзларидан ёш думалаётган Шарофат «зор қақшаганича поезд ортида милтираган қизил чироқ қоронғиликка сингиб кетгунча» қараб қолади. «Қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади, деганларидек, Қобилжон урушдан омон» чиқади. Энди у гимнастернаканинг чўнтагида олиб юрган хотинининг ўзи урушдалигида туғилган қизи Кароматни кўтариб тушган расмига «биринчи марта беҳавф, ишонч билан» тикилади. «Илгарилари у суратга боқаркан, юрагининг аллақасери жиз этиб кўяр, омон кўрармикинман, деган ўй бошидан йилт этиб ўтарди. Энди у қизини, хотинини омон кўради. Уруш туғайди-ку, ахир!»

Кўряпмизки, ёзувчи қаҳрамондаги туйғулар ҳаракатини, ички тўлқинларни тобора юқори мавжларга йўналтиряпти. Бу усул Қобилжон бир вақтлар ўзи урушга жўнаб кетган разъездга келгандан кейин бошқачароқ тарзда яна давом эттирилади. Бу ерда уни ҳеч ким кутиб олмайди. Станцияга қовун олиб тушган аравада қишлоғига кетаётганда нимагадир аравакам чол унга қарамасликка ҳаракат қилади. «Сўроқларига калта-калта қилиб ноаниқ жавоб беради-ю, ора-сира: «Ё ҳақ, ё эгам» деб қўяди. Узидан-ўзи «Биров ўтда, биров сувда ўлади. Бунча бераҳмсан, эгам. Яратишга яратиб қўйиб, бунча қийнайсан. Тупроқни нимага яратгансан? Бу тупроқинг қачон одамга тўяди. Урушда шахид қилганларинг камлик қилганмиди?» — деб ғалати гаплар қилади. Чол гапни айлан-тиргани сари Қобилжондаги таажжуб, ташвиш ошиб бораверади. Охири у «Оғир бўл. Бугун эрталаб

хотинининг оламдан ўтди» деб ҳақиқатни очик айтади. Шундан сўнг «Қобилжон қандоқ қилиб аравадан сакраб тушганини», «арава олдида тупроқни чангитиб, бирпасда кўздан» йўқолганини чол билмай қолади. Ёзувчи кейинчалик ҳам тасвирдаги драматизмни турли воситаларда беришга, иложи борича уни давом эттиришга ҳаракат қилади. Масалан, бир ўринда «айвон даҳанига ўтирганича бошини силкиб-силкиб» йиғлаётган Қобилжоннинг тиззасига қизчасини ўтқазиб қўйишади. «Бола ётсираб ижирганича-ю ерга тушиб, мурда ётган уйга эмаклаб кириб кетди» дейилади сўнгра бу «манзара» ҳақида. Ёки қуйидаги парчага эътибор берайлик. «Ҳамма жим. Супа четида сув тўлдирилган челада бир қучоқ гул. Гулга асаларилар қўниб ёнгиллашади. Шарофат бу гуллари эрта азонда узиб сувга ташлаб қўйган эди. Эрини шу гул билан разъездда кутиб олмоқчи эди. Саҳарлаб нон ёпилган тандирда ҳамон тошқўмирнинг ўчмаган чўғи милтирайди. Қобилжоннинг куядори кетсин деб дорга ташлаб қўйилган тўйда кийган костюмига офтоб келиб қопти. Эримнинг насбаси деб бировга тегизмай асраган икки бош оқ чиллакини энди чумчуқ талаапти». Мана шу картинадаги арлар кўнган гул, ҳали чўғи милтираб турган тандир, устига офтоб келиб қолган костюм ва чумчуқ талаётган икки бош оқ чиллаки каби деталлар вазиятга ғоят драматик тус беради. Бу картина олдинги қизчага алоқадор тасвир билан қўшилиб, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, китобхонни ларзага солади, ҳар қандай кишининг ҳам юрагини титратиб юборади. Бундай натижага эришиш осонми? Тасвирдаги ана шундай драматик чўққидан туриб, хўш, ўзи нима бўлган, Қобилжоннинг хотини Шарофат нима сабабдан бунчалик бемаврид вафот этган, деб масалани аниқламоқчи бўлсак, ғалати бир аҳволга тушиб қоламиз. Ҳикояда берилган Шарофатниг ўлими ҳақидаги тафсилот мутлақо тасодиф, мантиқдан узоқ бўлган бир гап эканлиги шундоққ биллиниб туради. Маълум бўлишича, Шарофат «Эрининг келиши кунни юртга ош бермоқчи» бўлиб «тишида тишлаб юрган пули»га бозордан бир танача сотиб олади. «Танача кучга тўлган асов эди» деб изоҳ беради ёзувчи. Бир жойга келганда танача сувга интилади. Бундан сўнг содир бўлган воқеа шундай берилди: «Хаёл суриб келаётган Шарофат унинг сувга интилганини сезмай, арқонни зарб билан тортган эди, танача алам устида унинг биқинига икки шоҳини зарб билан ботирди, Шарофат ариққа ағдарилди. Шу ағдарилганича қайтиб ўрнидан турмади. Тушга яқин ўлигини ҳовлига олиб келишди». Ҳикоядаги бутун драматизмга асос бўлган воқеа — мана шу. Майли, тўрт йиллик урушнинг оғир алғов-далғовларидан сўнг бир аёлнинг одамни сув ўлдирадиган даражадаги «танача»ни сўйиб юртга ош бериш имконияти ўша кезларда бўлиш-бўлмаглигини ёзувчининг ўзига ҳавола қилайлик. Лекин шундай бир тасодиф, одам ишониши қийин бўлган воқеа устига асардаги драматизмнинг қурилишини, уюштирилишини нима деб изоҳлаш мумкин? Бунга А. Қаҳҳорнинг машҳур таъбирини бир оз ўзгартириб, ёзувчи ўзидаги жуда қудратли маҳорат кучини ўтин ёришга сарф қилган, дейишдан бошқа иложимиз йўқ.

Саид Аҳмаднинг уруш мавзуга даҳлдор асарлари орасида «Ҳазина» ҳикояси алоҳида ажралиб туради. У ҳақда адабий танқидчиликда ҳам яхши фикрлар билдирилган. Уларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, «Ҳазина» фақат ёзувчи ижодидагина эмас, балки 60-йиллар ўзбек ҳикоячилигида ҳам сезиларли асарлардан бири ҳисобланади. Ёзувчи уруш оқибатларини инсон тақдири орқали беришда бунга мос келадиган қаҳрамонни ҳам, тасвирий усул ва воситаларни ҳам ғоят муваффақиятли топа билган. Ҳикоядаги Уста Мақсуд тақдири мисолида уруш қолдирган жароҳатлар ҳам, инсондаги ирода ва бардош ҳам, одамлардаги бунга нисбатан бўлган муносабат ҳам бир нуқтага мужассас бўлади. Ёзувчи мазкур қаҳрамон тақдири орқали... «ана шу воқеани бериш учун урта лавҳа танлайди, кейин ана шу лавҳаларга лирик чеккинишлар орқали жило бериб, улاردан ўткир драматик коллизия ҳосил этади. Лавҳаларни танлашда ёзувчи контраст приёмини қўллайди, лавҳалардаги контрастлик бир томондан асар драматизминини кучайтиришга ёрдам берса, бошқа томондан авторнинг хулосаларини ифодалаш учун имкон беради» (У. Норматов).

Биз ёзувчининг олдинги қўрилган бир қатор ҳикояларида асосий қаҳрамонга даҳлдор гаплар кўп ҳолларда ҳикоячи қаҳрамон орқали, баъзан бунга воситачи қаҳрамон ҳам жалб этилган ҳолда берилганини қўриб ўтдик. Уларда воситачи қаҳрамон ҳикоячи қаҳрамоннинг гапларини тўлдирадиган, давом эттирадиган ёки бирон жойига аниқлик киритадиган шахс сифатида гавдаланади. «Ҳазина»да шу муҳим ифода воситасидаги бошқа жиҳат, бошқача «фазилат» ҳам кашф этилади. У ҳикоядаги воқеалар ривожига ташки томондан қараганда актив аралашмайди, кўпроқ ҳикоячи қаҳрамоннинг раъйига бўйсуниб ҳаракат қилади. Лекин у ёпик, яширинган бир тарзда асарда муҳим бир вазифани бажаради, тасвир сўнггида бош қаҳрамон тақдирига алоқадор драматик чиқиқнинг тўлқинларини бир нуқтага тўпловчи, уни бир неча ҳисса кучайтириб китобхонга етказувчи ўзига хос бир воситага айланади. Бошқача қилиб айтганда, бу воситачи қаҳрамон асарда муайян вазиятлардан ҳосил бўладиган ҳиссий моментларни кучайтириб берадиган, ҳикоядаги драматизмни, эмоционал жиҳатларни оширадиган муҳим вазифани адо этади.

Шу ўринда Саид Аҳмад услубига хос бир жиҳатни таъкидлаш лозим. У ҳикоянинг асосида турган воқеага нисбатан турлича, ҳатто қарама-қарши, контраст муносабатларни кўрсатиш каби усулдан ҳам фойдаланади. Бу усул тасвирга ўзига хос эффект беради, асардаги драматизмни кучайтиришда, уни янада таъсирли, ҳаяжонлироқ қилишда муҳим роль ўйнайди. Юқоридаги ҳолатда, «Ҳазина»да ёзувчи ҳудди шу усулни қўллайпти. Агар ҳикоячи қаҳрамон муносабатида Уста Мақсуд тақдирига нисбатан тасдиқловчи, унга интилуви жиҳат устун бўлса, воситачи қаҳрамонникида инкор қилувчи, ундан узоқлаштирувчи майл мавжуд. Ифода усулидаги бундай зиддият, ранг-баранглик тасвир объектининг ўзига нисбатан ҳам, унга қадар ҳам асарда асосий драматик линияга параллель равишда ёрдамчи йўналиш вужудга келтиради, кульминацияни янада таъсирли чиқшини таъминлайди.

Ҳикоя таҳлилига қайтайлик. «Ҳазина»даги иккинчи лавҳада бевосита бош қаҳрамоннинг ўзи кўринади. «Қайрағоқ тагидаги сўрида олдига чойнак қўйиб ёлғиз ўзи хаёл суриб ўтирган Устани» ҳикоячи қаҳрамон шеригига курсатади. Самоварчи болага дутор олиб келишни буюриб, ўзи унинг олдига келади, сўрашади. «Темиркўприк»да тушиб қолиш сабабини айтиб «Йўлдош отага чалиб берган машқингиз ҳали ҳам қулогимдан нари кетмайди. Малол келмаса, бир эшитиб кетсам. Жуда кўпдан бери орзу қиламан», — деб илтимос қилади. Шундан сўнг қаҳрамонда содир бўлган ҳолат қуйидагича берилди: «Уста бесаранжом бўлиб қолиди. Сал фарсат ўтмай, кўзларини бир нуқтага тикиб, оғир тин олди, хижолат чекаётгандек ийманиб деди:

— Дутор ушламаганимга ўн беш йилча бўлиб қолди. Шунақа... У тўнининг енгини билагига-ча шимариб тирсагидан пасти йўқ чап қўлини кўрсатади. «Шунақа. Дутор чаладиган қўлни уруш кесиб ташлаган» дейди. Бу воқеа ҳикоячи қаҳрамонни лол қолдиради, унда мураккаб ҳиссий кечинмалар оқимини вужудга келтиради. Ушбу кечинмалар оқимида эса унинг ўзи ҳозиргина дуч келган вазиятга нисбатан ҳам, Уста Мақсуддек одамни сеvimли санъатидан жудо қилган урушга нисбатан ҳам муносабати, қалб нидоси ифодаланган. Бунда ёзувчи бош қаҳрамонга нисбатан муносабати фақат бир томондан — ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи орқалигина кўрсатади.

Учинчи лавҳада Уста Мақсуднинг меҳмонларни шогирди — механизатор қиз Инобатнинг ёнига бошлаб келиши, унинг устозидан ўрганган санъати билан келганларни ҳайратга солиши тасвирланади. Унга ўтишдан олдин ёзувчи яна воситачи қаҳрамондаги кайфиятга мурожаат қилади. «Дутор эшитгингиз келаётган бўлса, баққа юринг!» деб Уста Мақсуд муҳбир йигитни Инобатхон томон бошлаганда, у ҳамроҳи ҳам борлигига айтилади. «Ҳамроҳи эса бу гапга «энсаси қотгандек пешонасини тириштириб зўрға» кўнади, бунинг устига «Аслида ўзим кетаверсам бўларкан. Нега ҳам гапингизга кириб, автобусдан тушиб қолдим-а!» деган гапларни айтиди. Яна бир жойда ҳикоячи қаҳрамон «Ҳамроҳим ҳар замонда менга қараб бир хўмрайиб кўяриди. «Нима, умримда дутор эшитмаган эканманми, намунча зарур бўлмаса» деб Устага билдирмай мингиллар эди» дейди. Инобатхоннинг дутор чалиш картинасида ҳикояда турлича тарзда кўришиб келаётган драматик чиқишлар ҳам, эмоционал муносабатлар ҳам бир нуқтага йиғилади. Тасвирдаги бундай изчиллик юксак натижаларга олиб келишини, ёзувчи маҳоратини намойиш этишининг гувоҳи бўламиз. Уста Мақсуд санъатининг вориси, давомчиси бўлган Инобатга оид тафсилот ҳам босқичлари билан берилади. Дастлаб, у «устасининг салобати босаётгандек журъатсизлик билан» кўйни бошлайди. Сўнгра «ҳиссиз, шунчаки бошланган кўй бирданга ўтирганларнинг хаёлини олиб» кўяди. Бора-бора Инобат «ўзи чалаётган кўйдан ўзи» таъсирланиб кетади. Энди унинг қўллари, «пардалар устидан эркин йўрғалар, гўё дутор дастасини эзиб, ундан анвоий оҳанглари сиқиб олаётгандек, бармоқлари эса торларни худди қалбини тирнаётгандек тимдаларди».


Биз юқорида воситачи қаҳрамон — муҳбир йигитга ҳамроҳ бўлиб келган одамнинг асосий воқеага нисбатан қараши, муносабати қай даражада эканини кўрган эдик. Ёзувчи ундаги бефарқликка, лоқайдликка қайта-қайта урғу бериб, бот-бот таъкидлаб турганини ҳам биламиз. Сўнги лавҳада ёзувчи яна бир бор унга эътиборимизни жалб қилади. Энди кўз олдимизда мутлақо бошқача манзара гавдаланади. Ундаги ҳолат, ўзгариш ҳикоячи қаҳрамон нигоҳи орқали шундай берилади. «Ҳамроҳимга қарадим: унинг кўзида ёш йилтирарди. У иягини кафтлари орасига олиб жимгина ўтирар, елкаси тез-тез силкинаётганини сезмасдик».

Маълум бўляптики, ёзувчи ҳикоядаги драматик оҳангни кучайтириш, ундан келиб чиқадиган натижани янада таъсирлироқ қилиш, ўз олдига қўйган бадий мақсадга эришиш учун турли имкониятлардан фойдаланади, бир неча ифодавий воситаларга мурожаат қилади. «Ҳазина» асари билан Саид Аҳмад ҳикоячилик имкониятлари беқиёс эканлигини, агар ёзувчи чинакам истеъдод соҳиби бўлса, шу имкониятлар юксак ижодий натижалар келтиришини яна бир бор амалда кўрсата олди.

Биз юқорида Саид Аҳмаднинг қатор ҳикоялари мисолида «ҳикоячи қаҳрамон», «воситачи қаҳрамон», деган терминларни кўп ишлатдик. Умуман, бадий ижод арсеналидаги бундай ифода усули ва воситаларга мурожаат қилиш — қилмаслик ёзувчининг иши. Ундаги бу ҳуқуқни ҳеч ким чеклашга ҳам, чегаралашга ҳам ҳаққи йўқ. Лекин унга муносабат билдириш, у ҳақда мулоҳаза айтиш мумкин. Бу мулоҳаза шундан иборатки, ёзувчи айнан бир хил ифодавий усулга кўп мурожаат қилган кўринади. Масалан, унинг ҳикояларида, айниқса, ҳикоячи қаҳрамон образига тез-тез дуч келиб турамыз. Тўғри, бу усулнинг яхши томонлари кўп. Ҳикоячи қаҳрамон орқали асардаги эмоционал жиҳатлар кучаяди, лиризм чуқурлашади. Лекин у ҳадеб асардан-асарга ўтаверса, такрорланаверса, ўз аҳамиятини йўқотгандек, сийқалашгандек туюла бошлар экан. Бу жиҳат асарининг қанчалик «қош-кўзи» жойида бўлмасин, китобхонда қолдирадиган умумий таассуротга таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Саид Аҳмаднинг ҳикоячилик фаолиятига назар солар эканмиз, уруш оқибатларини кўрсатишда қариялар, шу жумладан, оналар образидан анча кенг фойдаланишга, улар воситасида тасвирдаги драматик, трагик жиҳатларни беришга, таъкидлашга интильгани ва бу борада сезиларли ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Бунга юқоридаги асар, шунингдек «Онажонлар» ва бошқа яна талай ҳикоялари мисол бўлиши мумкин. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёзувчи ҳамма вақт бараварига муваффақиятга эришяпти, «нишонга бехато уряпти» дейиш қийинга ўхшайди. Унинг айрим ҳикояларида берилган уруш даври ҳаёти билан боғлиқ драматик тасвир худди қум устига қурилган иморатга ўхшайди. Бу хил ҳикоялардаги воқеалар ҳам, шу билан боғлиқ тарзда берилган қаҳрамон фаолияти ва кечинмалари ҳам, гарчи улар қанчалик ўқишли, қизиқарли бўлмасин, чуқур ҳаётий асосга эга эмас, шароит ва давр руҳининг мураккабликларини ўзида ифодаламайди.

Юқорида билдирган мулоҳазаларимизга шундай яқун ясамоқчимиз. Адабиётимизнинг йирик намоёндаларидан бири бўлган осоқол ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг босиб ўтган катта ижод йўли ҳамиша равон, силлиқ, теп-текис бўлмаганлигини, у ҳар хил баланд-пастликлардан, кўтарилиш ва тушишлардан иборат эканини кўриб ўтдик. Эҳтимол, бундай манзара фақат шу ёзувчимизнинг ижодиётигагина ҳос бўлиб қолмасдан, умуман, бутун адабий жараённинг табиатида ҳам дахлдордир. Балки бу моҳир бадий сўз устасининг асарлари шу жиҳатлари билан ҳам узоқ йиллардан бери халқнинг, адабиёт мухлисларининг, қолаверса, адабий танқидчиликнинг эътиборини жалб қилиб келаётгандир, кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётгандир...



## КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Қимирлаган қир ошар, деганларидек мана Саъдулла Сиёев ҳам йигирмага яқин китобларнинг муаллифига айланди. Унинг орасида мўъжазгина ҳажвий ҳикоядан қиссагача, тарихий лавҳадан йирик романгача мавжуд. Бу асарларнинг ҳар бири ёзувчи ижодида ўз ўрнига, ўз тарихига эга.

Адабиёт мухлислари ёзувчини дастлаб ҳикоянавис сифатида таниган эдилар. Адиб бу жанрни йирик қисса ёки роман билан банд кунларида ҳам қўлдан қўймади. Ҳаётни бутун тафсилоти билан кўра олиш, ҳикояга хос кичик деталь ва воқеалардан арзирли хулосалар чиқаришга интилиш каттароқ ҳаётий воқеаларни дадил тасвирлашга йўл очиб берди. Адиб ҳикояни камолот пиллапоёси деб билди. Шунинг учун ҳам унинг барча турида — хоҳ юмористик, сатирик, хоҳ жиддий руҳда бўлсин — асосан тўлақонли асарлар яратди. Бугунги кунда ҳикоячилигимизни «Мажнунтолнинг новдаси», «Даҳрий», «Ёзда момақалдироқ», «Ўйлар муборак», «Ой бориб омон келинг», «Савдойи» каби асарларисиз тасаввур қилиш қийин.

Адиб ҳикояларида замондошимизнинг мураккаб ҳаёти, кечинмалари, интилишлари, эзгулик учун фидойилиги, ноҳақликка нисбатан муросасизлиги, қисқаси, давримиз кишиси учун зарур бўлган муҳим сифатлар ўз аксини топган. Адиб ўз қаҳрамонларига гап ўргатвермайди, қўлидан етаклаб юрарвермайди. У ҳар бир қаҳрамон тақдири тасвири ва талқини орқали муҳим бир гап айтишга, ўқувчида мушоҳада уйғотишга ҳаракат қилади. Шу маънода «Даҳрий» ҳикояси диққатга сазовор.

Область билим жамияти лектори Жамшид Худоёровни узоқ қишлоқдаги Оқ эшон деган диндорни тавбасига таянтириб, «Мен диндан қайтдим, дин оғу экан, энди кўзим очилди» деган мазмунда тилхат олиб келишга юборадилар. Атеистик ниятда чол ҳузурига борган Жамшид у ерда тақводор, жоҳил эшон ўрнига эътиқоди бутун, донишманд, ҳалол ва ҳақгўй коммунистни учратади. Чол Жамшидни ўз билими, ўткир мушоҳадаси, топқирлиги, одамохонлиги билан мот ва ром қилади. Эшон бобо билан мулоқотлар натижасида Жамшиднинг воқеликка, одамларга муносабати ўзгаради, у энди дунёга бошқача қарай бошлайди. Адиб ўқувчини ҳар бир инсон қалбига қулоқ тутишга, ички дунёсига чуқурроқ разм солишга ундайди. Асар самимий ва равон тилда ёзилган.

Адибнинг ҳажвий ҳикоялари, айниқса қизиқиш билан ўқилади. У бу жанрнинг машқини яхши олган. Ёзувчи жамиятимиз ривожига ғов бўлаётган зарарли одатлар, айрим текинхўр, юлғич, ялқов, товламачи шахслар, шунингдек, баъзи саводи ғовлаган, чаламулла зиёлилар устидан кулади.

Булар орасида «Начора, қисматда бор экан...», «Мавлоно Рубойй», «Ўзини кўтарадиган одам» каби ҳажвий ҳикоялар муайян тўқнашувлар асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. «Начора, қисматда бор экан...» ҳажвиясида дурустгина кулгили ҳолат яратилган. Асар қаҳрамонининг хати-ҳаракатлари орқали ижодкор деган номга доғ тушираётган, маза-бемаза асарлар битиб одамларнинг қимматли вақтини ўғирлаётган, ҳаётни фақат ўз балқонидан дурбинда кўриб тасвирлашдан тоймайдиган «ёзувчилар» қаттиқ ҳажв қилинади. Мана, у (Шоир Офарин) балқонидан узоқ бир қишлоқни дурбиндан кузатапти:

— Ёз ўғлим! — деди бироздан кейин, — ям-яшил тутзор ёқалаб сигир етаклаган қиз кетяпти. Бошида паранг рўмол, оёғида махсими, нима бало — йўқ, дала маликасига маҳси ярашмайди, ағдарма этик деб ёз! Ёздингми? Хўш, бу қизнинг юриш-туришидан ўз касбига меҳр қўйганлиги шундоққина барқ уриб турибди. Ёз, ўғлим, тўхтама! Бу очерким чиқса сенга кети олиб бераман... Ана рўпарадан марғилон дўппилик бир йигит келяпти. Ҳозир улар учрашадилар ва... йигит дала маликасига диқ розини айтади. Қиз уялиб атрофга олазарак боқади... Ие, йигит йўлини тескари солиб кетди-ку! Бефаросат! Бефаросат! Ҳеч бўлмаса сигирини етаклашиб молхонага обормайсанми, номард! Туппа-тузук келаётган сюжетимни расво қилдинг-а! Ҳай, майли қолганини фантазия қиламиз-қўямиз-да...» Бу асарни ҳозирги кунларда ҳам мавжуд «қўлбола» ҳикоя ва очеркларга пародия дейиш мумкин.

Адиб публицистика жанрида ҳам фаол қалам тебратиб келаётган ижодкорлардан саналади. Унинг кейинги йилларда яратган «Бирнинг касри», «Дераза ортидаги болалар», «То ҳирсу ҳавас хирмони бардош бўлмас», «Қадаҳ тутган қўл...» каби ўткир ижтимоий мавзудаги асарлари долзарблиги, салмоғи билан диққатга сазовор. Муаллиф бу асарларнинг ҳар бирида муҳим масалаларни кўтаради, уни юксак ахлоқий, сиёсий позициядан туриб талқин қилади. Масалан, «Бирнинг касри» мақоласида шифокор, унинг бурчи, жамият ҳаётида тутган ўрни каби муҳим масалалар ўткир публицистик руҳда ифодаланади. «Дераза ортидаги болалар» мақоласида ҳўжасизлик, кўзбўямачилик, ношуд раҳбарлик касрига қолаётган ўқувчи ёшлар турмуши қаламга олинган. Муаллиф меҳнат тарбияси ниқоби остида қишлоқ хўжалик юмушларига нотўғри жалб қилинаётган болалар ҳаёти, уларнинг ўлда-жўлда қолиб кетаётган ўқиши, тарбияси ҳақида куйиниб гапиради. Мана бу сатрларни ҳаяжонсиз, лоқайд ўқиш мумкин эмас: «Уч юз қадамча нарида ўн икки-ўн уч ёшдаги бир тўп бола ғуж бўлиб турибди. Биттаси фартуғини бошига рўмол қилиб ёпиб олибди, биттаси қўлларига куҳ-куҳлайди, яна бири ер тепинади. Сал нарида қирқ ёшлардаги новча, шляпали

киши тескари қараб, хивчин билан этигин савалайди. Далада оқарган чигит кўринмайди, қоп-қора тўзапопарлар изгиринда оҳиста чайқалади. Ҳали кун чиқишига анча бор. Бу болакайлар қачон уйқудан турган-у, қачон далага етиб келган? Уқиш нима бўлади? Нега далада колхозчи кўринмайди? Пахта фақат ўқувчининг ишими? Мақоладаги кескин публицистик руҳ ўқувчида чуқур мушоҳада уйғотилади, уни ижтимоий фаолиятга чорлайди.

Кейинги беш-олти йил ичида Саъдулла Сиёев бир нечта қисса ва «Аваз» номли йирик романини эълон қилди. «Еруғлик», «Манзил яқин», «Саратонда қор ёғди», «Отлиқ аёл», «Беш кун мастер бўлганим» каби қиссалар ёзувчини катта жанрда ҳам дадил қалам юрита оладиган ижодкор сифатида танитди. Булар орасида «Саратонда қор ёғди», «Отлиқ аёл» қиссаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Саратонда қор ёғди»нинг бош қаҳрамони Абдурахмон исми 10—12 ёшли йигитча. Абдурахмон табиати, сўзлаш услуби, дунёқараши жиҳатидан «адабиётимизда янги қаҳрамон, янги образ.

Адабиётда бунунисича янги образ бўлмайди, албатта. Бир образдаги қирраларнинг иккинчисидида воқе бўлиши ё ривожлантирилиши табиий. Абдурахмон образи ҳам болалар адабиётидаги Шум бола, Ҳошимжон ва бошқа қатор қаҳрамонлардан улғайган муҳити, болалар дунёсини ҳатлаб ўтиб катталарга ҳос яшаши ва кураши билан ажралиб туради. Тўғри, Абдурахмон Шум болага кўпгина томонлари билан яқинроқ. Лекин бу яқинлик қаҳрамонлар характерида эмас, кўпроқ ёзувчиларнинг услубидаги муштаракликда кўзга ташланади.

«Саратонда қор ёғди» қиссасидаги бошқа образлар ҳам пухта ишланган. Орзигул, Самин бобо, Кумуш хола, Раис, Тўлабой, Сайфи, Мамасоли каби қаҳрамонлар содда, оққўнғил, раҳмдил, меҳнаткаш кишилар сифатида тасвирланади. Уларсиз Абдурахмон образини кенгроқ тушуниш қийин.

Қиссада Боёнқул пўрим, Алимқул «Шамол» тоға ва ўғрилар қора кучлар вакили сифатида ҳаракатланади. Абдурахмоннинг улар билан тўқнашуви ўқувчига ҳаётнинг ва кишилар табиати мураккабликлари ҳақида сабоқ беради.

Қиссада яна бир муҳим хусусият мавжуд. Бу фронт орқасидаги оғир ҳаётни, давр зиддиятларини ишонарли тасвир этилганида кўринади. Қаҳрамонлар баъзи асарлардагидек фақат буйроқ бажарадиган шахслар эмас. Улар мустақил ҳаракат қиладиган, қалбан, табиатан ватанпарвар; оч қоладиган, қийналадиган, изтироб чекадиган, қувона оладиган, атрофдагиларга куйинадиган ҳақиқий одамлар. Шу ўринда ёзувчи фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат яққол сезилади: адиб кўпроқ ўзи яхши билган, чуқур ҳис қилган мавзуга қўл урганида муваффақият қозонади. Мазкур қиссадаги Абдурахмон образининг ҳаяжонли, ишонарли чиқишида ҳам ёзувчининг қишлоқ муҳитида вояга етганлиги, қишлоқ кишилари ички дунёсини чуқур билганлиги катта роль ўйнаган.

«Отлиқ аёл» қиссаси ҳам адибнинг етуқ асарларидан. У мавзу актуаллиги ва қатор ижтимоий муаммоларнинг кенг талқин этилиши билан диққатга сазовор. Жамиятимиз ҳаётида турғунлик даври деб ном олган кейинги 20—25 йил кўплаб муаммоларни туғдирди. Шулардан бири жамиятда хотин-қизларга муносабат масаласидир. Дарҳақиқат, бизда хотин-қизлар тенг ҳуқуқли — улар эркаклар қатори меҳнат қиладилар, маълумот оладилар, сайланадилар, сайлайдилар ва ҳоказо. Бироқ ҳар бир нарсада меъёр бузилдимиз, иш орқага кетади, бошқача айтганда, «қош қўяман деб кўз чиқарилади». Асардаги Яраш полвон нутқиға эътибор қилинг:

— Мен хотинларни қайта паранжига ўраб қўйиш керак, демоқчи эмасман, Зумрад. Бу нодонлик бўлади. Аммо ҳозирги қилаётган ишимиз ҳам фирт аҳмоқлик! Ё тавба, ён-веринга қараб, одамнинг ишонгиси келмайди. Хотин — эркак, эркак — хотин бўлиб кети-я! Трактор ҳайдаган хотин, кетмон чопган хотин, пахтада ишлаган хотин, вагондан юк туширган ҳам хотин! Эркакларда уят қолмади ўзи!

Дарҳақиқат, кейинги йилларда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги масаласи кўр-кўрона талқин қилинди. Қурилишда хотин-қизлар ишлаб бошлади, заводларда, оғир дастгоҳларда аёлларни кўрадиган бўлиб қолдик. Енгил, бироқ аёл назокати, заковати, диди, ҳушёрлиги талаб қилинадиган ишлар эркакларга топшириб қўйилди. Аёллар эҳтиёж бўлса-бўлмаса ноўрин лавозимларга, ҳатто катта раҳбарликка тавсия этилди. Қиссада жамиятимиздаги ана шу ҳолат танқид қилинади. Муаллиф аёлларимиз ҳақида, уларнинг дарди, ўйлантираётган ғам-ташвишлари ҳақида куйиниб ёзади. Аёл ва унинг маънавиятига енгил муносабатда бўлишнинг ёмон оқибатларга, ҳатто фожиага олиб келишини колхоз раиси Зумрад, унинг эри Яраш полвон, товламачи раҳбар Насриддинов хатти-ҳаракатлари орқали тасвирлайди.

Қисса бош қаҳрамони раиса жувон — Зумрад. У оқила, покиза, ҳусндор, меҳнатсевар аёл. У — турмуш ўртоғи Яраш полвонга вафодор хотин, фарзандига меҳрибон она. Бироқ тасодиф, тўғрироғи, район раҳбарларининг ғараз нияти туфайли амал кўрсисига ўтиргач, оиласи учун ҳам, бошқалар учун ҳам бегона кишига, райком секретари Насриддиновнинг кўғирчоғига, кўнгил ҳушига айланади. Аниқроғи, уни шу кўйга соладилар. Қисса биргина раиса Зумрадхон ва унинг аянчли тугайдиган тақдири ҳақида эмас. Муаллиф раиса тақдири орқали кўплаб шу ҳолга тушган қизларимиз, аёлларимиз тақдирини умумлаштиришга ҳаракат қилган.

Асар қизиқиш билан ўқилади. Бироқ унда қаҳрамонлар тақдирини, фожисини чуқурроқ, кенгроқ асослаш ўрнига кўпроқ салбий ҳолатларни қайд этиб қўяқолиш, таҳлилдан кўра баҳо беришга мойиллик сезилади.

Саъдулла Сиёевнинг «Аваз» романи тарихий-биографик жанрда битилган. Бу асар бир умр овоз замони, нурли келажакни орзулаб, «Эзилган элга бўлғай бу замон иқбол ёруғ боргоҳ», дея башорат қилган ҳассос демократ шоир Аваз Утар ўғлининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида. Ушбу роман адиб ижодидида илк тажриба. Бироқ, очигини айтганда, у муваффақиятли чиққан. Ёзувчи асарда ҳассос, исёнкор шоир ҳаётини мукаммал, бутун мураккаблиги билан тасвирлашга, Аваз яшаган ижтимоий-иқтисодий, адабий муҳитнинг тўлақонли манзарасини яратишга ҳаракат қилади. Роман билан танишиб, ёзувчи Аваз умрининг кичик бир қисмини (асарда 1909—1916 йиллар воқеалари ҳикоя қилинади) тасвирлаш учун жуда кўп меҳнат сарф қилганини кўрамыз. Муаллиф асарда шоир шахси ва у яшаган даврга тегишли кичик деталдан тортиб, то катта бир воқеа тасвиригача ўринли фойдаланишга, уларни романнинг бош мақсадига йўналтиришга интилган. Бундан ташқари, Хоразм шевасининг нозик жиҳатлари, мутуйба ва кинояга бой имкониятлари кенг намоён бўлади. Муаллиф-

нинг XIX асрга доир Хоразм воқеалари халқ удумлари, этнографиясини яхши билиши ҳам диққатга сазовор.

«Аваз»да Инсон ва Муҳит масаласи кенг ёритилган. Қаҳрамон ва персонажларнинг барчасида Муҳитнинг яхши ва ёмон томонларини аниқ кўриб турамиз. Бу нарса айниқса, Аваз Утар фаолиятининг ибтидоси, шаклланиши ва интиҳосида бўртиброқ кўринади. Муҳитнинг чиркинлиги шеърятга ошно ёш инсоннинг юрагини тирнаб, нафрату ғазаб, норозилигу адоват уруғини сепеди. Ҳаётнинг қандайдир бошқача бўлиши лозимлигини юракдан сезган шоир гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор курашга шайланади; гоҳ тушкун, гоҳ эса ишонч руҳи билан ҳақиқий курашчига эврила боради. Ёзувчи уни ҳар хил — сарой, дўстлари-ю оила даврасида, инқилоб кашшофлари орасида атрофлича тасвирларга уринганига қарамасдан, Аваз Утар характеридаги Муҳит билан юзма-юз туришга интилиш ҳисси муаллифни ўзига эргаштириб кетади.


Асарнинг баҳс талаб, мунозарали ўринлари ҳам йўқ эмас. Унда катта меҳр билан тасвирланган образлардан бири Исломхўжадир. Муаллиф бу образдан Аваз маърифатпарварлик қарашларини ойдинлаштиришда муваффақият билан фойдаланган. Бироқ ушбу тарихий шахс фаолияти назаримизда ҳаддан ташқари ижобийлаштирилгандек кўринади. Бундан ташқари романнинг ҳар иккала қисми сўнггидаги воқеалар ривожини тезлашиб кетади. Шунингдек, янада батафсил ёки аксинча муҳтасар тарзда ифодалаш керак бўлган ўринлар учрайди. Катта шахс ва суронли давр ҳақида асар ёзиш вазифаси гоҳ мушкул. Бироқ асар билан тўла танишгач, муаллиф қийин ижодий синовга бардош берганини кўраемиз.

Улуғ, заковатли кишилар ҳақида яратилган асар катта маърифий қимматга эга бўлади. Чунки улуғ кишилар ўзларида инсониятга хос аксар фазилатларни, тафаккур меваларини мужассам этган бўладилар. Халқ бахти ва саодати учун ўз бахтлари ва фароғатларини қурбон қиладилар. Шоир Аваз Утар ҳам ана шундай улуғ кишиларнинг вакили. У ўз бахти ва фароғатинигина эмас, жонини ҳам халқ бахти учун фидо қилди. Аваз Утар ўз хизматларини авлодлар унутмаслигини, номи халқ тилидан ўчмаслигини орзу қилган, билган эди.

Халқ ўз шоирининг шеърларини ҳам, номини ҳам эъзозлаб келмоқда. Ёзувчи Саъдулла Сиёев ана шу эъзозни «Аваз» романи тимсолида гавдалантирди.

Адиб ўтган вақт мобайнида китобхонларни кўп ва хўб асарлар билан баҳраманд этди. У бундан кейин ҳам шундай маҳорат ва ғайрат, сабот билан меҳнат қилиш ниятида.

**Суннатилла АҲМЕДОВ,**  
филология фанлари кандидати



Абул Бозоров

## ЭЛБЕК БИЛАН УЧРАШУВ

Бухоро шахрида истиқомат қилувчи, партия, меҳнат ветерани, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, «Бухоро пролетари» газетасининг собиқ муҳаррири Ашур Бозоров шахсга сиғиниш даврининг кулфатини тортган кишилардан. У қуруқ тўхмат билан ўн йил қамоқ, беш йил ҳуқуқдан маҳрум ва бир умр сургунга ҳукм қилинган. 20 йил қамоқ, лагерлар ва бадарғада бўлиб, 1957 йили оқланган.

Машъум маҳбусликдаги чоғларида Ашур ака кўп юртдошларию, ҳамдардларини учратган. Кўп фожияли воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Мазкур мақола Ашур аканинг шоир Элбек тўғрисидаги эсдалиги таъсирида ёзилди.

— Узоқ Колима лагерида ишлаб юрган кезларим, қирчиллаган қиш эди, «туф» деган тупик ерга муз бўлиб тушарди. Совуқ 60 даражага етарди, 43 даражали совуқда ҳам бизни ишга олиб чиқар эдилар. Кишиларнинг юзи, қўл-оёқлари шишиб кетарди. Бармоқлари, қулоқларини совуқ уриб, кестириб ташлаганлар, ўлганлар қанча... Бир йилда уч ойгина офтоб йилтиллаб кўринарди...

Ҳали Узоқ Колима деганимки, бу жойлар Магадандан минг километр нарида, чети — чегараси йўқ, ҳувиллаб ётган, муздек саҳро. Уша Колиманинг Дускандия деган маъдан қонида меҳнат қилардик. Оғир иш зарби, очлик ва совуқ асоратидан оёқларим жонсизланиб, юз йигирма километр масофадаги қондан келаётиб, йўлда йиқилиб, қорга кўмилиб қолган эканман. Конвойлар ҳам қарамай, «ўлди»га чиқариб ташлаб кетган. Бригадамиздаги инсофли икки йигит излаб юриб, толиб баракка кўтариб борганлар. Шунда ўн бир ой касалхонада ётдим. Овқат еёлмай, гапиролмай қолдим. Баъзида таниш, раҳмдил ўзбеклар кириб кўрган бўларди. Йиғиб қўйган, еёлмаган нонларимни шуларга бериб юборардим. Ахир ўша вақтларда у ерларда нон олтиндан қиммат эди-да... Мана шундай жойда, шундай ҳолатларда шоир Элбекни учратганман.

Бир кун шифтга қараб, бевақт ўлимимни, Бухорода қолган онам, оилам, туғишганларимни, айниқса жуда ёшлигида отасидан жудо бўлган болаларимни ўйлаб, кўз ёшларим чаккаларимга оқиб ётган эди. Доим қаттақон пўстинга ўралиб, лапанглаб юрадиган, барзангидай қоровулимизнинг коридордан «топ», «топ» этиб, юриб келгани, палатанинг эшигини тарақлатиб очиб, «Вот этого человека ищите наверно, он еще жив» дегани қулоғимга чалинди. Бармоқлари соғ ўнг қўлимни аста қимирлатиб, кафтим орқаси билан кўзларимни артдим.

— Ассалому алайкум ҳамюрт, — деган баъзида тушимда кўрганим, ёқимли, лекин, синиқ оҳангдаги сўз эшитилди. Кўнглим аллақандай бўлиб кетди. Қулоқларимга ишонмай, бошимни секин буриб қарадим. Аввал «туман» орасида турган бир гавда, кейин иккинчиси кўринди.

— Қалайсиз ҳамюрт, бизлар сизни кўргали келдик, — деди ҳалиги овоз. Сўнг шарпалар қалқиб менга яқинлашди-ю, бирдан ғойиб бўлди. «Ё тавба, тагин алаҳсирадимми», — деб бармоғим билан кўзимни уқалаб, каттароқ очдим. Қарасам, бошим томондаги ёғоч курсида икки одам ўтирибди. Сўрашгани иложим йўқ, бошимни қимирлатдим. Кўзим бироз равшан тортди. Қиёфаларини аниқ кўра бошладим.

— Мен Ўзбекистоннинг Элбек деган шоири эдим, — деди қалтироқ, бўғиқ товушда ўнг ёқдагиси. Ичимда «Элбек», «Элбек»... дея, ўйлай-ўйлай унга текилиб, қараб қолдим. Бошида бостириб кийган қора эски қулоқчини, устида ямоқли, пахталик бушлат. Озғин, соқол-мўйлови ўсиб кетган.

— Ҳамюрт, аҳволингиз қалай? — деди яна шоир меҳрибонлик билан.

— Кўриб турибсиз-ку, — дея олдим секин пичирлаб.

— Худо хоҳласа яхши бўлиб кетасиз, элга ҳам этиб борасиз, — дея тасалли берди. Ёнидаги қотма, шопмўйлов киши ҳам «шундай, шундай» дея тилак тилади. Кўнглим бузилди, кўзларимга ёш келди.

— Қўйинг, юрагингизни қон қилманг жигар, бу савдо ҳаммамизнинг бошимизда бор, — деб Элбек яқинроқ келиб, ёнидан латта чиқариб, кўз ёшларимни артди. Кафти билан пешонамни ушлаб ўтирди. Ҳамроҳини таништирди, — бу киши тошкентлик, ҳамшаҳрим. Бизлар ўлик жонлар ҳисобланган «салб команди» лагеридамиз. Даволашнинг ҳам тайини йўқ. Ҳозирча эшикка судралиб чиқиб-кириб юрибмиз. Ҳаво сал мулоимлашган кунлари далага олиб чиқиб «Ягада» (ўт мева) терги-зишади. «Бир редактор ҳамюртингиз «Инвалид городок» касалхонасида, оғир аҳволда ётибди», деганларини эшитиб қолдик. Шугина оралikka йўлда ўтириб, ўтириб, дам олиб, зўрға етдик.

— Бекорга ҳалак бўлибсиз, — дедим томоғимга бир нима тикилгандай ютиниб. Элбек шоирнинг шеърйи китоблари ёдимга келди. Ҳикматнамо маъноли масалларини эсладим. Қани тил ва мадор бўлса, ўша олижаноб, табаррук асарлар ва унинг ҳозир қаршимда бир ҳол — бир сиёқ бўлиб ўтирган, аслида олқишларга сазовор, муҳтарам муаллифи тўғрисида ва ўзимнинг азобли тер-





говлар, даҳшатли турмалар, жаҳаннамга ўхшаган лагерлардаги саргузаштларимни тўйиб-тўйиб гапириб берсам...

— Халқ учун, Ватан учун фидойи ўзбек ўғлони эдик, — деди алам ва нола тўлган дард билан Элбек, — озми-кўпми асарлар ёзгандик. Катта-кичик мамнун бўлиб ўқиганди. Улкамизнинг Чор истибдодидан, хонлару амирлардан озод этилганидан шод эдик. Бирдан «халқ душмани, миллатчи» деб ҳибсга олдилар. Бу тавқи лаънатдан қачон қутулишимиз маълум эмас. Ун жонимиздан бир жонимиз ҳам қолмади. Мана, сизнинг муддатингиз яқинлашибди, худо хоҳласа оёққа туриб, элга ҳам етуб борурсиз. Бизга у кунлар насиб бўлмас. Тошкент, Бухоро шаҳарларига борганда мени билганларга ва ёзувчиларга саломларимни етказинг. Туғишқонлару биродарларим мендан рози бўлсинлар. Мана шу, совуқ қаҳратон саҳрода қолиб кетганларни ёдга олсинлар...

— Ундоғ деманг, ўзингиз ҳам элга қайтиб борасиз, — дедим. Сўзларим бўғзимдан узилиб-узилиб чиқди. Кўз ёшларим сизиб кетди. Уни қўлим билан артиб, шоирга қарасам, улар ҳам «пиқ-пиқ» йиғламоқда эдилар.<sup>1</sup> Бошим айланиб, бир хил бўлиб кетдим. Улар ҳолимни сездилар. Мени кўп уринтириб қўймаслик учун, тезда тузалиб кетишимга умид билдириб, хайрлашдилар.

Мен шоирнинг ҳамшаҳрига каравот ёнида, бурчакда турган халтамни қўл билан кўрсатиб, «олинг» ишорасини қилдим. У, белидаги латта «белбоғи»ни ечиб, нон парчаларини солиб, тугиб олди. Чиқаётганларида Элбекнинг оёғидаги эски, қора матодан тикилган, титилиб кетган «Бурка»-сига кўзим тушди. Кейин бурилиб ётмоқчи бўлганимда, шоир ўтирган курсида кичкина, тунука қутичани кўрдим. Унинг ичида тиш порошоги бор эди. Боёқишлар-эй, ҳеч нима тополмаганларидан шунини келтирганлар. Яна кўнглим бузилди, ўзимни йиғидан тўхтатолмадим...

Ашур ота шоир Элбекнинг илтимосини бажо келтиролмагани учун минг-минг афсусланади. Ун йиллик азобдан бўшалиб, йўлларда оч-наҳор қийналиб, Бухорога етганида яна фожиа устидан чиқади. Уйи вайрон, ҳеч кими йўқ. Онаси Вобкентга, туғишганларига бориб туриб, ўглининг йўлига қарай-қарай, фарёд чекиб, кўзлари кўрмас бўлиб, дунёдан ўтади. Қийин турмушдан иккала боласи вафот этади. Аёли эри келишидан умид узиб, турмуш қуриб кетади. Узи ишга киролмай, ҳар жойда тунаб юриб-юриб, ҳаммомга ўтёқар бўлганида, яна терговга қақришади. Давлат хавфсизлиги органининг «Алоҳида кенгаши» комиссияси қарори билан бир умр сургунга ҳайдалади. Красноярск ўлкаси даштларида — тайгада тўққиз йил оғир меҳнат, азоб-уқубатларда «умр» кечиргандан сўнг айбсизлиги аниқланиб, оқланиб озодликка чиқади.

<sup>1</sup> Ашур Бозоровнинг айтишича, Элбек ёнидаги кишини «чойхоначи» деб айтган. Бозоров оғир аҳволда ётгани учун номини сўрамаган. Ҳар ҳолда машҳур чойхона мудирларидан бўлса керак. [А. Б.]



## ШОИР ХОТИРАСИНИ ИЗЛАБ

(Сиддиқий-Ажзий таваллудининг 125 йиллигига)

Мен бу номни биринчи марта 1962 йилда эшитган эдим.

XX съезддан кейинги, жамият баданига хиёл илиқлик югурган йиллар. Биз ТошДУнинг филология факультетида ўқийётган бир гуруҳ талабалар диплом ишлари олиш учун ўзбек адабиёти кафедрасига мурожаат қилдик.

Диплом мавзулари бир пасда тала-тала бўлиб кетди. Менга «Сиддиқийнинг адабий мероси» тегди. Билмайман. Эшитмаганман.

Домлаларга мурожаат қилдим. Улар кафедра муdiri Фулом Каримовга йўллашди. Рўпара бўлдим. Домла бош-оёғимга синчиклаб разм солди.

«Самарқандлик шоир, маърифатчи. Бизда ўрганилмаган. Ўргансангиз, қизиқ материаллар чиқиши мумкин. Лекин тили, услуби жуда оғир. Дарвоқе, эски имлони биласизми? Форсчага қандайсиз?»

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошига доир бир қатор китобларни кўздан кечирдим, қани энди лоақал номи учраса. Йўқ. Ҳафсалам пир бўлди. Қизиқиш хавотирга айлана бошлади. Ногаҳон Фаттоев деган кишининг ўша йиллари рус тилида босилиб чиққан «Самарқанднинг таниқли педагоглари» китобига кўзим тушиб қолди. Унинг асосан, «Ажзий» тахаллуси билан ёзгани, ўзбекча асарлари билан бир қаторда тожикча шеър устони борлиги маълум бўлди. З. Ш. Ражабов, И. С. Брагинский, А. М. Боҳоуддинов каби тожик олимларининг тадқиқотларидан шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир талай маълумотлар, фикр-мулоҳазалар аниқланди. Ниҳоят, ўша 1962 йил Тошкентда душанбелик Р. Аслонов «Сиддиқийнинг дунёқарашини» мавзусида фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Ўзимизда ҳам айрим мақолалар пайдо бўла бошлади. Номини гоҳи ҳамза атрофидаги қалам-кашлар рўйхатига қўшилаётган бўлди. 1973 йилда Фафур Уломо нашриётида ихчамгина бир шеърли тўплами ҳам чиқди. Матбуотда икки ҳил баҳо ўртага тушди: 1. Жадид-миллатчи. 2. Тараққийпарвар-маърифатчи. Жамиятимиз иқтисодий-маънавий турғунлик ботқоғига чўккан сайин Сиддиқий ҳақидаги гап-сўзлар ҳам сўниб борди. Ва сўнг у деярли эсдан чиқди...

Бу йил кўкламда шоир умрининг катта қисми ўтган Самарқанд теграсидаги Ҳалвойи қишлоғига боришга аҳд қилдим. Унинг киндик қони тўкилган, вояга етказиб, шухратини узоқ-узоқларга ёйган шундай жойини бир зиёрат қилишга иштиёқим баланд эди. Мақсадимни ўша ёқлик ҳамкасаба дўстим Абдуғани акага айтганимда маъқул тушди.

...Зарафшон кўпригига етмасдан машина ўнгга бурилди. Бир вақтлар Миёнкол деб номланган воҳага кирдик. Бобур «Бобурнома»сида Миёнколни, унинг кўрғонини икки жойда тилга олган эди. Лекин нега Миёнкол? Ё Миёнқўлмикин?

— Зарафшон Чўпонота мавзеида Оқдарё ва Қорадарёга бўлиниб, 130 қақиримча нарида Хатирчида бирлашган, шундан, эҳтимол, Миёнқўл (Уртақўл) бўлса керак. Кейин Уртабўз деган жойимиз ҳам бор. Ҳозир шуни устидан ўтамыз, — фикр берди Абдуғани ака.

Оқдарё қуриб изи қолибди ва бир районга номи. Дарё ўзанидан ўтиб қишлоққа буриламиз. Қишлоқнинг номи Бошдархон. Умуман, бу ерда «дархон»лар кўп. Тошлоқдархон, Ошқадидархон, Қирқдархон, Жўрабойдархон, Наймандархон, Озоқдархон...

— Асли биз Зоминдан эканмиз, — дейди кекса маорифчи, собиқ жангчи Эрмамат ака. — Нима бўлади-ю, чигиртками, вабо-ўлатми сабаб бўлиб, халқимиз Самарқандга келиб қолади. Ҳозир ҳам Самарқандда Зоминлигузар бор. Ушандан қолган. Хуллас, мана шу кишилар Бухоро амири Насруллахонга совға-саломни куюқ қилиб, мурожаат этадилар. Амир уларга шу жойларни инъом этади. Бу жойлар тошкор, бир қисми қамишзор, тўқайзор бўлиб, Самарқанд аҳлининг ёзлик, шикоргоҳ ерлари ҳисобланган.

«Дархон»нинг маъноси «озод», «имтиёзли» эканини кўзда тутсак, тахминда жон бордек. Эрмамат акани олиб тушдан кейин Ҳалвойига ўтдик.

Бир вақтлардаги шошқин Оқдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бу қишлоқ қадим қишлоқлардан. Маҳаллий халқ уни Хўжа Ҳалвойи деган кишининг номи билан боғлайди.

Сиддиқийга қайтайлик.

«Бизнинг текширадимиз самарқандлик шоиримиз Ажзийдир. Исми Саидахмадхўжа, унво-ни Сиддиқийдир. Узининг асосий касби бўлиш эътибори ила ҳозир ҳам Самарқанд теграсида Ҳалвойи қишлоғида деҳқончилик билан машғулдир»,<sup>1</sup> — деб ёзган эди у ҳақда Вауд Маҳмуд. «1864 йилда Самарқандда туғилди. Отаси туркистонлидир. Амир Абусаид замонида (XV асрда — Б. Қ.) Самарқандга кўчиб келмиши»,<sup>2</sup> — деб маълум қилган эди 1928 йилда Турсунқул.

<sup>1</sup> Вауд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий, «Инқилоб» ж. 1924 й. 12-сон

<sup>2</sup> Турсунқул. Сиддиқий тўғрисида мулоҳазалар.

Саидахмад 5—7 ёшларида отаси Ҳасанхўжа вафот этиб, дастлаб бобоси Алихўжа қўлида, сўнграқ уста Абдулқаюм эшигида етимликда катта бўлгани маълум. Бўлажак шоир янгаси қўлида савод чиқарди. Мадрасага қатнаб «Шарҳи мулло»ни ўқишга муваффақ бўлади. Лекин асосий сабоқни ҳаётдан олади. Билимни кўпроқ мустақил эгаллайди. Замондошлари унинг ўқув-қобилиятини алоҳида таъкидлайдилар.

Вадуд Маҳмуд ёзади:

«Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўп санъатларнинг устосидур. Бошлаб Сиддиқий яхши бир техникдур. Соат ва мошинларни тузатмоқ ишига моҳирдур. Яхши тўқувчи ва тикувчидир. Кўп йиллар бу санъат ила яшагондур. Яхши овчидур, мусиқи билан ҳам анча шуғуллангандур. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладур. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шохиддур. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодур».

Турсунқул мақоласида ўқиймиз:

«Ўз фитрат — истеъдоди билан русча ўқиш кераклигини сезиб, русча савод чиқаради. Бир муддат Бухорода ишлайди. Бухороли ўртоқларининг ташвиқлари билан шоирликка ҳавас пайдо қилади ва шеър ёза бошлайди. Фикрида ўзгариш бўлгондан кейин бундай шеърларини куйдиргани маълумдир».

Дарҳақиқат, бухоролик Неъматулла Муҳтарамнинг XIX аср адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланадиган «Тазкиратуш шуаро»сига шоир Ажзий ҳам киритилган.

Муаллиф у ҳақда шундай ёзади:

Ажзий заковат эгаси, фаҳму идроклилар сараси, хушманглиғ равшининг ифодачиси, хирадманлик истакларининг билимдони Ҳожи Саидахмадхўжа Самарқандийнинг таҳаллусидирким, (ул зот) таъби дарахтининг меваси (ҳамиша) қанддек тотлиғ эрур ҳамда одамлар димоғи (анин)г шеърлари атридан (доимо) муаттардир.

(Мазкур мавлонинг) замондошлари, агар биронтасига эга бўла олсалар, ифтихор қилишлари мумкин бўлгучи (турли хил баракатли) касбу ҳунарларнинг кўпчилиги сирларидан хабардорлиги бор. (Шундай санъатлардан бўлмиш) соатсозликда ягона, тикувчиликда тенгсиз, тил мусаннифи ва истилоҳотда ориф, жузъий илмлар ва синоатдан воқиф, яхши хулқлик, ёқимли хатлик ва юқори йўсинли таъблик кишидир. Ул зот шаҳарлар фаҳри (Бухоро) ва улуғ Самарқанд фозилларидан кўпи билан илиқ мулоқотга ва улар суҳбатида яхшигина ҳурматга эга.»

Неъматулла Муҳтарам ўз тазкирасида Сиддиқийнинг ишқий мавзудаги иккита форсий шеърини келтирган.

Бирининг матлаи:

**Раво мадорки, рўят набинаму мирам,  
Мапўш чехра зи ман то ду бўсае гирам.**

**(Раво кўрмагил, сочинг кўрмайн ўлмоғим,  
Епма юзинг, шартдир икки ўпич олмоғим.)**

Ўзбекча ишқий шеърлари сақланмаган.

Сиддиқий 90-йилларнинг охирида Маккага сафарга отланади. 1900 йилда Русиянинг Жаддадаги элчихонасида тилмочлик ҳам қилгани маълум. Тифлисида Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тойирзода (Собир) билан танишади.

Шоир 1901 йилда она юртига қайтади ва янги усулдаги мактаб очади...

Тадқиқотчи Турсунқул 1928 йилда мазкур мактабни «бу кун Самарқанд туманида энг мунтазам мактаб биноларидан», деган ва Сиддиқийнинг кейинги пайтларгача шу ерда «мудир ва муаллим» бўлиб турганини айтган эди...

«Халвойи мактаб»нинг бу «мунтазам биноси» 86 йилдан буён турганмикин?»

Уша ёққа шошилаемиз.

Узоқдан дарахтлар ортида бир-бирига туташиб кетган иморатлар оқариб кўринади. Оддий қишлоқ мактаби. Яқинлашганингизда бошқаларидан узилиб турган рангсиз ёштин бино қад кўрсатади. Ҳам содда, ҳам пухта. Ҳам ваэмин, ҳам салобатли. Сўнграқ қурилган бинонинг куйида. Икки хоналик. Ҳар бирига қирқтача ўқувчи сиғади пол, потолок. Голланд печкалари. Соф рус-европа услубида. Бинонинг кунгай тарафида ёшдан гизаккунгура чиқарилиб, 1903 санаси ёзиб қўйилган. Ҳозир ҳам у Ворошилов номли 19-ўрта мактабнинг ўқув хоналаридан. (Бири ҳарбий синф хонаси, иккинчисида ўқув анжомлари сақланяпти.)

Қишлоқ оқсоқолларидан Қаландар ака Юнусов ҳикоя қилади:

«1918 йилда туғилганман, 1943—47 йиллари шу ерда раислик қилдим. Шўро бўлдим. 30-йилларда ҳам бу мактаб шу яқин-атроф қишлоқлардаги бирдан-бир ўқув даргоҳи эди. Мен ҳам шу ерда ўқиганман. Домла Сиддиқийнинг ўзларида савод чиқарганман. Кичкина жуссали, қотмадан келган, абжир киши эдилар. Тиллари сал чучуқроқмиди. Еш бўлганман, бошқа нарса эслолмайман. Лекин, шуни биламанки, у кишини ҳурмат қилмаган киши йўқ эди. Уйлари мактабга яқин эди, ҳозирги Меликбобонинг, Мулла Ражаббобонинг ўғиллари Мулла Шарофбойларнинг уйлари ўрнида... Бу мактабнинг қурилиши бир тарих, — завқ билан давом этади Қаландар ака. — Куропаткин дегани ўтган экан-ку, губир ҳам бўлган экан. Уша десангиз, бир йўли тушиб, айланиб Самарқандга келиб қолибди. Самарқанддаги шотирлар бу обрўли генералнинг кўнглини олмоқчи бўлишиб, овга бошлабдилар. Овнинг макони эса Оқдарёнинг тўқайи. Тустовуқдан тўнғизгача бор. Қишлоғимиздаги одамларнинг ҳар иккитасидан бири овчи, мерган. Ҳатто тирикчилиги шундан. Дарвоқе, домланинг ўзлари ҳам яхшигина овчи бўлганлар. Хуллас, Очил мерган деганимиз денг, Куропаткинга бир тўнғиз отиб келади. Қизиқчиликка тортиб кўрадилар. 18 пуд чиқади! Эриб кетган генерал Очил мерганга қараб: «— Тила, тилагингни!», — деб юборибди. — «Мактаб дегин, мактаб!» — шивирлабди дўстининг қулоғига Сиддиқий. Очил мерган ўзини босиб олибди-да: «Бир мактаб очиб берсангиз бизга. Бу бир менинг эмас, бутун қишлоқнинг тилаги», дебди. — Ҳўп, шундай бўла қолсин» — дея жавоб қилибди генерал.

Шу тариқа мактабга рухсат тегибди. Тезликда хумдонлар қазилиб, ишга тушибди. Бор от-

уловлар Самарқандга керакли асбоб-ускунага юборилибди. Жуда қисқа муддатда оловдек қип-қизил ғиштин иморат қад кўтарибди.»

— Самарқанд, шу ердан кесиб чиқилса, роппа-роса ўн чақиримлик йўл, гапга аралашади Эрмамат ака. Илгари йўл тўри эди, шундай Чўпонотанинг қуйисидан чиқарди. Ҳозир эса... Кичкиналигимизда яёв бориб келардик. Оби Раҳматдан бир сув ичсак, етганимиз эди.

Ургут яқинидаги шаффоф булоқлардан Самарқандга сув олиб келувчи Боғи баланд билан Боғи Майдонни оралаб ўтиб Қорадарёга қуйиладиган бу машҳур анҳор не-не воқеаларни кўрмаган. Буюк Улуғбекнинг «Зеби жаҳон» (Навоий) расади ҳам шунинг ёқасида эди.

Шоирнинг сатрлари эсга тушади:

**Сўйлай сана бир намуна ҳужжат,  
Вор шахринга наҳри Оби Раҳмат.  
Машҳури шахри замон Улуғбек,  
Илму фана таржумон Улуғбек  
У наҳри қанорин этди марсад...**

Тўпланганлардан бири қўлини паҳса қилганча гапира кетди:

— У Сиддиқийнинг замонида Оби Раҳмат эди, ҳозир ичиш у ёқда турсин, қўлингизни тикқани ҳазар қиласиз. Оби Раҳмат эмас, Оби Мағзава!..

Бир лаҳза чалғийсиз. Сўнг яна хаёл шоир дostonидаги сатрларга уланади:

**Боғ ичра зилол ариғда жорий,  
Гуллар-ла дўлу ариғ канори.  
Гулларда чекуб наво-ла булбул,  
Сан ўйлаки, нағмасоз ўлуб гул...  
Фаввора-ла су{в} дўкуб Регистон.  
Фавворайи теграсинда бўстон.  
Бўстон ила мадраса ароси,  
Йўл ўлмишу на гўзай ҳавоси.  
Фавворая су{в} веруб Зарафшон,  
Бўстони эдарди гавҳар афшон...  
Атрофини чашмаи сафойи,  
Кавсар суйи янгли босафойи.  
Маҳсур эдуб қисор тошиндан  
Дуфроға у су{в} кетарди бошдан.  
У майли ила ҳар эва бориб су{в},  
Исми каби ташналарга дору.**

Булар орзу эди, албатта. Шунга қарамасдан, Оби Раҳматнинг бундан 75 йил бурун, мазкур асар ёзилган пайтда шакардек ширин бўлганига шубҳа йўқ.

Яна гап мактабга келиб тақалади.

— Бу мактаб шу атрофдаги йигирмага яқин қишлоққа маърифатхона бўлиб хизмат қилди. Бу бино сўнгги 86 йиллик тарихимизнинг тилсиз гувоҳи. Эҳе, бу бино нималарни кўрмади, кимларни кўрмади.

Қаландар ака ҳикоясини ҳаяжон билан давом эттиради. Менинг хаёлимга эса 1914 йил эсга тушади. Аслида бу гап илгарироқ мактаб очилиши билан бошланган эди.

Самарқандда дув-дув гап тарқалди: «Халвойида ўрис мактаб очилганмиш...»

Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани одамлар кела бошладилар. Ёруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб-йўналиши билан олиб борилиши, умумий, миллий жуғрофия, тарих, ҳисоб, ҳандаса, табиёт ўқитилиши, ҳарита, қурраи арз (глобус) каби кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш кўпчиликини ҳайратга солди. Энг қизиғи, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллавачалар орасида руслар ҳам бор бўлиб, улар ўзбеклар ва тожиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олишади. (Самарқанд медицина институтининг профессори таниқли мёдик марҳум Г. Н. Александров Сиддиқийнинг Халвойидаги мактабидан чиққанини бундан 20 йилча муқаддам «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ифтихор ва миннатдорлик билан ёзган эди.)

Бундай мактабнинг дўстлари билан бирга душманлари ҳам кўпайиб борди. Шоир шаънига баланд-паст гап оралади. Асарларига Туркистонда йўл бекилди. Сиддиқий «Анжумани арвоҳ» («Рухлар йиғини»), «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси»)ни дўстлари кўмагида Тифлисида бостириди. «Миръоти ибрат»нинг ўзбекчасини эса Самарқандда 1914 йилдагина бостиришга муваффақ бўлди.

«Анжумани арвоҳ»да осмондан икки киши шоҳлик либосида тушиб келадилар ва ўз тилларидан ўзларини фош этадилар. Улар Бухоронинг марҳум амирлари Музаффархон ва Абдулаҳадхон эдилар.

«Миръоти ибрат»да эса шоир хаёлий мамлакатларга сафар қилади. Ўз орзусидаги Самарқандни чизиб беради. У озод, обод, фаровон, илм-фан самараларидан музайян эди. Унда ҳатто шунчаки ойнаи жаҳон эмас, биз бугун, 70—80 йилдан кейин гувоҳ бўлиб турган воқеалар ҳақида гап борарди.

**У ерда ўлуб аён Самарқанд.  
Кўнглум бу ўюндан ўлди хурсанд.  
Дошдан ҳамма ер иморат ўлмиш,  
Бир янгича шаклу ҳайъат ўлмиш.  
Бингларча трамвў — афтомобиль,  
Ҳар ерда электр ила қандил...**

**Ойнайи барқ ила тилифун.  
Сўйлашмақа ҳар ким у биричун.  
Манзур эди кўзгуда мухотаб.  
Ҳар ким тилифўна айласа габ...**

Бу иш кимларгадир ёқмади.

«Туркистон вилоятининг газети»дан:

«3 январь жумъа 1914 йил Уллубек мадрасаси ичидаги жомеъда 5—6 минг мусулмония ҳузурида муаззия тарафидан жадиждчиларни ва русча ўқитмоққа тарғиб қиладурғонларни кофирлиги ва ҳар ким боласини усули жадидага берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлиши форсий тил ила узун ва баланд бир нутқ ила халойиққа билдирибдур ва ҳам аларни кофир, ўрус ва ҳамда кофир ва ўрус қилғувчи деб эълон қилибдур».

Гап асосан, Ҳалвойидаги Сиддиқий-Ажзий мактаби билан Ражабаминдаги Абдулқодир Шакурий мактаблари ҳақида эди.

Беҳбудийнинг «Ойна» журнали шоирга ўзини ҳимоя қилиш учун минбар берди.

**«Аз ҳақгўйи забон кашидан куфраст,  
То чон дорам, каломи ҳақ мехонам»**

(Ҳақиқатни сўзлаш куфр бўладиган бўлса, токи жоним бор экан, ҳақ сўзни айтаман) деган сатрлар бор эди унинг такфир қилувчиларга қарата жавобида. Жалил Мамадқулизоданинг бутун мусулмон Шарқида маълум ва машҳур «Мулла Насриддин» журналида босилган иккинчи бир шеърида эса камоли истеҳзо билан:

**Ҳақ сўйлаян инсонлари такфир эдажақлар,  
Имонли мусулмонларинга шуқр, ҳудоё! —**

деган эди.

Уни қўллаб чиққан мақолалар-чи?! Айниқса, тошкентлик Мирмуҳсин Шермухамедовники. «Туркистон вилоятининг газети»да 1914 йилнинг бошларида босилиб чиққан бу мақола «Афандим самарқандлилар!.. — деб бошланарди. — Бугун беҳамиятлиғингиз майдони жаҳолатда мубориз талаб қилур. Йўқ эса, бир зўрғина жамият орасида бир хоини миллат исломға ҳақорат забонин тебратуб, отиға мағойир нутқлар сўзлаб, сизларнинг номусингизни хоки мазаллатға қўшибдур. Бечоралар, олти минг чамасида экансизлар, орангизда бирғина диёнатпарвар чиқиб, ул хоини бадбахтға муқобил ўлуб, бир сўз ҳам демасдин ўз хоҳишингизча ул мажмуа орасидин таралуб чиқғонингиз миллати исломға ҳақорат эмасму?! Муҳтарам «Ойна»фурушларимиз миллат теразасин тузатмоқ бўлғонларида тарақат-туруқлари Сурайёдин ҳам юқорида кўринур эрди...»

Шубҳа йўқ, бу даргоҳ фақат ҳарф танитадиган эмас, ҳуқуқ танитадиган ҳам жой бўлган. 1916 йилда Самарқандни ларзага солган Даҳбед кўзғолонининг жуда кўп қатнашчилари Сиддиқийда ўқиганлар дейишга асос бор. Аввало, Даҳбед бу ерда 10 чақиримча олисда. Бу атрофдаги энг машҳур мактаб Ҳалвойида эди. Иккинчидан, унинг муаллими Самарқанду Бухородагина эмас, бутун Туркистонда, балки Тифлису Бокуда ҳам таниқли, эрксевар шеърлари билан тилга тушган шоир эди.

У шеърларида Ватандан, унинг даҳшатли фожиаларидан сўз очган эди. Замондошлари орасида биринчилардан бўлиб, унинг бўғзида турган «яди бедод» (зулм дасти)ни ўз оти билан айтди:

**Яди бедоди яғмодин ва ўлмиш, эй ватан, ҳолинг,  
Асири фитнау қайди ғам ўлди ақлу фаолинг.  
Юзунг қарсу қамар рухсори янглиғ чок-чок ўлмиш,  
Қаму бахти қаролар, тийра диллар этди помолинг.**

У алвон чечакларда ўзга маъно топди, уларда қип-қизил қон кўрди. Қирмиз япроқларни «хуни ноҳақ» рангидан қизарган «...и ватан» деб атади:

**Кўранда пола яфроғин гумон этмак чамандур бу,  
Лисони ҳол ҳарифи дарси ибрат анжумандур бу.  
Шаҳиди ханжари ишқи фатанлар лахта қонидин,  
Кўрунмиш пардаи номус илан хуни кафандур бу.  
Бу гулшан саҳнида гул яфроғи ранги гумон этманг,  
Қизарми хуни ноҳақ рангидин хоки ватандур бу.**

Ўқсик, хароб ватанни ислоҳ қилиш дарди билан яшади:

**Ватан харобасин ислоҳина интизоридаям,  
Бу интизорима бир интизордир боис.**

Бунинг учун бирлашиш керак, шунчаки кўр-кўрона эмас, маслак, эътиқод асосидаги чинакам иттифок, бирлик лозим деб билди:

**Маризи иттиҳодам, анжуман базми табибимдур,  
Банинг шўро шароби боиси дафъи хуморимдур.**

Тахмин қилиш мумкинки, бундай фикр-туйғулар 1916 йилги мардикорлик воқеалари билан қўзғалган «юрт эрлари» (Нозимахоним) учун маънавий-руҳий омиллардан бўлган эди.

Шу маънода шоир «исёнкор шеърияти»нинг Даҳбедгина эмас, машҳур Жиззах қўзғолони билан ҳам маълум боғланиши бор.

Безиж эмас, у 1916—17 йилларда туркистонлик зиёлилар орасида биринчилардан бўлиб, биринчи жаҳон урушининг ғайриинсоний башарасини кўрсатиб берган, чор ҳукуматининг, сўнг эса Муваққат ҳукуматнинг урушпарастлик сиёсатини фош этган эди. Шоирнинг 1917 йил «Хуррият» газетасида босилиб чиққан «Таажжуб сўз», «Йўл бўлсин, қаерга борамиз?!» каби мақолаларини ўқисангиз, унинг тийрак фикридан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ.

Мана шу эътиқод, халқ манфаатини ҳар бир нарсадан баланд тутиш уни 1917 йилнинг кўкламида большевикларнинг «Иттифоқ» номли ишчилар союзига бошлаб келди. У буюк Октябрни олқишлаб чиқди. Юртдошларига хитобан:

**Зулм кўрган кунларинг энди фаромуш ўлғуси,  
Зулм ўти оби адолат бирла хомуш ўлғуси,  
Барчага илму маориф шарбати нўш ўлғуси,  
Бою муллолар бари энди кафанпўш ўлғуси, —**

деб ёзди.

1919 йилда Самарқанд область адлия бўлими мудирининг ўринбосари, кейинроқ эса бўлим мудури бўлиб ишлади. 1922 йилда яна асл касби муаллимликка қайтди...

Сиддиқийнинг 24 йиллик ҳаётига гувоҳ бўлган бинога тикиламан.

— Икки марта ремонт бўлган ҳолос, — ҳаёлимдаги фикримни уққандек, — гап ташлайди Қаландар ака, — 1936 йилда ва урушдан кейин. Биринчисида Охунбобоевнинг шахсан ўзи тунука юборган. Иккала ремонтда ҳам шипига тегмаганмиз. Бир марта поли ўзгартирилган. Қолгани — ўша, ўша.

Тушдан кейин Сиддиқийнинг ҳовли-жойини изладик. Ҳозир у ерда Шарифбой акалар туришар экан. Йўлакдан уйга бурилар эканмиз, сўрида эски китобга энгашган кўзойнаклик кекса кампир диққатимизни тортди. Салом бердик. Пайқамеди. Шарифбой ака рўпараларига ўтиб имо қилди. Кампирнинг кўзи бизга тушдию ўнғайсизланиб, ўрнидан кўзгалгандай бўлди.

— Онамиз бўладилар. 90 дан ошдилар. Домлани яхши билар эдилар. Афсуски, кулоқлари оғирроқ, — деди Шарифбой ака. Сўнг бизларни онасига таништирди, мақсадимизни билдирди. Кампир бир бизга, бир ўғилларига қаради. Сўнг Муаззамхон ая (исмларини кейин билдик) ичдан тўлиб келган нафасни бирдан бўшатишга урингандай:

— Вали эдилар, — деб юборди. — Хушсурат, хушқомат, пурҳикмат...

Шарифбой ака 1928 йилда, Сиддиқий вафотидан бир йил кейин туғилган.

— Сиддиқий домланинг номини эски авлод жуда баланд тутди, — дейди Шарифбой ака. — Ота-онамиз биз турган жойда бир вақтлар домланинг оилалари истиқомат қилишганини кўп айтардилар. У жойлар ҳозир бузилиб кетган. Домланинг рафиқалари номи ҳам Муаззамхон бўлган экан. Ҳокимхон ва Қосимхон деган ўғиллари бўларди. Ҳокимхонни яхши танирдим, йиллари сичқон эди, урушда бедарак кетдилар. Кичиклари Қосимхон 11—12 ёшларида ўлган. Самарқандда ҳам бир аёллари бўлган. Рассом ўғиллари Аъзамхон ўшандан туғилган. Ҳозир ҳалвойилик хотинининг уруғлари қишлоғимизда бор. Мен домлани кўрган эмасман, албатта. Лекин уйда у кишининг гаплари кўп бўларди. Бобом Фахриддин билан жуда қалин жўра эканлар.

Шарифбой ака дераза рўпарасидаги текис, баравж ўсаётган чиннигулга кўз ташлайди-да давом этади:

— Гулга ўч бўлганлар. Ҳалвойида уларнинг ҳовлисидагидек гулзор бошқа бўлмаган. Ичида айланиб юришни яхши кўрар эканлар... Бир куни денг домла жўралари билан гаплашиб ўтирган эканлар, — деди бироздан кейин завқ билан ҳикояга тушиб кетган Шарифбой ака. — Қиш куни. Қор шивалаб турган экан. Қишлоғимизда усто Аҳмад деган ўтган, синчковнинг синчкови. Кеча қоронғи. Хуллас, ташқарида нима бўлаётганини чикмаган билмас экан. — «Уста, қор қанча бўлди?» — сўрабдилар домла анча пайтдан кейин. Уста кўзларини юмганча бир-икки тебранибди-да: «Айтарлик қор йўқ. Шу пайтгача ёққани пишак изи бўлди, холос...» — деб жавоб берибди. Синагани кўчага чиқибдилар ва устанинг ҳақлигини кўрибдилар. Домла уйдан тўн олиб чиқиб, устанинг елкасига солибди.

Сиддиқий ҳақидаги ҳикояларнинг изи узилмайди.

— Нимага шундай кишини кўтармагансизлар? — дея шоирнинг ҳамқишлоқларидан сўрайман.


— Эй домлажон, айтишга осон, — жавоб қилади суҳбатдошларимдан бири. — Катта бир шоиримиз жадид деб қўйгандан кейин бир нарса дейишга кимнинг ҳадди бор эди. Ахир ҳаммамиз, «йўқ-йўқ, танимаймиз»гача борганмиз-ку! Яна сиз у кишидан бирон нарса қолганми, деб сўрайсиз. Ҳаммасини йўқотиб бўлганмиз. Мана, энди ёзишяпти. Ойхумор деган қизимиз район газетасида «Мангуликка дахлдор» деган мақола ёзиб чиқди. Отасига раҳмат! Чалақўрғонлик Умархўжа Усмонов ҳам материал тўплаб юрибди...

Дастлабки ишларимиздан бири Жомбой район газетаси — «Шонли меҳнат»нинг бу йилги таҳламини кўздан кечириш бўлди. Еш адиба Ойхумор Асадовнинг «Мангуликка дахлдор» (1989 йил, 11 февраль) мақоласи билан танишиб чиқдик. 16, 18 февраль сонларида унга ақ садо сифатида босилган материалларни ўқидик. Эртасига 30 апрель куни У. Усмонов билан учрашишни ҳаёлимизга тугиб қўйдик.

Умархўжа ака 65 ёшда. Эрмамат ака билан ёшлиқда бирга ўсишган бўлса ҳам замонга зайли билан узоқ йиллар кўришишмаган. Жомбойга келиб қолган. 30-йилларда Ҳалвойида ўқиган.

Гап айланиб Сиддиқийга тақалади.

— Дадам Усмоноўжа Маъруфхўжаев (1899—1982) домлани қўлида ўқиганлар. У кишини яхши билар эдилар. Тилларидан тушмас эди. Шу-шу бизда ҳам у кишига эътиқод пайдо бўлган. Бир томони қариндошлигим бор. Кўпдан буён кўнглимни бир армон қйнаб келади. Қишлоғимиздан чиққан, номи олис-олисларда ҳам машҳур бўлган Саидахмад Сиддиқийдек юртдошимизни бугунги болаларимиз билмас, нима дейсиз?! Бизнинг ўзимиз уни танита олдикми? Сиз Ҳалвойидаги мактабда бурчак очиш ҳақида гапирасиз, ўқувчиларини қўятуринг, ўқитувчиларидан сўранг-чи, нечта-



Сиддиқий Ажзий ўқитувчилик қилган мактаб

си Сиддиқий номини эшитган экан. Қайси куни бир мажлисда «Ўртоқлар, колхозимиз мана неча ўн йилдирки, Жданов номида. Унинг ким эканини, мана бугун билиб ўтирибмиз. Сиддиқий шу ерлик ўзимиздан чиққан, шеъру дostonлари, маорифчилиги билан Ўзбекистону Тожикистонга танилган. Колхозимизга шу кишининг номини берайлик, десам, биттаси ўрнидан туриб. «Шу, номи озгина қийинроқ экан-да», дейди. Хўш, куласизми, куюсизми? Бўлмаса, шоирнинг 25 йил умри шу мактабда кечган. Яна қандай умр денг!

Умархўжа ака қизишиб боради.

— Ҳа, 1926 йилда Ўзбекистон маориф комиссарлиги Сиддиқийнинг 25 йиллик муаллимлик фаолиятини тақдирлаб, умрий пенсия тайинлаган эди. У 10-йиллардаёқ шоир ва мураббий сифатида доврўқ қозонган. Шеърлари Кавказда «Мулла Насриддин», «Дирилик» журналларида босилган. «Мирьоти ибрат» хўжандлик Тошхўжа Асрийга чақмоқдек таъсир қилган, «фархунда фитрат» (қутлуғ истеъдод) Ажзийга таҳсинлар айтиб, «Тимсол»и Асирий дар жавоби «Мирьоти ибрат» Ажзий Самарқандий»ни ёзган эди.

Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» (1926)да Сиддиқий шеърларидан ўқувчига тақдим этар экан: «Бу байтларнинг ҳаммаси муҳим ва диққатга сазовордир. Ушбу мажмуанинг, имкон кўтарса, ҳар бир байти маъносини шарҳлаш учун бир саҳифа лозим бўлади. Энди биз бунини ўқувчиларимизнинг ўзларига ҳавола қиламизки, зинҳор юзаки қараб ўтмагайлар», деган эди.

20-йиллардаги қизгин ижодий фаолияти-чи? «Меҳнаткашлар товуши», «Зарафшон», «Овози тожик» газеталаридаги ўнлаб мақолаларисиз, «Машраб», «Мулла Мушфиқий» журналларидаги ҳажвий шеърларисиз 20-йиллар адабий ҳаёти тўқис бўлмайди. У ўзбек сатирасининг илк намуналарини яратган, ғоявий-эстетик йўналишини белгилаб берган, классик шеъриятнинг бой имкониятини янги даврга хизмат қилдира олган шоирлардан эди.

Унинг 1920 йилда тузилган ва асосан Шарқ миллий озодлик ҳаракатларини бўғишни ўзига мақсад қилиб олган «Лига наций» (Миллатлар лигаси) ҳақидаги шеърига эътибор қилинг:

**Жим ўтирма, жаллодга мандат бер,  
Каттасан, мақсадингни англа, бер  
Тўпга тутдир арабни, яғмо қил,  
Дод эшитма, кўзунгни аъмо қил.  
«Лига нос» эрур сенинг отинг,  
«Панлава», «Чемберлен» эрур зотинг.  
Бойга тегма, фақирни ўлдургил,  
Мингтасин бир чуқурга кўмдургил.  
Коммунистанд сира вакил олма,  
Ўз бошингни тузоққа илдирма.  
Шарқ эли «культури»ингдан айлансун,  
Қул бўлуб мандатингга бойлансун.**

Мадраса таҳсили билан вояга етган шоирнинг 20-йиллар шароитидаги бу хил сиёсий кескир, халқчил фикрлари кишини ҳайратга солади.

Эстетик қарашлари-чи?

1926 йилда «Овози тожик» (74-сон)да «Инчунин бояд» (Шунақа ҳам бўларкан) деган маза-матрасиз бир шеър босилган эди. Кўп ўтмай, худди шу радиф ва номда «Машраб»да Сиддиқийнинг ҳажвия-жавоби пайдо бўлади.

**«Кўзимга учради ногоқ, бир ашёр «Инчунин бояд»,  
Ман айтдим унга таҳсин ила такор «Инчунин бояд», —**  
деган сатрлар билан бошланарди шеър. Ва у:

**«Ғазал вазну қафо, ширин ибратдин иборатдир,  
Муроду мақсаду маъно чи даркор, кинчунин бояд» —**

каби чандишлар билан лиқ тўла эди.

«Машраб» журнали 1926 йили икки йиллик тўйи муносабати билан шоирга шундай ҳазил қилган эди:

**Ажзий бобо, ҳаммани сўкинг,  
Сўкишдан ҳам тўйиб бўкинг.  
Зиёли муллолар оғзига  
Қаламнинг захрини тўкинг...**

Умархўжа ака қўлимга бир ҳужжат тутқазди:

«Ўзбекистон КП Жомбой район комитетига собиқ Жданов номли колхознинг Халвойи қишлоқ меҳнаткашлари номидан мурожаатнома.

Хурматли ўртоқлар!..

1989 йил 13 февраль куни 1600 кишилик Халвойи қишлоғининг аҳли номидан уруш ва меҳнат ветеранлари, 19-ўрта мактабнинг бир группа ўқитувчиларининг йиғилиши бўлди. Бунда СССР Ёзувчилар союзи аъзоси Ойхўмор Асадованинг «Мангуликка дахлдор» мақоласини муҳокама қилдик. Бу мақола айни шу куннинг долзарб масаласини кўтариб чиққан. Ҳақиқатан ҳам биз халқимиз фидойилари хотирасига бефарқ қараймиз. А. Дониш, Муқимий, Фурқат, С. Айний каби ижодкорлар қаторида турган ҳамқишлоғимиз Саидахмад Сиддиқийнинг номи бугунги кунда нега абадийлаштирилмаган? Нега у асос солган ва 1903 йилда қурилган мактаб бугунги кунда хароб ҳолда?.. Наҳотки бутун умрини маърифатга бахш этган ҳамюртимизнинг хотирасини абадийлаштириш мумкин эмас!.

Мана, бу йил С. Сиддиқийнинг туғилганига 125 йил тўлади. Биз Халвойи қишлоғи аҳли номидан Жданов номли колхозга ёки 19-ўрта мактабга шоир номининг берилишини илтимос қиламиз. Биз, халвойиликлар ўз маблагимиз ҳисобидан С. Сиддиқийга ҳайкал қўйишни ташкил этар эдик. Иккинчидан, районимизда ягона бўлган ва 1903 йилда рус меъморчилиги усулида қурилган мактаб бугунги кунда авария ҳолатида. Шу мактаб биносини тарихий ёдгорлик сифатида асраб қолиш зарур. Уни таъмирлаш, жиҳозлаш ва музейга айлантиришда ёрдам беришларингизни илтимос қиламиз». Жаъми 21 имзо.

Ҳечдан кеч яхши, албатта. Лекин халвойиликларнинг совуққонлиги, она тупроқ, ота юрт ифтихорининг етишмаслиги бор. Дунёни таниш ўзни танишдан бошланмайдими? Ўз фарзандининг қадрига етмаган халқнинг бошқалар фарзандига меҳри қанчалар самимий бўлади? Юртнинг чин ўғлонларини таниш ва танитиш аҳдодлар билан авлодлар силсиласини боғлайдиган шундай бир халққаки, унга бефарқ қараш халқнинг тарихига эмас, тақдирига ҳам бефарқ қарашдир.

Тўрақўрғондаги 3-ўрта мактабнинг Ёқуб Ғаффоров сингари фидойи ўқитувчилари эсга тушади. 1961 йилда у кишининг ғайрат ва ташаббуси билан ўлкашунослик тўрагаги тузилиб, машҳур маърифатпарвар Исҳоқхонтўра Ибрат қадамжолари бўйлаб қирқдан ортиқ саёҳат ва экскурсия уюштирилган. Тўгарак Ибратнинг саксондан ортиқ замондоши билан суҳбат ташкил қилган. Қатнашчилар шоирнинг бир қатор асарларини, шахсий буюмларини топишга муваффақ бўлганлар.

1964 йилда мазкур мактабга, шаҳар кўчаларидан бирига Ибрат номи берилди. 1972 йилда эса мазкур мактаб қошида Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи музей очилди. Ҳозир унда икки ярим мингдан ортиқ экспонат бор.

Наманганликлар 75 ёшида репрессия қилинган ва у билан боғлиқ барча хотиралар йўқотилган Ибрат таваллудининг 125 йиллигини мана шундай кутиб олган эдилар!

Сиддиқий-Ажзий бугун биз учун хизмат қила оладими?

Албатта. Негаки у ёрқин истеъдод эди. Ўзи яшаган инқилобий даврнинг барча масалалари билан қизиққан ва буларга кенг меҳнаткашлар манфаати нуқтаи назаридан ёндашган ижодкор эди. Она юртнинг тарихи ва тақдирининг унинг учун ҳеч қачон бефарқ бўлган эмас.


У бир томондан, қадим гўзал юрти билан фахр этди. Иккинчи томондан иккиёқлама зулм исқанжасида қолган халқ дардига малҳам, «ҳозиқ табиб» қидирди. Эркисзлиқка, мустамлақачилиқка қарши бош кўтарди. Жаҳолатнинг миллий, ижтимоий зулмда асосий воситалардан бўлиб келганини англаб етди. Айни пайтда у кишиларни баҳолашда миллий белгиларни эмас, инсонийликни асос қилиб олди. Аксинча, миллий, диний айримларни умумбашарий, умуминсоний ишларда тўсиқ билди. Шу жиҳатдан у халқлар дўстлигининг, миллатлар ҳамкорлигининг толмас курашчиларидан эди. Бир сўз билан айтганда, у ўз фикр-туйғулари билан бугунги авлодга ҳам замондош бўла олгулик...

Айтмоқчи Сиддиқий 37-йилгача етиб келмади. Етиб келганда ҳам омон қолмасди. У сталинчилик деган офатдан жисман зарар кўргани йўқ. Лекин бу изғирин шоирнинг одамлар қалбида ундирган ишонч, меҳру муҳаббат ғунчаларини сўлдириб кетди. Ақлу вужудини машъал қилиб зулматдаги Туркистонни ёритган, уни уйқудан уйғотиб инқилобга етаклаган Сиддиқий мансуб авлодни улар ўз ҳаётларини бағишлаган халқига душман қилиб кетди. «Жадид» сўзини эшитганда неча йиллар тела сочимиз тик бўлиб келди. Буларни ўрнига қайтариш учун қанча вақт керак бўларкин? Бир авлод умри етармикан?

Лекин ҳақни қарор топтириш бошланди. Кимнинг ишонгиси келади: шоирнинг номи у асос солган Халвойидаги мактабгагина эмас, миллионлаб ўқувчилари қалбига ҳам қайтади. Уша кундан у ўзининг иккинчи умрини бошлайди.

**Бегали ҚОСИМОВ**





ПАРДА ТУРСУН 80 ЕШДА

## ПАРДА ТУРСУН ЁЗИШМАЛАРИ

Ёзувчи архиви — унинг таржимаи ҳолидир. Архивларда сақланиб қолган хатлар эса даврнинг бебаҳо ҳужжатидир. Унда адиб ҳаётининг муайян даврдаги фаолияти, кайфияти мужассам бўлади. Бу фаолият ва кайфият баъзи ҳолларда унинг характерини белгилайди, жамият ҳаётининг муайян жабҳасидаги манзараларни кўз олдимизда гавдалантиради.

Шу кунларда саксон йиллиги нишонланаётган таниқли ўзбек совет ёзувчиси, таржимони ва публицисти Парда Турсуннинг ҳажмаслари, китобхонлари билан ёзишмаларини ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб кенг журналхонлар ҳукмига ҳавола этаямиз. 1951—1953 йиллар санаси қўйилган маъқур мактубларда, гап асосан адиб ижоди, хусусан «Ўқитувчи» романи теварагида боради.

«Ўқитувчи» романи — адибнинг йирик асари. Муайян давр ҳақида ўқувчига тасаввур берадиган бу роман адабиётшуносларимиз томонидан неадир кам эсланади. Шундай экан, роман қайси жанхатлари билан бизга қимматли? Биз буни аниқлаштиришимиз учун асарга ўз даврида шаклланган адабий-бадиий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашмоғимиз ҳамда шу йилларда Сталин олиб борган сиёсат моҳиятини кўз ўнгимизда тутмоғимиз лозим. Қирқинчи йиллар охири — эллигинчи йилларнинг бошларида адабиётда публицистик руҳ кучли бўлгани маълум. Одамлардаги бунёдкорлик, яратувчилик, қаҳрамонликка ундовчи фазилатлар улғуланадиган асарларгина кўкка кўтариларди. Бадиий асарга бўлган бундай ёндашув, сталинча сиёсат ўз-ўзидан аёнки Парда Турсун ижодига ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмасди. Шунга қарамай ёзувчи ўз романида совет Ўзбекистони зиёллариининг шаклланиш жараёни, халқ тарихи ва тақдиридаги кескин ўзгаришларни ҳаётий гавдалантиришга муваффақ бўлади. Зиёли образи социалистик ва маданий инқилоб, коллективлаштириш каби муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар фониди ёритилади. Хатлардан, адиб ҳақидаги замондошлари хотираларидан маълум бўлишича, ёзувчи романга йиллар давомиди қайта-қайта мурожаат қилади, жило бериб боради. Натижада асар кўпмиллатли совет адабиётининг жиддий ютуғига айланади. Ўзга тилларга бирин-кетин таржима этиб босилади, турли-туман китобхонлар конференцияси ўтказилади, даврнинг пешқадам адиблари томонидан ижобий баҳоланади. Шу ўринда адибнинг замондоши, муҳаррир Тоҳир Иброҳимовнинг хотираларига мурожаат қиламиз: «1957 йилнинг май ойлари эди. Мен ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриётида ишлар эдим. Нашриёт директори Насрулло Охундий бир кунни ҳузурга чақириб, нашриёт «Ўқитувчи»ни қайта нашр қилмоқчи эканини ва Ёзувчилар союзи ҳам шуни илтимос қилаётганини айтди. Муаллифнинг ўз асарини қайта ишлаш нияти борлигини, бироқ бетоблиги туфайли бу ишни шахсан амалга ошира олмаслигини гапириб, менинг унга ёрдам беришимни сўради... Унинг илтимосида мен ўзимга ҳурмат ва илтифот сездим.

Асарга киритилган ўзгаришлар баъзан қаҳрамон, персонажларнинг номини ўзгартириш, асар тилини, баъзи жумлаларни пухталаш, айниқса отинининг «тили»ни пухталашдан иборат бўлди. «Асарнинг тилида ўзимга ёқмайдиган баъзи жойлар бор, шуларни ўзгартирсак», — деди у киши менга ва китобнинг фалон жойини очинг, фалон-фалон гаплардан кейин, мана бундай ёзинг деб айтди эди. Мен у киши айтган жойни китобдан топиб, тегишли ўринга ўзгаришни киритиб қўярдим. «Ўқитувчи» у кишига ёд бўлиб кетган экан...

«Ўқитувчи»нинг 1953 йилги нашрига Парда ака билан мен ишлаган вариантга анча ўзгариш киритилди. У киши фикрида анча пухталаб, сайқал бериб қўйган иборалар, гапларни мен китобга қўчиравердим. Шу тариқа биз икки-уч ой чамаси бўлса керак, кунига, тахминан икки соатдан ишладик. У киши тез чарчаб қолар, бироз нафасини ростлаб олиб яна айта бошлар эди...»

«Ўқитувчи» романи — бу ёзувчи Парда Турсуннинг ҳаёт ва ижод йўли демак. Буларни айрича тасаввур этиш қийин. Хатлар эса шу умрнинг, шу ижодий фаолиятнинг машаққатли онларшо қувончли лаҳзаларидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлардир. Бундай ҳужжатларсиз — замондошларининг хотираларисиз ёзувчи ижодини тўлақонли ўрганиш мушкул. Бу хатлар ўз навбатида адиб асарларини тушунишга бўлган қалит ҳам демак.

### АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЎРТОҚ ФАИЗОВА!

«Ўқитувчининг йўли»ни «Ҳақ йўл» повестининг биринчи қисми сифатида қайта ишлашга оид фикринингизни тўла маъқуллайман. Чунки бу ҳақда мен тез-тез афсусланиб эслайман. «Ўқитувчининг йўли»ни 1947 йилда чоп этилган «Ҳақ йўл» повестининг иккинчи китоби сифатида ёзган эдим.

Иккинчи китоб «Ҳақ йўл»нинг бош қаҳрамони Холмурод Дўстматовнинг Тошкентга етиб келиши билан бошланади.

Қишлоқ ўқитувчиси бу шаҳарда болаликнинг оғир йилларини қандай бошидан кечиргани — етим боладан ўқитувчи бўлиб етишганини ҳаяжон билан эслайди. «Хотира» чўзилиб кетди. Союздаги муҳокама пайтида мен ўртоқларнинг фикрига қўшилиб, қаҳрамон номини ўзгартирish билан

ушбу «хотира»ни мустақил китоб қилишга рози бўлдим. Сизнинг фикрингизни тўла қувватлайман, чунки бу фикр, сиз айтмоқчи, менинг ўзбек зиёлисининг ҳаёт йўлини кўрсатувчи кенг полотно яратиш ҳақидаги дастлабки ниятимни қайта тиклаш имконини беради.

Бу ҳақда мен ўртоқ В. Смирновага ҳам ёзиб юбордим.

Албатта, бу ниятнинг амалга ошириш фақат менгагина эмас, балки Союзимизнинг ёрдамига ва ишни қандай ташкил этишга ҳам боғлиқ.

Сизга салом билан Парда Турсун.

1950 йил 12 сентябрь.

Тошкент ш.

#### ТОЖИКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ ДИРЕКТОРИГА АЗИЗ ВА ҚАДРЛИ ЎРТОҚ

Менинг «Ўқитувчининг йўли» романим Сизнинг нашриётингизда тожик тилида Асрорий таржимасида ва Ҳодизода таҳририда чоп этилиши муносабати билан Сизга самимий миннатдорлик билдираман. Сизнинг эътиборингиздан ва асарим биринчи бўлиб қардош тожик тилида пайдо бўлганидан ниҳоятда хурсандман. Бу, ўз навбатида, мени ўз ижодимда СССР халқларининг улуг оиласида коммунизм қурилишида иштирок этаётган ўзбек ва тожик халқларимизнинг қон-қардошлигини кўпроқ ва ёрқинроқ тасвирлашга бурчдор этади.

Ҳозир менинг романим анча кенгайтирилган ва қайта ишланган ҳолда Москвада, ўзбек адабиёти ва санъати декадасига В. В. Смирнова таржимаси ва Б. Я. Брайнина таҳрири остида «Уздав-нашр» томонидан чоп этилаётир. Шунингдек, роман Москвадаги «Советский писатель» нашриётида ҳам босилади. («Ўқитувчи» номи билан, ҳажми 20 босма табоқ.)

Бу ерда, Тошкентда, мен тожикча нусхасидан атиги биттасини топа олдим, холос. Сизлардан менга тегишли автор нусхасини олсам деган умиддаман. Шу билан бирга менга тегишли қалам ҳақини юбориш тўғрисида ҳам ўйлаб қуришингизни илтимос қиламан.

Миннатдорчилик билан Сизнинг

Парда Турсун.

1951 йил 4 август.

#### ХОЛМУРОД ДҮСТМАТОВ — СОВЕТ ЎҚИТУВЧИСИ

Парда Турсуннинг рус тилига В. Смирнова ўғирган «Ўқитувчи» романи ўқитувчи ҳақидаги энг ажойиб асарлардан биридир. Бу роман менга жуда ёқди. Ўқитувчилик яхши касб, аммо, улар ҳақида яхши асарлар кам. П. Турсуннинг «Ўқитувчи»сини унинг ижодий ютуғи ва ўқитувчилар ҳақидаги совет адабиётига қўшилган қимматли ҳисса. «Ўқитувчи» романи жуда машҳур бўлиб кетди, районимиз кутубхонасида унинг яккаю ягона нусхаси ўнлаб ўқувчилар, педагогика билим юрти талабалари ва ўқитувчилар орасида қўлма-қўл бўлиб юрибди. Х. Дўстматов ўқитувчигина эмас, у фаол жамоатчи. Ушбу роман бўйича кинофильм яратилса яхши бўлар эди... Чунки ўқитувчи ҳақида кинофильмлар жуда оз. Совет ўқитувчиси Х. Дўстматов ҳақидаги фильмни ҳар бир киши жон-дили билан кўрар ва фильм жуда катта тарбиявий аҳамият касб этган бўлар эди.

В. И. Изергин, ўқувчи.

Марий АССР, Сернуш ш. 1951 йил.

#### ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ МИРМУҲСИН!

Сиз, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг «Ёшлар билан ишлаш» бўлимининг бошқарувчиси бўлганингиз учун Сиздан сўраймизки, ёш ёзувчи Парда Турсуннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот ёзиб юборишингизни сўраймиз. Биз Қўқон шаҳар 2-чи кутубхона китобхоналари П. Турсуннинг «Ўқитувчининг йўли» романи ва «Ҳақ йўл» повестидан конференция ўтказмоқчимиз. Лекин биринчи доклад — «П. Турсуннинг ҳаёти-ижоди»га ҳеч қандай материал топа олмадик. Шунинг учун Сиздан сўраймизки, П. Турсуннинг ҳаёти-ижоди ҳақида материал юборсангиз, (фақат тезроқ) шу билан конференциямызга катта ҳисса қўшган бўлар эдингиз, деб салом билан хат ёзувчилар:

Кутубхона мудир.

Китобхоналар: Ҳакимов У.

Йўлдашев Р.

Олимов М.

Бегматов М.

#### ҚАДРЛИ ПАРДА ТУРСУНОВИЧИ!

Сизга табрик сўзлари айтиш учун сабрсизлик билан кутган кунимизда фақат юпатиш имконигагина эга бўлганимдан кўнглим жуда ғаш. Узингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, миллий ёзувчилардан бир нечасининг китоби олиб ташланган бўлса-да, шахсан Сизнинг китобингиз ҳақида бундай фикр бўлган эмас ва уйлайманки, агар ўз вақтида «Ўқитувчи»ни кимдир ҳимоя қилганида, иш тамомила бошқача бўлган бўлар эди. Бироқ китобни ҳали кўпчилик ўқиб улгурмади ва у ҳақда алоҳида гап кўтарилмади. Бу ерда, бизда шундай фикр туғилди: Сиз китобни қайта ишлаганингиз муносабати билан, унинг янги вариантда «Детгиз»да босилишига эришиш керак. Шунда уни келаси йил қайта қўйиш имкони туғилади. Хафа бўлмаслигингизни, китобнинг мактаб қисми устидаги ишингизни тугатиб, бу ерга келишингизни ва «Детгиз» билан алоқа боғлашингизни истардим.

Энди хушхабарни эшитинг: Украинадан менга ёзишларича, китобингизни украин тилига таржима қилишаётган эмиш (рус тилидан). Ҳар қанақасига ҳам Сиз украин нашриётдан қалам ҳақи олишингиз керак. Бу ерга келганингизда улар билан боғланасиз.

Бу ерда эса китобни жуда севиб ўқишяпти, менга кўплаб китобхоналар ўзларининг юрак сўзларини, хайрихоҳлигини ёзишяпти.

Хатни аввалроқ ёзишга улгурмадим, анор ва олма учун Сизга раҳмат.

Илтимос, китоб устида бамайлихотир ишлайверинг, биз уни келаси йили қайта қўямиз. Москвага қачон келмоқчисиз? Батамом соғайиб кетмаган эсам-да, ҳозир ўзимни яхши ҳис қилапман. Берта Яковлевнадан бошимиз осмонда. У ҳам «Ўқитувчи» билан бўлган ахволдан ғамга ботган ва китобни «Детгиз»да нашр этишга эришишни маслаҳат берапти. Ахир, умуман, китоб яхши баҳо олди-ку. Сизга мендан ва оила аъзоларимиздан самимий салом!

В. Смирнова

1952 йил 18 март.

Москва ш.

### АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ҚАДРЛИ ВЕРА ВАСИЛЬВЕНА!

Айни, Сизга хат ёзиш хаёли билан юрганымда, ўзингиздан хат олиб қолдим. Бошим осмонга етди. Ғамхўрлигингиз учун раҳмат Сизга, Вера Васильевна.

Бу ерда аллақачон шов-шув кўтаришиб, мени табриклай бошлашган эдилар; тўғриси айтсам, мен уларни ҳали ҳеч қандай гап-сўз йўқ, деб юпатишга, тинчлантиришга ҳаракат қилдим. Ҳар ҳолда мен мувозанатни йўқотмадим. Балки кўпчилик бу ишга заём ютуғидай бир нарса деб қарагандир, аммо менинг юрагимда бир қаноатсизлик бор: китоб қайта ишланган вариантда тақдирланса яхши бўлар эди, деб ўйлайман.

Сизнинг таклифингиз мени ҳам қаноатлантиради. Сабабини мен ҳам шу йўналишда излагандим. Бироқ яна бошқа қайғули фикрлар пайдо бўлди. Мен ҳаддан ташқари кўп қийинчиликларни ўз бошимдан кечирган одамман ва кишининг ўсишида бировларнинг мадади ва ё жеркиши қанчалар жиддий ўрин тутишини ўз зиммамда синаб кўрганман.

1949—50 йиллари Союзда менга «валади зинога қарагандай қарашарди. Катта ёзувчилар мен билан гаплашишни ҳатто исташмасди. Мен ҳақда ҳақоратомуз гаплар юрарди. Бири: «Бу одам союз атрофида бекорга қийналиб юрибди. Ундан ёзувчи чиқмайди» деса, бошқаси: «Бу одамни рағбатлантириш мумкин эмас», дер эди. Мен бунини ўйлаб топаётганим йўқ, бу аниқ ҳақиқат.

Сиз менинг ижодим билан танишгунингизгача, айрим ўртоқларнинг «У эътиборга лойиқ эмас», деганини ҳам эшитганман. Ёзувчи ижодига бундай муносабат, албатта, нотўғри ва зарарли. Ёзувчи ва унинг ижодига шакл ва мазмуннинг бирлиги сифатида қараш керак, деб ўйлайман. Бу масалада мен Сиз билан ҳамфикрман ва Михаил Ивановичнинг романи муҳокамаси пайтида Сизнинг фикрларингизга, М. Горькийнинг ҳар бир хат орқасида ўша одамнинг ўзини кўрганлигига мутлақо қўшиламан.

Сиз ва Берта Яковлевна, менинг обрўйимни тўқадиган турли хил гап-сўзларга қарамай, ижодимга тўғри ёндашдингизлар ва бир йил ичида мени шу даража юқори кўтариб қўйдиларингизки, бу ҳақда мен авваллари ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Менинг мазкур китобдан ягона мақсадим — меҳнаткаш халқни Осие истибдодининг даҳшатли зулм чангалидан қутқарган ленинча партияга замондошларим номидан самимий ташаккур айтиш ва ёш авлодни тарбиялашда партияга ёрдам беришдан иборат. Шу интилишимда мабодо мақтовга сазовор бўладиган бўлсам, бу сўзсиз олдимга қўйилган мақсадимнинг бадиий ифодаси — китобнинг кенг совет ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам мақбул бўлиши билан белгиланади.

Сизга ўхшаб мен ҳам «Ўқитувчи»нинг ҳаётийлигини тасдиқловчи гаплар эшитиб, хатлар оляпман.

Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли китобнинг чоп этилиши унинг жуда кенг совет ўқувчиларига етиб боришига сабаб бўлди.

Китобни қайта кўриш ва тўлдириш жараёнида москвалик танқидчилар декада пайтида айтган камчиликлар ва узиллишларни бартараф этишга уриндим. Қаҳрамонларнинг мактаб даври ҳаёти тасвиридаги ортиқча сакрашлар, менимча, энди йўқ. 1920—28 йиллар китобда бош қаҳрамон характериининг шаклланишига ёрдам берадиган материаллар билан етарлича таъминланди.

Агар материалдан фойдаланишда пала-партишлик учраса, уни Сизнинг ёрдамингиз билан бартараф этишимга тўғри келади.

Машинкачи ҳозир (китобнинг) мактаб қисмининг сўнги бобларини кўчирапти. Романнинг сўнги қисми биров қайта кўрилади. Бунини мен тезда йўл-йўлакай бажараман. Навбатдаги ишимиз — сўзма-сўз таржима. Бу масалада фикрингизни билмоқчи эдим. Мен асл нусха билан Москвага бориб Сиз ва Эльвира Александровна ёрдамида сўзма-сўз таржима матнини тайёрлаш керакми ёки бу ердаги таржимон — сўзма-сўз таржимада танилган Маликбоева (у Абдулла Қаҳҳорнинг ҳамма асарларини таржима қилди) сўзма-сўз таржимага берганим маъқулми? У сўзма-сўз таржимани жуда тез ва сифатли қилади. Эльвира Александровна рози, аммо уни жуда ҳам шоширмасликни илтимос қилиб хат ёзибди.

Сизнинг К. Федин ижоди ҳақида маъруза қилганингизни «Литературная газета»да ўқиб жуда қувондим. Соғлигингиз тўғрисида кўп ўйлайман. Бетоб бўлганингизда Сизга ёрдам бергим келади. Аммо нима билан, билмайман.

Берта Яковлевнани телефон орқали табриклар қўйдим, «Литературная газета»да унинг портретини кўрдим. Ундан жуда хурсандман. Сизни ҳам табриклайман, чунки Берта Яковлевнанинг мукофотланган китобига Сиз муҳаррирлик қилгансиз.

Оилангизга саломлар бўлсин.

Агар кўрсангиз Розияхонимга ва Александра Ивановнага ҳам саломимни етказинг.

Берта Яковлевнага алоҳида ёзаман.

Хатингизни кутиб, салом билан Сизнинг

Парда.

1952 йил 24 март.

Тошкент ш.

### ХУРМАТЛИ УРТОҚ ПАРДА ТУРСУН!

Балки хабарингиз бордир, Сизнинг «Ўқитувчи» китобингиз Украинанинг «Держлитвидав»

нашриётида украин тилида чоп этилди. Китобни (русча нашридан) мен таржима қилдим. Нашри ҳам ёмон эмас. Агар Сиз «Уқитувчи»нинг давоми бўладиган янги китоб устида ишлаётган бўлсангиз (балки бундай янги китобни аллақачон ёзиб тугатгандирсиз) «Держлитвидав» нашриёти бу китобни ҳам украин тилида бажонидил нашр этган бўлар эди. Шунинг учун ҳам нашриётга ёки менга, янги китоб устида ишлаётганингиз тўғрисида хабар қилишингизни сўрайман. Китоб тайёр бўлса ёки ёзиб бўлиб ва уни аллақачон рус тилида нашр қилиш учун Москвага юборган бўлсангиз, унда қачон ва қайси нашриётга юборганингизни билдиришингизни илтимос қиламан.

Эҳтиром билан Шчербина И. С.

1952 йил 26 октябрь.  
Львов ш.

#### ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ ПАРДА ТУРСУН.

Мен Сизнинг романингизни рус тилидан таржима қилишга қўл урдим. Бироқ русча нашрида айрим қисқартишлар борлигини кўриб ишни тўхтатдим. Мен энди китобни ўзбек тилидан таржима қилмоқчиман, аммо уни ўзбек тилида топа олмадим.

Мен аввал А. Қаҳҳорнинг «Янги ер» пьесасини рус тилидан таржима қилган эдим. Кейин автор менга пьесанинг асл нусхасини юборди. А. Қаҳҳор комедияси республикаимиз театрларида муваффақият билан қўйилди.

Иложини топсангиз менга романингизни ўзбек тилида зудлик билан юборишингизни сўрайман. «Қирғизнашр» романини 1953 йилда чоп этади.

Оилангизни сўраб қўйинг.

Салом билан Тўлан Шамшиев.

Фрунзе ш.

#### САЛОМ, ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ ШАМШИЕВ!

Кеча, 11 февралда романингизнинг корректурасини юбордим. Бу нусхани ҳозирча ишлаб туриш учун фойдаланарсиз. Кейин янги нусхасини юбораман. Романи аллақачон машинкада кўчириб берган бўлар эдим. Лекин менинг касал бўлишим ва ҳозирда ҳам дармонсизлигим бунга имкон бермади. Шу сабабларни эътиборга олиб мени кечирасиз. Мен Сизларнинг олдиларингизда уятлиман, албатта!

Сиздан тубандагиларга эътибор қилишингизни сўрайман:

1. Журналдан таржима қилган қисмингизни китобнинг 9-13-29-30-31-32-33-34-35-58-77-79-80-107-108 бетлари билан солиштириб кўринг. Журналда чиққандан кейин бу бетлардаги текст бироз тузатишларни киритарсиз. Кейин революцияга оид бир бўлак қисқарган (журналдан). Шунга ўхшаган камчиликларни ўрнига қўярсиз.

2. Бобларни китобга қараб тўғриларсиз (айниқса иккинчи қисмини).

Тезда журналнинг биринчи сонини юбораман. Китобда редактор томонидан қисқартирилган кўп жойлар журналда бўлади. Ана шу қисқарган жойлар, боблар, ўзингизга маълум, русча нашрда бор. Мен шу қисқарган жойларни тиклаш учун китобни босмадан тўхтатишга уриниб кўрдим. Бир томондан касаллигим, иккинчи томондан китобнинг чиқиши кечикиб кетиш хавфи борлиги мени бу фикрдан қайтарди.

Сиз, асосан, таржимада журнални асос қилиб оларсиз. Роман журналнинг яна уч-тўрт сониде босилиб бўлади.

Ишингиз тамом бўлиши билан мен китобни авторлаштираман. Ёни алоҳида яна гаплашамиз.

Автобиографияни тез кунда юбораман.

Қирғизистон Ёзувчилар союзининг китобни юбориш тўғрисида бизнинг Союзга ёзган хатини менга хат орқали билдирдилар.

Хатни ва романи олганингиз тўғрисида менга икки оғиз хат билан билдиришингизни илтимос қиламан. Қолган гапларни яна ёзишармиз.

Дўстона салом билан:

Парда Турсун.

1953 йил. 13 февраль.

#### ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚ ПАРДА ТУРСУНОВИЧ!

Келгусида ўқитувчи бўлиб ишлашга интилаётган биз талабалар Сизнинг «Уқитувчи» романингизни завқ билан ўқиб чиқдик. Ундаги образлар, айниқса ёш ўқитувчи Холмурод образи ва озодликка бутун кучи билан интилган, бунга эриша олган Оймихон сингари хотин-қизлар образлари бизга кучли таъсир қилди. Шунинг учун шу роман бўйича қуйидаги темаларни диплом иши қилиб олдик:

1) «Уқитувчи» романида портрет тасвири.

2) «Уқитувчи» романида хотин-қизлар образи характеристикаси.

Шунинг учун Сиздан илтимос қилиб сўраб эдикки, бизга ўзингизнинг биографиянгиз ва ижодингиз ҳақида кенгрок маълумот юборсангиз.

Ижодингизга катта муваффақиятлар тилаб, шогирдларингиз — ЎзДУ адабиёт факультетининг 5-курс талабалари Пўлатова Б. ва Тоғаева Х.

1955 йил, 17 ноябрь.


#### САЛОМ ЎРТ. ПЎЛАТОВА ВА ТОҒАЕВА!

Хатларингизни бир ойча бурун олдим. Числосига қараганда Ёзувчилар союзиде узоқ тўхталиб қолган бўлса керак. Мен касаллигим туфайли 4 йилдан бери уйдан чиқолмайман. Сизларнинг илтимосингизга мувофиқ материалларни юбордим.

Сизларга ҳурмат билан Парда Турсун.

1956 йил 10 февраль.

нашрга тайёрловчи ва таржимон  
филология фанлари номзоди **Пўлат ТўРАЕВ**



## ИҚТИДОРНИНГ ҲАЛОЛ НИГОҲИ

Эркин Аъзамов. Байрамдан бошқа кунлар.  
Қисса, ҳикоялар. Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент—1988

Замонанинг жиддий ижтимоий маънавий-ахлоқий масалаларига теран ва ҳалол бадиий муносабати туфайли Эркин Аъзамов асарлари халқимиз орасида тез тарқалди. Ёзувчининг янги китоби ҳам бугунги одамларнинг хилма-хил характер манзараларини ўзида мужассам этган. Муаммо ҳамда зиддиятларни кузатишдаги сергаклик, уларнинг моҳияти ва ечимини белгилашдаги адолат мезони, манзур услуб тўпламининг ғоявий-бадиий қимматини таъминлаб турибди.

Кейинги йилларда адабиётимизнинг услубий рангинлигини негадир етарли тақиқ қилмаяпмиз. Ваҳоланки, бутун бир ижод ёки китоб таҳлили асосида шу масала туриши керак. Зеро, адабий жараённинг ҳамма ҳолатлари, тушунчалари услубга бевосита дахлдор. У — аввало мантиқий, сўнг шаклий ҳодиса. Уси з адибнинг ижодий ўзлиги (ўзлигининг ривож), асари (асарининг мавқеи) тўғри баҳоланмайди. Услуб асарма-асар шаклланмоғи, бойимоғи, ўзгармоғи, янгиланмоғи ёхуд бир маромда қолмоғи мумкин.

Эркин Аъзамов ўзига хос овозга тез, «Кўк эшик» каби дастлабки ҳикояларидаёқ эга бўлди? Бадиий тафаккур йўсини ва ифода тарзи мароқли, серилҳом эканини айниқса «Отонининг туғилган йили» қиссасида намоён этди.

Янги «Байрамдан бошқа кунлар» қиссасида ҳам ўша таниш услуб сезилади. У, айни чоқда, «Отонининг туғилган йили» қиссасининг мантиқий давомидек ўқилади?

Қиссадаги барча воқеалар автобус ҳайдовчи Бакир иштирокида бўлиб ўтади. У мустақил ҳаётга кадам қўяди. Ҳақгўй, фикри тиниқ нияти бегараз ҳар бир инсон дуч келиши мумкин бўлган сирти силлик, фусункор, ичи алдоқ, хиёнат, оқибатсизликларга тўла оламга кириб қолади.

Номусони муҳитдаги кирдикорлар тасвири асар сюжетида муҳим йўналишни ташкил қилади? Кўплаб эпизодлар, хатти-ҳаракатлар шу жиҳатдан кескин аниқлик, яхлитлик касб этган. Бу турмуш соҳибларининг кайфиятларида лоқайдлик, худбинлик, маишатпарастлик, манфаатпарастлик ҳаёли ҳукм суради. Бу тоифа кишиларининг уйларида, юрган йўлларида кунда байрам, тантана.

Ана шу манзарани Бакирнинг самимий мушоҳада-мунозаралари орқали яна ҳам аниқ тасаввур этамиз. Мақкор муҳитнинг бадиий таҳлили Бакирнинг Баргида билан илк учрашувларидан бошланади. Беқиёс гўзал қиз йигитга орзусидаги ҳаёт тимсоли, жозибадор келажакнинг вакиласи, шу-

нинг учун «баланд дор»дек туюлса-да, унга етишмоғи осон кўчади: олдин рад жавоби берган қиз томон ташаббус кўрсатиб қолади.

Бакир хотин томонининг уруғлари, дўст-ёронлари муносабатида ясама киборлик, омонатлик, даҳшатли бепарволик борлигини сеза боради. Қайинсинглиси Басирада, «енгилтагу кибр-ҳаволи» Сафурада миллий фазилатлардан айнишни, ҳаёсизликни кўради. Ўзи — ҳуснага тенгсиз Баргидасига шунчаки эр? Чунки ўртада «куёв»нинг борлигини ҳисобга ҳам олмовчи Жордес «қоработир» юради. Қолаверма, бир ёнда маишатпараст Муфтиллаю Ақобир Мирзаевич — «Зар бува», бир ёнда бешаом аёллару беғам Баргидаси... Улар жамиятнинг покиза иқлимидан айрича яшамайди, балки бари қўшилиб олам ичра тубан бир оламни ҳосил қиладилар. Шу боис Бакир бири-бирини танимайдиган Зокир поччаси билан божаси Чиннибекларнинг хулқ-атворида ботиний умумийликлар топади. Узлуксиз байрамларнинг бирида бу оломоннинг тўқликка шўхлигини, худбинлиги ва риёкорлигини, инсофсизлиги ва диёнатсизлигини кузатар экан, қийналади? «...Йўқ, Бакир билган шаҳар фуқароси эмас булар, бошқа, бошқа, аллақайёқдан офат мисол ёғилиб келган...»

Шу тариқа «там-там» нусхаларининг, «кундашунда»ларнинг умумлашма образи чизилади. Миллий ифтихор туйғусидан бенасиб, халқнинг обрўсига доғ тўдалар кўз олдингизга келади. «Булар ҳамма нарсага белпарво, ҳамма нарсага ёвузона шубҳа билан қарайди, ҳеч бир миллатни, ҳеч бир этниқодни тан олмайди... Буларнинг ягона этниқоди, ягона худоси бугун, бугун, ўзим, ўзим, ўзим... Жордеслар, аноилар сюзанлар...»

Бакир теграсидагиларнинг одат, қилиқ, аъмолларини виждон мезонидан ўтказди? Тубанлик тузоғидан қутулиш қийинлигини тасвирлар экан, ёзувчи қаҳрамон қиёфасини жонли, ишончли гавдалантиради: қочай деса, «байрам аҳли мафтункор тикилган» барносини кўзи қиймайди, қандайдир фитначилар тўдасига тушиб қолган, ўйиндан чиқишнинг эса ҳеч қандай имкони йўқ-дек туюлади. Яна бир муҳим сабаб — катта пул қарз олганлиги. Уккибоев деган қаллоб автобусининг кассасидан камомат топиб, ишини «судга оширганда» бошқа «уккибоев» — божаси Чиннибек зўрға йиғилган тўрт минг билан уни «қутқариб қолган»?

Ёзувчининг ахлоқий позицияси Сафура образини яратишда ҳам бўртиб кўринади. Қаҳрамон изтиробга тўла ички дунёси ҳақида ўзи сўзлаб беради. Маишатпарастлик авж олган, номусни топтаб-топтаб юришлик эркинлик саналган даяраларда бадномлар ҳам, бадном этганлар ҳам хор бўлади, нафратга қолади? Сафура тақдирдан чиқадиган энг зарур ғоя шу.

Китобдаги ҳикоялар ҳам шундай фазилатлар билан йўғрилган. Уларнинг ҳар бири олижаноб хислатлар, кечинмаларни тараннум этади, ишонарли, жозибали чизилган ранг-баранг тақдирлар билан бизни таништиради.

Ҳажман кичик бир ҳикоя улуғвор номланган:

«Ватанпарвар». Унинг қахрамони Нажим патриот она масканини кўз-кўз қилиб юради. Меҳмонларни ҳайратга солиб, мезбонларни ғурурлантиради? «Боғболонинг азим теракларию чинорлари, паррандаларию даррандалари, кучукларидан тортиб мушукларига қадар таъриф этади». Унингча; бу жой энг қадимий, энг кўркем, одамлари энг танги, энг лафзи ҳалол.

Нажим патриот «шахсий полвоним» деб атайдиган, мачит устунини даст қўтариб танилган, сўнг кўтара олмай изза бўлган (айтишларича, устунни пинҳона яна кўтариб жойига қўйган), навқирон Будир полвоннинг ғурури, тажанглиги тасвири ҳикоя ғоясини янада самимият билан тўлдирди?

Рамазоннинг ноёб миллий бўёқларда жилонланган қиёфаси меҳрингизни тортади («Анойининг жайдари олмаси»). У Бойсунини яхши кўради? Ҳарбий хизмати ўтган Барнаулни кўп соғинади? Уша томонларга тез-тез кетиб қолгиси келади. Ҳаётда омади келмай юрган (ўқишга киролмаган, кўп болали одамга ачиниби, айбдорлар курсисига ўз ихтиёри билан бориб ўтирган, кўнглига ёқмаган қизга уйланган) йигит бизга қадрдон бўлиб қолади. Ҳикоячи дўстига — муаллифга қўшилиб Рамазоннинг қилиқлари сабабини англай бошлайсиз. Уни эслаб гоҳ суюнасиз, гоҳ изтироб чекасиз. Анойи йигит ўз жайдари олмасига ўхшайди: кўримсизу, беҳад ширин.

«Музқаймоқ»да ёзувчининг «мен»и тоғлик болакайга айланади. Уни шаҳарга чорлаган, шаҳарга ошно қилган илк нарса ана шу ширинлик — музқаймоқ. Бироқ у сўнгги бор музқаймоқ еганини эсдан чиқармайди. Охирги марта. Кейин емаган. Тиши, томоғи оғришидан кўрқиб эмас, шайдолик ёшидан ўтгани учун эмас. Музқаймоқ унинг учун бир аччиқ воқеа хотиротидир. Ушанда мурғак, тотли тасаввури қабиҳ тўсиққа дуч келган ва ёш кўнглини ўзгартириб юборган. Боланинг охирги марта тўйиб еган музқаймоғи қимматга тушади. Уни шаҳарга олиб бориб, «маишати»га шерик қилган Менглибой — бўлим касири халқнинг пулини ўмариб қолади. Барча оғирликни отаси кўтаради. Э. Аъзамов одамлар маънавияти, турмушидаги ўсишу йўқотишларни болалик идроки орқали қизиқарли нақл қилади. Доимо энкайиб, кўзини ердан узмай гаплаша-

диган, гўёки «бу ҳаводан баҳраманд бўлишга ҳаққим борми дегандек...» кўрқиб нафас оладиган, бола ҳолида катталар дунёсида яшаётган Кўкал ажиб меҳрга муносиб қахрамон. «Боғболалик Кўкалдош» ҳикояси инсон руҳий кечинмаларини синчков бадий тадқиқ қилиш маҳорати намунасидир. Кўкал гўл, кўпол, бўшанг, аммо меҳнаткаш қиёфасида кўз олдимизга келди.

Шубҳасиз, тўпламдаги асарлар илҳом билан ёзилган. Шунчакиси, зўракиси йўқ. Баъчасида дард ва Э. Аъзамовнинг ўз Сўзи бор. Лекин менимча, «Бир дақиқа кўзингни юм», «Жиян» ҳикояларига сингдирилган дардчилик янглик даражаси «Ватанпарвар», «Анойининг жайдари олмаси», «Боғболалик Кўкалдош»га тенг эмас. Биринчиси талабалик йиллари хотирига бағишланади. Турли соҳада ўқиётган ҳамхона йигитлар характеридаги ўзига хос фазилатлар етарлича тиниқ акс этмаган. Ҳикоя ечимида муҳим ўрин тутувчи «Мардикор» («ўғри») бола персонажи мавҳумроқ чиққан. «Жиян» ҳикоясида аспирант Бўроновнинг ташвиш, кечинмалари ҳаётий эпизодларда очилса-да, асар хотимаси анча суст.

Ҳикоянавис бизни ҳар сафар соддадил одамлар, оддийгина воқеалар ичига бошлайди. Ҳар гал ҳикоя бағридаги ҳаётда умримизга дахлдор кўп ришталарни кўраемиз. Ҳолат-характерларни биландигандек, образлар хиёл танишдек, хиёл ўзимизга яқиндек туюлади. Айтайлик, ҳавойи ниятлар билан (тўсатдан ўзбек юрти тарихидан илмий иш қилгиси келиб қолиб) «Қайдасан, Ленинград?» деб йўлга чиққан тоға-жиянлар ҳангомаси ҳам, одамгарчилик юзасидан ўз уй навбатини Ҳамидуллага бериб, «уй муборак» маросимига атайин чақирилмаганини эшитиб қолган Урмоновнинг аҳволи ҳам («Совуқ») кўнглимизга кўчади? Берилиб интиҳони кутамиз. Яқун ҳаяжочли кечади Руҳимизга безовталиқ олиб киради?..

Қисса ва ҳикояларнинг бир-бирига ғоявий, манتيқий жиҳатдан оҳангдошлиги ҳам мутолаа маромига қизгин тус беради.

Давр ва қалб манзараларига зийрак қараш, моҳияту муаммони теран англаш, ҳалол ва барқарор фикрлар айтиш иқтидорнинг яшовчанлигини таъминлайди.

**Тоҳир ШЕРМУРОДОВ,**  
филология фанлари номзоди,

# Шарқ юлдузи دۇرۇخوناسى

Бу ўринда шунни айтиш ўринликки, араб имлосида А, И, У ҳарфлари билан бошланган сўзлар аввалида ҳаммаси учун бир хил «А» (алиф) ҳарфи шакли қўлланилади.

Шунга биноан, араб алифбосини қўллаган халқлар ҳам сўз бошида бир хил «А» шаклидан фойдаланиб, «У» ва «У» ҳарфлари ишлатилиши лозим бўлган ўринларда «А» билан бирга «У» ҳарфлари ёзилиб, маънога кўра «у» ёки «ў» деб ўқилади. Шунингдек, «И» ва «Э» ҳарфлари учун «А» билан бирга «и» қўлланилади. М:

او اوى اوز اور اوزدى اويدى

уйди, уйди      узди, ўзди      ур, ўр      уз, ўз      уй, ўй      (у, ў)

اي ايل ايب ايز ايزلادى

излади      из, эз      ип, эп      ил, эл      (и, э)

ايلادى ايبلادى ايدى

Баён қилинган услубга биноан «С» ва «Ш» ҳарф шаклларининг ёзувда қўлланилиши ва тўлиқ кўриниши. Сўз орасида бир-биридан уч нуқта билан фарқланади. (Мисолларда қўлланиши ва сатр бўйлаб ёзилишига эътибор беринг.)  
Масалан:

س ش سش درس

ДАРС

Ш

С

Ш

С

درس خاناسى

شەرق يولى

# Шарқ юлдузи دۇنيادىكى

سواد شاد رشاد شابادا  
اورتا آسيا سوز سوزلاش  
سوو سوز سوزيش آشپاز

Сўз орасида қисқа эшитилувчи унли ҳарфлар имло қондасига биноан иложи борича сатрда ёзилмайди. Сўз маъноси англаниши қийин бўлган ўринларда унли ҳарфлар ёзилади. Бу ўринда тўғри имлода ёзиш ҳар бир кишининг амалий тажрибасига боғлиқ бўлади ёки махсус шу мавзуда тайёрланган «очқич»лар орқали билинади.

Навбатдаги ҳарфларни қўшиб ёзишда ҳарфнинг асосий қисмини кўчириб, сўз охирида унинг тўлиқ шаклини ёзамиз.

ح ح خ چ ح

ч х х ж

تاج حاج خال چال باج  
حد احد راحت بخت  
تخت درخت خبردار

تشریح یولدوژی دۇنيادىكى



# Шарқ юлдузи شەرقىي يولدىۋىزى

«И» унлиси тагига қўйилган икки нуқтаси билан ажралиб туради ва сўз орасида маънога кўра «Й», «е» ҳарфи ўрнида ҳам муштарак шакл сифатида қўлланилади. М: — дир, дер, тир, тер, бир, бер, ой ва бой мисолларидаги каби.

«У» унлиси учун «в» ҳарфи шаклидан фойдаланилади ва яна «ў» ҳарфи ўрнида ҳам ишлатилади. М: тур, тўр, буз, бўз каби сўзлардаги икки ўринда бир хил шакл қўлланилади.

ى يى بىر تىر آى

ой тир, тер бир, бер (и, й, е)

يى باى تاي لاي ياز

йоз = ёз лой той бой йой = ёй

و بوز تور زور توز

туз, тўз зур, зўр тур, тўр буз, бўз (у, ў)

تورت توردى يوردى

«Ф» ҳарфи юқорида ўтилган «б» шакли асосида тузилиб, бошланғич қисмига «кўзча» қўйиши билан «ф» ҳарфи ясалган.

«К» ҳарфи эса «Н» (ҳарф қуйида ўтилади) шаклига кўзча орттириши билан ясалади. «Ф» ҳарфи бир нуқтали «Қ» ҳарфи эса икки нуқтали бўлади. Сўз охирида келганда ҳар бирининг тўлиқ шакли ёзилади.

دەستخانىسى

شەرقىي يولدىۋىزى

# Шарқ юлдузи

ف ف ق ق  
شرف شریف آق قارا  
قىزىل سارىق آفتاب  
فراست شرافت شفقت  
شرق يولدوزى

Хаттоғ: Ислоҳ МАМАТОВ  
Муҳаррир: Ҳабибулло СОЛИҲ

درس خانہ سى

شَرَقُ يُولْدُوزِى



Файзулла Қиличев

# Занжир

Қисса<sup>1</sup>

Муроджон аввалига Даллиевни сўроққа чақириб бу жумбоқларни аниқлаб олмоқчи бўлган эди. Лекин азали уй, келди-кетди бўлиб тургандир, деб истихола қилдими ёки сўроқдан олдин айрим фактларга тўлароқ ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдими, ишқилиб, ишни пайсалга солди. Сўроқдан арзигули бирор нарса чиқишига, чамаси, ўзиям ишонмасди. Шунда у электр чироқлари ва монтерларни ўйлаб топган эди. Дарҳақиқат, жуда тўғри иш қилган экан. Бу иш хамирдан қил суғургандай осон битди. Лекин вазият терговчини ўйлаб иш тутишга чорлайдиган яна бир қанча муаммоларни ҳам кўндаланг қилиб қўйди.

Азизов яна фактларни ақл тарозисидан ўтказга бошлади: «Ертўла... фойдаланишга яроқли, бетондан қурилган, лекин бир неча йилдан бери эшигидаги қулф занглаб ётибди. Яширин эшикдан машина бемалол киради. Нега дарвоза қуришди-ю, нега бетон ётқизиб йўл қилишди? Бу товар ёрлиқлари, яшик ўрамлари билан боғлиқ эмасмикин? Дарвоқе, кейинги икки-уч йил ичида ертўладан мутлақо фойдаланмай қўйишган. Бу тахминан Мирвоқилов бедарак йўқолган вақтга тўғри келади. Бунинг шу воқеага боғлиқлик жойи йўқмикин? Ҳа, Даллиев куёвидан тўйдан тахминан бир йилча ўтгандан сўнг қўрқадиган бўлиб қолган. Бу аслида битта занжирнинг ҳалқалари эмасмикин? Мирвоқилов август ойида бедарак йўқолган. Шу йил ноябрь ойига келиб, ҳовли-жойлар жанжалкаш куёв номига расмийлаштирилган. Оқназаров бирор сирдан воқиф бўлиши керак! Шу сир Даллиевни унинг олдида пилдиратиб қўйган. Ҳа-ҳа, бу аниқ!»

Азизовнинг фикри яна ертўлага қайтди: «Нега ертўланинг таг қисми ер? «Монтер»нинг айтишича, янги тупроқ солиниб текисланган-у, устидан бетон ётқизиб улгуришмаган. Аввало, нега бўш, қаровсиз ертўла эшиги нима учун қулфлоглиқ туради? Одатда, ертўлаларнинг таг қисми билан деворларига бетон бир пайтда яхлит қўйиларди. Нима учун ертўла қурилганда бундай қилишмади экан? Наҳотки, тупроқ... тупроқ... Қаерга келиб қолди ўзи у?»

Азизов «монтер»лар ёзиб қолдирган «электр» операцияси ҳақидаги ахборотни олиб, шошилинч кўз югуртира бошлади. Қўлига ручка олиб, айрим жумлаларнинг тагига чизиб чиқди: ...«ётқизилган тупроқ қуруқ...». «Сизот суви» ҳақида сўрагани эсига келди: «Нега қуруқ тупроқ? Тагига бетон ётқизилмаган чуқурликдан сув чиқиб кетиши, билчиллаб ётган бўлиши керак эди. Демак... демак, тупроқ, бетон устига тўкилган. Ҳа, айнан шундай. Бунинг сабаби эса...»

Муроджон фикрларига хотима бериб, жойига ўтирди-да, Мирвоқилов бедарак йўқолгани ҳақида ҳаракатдан тўхтатилган ишни янгилаш ва шу иш юзасидан Даллиевнинг уйида тинтув ўтказишга рухсат — прокурор санкциясини олиш учун қарор тайёрлай бошлади.

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда

Куёвнинг «етти»сидан сўнг, Даллиевлар хонадонига таъзия билдириб келиб-кетиб туришлар анча камайди. Каллаи саҳардан ҳовлисига кириб келган нотаниш кишиларни Хонназар Даллиев одатдаги таъзиячилар бўлса керак, деб ўйлаган эди.

Олдиндаги йигитнинг саломдан сўнг кўққисдан:

— Танишинг, уйингизда тинтув ўтказиш учун прокурор рухсати ҳақидаги қарор... — деганини эшитиб, турган жойида тарашадек қотиб қолди. Тили каловланиб, лоақал «нима гап!» деб ҳам сўрай олмади.

Азизов тинтувни уйнинг ҳужжатлари — лойиҳаси билан танишишдан бошлади. Кейин хонама-хона кириб, жамаи жиҳоз ва буюмларни хатлаттирди. Даллиевнинг ётоғидаги қулфлоглиқ сандиқдан даста-даста қилиб ўралган ўн бир минг сўм пул чиқди. Сана-тиб, руйхатга киритди. Оқназарова номига беш минг сўм, Даллиев Хонназар номига етти минг сўм қўйилган иккита омонат дафтарчаси ҳам топилди.

— Олдий юк ташувчи учун кўпроқ кўринмайдими, бу жамғармалар? Ёки каттароқ мерос олганмисиз дейман-а? — сўради Муроджон Даллиевдан.

Бу пайтда қизи Ойнаҳол ҳам қаердандир келган, кўзидан милт-милт ёш оқизганича дадасининг ёнида йиғлаб турарди. Даллиев ўз қизи олдида жим тураверишни лозим кўрмади шекилли, титроқ овозда минғирлаб қўйди:

— Ишлаганмиз... Топганмиз... Улимлигимизга асраб қўйганмиз...

Уй ичидаги ишлар тугагандан сўнг Муроджон холис кишиларни бошлаб, ҳовлига қараб юрди. У ер-бу ерни қарагандай бўлиб, ертўла эшиги ёнида тўхтади. Бир зум Даллиевни кузатиб турди-да:

— Бу қанақа жой? — деб сўради.

— Ҳа, ертўла. Лекин бўм-бўш... Фойдаланилмай ётганига кўп йил бўлди... Газанда... Илон-чаён дегандай...

— Қани бошланг, бир кўрайлик-чи, — унинг гапини бўлди Азизов. Унинг ўткир нигоҳидан шалвираб турган чолнинг кўзлари худди девор соатининг капгиридай гоҳ у, гоҳ бу тарафга бориб кела бошлагани қочмади. Ертўлага биринчи бўлиб Азизов тушди. Дарҳақиқат, ертўланинг ичи бўм-бўш эди. Муроджон гугурт қақиб включателни топди. Бураб кўрган эди, лампочка ёнмади.

— Бирор лампочка топиладими? — унинг овози эшитилди ичкаридан. Кимдир лампочка узатди. У эскисини патрондан бураб олди-да, ўрнига янгисини қўйди. Ертўла ёришиб кетди. Ургимчак тўрларидан ўзини авайлаб, Муроджон аввалига нари-бери юриб, ертўла деворларини, шипини синчиклаб қараб чиқди. Сўнгра таг қисмини тепиб кўрди.

— Тагига бетон етмабди-да? — деб сўради Даллиевдан.

Даллиев шошилишча жавоб берди:

— Қўл калталик қилди, ука. Тупроқ солганимизча ётибди.

— Пулларни сандиқда семиртиргандан кўра, озгинасини сарфласангиз бетон ҳам бўларди, — деди Муроджон пичинг қилиб. — Ҳа, айтгандай, уй-жойларининг ери қуруқми дейман, тупроқ нам тортмабди.

— Ҳа... ҳа... Қуруқ... қуруқ... — чайналарди чол.

Азизов ертўла эшигига яқин келиб, ташқарида турган Ойнаҳолга мурожаат қилди:

— Синглим, малол келмаса, бирор белкурак узатиб юборсангиз...

Сал кавлагач, бир қаричча тупроқ тагидан текис ётқизилган цементли пол кўринди.

— Э, қизиқ-ку, Хонназар ака! Кимдир сизга билдирмасдан тупроқ тагига бетон ётқизиб кетган кўринади, — деди Азизов истеҳзоли кулиб.

Қўлдан-қўлга ўтган белкурак ёрдамида ертўладаги тупроқни бирпасда четга суриб ташлашди. Тўрдаги бурчақда цементи кўчирилган жой бор эди... Бир оз кавлагач, аввал одамнинг бош суяги, қўли, оёғи ва бутун тана суяқларини чиқариб олишди. Уларнинг ҳаракатини нафасини чиқармай кузатиб турган Даллиев аста-секин чўккалай бошлаб:

— Ваҳ-ҳ, ҳаммаси тамом бўлди! — деб қичқирганча ёнбошига ҳушсиз ағдарилиб тушди.

Шу куни бошланган сўроқ кечгача давом этди. Хонназар Даллиев рад қилиб бўлмас далиллар олдида, худди бошига кўққисдан мушт тушишини кутгандай тиришиб, қотиллик қилганини тан олди. Аслида, воқеа бундай бўлган эди...

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йили, Даллиев темир йўл станциясида юкчи бўлиб ишлаб юрганида, товар станциясининг омбор мудир Мирвоқилов бир неча юкчилар билан бирга уни ишдан кейин олиб қолиб, той пахталарни юклашга жалб қилибди. «Кун бўйи ишлаб чарчадим», дейишга қарамай, Даллиевни юк ташишга мажбур қилаверибди. Алламаҳалгача зўриқиб ҳолдан тойган Даллиев туйқусдан боши айланиб, йиқилиб тушибди. Устидаги той пахта босиб, чап оёғи болдиридан чўрт синибди.

Текшир-текшир бошланишини билган Мирвоқилов, қонунга хилоф иш тутганини сезиб, жавобгарликдан қутулиш мақсадида, чора ахтара бошлабди... Даллиевни касалхонага олиб бориш ўрнига, шаҳар четида яшовчи табиб — «синиқчи уста»га рўпара қилибди. Ярим йил деганда оёғи сал-пал тузалгандай бўлибди. Лекин чала уланган суяқдан бир оёғи калта, чўлоқ бўлиб қолибди.

Мирвоқилов унга бу орада анча-мунча пул қистириб турибди. «Ўзим ёрдам қилавераман, ҳеч қаерга борманг», — деб ялинибди. У йўқ деёлмабди. Шу сабаб бўлиб, уни урушга ҳам олишмаган. Уруш йиллари чўпонлик қилгани ҳам рост экан.

Урушдан сўнг қандайдир йўллар билан шаҳар универсал магазинига директор бўлиб қолган Мирвоқилов, назарида мўмин-қобил кўринган Даллиевни яна юкчи қилиб, ўз ёнига ишга олибди. Шахсий участка қуриш ҳам Мирвоқиловнинг таклифи билан амалга ошган экан. Мирвоқилов кўп қинғир ишлар қилар, ноёб молларни Даллиевнинг хилват уйига келтириб, сўнгра унинг ёрдамида ким ошдига бозор-ўчарда пуллашар экан. Уйланибди. Қизлик бўлибди. Кейинроқ Мирвоқилов савдо базасига кўтарилибди. «Керакли одам», яъни Даллиевни ҳам ўзи билан янги иш жойига олиб кетибди. Молларни ертўлага ташиб, шу ерда чайқовга тайёрлашар — нархи ёзилган ёрлиқлар узилиб, уларни янгидан ўраб-тахлашар экан. Хотини ва қизини бу ишларга яқинлаштирмас, ҳамма нарсадан улар бе-хабар эдилар. Ҳовли тарафдан келиб-кетишлар, ишни ертўлада битиришлар деразалар қаршисига ўрнатилган тўсиқ тўфайли уй томондан кўринмас экан. Хотини касал бўлиб, кўп ўтмай қаза қилибди. Чол қизи билан ёлғиз қолибди. Тўлаганни ичкўёв қилиб олгани Мирвоқиловга ёқмабди. «Бу синчков куёвинг бир кунмас-бир кун бошимизга етмаса дейман, йўлини қилиб, бошқа жойга кўчириб юбор, ишқилиб йўқот!» — деб бир неча марта чолга гапирибди. Кейин ҳам шу масалада келишолмай, озроқ жиқиллашиб ҳам олишибди. Етмиш саккизинчи йилнинг ёз ойларидан бирида — числосини эслай олмайди — Даллиев чайқовга олиб чиққан моллар билан қўлга тушибди. Исм-фамилиясини нотўғри айтиб, пайт пойлаб қочибди. Шу кунни кечқурун Мирвоқилов даромаддан улушини олиш учун униқига келибди. Ертўлада учрашиб Даллиев унга бўлган воқеани бошдан-оёқ гапириб берибди. Мирвоқилов бунга ишонмабди. Лақиллатяпти деб ўйлаган бўлса керак, «Мендан товар яширасанми?» — деб унинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Шунда, аччиқ устида қўлига илинган болта билан унинг бошига қандай урганини билмай қолибди. Мирвоқиловнинг боши тарс ёрилиб, ўша захотиёқ ўлибди. Ўлдириб қўйганидан кўрқиб кетиб, нима қиларини билмай, ўйлаб-ўйлаб, охири ертўла четидаги бетонни кўчириб хандақ ковлабди-да, уни шу ерга кўмибди.

Хандақдан чиққан тупроқни эса цемент пол устига текислаб қўйибди. Сўнгра девордаги полкаларни ўтин қилиб ошхонага ташибди. Хуллас, ертўлада ҳеч нарса қолмабди. Эшикни қулфлагандан кейин у ерга бошқа оёқ босмаган экан.

— Юрагимни босиб ётган дарддан ниҳоят халос бўлдим, — деди у. Сўнг чуқур «уф-ф» тортиб жимиб қолди.

Азизов унинг кўрсатмаларининг айрим жойларига аниқлик кирита бориб, ҳаммасини қоғозга туширди. У ҳам бир оз жим турди. Даллиев сассиз ўтиравергач!

— Даллиев, қани айтинг-чи, Мирвоқилов ўша сиз «тасодифан ўлдириб қўйган» оқшом ҳам машинасида келганмиди? — деб саволга тутди.

— Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Лекин мен аввал уни нимада келганини билганим йўқ эди. У орқа тарафдаги даразамни чертди. Чиқсам ҳовлида ёлғиз турган экан. Унда ҳам ҳовлимиз дарвозасининг битта калити бўларди... Мудҳиш воқеадан сўнг ертўладан чиққанимда вақт ярим кечадан оғиб қолган эди. Ваҳима, қўрқув аралаш ҳовлида беҳуш айланиб юрдим. Гўё инон-ихтиёрим ўзимда эмас эди... Ушандаги аҳволимни ҳозир тасвирлаб беришим қийин... Бирдан кўзим дарвозахонада турган Мирвоқиловнинг қаймоқранг «Москвич»ига тушди. «Тамом, қўлга тушдим» — деб ўйлайвериб, жинни бўлиб қолаёздим. Нима қилишини билмасдим. Хаёлимда Мирвоқиловни ахтара бошлашгану, аллақиллар ҳозир ҳовлимга бостириб кириб келишадигандай. Менинг «кўрмадим, билмадим» деганимга ким ҳам ишонади? Мана мен, деб машинаси ҳовлимда турса? Сирим фош бўлишини англадим. Машинани уйдан нарироққа гумдон қилиш керак эди. Мен эса умримда ҳатто велосипед ҳайдаган одам эмасман. Аввалига бирор ўткинчи шофёр ёллаб, холироқ жойга ташлаттириб қўйишни хаёл қилдим. «Йўқ, бўлмайди, унда албатта ишнинг чуви чиқади. Ёки бўлақлаб ташласаммикин», деган хаёлга ҳам бордим. Шунда тўсатдан ёдимга куёвим Тўлаган келди. «Содда йигит, бир бало қилиб алдарман. Ҳозирча машинани бир бало қилсак бўлгани», деган ўйда уни ётган жойидан уйғотиб чиқдим. Унга нима деб тушунтиришни билмасдим. «Тўлаганжон, ўғлим, эсимдан чиқиб қолай дебди, кечқурун бошлиғимиз машинасини қолдириб, куёвингиз... — Қаерга ҳайдаб боришини олдиндан ўйлаб кўрмаган эканман, у сезиб қолмасин деб бир оз йўталиб турдим, сўнг калламга келган биринчи жойни айтдим, — Инқилоб хиёбонидаги соатлик уйни ёнига обориб қўйсин, деб тайинлаган эди. Эринма, Тўлаган», — дедим. Уйқу аралаш у менинг қандай ҳолатда эканимга эътибор бермади. Назаримда у гапимга ишонгандай бўлди. Машинани айтган жойимда қолдириб қайтди.

«Тўғри келади, ҳақиқатан машина ўша ерда топилган, алдамаяпти» — хаёлидан ўтди Азизовнинг.

— Биздаги маълумотларга кўра, марҳум куёвингиз қизингизни кейинги пайтларда тез-тез хафа қиладиган одат чиқарган. Уйга ойлик маошини келтирмай қўйган. Устига-устак, сиздан ҳам вақти-вақти билан пул олиб турган. Хуллас, оилада куёв ҳукмронлик қила бошлаган. Шундай бўлса ҳам, ноябрь ойда ўзингиз ариза ёзиб, ҳовлингизни унинг номига ўтказгансиз. Бунинг сабаби нимада, айтолмайсизми?

— Нега айтмайман. Айтаман... Энди бунинг аҳамияти йўқ. Яширадиган жойи қолмади. Тўлаган ўлиб кетди. Мен қўлга тушдим... Хулласи, Тўлаган мен ўйлаганчалик «содда, мўмин-қобил» эмас экан. Қизимга элакишиб юриши ҳам, аввало молу дунёмни, қолаверса, ҳовли-жойимни кўзлаганидан бўлиб чиқди. Ўша машъум кечадан кейин бир-икки кун ўтгач, мени зимдан кузатаётганини сезиб қолдим. Унинг тагдор қарашлари мени қанчалик ваҳимага солганини билсангиз эди. Бир куни тўсатдан: «Бошлигингиз бедарак йўқолган эмиш, сиз беҳабармисиз?» деб сўраб қолди. «Мен ҳам эшитдим, лекин нима бўлганини билмайман» — дедим. Юрагим гупиллаб урарди. Орадан бир-икки кун ўтгач, аллақердан сал ширакайф бўлиб қайтди. Менга: «гап бор, ҳовлига чиқсак», — деди. Ортидан эргашдим. «Мен ҳаммасидан хабардорман» — деди. «Нимадан, нимани кўзда тутяпсан, ўғлим?» — сўрадим мен. «Бўлмаса эшитинг, бошидан гапириб берай, — деди. — Сизнинг ҳашаматли ҳовлингизни кўриб, «ким яшар экан, бирорта «йўғонроқ» одамники бўлса керак» — деб юрардим. Уйингиздан чиқадиган ахлат ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Турли товар ёрлиқларини саватлаб чиқарардинглар. «Бу ер савдо базасига ўхшайди-я», деб ўйлагандим. Қизингиз буни тасдиқлади. «Дадам базада ишлайдилар-да» — деди. Яшириб ўтирмайман, ўзим кўпдан бери ахтариб юрган конга дуч келганимни тушундим. Куёв бўлганимдан сўнг ҳам кўп пойладим, тушундингизми?» Мени титроқ боса бошлади. «Ҳа, тушундим» — деб жавоб бердим. У давом этди: «Бошлигингиз билан машинада келиб, ҳовлидан ертўлага нарса ташиганларингни, гапларинг ўша ерда пинҳона бўлишини сезиб юрардим. Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлманг, базада юк ташиш ўрнига бозорда молларни пулга айлантирганингизни ҳам неча марталаб кўрганман. Чўчитиб қўймай, барибир менга қолади-ку, деб ўзимни билмаганга солиб юравердим. Анув кечаси бошлигингизнинг машинасини сиз айтган жойга олиб бориб қўйдим, шу кундан бошлаб у киши бедарак йўқолди, ертўла эса қулфланди. Оқиб келаётган даромад ҳам тўхтади. Энди орани очик қилсак нима дейсиз?» Шундай дея у ертўлага имо қилди, — бошлик ухляптимми, ёмон туш кўрмаяптими?» — Адойи тамом бўлгандим ўшанда. Куёвим олдида ожиз эдим, бирор гап айтишга тилим лол. Шу-шу, унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолди. Хонадонимизда ўзи хон, кўланкаси майдон эди, терговчи болам. Уйни ҳам унинг хоҳиши билан номига ўтказиб бердим. Бошқа нима ҳам қила олардим. Ҳаммасига ўзим, нафсим, тутган ифлос ҳаёт йўлим айбдор...

— Охирги саволим, Тўлаганнинг ўлими ҳақида нима дейсиз?

Чол кўз ёшларини артиб бир оз хотиржам тортди. Сўнг чуқур уф тортиб деди:

— Мендан гумонсирамасангиз ҳам бўлади. Менинг мутлақо айбим йўқ унинг ўлимида. Бирор сизларга нафи тегадиган гап ҳам айтолмайман. Эшитишимча, олдинги хотинининг эри ўлдирган эмиш. Ҳозир уни қамаб қўйган дейишади. Балки бу гаплар ростдир...

Маҳбусни олиб чиқиб кетишгач, Азизов рўйхатга олган уй-жой ва мол-мулкларнинг нархини аниқлашга топшириқ тайёрлади. Рапорт ёзиб, бошлиғига олиб чиқди. Абдурашидов Муталовичнинг «қора мушуги»да очилмай турган жиноятлар рўйхатидан «Мирвоқилов иш»ни ўчириб, Азизовга салимий раҳмат айтди. Мукфотга тақдим қилажанини ҳам билдирди. Хонасига қайтиб кириб, яна хаёлга толди «Ким Оқназаровни ўлдирган, ким... ёки ўлдиртирган бўлиши мумкин? Ҳамма ҳолатлар фактлар обдан тайёргарлик кўрилган қотилликдан далолат беради. Тўлаганнинг Олмаликка айнан ўша куни боришини ким билган? Ҳозирча энг аниқ жонли гувоҳ — Даллиев билан қизи. Яна қандайдир йўталувчи кимса... Даллиев ҳам йўталади... Лекин у телефон қилган... У билан ким гаплашган?.. Фақат Даллиев! Ким Оқназаровнинг ўлиmidан манфаатдор?.. Албатта Даллиев-да!.. Уни қил устида ушлаб турган куёвдан қутулишга ҳаракат қилиши табиий. Ёки Халилов тўғри йўл танладимикин? Балки чиндан ҳам Арниёзов қотиллик қилгандир? Урган, судраган, кўчага чиқариб ҳайдаган. Ҳақоратларини обдан эшитиб турган. Мотоцикл изидан чиқиб кетиб, уйига алламаҳалда қайтган. Уйидан қонли болта топилган. Воқеа содир бўлган жойда мотоцикл излари бор. Қотиллар мотоциклда келишган. Лекин... лекин... Булар ҳаммаси ҳали хом нарсага ўхшайди. Мантиққа қаранг, Арниёзов болта билан одам ўлдирди-ю, яна уни қони билан уйига олиб бориб, «мана, кўринглар» дегандай ошхонага ташлаб қўярмиди?.. Бу ёғи майли, лекин мотоцикл-чи?.. Уйидан жанжаллашиб чиққан одам унинг мотоциклига минармиди? Йўқ, бу далиллар унча ишонарли эмас. Демак, ҳозирча иккита гумондор бор: Даллиев ва Арниёзов. Излаш, яна излаш керак. Ҳа, дарвоқе, сувдан топилган белкуракча белкурак эмас, «гўрков капгири» бўлиб чиқди. Ундан фақат қабристонда фойдаланиш мумкин. Воқеа жойига у нарса қандай бориб қолди экан? Ташлаб юборди деса, ҳали бус-бутун. Сувда оқиб келиши мумкин эмас... Оқназаров ўз умрининг охирги икки ҳафтасида асосан қабристонга ахлат ташиган. Тўғророғи, кимдир унга муте бўлиб қолиб, бажармаган ишини бажардига чиқариб юборган. Шу ерда ҳам ишга алоқадор бирор кимса йўқмикин? Балки «телефон қилган йўталувчи» ўша ердан чиқиб қолар?

Азизов янги режаларини амалга оширишга зудлик билан киришди.

## ШОШИЛИНЧ ТЕЛЕФОНОГРАММА

Дастлаб «вақтинча ушлаб туришга» қаршилиқ кўрсатмаган Арниёзов камерада, нега қамашганларини обдан ўйлаб кўрган шекилли, сўроққа олиб кирганларида, чуқи-шишга тайёрланган хўроздай ҳурпайиб олди. Авзойидан олдинги итоаткорлигидан асар ҳам қолмагани кўриниб турарди.

Халилов ўзича, «қараб тур, бир оздан кейин попугинг пасайиб қолади», дея хаёлидан ўтказди. Лекин натижа ўйлаганча бўлиб чиқмади.

Гумондор ўтириб улгурмасдан сайраб кетди:

— Мени қайси айбим учун қамаб қўйдингиз ўзи?.. Уйимга бостириб кирган бир мастнинг оиламни ҳақорат, оёғости қилишига йўл қўймаганим учунми?.. Қани, айтинг-чи, ўшандай пайтда мен индамай туришим ёки: «келинг, мана ўғлингиз, истаганингизни қилинг, мен жонсиз эрман, миқ этмай ўтиравераман», дейишим керакмиди?

Халилов олдинига сал қизишди. Сўнг ўзини тутиб олиб, босиқлик билан:

— Шошилманг, Арниёзов, имкони бориचा бежанжал гаплашайлик, сиз фақат саволларга жавоб берсангиз етарли. Қолган гапларингизни эса сўроқдан кейин айтарсиз, — деди.

Арниёзов шу гапдан кейин ўзини бир оз босди. Терговчининг саволларига қизишмай жавоб бера бошлади:

— Кечирасиз, одамга алам қилар экан... Уни урдим... Ҳа, яширмайман, роса урдим. Нақ юзига туширдим. Юзи шишган дейсизми?.. Мана шу муштим билан урганман. Буни тан оламан. Бўйинлари шилинган, тирналган?.. Ҳа, менга ҳамла қилгандан кейин уни ёқасидан ушлаб судрадим-да, кўчага чиқариб, орқасига бошлаб тепдим ҳам. Орқаси қораймабдими, ишқилиб? Кечирасиз, кейин бошқа кўрганим йўқ... Йўқ, кўрмадим. Сўқиниб, қилган дағдағаларини эшитдим, холос. Нима?.. Мотоциклни нега миниб чиқдингиз?.. Мотоциклни миниб ушанган олгандирманки, миниб чиққанман. Ахир бировдан сўраб мининг ёки рўйхатга ёздириб сўнг мининг, деган қоида йўқ-ку! Тўғри эмасми?.. Қаерга бординг?.. Қаерга борардим? Аччиғим чиққан эди. Узимни бир оз совутдим... Нима?.. «Озиқ-овқатлар» магазинининг яқинига ҳам борганим йўқ. Куртка?.. Яна қанақа куртка? Устимда куртка эмас, чопон бор эди, билсангиз... Милиционер тўхтатди, тўғри. Лекин ҳеч нарса дейишгани йўқ... Болта?.. Яна қанақа болта? Қон теккан бўлса нима қилибди?.. Гўшт чопандирман... Оқназаров ўлдирилган?.. Наҳотки, қачон, қаерда?.. Дарё бўйидами?.. Менга нима алоқаси бор бунинг? Э-э, ҳали мендан гумонсираяпсизми?.. Қотиллик учун қамалиб ўтирган эканман-да!.. Тушундим, оёғимни ерга теккизмай камерага тикқанингизни энди тушундим... Қўйинг, менга айбни тўнкайман деб овора ҳам бўлманг. Қарши эмасман... Йўқни бор қилиб айблайверишингиз мумкин... Нафсимни ҳақорат қилганга қўл кўтарганим айб бўлса, ҳар қандай шазога тайёрман, лекин одам ўлдиринг... Йўқ, ўртоқ... Ўртоқ Халилов, қотилни бошқа ердан ахтаришни маслаҳат берардим... Саволларингиз бефойда... Биласизми, мен сизга... Сизга сўроқ беришдан бош тортаман. Тамом!

Халилов жон-жаҳди билан тўплаган далиллар ҳам, сўроқни давом эттиришга уришилари ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Унинг боши баттар ғовлаб кетди. Гумондорни камерага жўнатди. Телефонни олиб, экспертизага қўнғироқ қилди.

— Алло, терговчи Халиловман. Болта билан қон юбортирган эдим... Фамилияси-ми?.. Оқназаров... Нима?.. Мол қони дейсизми?.. Нега мол қони бўлади?.. Кечирасиз... Хўп майли, юборинглар... Демак, аниқ шундай экан, шарт эмас одам юбортириш... Почтадан... Хўп, хайр!

Халиловнинг яна бир умиди, экспертизага юборган мотоцикл шинасидан эди. Бунга ҳам «Мутлақо тўғри келмайди», — деган жавоб олди.

Шу пайт уни прокурор телефонда йўқлаб қолди. Халилов район прокуратурасига келганида Қарши Назарович аллақандай қоғозни ўқиб ўтирган экан, Халилов кириши билан қўти ўчганича унга узатиб:

— Ўқиб кўринг, — деди. — Дарҳол бажаринг!

У апил-тапил қоғозга кўз югуртириб чиқди. Ҳужжат республикадан юборилган телефонграмма бўлиб, унда тубандаги сўзлар битилган эди:

«...Оқназаров ўлими юзасидан қамоққа олинган Арниёзовни дарҳол қамоқдан бўшатишни, жиноят ишини шахсан терговчи Халилов орқали етказиб келишни таъминлашингизни сўрайман!»

— Бунга нима дейсиз?.. — сўради Назаров.

— Нима ҳам дердим. Тўғри, Қарши ака, гумонимиз тасдиқланмади ҳисоби. — Халилов терговдаги Арниёзовнинг далиллари ва экспертиза хулосаларини баён қилди.

— Нима ҳам дердим, ишнинг пачавасини ўзимиз чиқарибмиз, дардиниям энди ўзимиз тортамиз-да... Сиз ҳозирок Арниёзовни бўшатиш ҳақида қарор тайёрлаб, сўнгра йўлга чиқаверинг.

Орадан бир соатча ҳам вақт ўтмай, жиноят иши жойланган папкани қўлтиқлаб олган Халилов, бошида турли-туман нотинч хаёллар билан прокурор машинасида Тошкент томонга елиб борарди. Тошкентда эса мажмур телефонграмма юборилишига асос бўлган муҳим воқеалар содир бўлган эди.

## «ҚАБРИСТОН» ОПЕРАЦИЯСИ

Тўсатдан «Дегрез» қабристонидорасига шаҳар молия бўлими йўлланмаси билан икки тафтишчи кириб келди. Хужжатларига кўра, уларга қабристон маъмуриятининг молиявий хўжалик фаолиятини кўриб чиқиш топширилган экан. Қабристон мудирлари Аббос Тарханов уларни қовоғидан қор ёғиб кутиб олди:

— Илгари учратмаганман шекилли, молия бўлимида янгимисизлар дейман? — сўради у.

— Стажёрлармиз, — дейишди улар. — Ревизияга мустақил равишда биринчи чиқишимиз.

— Марҳамат, биз хизматга тайёрмиз, — деди мудир.

Тафтишчилар роппа-роса икки сутка тиним билмай ишладилар. Майда-чуйдалар, арзимас гапларни ҳам кавлаштираверганларидан уларнинг тажрибасизликлари билиниб турарди. Кўпроқ территорияда айланишди, одамлар билан гаплашишди. Ниҳоят, учинчи куни ревизияни яқунлаб, нари-бери акт туздилар. Тарханов мамнун эди. Ахир, тафтишчилар айтарли бирор ишқал топиша олмадилар-да!

Шу куни кечқурун терговчи Азизовнинг столига қабристон бошқармасида ўтказилган тафтиш юзасидан тузилган асосий акт — махсус юборилган оператив ходимларнинг батафсил ёзилган ахборотлари келиб тушди.

«Қабристон маъмурияти шаҳар бошқармасидан байрам муносабати билан территорияни тозалаш тўғрисида ўнинчи апрель куни махсус кўрсатма олган. Шу куниёқ қабристон мудирлари Аббос Тарханов имзоси билан «Автомехбаза» дирекцияси номига махсус санитария тозалаш ишларига мўлжалланган ахлат ташувчи машина ажратишни сўраб буюртма юборилган. Ун биринчи апрель куни махсус журналнинг шофёр Оқназаров Тўлаган деган шахс номига расмийлаштирилган варақасига ахлат ташиганлиги ҳақида белги қўйилганлиги қайд қилинган. Йўл варақаларига шахсан Тарханов имзо чекиб, муҳр босиб берган. Қабристон ходимлари билан гаплашилганда, улар Оқназаровнинг машинасига фақат бир кун — ўн биринчи чисода ахлат юклашганликларини айтишди. Лекин шундан бошлаб Оқназаров мудир ҳузурига серкатнов бўлиб қолган. Шофёрнинг бир неча марта Меливой Норов билан суҳбатлашиб турганини кўришган. Меливой Норов қабристон назоратчиси бўлиб ишлади. Тархановга яқин — унинг «ўз одами» ҳисобланади. Шахсий делосидаги хужжатларга кўра Норов 1975—76 йилларда автоаварияга йўл қўйгани сабабли жавобгарликка тортилган ва икки йилга судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтган.

«Гўрков қапғири» борасида берилган топшириқ шуни кўрсатдики, 1970 йилда маъмуриятнинг махсус буюртмаси билан гўрков учун ўн дона белкурак — гўрков қапғири ясаб келтирилган. Шундан бир донаси тахминан йигирма олтинчи-йигирма еттинчи апрель кунларида йўқолган. Қаерга ғойиб бўлганини ҳеч ким билмайди. Асбоблар маъмурият жойлашган бинодаги қулфланмайдиган хоналардан бирида сақланиб келинган.

«Ява» мотоцикли қабристон назоратчиси Норовда бор. Шиналари яп-янги. Афтидан икки-уч кун ичида алмаштирилган кўринади. Қабристон ходимларидан фақат икки киши «Голубые купола» маркали сигарета чекади: Мудир Тарханов ва Норов (Сигарета қолдиқлари солинган алоҳида конвертлар илова қилинади.)

«Газета подшивкалари кўриб чиқилганда, қабристон маъмурияти «Труд» газетаси олишлиги, улар орасидан 25 апрель сони етишмаслиги аниқланди.

Топшириқда кўрсатилган — кўп йўталадиган шахс — қабристон назоратчиси Норов...»

Муроджон Азизов ўз мулоҳазалари беҳато нишонга текканлигини англади. У қалаванинг учини топган эди. Қўшимча ахборот асосида зудлик билан ахборот марказига топшириқ хати тайёрлади:

«...Олмалиқ шаҳар халқ суди томонидан судланган Оқназаров Тўлаган ва автоавария ҳодисаси юзасидан судланган Норов Меливойларнинг белгиланган жазони ўтаган жойлари ҳақида шошилинч равишда маълумот беришингизни сўрайман...»

Хатни жўнатиб, телефон трубкасини олди. Ички ишлар министрлиги томонидан ажратилган — ҳамкорлик қилувчи жиноят қидирув бўлими ходимига қўнғироқ қилиб:

— Ҳозироқ учрасак, кечиктирмай ўтказиш лозим бўлган иш чиқиб қолди, — деди...

## «ШИНА» ОПЕРАЦИЯСИ

Кечаси алламаҳал — соат миллари ўн иккидан ўтиб қолган пайтда, кўп қаватли уйлاردан бири ёнида ғизиллаганича ўтиб кетаётган «Ява» маркали мотоцикл қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Ҳайдовчи ерга тушиб, мотоцикл шиналарини кузатган киши бўлиб, анча вақт ивирсиланиб турди. Секин қўл узатиб, алланарсани буради. Ҳайдовчи атрофни ола-



зарак кузатди. Шу атрофда сайр қилиб юрган бир-икки кимсага кўзи тушгач, уларнинг яқинлашишларини кузатиб турди.

— Эҳ, тешилибди-ку! Шинада ҳаво қолмабди. Энди нима қилдим? — деб ғудранди у ўзича, ҳалиги шахсларга овозини эшитиларли қилиб.

— Ҳа, нима бўлди, ўртоқ? — сўради улардан бири.

— Э-э, нимасини айтасиз. Мотоцикл шинасига миҳми, бирор нарса кирганга ўхшайди. Йўлим анча узоқ. Энди нима қилдим экан? — деди ҳайдовчи. Сўнгра нотаниш кишилардан сўраб қолди, — кечирасизлар, шу атрофда «Ява» мотоциклли ҳеч ким йўқ-микан-а? Эҳтиёт шарт, олиб қўйгани бордир. Сўраса бериб турар ё сотар?

— Мана бу квартирадан сўраб кўринг, «Ява»си бор. Балки шу кишидан топилиб қолар. Йўқ демас, — деди нотаниш кишилардан бири ёндаги йўлакнинг иккинчи қаватига ишора қилиб.

Йўловчи иккинчи қаватга кўтарилди. Атрофга аланглаб, эшик кўнғироғини босди.

— Ким? — деган овоз эшитилди ичкаридан. Сўнгра уй эгаси бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади ва эшикни очди...

Бир оздан сўнгра, иши ўнгидан келган йўловчи пулини тўлаб, анча фойдаланилган, лекин бус-бутун мотоцикл шинасини қўлтиқлаганча зинадан пастга тушди. «Ёрилган» шинани бутунга алмаштирди-да, моторни ўт олдириб, тариллатганича жўнаб кетди...

Орадан бир кун ўтгач, Азизов тегишли экспертиза муассаси томонидан берилган хулосани ўқиди:

«...Йигирма тўққизинчи апрель куни дарё бўйида топилган мотоцикл шинаси қолдирган изларнинг гипс ясамаларидан тўрттаси тақдим қилинган шина билан солиштириб кўрилганда, ўзаро мос келишлиги аниқланди...»

Бир оз ўтмай, информация марказидан жавоб келди:

«...Сизни қизиқтирувчи Оқназаров Тўлаган ва Норов Меливойлар 1975—76 йилларда Бойқаро ахлоқ тузатиш муассасида жазо муддатини ўташган...»

### ЗАНЖИР ҲАЛҚАЛАРИ

Халилов ўпкасини қўлтиқлаб, кириб келганида Муроджон Азизовнинг кабинетида яна икки киши бор эди.

— Ассалому алайкум, мумкинми?

— Ана ўзи ҳам келиб қолди, — деди ўрнидан тураркан Муроджон. — Салом, салом, келинг, ўртоқ Халилов. Танишинглар, ишнинг терговини районда олиб бораётган ўртоқ шу киши бўлади. Булар жиноят қидирув аппаратидан: ўртоқ Кравченко... Ҳожиев. Кўл олишиб саломлашишгач, ҳаммалари ўтиришди. Азизов сўради:

— Арниёзовни қамоқдан бўшатдингизми?

— Ҳа... Қарор тайёрлаб, прокурорга қолдириб келдим.

— Яхши. Энди... ундан кечирим сўраш, оиласи ва ишхонаси олдида юзини ёрув қилиш лозим.

— Нима учун, ўртоқ Азизов?

— Нима учун дейсизми? Яхши ўйламай иш тутиб, ноҳақ ҳибсга олганимиз учун. Тушунарлими?

— Асос бор эди... Ҳозир ҳам йўқ эмас... Бир оз ишлаш...

— Хўп, ҳозирча етарли. Кейин гаплашамиз... Аниқроғи, ўзингиз тушуниб оларсиз деган мақсадда махсус чақиртирдим. Ҳозир қотиллардан бирини ушлагани борамиз. Иштирок этсангиз, келгуси ишларингизда фойдаси тегади, ўртоқ Халилов, — Азизов соатига қаради. — Ҳозир уйига қайтган бўлиши керак. Қани, кетдик!

Орадан ярим соат ўтмасдан тўртталаси, яна холис икки киши иштирокида, бизга таниш кўп қаватли уйнинг иккинчи қавати эшиги ёнида турарди. Кўнғироққа жавобан ичкаридан: «Ким» деган овоз эшитилди-ю, бир оз ўтмасдан, жавоб кутмасдан эшик очилди. Қаршиларида уй эгаси — баланд бўйли, ўттиз беш ёшлардаги йигит турарди.

— Гражданин Норов Меливой сиз бўласизми?

— Ҳа... Мен Норов... Кимсизлар?..

— Прокуратура терговчиси Азизовман, — хизмат гувоҳномасини кўрсатди. — Сиз қамоққа олиндингиз. Мана, прокурор рухсати — сизни қамоққа олиш ҳақида санкцияси олинган қарор. Марҳамат, танишиб чиқинг, имзо чекинг.

Норов бир зумда оқариб кетди. Қўлига тутқазилган қарорни худди лахча чўғни ушлагандай авайлаб ушлаганича стол ёнига бориб, ҳижжалаб узоқ ўқиди. Охирига имзо чекди. Азизов қарорни папкасига жойлаётганида Норов сўраб қолди.

— Кийинсам бўладими?

— Бўлади, лекин сал кейинроқ, — у иккинчи ҳужжатни чиқариб, столга қўйди. —

Мана бу иккинчи қарор уйингизда тинтув ўтказиш ҳақида. Вақтни олмай десангиз, ўзингиз бизга йигирма еттинчи апрель кечаси устингизда бўлган кийим-бошларингиз ва мотоцикл шинасининг қолган иккитаси турган жойни кўрсатсангиз.

Халилов бўлаётган ишларни ҳали яхши тушуниб етмаган, «шуҳратпараст» Азизовнинг ҳаракатларини зимдан кузатар, сўзларининг мағзини чақишга тиришарди. Норов

кийим шкафини очиб, тўқ яшил рангли балон куртка, костюм, свитерни олиб стол устига ташлади. Пастга эгилиб, ичи патли ботинкасини олиб берди. Кийим-кечак қури-тишга мўлжалланган хонадан мотоцикл филдирагини судраб чиқиб, полга ташлади.

— Иккинчиси йўқ. Сотиб юборганман...

— Хабаримиз бор, — деди терговчи. Сўнг инспекторга мурожаат қилди, — ўртоқ Кравченко, илтимос, протокол тузинг. Унгача зерикиб қолмасин учун, Норовга айрим нарсаларни айтиб бермоқчиман. — Азизов Халиловга маъноли кўз қисиб қўйди. Халилов у айтадиган нарса Норовдан кўра кўпроқ ўзига тегишлилигини тушуниб, стулга чўкканича эшитишга ҳозирланди. — Биласизми, гражданин Норов, сиз қотилликда айбланасиз. Йўқ, йўқ... Сизни ҳозир сўроқ қилмоқчи эмасмиз. Фақат қандай қилиб сизнинг изингизга тушганимиз ва айблаш учун қанақа далилларга эга эканлигимизни яхшилаб эшитиб оли-шингизни хоҳлардим. Сиз, автоавария туфайли, икки йилга судлангансиз. Жазони Бойқа-родаги легарда ўтаб, у ерда Оқназаров Тўлаган дегаң шахс билан танишиб қолгансиз. Кимни назарда тутаётганимни яхши биласиз-а?.. Жазони ўтаб қайтган, «Дегрез» қабри-стонда назоратчи бўлиб ишлагансиз. Шу йилнинг ўн биринчи апрель куни қабристон олди-дан ахлат юклашга келган Оқназаров билан тасодифан учрашиб қолгансиз. Сизга маълум сабабларга кўра, қабристон мудири Аббос Тарханов билан ҳам таништиришга мажбур бўлгансиз. Тўғрими? У сизларнинг муҳим сирларингиздан воқиф бўлиб қолган эди. Қўрқиб кетдинглар. Шу кундан бошлаб Оқназаров сизларни ўз нофорасига ўйната бошлади. Ҳар куни ишга келмаса ҳам унинг йўл варақасига қўл қўйиб беравердинглар, У эса ялло қилиб юраверди. Кейинроқ бошқа нарсалар ҳам талаб қила бошлади. Гире-бонларингдан сиқиб ушлагани учун унинг хоҳишлари беками кўст бажо келтирилаверди. Лекин бу ҳолга узоқ чидаб бўлмас эди. Бир куни у бари бир сизларни сотиб қўйиши мум-кинлигини билардингиз. Тарханов билан бирга ундан қутулиш чорасини ахтариб, қулай фурсатни кута бошладинглар. Оқназаров йигирма еттинчи апрель куни кечқурун Олма-лик шаҳрига бориб ўғлини кўриб келмоқчилигини сизга айтган. Совға-саломга пул сўра-ди. Йўқ дея олмадинглар. Адашмаяпманми? Сиз унинг оилавий можароларини ҳам яхши билардингиз. Тўсатдан режани амалга ошириш пайти келганлигини тушундингиз. «Эски оғайни» сифатида сиз бирга бормоқчи бўлдингиз. Шеригингиз билан гапни пиши-тиб олдингиз. Қабристон идораси оладиган «Труд» газетасига «гўрков капгири»дан бирини ўрадинглар. Кечаси дарё бўйида шеригингизни қолдириб, Олмаликқа жўнади-гиз. Йўлда учраган чўпон йигитга тўхтамадингиз. Мотоциклда Оқназаровни олиб кел-дингиз, унинг бошига «гўрков капгири» билан уриб ўлдириб, сувга ташлаб кетдинглар. Сизга Оқназаров собиқ хотинининг эри билан жанжаллашганини айтган. Ушандан гумон-лашади деб ўйлаб, хотиржам юравердингиз. Мўлжал тўғри чиқди. «Қотил» қамалди. Чунки дастлаб, Арниёзов ўлдириган деган хулосадан биз ҳам холи эмас эдик. Аммо ишга чуқурроқ киришгач, хато қилганимизни тушундик, — Азизов яна Халиловга маъноли қа-раб қўйди. — Лекин уни қамоқда пича ушлаб турдик. Ҳақиқий қотилларни хотиржамли-гига раҳна солмоқчи эмасдик. Терговни ҳам районда давом эттираверишни лозим топ-дик. Аслида, ҳақиқий иш Тошкентда бошланганлигини сиз билмасдингиз... Воқеа жойи-дан топилган мотоцикл шинаси изларидан тўрттаси кечаси «ночор қолган» кишига пул-ланган матоҳингизга тегишли бўлиб чиқди. Қолган тўрттаси мана бу ётган шинаники бўли-шига шубҳа йўқ. Тўғрими? Воқеа жойида пойафзал излари ва сигарета қолдиқлари ҳам топилган эди? «Зангори гумбазлар», сиз шунақа сигарета чекасиз, чамамда? Пойафзал изларидан бирини мана бу ботинканики бўлса керак... Жавобингиз шарт эмас. Экспертиза аниқлайди буларни. Дарёдан бир донга «гўрков капгири» топиб олдик. Сизда ўтказилган ревизияда эса битта капгир кам келди... — Шу пайт Норовни қаттиқ йўтал тутди. Бўғи-либ-бўғилиб йўталар экан, қип-қизариб кетди ва чекишга рухсат сўради. — Майли, чека-веринг. Кейинги пайтларда бўғилиб йўталадиган одам Оқназаров билан тез-тез учрашиб, телефонда сўзлашадиган бўлиб қолган эди. Йигирма еттинчи куни кечқурун шу «йўтал-чи» унинг уйига қўнғироқ қилиб, қайнотаси билан гаплашган. Унинг Олмаликқа кетганли-гини аниқлади. У киши сиз эдингиз. Ёки бундан ҳам тонасизми?

Норов атрофга ночор аланглар, кўр киши оёқ босишдан олдин йўлини таёқ билан пайпаслагандай ҳаракатлар қилар, бироқ йўл тополмай қийналарди.

Орага оғир жимлик чўкди. Халилов ўртага гап қўшиб қолди:

— «Ява» маркали мотоциклда баланд бўйли балоновой куртка кийган киши соат ўн иккидан ўтган пайтда Олмалик шаҳри марказидаги «озиқ-овқатлар» магазини қаршиси-даги ўриндикда ўтирган Оқназаровни орқасига миндириб кетганини кўришган. Бу ҳам сиз бўлсангиз керак-а?

Сўзни Азизов давом эттирди:

— Қалай, бу гапларга қарши эмасмисиз?.. Қайсарлик бефойда эканлигини яхши ту-шунасиз. Энди ўзингиздан бир-икки оғиз сўз эшитсак. Баъзи нарсалар етишмай тургани-ни сезгандирсиз?

Норов жавоб беришга розилик билдириб, бош ирғади.

— Биринчиси, Оқназаровга аён бўлиб қолган сир нима?

— Айтаман... Ҳаммасини айтаман... Енгиллик бўладими менга? Илтимос мен ҳеч нарса яширмай, терговга ёрдам берганимни протоколга қайд қилиб қўйсангиз...

— Терговга қандай ёрдам берганингиз ҳали қоронғи. Енгиллик сўрашга ҳам ҳали эрта... Иқрорингизни суд инобатга олади. Хўш?..

— Айтаман... Фақат сал узоқроқдан бошлайман... Жазо муддатини ўтаб юрганимда бир киши билан таниш эдим. Исм-фамилияси эсимда қолмаган. Лақаби «Малла» эди. Жазони ўтагач яна уч йилга техника воситасини бошқаришдан маҳрум қилинганимни унга айтган эдим. У «шартми ҳайдовчилик. Менинг бир эски оғайним бор. Кўп ишларни бирга қилганмиз, ишончли одам, қабристон мудирини бўлиб ишлайди. Тинч жой», деб қолди. Чиққанимда унга хат ёзиб берди. Шу бўлди-ю, қабристонга назоратчи бўлиб ишга жойлашдим. Танишининг ҳурматиданми, кўп ўтмай, мудиримиз — Тархановнинг ишончли одамига айландим. У пулдор кишиларнинг марҳум қариндошларига энг қулай жойлардан қабр ажратар, мен эса пул олди-бердисиде воситачилик қилардим. Кейинги пайтларда «қулай» жойлар қисқариб бораверди. Бир куни Тарханов менга ўнта қабртошни кўрсатиб, «ҳеч ким билмасин, шуларни кенгроқ қилиб ўрнатиб чиқинг, керак бўлади», — деб буюрди. Жойларини белгилаб қўйган экан. Айтганини қилдим. «Харидор»ларга ана шу жойларни мўмайгина пуллаш бошладим. Унинг апрель куни, яна бир янги «савдо»дан кейин, ўша жойлардан (дарвоза яқинида эди) бирининг тошларини олиб, бўшатиб қўйишни буюрди. Ҳеч ким сезмасин деб, эртаси куни тонг ёришмасдан ишга келдим. Қабр тошини кўчираётган пайтимда ахлат ташувчи машина пайдо бўлди. Унинг ҳайдовчиси тўғри олдимга келди. Салом берди. Қарасам, эски таниш, Тўлаган. Ҳол-аҳвол сўрашиб турибмиз-у, у аблаҳнинг кўзлари аланг-жаланг. «Эрталабдан нимани кўчириясан» — деб ҳадеб ўсмоқчилаб сўрайди. Уни-буни баҳона қилдим. У айланиб, ён-веридеги қабр тошлари билан қизиққандай бўлди. Сўнг ҳеч нарса демасдан, ахлат ортгани кетди. Кундузи икки-уч марта қатнади. Кечга яқин ёнимга келиб: «Меливой, эрталаб кўрганим «С. С» нинг қабри ўрнига Мирзабеков кўмилибдими?» — деб сўраб қолса бўладими? Эسخона чиқиб кетди. Сўнг тиржаийиб кўзларини айёрона қисиб қўйди. Нима баҳона келтиришимни билмай турганимда у яна: «Бунақа кўчма қабрлар кўпга ўхшайди» — деб, менга муғамбирона тикилди.

Қилмишларимизни сезиб қолганини тушундим. Нимадир демоқчи бўлдим. Ҳозир эсимда йўқ, алланарсани баҳона қилиб, мудирнинг ёнига югурдим. Сиримизнинг фош бўлиши мумкинлигини, хавф туғилганини айтдим. У билан илгари танишлигини ҳам яширмадим. Тарханов: «Уни менинг ёнимга бошлаб кел, гаплашайлик-чи», — деди. Келгач, у билан очиқчасига гаплашиб, Тўлаганни миқ этмасликка кўндирди. Эвазига, сиз айтгандай... қолганини тўғри топдингиз...

— Тушунарли, — деди Азизов. — Мен ҳам мана шунақа ишдан бошқа қабристонда яна қанақа даромад бўлиши мумкин, деб уйлаган эдим. Яна бир масала... — Оқназаровни сиз ўлдирмаганиз. Кузатиб турибман, сиз чапақай эмассиз. Унинг бошига қапгир билан урган киши чапақай бўлган. Хўш, айтинг-чи, ким эди у?

— Тарханов... Аббос Тарханов...

### ЖАБРЛАНУВЧИ

Аббос Тархановни эрталаб уйдан чиқиб, машинасига ўтираётган пайтда ушлашди. Азизов бу ишни жинойат қидирув бўлими ходимларига топширган эди. Йўлдан ўтиб кета-туриб, аллақандай бир йигит унинг машинаси ёнида тўхтади.

— Кечирасиз, сизда сигарета топилмайдими? — деб сўради.

— Марҳамат.

У чўнтагидан сигарета чиқариб йигитга узатди. Йигит анча тимирскиланиб, пачкадан бир дона сигарета олди-да:

— «Голубе купала» яхши сигарета-да, мен фақат шу хилидан чекаман, — деб гап ташлади мамнун қиёфада.

— Тамакини яхши тушунар экансиз. Мен ҳам фақат шу хилидан чекаман! — Шу пайт қўққисдан иккинчи йигит пайдо бўлди. — Менгаям мумкинми?

Аббос Тарханов унга ҳам сигарета қутисини узатган пайтда унинг иккала қўлини бирданига кучли қўллар маҳкам қисиб ушлади.

— Қаршилиқ қилиш бефойда, Аббос Тарханов! — деди биринчи йигит паст овозда. — Жинойат қидирув бўлимиданмиз. Сиз қамоққа олиндингиз!

Йигитлардан бири машинани елдириб кетди. Орқа ўриндиққа эса қўлига кишан солинган, ранги бўздай оқариб кетган Тарханов билан «чекувчилар»дан бири ўтирарди. Ҳеч ким миқ этмасди?

Эшикдан кириб келган, эллик беш-олтмиш ёшлар чамасидаги бақувват кишини кўриши биланоқ Азизов беихтиёр ўрнидан туриб кетди. У бу одамни қаердадир кўргандай эди. Эслашга уринди, лекин эслай олмади. Унга тикилиб тураверди. Ҳа, ҳа... қаердадир кўрган... Унинг нимасидир танишга ўхшайди... Оқ оралаган қуюқ қоши ва уккиникидай олайган кўзлари... Таниш... Лекин, нега бунча совуқ ва ёвуз кўриняпти бу кишининг башараси... Йўқ, адашаётгандир. Ҳамма жинойтчиларда ҳам қандайдир бир-бирига ўхшашлик бўлади... Бариде қандайдир совуқлик... Ўзидаги бу ўзгаришга ҳайрон бўлиб қараб турган Халилов ва милиция ходимларига кўзи тушди-да, ҳаракатидан хижолат торт-

ди. Жойига ўтириб, ўзини хотиржам кўрсатишга уринди. Стол устидаги қамоққа олиш ҳақидаги қарорни Тархановга яқин суриб қўйди-да:

— Танишиб чиқиб, имзо чекинг,— деди.— Сиз хизмат вазифангизни суиистеъмол қилганликда, порахўрлик ва ниҳоят... қотилликда айбланасиз!

Узатилган рўккага чўзилган Тархановнинг чап қўли ҳавода муаллақ қолди.

Жойидан сапчиб турган Муроджоннинг кўзлари унинг чап қўли жимжилоғидаги қора тирноққа қадалган эди! Тўсатдан ранги оқариб кетган, титроқ боса бошлаган терговчининг кўз олдида, совуқ қиш кечаси сандал ўрнатилган хонадаги машъум ҳодиса жонланганини ҳеч ким ҳаёлига келтирмасди. У ота-онасининг қотилини таниган эди. Азизов бир-икки чайқалди-да:

— Сиз... сиз... ўшасиз!.. — деб қичқирдию ҳушидан кетди...

Шу куни республика прокурори иккита буйруққа имзо чекди. Биринчисида, «Жинойят иши бўйича айбланувчи Аббос Тарханов терговчи М. Азизов ота-онасининг қотили эканлиги аниқланди. Мазкур иш бўйича Азизов жабрланувчи деб топилиши муносабати билан тергов юритиш бошқа терговчига юклатилсин», дейилган эди. Иккинчиси эса Азизовга навбатдаги меҳнат отпускази берилганлиги ҳақида эди.

## ҚОРА ПАРДА ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Муроджон уйга юриб эмас, мисоли учиб борарди. Ўзини алланечук ёшариб кетгандай ҳис қилди. Назарида, атрофидаги ҳамма нарса гўзал, ўзи эса бошқа бир оламга тушиб қолгандай эди.

Йўлда гул сотиб ўтирган аёлга кўзи тушди. Ёшига мос бўлмаган ҳаракатлар қилиб, саватчасидаги ҳамма гулларни бирданига сотиб олди. Раҳмат деди-да, қайтимини ҳам олмай жўнаб қолди. Шаҳдам юриб йўлакка кирди. Зиналардан гўё оёғини қўлига олганича югуриб чиқди. Майдончада тўхтаб, кўйлагининг ёқасини, сочларини тузатган бўлди. Сўнг ўз квартираси қолиб, қаршисидаги эшикнинг кўнғироғини дадиллик билан босди. Эшикни очган Муяссархонни ҳайрон қолдириб, қўлидаги гулларни унинг бағрига отди. Илк бор учрашганларидан буён бирорта гапни бемалол гапиролмай қизариб-бўзариб юрадиган Муроджон аёлнинг кўзига тик боқди. Унинг лабларидан Муяссархон зориқиб кутган журъатли сўзлар отилиб чиқди:

— Муяссархон, мен сизни севаман, жуда-жуда севаман!

Шундай деб аёлни бағрига тортиб, ёноғидан аста ўпди. Шу заҳоти хонасига кириб альбом кўтариб чиқди. Варақлаб, ёшлигида тушган суратлари, ўртоқлари ҳақида тўлиб-тошиб гапира бошлади. Айниқса, ота-онасининг суратларини кўрсатганда у ҳаяжонланиб кетарди. Ҳамма-ҳаммасини миридан-сиригача эслайди. Мана дадаси, кўкраклари тўла орден-медаллар билан фронтдан қайтган пайт. Уҳ-ў-ў, ойиси иккаласи ўшанда қандай қувонишган эди. Ойиси қорачадан келган, чеҳраси доим кулиб турувчи мулоим аёл эди. Қизиқ, орадан шунча вақт ўтибди-ю, ҳалигача ойисининг боши узра эгилган меҳрибон юзлари кўз олдида турибди. Баданининг алангали ҳарорати бутун вужудига сингиб кетгандай, унинг эркалатиб ўпишлари-ю, қайноқ нафасини ҳис қиляпти. Илк бор ота-онаси уни муаллимга топшириб, қайтишда дадаси кулиб қўл силкитиб хайрлашгани, ойисининг кўзида ёш милтираса-да, бу унинг ўғлидан хурсанд бўлиб йиғлаганлигини сезгани ҳам ёдига тушди.

Ота-онасини бир зумда жонсиз танага айлантирган ўша машъум кечада барбод этилган болалик бахти қайтиб келган, гўё узоқ йиллар давомида орада турган номаълум тўсиқ олиб ташланган эди.

Эртаси куни байрам намойишига чиққан одамлар хандон-хушон, бир-бирига боқиб тўймаётган ошиқ-маъшуқларга эътибор беришмади. Ахир, ҳамманинг юзида байрам кайфияти акс этган эди-да!..

Улар намойишдан кейин ҳам уйларига қайтишмади. Муроджон ёнидаги таклифномани чиқариб, Муяссархонга кўрсатди. Тўйхат юборган чўпон йигит — Холмамат ҳақида гапириб берди.

— Ваъда берганман. Борайлик... Муяссархон, бирга борайлик!

— Сиз нима десангиз шу-да, Муроджон ака.

\* \* \*

Атлас қўйлаги устидан фартук боғлаб олган Турсунной ошхона билан қазноқхона ўртасида зир югуради. Унинг хушбичим қомати энгил ҳаракатларига мос, ҳовлида резина ичак судраганича сув сепаиб юрган эри Шайдуллага қараб-қараб қўяди. Кўзлари учрашганда юзлари гул-гул ёнади. Кичкина Акбарали қўлида супурги билан дадаси атрофида ўралашади.

Бир оздан сўнг, ҳовлига қўйилган ноз-неъматлар тўла стол атрофи меҳмонлар билан гавжум эди. Арниёзовнинг ишхонасидан келишган эди. Комил Қуллиевич сўзларди:

— Ҳақиқат баркамол ва барқарор. Коллектив Шайдулланинг айби йўқлигига ҳеч

шубҳа қилган эмас. Ҳақиқат қарор топди. Қувонч билан юзи ёруғ бўлган шу хонадонни муборакбод этаман...

Нотиқ сўзини тугатмасдан очиқ турган дарвозадан ҳовлига икки киши кириб келди. Бири, чакка сочларига оқ оралаган, тўладан келган савлатли киши, иккинчиси, ўтирганларга яхши таниш терговчи Халилов эди. Иккаласининг ҳам қиёфалари жиддий, хўмрайган.

Меҳмону мезбонларни бир зумда хавотир чулғаб олди. Ҳамма жим, нима бўлишини кутиб турарди.

— Қорадарё районининг прокурори Назаровман, — деб таништирди ўзини биринчи киши. — Бу эса терговчи Халилов. Арниёзов... Уртоқ Арниёзов Шайдулла ва унинг оила аъзоларидан, уларга ноҳақ етказилган нотинчлик учун кечирим сўрагани келдик...

...Орадан бир йил ўтди. Адирлар яна кўм-кўк либосга буркалган, лолақизғалдоқлар қирлар ҳуснига ҳусн бағишлаган пайт. Тепалик бағрида хушманзара сайхонликдаги чўпон ўтовига ошиқиб келаётган от-уловли одамлар оқимининг адоғи кўринмайди. Ўтовдан эса машҳур Нурбек бахши дўмбирасининг шўх, қалбларга хуш ёқувчи майин куйи, унга ҳам-оҳанг айтилаётган мардонавор кўшиғи эшитилади.

Бугун байрам арафасида колхознинг машҳур чўпони Нормамат Турдиев хонадонидида катта тўй. У неварали бўлган. Келини Ойсара ўғил туққан эди. Болага Шермамат деб исм қўйдилар. Далада байрам. Ёйин-кулги давом этар, бахши кўшиғига чақалоқнинг илк эрка йиғиси ҳамоҳанг тараларди.

Худди шу пайт бошқа бир жойда, узоқда, шаҳар туғруқхонаси дарвозасидан бир қучоқ гул кўтарган йигит шодон кириб келди. Бежирим костюми ўзига ярашган, хурсандлигидан терисига сиғмай одимларди. У Азизов эди.

Йил бошида бўлиб ўтган суд дарё бўйидаги қотиллик билан бошланган ва Муроджон жабрланувчи тариқасида қатнашган жиноят ишини кўриб чиқиб, қотил Аббос Тархановни олий жазога ҳукм қилган, қолган жиноятчиларга ҳам қилмишларига яраша жазо белгиланган эди. Кеча у ҳукм ижро этилгани ҳақида хабар олди. Тунда бошланган тўлғоқдан туғруқхонага келтирилган хотини Муяссархон эрталабга яқин ўғил туққан эди.

Гулларни қўлтиқлаб ичкарига кириб кетган ҳамшира бир оздан сўнг учинчи қават деразаларидан бирини очиб, қўл силкитди-да, ўрнини Муяссархонга бўшатди. У уялинкараб, халати ёқасини қўллари билан жуфтлаб тутганича пастга бир аланглаб олди-да, эрига кўзи тушгач:

— Нима деб атаймиз, дадаси? Исм қўйиб гувоҳнома келтирмаса уйга қўйишмас экан? — деди.

— Бахтиёр... Ҳа-ҳа. Бахтиёр қўямиз, — деди Азизов ҳаяжондан энтикиб...



## ҚАЙТА ҚУРИШГА МУНОСАБАТ

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг долзарб муаммоларга муносабати, поэтик фикр-лаш тарзи, ҳаёт ҳақиқатларини бутун зиддиятлари билан лўнда ифода этиш услуби, ўзига хос йўсинда талқин этиши журналнинг 1988 йил, 10-сонида эълон қилинган туркум шеърларида ҳам бўртиб туради. Халқона, ибораларнинг кўламдорлиги, сўзларнинг табиий қўйилиб келиши, унинг ҳаётийлиги, ўқимишли бўлишини таъминлаган.

Шундай қайта қурайликки,  
Энди умрбод,  
Биздан кейин ҳеч бир авлод  
Қайта қурмасин.

«Қайта қуриш» шеърида турғунлик даврида раҳбарлик курсиларини эгаллаган одамларнинг маънавий дунёси, уларнинг неларга қодирлиги поэтик тарзда ифодаланган. Шоир айрим раҳбар одамларнинг салбий башарасини тўғридан-тўғри ёритмайди. Уларни холис баҳолайди. Ёзувчининг санъаткорлик маҳорати ҳам шунда. Бундай раҳбарчаларнинг жамият фаровонлигига қўшган улушини «Эски ҳаммом, эски тос» шеърида ҳам кўриш мумкин.

Бозоримиз ўша бозор,  
Олой, Эски Жўвамиз...  
Бир тўрва пул билан тушсак,  
Тўлиб чиқмас тўрвамиз.

Улар қолдирган мерос биз учун қимматлими? Йўқ. Амалпарастлар нафақат ўз авлодининг эмас, балки келажак авлоднинг ҳам яшаш тарзига таъсирини кўрсатди.

Авлодларга қолар бўлди  
Заҳарланган ер мерос —

ва бу мерос бизни ҳаракатга ундайди.

Бундан буён аравада  
Жим ўтириш кетмайди.

Айнан шу ҳаракат шеър баркамоллигини таъминлаган.

Йўқса, тарих бир кун биздан  
Олажақдир алқасос,  
Насибамиз бўлгай мудом,  
Эски ҳаммом, эски тос.

Шоирнинг мазкур туркумдаги «Диагноз», «Уятчанлик», «Амалдорнинг ўлимига» сингари шеърларида турғунлик ва лоқайдлик йилларида ҳукм сурган турли-туман салбий ҳолат ва фаолиятлар турлича кўринишлари билан поэтик тафаккурда ифода этилади. Бу салбий иллатлар жамиятнинг касали деб баҳоланади:

Аслида-ку жамият бемор,  
Кимлар қўяр унга диагноз?

«Уятчанлик»даги тоифа образ бутун ранг ва жилолари, хатти-ҳаракат ва фаолиятлари, ички ва ташқи дунёсигача тўғри ва ҳаққоний ифодасини топади. Бу салбий тоифа — типнинг танаси сатира қамчиси билан саваланиб, бошига, жамиятнинг тавқи лаънатга ҳадяси бўлмиш адолат гурзиси қарсиллаб урилади:

Биз улардан кулсак, ичда  
Улар биздан кулади.  
Бу касални йўқ қилмасак  
Жуда уят бўлади.

Эркин Воҳидовнинг аксари асарларида лирик «мен» маънавияти истеҳзо, юмор билан ўқувчи кўз ўнгидега гавдаланади. Биргина мисол:

Дод, минг дод,  
Мен йўқотдим азиз кишимни!  
Улмай ўлгур,  
Битирмасдан кетди ишимни!

Мазкур мисрада, гўё жамиятимиз организмга ярадек ёпишган баъзи худбин ва манфаатпараст тоифаларнинг фош этилиши лозимлиги ҳақидаги ғоя жўнгина эмас, балки ўзига хос сатирик салобат билан сўзланганки, бу ҳолатлар ўқувчини жилмайтиради, айни дамда ғазабини қайнатади. Чунки, ўқувчи онгида икки хил қарама-қарши ҳолат тўқнашади: «Дод, минг дод, мен йўқотдим азиз кишимни!» дейилганда ўша ўлик эгасига ачиниб, унга таъзия изҳор қилиши истаги мияга ўрнашган дақиқада, «Улмай ўлгур, битирмасдан кетди ишимни!» ўқувчи онгида носамимий ҳолат садоси пайдо бўлиб тўқнашади ва аввал айтганимиздек, ўқувчи психологиясида нафақат ўлик эгасига, балки, ўша ўликка нисбатан ҳам истеҳзо пайдо бўлади. Булар, шоирнинг ўзига хос услуби самарасидир.

Эркин Воҳидовнинг «Дониш қишлоқ латифалари» туркумида макон ва замон, шароит ва фаолият тасвирлари диапозони кенг ва чексиз, ҳамда ўсувчандир. Нега? Туркум бош персонажи Матмуса худди актёрга ўхшайди. У ролага киради. Турли тоифадаги кишилар фаолиятини турлича ранг, ҳолат ва фаолиятда намён этади. Биргина мисол: Шоир томонидан аввалроқ яратилган «Дониш қишлоқ латифалари»даги Матмуса («Матмусанинг дутори») дуторнинг биргина торини чертиб: «Керакли парда шу!» — дейиши билан, юқоридан берилган топшириқнигина бажаришга ҳаракат қилиб, оддий одамлар образини ҳаёт саҳнасида ўйнаган бўлса, шоирнинг сўнги Матмусаси (ўша сонда) анча ўсган, ўзини элу юртга танитган, даврнинг обрўли одамларидан бири образини ҳаёт саҳнасида олиб чиқади:

Дониш қишлоқда энди  
Бошқа бирор кўшик йўк.  
Биргина Матмусанинг  
Кўшиғига тўсиқ йўк.

Юзаки қаралганда сўз фақат ҳофиз-ашулачи ҳақида кетади. Аммо шеър асосида ижтимоий-сиёсий маъно ётганлиги, гўё кул остида турган улкан чўғлар тўдасини эслатади. Эркин Воҳидовнинг қайта қуришга — покланишга ва янгилашишга муносабатини белгилашда, унинг завқидена ёзилган «Ажаб эрмас» шеъридаги лирик қаҳрамон нидолари таҳсинга лойиқдир. Лирик қаҳрамоннинг таъкидлашича бугунимиз «Катта йўлда бир довон», «довон ортида»ги йўл эса кенг ва равондир. Унда «фаровон юрту олам», тинч жаҳон, «барча орзуларимиз намён бўлса ажаб эмас». Энди «улуғвор тан»имизда чекилган дард, жароҳат, кулфату озор «унут бўлмай». Кўнглимиз «даврон шамолда» булут ниҳон бўлганидек, «доғ» ва «ғубор»дан тоза бўлмоғи бор.

Шоир бугунги куннинг муаммоси ҳисобланувчи қайта қуришга шоирона муносабат билдирар экан, меҳнаткаш халқ дилидаги гапларни, уларнинг орзу-умидларини ифодалайди. Бугунги кунимиз, қалбимиз турли ранг, ҳолат ва шароит, фаолиятлар фонидида поэтик ифодасини топганки, булар ўқувчининг онгини ўстиради ва фикрини чархлайди.

Нафас ҚУВВАТОВ.  
Самарқанд вилояти

«Шарқ юлдузи»ни мунтазам ўқиб бораман. Унда эълон қилинаётган роман, қисса, ҳикоя, шеърлар учун раҳмат. Чунки, янги чиққан китоблар кўп ҳам кутубхоналардан топилавермайди.

Журналнинг 1989 йил 5 сонидида ёзувчи Уктам Усмоновнинг «Кишан» деб номланган қиссаси босилди. Қизиқиш билан ўқидим. Асар яхши. Лекин, ёмон вазиятга тушиб қолгандайман. Айрим кимсаларга нисбатан нафратимнинг чеки йўқ. Тўғри, Тошмамаат Олимовнинг айби йўқ деёлмайман. Барибир бунчалик жазо?! Ҳўш, унда нима учун турмадагилар бепарво? Уларнинг ўзларини «тергаб» қўйиши керакмасмикан? Ноҳақликни ичимга сиғдиришмаяман.

Агар Уктам ака Усмонов журнал орқали қиссанинг яратилиши тарихи ва мени ҳайратга солган томонлари ҳақида сўзлаб берсалар мамнун бўлардим.

Гўзал АБДУЖАЛИЛОВА,  
Бекобод шаҳри

<b>НАСР</b>	
Учкун Назаров. Чаён йили. Роман . . . . .	2
Абдурашид Пардаев. Баҳорнинг охириги ёмғири. Ҳикоя . . . . .	84
Зоир Мамажонов. Душман. Ҳикоя . . . . .	87
Ғози Раҳмон. Ҳикоялар . . . . .	93
Анатолий Рибак. Арбат болалари. Роман . . . . .	101
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Усмон Азимов. Халил Султон. Тарихий-драматик қисса . . . . .	61
Эргашали Абдуллаев. Тушларингга кирар ойдин севинчлар . . . . .	90
<b>БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ</b>	
Амир Худойбердиев. Унут ерлар соғинар . . . . .	98
<b>БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ</b>	
Черкез Али. Дўстлик берди бизга умид . . . . .	136
<b>ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР</b>	
Мирзаали Муҳаммаджонов. Сув омборлари ва экология . . . . .	138
Григорий Резниченко. Орол ҳалокати . . . . .	142
«Новий мир» ва «Помир» журналларининг «Орол—88» экспедицияси натижалари бўйича давра суҳбати . . . . .	150
<b>ПУБЛИЦИСТИКА</b>	
Евгений Березиков. Амирнинг тилласи . . . . .	161
<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>	
Умрзоқ Улжабоев. Ижоднинг машаққатли йўли . . . . .	167
<b>ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР</b>	
Суннатупла Аҳмедов. Камолот йўлида . . . . .	173
<b>ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ</b>	
Абул Бозоров. Элбек билан учрашув . . . . .	176
<b>МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ</b>	
Бегали Қосимов. Шоир хотирасини излаб . . . . .	178
<b>БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ</b>	
Парда Турсун ёзишмалари . . . . .	185
<b>ТАҚРИЗ</b>	
Тоҳир Шермуродов. Иқтидорнинг ҳалол нигоҳи . . . . .	189
«ШАРҚ ЮЛУЗИ» ДАРСХОНАСИ . . . . .	191
<b>САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА</b>	
Файзулла Қиличев. Занжир Қисса . . . . .	195
<b>АКС-САДО</b> . . . . .	206

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 10

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев. Рассом Ф. Алимов. Мусаҳҳиҳ М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 14.08.89 й. Босишга рухсат этилди 28.09.89 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-10733. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма листи 1,3. Шартли босма тобоғи 18,2 +  
+ 0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95 + 0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб листи 20,2.  
Тиражи 148782. Буюртма 1362 Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41.